А. Т. Юсупов

Олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар давлат аттестацияси

(методологик-услубий, норматив-хуқуқий ва илмий-ташкилий йўналишлари)

ТОШКЕНТ
"O'ZBEKISTON"
2013

УЎК: 331.108.43
КБК 74.58р
Ю 91

Олий таълим. Кадрлар тайёрлаш

ОЛИЙ МАЛАКАЛИ ИЛМИЙ ВА ИЛМИЙ-ПЕДАГОГ КАДРЛАР ДАВЛАТ АТТЕСТАЦИЯСИ

(методологик-услубий, норматив-ҳуқуқий
ва илмий-ташкилий йўналишлари)

ГОСУДАРСТВЕННАЯ АТТЕСТАЦИЯ НАУЧНЫХ И НАУЧНО-ПЕДАГОГИЧЕСКИХ КАДРОВ ВЫСШЕЙ КВАЛИФИКАЦИИ

(методолого-методические, нормативно-правовые
и научно-организационные аспекты)

STATE ATTESTATION OF SCIENTIFIC AND SCIENTIFIC PEDAGOGICAL PERSONNEL OF HIGHER QUALIFICATION

(methodological, normative-legal and scientific and
organizational trends)

Тақризчилар:

Б. Бегалов – иқтисодиёт фанлари доктори;
Қ. Абдурасулова – юридик фанлар доктори;
У. Бегимқулов – педагогика фанлари доктори;
Н. Раҳмонов – филология фанлари доктори.

ISBN 978-9943-28-009-0

41864
Ю 491

© «O'ZBEKISTON» НМИУ, 2013

2014/8
A 642
Alisher Navoiy nomidagi O'zbekiston Mil

Ю 91 **Юсупов А.Т.**

Олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар давлат аттестацияси: методологик-услубий, норматив-ҳуқуқий ва илмий-ташкилий йўналишлари / А.Т. Юсупов. – Тошкент: Ўзбекистон, 2013. – 648 б.

ISBN 978-9943-28-009-0

УЎК: 331.108.43
КБК 74.58р

Китобда олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар давлат аттестациясининг методологик-услубий ва норматив-ҳуқуқий асослари ҳамда илмий-ташкилий йўналишларининг моҳияти очиб берилган; Ўзбекистонда таълим ва илм-фан тараққиёти масалалари таҳлил қилинган; олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар давлат аттестациясига оид атама, ибора ва бирикмалар бир тизимга келтирилиб, уларга изоҳлар берилган, шунингдек, уларнинг ўзбекча-русча, русча-ўзбекча луғати келтирилган; аттестация тадбирлари ва фан доктори илмий даражасини берувчи илмий кенгаш фаолиятини ташкил этишнинг тегишли масалалари ёритилган; давлат аттестацияси статистикаси ва самарадорлиги масалалари услубий жиҳатдан очиб берилган; олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар давлат аттестациясига оид савол-жавоблар ҳамда норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар талаблари асосида аттестация тадбирларини ташкил этиш бўйича тест саволлари ва давлат аттестациясининг бошқа йўналишлари кўриб чиқилган.

Мазкур нашр шу йўналишларда фаолият кўрсатаётган мутахассислар, олий ўқув юртидан кейинги таълим соҳаси ходимлари, олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар, фан доктори илмий даражасини берувчи илмий кенгашлар, муассасалар кенгашлари ҳамда илмий семинарлар аъзолари, шунингдек, катта илмий ходим-изланувчилар, мустақил изланувчилар, изланувчилар, студентлар ва кенг китобхонлар оммаси учун мўлжалланган.

В данной книге раскрыта сущность методолого-методических и нормативно-правовых основ, а также научно-организационных аспектов государственной аттестации научных и научно-педагогических кадров высшей квалификации; проанализированы вопросы развития образования и науки в Узбекистане; системно включены термины, выражения и словосочетания государственной аттестации научных и научно-педагогических кадров высшей квалификации, раскрыта их сущность, а также дан словарь на узбекско-русском, русско-узбекском языках; освещены аспекты организации аттестационных мероприятий и деятельность научного совета по присуждению ученой степени доктора наук; раскрыты методические аспекты статистики и эффективности государственной аттестации; приведены вопросы и ответы государственной аттестации научных и научно-педагогических кадров высшей квалификации, а также в соответствии с требованиями нормативно-правовых документов рассмотрены тестовые вопросы по организации аттестационных мероприятий и других аспектов государственной аттестации.

Данное издание предназначено для специалистов, работающих в вышеуказанных направлениях, сотрудников сферы послевузовского образования, научных и научно-педагогических кадров высшей квалификации, членов научных советов по присуждению ученой степени доктора наук, советов учреждений и научных семинаров, а также старших научных сотрудников-соискателей, самостоятельных соискателей, студентов и широкого круга читателей.

The book covers the essence of the state attestation of scientific and highly qualified scientific pedagogical personnel and normative-legal bases as well as scientific-organizational trends; the issues of education and science development in Uzbekistan have been analyzed; the terms, phrases and word combinations related to the state attestation of highly qualified scientific and scientific pedagogical personnel have been systemized and explained as well as their Uzbek-Russian, Russian-Uzbek have been provided; the relevant problems of organization of state attestation and scientific board of doctoral degree have been revealed; state attestation statistics and problems of efficiency have been widely emphasized by methodological point of view; tests on organization of attestation process and other trends of state attestation have been looked through on the basis of questionnaires concerning the attestation of highly qualified scientific pedagogical personnel and legal enactments.

The publication is intended for the specialists, postuniversity researchers, highly qualified scientific pedagogical personnel, scientific boards which award the doctorate degree, members of councils of institutions and scientific seminars, as well as, senior scientific and independent researchers, students and all interested readers as well.

МУНДАРИЖА

Кириш 6

I боб. **Ўзбекистонда таълим ва илм-фан тараққиёти** 13
Таълим. Кадрлар тайёрлаш миллий модели 13
Ўзбекистонда илм-фан: қадимий анъаналар
ва бугунги яратилган шарт-шароитлар 21
Олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар
давлат аттестацияси 49
Олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар давлат
аттестациясининг натижалари 58
Олий ўқув юртидан кейинги таълим тизимини ислоҳ қилиш 72
II боб. **Олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар давлат аттестациясининг методологик-услубий, норматив-ҳуқуқий ва илмий-ташкилий асослари** 81
Олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар давлат
аттестациясининг методологик-услубий ва илмий-ташкилий
масалалари 81
Олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар давлат
аттестациясининг ҳуқуқий асослари 121
III боб. **Олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар давлат аттестациясига оид атама, ибора ва бирикмалар** 131
Атама, ибора ва бирикмалар 131
Атама, ибора ва бирикмалар изоҳи 152
Луғат: ўзбекча-русча ва русча-ўзбекча 199/236
Олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар давлат
аттестациясига оид асосий ташкилий тузилмалар ва ташкилотлар. 272/289
IV боб. **Олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар давлат аттестациясига оид тадбирлар** 307

V боб. **Фан доктори илмий даражаси** 378
VI боб. **Фан доктори илмий даражасини берувчи илмий кенгаш** 393
VII боб. **Илмий унвонлар** 488
Илмий унвонларга тақдим этиш ва тасдиклашнинг меъёрий-услубий ва илмий-ташкилий масалалари 488
VIII боб. **Олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар давлат аттестацияси статистикаси ва самарадорлиги масалалари** 506
Олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар давлат аттестацияси статистикаси 506
Олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар давлат аттестацияси амалиётида шифрлаш (рақамлаштириш) 512
Олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар давлат аттестацияси самарадорлигини баҳолашнинг услубий масалалари 521
Олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар давлат аттестацияси статистикасига оид шакллар 527
IX боб. **Олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар давлат аттестациясига оид савол-жавоблар** 570
X боб. **Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар талаблари асосида тегишли аттестация тадбирларини ташкил этиш бўйича тест саволлари** 598
Олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар давлат аттестациясига оид асосий норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва адабиётлар 637
Фойдаланилган адабиётлар 646

КИРИШ

Инсоният тарихи ва жаҳон тараққиёти тажрибасидан маълумки, мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, жамиятни тараққий эттириш ва унинг жаҳондаги нуфузини ошириш ҳамда соғлом баркамол авлодни тарбиялаш жараёнида маънавият, таълим-тарбия ва илм-фан соҳалари алоҳида аҳамиятга эга. «Маънавият – инсонни руҳан покланиш, қалбан улғайишга чорлайдиган, одамнинг ички дунёси, иродасини бақувват, имон-эътиқодини бутун қиладиган, виждонини уйғотадиган беқиёс куч, унинг барча қарашларининг мезони»[1] бўлиб, ҳозирги кунда ҳам ҳар қайси халқ ва давлат тараққиётининг ҳамда таълим ва илм-фан ривожининг асосий шартларидан бири бўлиб қолмоқда.

Ўзбекистонда тарихан маънавият, таълим-тарбия ва илм-фан соҳалари ривожига жуда катта эътибор берилган. «Бу қадимий ва табаррук тупроқдан буюк алломалар, фозилу фузалолар, олиму уламолар, сиёсатчилар, саркардалар етишиб чиққан. Диний ва дунёвий илмларнинг асослари мана шу заминда яратилган, сайкал топган»[2]. Шуни таъкидлаш керакки, мамлакатимизда мустақилликка эришиш остонасида маънавият, таълим-тарбия ва илм-фан соҳаси ривожига катта эътибор қаратилди[3]. Мустақиллик йилларида юртимизда «ижтимоий йўналтирилган баркарор бозор иқтисодиётига, очиқ ташқи сиёсатга эга бўлган кучли демократик ҳуқуқий давлатни ва фуқаролик жамиятини барпо этиш»дан ибо-

---

[1] *Каримов И.А.* Юксак маънавият – енгилмас куч. Тошкент: Маънавият. 2008. 19-бет.

[2] *Каримов И.А.* Биз келажагимизни ўз қўлимиз билан қурамиз. Асарлар, 7-жилд. Тошкент: Ўзбекистон. 1999. 132-бет.

[3] *Каримов И.А.* Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида. Тошкент: Ўзбекистон. 2011. 439-бет.

рат бўлган пировард мақсадимизга эришиш йўлида таълим-тарбия ва илм-фан соҳаларини ривожлантириш масалаларига доимий равишда давлатимиз томонидан катта эътибор берилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов томонидан мустақилликнинг дастлабки кунларидан бошлаб ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётига ўтишнинг дунё миқёсида ўзбек модели деган ном билан тан олинган тараққиёт модели ишлаб чиқилиб, бугунги кунда ўзининг улкан амалий самарасини бермоқда. Ушбу модель мамлакатимизда илмий фаолиятни самарали ташкил этиш ҳамда олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар тайёрлаш ва уларни аттестациядан ўтказиш сифатини ошириб боришда алоҳида аҳамият касб этмоқда. Мазкур модель ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётига ўтиш борасидаги пировард мақсадимизни, мамлакатимизнинг ўзига хос хусусиятлари, халқимизнинг руҳияти ва миллий қадриятлари, шунингдек, жаҳон тараққиёти тажрибасини ўзида мужассамлаштирган илмий асосланган моделдир.

Таъкидлаш керакки, мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг қамровли ислоҳотлар натижасида барқарор иқтисодий ўсиш, айниқса, ижтимоий соҳаларни устувор ривожлантириш, таълим-тарбия ва илм-фан соҳаларини давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг мустаҳкам дастурий, услубий, илмий-ташкилий, маънавий ва иқтисодий асослари яратилди. «Биз истиқлолнинг дастлабки йилларида қабул қилган, машҳур беш тамойилга асосланган ижтимоий йўналтирилган эркин бозор иқисодиётига ўтиш модели йилдан-йилга илгарилаб борганимиз сари ўзини амалда оқлаб, нақадар тўғри ва пухта эканини исботламоқда, деб айтиш учун бугун барча асосларимиз бор»[1].

Истиқлол шарофати билан мамлакатимизда илмий-тадқиқот ишларини самарали ташкил қилиш бўйича дастурий чора-тадбирлар амалга оширилди, илм-фан ва технологиялар соҳасидаги илғор тенденциялар, ижтимоий-иқтисодий ривожланиш истиқболлари ва жамиятни маънавий юксалтириш талабларига мувофиқ олий

[1] *Каримов И.А.* Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. Тошкент: Ўзбекистон. 2009. 30–31-бетлар.

малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар тайёрлаш ва уларни давлат аттестациясидан ўтказиш тизими тубдан қайта шаклланти-рилди.

Олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар давлат аттестацияси соҳасидаги давлат сиёсатининг амалга оширилиши натижасида давлат аттестациясини ташкил этишнинг сифат жиҳатдан янги норматив-ҳуқуқий, услубий, илмий-ташкилий ва иқтисодий комплекс тадбирлар тизими ташкил этилди. Шуни қайд этиш керакки, мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий сиёсатининг таркибий қисми бўлган олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар давлат аттестацияси соҳасидаги давлат сиёсатини амалга ошириш жараёни кенг қамровли ислоҳотларга уйғун равишда олиб борилмоқда. Бу жараёнда олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар давлат аттестациясини ҳуқуқий асосларда ташкил этиш ишларига алоҳида эътибор берилиб, унинг ягона ҳуқуқий макони яратилди. Олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар давлат аттестациясининг ҳуқуқий асосини барпо этиш ва унинг юртимизда амалга оширилаётган ислоҳотларга уйғун равишда муттасил такомиллаштириб борилиши қонун устуворлиги тамойилига таянган ҳолда амалга оширилди. Бу борада Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги қонуни ва Кадрлар тайёрлаш миллий дастури ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг мазкур соҳа ривожига оид фармон ва қарорлари ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари алоҳида аҳамият касб этиб, олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар давлат аттестациясини ташкил этишнинг норматив-ҳуқуқий ва илмий-ташкилий тизимини яратишнинг асоси бўлиб хизмат қилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1992 йил 31 мартдаги «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси (Ўзбекистон Республикаси ОАК)ни ташкил қилиш тўғрисида»ги 371-сонли фармони билан мамлакатимизда олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар давлат аттестациясининг ҳуқуқий асоси ва яхлит тизими яратилиб, ушбу соҳада давлат сиёсатини амалга ошириш учун ваколатли давлат органи – Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси ташкил этилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг мазкур фармони ижроси бўйича қабул қилинган Вазирлар Маҳкамасининг 1992 йил 9 сентябрдаги «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси фаолиятини ташкил этиш масалалари тўғрисида»ги 421-сонли қарори билан Олий аттестация комиссияси фаолиятини ташкил этишнинг муҳим принциплари ва вазифалари белгилаб берилди.

Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон ва қарорлари ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари асосида олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрларнинг давлат аттестацияси бўйича қатор норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, жумладан, Ихтисослашган кенгаш ҳақида низом, Илмий даражалар бериш тартиби тўғрисида низом, Илмий унвонлар бериш тўғрисида низом ва Эксперт кенгаши тўғрисида низом ишлаб чиқилиб, белгиланган тартибда тасдикланди ва амалиётга жорий этилди. Мазкур норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотлар талабларидан келиб чиққан ҳолда такомиллаштириб борилди. Бу эса ўз навбатида олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрларнинг давлат аттестацияси сифатини ошириб бориш учун имкон яратди. Ўтган йиллар давомида олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар давлат аттестациясининг методологик-услубий, норматив-ҳуқуқий ва илмий-ташкилий асосларини такомиллаштириш бўйича тегишли изланишлар амалга оширилди[1].

Олий ўқув юртидан кейинги таълим тизимини сифат жиҳатдан тубдан такомиллаштиришда ва уни жаҳон миқёсидаги илғор андозаларга мувофиқлаштиришда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 2 ноябрдаги «Олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштиришнинг

[1] Итоги: аттестация научных и научно-педагогических кадров высшей квалификации за 1992–2001 годы. Под редакцией Ш.А. Аюпова. Ташкент. 2002. 416 с.; Методические указания к выполнению диссертационной работы. Составители А.А. Мухитдинов, Ш.П. Алимухамедов. Ташкент. 2005. 45 с.; М. Мухитдинов, А. Потапов. Подготовка и защита диссертации. Ташкент. 2005. 175 с.; Аттестация научных и научно-педагогических кадров (состояние, проблемы, перспективы). Ташкент. 2004. 294 с.

чора-тадбирлари тўғрисида»ги 1426-сонли ҳамда 2011 йил 20 майдаги «Олий таълим муассасаларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва юқори малакали мутахассислар тайёрлаш сифатини тубдан яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 1533-сонли қарорлари муҳим аҳамият касб этди.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг қамровли ислоҳотлар шароитида олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар давлат аттестацияси сифатини ошириш, бу борада самарали меъёрий қоидаларни жорий этиш, замонавий талаблардан келиб чиққан ҳолда, янгича ёндашувларни ишлаб чиқиш бўйича муайян тадбирлар амалга оширилди. Мустақиллик йилларида юртдошларимизнинг дунёқарашида туб ўзгаришлар рўй берди. «Энг муҳими, юртимизда моддий ва маънавий жараёнларнинг ўзаро мутаносиб тарзда ривожлантирилаётгани сиёсий-ижтимоий барқарорлик ва тараққиётнинг мустаҳкам гарови бўлиб хизмат қилмоқда»[1].

Мамлакатимиз таълим тизими тубдан ислоҳ қилиниб, жаҳон миқёсида эътироф этилган натижаларга эришилди, жумладан, замонавий узлуксиз таълим турлари жорий этилди (мактабгача таълим, умумий ўрта таълим, мактабдан ташқари таълим, ўрта махсус касб-ҳунар таълими, олий таълим, олий ўқув юртидан кейинги таълим, кадрлар малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш тизими); халқаро стандартларга мувофиқ ҳолда олий таълимнинг икки босқичли тизими – бакалавриат ва магистратура ташкил этилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 24 июлдаги «Олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрларни тайёрлаш ва аттестациядан ўтказиш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида»ги 4456-сонли фармони халқаро стандартларни ҳисобга олган ҳолда, олий ўқув юртидан кейинги таълим тизимини тубдан ислоҳ қилиш, шунингдек, диссертация тадқиқотларининг сифати ва илмий-амалий аҳамиятини ошириш, ёшларнинг ўз ижодий ва интеллектуал салоҳиятини намоён этиши учун шароитлар яратишда алоҳида амалий аҳамият касб этмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг мазкур фармони ижроси юзасидан қабул қилинган Вазирлар Маҳкамасининг 2012

---

[1] *Каримов И.А.* Юксак маънавият – енгилмас куч. Тошкент: Маънавият. 2008. 70-бет.

йил 28 декабрдаги «Олий ўқув юртидан кейинги таълим ҳамда олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрларни аттестациядан ўтказиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 365-сонли қарори олий ўқув юртидан кейинги таълим ва давлат аттестациясини сифат жиҳатдан юксалтиришда муҳим қадам бўлди. Мазкур қарор билан, жумладан, замонавий талаблардан келиб чиққан ҳолда «Олий ўқув юртидан кейинги таълимга қўйиладиган давлат талаблари», «Олий ўқув юртидан кейинги таълим тўғрисида низом» ва «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси тўғрисида низом» тасдиқланди; Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясининг ташкилий тузилиши ва унинг низоми тубдан қайта кўриб чиқилди.

Замонавий талаблар асосида олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар давлат аттестациясини тубдан такомиллаштириш бўйича белгиланган вазифалар асосида мазкур жараённинг методологик-услубий ва илмий-ташкилий йўналишларини, меъёрий-ташкилий механизмларини аниқ тизимга солиб, уларнинг маъно-мазмунини очиб бериш бугунги кундаги долзарб вазифалардан бири ҳисобланади. Мазкур вазифани амалга ошириш олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар давлат аттестацияси сифатини оширишга хизмат қилиб, шу боисдан ушбу китобда олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар давлат аттестациясининг моҳияти, асосий тамойиллари, методологик-услубий ва норматив-ҳуқуқий масалалари, илмий-ташкилий йўналишлари ва муҳим аттестация тадбирлари атрофлича ёритилган.

Тажриба шуни кўрсатмоқдаки, олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар давлат аттестациясига оид атамаларни қўллашда ягона ёндашувни татбиқ этиш алоҳида аҳамиятга эга, бу давлат аттестацияси сифатини оширишда муҳим услубий асос бўлиб хизмат қилади. Шу йўлдаги дастлабки қадам бўлган мазкур ишда ушбу йўналишдаги мавжуд тажриба ва ёндашувлар, шарҳлар ва нашр этилган қатор тадқиқот ишлари таҳлил этилиб, замонавий талабларни эътиборга олган ҳолда, олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар давлат аттестациясига оид атама, ибора ва бирикмаларга изоҳлар берилди. Бу эса ўз навбатида давлат аттес-

тацияси бўйича ягона ёндашувни таъминлаш ва унинг сифатини оширишга хизмат қилади.

Шунингдек, олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар давлат аттестациясига оид атамаларнинг ўзбекча-русча ва русча-ўзбекча луғати берилган. Бу луғат зарур атамаларнинг икки тилда ҳам бир хил принцип асосида ишлатилиши ҳамда тегишли ҳужжатларни сифатли расмийлаштириш учун имкон яратади.

Олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар давлат аттестацияси сифати ва самарадорлигини оширишда статистика ва таҳлил ишлари алоҳида аҳамиятга эга экани эътиборга олиниб, китобда шу йўналишга оид услубий тавсиялар келтирилган.

Олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар давлат аттестацияси бўйича амалий тажрибадан келиб чиққан ҳолда, кўпгина услубий масалалар савол-жавоб ва тест саволлари шаклида ёритилди. Бу эса мутахассислар ва изланувчилар томонидан тегишли масалаларга янада чуқур ёндашиш ва уларнинг моҳиятига теран кириб бориш асосида илмий ва илмий-педагогик фаолият самарадорлигини оширишнинг услубий манбаи бўлиб хизмат қилади.

Ушбу нашр олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар тайёрлаш ва уларни давлат аттестациясидан ўтказиш тизими ҳамда олий ўқув юртлари ва илмий-тадқиқот муассасаларида фаолият кўрсатаётган мутахассислар, илмий даражада тасдиқланганлар, илмий ва илмий-педагог кадрлар, фан доктори илмий даражасини берувчи илмий кенгашлар, муассасалар илмий кенгашлари ҳамда илмий семинарлар аъзолари, изланувчилар ва студентларга ўз фаолиятларини мақсадли ва самарали ташкил этишга ҳар томонлама ёрдам беради, деб ўйлаймиз.

Айни вақтда олимлар, мутахассислар, илмий даражада тасдиқланганлар кенг илмий жамоатчилик вакиллари томонидан кўп йиллик илмий-амалий тажриба ва кузатишларининг маҳсули бўлган ушбу ишни келгусида янада бойитиш ва такомиллаштириш юзасидан билдириладиган таклиф-мулоҳазаларни кутиб қоламиз.

I боб

ЎЗБЕКИСТОНДА ТАЪЛИМ ВА ИЛМ-ФАН ТАРАҚҚИЁТИ

Таълим. Кадрлар тайёрлаш миллий модели

Мамлакатимизнинг ижтимоий-иқтисодий тараққиётини таъминлаш, ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиёти ва кучли ҳуқуқий демократик давлат барпо этиш, жамиятнинг маънавий янгиланишини амалга ошириш, баркамол авлодни тарбиялаш, халқимизнинг турмуш даражаси ва сифатини ошириш, жаҳон ҳамжамиятида ўзимизнинг муносиб ўрнимизни эгаллашимизда таълим-тарбия соҳасини замонавий талаблар асосида ташкил қилиш ва ривожлантириш алоҳида аҳамият касб этади. «Иқтисодий ва сиёсий соҳалардаги барча ислоҳотларимизнинг пировард мақсади юртимизда яшаётган барча фукаролар учун муносиб ҳаёт шароитларини ташкил қилиб беришдан иборатдир. Айнан шунинг учун ҳам маънавий жиҳатдан мукаммал ривожланган инсонни тарбиялаш, таълим ва маорифни юксалтириш, миллий уйғониш ғоясини рўёбга чиқарадиган янги авлодни вояга етказиш давлатимизнинг энг муҳим вазифаларидан бири бўлиб қолади»[1].

Шуни таъкидлаш керакки, мамлакатимиз таълим тизими тараққиёти кўҳна тарихга эга бўлиб, ўзининг эволюцион ривожи, миллий илдизлари ва бой тажрибасига эгадир. «Ўзбек халқи таълим тизимининг тараққиёти кўп асрлик тарихга эга. Таълим тизими бевосита ёзув билан узвий боғлиқ. Ёзув муайян таълим тизимига эга бўлган юртда пайдо бўлади. Ўзбекистон ҳудудида яшаган халқларда суғд ёзуви милоддан аввалги асрларда пайдо бўлиб, минг йиллар давомида қўлланиб келган. Ўзбекистон заминида мактаблар, мадрасалар ва бошқа таълим шакллари пайдо бўла борди ва ривожланди. IX аср охири – X аср бошларида Бухоро, Самарқанд, Урганч ва бошқа шаҳарларда вужудга келган йирик мадрасаларда

[1] *Каримов И.А.* Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. Асарлар, 3-жилд. Тошкент: Ўзбекистон. 1996. 15-бет.

диний ва дунёвий фанлардан олий ва ўрта маълумот бериш амалга оширилган. Бу ерда таркиб топган олий таълим тизими кейинчалик Эрон, Ирок, Сурия, Кичик Осиё, Миср ва бошқа ғарб мусулмон мамлакатларига тарқалган»[1].

Халқимиз томонидан таълим-тарбия ишларига кейинги даврларда ҳам катта аҳамият берилди. Халқимизга хос азалий хусусият таълимга интилувчанлик бўлса, иккинчидан, диёримизда қадимдан таълим ва фан соҳасини ривожлантириш учун зарур муҳит мавжуд бўлган.

Мустақилликнинг биринчи кунларидан бошлаб мамлакатимизда таълим тизимини тубдан янгилаш, соҳани сифат жиҳатдан ривожлантириш ва баркамол авлодни тарбиялаш ишларига устувор йўналиш сифатида қаралди. «Ҳар қайси давлат, ҳар қайси миллат нафақат ер ости ва ер усти бойликлари билан, ҳарбий қудрати ва ишлаб чиқариш салоҳияти билан, балки биринчи навбатда ўзининг юксак маданияти ва маънавияти билан кучлидир. ... Шу боис мамлакатимизнинг истиқлол йўлидаги биринчи қадамлариданоқ буюк маънавиятимизни тиклаш ва янада юксалтириш, миллий таълим-тарбия тизимини такомиллаштириш, унинг миллий заминини мустаҳкамлаш, замон талаблари билан уйғунлаштириш асосида жаҳон андозалари ва кўникмалари даражасига чиқариш мақсадига катта аҳамият бериб келинмоқда»[2]. Мамлакатимизда таълим-тарбия тизимини тубдан ўзгартириш ва уни замонавий даражага кўтариш юзасидан Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов ташаббуси ва бевосита раҳбарлигида Кадрлар тайёрлаш миллий дастури ишлаб чиқилди ҳамда амалиётга жорий этилди. Мазкур дастурнинг мақсади – «таълим соҳасини тубдан ислоҳ қилиш, уни ўтмишдан қолган мафкуравий қарашлар ва сарқитлардан тўла халос этиш, ривожланган демократик давлатлар даражасида, юксак маънавий ва ахлоқий талабларга жавоб

---

[1] Ўзбекистон Республикаси. Энциклопедия. Тошкент: Қомуслар бош таҳририяти. 1997. 274-бет.

[2] Баркамол авлод – Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. Тошкент: Шарқ НМК Бош таҳририяти. 1998. 5-бет.

берувчи юқори малакали кадрлар тайёрлаш Миллий тизимини яратишдир»[1].

Шахс, давлат ва жамият, узлуксиз таълим, фан ва ишлаб чиқариш кадрлар тайёрлаш миллий моделининг таркибий қисмлари бўлиб ҳисобланади (1.1-расм). Унга кўра, «Шахс – кадрлар тайёрлаш тизимининг бош субъекти ва объекти, таълим соҳасидаги хизматларнинг истеъмолчиси ва уларни амалга оширувчи; давлат ва жамият – таълим ва кадрлар тайёрлаш тизимининг фаолиятини тартибга солиш ва назорат қилишни амалга оширувчи кадрлар тайёрлаш ва уларни қабул қилиб олишнинг кафиллари; узлуксиз таълим – малакали рақобатдош кадрлар тайёрлашнинг асоси бўлиб, таълимнинг барча турларини, давлат таълим стандартларини, кадрлар тайёрлаш тизими тузилмаси ва унинг фаолият кўрсатиш муҳитини ўз ичига олади; фан – олий малакали мутахассислар тайёрловчи ва улардан фойдаланувчи, илғор педагогик ва ахборот технологияларини ишлаб чиқувчи; ишлаб чиқариш – кадрларга бўлган эҳтиёжни, шунингдек, уларнинг тайёргарлик сифати ва савиясига нисбатан қўйиладиган талабларни белгиловчи асосий буюртмачи, кадрлар тайёрлаш тизимини молия ва моддий-техника жиҳатидан таъминлаш жараёнининг қатнашчиси»[2] дир.

Узлуксиз таълим кадрлар тайёрлаш миллий моделининг муҳим қисми ҳисобланиб, «Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий-иқтисодий тараққиётини таъминловчи, шахс, жамият ва давлатнинг иқтисодий, ижтимоий, илмий-техникавий ва маданий эҳтиёжларини қондирувчи устувор соҳадир. Узлуксиз таълим ижодкор, ижтимоий фаол, маънавий бой шахс шаклланиши ва юқори малакали рақобатбардош кадрлар илдам тайёрланиши учун зарур шарт-шароитлар яратади»[3]. Кадрлар тайёрлаш миллий дас-

---

[1] Кадрлар тайёрлаш миллий дастури. Баркамол авлод – Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. Тошкент: Шарқ НМК Бош таҳририяти. 1998. 39-бет.

[2] Ўша манба. 41–42-бетлар.

[3] Ўша манба. 43-бет.



1.1-расм. Кадрлар тайёрлаш миллий модели

1.1-расм

Узлуксиз таълимни ислоҳ қилиш йўналишлари[1]:	*Узлуксиз таълимни ташкил этиш ва ривожлантириш принциплари*[2]:
1. Таълим тизимининг кадрлар салоҳиятини тубдан яхшилаш, тарбиячи, ўқитувчи, муаллим ва илмий ходимнинг касбий нуфузини ошириш.	А. Таълимнинг устуворлиги.
2. Давлат ва нодавлат таълим муассасаларининг ҳар хил турларини ривожлантириш.	Б. Таълимнинг демократлашуви.
3. Таълим тизимини таркибий жиҳатдан қайта қуриш; таълим, фан, техника ва технологиянинг, иқтисодиёт ва маданиятнинг жаҳон микёсидаги замонавий ютуқларини ҳисобга олган ҳолда таълим ва касб-ҳунар таълими дастурларини тубдан ўзгартириш.	В. Таълимнинг инсонпарварлашуви.
4. Мажбурий умумий ўрта таълимдан ўрта махсус, касб-ҳунар таълимига ўтишни таъминлаш.	Г. Таълимнинг ижтимоийлашуви.
5. Узлуксиз таълимни фан ва ишлаб чиқариш билан интеграциялаштиришнинг пухта механизмларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш.	Д. Таълимнинг миллий йўналтирилганлиги.
6–15. Бошқалар.	Е. Таълим ва тарбиянинг узвий боғлиқлиги бу жараённинг ҳар томонлама камол топган инсонни шакллантиришга йўналтирилганлиги.
	Ё. Иқтидорли ёшларни аниқлаш ва уларга таълимнинг энг юқори даражасида, изчил равишда фундаментал ва махсус билим олишлари учун шарт-шароит яратиш.

турига мувофиқ, узлуксиз таълимнинг қуйидаги турлари мавжуд: мактабгача таълим, умумий ўрта таълим, ўрта махсус касб-ҳунар таълими, олий таълим, олий ўқув юртидан кейинги таълим, кадрлар малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш ҳамда мактабдан ташқари таълим.

«Ўзбекистонда мустақиллик йилларида таълим тизимининг барча турларини, жумладан, олий малакали илмий ва илмий-педа-

[1] Кадрлар тайёрлаш миллий дастури. 44-бет.

[2] Ўша манба. 43-бет.

201 4/8
A
642
Alisher Navoiy nomidagi O'zbekiston MK

гог кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан ислоҳ қилиш бўйича аниқ мақсадли кенг миқёсдаги ишлар амалга оширилди. Кадрлар тайёрлаш миллий дастури, Мактаб таълимини ривожлантиришнинг давлат умуммиллий дастурини муваффақиятли амалга ошириш натижасида таълим жараёнининг барча босқичларини қамраб олувчи, замонавий ўқув-лаборатория ускуналари ва компьютер техникаси билан жиҳозланган умумтаълим мактаблари, касб-хунар коллежлари ва академик лицейлар, олий таълим муассасаларидан иборат, юқори талабларга жавоб берувчи узлуксиз таълимнинг яхлит тизими яратилди. Олий таълимнинг замонавий халқаро стандартларга жавоб берадиган икки босқичли тизими – бакалавриат ва магистратура яратилди. Стажёр-тадқикотчи-изланувчилар ва катта илмий ходимлар-изланувчилар институтлари жорий қилинди, уларни моддий рағбатлантириш шароитлари сезиларли даражада яхшиланди»[1]. 2013 йил 1 январдан бошлаб, халкаро талаб ва стандартларга мувофиқ, олий ўқув юртидан кейинги таълим бир босқичли тизимининг жорий қилиниши катта тарихий аҳамиятга моликдир.

Узлуксиз таълимнинг олий ўқув юртидан кейинги таълим тури олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар тайёрлашда алоҳида аҳамият касб этади. Ўзбекистон Республикаси «Таълим тўғрисида»ги қонунининг 15-моддасига асосан олий ўқув юртидан кейинги таълим олий таълим ва илмий-тадқикот муассасаларида олиниши мумкин. Кадрлар тайёрлаш миллий дастурига мувофиқ, «олий ўқув юртидан кейинги таълим жамиятнинг олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрларга бўлган эҳтиёжини қондиришга, шахснинг ижодий, таълим-касб-ҳунар манфаатларини қаноатлантиришга қаратилган. ...Олий ўқув юртидан кейинги таълимни қўллаб-кувватлаш ва ривожлантириш тадбирлари қуйидагиларни ўз ичига олади: «Таълим тўғрисидаги» қонунга ҳамда мамлакатни ижтимоий ва иқтисодий ривожлантириш истиқболларига мувофиқ, олий малакали илмий ва илмий-педа-

[1] Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 24 июлдаги «Олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар тайёрлаш ва аттестациядан ўтказиш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида»ги 4456-сонли фармони.

гог кадрларни тайёрлаш ва аттестациядан ўтказиш тизимини такомиллаштириш; касб таълими тизими учун олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрларни ҳамда илғор педагогик технологиялар соҳасида илмий кадрларни устувор равишда тайёрлаш...»[1]. Олий ўқув юртидан кейинги таълим диссертациялар ҳимояси билан якунланади. 1992–2012 йилларда 2322 нафар тадқиқотчи фан доктори ва 12403 нафар тадқиқотчи фан номзоди илмий даражаларида тасдиқланган.

Таълим ва илмий тадқиқотлар сифатини ошириш, жамиятнинг илмий кадрлар ва маҳсулотларга бўлган талабини қондириш ҳамда олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар тайёрлашни замонавий талаблар асосида амалга оширишдан келиб чиққан ҳолда, Кадрлар тайёрлаш миллий тизимида илм-фанга алоҳида аҳамият берилади, чунки фан соҳасида:

«табиат ва жамият тараққиёти қонуниятлари тўғрисидаги янги фундаментал ва амалий билимлар шаклланади, кадрлар тайёрлаш тизимида оммалаштириш, ўрганиш ва фойдаланиш учун керакли илмий натижалар жамланади;

олий малакали илмий ва педагог кадрлар тайёрлаш амалга оширилади;

кадрлар тайёрлаш жараёнини илмий-тадқиқот жиҳатидан таъминлаш инфратузилмаси вужудга келтирилади, таълимнинг ахборот тармоқларида фойдаланиш мақсадида билимнинг турли соҳалари бўйича ахборот базаси шакллантирилади;

мамлакатимиз илм-фанининг жаҳон илм-фанига интеграцияси содир бўлади, замонавий илм-фан ва технологияларнинг энг муҳим муаммоларини ҳал этиш учун илмий ютуқлар ва кадрларнинг халқаро микёсда алмашинуви амалга оширилади»[2].

«Таълим тўғрисида»ги қонунга мувофиқ, илмий ва илмий-педагог кадрларни тайёрлаш, илмий даражалар ва илмий унвонлар бериш тартиби тегишли норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланади.

Таълим соҳасидаги давлат сиёсати ва Кадрлар тайёрлаш миллий дастури асосида амалга оширилган тадбирлар натижасида дунёда

---

[1] Кадрлар тайёрлаш миллий дастури. 50-бет.

[2] Ўша манба. 51–52-бетлар.

ўз нуфузига эга бўлган модель ишлаб чиқилди ва амалиётга жорий этилди. «Ўтган йили мамлакатимиз ҳаётида ҳақиқатдан ҳам улкан тарихий аҳамиятга эга муҳим ижтимоий дастурлар – Кадрлар тайёрлаш миллий дастури ва Мактаб таълимини ривожлантириш давлат умуммиллий дастурининг ижроси амалда ниҳоясига етказилди. 9 йиллик умумтаълим мактаб босқичини ва 3 йиллик ўрта махсус, касб-ҳунар таълим босқичини ўз ичига олган узлуксиз яхлит таълим тизими яратилди»[1]. Шуни мамнуният билан таъкидлаш керакки, «2012–2013 ўқув йилида мамлакатимизда 12 йиллик мажбурий таълимга ўтиш тўлиқ таъминланди. ... Таълим соҳасидаги ишларимизни сарҳисоб қилар эканмиз, Франциядаги дунёнинг энг яхши бешта бизнес мактаби қаторига кирадиган «Инссад» халқаро бизнес мактабининг 2012 йилги «Инновацияларнинг глобал индекси» маърузасида баён этилган маълумотларни келтириш ўринли, деб ўйлайман. Маъруза Жаҳон интеллектуал мулк ташкилоти билан ҳамкорликда тайёрланган. Ушбу маърузада дунёнинг 141 мамлакатидаги инновацион ривожланиш комплекс тарзда таҳлил қилинган. Таҳлилнинг асосий таркибий қисмларидан бири инсон капиталини ривожлантириш даражаси бўлиб, мазкур кўрсаткич бўйича бизнинг мамлакатимиз 35-ўринни эгаллаган. Таълим тизимини ривожлантириш даражаси бўйича эса Ўзбекистон – шунга эътибор беринглар – дунёнинг 141 мамлакати орасида иккинчи ўринни банд этган»[2].

Бугунги кунда мамлакатимизда замонавий моддий-техник базага эга бўлган ўн мингдан ортиқ умумтаълим мактаби ҳамда мактабгача ва мактабдан ташқари таълим муассасаси фаолият олиб бормоқда. Мамлакатимиз минтақаларини тўлиқ қамраб олган ва «замонавий таълим стандартлари асосида жиҳозланган 1549 та касб-ҳунар коллежи ва академик лицей фаолият юритмоқда, ҳо-

---

[1] *Каримов И.А.* Асосий вазифамиз – Ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир. Тошкент: Ўзбекистон. 2010. 48-бет.

[2] *Каримов И.А.* Бош мақсадимиз – кенг кўламли ислоҳотлар ва модернизация йўлини қатъият билан давом эттириш.Тошкент: Ўзбекистон. 2013. 15–17-бетлар.

зирги кунда уларда 1623,1 минг нафар ўқувчи билим олмоқда»[1]. Мамлакатимизда 67 та олий таълим муассасаси фаолият кўрсатмоқда.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотлар шароитида олий ўқув юртидан кейинги таълимни такомиллаштириш борасида қатор тадбирлар амалга оширилди. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 24 июлдаги «Олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар тайёрлаш ва аттестациядан ўтказиш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида»ги 4456-сонли фармони билан олий ўқув юртидан кейинги таълимнинг сифат жиҳатдан янгиланган мазмуни жорий этилди.

Ўзбекистонда илм-фан: қадимий анъаналар ва бугунги яратилган шарт-шароитлар*

Маънавият ва илму маърифатнинг жамият тараққиёти, мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришни таъминлашдаги ва баркамол авлод тарбиясидаги ўрни нақадар катта эканини кўхна тарихимиздан, бугунги ҳаётимиздан олинган кўплаб мисоллар тасдиқлайди. Айниқса, азал-азалдан жаҳон маънавий тараққиётида доимо етакчи мавқени эгаллаб келган жуда қадимий илмий-маданий илдизларга эга бўлган бизнинг халқимиз илм-маърифатнинг қадрини яхши билади. «Аждодларимиз тафаккури ва даҳоси билан яратилган энг қадимги тошёзув ва битиклар, халқ оғзаки ижоди намуналаридан тортиб, бугунги кунда кутубхоналаримиз хазинасида сақланаётган минг-минглаб қўлёзмалар, уларда мужассамлашган тарих, адабиёт, санъат, сиёсат, ахлоқ, фалсафа, тиббиёт, математика, минералогия, кимё, астрономия, меъморлик, деҳқончилик ва бошқа соҳаларга оид қимматбаҳо асарлар бизнинг буюк маънавий бойлигимиздир. Бунчалик катта меросга эга бўлган халқ дунёда камдан-кам топилади»[2].

---

[1] Ўзбекистон Республикаси иқтисодий-ижтимоий тараққиётининг мустақиллик йилларидаги (1990–2010 йиллар) асосий тенденциялари ҳамда 2011–2015 йилларга мўлжалланган прогнозлари. Тошкент: Ўзбекистон. 2011. 106-бет.

[2] *Каримов И.А.* Юксак маънавият – енгилмас куч. 30–31-бетлар.

* Мазкур бўлим тарих фанлари доктори С. Каримова билан биргаликда тайёрланган.

Ана шу бойликни замон талаблари асосида бугунги эзгу мақсадларимизга хизмат қилдириш бошқа соҳалар қатори илм-фан олдига ҳам улкан вазифалар қўяди. Шу нуқтаи назардан қараганда, Президентимиз Ислом Каримовнинг қуйидаги фикрлари ғоят муҳим аҳамиятга эгадир: «Мамлакатнинг иқтисодий қудратини, унинг эртанги кунини, борингки, тақдирини ҳам пировард натижада ақл-заковат, маънавият ҳал қилади. Зеро, илмга интилиш йўқолса, фан тараққий этмайди, илму фан ривожланмаса – жамиятнинг келажагини тасаввур этиб бўлмайди»[1].

Жаҳонда илмий-техникавий тараққиёт шиддат билан ривожланаётган ва глобаллашув жараёнлари чуқурлашиб бораётган ҳозирги шароитда илм-фаннинг салмоғи ҳар қачонгидан ҳам ортиб, ҳар бир давлатнинг ривожланишига, халқ фаровонлигининг ошишига, мамлакатнинг жаҳондаги нуфузига таъсир кўрсатадиган муҳим омилга айланиб бормоқда. «XXI асрда қайси давлат қудратли, қайси халқ кучли бўлади? Бу саволга аҳолиси интеллектуал нуқтаи назардан баркамол, ёшлари билимли, ор-номусли, ватанпарвар бўлиб униб-ўсаётган давлат, деб жавоб қайтариш мумкин»[2]. Алоҳида таъкидлаш керакки, бу жараёнда баркамол авлодни тарбиялаш ишлари, айниқса, улкан аҳамият касб этади. Шу боисдан «биз фарзандларимизнинг нафақат жисмоний ва маънавий соғлом ўсиши, балки уларнинг энг замонавий интеллектуал билимларга эга бўлган, уйғун ривожланган инсонлар бўлиб, XXI аср талабларига тўлиқ жавоб берадиган баркамол авлод бўлиб вояга етиши учун зарур барча имконият ва шароитларни яратишни ўз олдимизга мақсад қилиб қўйганмиз»[3]. Мустақиллик йилларида мамлакатимизда илм-фанни ривожлантиришга устувор вазифа сифатида ёндашилиб, уни давлат томонидан қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

---

[1] *Каримов И.А.* Бунёдкорлик йўлидан. Асарлар, 4-жилд. Тошкент: Ўзбекистон. 1996. 88-бет.

[2] *Каримов И.А.* Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт – пировард мақсадимиз. Асарлар, 8-жилд. Тошкент: Ўзбекистон. 2000. 437-бет.

[3] *Каримов И.А.* Асосий вазифамиз – Ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир. Тошкент: Ўзбекистон. 2010. 74-бет.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг қамровли ислоҳотлар натижасида таълим ва фан соҳаларини ривожлантиришнинг ҳуқуқий асослари барпо этилди ва муттасил такомиллаштириб борилмоқда. Бу борада амалга оширилган саъй-ҳаракатлар ўз самарасини бермоқда. «Биз истиқлолнинг дастлабки йилларида қабул қилган, машҳур беш тамойилга асосланган ижтимоий йўналтирилган эркин бозор иқтисодиётига ўтиш модели йилдан-йилга илгарилаб борганимиз сари ўзини амалда оқлаб, нақадар тўғри ва пухта эканини исботламоқда, деб айтиш учун бугун барча асосларимиз бор»[1]. Амалга оширилган кенг кўламли дастурий тадбирлар натижасида илм-фанимиз замон талаблари билан уйғун ва ҳамоҳанг равишда ривожланиб бормоқда.

Табиийки, бундай тараққиёт замонавий шарт-шароит ва омиллар билан бир қаторда халқимизнинг кўҳна тарихи, бой маданий ва маънавий меросига асосланади. Она диёримизда илм-фан ривожига шарт-шароит яратишга қадимдан катта эътибор бериб келинган. Илму маърифатга интилиш халқимизга хос хусусиятдир. «Табиий бойликлар, қулайликлар ўз йўлига, лекин шундай бир ноёб бойлигимиз борки, бу – меҳнаткаш халқимиз ва унинг ақл-заковатидир. Бу бойлик билан ҳар қанча фахрлансак арзийди»[2].

Тарихан юртимизда таълим ва фан соҳаларини ривожлантириш учун зарур муҳитнинг мавжудлиги туфайли «бу қадимий ва табаррук тупроқдан буюк алломалар, фозилу фузалолар, олиму уламолар, сиёсатчилар, саркардалар етишиб чиққан. Диний ва дунёвий илмларнинг асослари мана шу заминда яратилган, сайқал топган»[3]. Шуни мамнуният билан таъкидлаш керакки, «Самарқанд, Тошкент, Бухоро, Хива, Шаҳрисабз, Термизнинг ноёб тарихий ёдгорликлари, Буюк Шарқ мутафаккирлари Ал-Бухорий, Ат-Термизий, Аҳмад Яссавий, Баҳоуддин Нақшбанд, Ал-Беруний,

[1] *Каримов И.А.* Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. Тошкент: Ўзбекистон. 2009. 30–31-бетлар.

[2] *Каримов И.А.* Бунёдкорлик йўлидан. Асарлар, 4-жилд. Тошкент: Ўзбекистон. 1996. 85-бет.

[3] *Каримов И.А.* Биз келажагимизни ўз кўлимиз билан курамиз. Асарлар, 7-жилд. Тошкент: Ўзбекистон. 1999. 132-бет.

Абу Али ибн Сино, Муҳаммад Хоразмий, Аҳмад Фарғоний, Алишер Навоий, Мирзо Улуғбек, Бобур асарлари бутун башариятнинг бебаҳо мулки бўлиб қолди»[1]. Улар яратган маданий мерос жаҳон илм-фани тараққиётига, ижтимоий-иқтисодий соҳалар ривожига ва инсон камолотига хизмат қилмоқда.

Археологик топилмалар ва ўрта аср ёзма манбаларининг гувоҳлик беришича, Марказий Осиё ҳудудида қадимдан шаҳар маданияти ривожланган бўлиб, минтақанинг ўтроқ цивилизацияси сунъий суғоришга асосланган эди. Ирригациянинг ривожи учун астрономик ва математик билимлар зарур эди. Улар дарёларда сувнинг кўпайиш вақтини аниқлаш, қазиладиган каналларнинг йўналишларини белгилаш, тўғонларни созлаш, суғориладиган ерлар майдонини ўлчаш, қишлоқ хўжалик тақвимини тузиш учун хизмат қилган. Масалан, астрономия чўл ва саҳролар орқали ўтадиган карвон йўллари йўналишларини аниқлаш учун ҳам амалий аҳамиятга эга бўлган, чунки бундай шароитда йўлбошловчи ва саёҳатчилар учун юлдузлар асосий йўл мўлжал, яъни маёқ бўлиб хизмат қилган. Археологик маълумотларга кўра, Марказий Осиё ҳудудида қадимдан астрономик кузатишлар олиб борилган. Жумладан, милоддан аввалги IV аср ва милодий I асрга мансуб Хоразмдаги Қўйқирилган қалъа қазилмаларида ясси устурлоб колдиқлари топилган[2]. Берунийнинг (973–1048) маълумот беришича, хоразмий тилида «ахтарвеник» сўзи астроном деган маънога эга бўлиб, хоразмликлар юлдуз туркумларини арабларга нисбатан яхшироқ билганлар[3]. Астрономия баробарида математика ҳам ривожланган: у курилиш ишлари, савдо, мерос ва мулкчилик масалаларини ҳал этишда кенг қўлланган.

Марказий Осиёда табиий фанларнинг пайдо бўлиши минтақада қадимда ҳунармандчилик соҳасининг ривожи билан боғлиқ бўлиб, унда юқори ҳароратли жараёнлар (руда эритиш, шишасозлик ва кулолчилик), доришунослик ва бўёқчилик, ачитиш билан боғлиқ

[1] *Каримов И.А.* Бунёдкорлик йўлидан. Асарлар, 4-жилд. Тошкент: Ўзбекистон. 1996. 341-бет.

[2] *Булгаков П.Г., Розенфельд Б.А., Ахмедов А.А.* Мухаммад ал-Хорезми. Москва: Наука. 1983. – С. 18.

[3] *Абу Райҳон Беруний.* Қадимги халқлардан колган ёдгорликлар. Танланган асарлар, 1-жилд. Тошкент: Фан. 1968. 259-бет.

биокимёвий жараёнлар, шунингдек, физика ва табобат бўйича эмпирик билимларнинг тўпланиши муҳим омил бўлган.

Марказий Осиё VII асрда ўз қадимий маданиятига (ёзуви, санъати, меъморчилиги, дини ва б.) ва бой амалий билимлар захирасига эга эди. Тарихий жараёнлар эволюцияси натижасида минтақада илм-фан тараққий этди. Жаҳон илм-фани ривожида ҳозирги Ўзбекистон ҳудудидан етишиб чиққан олимларнинг хизмати беқиёс улкандир. Уларнинг аниқ ва табиий фанлар йўналишидаги фаолияти маҳаллий илмий анъана ва мактабларнинг вужудга келишига замин бўлди. Кейинчалик эса, бу илмий анъаналар нафақат Шарқ, балки Ғарбдаги илмий тараққиётга ҳам ижобий таъсир кўрсатди. «Муболағасиз айтиш мумкинки, фанимиз, ақлзаковат салоҳиятимизнинг ноёб ва гўзал биносига бундан кўп асрлар муқаддам пойдевор солинган эди. Мамлакатимиз фани жуда қадим замонлардан юксала бошлаганини, унинг чукур ва кудратли илдизлари борлигини фахрланиб айта оламиз. У асрлар давомида ўзбек миллатига, бутун инсониятга табиат сирларини ўрганишда, тиббиёт, фалсафа, ҳуқуқшунослик, илоҳиёт, адабиётшунослик ва тилшуносликда ишончли хизмат қилиб келмоқда. Узоқ ўтмишдаёқ ўзбек халқининг илғор мутафаккирлари олиб борган тадқиқотлар, уларнинг амалга оширган кашфиётлари жаҳон, умуминсоният фани ва маданиятининг олтин хазинасини ташкил этади. Билимлар хазинасини очган буюк аждодларимизнинг номлари бутун дунёда машҳур»[1].

Ватанимиз ҳудудида илм-фан, айниқса, аниқ ва табиий фанлар тез суръатларда ривож топди. Бу жараённинг инъикоси сифатида йирик илмий марказлар – академиялар ташкил топди. Хоразм Маъмун академияси ва Улуғбек илмий мактаби тарихимиздаги ана шундай маърифат масканларининг ёркин намунасидир. «Буюк давлат пойдеворини куриш, дунёда ўзимизга муносиб ўринни эгаллашда Ал-Беруний, Ибн Сино, Муҳаммад Хоразмий, Аҳмад Фарғоний, Ал-Бухорий, Ат-Термизий, Амир Темур, Мирзо Улуғбек, Хожа Баҳоуддин Нақшбанд, Алишер Навоий, Бобур Мирзо каби боболаримизнинг бебаҳо мероси ҳамиша бошимиз-

---

[1] *Каримов И.А.* Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида. Асарлар, 6-жилд. Тошкент: Ўзбекистон. 1998. 213-бет.

ни баланд, қаддимизни тик қилади, халқимизнинг кучига – куч, ғайратига – ғайрат, ишончига – ишонч қўшади»[1].

Абу Райҳон Муҳаммад ибн Аҳмад Беруний жаҳон цивилизациясига муносиб ҳисса қўшган буюк алломадир. Қомусий тафаккур соҳиби фаннинг турли йўналишларида, жумладан, астрономия, ер ҳақидаги фанлар, доришунослик ва бошқа фанлар соҳасида самарали фаолият кўрсатиб, улкан кашфиётлар яратган. Абу Райҳон Беруний ижоди бўйича тадқиқотчиларнинг фикрича, аллома геодезияни мустақил фан тармоғи сифатида шакллантирган, унинг қаламига мансуб 80 та асар астрономия, геодезия ва геодезик астрономияга бағишланган бўлиб, уларда геодезия масалаларининг катта комплекси алоҳида кўрилган, таҳлил қилинган ва хулосалар асосланган[2].

Минералогия соҳасида Абу Райҳон Беруний томонидан яратилган асарлар ўз даври учун илғор фикрларга бой эди. Аллома ўзи ишлаб чиққан ва ясаган асбоб ёрдамида 50 та модданинг, шу жумладан, металлар, қимматбаҳо тошлар ва суюқликларнинг солиштирма оғирликларини ниҳоятда аниқлик билан ўлчаган. Аллома «Минералогия» асарида келтирган маълумотлар таснифида уларнинг солиштирма оғирликларини ҳам ҳисобга олади. Бу эса минераллар таснифи учун XIX асрдагина таклиф этилган табиий тасниф принципларининг илгари сурилиши эди[3].

Беруний доришуносликда, айниқса, унинг фармакогнозия йўналишида улкан ишларни амалга оширган. «Сайдана»ни ёзишда Абу Райҳон Беруний ўзигача қарийб 1500 йил мобайнида ўтган 250 муаллифнинг асарларини ўрганиб чиққан. У асарлардан олган маълумотларини иложи борича ўзи ёки бошқа манбалар,

---

[1] *Каримов И.А.* Биздан озод ва обод Ватан қолсин. Асарлар, 2-жилд. Тошкент: Ўзбекистон. 1996. 321-бет.

[2] *Булгаков П.Г., Ахмедов А.А.* Астрономия в Средней Азии в IX–XV вв. / Сб. Исследования по истории, истории науки и культуры народов Средней Азии. Ташкент: Фан. 1993. – С. 14–15.

[3] *Абу Райхан Мухаммед ибн Ахмед ал-Бируни.* Собрание сведений для познания драгоценностей (Минералогия), перевод А.М. Беленицкого. Ленинград. 1963. – С. 55.

ёки мутахассисларнинг оғзаки маълумотлари асосида текширган[1]. Берунийнинг доришуносликда амалга оширган кашфиётлари IX асрда пайдо бўла бошлаган мусулмон фармакологиясининг шаклланиш жараёнини якунлади, деб айтиш мумкин. Берунийнинг «Китоб ас-сайдана фи-т-тибб», яъни «Табобатда доришунослик» деб номланган асари жуда катта илмий аҳамиятга эга. Бу китобда асосланган 1116 та дори моддасининг 107 тасини маъдан моддалари, 880 тасини ўсимликлар, уларнинг қисмлари ва маҳсулотлари, 101 тасини ҳайвон моддалари, 28 тасини мураккаб дорилар ташкил қилади. Бу дориларнинг турли тил ва лаҳжалардаги номига Беруний алоҳида аҳамият беради, чунки ўша даврдаги тиббий адабиётларда бу борада жуда кўп хато ва чалкашликлар мавжуд эди. Асарда келтирилган араб, юнонй, сурёний, ҳинд, форс, туркий, хоразмий, суғд ва бошқа тил ҳамда лаҳжалардаги атамаларнинг сони 4500 га яқин бўлиб, олим ўша даврдаги доришунослик атамаларини тартибга солишга катта ҳисса қўшди. Ундан ташқари, бу синонимлар ҳозирги тадқиқотчилар учун ҳам аҳамиятли, чунки улар ўсимлик ва бошқа моддаларни тўғри аниқлаш имконини беради. Шу жиҳатдан бу асар кўп тиллик луғат сифатида филологик аҳамиятга ҳам эга.

Беруний билан Ибн Сино минералларнинг ҳосил бўлиши, тоғларнинг пайдо бўлиши, денгиз ва қуруқликларнинг кўчиши каби геология масалаларида ҳам ҳамфикр эдилар. Уларнинг қуруқлик билан денгизларнинг даврий алмашинуви ҳақидаги ғоялари илк бор антик олимлар томонидан илгари сурилган эди. Қадимги юнон файласуфларининг асарлари билан яхши таниш бўлган Беруний ва Ибн Сино бу назарияни ўз кузатишлари ва илмий изланишлари натижасида тасдиқладилар.

Абу Али ибн Синонинг жаҳон илм-фани ривожига қўшган ҳиссаси жуда улкан бўлиб, у Европада Авиценна номи билан танилган. «Ибн Сино асарларининг умумий сони 450 дан ошди, лекин бизгача фақат 160 га яқин асари етиб келган, холос»[2]. Ал-

---

[1] *Абу Райхан Беруни.* Избранные произведения. Т. IV / Фармакогнозия в медицине / Иссл. перев., примеч. и указатели У. И. Каримова. Ташкент: Фан. 1974. – С. 76.

[2] Маънавият юлдузлари. Тошкент: Абдулла Қодирий. 2001. 96-бет.

лома илму фаннинг турли йўналишларида, жумладан, тиббиёт, геометрия, минералогия, астрономия, ўсимлик ва ҳайвонот олами бўйича чуқур тадқиқотлар олиб борган. Ибн Сино 20 ёшига қадар Бухорода турли илмлардан таҳсил олаётган даврида кимёга оид асарларни ҳам ўрганиб, ҳатто, уларга тақлидан «Рисола ас-санъа ила-л-Баракий» («Баракийга бағишланган санъат рисоласи») номли компилятив асар ёзган. Тахминан 1002–1004 йилларда у Хоразмга келади ва бу ерда астрономик кузатишлар ҳамда тиб амалиёти билан бир қаторда кимё билан ҳам шуғулланади. Ибн Синонинг шу ерда ёзган «Рисола ал-иксир» асаридаги «агар олтинни сунъий ҳосил қилиш мумкин бўлса, қандай қилиб, мумкин бўлмаса, нима учун» деган саволи ҳам, бизнингча, шунга ишора қилади. Айтиш керакки, аллома ҳар бир масалага таҳлилий ва танқидий ёндашган. Металлар трансмутацияси кимёгарларнинг ушалмас орзуси экани ҳақидаги фикри ҳам шулар жумласидандир. Бу ҳақда у умрининг сўнгги йилларида, ҳаётий ва илмий тажрибаси ошган даврда яратган «Китоб аш-шифо» фалсафий энциклопедиясида ёзади[1].

Абу Али ибн Синонинг «Тиб қонунлари» деб аталган тиббий энциклопедияси жаҳонда тиббиёт соҳасини ривожлантиришда улкан аҳамият касб этган. «Тиб қонунлари» беш китобдан иборат бўлиб, ҳар бир китоб тибнинг маълум бир соҳасига (назарий ва амалий) бағишланган ҳамда йиғилган материаллар таснифлаб берилган[2]. Асар 1024 йилда ёзиб тугатилган ва жуда қисқа вақт ичида кўплаб қўлёзма нусхаларда бутун Шарқ мамлакатлари бўйлаб тарқалган. Муаллиф вафотидан 100 йил кейин асар лотинчага таржима қилиниб, Европада ҳам кенг ёйилган. Шуниси эътиборлики, Европада китоб босиш кашф қилингандан кейин дастлабки чоп қилинган асарлар орасида «Тиб қонунлари» ҳам бор эди. XVII асрнинг ўрталарига қадар Европа университетларида медицина фани ана шу китоб бўйича ўқитилган[3].

Ибн Сино, Абу Райҳон Беруний каби, минерал моддалар бўйича ўз таснифини ишлаб чиққан. Ушбу таснифга биноан барча мине-

[1] *Каримова С.У.* Ибн Сина и алхимия //Общественные науки в Узбекистане. 1988, № 11. – С. 39–42.

[2] *Абу Али ибн Сино.* Тиб қонунлари. I–V китоблар. Тошкент: Фан. 1979–1982 (ўзбек ва рус тилларида).

[3] *Каримов У.И.* Ибн Сина и алхимия. – С. 43.

раллар тўрт гуруҳга – тошларга, эрувчан моддалар, яъни рудаларга, ёнувчан жисмларга ва сувда эрувчан тузларга бўлинади. Бу таснif кейинчалик Европа Уйғониш давридаги минералогияда тўла қабул қилиниб, то XIX асрга қадар бу соҳадаги барча таснифларга асос бўлди. Ҳатто минералларнинг биринчи кимёвий таснифини 1780 йилда ишлаб чиққан Т. Бергман ҳам барча минералларни Абу Али ибн Сино таснифи каби тузлар, тошлар, ёнувчан минераллар ва металларга ажратган.

Буюк аллома Муҳаммад Мусо Хоразмий (783–850) аниқ фанлар соҳасида глобал аҳамиятга молик кашфиётлар қилган. Унинг «Китоб ал-жабр вал-муқобала» номли рисоласида илк бор чизиқли ва квадрат тенгламаларни ечишнинг умумий усуллари ҳақидаги мустақил фан алгебра ҳақида сўз юритилади. Хоразмийнинг бу асари XII асрда бир неча марта лотин тилига таржима қилинган ва бу таржималарда «ал-жабр» сўзи (тўлдириш) лотинча транскрипцияда algebra шаклини олган ва шундан «алгебра» сўзи асар номидан бутун бир фан тармоғи номига айланган[1]. Алломанинг жаҳон фани тараққиётига муносиб ҳисса сифатида қўшилган яна бир асари – «Ҳинд ҳисоби ҳақида» китобини алоҳида таъкидлаб ўтиш жоиз. Бу асар бизга XII асрдаги лотинча таржимада етиб келган ва у фан тарихига «De numero indorum», яъни «Ҳинд ҳисоби ҳақида» номи билан кирган. Асарнинг биринчи жумласи «Dixit Algorizmi», яъни «Ал-Хоразмий айтди» деб бошланади ва унда фан тарихида биринчи марта тўққизта ҳинд рақами ва «цифр» (ноль) белгисига асосланган арифметика ҳақида баён қилинади. Хоразмий илм-фанга киритган рақамлар туфайли инсоният тарихида биринчи марта ҳар қандай катта сонни ҳам рақамлар билан ёзиш имконияти пайдо бўлган. Яъни Хоразмий позицион ўнлик ҳисоблаш системасини яратган. Айни шу асар туфайли инсоният маданиятига «плюс», «минус» (қўшиш, айириш) ва «цифр» (аслида «ноль» бўлиб, кейинчалик рақам маъносини англатган) тушунчалар кирди. Алломанинг номи эса «алгоритм» шаклида ҳар қандай регуляр ҳисоблаш жараёнини, шу жумладан, замонавий ал-

---

[1] *Булгаков П.Г., Ахмедов А.А.* Астрономия в Средней Азии в IX–XV вв. / Сб. Исследования по истории, истории науки и культуры народов Средней Азии. Ташкент: Фан. 1993. – С. 217.

горитмлар назариясини англатадиган тушунча бўлиб қолди. Тарих тақозосига кўра «араб рақамлари» номини олган бу сонлар Европада Рим папаси Сильвестр II (999–1003) буйруғи билан ишлатила бошлади[1]. Муҳаммад Хоразмий қаламига мансуб астрономик асар «Зиж» ҳам жаҳон маданияти тарихида улкан аҳамият касб этди. Мазкур китобнинг тригонометрияга бағишланган қисмида аллома тригонометрик функцияларнинг жадвалини келтиради. Асарнинг XII асрдаги лотинча таржималарида тригонометрик функцияларнинг номлари «синус», «косинус», «тангенс» ва «котангенс» деб аталади ва бу номлар дунё илм-фанидан мустаҳкам ўрин олди[2].

Муҳаммад Мусо Хоразмийнинг илм-фан тараққиётидаги улкан хизматлари унинг илмий кашфиёт ва ютуқлари билангина чегараланмайди. Алломанинг улкан хизматларидан яна бири аниқ фанлар соҳасида муносиб шогирдлар тайёрлаб катта илмий мактабга асос солганида намоён бўлади. Бу илмий мактаб анъаналари кейинги бир неча асрлар давомида мусулмон Шарқининг турли минтақаларида давом эттирилиб, жаҳон цивилизацияси ривожига муносиб ҳисса бўлиб қўшилди. IX асрда Бағдодда ташкил этилган «Байт ал-ҳикма» («Ҳикматлар уйи»)га Муҳаммад Хоразмий раҳбарлик қилади.

IX асрдаги аниқ фанлар ривожига улкан ҳисса қўшган алломалардан яна бири – Абул-Аббос Аҳмад ибн Муҳаммад ибн Касир ал-Фарғонийдир (тахминан 797–865 йилларда яшаб ўтган). У Дамашқ расадхонасида илмий кузатувлар олиб борган. Шунингдек, Сурия шимолида, Синжор саҳросида 832–833 йилларда Тадмур ва ар-Раққа оралиғида ер меридиани бир даражасининг узунлигини ўлчашда фаол иштирок этган. Кейинчалик, 861 йили у Қоҳирада Нил дарёсидаги Равзо (Рўда) оролида ноёб сув иншооти – Нил миқёсини барпо қилган. Аҳмад Фарғоний фан тарихида «Илми нужумнинг асослари ҳақида китоб» асари билан шуҳрат қозонган. Унда аллома асосий астрономик тушунчаларни содда ва лўнда тил билан баён қилган. Китоб XII асрдаёқ Европада лотин тилига таржима қилинган ва бир неча аср давомида астрономиядан асосий қўлланма вазифасини ўтаган. XV асрда Европа Ренессансининг

[1] *Сираждинов С.Х.* Великий ученый-энциклопедист из Хорезма / Сб. Великий ученый средневековья ал-Хорезми. Ташкент: Фан. 1985. – С. 27.

[2] *Файзуллаев О.* Муҳаммад Хоразмий. Тошкент: Фан. 1965. 27-бет.

йирик намояндаси Регномонтан Падуя университетида Аҳмад Фарғонийнинг асари бўйича астрономиядан маърузалар ўқиган. Алломанинг номи мазкур лотинча таржималарда Alfraganus дея транскрипция қилинган ва бу номни машҳур итальян шоири Данте (XV аср) ва машҳур немис адиби Шиллер (XVIII аср) ўз асарларида кўп марта эслаб ўтган[1].

IX–XI асрларда катор шаҳарлар, жумладан, Бухоро, Кот ва Урганч ислом оламидаги маданий марказларга айланди.

Ҳукмдорлар ўз саройларида илмий ва адабий ижод учун қулай шароит яратишга ҳаракат қилган, турли мавзуларга оид китоблар йиғилган кутубхоналар ташкил этиб, маҳаллий ва айрим ҳолларда хориждан ҳам олимларни тўплаб, илмий мажлислар ва мушоиралар ўтказишган. Масалан, X асрда Бухородаги Сомонийлар саройи кутубхонаси мусулмон Шарқидаги энг бой кутубхоналардан бири бўлиб, ундан Абу Али ибн Сино (980–1037) ҳам фойдаланган ва унинг тузилишини ўзининг «Таржимаи ҳол» асарида таърифлаган эди[2].

«X асрнинг охири ва XI асрнинг бошларида Хоразмдаги сиёсий осойишталик, мамлакатнинг иқтисодий ва ижтимоий турмушидаги юксалиш ҳамда хоразмшоҳ Маъмунийларнинг илм аҳлига бўлган ҳурмат-эътибори, меҳр-мурувватн ўша даврнинг энг машҳур ва кўзга кўринган олимларининг Гурганчда тўпланишига сабаб бўлди»[3]. Маъмуний хоразмшоҳлар кенг дунёқараш ва диний бағрикенглик фазилатлари билан шуҳрат топган ҳукмдорлар бўлиб, улар маданий анъаналарни, хусусан, ал-Маъмуннинг маданий анъаналарини давом эттиришга ҳаракат қилдилар. Улар ўз саройларига етук олим ва шоирларни тўплаб, уларнинг ижодига ҳомийлик кўрсатдилар. Уларнинг раҳнамолигида Хоразм Маъмун академияси ташкил этилади. Мазкур академиянинг жаҳон илм-фани ва маданияти ривожига улкан ҳисса қўшганлигининг халқаро

[1] *Аҳмедов А.* Аҳмад ал-Фарғоний / Маънавият юлдузлари. Тошкент: Абдулла Қодирий. 2001. 46–51-бетлар.

[2] *Каримов У.И.* Очерки истории медицины в Средней Азии с древнейших времен до середины XIX в. / Сб. Исследования по истории, истории науки и культуры народов Средней Азии. Ташкент: Фан. 1993. – С. 43.

[3] Хоразм Маъмун академияси. Ўзбекистон Фанлар академияси. Тошкент. 2005. 5–6-бетлар.

эътирофини ЮНЕСКО Бош конференциясининг 2004 йилдаги 32-сессиясида Хоразм Маъмун академиясининг 1000 йиллигини нишонлаш бўйича қарори қабул қилинганлиги ва юбилей тадбирларида ЮНЕСКОнинг иштирок этиши исботлаб турибди.

Мазкур академияда Абу Райҳон Беруний (973–1048), унинг устози, йирик математик ва астроном Абу Наср ибн Ирок (ваф. 1034), Абу Али Ибн Сино (980–1037), Абу Сахл Масиҳий (ваф. 1010), Абу-л-Хайр Хаммор (тав. 942) каби замонасининг машҳур алломалари илмий ижод билан шуғулланганлар. Академияда илмий ишлар қаторида қадимги юнон ва сурён тилларида битилган китобларни араб тилига таржима қилиш билан ҳам шуғулланилган. Таъкидлаш жоизки, Хоразм Маъмун академиясидаги ворислик фақат шаклан бўлмай, илмий соҳада ҳам кўринади. Юртимиз ҳудудидан етишиб чиққан алломалар ўзларидан аввал ўтган олимларнинг ишларидан унумли фойдаланиш баробарида уларга танқидий ёндашишган ҳам. Бунга Беруний, Ибн Ирок, Ибн Сино асарларидан кўплаб далиллар топиш мумкин. Масалан, астрономик кузатишлар натижасида Беруний ва Ибн Ирок томонидан Хоразмий ва Ҳабаш ал-Ҳосибларнинг (IX аср) астрономик жадвалларига тузатишлар киритилган. Айтиш керакки, Беруний ва Ибн Синонинг мантиқий хулосалари амалий кузатувларга асосланган ва тажрибада синалган. Бу эса ҳозирги фаннинг принципларига тўла тўғри келади. Жумладан, Беруний аввал Бағдод академияси олимларидан Жобир ибн Ҳайён (ваф. 813) томонидан таклиф этилиб, кейинчалик Абу Бакр Розий (865–925) тарафидан ривожлантирилган металлар трансмутацияси (биридан бошқасига айланиши) назариясини «Ҳиндистон» ва «Минералогия» номли китобларида кескин танқид қилади. Бу назарияга кўра, ўша даврда маълум бўлган етти металл – олтин, кумуш, мис, темир, қалайи, қўрғошин ва харсиний (рух) металлар отаси бўлмиш олтингугурт ва онаси бўлмиш симобнинг турли нисбат ва тозаликда бирикишидан ҳосил бўлади, бунда уларнинг комил нисбат ва тозаликда бирикишидан нодир металлар, бошқа ҳолларда эса, оддий металлар вужудга келади ва улар «касал» металлар ҳисобланиб, кимёвий йўл билан «тузатилиши» мумкин. Бу назариянинг амалиётга тўғри келмаслигини аввал Беруний, кейинчалик Ибн Сино тажрибада исботлаб берган.

Хоразм Маъмун академияси олимларининг илмий фаолияти янги фан тармоқларининг шаклланишига катта таъсир кўрсатди.

Мўғулларнинг XIII асрдаги босқинчилиги оқибатида кўплаб шаҳарлар, улардаги маданий ёдгорликлар вайрон қилинди, кўплаб олим ва шоирлар ё ўлдирилди, ё Ватанини тарк этишга мажбур бўлди. Илмдаги ворислик узилиши туфайли вужудга келган турғунлик XIV асрнинг иккинчи ярмигача, яъни Мовароуннаҳрда Амир Темур (1336–1405) салтанати ўрнатилгунга қадар давом этди.

Амир Темурнинг саъй-ҳаракатлари туфайли юртимиз ҳудудида марказлашган қудратли давлатнинг барпо этилиши маданият ва илм-фан тараққиёти учун барча шароитларни яратиб берди. «Адолат кучда эмас, куч адолатдадир» деган шиор Амир Темур салтанатининг барча ҳудудларида бирдек амал қилиб, ахлоқий-маънавий мезонга айланди. ...Амир Темур ҳаётининг мазмуни, бетакрор фаолиятининг асосий маъноси Ватан озодлиги, Ватанга муҳаббат деган олий қадриятлардан иборатдир. Соҳибқирон бобомизнинг руҳияти истиқлол ва ҳурлик, эркинлик ғоялари билан табиий ва гўзал бир тарзда уйғунлашиб кетган. У, ҳатто умрининг сўнгги онларида ҳам зурриётларига қарата «Истиқлол билан мулку миллат, лашкар ва раъиятни бошқарингиз», деб васият қилган»[1].

Бу даврда ўзаро урушларга барҳам берилгани, иқтисодий ривожланишга эришилгани, ички ва ташқи савдо ҳамда шаҳарсозлик ва ҳунармандлик равнақ топганини алоҳида кўрсатиб ўтиш керак. У «мамлакоат қудратини ҳар соҳада юксакликка кўтариб, дунёга машҳур қилди. Амир Темур давлати қурилиши, ҳарбий санъати кўп асрлар давомида Шарқу Ғарб давлатларига ўрнак ва андоза бўлди. Унинг замонида маданият, илму фан, меъморчилик, тасвирий санъат, мусиқа, шеърият бекиёс ривож топди, халқимизнинг кўп анъаналари такомилига етди»[2]. Соҳибқирон Мовароуннаҳр шаҳарларига дунёнинг турли ҳудудларидан олимлар, шоирлар, меъморлар ва ҳунармандларни тўплаб, илмий ва маданий ҳаётни юксалтирди. «Бу беназир зотнинг қандай миллий замин ва тарихий шароитда ўсиб-улғайгани, қай тарика шундай юксак чўққиларга

---

[1] *Каримов И.А.* Тошкент шаҳрида Темурийлар тарихи давлат музейининг очилиши маросимида сўзланган нутқ (1996 йил 18 октябрь).

[2] *Каримов И.А.* Тошкентда Амир Темур хайкалининг очилишига бағишланган тантанали маросимда сўзланган нутқ (1993 йил 31 август).

кўтарилгани, зафарли юришлари ҳақида, унинг нафақат давлат арбоби ва енгилмас саркарда, айни вақтда инсон сифатидаги фазилатлари, ички дунёси ва кечинмалари ҳақида Шарқ давлатлари билан бир қаторда олис Европада – Буюк Британия, Франция, Испания, Германия каби мамлакатларда ҳам бундан неча юз йиллар аввал кўп-кўп илмий ва бадиий асарлар яратилгани яхши маълум»[1].

Шу ўринда алоҳида таъкидлаш керакки, Амир Темур тафаккури маҳсули бўлган «Темур тузуклари» асари жаҳон цивилизацияси ва маданий кадриятларимизнинг ноёб дурдонаси ҳисобланади. Бу ноёб китобнинг тарихий аҳамияти қуйидагилар билан изоҳланади: «асар миллий давлатчилигимизда ҳуқуқий давлат барпо этиш назарияси ва амалиёти чуқур тарихий илдизларга эгалигини исботлаб беради; китобда инсоният келажаги бўйича тегишли тадбирларни амалга оширишда тарихий тажрибани ўрганиш ва ундан муҳим хулосаларни чиқариш зарурати асосланган; мамлакатни бошқаришда давлатнинг ўрни муҳимлиги ва унинг вазифалари аниқ кўрсатиб берилган; ёш авлодни миллий ғурур руҳида тарбиялашда ҳамда улар тафаккурида «билим олиш ҳаётий зарурат» эканлигини шакллантиришда у жуда катта аҳамият касб этади; асар миллий давлатчилигимиз тарихи ҳамда келажагимиз пойдеворини англашда муҳим тарбиявий, маънавий-маърифий аҳамиятга эга; истиқлол ва мустақилликни ҳар томонлама мустаҳкамлаш ғоясининг доимо долзарблигини кўрсатади; асарда ифода этилган ғоя ва қарашлар нафақат ўз даври, балки бугунги ва келгуси авлодлар учун ҳам муҳим аҳамият касб этади; бугунги кунда бошқарув назарияси ва амалиётини такомиллаштиришда муҳим манба бўлиб хизмат килади»[2].

XIV аср охири – XV асрда Марказий Осиё ҳудудида аниқ фанлар жадал ривожлангани, айниқса, диққатга сазовордир. Бу ҳақда сўз юритганда, Амир Темурнинг набираси Мирзо Улуғбек (1394–1449) ва у яратган Самарқанд астрономия мактабининг илмий фаолияти бу борада муҳим аҳамият касб этганини таъкидлаш лозим. Мазкур

---

[1] *Каримов И.А.* «Миллий давлатчилигимиз тарихининг мумтоз намунаси» / «Темур тузуклари» асарининг 2011 йилда чоп этилган нашрига ёзилган сўзбоши. Темур тузуклари. Тошкент: Ўзбекистон, 2011. 5–6-бетлар.

[2] *Юсупова К.А.* «Темур тузуклари»да сиёсий-ҳарбий, шаръий-исломий, ижтимоий ва иқтисодий асослар. Тошкент: Тошкент давлат шарқшунослик институти фонди. 2012. 45-бет.

илмий марказда фаолият юритган Қозизода Румий (XIV аср охири – XV аср бошлари), Али Қушчи (ваф. 1474), Ғиёсиддин Коший (ваф. 1429) каби олимлар Улуғбек бошчилигида Бағдод ва Хоразм Маъмун академиялари илмий анъаналарини давом эттирдилар. Хусусан, Берунийнинг «Қонуни Масъудий» асарида келтирилган тригонометрик жадваллар, юлдузлар каталоги, шаҳарлар ва аҳоли масканларининг жадвали Улуғбекнинг «Зижи жадиди Кўрагоний» асаридаги худди шундай жадвалларга асос бўлди. Яна ўша асардаги математик ва астрономик қоидалар, қонуниятлар ҳам Улуғбекнинг «Зиж»ида қўлланилди.

Мирзо Улуғбек Самарқандда астрономик кузатувлар олиб бориш учун расадхона курдириб, уни шу ерда фаолият олиб бораётган олимлар томонидан ясалган ўндан ортиқ ўлчов асбоблари билан жиҳозлади. Улуғбек Самарқандда иккита мадраса курдиради ва ўзи ҳам ана шу даргоҳларда маърузалар ўқийди. Шундай илмий муҳит яратиш ва салоҳиятни ошириш мақсадида Бухоро ва Ғиждувонда ҳам мадрасалар барпо қилади[1]. Расадхонада олиб борилган кузатувлар асосида ёзилган «Зижи жадиди Кўрагоний» асари назарий («Муқаддима») ва амалий қисмлардан иборат бўлиб, иккинчи қисмида юлдузлар жадвали, йил ҳисоби, тригонометрик ва сайёралар ҳаракати жадваллари келтирилган. Бу китоб ўша давр астрономияси бўйича ёзилган мукаммал илмий асар бўлиб, яратилган давриданоқ унга олимлар шарҳлар ёза бошладилар. Илк шарҳни Али Қушчи битган бўлиб, ундан кейин Миср, Сурия, Эрон, Ҳиндистон, Туркия олимлари тарафидан шарҳлар ёзилди. Бу асар Европадаги астрономия ривожига, буюк географик кашфиётларга ҳам ижобий таъсир кўрсатгани яхши маълум.

Темурийлар давридаги Мовароуннаҳрда адабиёт, фалсафа, мантиқ ва диний илмлар ривожи кузатилади. Табиий фанлар, хусусан, табобат бўйича яратилган асарларнинг кўпчилиги араб тилидаги китобларнинг форсий таржималари ёки аввал битилган асарларга ёзилган шарҳлардан иборат. Ибн Синонинг «Тиб

---

[1] *Бўриев О.* Мирзо Улуғбекнинг фан-таълимни ривожлантириш бўйича фаолияти ва унинг ислом цивилизациясидаги ўрни / Ўзбекистоннинг ислом цивилизациясига қўшган ҳиссаси. Тошкент–Самарқанд: Имом Бухорий маркази нашриёти. 2007. 119-бет.

қонунлари»га ёзилган кўплаб шарҳлар, кискартмалар бунга ёркин далилдир[1].

Жаҳон цивилизациясида жуда кўп ватандошларимиз, жумладан, Алишер Навоий ва Заҳириддин Муҳаммад Бобур каби сиймолар жуда катта ўрин тутади. Алишер Навоий инсониятга бебаҳо ижодий мерос колдириб, жуда кўп асарлар яратди. Унинг «беш достонни ўз ичига олган улкан бадиий қомуси – «Хамса» 50 минг мисрадан ошиқдир»[2]. Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг «Бобурнома» асари жаҳон илмий дурдоналари сирасида алоҳида ўрин тутиб, асарда «у яшаган давр оралиғида Мовароуннаҳр, Хуросон, Эрон ва Ҳиндистон халқларининг тарихи ёритилган»[3].

Таъкидлаш жоизки, Марказий Осиё олимлари илмий ижоди Европада илм-фан ривожига ижобий таъсир кўрсатди. Биринчидан, мусулмон муаллифлари антик давр илмининг Ғарбга узатувчилари бўлдилар, иккинчидан, уларнинг оригинал асарларидан Ғарб олимлари кўпгина илғор илмий ғоя ва янгиликларни ўзлаштирдилар[4].

Машҳур олимларимизнинг асарлари XII асрдан бошлаб, Испаниянинг Толедо шаҳридаги архиепископ Раймундо томонидан ташкил қилинган таржимонлик марказида лотин тилига таржима қилина бошлайди. Бундай марказ Сицилияда Фридрих Иккинчининг саройида ҳам фаолият кўрсатган[5]. Бундан ташқари, мусулмон олимлари, хусусан, Марказий Осиё олимлари илмий меросининг тарқалиши ва шуҳрат топишида Европадаги кадимий университетлар, жумладан, Париждаги Сорбонна, Англиядаги Кембриж университетлари (XII аср) муҳим роль ўйнади. Европада шу ва кейинги даврларда ташкил қилинган таълим марказларида фалсафа, астрономия, математика, табобат, табиатшунослик каби фан-

---

[1] *Каримов У.И.* Очерки истории медицины в Средней Азии с древнейших времен до середины XIX в. / Сб. Исследования по истории, истории науки и культуры народов Средней Азии. Ташкент: Фан. 1993. – С. 55.

[2] Маънавият юлдузлари. Тошкент: Абдулла Қодирий. 2001. 227-бет.

[3] Ўша манба. 270-бет.

[4] Encyclopedia of the History of Arabic Science. Edited by Roshdi Rashed. London and New York: Rontledge, 1996. vol.1, P. 284-306; vol. 2. P. 539-581; 716-730; vol. 3. P. 886-903; 963-985.

[5] *Сулаймонова Ф.* Шарқ ва Ғарб. Тошкент: Ўзбекистон. 1997. 260-бет.

лар Хоразмий, Фарғоний, Форобий, Розий, Беруний, Ибн Сино, Киндий, Ибн Рушд, Улуғбек ва бошқа ўрта аср шарқ олимлари асарлари асосида ўқитилган. Табобатнинг илм сифатида Европа мамлакатларида шаклланиши эса, Шарқ табобатининг Испания ва Сицилияда яшаган араблар орқали Европага ўтиши туфайли содир бўлди[1].

Европанинг Рожер Бекон (1214–1291), Данте (1265–1321), Леонардо да Винчи (1452–1519), Микеланжело (1475–1564), Везалий (1514–1564), Вольтер (1694–1778), Гёте (1749–1832) каби машҳур мутафаккир ва маданият намояндаларининг фалсафий ва илмий қарашлари Розий, Ибн Сино, Ибн Рушд каби алломаларнинг асарлари таъсирида шаклланди. Буюк географик кашфиётлар соҳиблари эса ўз саёҳат йўллари ва йўналишларини белгилашда Хоразмий, Фарғоний ва Улуғбекнинг астрономия ва географияга оид асарларининг лотинча таржимасидан фойдаланганлар.

Марказий Осиёга XIX асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб Европа илмий билимлари кириб кела бошлайди. Бунда маърифатпарвар ва фидойи ватандошларимиз катта жонбозлик кўрсатдилар.

XX асрнинг 20-йилларидан бошлаб мамлакатимизда илмий изланишлар собиқ Иттифоқ шароитида амалга оширилди. Шу йиллар давомида мамлакатимизда илм-фанни ривожлантиришда Ўзбекистон Фанлар академияси алоҳида ўрин тутди. Шуни таъкидлаш керакки, «Фанлар академиясининг вужудга келиши тарихига халқимизнинг юксак илмий-ижодий тафаккури, буюк аждодларимизнинг ақл-заковати, она заминимизда қадимдан мавжуд бўлган Маъмун академияси, Самарқанд, Бухоро ва Фарғона водийси каби илм-фан марказларида яратилган бой илмий мерос ва маданий анъаналарнинг мантиқий ҳосиласи, миллий тарихимизнинг табиий маҳсули сифатида қараш таркиб топди. Фанлар академиясининг миллий ва умумбашарий илм-фан хазинасига қўшган муносиб ҳиссаси нафақат юртимизда, айни пайтда халқаро миқёсда ҳам тан олинди. Шу даргоҳда изланиш ва тадқиқотлар олиб бориб, ўз илмий мактабига асос солган буюк олимларимиз замонавий илм-фаннинг геология, жумладан, нефть, газ, рангли ва қимматбаҳо металлар конларини аниқлаш, уларни қазиб олиш ва қайта иш-

[1] *Сулаймонова Ф.* Шарқ ва Ғарб. Тошкент: Ўзбекистон. 1997. 260-бет.

лаш технологияларини яратиш, математика, ядро ва қаттиқ жисмлар физикаси, астрономия, микробиология, ўсимликлар кимёси, сейсмология, фалсафа ва ижтимоий фанларнинг бошқа етакчи соҳаларини, буюк ва кўҳна тарихимиз саҳифаларини, Шарқнинг бебаҳо мероси жам бўлган ноёб қўлёзмаларни чукур ўрганиш, она тилимизнинг ривожланиш қонунияти ва имкониятларини тадқиқ этиш, жаҳон илмий жамоатчилиги эътироф этган кўплаб кашфиёт ва янгиликлар яратиб, Ўзбекистонимизни бутун дунёга тараннум этиш йўлида фидокорона хизмат қилганлар»[1].

Мустақиллик йилларида мамлакатимизда илм-фан ривожига алоҳида эътибор берилиб, уни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш, ҳуқуқий асосларини тубдан янгилаш ҳамда илмий салоҳиятни мустаҳкамлаш ишларига биринчи даражали давлат вазифаси сифатида қаралди. «Ўзбекистон – шарқнинг атоқли мутафаккирларини етиштириб берган макондир... Биз ўз олдимизга шундай вазифа қўйдик: биз, албатта, ўзлигимиз билан фахрланишимиз керак, биз ўз илдизларимизга қайтишимиз лозим, лекин ўтмишимизга маҳлиё бўлмаслигимиз ва уни тўла-тўкис қайта тиклаш билан шуғулланмаслигимиз керак. Аксинча, биз бу масалага оқилона ёндашувимиз лозим. Ўтмишдан ҳозир халқни улуғлайдиган, кўз олдимизда қадримизни юксалтирадиган нарсаларни олишимиз зарур. Мана шу инсонпарварлик ёндашуви миллатимизга, халқимизга жаҳон ҳамжамиятида ўзини дадил ҳис этиш имконини беради. Айни вақтда шу билан боғлиқ бўлган иккинчи мақсадимиз – жаҳон фани ва тафаккури чўққиларини ўзлаштиришга доимий интилишдир. Бошқача айтганда, биз ўтмишдан олаётган меросни ҳозирги кунда яратилаётган буюк кашфиётлар билан уйғунлаштирмоғимиз керак»[2].

Ўтган даврда мамлакатимиз илм-фанини ривожлантиришга қаратилган бир қатор дастурий ҳужжат ва чора-тадбирлар қабул қилиниб, уларнинг изчил амалга оширилиши таъминланди. Бу борада Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, «Таълим

[1] Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 28 октябрдаги «Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг 60 йиллигини нишонлаш тўғрисида»ги 470-сонли қарори. Халқ сўзи, 2003 й.

[2] *Каримов И.А.* Ватан равнақи учун ҳар биримиз масъулмиз. Асарлар, 9-жилд. Тошкент: Ўзбекистон. 2001. 277–278-бетлар.

тўғрисида»ги қонун ва Кадрлар тайёрлаш миллий дастури алоҳида аҳамият касб этади. Шу билан бирга, Ўзбекистон Республикаси Президентининг қатор фармонлари, қарор ва фармойишлари ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва бошқа ҳужжатлар қабул қилинди.

Шуни таъкидлаш керакки, Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида илму фанни ривожлантиришга муҳим аҳамият қаратилди[1]. Мустақиллик даврида илму фанни замонавий асосда ривожлантиришга кенг имкониятлар яратилиши олимларимиз томонидан олиб борилган илмий тадқиқотлар натижаларини иқтисодиёт тармоқларини самарали ривожлантириш, замонавий технологияларни ишлаб чиқаришга кенг жорий этиш, маҳаллий ресурсларни ишлаб чиқаришга жалб этиш борасида янги-янги имкониятлар яратди. Фундаментал тадқиқотларни ривожлантиришга алоҳида аҳамият берилгани натижасида шу йўналишдаги фанлар янада тараққий этди. Иқтисодий ўсишни таъминлаш ва халқнинг ҳаёт сифатини оширишда асосий омиллардан бири бўлган илм-фан ривожига дастурий ёндашилиб, унинг сифат жиҳатдан ривожланишига мамлакатимизда жуда катта илмий-ташкилий, ҳуқуқий ва иқтисодий шарт-шароитлар яратиб берилди. Бу борада, жумладан, қуйидаги ҳужжатларни алоҳида кўрсатиб ўтиш керак: Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1992 йил 31 мартдаги «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси (Ўзбекистон Республикаси ОАК)ни ташкил қилиш тўғрисида»ги 371-сонли фармони; Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 24 июлдаги «Олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрларни тайёрлаш ва аттестациядан ўтказиш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида»ги 4456-сонли фармони; 1992 йил 18 февралдаги «Ўзбекистон Республикаси Фан ва техника давлат қўмитасини ташкил этиш тўғрисида»ги фармони; 1992 йил 8 июлдаги «Илм-фанни давлат йўли билан қўллаб-қувватлаш ва инновация фаолиятини ривожлантириш тўғрисида»ги 438-сонли фармони; 1997 йил 11 ноябрдаги «Хоразм Маъмун академиясини кайтадан ташкил этиш тўғрисида»ги 1880-сонли фармони; 2002

[1] *Каримов И.А.* Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида. Тошкент: Ўзбекистон. 2011.

йил 20 февралдаги «Илмий-тадқиқот фаолиятини ташкил этишни такомиллаштириш тўғрисида»ги фармони; 2006 йил 7 августдаги «Илмий-тадқиқот фаолиятини мувофиқлаштириш ва бошқаришни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 436-сонли қарори; 2008 йил 15 июлдаги «Инновацион лойиҳа ва технологияларни ишлаб чиқаришга татбиқ этишни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори»; 2010 йил 27 январдаги «Баркамол авлод йили Давлат дастури тўғрисида»ги 1271-сонли қарори; 2010 йил 2 ноябрдаги «Олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштиришнинг чора-тадбирлари тўғрисида»ги 1426-сонли қарори; 2011 йил 20 майдаги «Олий таълим муассасаларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва юқори малакали мутахассислар тайёрлаш сифатини тубдан яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 1533-сонли қарори.

Мустақиллигимизнинг биринчи кунларидан бошлаб мамлакатимизда илм-фанни ривожлантиришга ва уни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш ишларига биринчи даражали вазифа сифатида қаралди. Бу борада Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1992 йил 8 июлдаги «Илм-фанни давлат йўли билан қўллаб-қувватлаш ва инновация фаолиятини ривожлантириш тўғрисида»ги 438-сонли фармони мамлакатимизда фан-техника имкониятларини кучайтириш, республикани ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришда илм-фаннинг аҳамиятини ошириш, уни қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантиришни таъминлашга хизмат қилди. Мазкур фармон билан олий таълим ва илмий-тадқиқот муассасаларида хўжалик шартномалари асосида бажариладиган илмий-тадқиқот ишлари, шунингдек, инновация ишлари 1992–1995 йилларда қўшимча қийматдан солиқ тўлашдан озод қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг мазкур фармони ижроси юзасидан 1992 йил 21 июлда 337-сонли Ҳукумат қарори қабул қилиниб, жумладан, қуйидагилар амалга оширилди: фан ва техниканинг устувор йўналишлари бўйича фан номзодлари ва докторлари тайёрлашнинг истиқболли дастури ишлаб чиқилиб, тегишли тадбирлар бажарилди; ёшлар орасидан истеъдодли олимларни тажриба орттириш учун хорижий марказларга юбориш давлат бюджети ҳисобидан амалга оширилди; Фанлар академияси илмий

муассасалари учун дастурий мақсадларга ажратилган маблағлар доирасида, технологик асбоб-ускуналар ва хомашё етказиб беришни таъминлаш тегишли ташкилотларга юклатилди.

Илм-фанни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш ва мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий тараққиётида унинг муносиб иштирокини таъминлашда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Фанлар академиясининг 1994 йил 7 июлда бўлиб ўтган умумий йиғилишида сўзлаган нутқи, унда баён этилган таклифлари, кўрсатмалари ва амалий ёрдами жуда катта тарихий аҳамият касб этди. Ана шу асосда, барча тармоқлар бўйича илмий йўналишлар аниқ белгиланиб, мақсадли илмий-ташкилий ишлар амалга оширилди; академияда фундаментал тадқиқотларни қўллаб-қувватлаш жамғармаси ташкил этилиб, давлат бюджетидан молиялаштириш йўлга қўйилди; илмий-тадқиқот муассасаларида давлатнинг молиявий кўмагида бажарилаётган ишлар, хўжалик шартномаларининг бажарилиши, илмий фаолиятга бозор муносабатларини жорий қилиш ва халқаро ҳамкорликни ривожлантириб бориш янгича илмий-ижодий муҳитнинг шаклланишида муҳим омил бўлди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1997 йил 11 ноябрдаги «Хоразм Маъмун академиясини қайтадан ташкил этиш тўғрисида»ги 1880-сонли фармони асосида миллий анъаналарни ривожлантириш, истеъдодли олимларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ҳамда минтақаларда фанни янада ривожлантириш мақсадида Хоразм Маъмун академиясини қайтадан ташкил этиш алоҳида аҳамият касб этди. Мазкур фармонда Хоразм Маъмун академиясининг асосий илмий ва ташкилий вазифалари сифатида қуйидагилар белгиланди: илм-фан тармоғидаги қадимги миллий мерос асосида юқори интеллектуал муҳитни яратишдаги бой анъаналарни тиклаш ва ривожлантириш, ёш истеъдодли олимларни излаб топиш, уларни академия фаолиятига жалб этиш ва илмий ижодининг самарадорлигини юксалтириш; қадимги миллий илм-фан тармоғидаги бой меросни ҳар томонлама ўрганиш ва таҳлил қилиш, тарих, археология, фалсафа, тил ва адабиёт, биология ва биотехнология соҳаларида фундаментал изланишларни олиб бориш, замонавий илмий мактаблар яратиш ва фан ютуқларини амалиётга татбиқ этиш; минтақада илм-фан билан боғлиқ барча ишларни

замон талаблари даражасида мувофиқлаштириш; олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрларни тайёрлаш; Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини амалга оширишда фаол иштирок этиш, узлуксиз таълим тизими ва фан ўртасидаги узвий алоқаларни ўрнатиш, академик лицейларда илмий-педагогик фаолиятни юқори савияда олиб бориш; халқаро илмий ҳамкорликни ривожлантириш.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 9 июндаги «Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси фаолиятини эркинлаштириш ва самарали ривожланишини таъминлаш тўғрисида»ги 223-сонли қарори мамлакатимизда илм-фанни, айниқса, фундаментал фанни ривожлантиришга жуда катта ижобий таъсир кўрсатди. Мазкур қарор академия фаолияти бўйича қабул қилинган бўлса-да, у мамлакатимизда фаннинг, айниқса, фундаментал фаннинг ривожига сезиларли равишда ижобий таъсир кўрсатди. Мазкур қарорга мувофиқ, жамоатчилик асосида иш юритадиган янги тузилма – илмий-тадқиқот муассасалари директорларининг кенгаши ташкил этилди. Бунинг натижасида бошқарув қарорларини қабул қилиш жараёнлари демократлаштирилди, академия бошқарув аппарати ва илмий-тадқиқот муассасалари ўртасидаги ўзаро муносабатларда, уларнинг илмий-ташкилий фаолиятида янгича ижодий, кўтаринки муҳит вужудга келди. Фанлар академияси мухбир аъзолик институтининг тугатилиши бу борада жаҳон андозаларига ўтишни ҳамда академия барча аъзоларининг тенг ҳуқуқлигини таъминлади. Шунингдек, олиб борилаётган илмий тадқиқотлар сифатини ошириш, муайян йўналишдаги илмий тадқиқотлар бўйича мувофиқлаштириш ишларини кучайтириш, илмий ишланмалар даражасини юксалтириш ҳамда илмий натижаларни амалиётга жорий қилиш самарадорлигини ошириш борасида қатор тадбирлар амалга оширилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2002 йил 20 февралдаги «Илмий-тадқиқот фаолиятини ташкил этишни такомиллаштириш тўғрисида»ги фармони ва Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 4 мартдаги «Илмий-тадқиқот фаолиятини ташкил этишни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 77-сонли қарори мамлакатимизда илм-фан ривожининг сифат жиҳатдан

янги босқичини бошлаб берди. Мазкур ҳужжатлар бозор муносабатлари шароитида соҳани ривожлантириш ва олимларни ижтимоий ҳимоя қилиш тизимини такомиллаштиришда муҳим аҳамият касб этди. Мақсадли илмий лойиҳаларни молиялаштириш амалиёти жорий этилди ва ноёб илмий объектларни давлат бюджети ҳисобидан қўллаб-қувватлаш йўлга қўйилди. Мазкур фармонга биноан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида Илмий-техника тараққиётини мувофиқлаштириш кенгаши ташкил этилди.

Шуни таъкидлаш керакки, мазкур фармонга мувофиқ идоравий ва соҳага оид илм-фанни бошқариш билан боғлиқ масалалар тегишли давлат ва хўжалик ҳисобидаги тузилмалар ихтиёрига берилиши белгиланди. Бу ҳол иқтисодиёт тармоқларининг долзарб муаммоларини тезкор ҳал этиш, илм-фан соҳасига инвестицияларни янада кенг жалб этиш, ишлаб чиқариш ва фан интеграциясини кучайтиришда муҳим омил бўлиб хизмат қилди.

Мазкур фармон асосида 2002 йилдан бошлаб илмий муассасаларга бюджет маблағларини эълон қилинган танлов натижаларига кўра шартнома асосида бериш тартибининг жорий этилиши илм-фан соҳасининг бозор муносабатларига ўтишида муҳим ўрин тутди. Шунингдек, ушбу фармон илмий-тадқиқот муассасаларини базавий таъминлаш тизимидан мақсадли лойиҳаларни молиялашга ўтиш, илмий тадқиқотларни замонавий талаблар асосида ташкил этишда, илмий фаолиятни якуний натижаларга йўналтиришда ҳамда соҳада халқаро алоқаларни жадал ривожлантиришни таъминлашда муҳим фундаментал асос бўлиб хизмат қилди.

Мамлакатимизда илм-фан тараққиётини таъминлаш, жаҳон андозаларига мувофиқ ҳолда юксак даражадаги илмий изланишларни амалга ошириш, ноёб ихтиро ва кашфиётлар, илғор техника ва технологияларни ишлаб чиқишни рағбатлантириш тизимини янада такомиллаштиришда, шунингдек, иқтидорли олимларни давлат томонидан қўллаб-қувватлашда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 25 июлдаги «Ўзбекистон Республикасининг фан ва техника, адабиёт, санъат ва меъморчилик соҳасидаги давлат

мукофотларини таъсис этиш тўғрисида»ги 3781-сонли фармони алоҳида тарихий аҳамият касб этди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 7 августдаги «Илмий-тадқиқот фаолиятини мувофиқлаштириш ва бошқаришни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 436-сонли қарори мамлакатимизда илмий-тадқиқот фаолиятини янада ривожлантириш ҳамда унинг бошқарув, илмий-ташкилий ва молиявий асосларини амалга оширилаётган ислоҳотларга мос равишда такомиллаштиришда ва илмий-тадқиқот фаолиятини эркинлаштиришда муҳим ижобий таъсирга эга бўлиб, илм-фан бошқарувини бозор муносабатлари шароитида сифат жиҳатдан янги босқичга кўтарди. Мазкур қарор билан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида Фан ва технологияларни ривожлантиришни мувофиқлаштириш қўмитаси ташкил этилиб, унинг асосий вазифалари сифатида қуйидагилар белгиланди: мамлакатни ижтимоий-иқтисодий, ижтимоий-сиёсий ривожлантириш вазифалари, замонавий фан ютуқларини ҳисобга олган ҳолда, Фанлар академияси, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, бошқа вазирлик ва идоралар билан бирга фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишларини ишлаб чиқиш; вазирлик ва идораларнинг илмий-тадқиқот институтлари ва муассасалари, лойиҳа-конструкторлик ташкилотлари, олий таълим муассасалари, Фанлар академиясининг фан ва технологиялар ривожланишининг устувор йўналишларини амалга ошириш бўйича фаолиятини мувофиқлаштиришни таъминлаш; илмий-техник дастурлар амалга оширилишини, шунингдек, илмий-тадқиқот ишлари натижалари иқтисодиёт, ишлаб чиқариш, таълимнинг турли соҳаларида қўлланилишини самарали мониторинг қилишни ташкил этиш; илмий-техник соҳада ўзаро фойдали халқаро ҳамкорликни ривожлантириш, мамлакатнинг илм-фан соҳасига хорижий инвестицияларни жалб қилиш, илмий ташкилотлар, олимлар ва мутахассисларнинг халқаро дастурлар ва илмий лойиҳалар танловларида қатнашиши учун кўмаклашиш.

Ушбу қарорда илмий тадқиқот фаолиятини ташкил қилиш ишларини мувофиқлаштириш ва бошқарув самарадорлигини оши-

риш, инновацион лойиҳаларни устувор шакллантириш ҳамда илмий лойиҳа буюртмачилари ва ижрочиларининг масъулиятини ошириш бўйича муҳим механизмлар белгилаб берилди. Қарорга мувофиқ, илмий лойиҳаларни республика ижтимоий-иқтисодий соҳаларининг долзарб муаммолари илмий ечимларига йўналтириш, илмий натижаларни амалиётга жорий қилиш самарадорлигини ошириш ҳамда буюртмачи ва ижрочи ташкилотлар муносабатларини такомиллаштириш мақсадида манфаатдор вазирлик ва идоралар ўз тасарруфидаги ташкилотларда фундаментал, амалий ва инновация лойиҳаларини бажаришлари учун буюртмачи сифатида белгиланди.

Шунингдек, мазкур қарор билан Фанлар академияси, вазирлик ва идораларнинг тадқикот ва инновация ишлари учун ажратиладиган бюджет маблағларини илмий-тадқиқот, таълим муассасалари ва ташкилотлари, амалга ошириладиган илмий-техник лойиҳаларга экспертизалар натижаларига қараб, танлов асосида, мустақил тақсимлаши белгилаб берилди. Мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг илмий таъминотини кучайтириш, илм-фан соҳасида бошқарув тизимини замонавий талабларга мувофиқ ҳолда ташкил этиш, илмий тадқиқотлар сифати ва самарадорлигини ошириш бўйича тегишли тадбирлар амалга оширилди. Мазкур фармонга мувофиқ, 2007 йилдан бошлаб, ҳар икки йилда бир марта фан ва техника соҳасида бериладиган Ўзбекистон Республикасининг Давлат мукофотлари таъсис этилди.

Мамлакатимизнинг инновацион ривожланишнинг замонавий моделига ўтиши ва ушбу жараёнда фан ва ишлаб чиқаришнинг инновацион узвийлигини таъминлашга оид қатор ҳужжатлар қабул қилинди. Бу борада Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 15 июлдаги «Инновацион лойиҳа ва технологияларни ишлаб чиқаришга татбиқ этишни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори алоҳида аҳамият касб этади. Ушбу карор юкори технологияларга асосланган ишлаб чиқаришни жадал ривожлантиришда инновацион ва инвестицион фаолликни кучайтириш негизида ишлаб чиқаришга инноваци-

он лойиҳаларни кенг жорий этишга, замонавий техник-технологик талаблар асосида корхоналарни модернизация қилиш ва фан ютукларини кенг кўламда талаб этадиган рақобатдош маҳсулотлар ишлаб чиқаришни жадаллаштиришга хизмат қилмоқда.

Мамлакатимизда илмий салоҳиятни мустаҳкамлаш, иқтидорли ёшларни илмий фаолиятга кенг жалб этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ёш олимларни қўллаб-қувватлаш борасида катта дастурий тадбирлар амалга оширилмоқда, жумладан, 2004 йилдан бошлаб фаннинг барча тармоқлари бўйича йилига икки марта ёш олимларнинг фундаментал тадқиқотлар илмий-техник дастурлари танловлари ташкил этилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 27 январдаги «Баркамол авлод йили Давлат дастури тўғрисида»ги 1271-сонли қарорига асосан, ёш олимларнинг илмий тадқиқотларини қўллаб-қувватлаш мақсадида 2010–2011 йилларга мўлжалланган Ёш олимлар фундаментал ва амалий тадқиқотлар лойиҳалари танлови ташкил этилди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 2 ноябрдаги «Олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштиришнинг чора-тадбирлари тўғрисида»ги 1426-сонли қарори олий таълимдан кейинги таълим институтларини сифат жиҳатдан тубдан такомиллаштиришга хизмат қилди.

Мустақиллик йилларида мамлакатимизда илм-фан соҳасини ривожлантиришга қаратилган катта эътибор бугунги кунда ўз самарасини бериб, мустақиллигимизни мустаҳкамлашда алоҳида аҳамият касб этмоқда. «Республика фани қудратли интеллектуал салоҳиятни яратган. У ҳаётимизнинг кўпгина соҳаларида амалда қўлланмоқда. Ватанимизнинг миллий давлатчилиги ва иқтисодий мустақиллигини мустаҳкамлаш учун асос бўлиб хизмат қилмоқда»[1].

Мамлакатимиз илм аҳли мустақиллигимизни иқтисодий жиҳатдан мустаҳкамлашда ва кенг қамровли ислоҳотларни амалга

[1] *Каримов И.А.* Хавфсизлик ва баркарор тараккиёт йўлида. Асарлар, 6-жилд. Тошкент: Ўзбекистон. 1998. 212-бет.

оширишда муносиб иштирок этмоқда. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида унинг салбий таъсирини бартараф этишнинг йўллари ва ривожланиш стратегиясининг давлатимиз томонидан оқилона белгиланиши ислоҳотларни изчил амалга ошириш, жумладан, ижтимоий соҳаларни белгиланган параметрларда ривожлантиришда муҳим омил бўлиб хизмат қилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримовнинг «Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари» ҳамда «Асосий вазифамиз – Ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир» номли асарларининг моҳияти, қоидалари, хулосалари ва уларда белгилаб берилган вазифалар асосида олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар давлат аттестацияси сифатини ошириш юзасидан қатор мақсадли чора-тадбирлар амалга оширилди. Улар таркибида, жумладан, диссертациялар мавзулари қайта кўриб чиқилиб, тадқиқотларнинг иқтисодиёт тармоқлари реал эҳтиёжларига йўналтирилиши таъминланди; имтиҳонлар дастурларига киритилган қўшимчалар изланувчиларнинг билим даражасини оширишга ҳамда илмий тадқиқотларнинг илмий-назарий савиясини юксалтиришга ва уларнинг самарадорлигини оширишга хизмат қилди. Амалий ва инновацион аҳамият касб этган илмий натижаларни саноат тармоқларига ва кичик бизнесга жорий этишни тезлаштириш юзасидан тегишли илмий-ташкилий чора-тадбирлар изчил амалга оширилиб, фан ва ишлаб чиқариш инновацион интеграциясининг ташкилий асосларини янада мустаҳкамлаш борасида қатор ижобий ишлар амалга оширилди. Жумладан, бажарилган қатор диссертациялар мамлакатимизда нефть саноатининг муаммолари ечимига қаратилган бўлиб, ёқилғида октан ҳажмини оширувчи янги моддалар – рух-алюминий катализаторини олиш технологияси яратилди; қаттиқ фазада газ буғи конденсацияси учун мўлжалланган ва кимё, озиқ-овқат саноати корхоналари учун муҳим бўлган иссиқлик алмашинуви аппарати яратилиб, саноат корхоналарида муваффақиятли синовдан ўтказилмоқда; Марказий Қизилқум фосфоритидан нитрокальций фосфат минерал ўғитини

ишлаб чиқариш технологияси яратилиб, ишлаб чиқаришга жорий этилди ва 90 минг тоннадан кўпроқ минерал ўғит ишлаб чиқарилди; 10 минг тоннага мўлжалланган фосфогипсдан қўш ўғит олиш технологияси яратилиб, амалиётда муваффақиятли ишлатилмоқда; охирги йиллар давомида бажарилган диссертациялар натижаларига биноан, тиббиёт амалиётига 30 дан ортиқ янги оригинал дори воситалари киритилди»[1].

Мамлакатимиз илм-фан соҳасини жаҳон талаблари асосида тараққий эттиришда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 24 июлдаги «Олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар тайёрлаш ва аттестациядан ўтказиш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида»ги 4456-сонли фармони ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 28 декабрдаги «Олий ўқув юртидан кейинги таълим ҳамда олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрларни аттестациядан ўтказиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 365-сонли қарори муҳим аҳамият касб этмоқда.

Ватанимиз мустақиллигини мустаҳкамлаш, халқимизнинг турмуш даражаси ва ҳаёт сифатини изчил ва босқичма-босқич юксалтириб бориш ҳамда она юртимизнинг жаҳондаги нуфузини янада оширишда илм-фан имкониятларидан самарали фойдаланиш бугунги кундаги долзарб вазифалардан бири ҳисобланади. Чунки, «илғор фан-техника ютуқлари одамларимизнинг оғирини енгил қилишга, маънавий дунёсини юксалтиришга хизмат қилсин. Токи биз улуғ боболаримизнинг бекиёс ақл-заковати билан фахрланиб юрганимиз сингари келгуси авлодлар ҳам бугунги олимларимизнинг илмий кашфиётлари ва салоҳиятларидан ҳамиша ифтихор қилсинлар»[2].

---

[1] «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси Бюллетени» журнали. 2010/3. 44–47-бетлар.

[2] *Каримов И.А.* Бунёдкорлик йўлидан. Асарлар, 4-жилд. Тошкент: Ўзбекистон. 1996. 91-бет.

Олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар давлат аттестацияси

Ватан равнақи, юрт тинчлиги ва халқ фаровонлиги кўп жиҳатдан таълим-тарбия ва илм-фан соҳаларини ривожлантириш ҳамда баркамол авлодни тарбиялашга боғлиқдир. Истиқлолнинг дастлабки кунларидан бошлаб мамлакатимизда таълим-тарбияни юксалтириш, илм-фанни ривожлантириш, баркамол авлодни тарбиялаш ва ёшларга тегишли шарт-шароитлар яратиш каби масалаларга давлат сиёсати даражасида катта эътибор қаратилди.

Мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш ва жамиятнинг ижтимоий тараққиётида олий ўқув юртидан кейинги таълим асосида олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар тайёрлаш ҳамда уларни давлат аттестациясидан ўтказиш алоҳида аҳамият касб этади. Жамиятнинг бундай кадрларга бўлган эҳтиёжини қондириш ва шахснинг ижодий таълим ва касб-ҳунарга бўлган манфаатларини қаноатлантиришда олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар тайёрлаш ҳамда уларни давлат аттестациясидан ўтказиш асос омил ҳисобланади.

Мустақиллик йилларида мамлакатимизда олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар тайёрлаш ҳамда уларнинг давлат аттестациясини ташкил этиш, унинг сифатини ошириш масалаларига ҳукуматимиз томонидан катта эътибор қаратилиб, мазкур жараённи кенг қамровли ислоҳотлар ва жамиятдаги ижобий ўзгаришларга монанд равишда олиб боришга йўналтирилган қатор ҳужжатлар қабул қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1992 йил 31 мартдаги «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси (Ўзбекистон Республикаси ОАК)ни ташкил қилиш тўғрисида»ги 371-сонли фармони мамлакатимизда олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар давлат аттестациясини ташкил этишда тарихий аҳамиятга молик ҳужжатдир.

Ушбу фармонга мувофиқ, олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар давлат аттестациясининг янги тизими шакллантири-

либ, уни ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ва маънавий тараққиётнинг устувор муаммоларини ҳал қилишга йўналтириш, илмий тадқиқот ва ишланмаларни давлат йўли билан экспертиза қилишни таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида Олий аттестация комиссияси ташкил қилинди. Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси зиммасига, жумладан, қуйидаги асосий вазифалар юклатилди: ривожланган хорижий мамлакатлар тажрибасини ҳисобга олиб, олий малакали илмий ва илмий-педагог ходимлар тайёрлашнинг янги тизимини ишлаб чиқиш ва жорий этиш; олий малакали илмий ва илмий-педагог ходимларни давлат йўли билан аттестациядан ўтказишнинг халқаро талабларига мос келадиган тизимини шакллантириш; илмий ходимлар ихтисосликларининг малака хусусиятларига нисбатан талабларни ҳамда илмий даражалар ва илмий унвонларни бериш тартиби тўғрисидаги низомларни ишлаб чиқиш; аттестация тизимини такомиллаштириш, аттестация ҳужжатларини ўзаро тан олиш тўғрисида битимлар тузиш ва халқаро маълумотлар банкларидан фойдаланиш юзасидан халқаро ҳамкорликни йўлга қўйиш.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, фармонда мазкур ташкилотнинг ўз ваколати доирасида қабул қилган қарорлари вазирлик ва идоралар, Фанлар академияси ҳамда олий таълим ва илмий-тадқиқот муассасалари, уларга тенглаштирилган муассасалар кимга бўйсунишидан қатъи назар, улар учун мажбурийлиги белгилаб қўйилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг мазкур фармони ижроси юзасидан Вазирлар Маҳкамасининг 1992 йил 9 сентябрда «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси фаолиятини ташкил этиш масалалари» тўғрисидаги 421-сонли қарори қабул қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси зиммасига юклатилган вазифалар ва фаолиятининг йўналишларига мувофиқ, унга қуйидаги ҳуқуқлар берилди: илмий ва илмий-педагог кадрлар ихтисосликлари рўйхати (номенклатураси)ни ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш;

илмий даража ва унвонлар бериш тартиби тўғрисидаги низомларни, йўриқномаларни ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш; ихтисослашган кенгашлар, илм-фан йўналишлари бўйича эксперт кенгашларини тузиш ҳамда уларнинг шахсий таркибини тасдиқлаш, илмий унвонлар бериш юзасидан илмий кенгашларнинг таклифларини кўриб чиқиш ва тасдиқлаш; тегишли кенгашлар иши устидан мунтазам ва таъсирли назоратни амалга ошириш, уларнинг таркибига ўзгартишлар киритиш, диссертациялар ҳимояси бўйича бир марталик кенгашлар тузишга рухсат бериш, кенгашларнинг фаолиятини тўхтатиш ёки уларни ёпиш тўғрисида қарорлар қабул қилиш; ҳимоя қилинган диссертацияларни, зарур ҳолларда мамлакатимизнинг йирик олим ва мутахассисларини, шунингдек, чет эл мутахассисларини жалб этган ҳолда, давлат экспертизасидан ўтказиш; миллий ва давлатлараро илмий-услубий кенгашлар ва конференциялар ташкил қилиш, юртимиз ташқарисида ўтказиладиган шу каби тадбирларда иштирок этиш учун ўз вакилларини юбориш; вазирлик ва идоралардан, Фанлар академияси, тегишли ташкилот ва муассасалардан юклатилган вазифаларни бажариш учун зарур бўлган материалларни олиш; «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги ОАК Бюллетени» журналини нашр этиш.

Мазкур қарорга асосан «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси тўғрисида низом» тасдиқланди. Шунингдек, унга Ўзбекистон Республикасининг Давлат герби тасвирланган ва ўз номи ёзилган муҳрга эга бўлишга рухсат берилган.

Тегишли қонун ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар талаблари асосида олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар давлат аттестациясини замонавий асосда ташкил этиб бориш юзасидан мунтазам равишда тизимли чора-тадбирлар амалга оширилиб, жумладан, қуйидагилар жорий этилган: таълим тизимини тубдан қайта қуриш ва унинг сифатини тубдан яхшилаш талабларидан келиб чиққан ҳолда, олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар давлат аттестациясининг ҳуқуқий асослари яратилган ва муттасил такомиллаштириб борилмоқда. Тегишли қонун ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга

мувофиқ ҳолда, замонавий талаблар асосида «Ихтисослашган кенгаш ҳақида низом», «Илмий даражалар бериш тартиби тўғрисида низом», «Илмий унвонлар бериш тўғрисида низом», «Эксперт кенгаши тўғрисида низом» ишлаб чиқилган (1992) ва амалиётга жорий этилган ҳамда уларга белгиланган тартибда тегишли ўзгартириш ва қўшимчалар киритилган (1996, 2000, 2003, 2006, 2010, 2011). Шунингдек, «Олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар ихтисосликлари рўйхати», «Олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар ихтисосликлари паспортлари», «Номзодлик имтиҳонларини ўтказиш тартиби тўғрисида низом», «Диссертация ҳимояси тўғрисидаги маълумотлар ҳақида «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги ОАК Бюллетени» журналида эълон бериш тартиби», «Диссертация ҳимояси бўйича бир марталик ихтисослашган кенгаш тузишга рухсат беришни расмийлаштириш бўйича йўриқнома», «Илмий маъруза шаклидаги докторлик диссертациясини тақдим этиш ва ҳимоя қилиш тартиби», «Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг ўзга давлатларда ва ўзга давлатлар фуқароларининг Ўзбекистон Республикасида диссертация ҳимоя қилиш тартиби», «Хизматда фойдаланиш учун грифли диссертация ишларини кўриб чиқиш ва ҳимоя қилиш тартиби» каби меъёрий ҳужжатлар ишлаб чиқилган ва уларга тегишли ўзгартиришлар ўз вақтида киритиб борилмоқда. Шунингдек, мазкур меъёрий ҳужжатларда илмий даража ва унвонларга қўйиладиган талабларни халқаро андозаларга мувофиқ ҳолга келтириш юзасидан ҳам тегишли ишлар амалга оширилган; олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрларни аттестациядан ўтказиш ташкил қилиниб, илмий даража ва унвонларга қўйиладиган талабларнинг ягоналиги Ўзбекистон Республикаси ОАК низомлари ва меъёрий ҳужжатлари ҳамда аттестация жараёнларида амалга ошириладиган экспертизалар асосида таъминланиши ташкил этилган; етакчи олимларни жалб қилган ҳолда, Ўзбекистон Республикаси ОАК Раёсатининг тегишли қарорлари билан фан тармоқлари бўйича эксперт кенгашлари ташкил этилиб, уларнинг «Эксперт кенгаши тўғрисида низом» асосида фаолият кўрсатиши таъминланган; илмий кенгашларнинг тақдимномалари асосида диссертациялар мавзулари мониторинги олиб борилиб, Ўзбекистон Республикаси ОАК тегишли эксперт кенгашларининг тавсиялари асосида илмий-технологик тараққиётнинг устувор йўналишларига

мос бўлган мавзуларнинг «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги ОАК Бюллетени» журналида чоп этилиши йўлга қўйилган; диссертациялар сифати, уларнинг юқори илмий қиймати ва амалий аҳамиятини ошириш юзасидан тегишли меъёрий ҳужжатлар талаблари асосида илмий семинарлар, ихтисослашган ва эксперт кенгашлари, Ўзбекистон Республикаси Меъёрий комиссияси ва Раёсати томонидан назорат-таҳлил ишлари олиб борилиб, тегишли тадбирлар йўлга қўйилган; ёқланган диссертация ишларининг таҳлили ўтказилиб, илмий натижаларни амалиётга жорий қилиш ишлари диссертациялар бажарилган ташкилотлар, илмий ва ихтисослашган кенгашлар ҳамда Ўзбекистон Республикаси ОАК томонидан ташкил этилган; аттестация органларида ошкораликни таъминлаш ҳамда олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар давлат аттестациясига оид маълумотларни илмий жамоатчиликка ўз вақтида етказиш юзасидан «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги ОАК Бюллетени» журнали мунтазам равишда нашр этилмоқда. Давлат аттестацияси сифатини оширишда таҳлил ишларига алоҳида эътибор берилиб, журналда таҳлилий материаллар нашр этилмоқда;

Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 25 июлдаги 283-сонли қарори ва ушбу қарорнинг 3-иловаси билан тасдиқланган «Хорижий давлатларда илмий даража олганлик тўғрисидаги ҳужжатларни тан олиш ва нострификациялаш (эквивалентлигини кайд этиш) тартиби тўғрисида низом» ижроси бўйича, жумладан, илмий даражалар дипломларини нострификация қилиш учун ҳужжатларни рўйхат асосида қабул қилиш, белгиланган муддатларда ОАКнинг тегишли эксперт кенгашларида кўриб чиқиш ва ОАК Раёсатига киритиш ташкил этилган. Ўтган давр мобайнида бошқа давлатлар аттестация органлари томонидан берилган 417 та фан доктори ва 759 та фан номзоди дипломлари нострификация қилинган;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 6 июлдаги «Йилнинг энг яхши дарслиги ва ўқув адабиёти муаллифи танлови ғолибларига илмий даража ва илмий унвон бериш тўғрисида»ги 290-сонли қарори бўйича узлуксиз таълим тизими учун ўқув дастурлари, дарсликлар ва ўқув қўлланмаларини қайта кўриб чиқиш ва янгиларини яратиш бўйича ҳукумат комиссиясининг қарорларига мувофиқ тегишли танлов ғолибларига белгилан-

ган тартибда профессор илмий унвони ва фан доктори илмий даражаси берилган;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2002 йил 20 февралдаги «Илмий-тадқиқот фаолиятини ташкил этишни такомиллаштириш тўғрисида»ги фармони, 2006 йил 7 августдаги «Илмий-тадқиқот фаолиятини мувофиқлаштириш ва бошқаришни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 436-сонли қарори ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 4 мартдаги «Илмий-тадқиқот фаолиятини ташкил этишни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 77-сонли қарори хўжалик юритишнинг янги шароитида илмий тадқиқот фаолиятини янада ривожлантириш ва унинг илмий-ташкилий асосларини тубдан қайта қуришда муҳим ҳужжат бўлиб хизмат қилди. Шу жиҳатдан олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар давлат аттестациясини такомиллаштириш юзасидан қатор тадбирлар амалга оширилди. Жумладан, илмий-тадқиқот фаолиятини самарали ташкил этишнинг амалдаги ёндашуви асосида илмий унвонлар олиш учун фаолият кўрсатиладиган лавозимлар рўйхатига грант раҳбарлари ва тегишли илмий ходимлар лавозимлари эътиборга олинди;

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг «Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари» номли асаридаги материаллар, қоида ва хулосаларни ўрганиш юзасидан, жумладан, докторлик ва номзодлик диссертациялари мавзуларини мамлакатимиз илмий-технологик тараққиётининг устувор йўналишлари ва иқтисодиёт тармоқларининг долзарб муаммолари, шунингдек, 2009–2012 йилларга мўлжалланган Инқирозга қарши чоралар дастурида белгиланган вазифалардан келиб чиққан ҳолда, диссертациялар мавзулари қайта кўриб чиқилиб, уларга тегишли ўзгартиришлар киритилган; шунингдек, иқтисодиёт фанлари бўйича ихтисосликлар паспортларига тегишли ўзгартиришлар киритилиб, Ўзбекистон Республикаси ОАК Раёсатининг қарори билан тасдиқланган;

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг 2010 йил 27 январда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисида ҳамда 2010 йил 29 январда 2009 йилнинг асосий якунлари ва 2010 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг энг

муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисида сўзланган маърузасидан келиб чиқадиган асосий вазифалар ижроси юзасидан, жумладан, «Мустақиллик мафкураси ҳамда демократик жамият қуришнинг иқтисодий, ижтимоий-сиёсий, маънавий негизлари ва илмий асослари» фани бўйича махсус имтиҳон дастури ва имтиҳон саволларини маърузаларнинг мазмун-моҳияти, хулосалари ва белгиланган вазифалар асосида тўлдириш; умумилмий фанлар, иқтисодиёт фанлари ва 45 та ихтисослик бўйича номзодлик имтиҳонлари дастури ва саволлари таркибига қўшимчалар киритиш юзасидан тавсиялар ишлаб чиқилди; идоралараро ишчи гуруҳи томонидан тегишли тадбирлар ташкил этилиб, зикр этилган маърузалардаги қоида ва хулосалар асосида олий таълим ва илмий-тадқиқот муассасаларида илмий изланишлар олиб бораётган барча изланувчиларнинг диссертациялари мавзуларига тегишли ўзгартиришлар киритилиши таъминланди;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 20 майдаги «Олий таълим муассасаларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва юқори малакали мутахассислар тайёрлаш сифатини тубдан яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 1533-сонли қарори ижроси бўйича қатор тадбирлар амалга оширилди, жумладан, тегишли ҳужжатларга илмий ва педагог кадрларнинг ўз малакаси ва педагогик маҳоратини оширишда илмий унвонларнинг рағбатлантирувчи ролини кўтариш, уларнинг ўқув-услубий ҳамда кадрлар тайёрлаш жараёнида иштирок этишларига ижобий таъсир кўрсатиш, илмий натижалардан таълим жараёнида кенг фойдаланиш ҳамда олий таълим ва илмий-тадқиқот муассасалари интеграциясини янада чуқурлаштиришга йўналтирилган нормалар киритилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 24 июлдаги «Олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар тайёрлаш ва уларни аттестациядан ўтказиш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида»ги 4456-сонли фармони ижроси юзасидан, жумладан, «Олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар ихтисосликлари рўйхати»нинг янги таҳрири ишлаб чиқилди, «Фан доктори илмий даражасини олиш учун ўтказиладиган диссертация тадқиқотлари мавзуларини рўйхатдан ўтказиш тартиби бўйича йўриқнома» илк бор ишлаб чиқилиб, тасдиқланди, «Фан доктори илмий даражасини берувчи илмий кенгаш тўғрисидаги низом»,

«Фан доктори илмий даражасини бериш тартиби тўғрисидаги низом», «Илмий унвонларни бериш тартиби тўғрисидаги низом» ва «Эксперт кенгаши тўғрисидаги низом»ларнинг янги таҳрирлари тайёрланиб, амалиётга жорий этилди.

Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 28 декабрдаги «Олий ўқув юртидан кейинги таълим ҳамда олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрларни аттестациядан ўтказиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 365-сонли қарори асосида Олий аттестация комиссиясининг фаолиятида очиқлик ва ошкораликни таъминлаш, унинг аппарати тузилмасини оптималлаштириш ва фаолиятини ташкил этишни такомиллаштириш бўйича тегишли чоралар кўрилди. «Ўтган йили мамлакатимизда юқори малакали илмий ва илмий-педагог кадрларни аттестациядан ўтказиш бўйича бир поғонали тизимни ислоҳ қилиш ҳамда жорий этиш ниҳоясига етказилди. 2013 йилнинг 1 январидан бошлаб биз учун янги бўлган олий ўқув юртидан кейинги таълим, докторлик илмий ишларини тайёрлаш ва ҳимоя қилиш, илмий даража ҳамда илмий унвонлар бериш тизими жорий этилмоқда. Илмий кенгашлар асосан нафақат юқори малакали кадрлар тайёрлаш маскани, айни вақтда илмий тадқиқотлар олиб бориладиган марказга айланиши лозим бўлган етакчи олий ўқув юртлари қошида ташкил этилади. Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясининг ташкилий тузилиши ва унинг низоми тубдан қайта кўриб чиқилди»[1]. Кадрлар тайёрлаш миллий моделининг таркибий қисми бўлган олий ўқув юртидан кейинги таълимнинг бир босқичли тизими жорий этилди (1.2-расм).

Олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар давлат аттестацияси сифатини тубдан яхшилаш юзасидан амалга оширилаётган тадбирлар мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш ҳамда иқтисодиёт соҳаларини модернизация қилиш борасида белгиланган вазифаларнинг ҳал этилишига хизмат қилади.

[1] Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг 2012 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ҳамда 2013 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси. Ishonch. 2013. № 8.



1.2- р а с м. Кадрлар тайёрлаш миллий модели таркибий қисми бўлган олий ўқув юртидан кейинги таълимнинг бир босқичли тизими

Олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар давлат аттестациясининг натижалари[1]

Истиқлолимиз шарофати туфайли жаҳон миқёсида ўзбек модели деб танилган миллий тараққиёт йўлимиз асосида мамлакатимизда ижтимоий-иқтисодий, сиёсий, маданий ва бошқа соҳаларни халқимиз манфаатига мос ҳолда ислоҳ қилиш имкони яратилди. Ўзбек модели «республика ва унинг халқининг манфаатларига ниҳоятда мос келадиган, ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётини шакллантиришга қаратилган иқтисодиётдир»[2]. У пировард мақсадимиз бўлган ижтимоий йўналтирилган барқарор бозор иқтисодиётига, очиқ ташқи сиёсатга эга бўлган кучли демократик ҳуқуқий давлатни ва фуқаролик жамиятини барпо этишга хизмат қилади.

Шу йиллар мобайнида таълим ва фан соҳаларига давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири сифатида катта эътибор берилди. «Ўзбекистонда мустақиллик йилларида таълим тизимининг барча турларини, жумладан, олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан ислоҳ қилиш бўйича аниқ мақсадли кенг миқёсдаги ишлар амалга оширилди»[3]. Мустақиллигимизни мустаҳкамлаш, кенг қамровли ислоҳотларни муваффақиятли амалга ошириш ва мамлакатимизни модернизация қилиш ҳамда фуқаролик жамиятини ривожлантириш, шунингдек, мамлакатимизнинг жаҳондаги нуфузини янада оширишда олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар давлат аттестацияси муҳим аҳамият касб этди. Бу борада кенг қамровли чора-тадбирлар амалга оширилиб, муайян ижобий натижаларга эришилди. «Республика фани қудратли интеллектуал салоҳиятни яратган.

---

[1] Мазкур боб Ўзбекистон Республикаси ОАК статистик материаллари, таҳлилий маълумотлари ва бошқа ҳужжатларидан фойдаланган ҳолда тайёрланган.

[2] *Каримов И.А.* Биздан озод ва обод Ватан қолсин. Асарлар, 2-жилд. Тошкент: Ўзбекистон. 1996. 4-бет.

[3] Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 24 июлдаги «Олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар тайёрлаш ва уларни аттестациядан ўтказиш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида»ги 4456-сонли фармони.

У ҳаётимизнинг кўпгина соҳаларида амалда қўлланмоқда. Ватанимизнинг миллий давлатчилиги ва иқтисодий мустақиллигини мустаҳкамлаш учун асос бўлиб хизмат қилмоқда»[1]. Алоҳида таъкидлаш керакки, «ўзбек олимларининг куч-ғайратлари билан тарихимизнинг кўпдан-кўп ғоят муҳим саҳифалари, энг аввало, темурийлар даври, XIX аср охири – XX аср бошлари тарихи янгидан кашф этилди»[2].

Ўтган давр мобайнида мамлакатимизда олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар тайёрлаш суръатлари барқарор ўсиб бормоқда. Бу ҳол мамлакатимизда тинч-тотув ҳаётнинг таъминлангани, ижтимоий-иқтисодий соҳалардаги барқарорлик, таълим ва илм-фан тараққиётига катта эътибор қаратилаётгани, шунингдек, нуфузли илмий мактабларнинг тарихан шаклланган каби омиллар билан изоҳланади. Шунингдек, мазкур жараёнда баркамол авлодни тарбиялаш ва иқтидорли ёшларни илмий фаолиятга кенг жалб қилиш, уларни қўллаб-қувватлаш, олий малакали ёш илмий ва илмий-педагог кадрлар тайёрлаш масалаларига мамлакатимизда алоҳида эътибор берилгани муҳим аҳамият касб этади. Амалга оширилаётган кенг қамровли чора-тадбирлар таркибида юртимизда 2000 йилнинг «Соғлом авлод йили», 2001 йилнинг «Оналар ва болалар йили», 2005 йилнинг «Сиҳат-саломатлик йили», 2007 йилнинг «Ижтимоий ҳимоя йили», 2008 йилнинг «Ёшлар йили», 2010 йилнинг «Баркамол авлод йили», 2012 йилнинг «Мустаҳкам оила йили» ва 2013 йилнинг «Обод турмуш йили» деб эълон қилиниши ёш авлодни, айникса, иқтидорли ёшларни илмий фаолиятга кенг жалб қилиш ва уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашда янада кенг имкониятлар яратиб берди.

Мустақиллик йилларида мамлакатимизда илм-фан, айникса, бу борада таркиб топган илмий мактабларнинг ривожи, янгиларининг шаклланиши учун шарт-шароитлар яратилгани ҳамда олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар давлат аттестациясининг ривожланган хорижий мамлакатлар тажрибасини ҳисобга олган ҳолда ташкил этилиши алоҳида аҳамият касб этди.

---

[1] *Каримов И.А.* Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида. Асарлар, 6-жилд. Тошкент: Ўзбекистон. 1998. 212-бет.

[2] Ўша манба. 128-бет.

Ўтган давр (1992–2012 йй.) мобайнида Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси Раёсатининг тегишли қарори билан илмий даражалар талабгорларининг 2322 нафари фан доктори ва 12403 нафари фан номзоди илмий даражасида тасдиқланди, шунингдек, 1604 нафар талабгор профессор, 1085 нафар талабгор катта илмий ходим ва 6072 нафар талабгор доцент илмий унвонларини олди. Шунингдек, бошқа давлатлар аттестация органлари томонидан берилган 417 та фан доктори ва 759 та фан номзоди дипломлари нострификация қилинди.

Фан доктори илмий даражасида тасдиқланганларнинг 24 фоизи тиббиёт, 13 фоизи техника, 9 фоизи физика-математика, 8 фоизи иқтисодиёт, 7 фоизи биология, 6 фоизи филология, 5 фоизи юридик ва 4,5 фоизи педагогика фанлари улушига тўғри келади.

Илмий даражалари тасдиқланган хорижий давлатлар фуқаролари таркибида Хитой Халқ Республикаси, Корея, Япония, Россия, Ҳиндистон, Вьетнам, Исроил, Миср, Иордания, Ироқ, Ливан, Сурия, Эрон, Туркия, Покистон, Греция, Монголия, Озарбайжон, Қозоғистон, Тожикистон, Қирғизистон ва Туркманистон каби мамлакатлар вакиллари бор.

Шу йиллар мобайнида ҳимоя қилинган докторлик диссертациялари таркибида энг кўп (20 тадан ортиқ) ҳимоя амалга оширилган, жумладан, қуйидаги ихтисосликларни кўрсатиб ўтиш мумкин: дифференциал тенгламалар ва математик физика биоорганик кимё, юқори молекуляр бирикмалар, ботаника, хирургия, педиатрия, акушерлик ва гинекология, кардиология, стоматология, ички касалликлар, онкология, Ўзбекистон тарихи, иқтисодиёт назарияси, ижтимоий фалсафа, ўзбек адабиёти, ўзбек тили, давлат ва ҳуқуқ назарияси ва тарихи, фуқаролик ҳуқуқи, тадбиркорлик ҳуқуқи, оила ҳуқуқи, халқаро хусусий ҳуқуқ.

Мазкур кўрсаткич бўйича номзодлик диссертациялари таркибида энг кўп (100 тадан ортиқ) ҳимоя 21 та ихтисослик бўйича амалга оширилган.

Жами тасдиқланган фан докторлари таркибида аёллар 21 фоизни ташкил этгани ҳолда, ўртача кўрсаткичга нисбатан фармацевтика, психология, санъатшунослик, социология, педагогика, тиббиёт ва биология фан тармоқлари бўйича уларнинг улуши юқоридир.

Илмий даражаси тасдиқланганларнинг вазирлик ва идоралар бўйича тақсимланишининг кўрсатишича, фан доктори илмий даражасида тасдиқланганларнинг 30 фоизи Олий таълим ва ўрта махсус таълим вазирлиги, 24 фоизи Соғлиқни сақлаш вазирлиги, 14 фоизи Фанлар академияси, 6 фоизи Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги тизимидаги муассасаларга ва 26 фоизи бошқа ташкилотларга тўғри келади. Мазкур кўрсаткич фан номзодлари бўйича мос равишда 30, 26, 11, 6 ва 27 фоизни ташкил этади.

Бажарилган диссертацияларда муҳим назарий ва амалий аҳамиятга молик илмий натижалар олинган бўлиб, улар, жумладан, демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш; аниқ фанларнинг назарий муаммолари илмий ечимларини асослаш; мавжуд салоҳиятдан самарали фойдаланиш ҳамда ресурстежамкор ва рақобатбардош технологияларни ишлаб чиқиш (такомиллаштириш); қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланиш усулларини ривожлантириш; жамиятни ахборотлаштириш даражасини оширишга йўналтирилган кенг қамровли илмий ахборот технологиялари дастурий маҳсулотларини ишлаб чиқиш; ўсимлик ва ҳайвонот дунёси генофондини сақлаш; тупроқ унумдорлигини ошириш ҳамда қишлоқ хўжалиги маҳсулоти етиштиришнинг экологик тоза ва самарали технологияларини асослашга хизмат қилган. Шунингдек, бажарилган диссертация ишларида оналик ва болаликни, репродуктив саломатликни муҳофаза қилиш, даволаш ва ташхис қўйишнинг самарали усул ва технологияларини ишлаб чиқиш (такомиллаштириш) ҳамда маҳаллий табиий ва синтетик хомашё асосида янги дори воситаларини ишлаб чиқиш; органик, ноорганик, полимер ва бошқа табиий материаллар олишнинг янги ва самарали технологияларини яратиш; табиатни муҳофаза қилишнинг самарали усулларини ишлаб чиқишга тааллуқлидир.

Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш, фуқаролик жамиятини ривожлантириш, ишлаб чиқариш соҳаларини техник ва технологик янгилаш диссертацияларда асосланган илмий натижаларни амалиётга жорий қилиш алоҳида аҳамият касб этади. Шу жиҳатдан ҳам ўтган давр ичида илмий натижаларни амалиётга жорий этиш бўйича сезиларли натижаларга эришилди.

Таълим ва илм-фан соҳалари жамият тараққиётини таъминлашда алоҳида аҳамият касб этади. «Бугунги кунда, умумий эътирофга кўра, XXI аср глобаллашув ва чегараларнинг барҳам топиш даври, ахборот-коммуникация технологиялари ва интернет асри, жаҳон майдонида ва дунё бозорида тобора кучайиб бораётган рақобат асрига айланиб бораётганини исботлаб беришга ҳожат йўқ, албатта. Бундай шароитда инсон капиталига йўналтирилаётган инвестиция ва қўйилмаларнинг ўсишини, ҳозирги замонда демократик тараққиёт, модернизация ва янгиланиш борасида белгиланган мақсадларга эришишда энг муҳим қадрият ва ҳал қилувчи куч бўлган билимли ва интеллектуал ривожланган авлодни тарбиялаш вазифасини доимо ўзининг асосий устувор йўналишлари қаторига қўядиган давлатгина ўзини намоён эта олиши мумкин»[1].

Истиқлол даврида мамлакатимизда олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар тайёрлаш ва уларни давлат аттестациясидан ўтказиш ишлари муҳим аҳамият касб этиб, бу борада муайян фан тармоқлари бўйича қатор илмий янгилик ва амалий натижалар, жумладан, қуйидагилар олинган[2].

Физика-математика фанлари бўйича кадрлар тайёрлаш суръатлари юқори бўлиб, биринчи навбатда, мазкур ҳолат мамлакатимизда ана шу фанлар ривожига алоҳида эътибор берилгани, тарихан шаклланган илмий мактабларнинг фаол ишлаётгани ва халқаро миқёсда эътироф этилаётгани ва бу соҳаларга алоҳида эътибор берилиши билан изоҳланади. Мазкур фан тармоқлари бўйича долзарб муаммолар юзасидан илмий-тадқиқот ишлари олиб борилиб, диссертацияларда, жумладан, қуйидаги илмий натижалар олинган: илк бор кузатилган мувозанатли ўтказувчанликни температуравий ва инфрақизил сўнишнинг ўзига хос характерли томонлари асосланган; бурчак остида ўстирилган қатламларнинг қалинлиги бўйича тақсимотнинг аналитик ифодаси келтириб чиқарилган; тор зонали яримўтказгичларда аралашма

[1] *Каримов И.А.* Юксак билимли ва интеллектуал ривожланган авлодни тарбиялаш – мамлакатни барқарор тараққий эттириш ва модернизация қилишнинг энг муҳим шарти мавзуидаги халқаро конференциянинг очилиш маросимидаги нутқ. Халқ сўзи, 2012 йил 18 февраль.

[2] Ўзбекистон Республикаси ОАК Эксперт кенгашлари материаллари асосида умумлаштирилган.

ва нуқсонлар магнитофотолюминесценция ёрдамида материалга киритилган аралашма ва нуқсонларнинг табиати ўрганилган; бир, икки ва уч тартибли металл ҳамда металл бўлмаган компонентли титан ва ваннадий карбидлари асосидаги ностехиометриявий қоришмали қотишмаларда фазалар ўтиши, структуралар ҳосил бўлиш қонуниятлари ўрганилган; кичик энергияли ионлар бомбардимон қилиниб, қиздириш усули билан яримўтказгичли ва диэлектрик плёнкалар асосида бир ва кўп компонентли нанокристаллар ва наноплёнкаларнинг шаклланиш механизми аниқланган; оптик уйғонтирилган ишқорий атомларда кўп фотонли ионланиш ва тўқнашув ионланиш ҳодисалари илк бор ўрганилган; юқори энергияли адронларнинг нуклонлар ва ядролар билан тўқнашувида ҳосил бўлувчи иккиламчи зарраларнинг барча хусусиятлари адронларнинг кваркпартон структурасига асосланган моделлар башоратига мос келиши илк бор кўрсатилган; ядролар парчаланиши жараёнида ҳосил бўлувчи фрагментлар таркиби парчаланувчи ядронинг α-кластерли структурасига боғлиқ бўлиши илк бор аниқланган; адрон-адрон тўқнашувларида ҳосил бўлувчи ионлар кўндаланг импульсларининг ядро массасига боғлиқ бўлмаслигига компенсация эффекти сабаб бўлиши кўрсатилган; ярим ўтказгичларда кучли компенсацияланган ҳолатда тензоэлектрик хусусиятларнинг уларда мавжуд бўлган потенциал тўсиқлар баландлигининг ўзгариши билан боғлиқлиги асослаб берилган. Шунингдек, бузиладиган ва аралаш типдаги тенгламалар учун чегаравий масалаларнинг корректлиги, математик физиканинг ноклассик тенгламалари учун бошланғич-чегаравий масалаларнинг бир қийматли ечилиши, дифференциал операторлар билан боғлиқ бўлган спектрал ёйилма ва спектрал ёйилмаларнинг жамланиши, каср тартибли дифференциал операторлар ва чегаравий масалаларни ечишга доир муаммолар, тақсимланган параметрли системаларда зиддиятли ҳолатларни бошқариш масалалари асосланган.

Кимё фанлари мамлакатимизда иқтисодиётни модернизация қилиш, ишлаб чиқариш соҳаларини, жумладан, кимё саноати корхоналарини техник ва технологик янгилаш, жаҳон бозорида рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқаришни таъминлашда алоҳида аҳамият касб этади. Кимё ва кимё технологияси соҳасида амалга оширилган тадқиқотлар асосида, жумладан, сувда эрувчанлик ва

биопарчаланиш хоссаларига эга бўлган янги полимер системалар ишлаб чиқилган; импорт ингридиентлар ўрнига маҳаллий хомашёлар асосида чарм-мўйнанинг физик-кимёвий ва эксплуатацион хусусиятларини яхшиловчи янги самарадор полифункционал композициялар олишнинг илмий ва технологик асослари яратилган; маҳаллий хомашёдан олинган композицион материаллар асосида табиий газни олтингугуртдан самарали тозалайдиган адсорбент олиш технологияси яратилган; илк бор Ўзбекистонда олинадиган нефть қолдиғи – мазутдан сифат жиҳатдан жаҳон стандартларига тўғри келадиган суркаладиган мойлар ишлаб чиқариш технологияси яратилган; термокаталитик ва электрокимёвий йўл билан портловчи ва заҳарли газлар таркибини аниқлаш учун қўлланадиган юкори самарадор сенсорлар тайёрлашнинг илмий асослари яратилган; гидролизланган пахта чигити қобиғининг модификацияланган ҳосилалари асосланган; трансформатор мойини регенерация қилиш учун самарали сорбент яратилган; ёпишиш ҳолати температуралар оралиғи кенглиги билан фарқланувчи куйдирилган каолин асосидаги юқори чидамлиликка эга муллит чинниси изоляторлари таркиби ва тайёрлаш технологияси ишлаб чиқилган; натрий, магний хлоратлари, карбамид ва карбон кислоталарининг моноэтаноламинли тузлари ва пахта заводи чиқиндилари асосида суюқ дефолиантлар олиш технологияси ишлаб чиқилган; механик фаоллаштирилган минерал ингредиентлардан фойдаланиб, юқори чидамлиликка ва яхшиланган эксплуатацион хусусиятга эга композицион полимер материаллар таркиби ишлаб чиқилган; физиологик фаол моддалар ва комплекс таъсир этувчи дефолиантлар олинишининг технологик схемалари таклиф этилган; табиий газни тозалаш учун 20 фоиз диэтаноламин ҳамда 5 фоиз гексаметилентетраамин сақловчи самарадор композицион эритма таклиф этилган; ёғ сақловчи материалларга намли иссиқ шароитда ИҚ-нурланиш энергиясидан фойдаланган ҳолда ишлов бериш қурилмаси таклиф этилган.

Фармацевтика йўналишида, жумладан, пахта чигитидан госсипол – биологик фаол модда ажратиб олиш технологияси яратилган; госсипол асосида бешта янги вирусга қарши дори воситаси амалиётга жорий этилган; юртимизда ўсадиган ўсимликлар асосида гельминтларга қарши медамин, албендозол, медапек ва миорелаксант хусусиятига эга белэтоний дори воситалари яратилган;

медамин ва албендозол антигельминт препаратлари олинишининг саноат технологияси ҳамда медапек и белэтоний препаратлари олишнинг иқтисодий самарадор усуллари ишлаб чиқилган.

Биология фанлари соҳасида, жумладан, доривор ўсимликлар ҳосилдорлигини ошириш, инсон ва ҳайвон организмида баъзи юқумли касалликларнинг тарқалишида ҳайвон фаунаси айрим турларининг таъсири юзасидан хулосалар асосланган; баъзи ҳудудий патология ва улар коррекциясининг биокимё механизмлари очиб берилган.

Ер ҳақидаги фанлар йўналишида, жумладан, ҳудудимизни сейсмик районлаштириш, Ўзбекистон ҳудудида ер қобиғи тузилишининг замонавий моделини яратиш, рўй бериши мумкин бўлган геоэкологик хавф-хатарлар, уларнинг иқлим ўзгаришларига ва атроф-муҳитга, сув балансига таъсири муаммолари юзасидан илмий асосланган ечимлар ишлаб чиқилган; мамлакатимиздаги айрим ҳудудларнинг геологик тузилиши ва уларнинг заминимиз учун ноанъанавий бўлган янги турдаги конларга бойлиги ҳамда ўзлаштирилаётган мавжуд ёқилғи, нодир ва ноёб металларнинг конлардаги маъданлашув потенциалидан самарали фойдаланишга хизмат қилувчи муҳим таклифлар асослаб берилган. Шунингдек, илгари юртимизда мавжуд бўлмаган тоғ-кончилик, металлургия, фойдали қазилмаларни бойитиш ҳамда нефть конларини ўзлаштириш технологияларини такомиллаштириш юзасидан муҳим хулосалар асосланган ва тегишли таклифлар ишлаб чиқилган; фойдали қазилма конларини қазиб олиш, маъданларни қайта ишлашнинг янада самарали технологик ечимлари таклиф этилган; заминимиз бойликларидан оқилона фойдаланиш ва атроф-муҳитни асрашга қаратилган муҳим тавсиялар ишлаб чиқилган.

Техника фанлари иқтисодиётни модернизация қилиш, ишлаб чиқаришни техник ва технологик янгилаш, оптимал технологик ечимларга асосланган инновацион ғоя ва лойиҳаларни амалга оширишда алоҳида ўрин тутиб, жумладан, жаҳон бозорларида рақобатбардош ва юкори самарадорлик кўрсаткичларига эга бўлган технология ва маҳсулотларни ишлаб чиқиш ҳамда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга йўналтирилган муҳим илмий натижалар асослаб берилган; ресурслар ва энергияни тежайдиган замонавий технологияларни ишлаб чиқиш (такомиллаш-

тириш), етакчи тармоқларни ривожлантириш, тўқимачилик, енгил ва озиқ-овқат саноатларида қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ва хомашё ресурсларини чуқур қайта ишлашга, шунингдек, қурилиш материаллари саноатини янада жадал ривожлантиришга алоҳида эътибор берилиб, уларнинг долзарб муаммоларини ечиш юзасидан илмий асосланган таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

Қишлоқ хўжалиги фанлари илмий асосланган замонавий агротехнологияларни ишлаб чиқиш, сифатли маҳсулотлар етиштириш, уларнинг ҳосилдорлиги ва маҳсулдорлигини, маҳсулотлар тури ва ҳажмини ошириш ҳамда мавжуд ресурслардан оқилона фойдаланишни таъминлашда алоҳида аҳамият касб этиб, жумладан, юртимиз шароитида ноанъанавий экинларни парваришлаш, лалми ерлар самарадорлигини ошириш бўйича таклифлар асосланган; қишлоқ хўжалиги экинларини зараркунанда ва бегона ўтлардан ҳимоя қилишнинг янги усул ва технологиялари ишлаб чиқилган; дон етиштириш технологияларини такомиллаштириш, ғалла ва ғўза уруғчилигини янада юксалтириш бўйича муҳим тавсиялар асослаб берилган; селекция соҳасидаги янги усулларни кенг жорий этиш ҳамда маданий ўсимликларнинг янги навларини яратишнинг назарий ва амалий асосларини ишлаб чиқиш, чорванинг маҳсулдорлигини ошириш бўйича муҳим хулосалар тавсия этилган.

Тарих фанлари ривожига мустакиллик йилларида алоҳида аҳамият қаратилди. Чунки, «ҳар қайси халқ миллий қадриятларини ўз мақсад-муддаолари, шу билан бирга, умумбашарий тараққиёт ютуқлари асосида ривожлантириб, маънавий дунёсини юксалтириб боришга интилар экан, бу борада тарихий хотира масаласи алоҳида аҳамият касб этади. Яъни, тарихий хотира туйғуси тўлақонли равишда тикланган, халқ босиб ўтган йўл ўзининг барча муваффақият ва зафарлари, йўқотиш ва курбонлари, қувонч ва изтироблари билан холис ва ҳаққоний ўрганилган тақдирдагина чинакам тарих бўлади»[1]. Диссертациялар тадқиқоти объектига цивилизацион ёндашув ва миллий истиқлол мафкураси тамойиллари

[1] *Каримов И.А.* Юксак маънавият – енгилмас куч. Тошкент: Маънавият. 2008. 97-бет.

асосида қарашлар асос қилиб олиниб, бажарилган диссертацияларда, жумладан, мамлакатимизнинг қадимий ва ўрта аср шаҳарлари, шаҳарсозлик маданияти анъаналари тарихи ва улар генезиси, тарихий босқичлари ҳамда Ўрта Осиё шаҳарларининг дунё цивилизацияси тараққиётидаги ўрни, қадимий моддий ва маданий тарих ҳамда тарихий география муаммоларининг илмий ва назарий-методологик асослари ишлаб чиқилган; XX аср бошларидаги асосий ислоҳотчилик ғояларига оид янгича қарашлар фанга олиб кирилган; XIX–XX асрлардаги ижтимоий-сиёсий ўзгаришлар ва Туркистонда жамиятнинг сиёсийлашуви, миллий-сиёсий уюшмалар ҳамда миллий тараққийпарвар зиёлилар ҳаракатлари, уларнинг моҳияти, сиёсий кучларнинг характери ва қарама-қаршилигининг туб моҳияти очиб берилган; мамлакатимиз ҳудудида давлат ва жамият тараққиётининг қадимги ва ўрта аср босқичлари, Россия мустамлакачилик сиёсатининг асл моҳияти, совет даври тарихи, тоталитаризмнинг салбий оқибатлари очиб берилган; Ўзбекистоннинг мустақиллик даври тарихи, тараққиётнинг ўзбек модели хусусиятлари тарихийлик нуқтаи назаридан таҳлил қилинган ва муҳим хулосалар умумлаштирилган; мамлакатимиз тарихининг муҳим тарихий даврлари ва тарихий муаммолар тарихшунослиги, тарихий шарқшунослик ва этнографик тадқиқотлар динамикасининг мазмун-моҳияти очиб берилган. Шунингдек, ўзбек халқининг анъанавий ижтимоий турмуш тарзи, оила ва оилавий муносабатлар тарихи, маросимлар трансформациясига оид янгича назарий-методологик қарашлар илгари сурилган. «Ўзбек олимларининг куч-ғайратлари билан тарихимизнинг кўпдан-кўп ғоят муҳим саҳифалари, энг аввало, темурийлар даври, XIX аср охири – XX аср бошлари тарихи янгидан кашф этилди»[1]. Қатор илмий натижалар ЮНЕСКО миқёсида Самарқанд, Тошкент, Хива, Бухоро, Қарши, Шаҳрисабз ва Марғилон шаҳарларининг, шунингдек, «Авесто» китоби, Амир Темур, Жалолиддин Мангуберди каби аждодларимизнинг юбилей тадбирларида илмий асос бўлиб хизмат қилди.

---

[1] *Каримов И.А.* Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида. Асарлар, 6-жилд. Тошкент: Ўзбекистон. 1998. 128-бет.

Иқтисодиёт фанлари бўйича амалга оширилган диссертация тадқиқотларида трансформация шароитида миллий иқтисодиётни самарали ривожлантириш юзасидан, жумладан, қуйидаги илмий натижалар олинган: пул бозори амал қилиши ва монетар сиёсатни амалга ошириш, пул-кредит тизимини ривожлантириш ва барқарорлаштириш бўйича таклифлар асослаб берилган; макроиқтисодий барқарорликнинг илмий асослари юзасидан таклиф ва тавсиялар асосланган; экспортга йўналтирилган миллий иқтисодий моделнинг илмий-назарий асосларини такомиллаштириш юзасидан муҳим хулосалар асосланган; мамлакатимизнинг жаҳон иқтисодий тизимига кириб боришининг баъзи жиҳатлари асослаб берилган; мамлакатимизнинг жаҳон иқтисодий тизимига кириб бориши юзасидан услубий ёндашувлар асосланган; бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида аҳоли бандлигини таъминлаш юзасидан илмий асосланган услубий-амалий тавсиялар ишлаб чиқилган; минтақа ва ҳудудларни ривожлантиришни тартибга солиш ҳамда уларни самарали ривожлантиришнинг услубий масалалари юзасидан қатор услубий-методологик ечимлар ишлаб чиқилган.

Фалсафа фани бўйича олиб борилган илмий тадқиқотларда назарий-методологик аҳамиятга эга жиддий ўзгаришлар рўй бериб, бу энг аввало илмий асосланган фалсафий тафаккурни шакллантириш мақсадидан келиб чиққан концепция қарор топганида намоён бўлади. Миллий ва умуминсоний манфаатлар уйғунлиги жаҳон фалсафасини яхлит вокелик, ўзбек халқининг тарихий-фалсафий меросини умуминсоний тафаккурнинг бетакрор, беназир қисми сифатида қараш имконини берди; янгича фалсафий тафаккур Ўзбекистон мустақиллигини мустаҳкамлашга, юртимизда ҳуқуқий демократик давлат ва эркин фуқаролик жамияти барпо этишга, юксак маънавиятли, интеллектуал бой, мустақил фикрловчи баркамол авлодни тарбиялашга қаратилган назария, дунёқараш сифатида шаклланди. Илмий тадқиқотларда амалга оширилаётган ислоҳотлар, халқимиз менталитети ва турмуш тарзида, ўзбек халқининг ўзини ва жаҳонни англашида рўй бераётган ўзгаришларга оид муҳим фалсафий хулосалар ишлаб чиқилган; буюк аждодларимизнинг ижтимоий-ахлоқий қарашлари юзасидан муҳим илмий натижалар олинган.

Филология фанлари методологиясида янгиланиш юз бериб, *адабиётшунослик* соҳасида бажарилган диссертацияларда ўрганилмаган адабий ва тарихий-бадиий манбалар илмий муомалага киритилган; текстология соҳасида илмий матн тузиш принциплари ишлаб чиқилган; мумтоз асарлар қўлёзмаларининг илмий-танқидий матнлари тузилиб, адабиётшунослик учун илмий манбалар яратилган; ўзбек халқ бадиий ижоди намуналари кенг кўламда илмий тадқиқ этилган ва оммалаштирилган; ўзбек мумтоз адабиёти намояндаларининг ёзма мероси чуқур тадқиқ этилиб, уларнинг адабиёт тарихидаги ўрни, бадиий адабиёт такомилидаги хизматлари очиб берилган; таржимашунослик соҳасида чет тилдаги бадиий матнни она тилига ўгириш муаммолари, асар тилида акс этган хусусиятлар, ёзувчи услуби, унинг маҳорати ҳамда матнда акс этган ўзига хос бадиий воситаларни таржимада бера олиш масалалари илмий тадқиқ этилган; чет эл адабиёти намояндаларининг бадиий асарлари, ўтмишда кечган адабий алоқалар, турли ижодий мактаб вакиллари томонидан яратилган асарлар илмий тадқиқ этилган ва бошқалар. *Тилшунослик соҳасида:* бадиий матн тили, лингвопоэтика масалалари, семасиология, терминология, морфемика, сўз ясалиши, фонология, морфофонология, синтаксис ва стилистика соҳалардаги назарий қарашлар бойитилган; ўзбек шевалари, ареал лингвистика бўйича муҳим хулосалар асосланган; ёзма ёдгорликларнинг тил хусусиятлари асосида ўзбек тилининг тарихий тараққиёти очиб берилган; чет тиллари бўйича яратилган тадқиқотларда уларнинг лексик ва грамматик хусусиятлари очиб берилган; қиёсий-типологик йўналишдаги ишларда турли оилага кирувчи тилларнинг ўзаро қиёси, ўзига хос жиҳатлари, лингвокультурология масалалари очиб берилган.

Юридик фанлар йўналишида олинган илмий натижалар мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг қамровли ислоҳотларни ҳуқуқий жиҳатдан таъминлашда муҳим аҳамият касб этди.

Педагогика соҳасига давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири сифатида алоҳида эътибор қаратилиб, унинг ривожига жуда катта эътибор берилди. Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги қонуни ва Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг ишлаб чиқилиши ва қабул қилиниши ушбу йўналишдаги муҳим қадам бўлди. Таълим тизимини тубдан ислоҳ қилиш,

уни яқин ўтмишдаги мафкуравий қарашлардан тўла халос этиш, ривожланган давлатлар даражасида, юксак маънавий-ахлоқий талабларга жавоб берувчи юқори малакали кадрлар тайёрлаш миллий тизимини яратиш бу борадаги асосий мақсад этиб белгиланди. Диссертация ишлари ёшларда миллий онг ва ғурурни шакллантиришда тарихий ва маданий меросдан фойдаланишга оид илмий-методик тавсиялар ишлаб чиқилгани билан амалий аҳамият касб этади. Диссертация тадқиқотларида умумкасбий билим ва кўникмаларни шакллантириш, касбий таълим тизимини такомиллаштириш, касбий тайёргарликни ривожлантириш жараёнига нисбатан тизимли ва комплекс ёндашувни таъминлаш, ўқувчи ва талабаларнинг мустақил таълим олишлари учун педагогик шарт-шароитларни ривожлантириш бўйича илмий ечимлар таклиф қилинган.

Тиббиёт фанлари бўйича олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар тайёрлаш шу йиллар мобайнида динамик хусусиятга эга бўлиб, бу ҳол, биринчи навбатда, мамлакатимизда соғликни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш давлат дастурини жорий этиш, оналик ва болалик муҳофазаси бўйича амалга оширилаётган кенг қамровли тадбирлар, шунингдек, тиббиёт соҳасида амалга оширилаётган катта ташкилий-амалий ўзгаришлар билан боғлиқ. Амалга оширилган тадқиқотларда, жумладан, репродуктив ёшдаги аёллар ва ҳомиладор аёллар орасида генитал, экстрагенитал касалликларнинг олдини олиш ва камайтириш, болалар касалликлари, жарроҳлик ва ички касалликларни даволаш самарадорлигини ошириш каби илмий ечимлар таклиф этилган; ташхис қўйиш ва даволаш жараёнлари сифатини оширишга хизмат қилувчи муҳим илмий ечимлар асослаб берилган.

Санъатшунослик ва архитектура фанлари бўйича санъат турлари тараққиётини таъминловчи муҳим илмий тавсиялар асослаб берилган, архитектура назариясини такомиллаштириш юзасидан муҳим илмий хулосалар ишлаб чиқилган.

Психология фани сезиларли даражада ривожланиб, бажарилган диссертацияларда, жумладан, талаба-ёшларнинг миллий ўзлигини англашининг психологик жиҳатлари, ўсмирларда ўзбек оилалари ҳақида ижтимоий тасаввурлар, психологик хизматни ташкил этишнинг ижтимоий-психологик ва илмий-амалий асослари, ўсмир ёш-

лар жиноятчилигининг ижтимоий-психологик муаммолари каби муаммолар илмий ечимларда асосланган; ўқувчи ва талабаларда тасаввурлар шаклланишининг ижтимоий-психологик хусусиятлари билан боғлиқ муҳим психологик хулосалар асослаб берилган.

Барча фанлар йўналишида олинган қатор илмий натижалар амалиётга жорий этилиб, мустақиллигимизни мустаҳкамлашда муҳим илмий асос бўлиб хизмат қилмоқда. Амалга оширилган илмий изланишлар натижасида ижтимоий-маънавий тараққиёт, бозор иқтисодиёти, демократик янгиланиш, ўзликни англаш, миллий ва умуминсоний қадриятлар ва баркамол авлодни шакллантириш каби муаммоларга оид монография ва илмий мақолалар чоп этилди. Шунингдек, янги авлод адабиётлари, жумладан, дарсликлар, ўқув қўлланмалар ва ўқув-методик қўлланмалар яратилди.

Таъкидлаш керакки, «Ўзбекистонда мустақиллик йилларида таълим тизимининг барча турларини, жумладан, олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан ислоҳ қилиш бўйича аниқ мақсадли кенг миқёсдаги ишлар амалга оширилди. ...Олий таълимнинг замонавий халқаро стандартларга жавоб берадиган икки босқичли тизими – бакалавриат ва магистратура яратилди. ...Шунинг билан бирга, амалдаги олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар тайёрлаш ва аттестациядан ўтказиш тизимини Кадрлар тайёрлаш миллий дастури доирасида амалга оширилаётган таълим тизимидаги ўзгаришларнинг мантиқий давоми сифатида тубдан ислоҳ қилиш объектив зарурияти бугунги кунда яққол намоён бўлди. Илмий кадрларни аттестациядан ўтказишнинг амалдаги икки босқичли тизими (фан номзоди ва фан доктори) иқтисодий ривожланган демократик мамлакатларда қабул қилинган олий малакали илмий кадрлар тайёрлашнинг замонавий, халқаро тан олинган талабларига мос келмайди. Номзодлик диссертациясини ҳимоя қилиш ва фан номзоди илмий даражасини тасдиқловчи дипломни олиш кўп ҳолларда фан ва илмий-техникавий ривожланиш манфаатларидан йироқ бирдан-бир мақсад бўлиб қолган ҳамда диссертацияни тайёрлаш ва ҳимоя қилишнинг турли босқичларида суиистеъмолчилик ҳолатларига олиб келмоқда. Бугунги кунда амал қилаётган олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрларни аттестациядан ўтказиш тизими таълим жараёни бакалавриат ва магистратура стандартларига ўтказилганидан сўнг

номзодлик диссертацияларини ҳимоя қилиш моҳиятан ортиқча эканини кўрсатмоқда ҳамда фан доктори илмий даражасини олиш учун тўғридан-тўғри диссертацияни ҳимоя қилишни назарда тутувчи олий ўқув юртидан кейинги таълимнинг бир босқичли тизимини жорий қилиш зарурлигини тақозо этмоқда»[1].

Олий ўқув юртидан кейинги таълим тизимини ислоҳ қилиш

Мамлакатимиз таълим тизими ва илм-фани тараққиётининг бугунги сифат даражаси ўзининг мустаҳкам тарихий пойдеворига эга бўлиб, мустақиллик йилларида уларни ислоҳ қилиш ва ривожлантириш бўйича кенг қамровли ишлар амалга оширилди.

Дунёда ноёб модель сифатида эътироф этилган ва амалиётда ўзининг самарасини тасдиқлаган Кадрлар тайёрлаш миллий модели ёш авлодни баркамол вояга етказиш, замонавий касб-ҳунарларни эгаллаган рақобатбардош мутахассисларни тайёрлаш орқали мамлакатимиз тараққиётини таъминлашга хизмат қилмоқда.

Кадрлар тайёрлаш миллий дастури доирасида амалга оширилаётган таълим тизимидаги ўзгаришларнинг мантиқий давоми сифатида олий ўқув юртидан кейинги таълим тизими тубдан ислоҳ қилиниб, эндиги асосий вазифамиз – бошланган янгиланишларни мантиқий якунига етказиш, белгиланган долзарб вазифаларни қатъият ва изчиллик билан амалга ошириш, диссертацияни тайёрлаш ва ҳимоя қилиш бўйича эскича қарашлар ва қолипларга барҳам бериш ҳамда жорий этилган тизимнинг натижавийлигини таъминлашдан иборат.

Узлуксиз таълим тизимининг таркибий қисми бўлган олий ўқув юртидан кейинги таълим жамиятнинг олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрларга бўлган эҳтиёжини қондириш, баркамол авлодни тарбиялаш, таълим ва илм-фан соҳаларини сифат жиҳатдан ривожлантириш ва мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий тараққиётини таъминлашда муҳим аҳамият касб этади. Шу боис

[1] Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 24 июлдаги «Олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар тайёрлаш ва аттестациядан ўтказиш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида»ги 4456-сонли фармони.

юртимизда мустақилликнинг дастлабки кунлариданоқ таълим, жумладан, олий ўқув юртидан кейинги таълим тизими ислоҳотига устувор аҳамият қаратилди. Зеро, Юртбошимиз Ислом Каримов таъкидлаганидек, «Биз ривожланган бозор иқтисодиётига асосланган замонавий давлат қуриш йўлига қадам қўйиб, кучли давлатдан кучли фуқаролик жамияти сари изчиллик билан ўтишни таъминлар эканмиз, фақат миллий ва умумбашарий қадриятлар уйғунлиги заруриятини теран англайдиган, замонавий билимларни, интеллектуал салоҳият ва илғор технологияларни эгаллаган инсонларгина ўз олдимизга қўйган стратегик тараққиёт мақсадларига эришиши мумкин эканини ҳамиша ўзимизга яхши тасаввур этиб келмоқдамиз»[1].

Бу борада мамлакатимизда ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётига ўтишнинг ўзбек модели ва Кадрлар тайёрлаш миллий дастури асосида таълим ва илм-фан соҳаларида ислоҳотларни амалга ошириб, ёш авлодни ҳар жиҳатдан баркамол вояга етказишга хизмат қилувчи узлуксиз таълим тизимининг яратилиши муҳим аҳамият касб этади. Бугун фарзандларимизнинг ҳеч кимдан кам бўлмай камол топишлари учун дастлаб оила ва маҳаллада, мактабгача таълим, умумий ўрта, ўрта махсус, касб-ҳунар таълими, олий таълим муассасаларида ҳамда олий ўқув юртидан кейинги таълим тизимида замонавий, халқаро стандартларга мос бўлган шарт-шароитлар яратилди. Бу 2012 йилнинг февралида Тошкентда ўтган «Юксак билимли ва интеллектуал ривожланган авлодни тарбиялаш – мамлакатни барқарор тараққий эттириш ва модернизация қилишнинг энг муҳим шарти» мавзуидаги халқаро конференцияда иштирок этган жаҳондаги йирик халқаро ташкилотлар экспертлари ва дунёнинг юзга яқин мамлакатидан келган таълим ва фан соҳаси мутахассисларининг хулосаларида ҳам ўз эътирофи ва холис баҳосини топди.

Бугунги кунда Ватанимиз мустақиллигини мустаҳкамлаш, халқимизнинг турмуш даражаси ва ҳаёт сифатини изчил ва босқичма-босқич юксалтириб боришда олий ўқув юртидан кейин-

[1] *Каримов И.А.* «Юксак билимли ва интеллектуал ривожланган авлодни тарбиялаш – мамлакатни барқарор тараққий эттириш ва модернизация қилишнинг энг муҳим шарти» мавзуидаги халқаро конференциядаги маъруза. Халқ сўзи. 2012 йил 18 февраль.

ги таълимнинг асоси бўлган таълим ва илм-фан тараққиёти муҳим ўрин тутиши шубҳасиз. Мамлакатимиз таълим тизими ва илм-фан соҳасининг жаҳонда эътироф этилган бугунги тараққиётининг сифат даражасига, бир томондан, она заминимизда қадимдан таълим-тарбия ва илм-фан тараққиётига алоҳида аҳамият берилгани, халқимизнинг юксак илмий-ижодий тафаккури, бу табаррук тупроқда етишиб чиққан ва жаҳон цивилизациясига муносиб ҳисса қўшган буюк аждодларимиз асарлари, маданий меросимиз ва кўҳна тарихимизнинг мантиқий маҳсули, иккинчи томондан эса, мустақиллик йилларида ушбу соҳаларни сифат жиҳатдан тубдан ривожлантириш борасида амалга оширилаётган дастурий чора-тадбирлар натижаси сифатида қаралиши лозим.

Мамлакатимиз таълим тизимида кадрлар тайёрлаш миллий модели асосида кенг миқёсдаги ишлар амалга оширилиб, бугунги кунда ўзининг салмоқли самарасини бермоқда, жумладан:

– таълим тизими узлуксизлиги таъминланиб, унинг таркибида 9+3 схемаси бўйича умуммажбурий бепул таълим тизими тўлиқ жорий этилди. Бунда, дунёнинг бошқа давлатларидан фарқли ўлароқ умумий ўрта таълим ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими тўлалигича давлат зиммасига олинди;

– таълим тизимининг барча турлари замонавий талаблардан келиб чиққан ҳолда юқори малакали педагог кадрлар ҳамда моҳиятан бир-бирига мувофик бўлган Давлат таълим стандартлари, дастурлари, ўқув режалари, дарсликлар, ўқув адабиётлари ва бошқа зарур қўлланмалар билан таъминланди. Шунингдек, замонавий ўқув-лаборатория ускуналари, компьютер техникаси ва бошқа воситалар билан тўлиқ жиҳозланди. Тегишли равишда таълим муассасалари, илмий ташкилотлар ва ишлаб чиқариш соҳалари ўртасида чуқур интеграция жараёнлари йўлга қўйилди;

– мактаб таълимини ривожлантиришнинг давлат умуммиллий дастури асосида барча умумтаълим мактабларини қуриш, реконструкция қилиш ва таъмирлаш ишлари тўла амалга оширилиб, замонавий шарт-шароитларга эга бўлган биноларда 1–9-синфларда ўқувчиларни ўқитиш таъминланди;

– умумтаълим мактабларидаги 9 йиллик ўқишдан сўнг ўқувчиларни тўлалигича қабул қилиш имкониятига эга бўлган замонавий талабларга жавоб берадиган касб-ҳунар коллежлари ва

академик лицейлар тизими тўлиқ шакллантирилди. Бунда умумтаълим фанлари билан бирга, икки-учта мутахассислик бўйича касб-ҳунар ўрганиш йўлга қўйилди. Шунингдек, мазкур таълим муассасаларини битирган кичик мутахассис кадрларни иш жойи билан таъминлашда давлат томонидан зарур шарт-шароитлар яратилди;

– олий таълим тизими бакалавриат ва магистратура босқичлари асосида халқаро тан олинган талабларга мувофиқ ҳолда ташкил этилди;

– олий ўқув юртидан кейинги таълим тизимида сифат ўзгаришлари амалга оширилиши таъминланди;

– таълим турлари бўйича педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизими тубдан ўзгартирилди.

Шунингдек, илмий фаолиятни самарали ташкил этишга қаратилган бир қатор мақсадли дастурий ҳужжатлар қабул қилинди ва чора-тадбирлар белгиланди. Булар илмий изланишларни жаҳон андозаларига мос бўлган тамойиллар асосида ташкил этиш ва тадқиқотлар сифатини оширишга, шунингдек, илм-фаннинг Ватанимиз мустақиллигининг иқтисодий ва илмий-технологик асосларини янада мустаҳкамлаш ва жаҳондаги нуфузини оширишдаги муносиб ўрнини таъминлашга хизмат қилмоқда.

Бугунги кунда Ватанимиз мустақиллигини мустаҳкамлаш, халқимизнинг турмуш даражаси ва ҳаёт сифатини изчил ва босқичма-босқич юксалтириб боришда олий ўқув юртидан кейинги таълимнинг асоси бўлган маънавият, таълим ва илм-фан тараққиёти муҳим ўрин тутиши шубҳасиз. Шу боис, мамлакатимизда таълим тизимини тубдан янгилаш ва илм-фан соҳасини сифат жиҳатдан ривожлантириш ва баркамол авлодни тарбиялаш ишларига давлат сиёсатининг устувор йўналиши сифатида қаралди. «Ҳар қайси давлат, ҳар қайси миллат нафақат ер ости ва ер усти бойликлари билан, ҳарбий қудрати ва ишлаб чиқариш салоҳияти билан, балки, биринчи навбатда, ўзининг юксак маданияти ва маънавияти билан кучлидир. ... Шу боис мамлакатимизнинг истиқлол йўлидаги биринчи қадамлариданоқ буюк маънавиятимизни тиклаш ва янада юксалтириш, миллий таълим-тарбия тизимини такомиллаштириш, унинг миллий заминини мустаҳкамлаш, замон талаблари билан уйғунлаштириш асосида жаҳон андозалари ва кўникма-

лари даражасига чиқариш мақсадига катта аҳамият бериб келинмоқда»[1].

Таъкидлаш керакки, шу йиллар давомида олий ўқув юртидан кейинги таълимни ташкил этиш ҳамда олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрларни аттестациядан ўтказишни тубдан яхшилаш бўйича бир қатор ҳужжатлар қабул қилиниб, кенг миқёсдаги ишлар амалга оширилди ва салмоқли натижаларга эришилди. Бунда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1992 йил 31 мартдаги «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси (Ўзбекистон Республикаси ОАК)ни ташкил қилиш тўғрисида»ги 371-сонли фармони муҳим аҳамият касб этди.

Олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар тайёрлаш ва уларни аттестациядан ўтказишни ислоҳ қилиш ва тизимли равишда такомиллаштириб бориш ишлари ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётига ўтишнинг ўзбек модели ва Кадрлар тайёрлаш миллий дастури платформаси асосида мамлакатимизда амалга оширилган ислоҳотларга монанд равишда олиб борилиб, бунда биз «Янги уй қурмай туриб, эскисини бузманг», деган ҳаётий тамойилга таянган ҳолда тегишли тадбирларни изчил ва босқичма-босқич амалга ошириш йўлини танладик. Шундан келиб чиққан ҳолда мамлакатимизда олий ўқув юртидан кейинги таълимнинг икки босқичли тизими 1992–2012 йиллар давомида амал қилди.

Шу йиллар ичида мамлакатимизда олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар тайёрлаш суръатлари барқарор ўсиши кузатилди. Бу ҳол мамлакатимизда тинчлик, ижтимоий-иқтисодий соҳалардаги барқарорлик, таълим ва илм-фан тараққиётига катта эътибор қаратилаётгани каби омиллар билан изоҳланади. Олий ўқув юртидан кейинги таълим тизимини такомиллаштириш бўйича қатор ишлар амалга оширилди. Шу жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 2 ноябрдаги «Олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштиришнинг чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори асосида олий ўқув юртидан кейинги таълимнинг такомиллашган институтла-

[1] Баркамол авлод – Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. Тошкент: Шарқ НМК Бош таҳририяти. 1998. 5-бет.

ри ташкил топди (стажёр-тадқиқотчи-изланувчилар, катта илмий ходимлар-изланувчилар).

Олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар давлат аттестацияси тизимини такомиллаштириш ва унинг норматив-ҳуқуқий базасини янгилаш жараёнида экспертиза холислиги ва сифатини кўтариш, диссертациялар сифатини ошириш, шунингдек, илмий даражалар ва илмий унвонларга қўйиладиган талабларнинг ягоналигини таъминлашга алоҳида аҳамият берилди. Бажарилган диссертацияларда муҳим назарий ва амалий аҳамиятга молик илмий натижалар олиниб, улар мамлакатимизнинг иқтисодий ва илмий-техникавий мустақиллигини таъминлашга ҳамда жамиятимиз тараққиётининг ижтимоий муаммоларини ҳал этишга хизмат қилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 24 июлдаги 4456-сонли фармони билан 2013 йилнинг 1 январидан бошлаб тараққиётимизнинг ўзига хос хусусиятлари ва мақсадларига мос равишда Кадрлар тайёрлаш миллий дастури вазифаларидан келиб чиққан ҳолда, шунингдек, халқаро талаблар ва стандартларга мувофиқ фан доктори илмий даражасини бериш бўйича олий ўқув юртидан кейинги таълимнинг бир босқичли тизими жорий қилингани мазкур соҳадаги ислоҳотларнинг узвий давоми бўлди, дейиш мумкин.

Бу борада табиий савол туғилади – нима учун айнан 2013 йилдан бошлаб олий ўқув юртидан кейинги таълимнинг бир босқичли тизими жорий этилди?

Кадрлар тайёрлаш миллий дастурида белгиланган вазифаларнинг босқичма-босқич бажарилиши таъминланиши натижасида, айнан 2012 йилга келиб амалга оширилаётган ислоҳотларнинг мантиқий давоми сифатида олий ўқув юртидан кейинги таълим тизимини тубдан ислоҳ қилишга объектив зарурат (шарт-шароит) пишиб етилди. Мазкур объектив зарурат юзасидан, жумладан, қуйидагиларни билдириб ўтиш мақсадга мувофиқ:

биринчидан, узлуксиз таълим тизимининг амалиётга муваффақиятли жорий этилгани, замонавий норматив-ҳуқуқий базанинг яратилгани, моҳиятан бир-бирига мувофиқ бўлган Давлат таълим стандартлари, дастурлари, ўқув режалари ва ўқув адабиётлари асосида таълим жараёнининг тўлиқ ташкил этилгани. Бу, ўз навбати-

да, халқаро талаблар ва стандартларга мувофиқ олий ўқув юртидан кейинги таълимнинг бир босқичли тизимини жорий қилишга объектив шароит яратиб берди;

иккинчидан, олий таълимнинг бакалавриат ва магистратура босқичларини ташкил этиш халқаро тан олинган меъёрларга тўла мувофиқлиги таъминланди. Бугунги кунда, жумладан, магистратурага қабул қилиш тартиби, магистрларни тайёрлашга қўйилган талаблар ва ўқув жараёнини ташкил этиш, унинг ўқув-дастурий ва услубий таъминоти замонавий талабларга тўла мувофиқдир. Бу эса, ўз навбатида, мазкур ўзгартишларга мувофиқ равишда олий ўқув юртидан кейинги таълим тизимида ҳам тегишли янгиланишларни амалга ошириш заруратини тақозо этди;

учинчидан, бакалавриат ва магистратура босқичларида илмий-тадқиқот фаолиятини ташкил этиш ишлари тизимли йўлга қўйилди. Бугунги кунда магистратурада аниқ мутахассислик бўйича фундаментал ва амалий йўналишларда илмий изланишлар ташкил этилиб, бу жараёнда олий таълим ва илмий-тадқиқот муассасалари ҳамда ишлаб чиқариш соҳалари ўртасида самарали ҳамкорлик ташкил этилган. Ушбу жараёнда магистрантларнинг мустақил илмий изланишлар олиб бориши, шу йўналишдаги билимини янада бойитиш ва тегишли кўникмаларга эга бўлишига муҳим аҳамият берилмоқда. Алоҳида таъкидлаш керакки, амалга оширилган чора-тадбирлар таркибида халқаро стандартларга мувофиқ «магистр» даражасини бериш бўйича диссертация мазмуни ва сифатига қўйиладиган янги мезонлар ва талаблар халқаро меъёрларни кўзда тутган холда ишлаб чиқилиб, жорий этилиши таъминланди.

Шунингдек, бакалавриат ва магистратура стандарти амалиётга муваффақиятли жорий этилиши натижасида номзодлик диссертациясини ҳимоя қилиш ва илмий даража олиш моҳиятан ортиқча эканлиги намоён бўлди. Зеро, бир томондан, олий таълим тизимидаги сифат ўзгаришлари сабабли, бугунги кунда магистратура моҳиятан «стажёр-тадқиқотчилар-изланувчилар» институти вазифасини амалда бажармоқда, иккинчи томондан эса, магистрлик ва номзодик диссертацияларини тайёрлаш ва ҳимоя қилиш амалиётини халқаро даражада тан олинган «магистрлик ва докторлик дис-

сертациялари» тизими нуқтаи назаридан қайта кўриб чиқишнинг объектив зарурати етиб келди;

тўртинчидан, номзодлик диссертациясини тайёрлаш, ҳимоя қилиш ва фан номзоди илмий даражасини олиш кўп ҳолларда илм-фанни ривожлантириш ва илмий-техникавий тараққиёт манфаатларидан йироқ мақсад бўлиб қолгани, бу жараён суиистеъмолчилик ҳолатларига олиб келгани, шунингдек, унинг сабаблари ва диссертацияни тайёрлаш ва ҳимоя қилиш бўйича эскича қарашлар ва қолипларга барҳам берилиши заруратидир.

Шуни таъкидлаш керакки, мамлакатимиз таълим тизимида амалга оширилган ислоҳотларнинг мантиқий давоми сифатида амалиётга жорий этилган мазкур тизим, бир томондан, унинг миллий тараққиётимизнинг ўзига хос хусусиятлари ва мақсадларига монанд равишда Кадрлар тайёрлаш миллий моделига асосланган, иккинчи томондан эса, иқтисодиёти бозор муносабатлари асосида юқори даражада ривожланган демократик мамлакатларда қабул қилинган замонавий, халқаро тан олинган талабларига мослиги билан тавсифланади.

Бу борада ушбу тизимнинг қуйидаги ўзига хос хусусиятларини кўрсатиб ўтиш мақсадга мувофиқ:

биринчидан, мазкур тизимни амалиётга жорий этишда давлатнинг ташаббускорлиги. Бу, ўз навбатида, ислоҳотни аниқ мақсадга йўналтирган ҳолда тартибли ва изчил амалга оширишни, шунингдек, бошланган янгиланишларни мантиқий якунига етказишни таъминлашга ҳар жиҳатдан мустаҳкам асос яратиб беради;

иккинчидан, ушбу тизим норматив-ҳуқуқий базасининг тубдан янгиланган. Зеро, бу хусусият, янги тизимни жорий қилишнинг ҳуқуқий асосини замонавий талабларни кўзда тутган ҳолда тубдан янгилаш ва ислоҳотнинг натижавийлигини ҳуқуқий жиҳатдан таъминлаб бериш билан белгиланади;

учинчидан, тизимнинг ижтимоий йўналтирилганлиги. Бунда ёшларнинг ижодий ва интеллектуал салоҳиятини намоён этишига ҳамда улар фаолиятини мақсадли йўналтиришга янада қулай ижтимоий шароит яратиб берилиши алоҳида кўзда тутилганини кўрсатиб ўтиш мақсадга мувофиқ;

тўртинчидан, олий ўқув юртидан кейинги таълимнинг икки босқичли тизимидан бир босқичли тизимига ўтишнинг пухта ўй-

ланган дастурий ёндашув асосида босқичма-босқич амалга оширилиши;

бешинчидан, тизимнинг иқтисодий ривожланган демократик мамлакатларда қабул қилинган олий малакали илмий кадрлар тайёрлашнинг замонавий, халкаро тан олинган талабларига мувофиқлиги;

олтинчидан, фан доктори илмий даражасига ҳамда доцент, катта илмий ходим ва профессор илмий унвонларига қўйиладиган талаблар замонавий стандартлар ҳамда халқаро тан олинган меъёрлардан келиб чиққан ҳолда мувофиқлаштирилгани;

еттинчидан, рақобатбардош илмий изланишларни ташкил этиш ва шунга мос равишда олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар таркибини янада мустаҳкамлашга йўналтирилгани;

саккизинчидан, мазкур тизимнинг кучли давлатдан кучли фуқаролик жамияти сари ғояларига мувофиқлиги; унинг очиқлик ва шаффофликни таъминлашга ҳамда ортиқча бюрократик жараёнларни йўқотишга йўналтирилганлиги.

Амалиётга жорий этилган олий ўкув юртидан кейинги таълимнинг бир босқичли тизими юзасидан, хулоса ўрнида, жумладан, қуйидагиларни таъкидлаб ўтиш мақсадга мувофиқ:

диссертация ҳимоя қилиш ва фан доктори илмий даражасини бериш бўйича олий ўкув юртидан кейинги таълимнинг бир босқичли тизими олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар тайёрлаш ва уларни аттестациядан ўтказиш сифати ва самарадорлигини оширишга хизмат қилиб, рақобатбардош диссертация тадқиқотларини ташкил этиш, уларнинг сифатини ва илмий натижаларини амалиётга жорий этиш самарадорлигини ошириш, шунингдек, илмий салоҳиятни мустаҳкамлаш ва улар таркиби сифатини яхшилашга мустаҳкам асос яратади;

баркамол авлодни тарбиялашга, олим-мутахассислар ва ёшларимизнинг Кадрлар тайёрлаш миллий дастури ҳамда иқтисодий ва демократик ислоҳотларнинг устувор вазифаларини муваффақиятли амалга оширишдаги муносиб ўрнини янада кучайтиришга, Ватанимизнинг жадал ривожланишини таъминлашга, жаҳондаги нуфузини янада кўтариш ва олимларнинг жамиятимиз тараққиётига қўшаётган ҳиссасини янада юксалтиришга хизмат қилади.

II боб

ОЛИЙ МАЛАКАЛИ ИЛМИЙ ВА ИЛМИЙ-ПЕДАГОГ КАДРЛАР ДАВЛАТ АТТЕСТАЦИЯСИНИНГ МЕТОДОЛОГИК-УСЛУБИЙ, НОРМАТИВ-ҲУҚУҚИЙ ВА ИЛМИЙ-ТАШКИЛИЙ АСОСЛАРИ

Олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар давлат аттестациясининг методологик-услубий ва илмий-ташкилий масалалари

Олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар давлат аттестациясини ташкил этиш ва унинг сифатини ошириш жамиятнинг бундай мутахассисларга бўлган эҳтиёжини янада тўла ва сифатли қондиришда бениҳоя аҳамиятлидир.

Аттестациянинг маъно-моҳиятига турли ёндашувлар мавжуд бўлиб[1], уларнинг асосини малака ёки восита масаласи ташкил этади. Баъзи манбаларда аттестация – бу ходимнинг малакаси ёки билим даражасини аниқлаш деган мазмунида ёндашилса, бошқа манбаларда эса аттестация тақриз ёки тавсифнома ёхуд гувоҳнома мазмунида ишлатилади. Яна бошқа ёндашувга кўра, аттестация даража (ёки унвон, ном) бериш ёки ходимларни аттестация қилиш маъносида келтирилади. Яна бир гуруҳнинг тавсифи бўйича, аттестацияга ходимлар малакасини аниқлаш усулларидан бири сифатида ёндашилади. Бошқа бир гуруҳнинг ёндашувида эса аттестация ходимга навбатдаги унвон ва даражани беришда қўлланадиган асосий ташкилий восита сифатида таърифланади.

[1] Ўзбекистон юридик энциклопедияси. Тошкент: Адолат. 2010. 31-бет; Баркамол авлод – Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. Тошкент: Шарқ НМК Бош таҳририяти. 1998. 62-бет; Юридик атамалар қомусий луғати. Тошкент: Шарқ. 2003. 48-бет; Юридик энциклопедия. Тошкент: Шарқ. 2001. 487-бет; Юридическая энциклопедия. Москва: Юрист. 2001. – С. 681; Юридический энциклопедический словарь. Москва: Инфор-М, 2004. – С. 450; Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 1-жилд. Тошкент: Ўзбекистон. 2006. 679-бет; Ўзбекистон Миллий энциклопедияси. Тошкент: ЎМЭ, 2000. 736-бет ва бошқалар.

Шу ўринда аттестацияга нисбатан восита ёки усул сўзларидан қай бирини қўллаш мақсадга мувофиқ экани юзасидан табиий савол туғилади. Бу борада аттестация атамасига усул эмас, балки восита сўзини қўллашнинг мақсадга мувофиқ экани қуйидагилар билан изоҳланади. Ўзбек тилининг изоҳли луғатига[1] кўра, восита – чора, тадбир ва усул каби маъноларни англатади. Мазкур луғатга асосан усул – асосий қоидалар, қабул қилинган тартиб, шунингдек, бирон нарсани юзага чиқариш, амалга ошириш, қўлланувчи асосий хатти-ҳаракат каби маъноларни англатади. Умуман олганда, луғавий маъноларига кўра, восита сўзини ҳам, усул сўзини ҳам аттестация атамасини ифодалашда қўллаш мумкин. Лекин восита усулга нисбатан кенгроқ маънони англатгани ҳамда илмий даража ёки илмий унвон талабгори инсонлар фаолиятини аттестациядан ўтказиш тегишли тадбирлар комплексини тизимли қамраб олганини эътиборга олган ҳолда, аттестация атамасини ифодалашда восита сўзини қўллаш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар давлат аттестациясининг миллий даражада ягона ҳуқуқий макон асосида амал қилиши, аттестация тадбирларининг олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрларга бўлган жамият эҳтиёжини тўлароқ қондиришга хизмат қилиши ҳамда рақобатбардош бўлган кадрлар тайёрлаш ва салоҳиятли илмий изланишларни тизимли амалга ошириш ва баҳолашга йўналтирилганини эътиборга олган ҳолда давлат аттестациясининг қуйидаги асосий белгиларини таъкидлаб ўтиш керак:

– аттестация тадбирлари ва жараённинг тизимли равишда миллий даражада тартибга солиниши;

– аттестация тадбирлари ва жараённинг олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар тайёрлаш сифатини оширишга тизимли йўналтирилиши;

– рақобатбардош мутахассисларга бўлган жамият эҳтиёжини тўлароқ қондириб боришнинг тизимли таъминланиши.

Олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар давлат аттестациясининг моҳиятига ёндашувлар ва уни миллий даражада

---

[1] Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 1-жилд. Тошкент: Ўзбекистон. 2006. 406-бет.

тизимли равишда амалга оширишнинг ўзига хос хусусиятидан келиб чиққан ҳолда шуни таъкидлаш мумкинки, олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар давлат аттестацияси – жамиятнинг олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрларга бўлган эҳтиёжини сифатли қондириш борасида тегишли норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар талаблари асосида изланувчилар, илмий даража ва илмий унвонлар талабгорлари фаолиятини баҳолаш юзасидан аттестация тадбирларини, аттестация ишлари ва бошқа ҳужжатлар экспертизасини ва якуний қарор қабул қилиш жараёнини тизимли равишда ташкил этишнинг комплекс норматив-ҳуқуқий, илмий-ташкилий, услубий, таълим-тарбиявий ва ижтимоий-иқтисодий воситасидир.

Мустақиллик йилларида олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар давлат аттестациясини тизимли ташкил этишга «пировард мақсадимиз ижтимоий йўналтирилган барқарор бозор иқтисодиётига, очиқ ташқи сиёсатга эга бўлган кучли демократик ҳуқуқий давлатни ва фуқаролик жамиятини барпо этиш»дан келиб чиққан ҳолда ёндашилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов томонидан мустақилликнинг дастлабки кунларида ишлаб чиқилган ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётига ўтишнинг тараққиёт модели асосида давлатнинг олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар давлат аттестацияси соҳасидаги давлат сиёсати ҳаётга муваффақиятли жорий этилди. Зеро, ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётига ўтишнинг ўзбек модели «республика ва унинг халқининг манфаатларига ниҳоятда мос келадиган, ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётини шакллантиришга қаратилган иқтисодиётдир»[1]. Мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий сиёсатининг таркибий қисми бўлган давлатнинг олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар давлат аттестацияси соҳасидаги сиёсати жамиятнинг олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрларга бўлган эҳтиёжини сифатли қондириш борасида тегишли норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар талаблари асосида комплекс

---

[1] *Каримов И.А.* Биздан озод ва обод Ватан қолсин. Асарлар, 2-жилд. Тошкент: Ўзбекистон. 1996. 4-бет.

норматив-ҳуқуқий, илмий-ташкилий, услубий, таълим-тарбиявий ва ижтимоий-иқтисодий тадбирлар тизимини қамраб олган.

Олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар давлат аттестациясининг методологик асосларини ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётига ўтиш – ўзбек моделининг рационал асоси бўлган иқтисодиётни мафкурадан холи этиш, давлат – иқтисодий ўзгаришлар ташаббускори ва бош ислоҳотчиси, бозор иқтисодиётига босқичма-босқич ўтиш, иқтисодий ислоҳотларни ҳуқуқий таъминлаш ва кучли ижтимоий сиёсат тамойиллари ташкил этади.

■ Иқтисодиётни мафкурадан холи этиш. Бозор иқтисодиёти шароитида илм-фаннинг ўзига хос қонуниятлари асосида ривожланиши жуда муҳимдир. «Умуман илму фанни ҳеч қачон қолипга солиб бўлмайди. Унинг ўзига хос ривожланиш қонуниятлари борки, биз буни албатта, инобатга олишимиз керак»[1]. Илмий тадқиқотларнинг, жумладан, диссертация тадқиқотларининг сифати илмга асосланган фикр эркинлиги, серқирра ва самарали изланишларга боғлиқдир.

Илм-фан ҳамда олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар давлат аттестацияси соҳасининг мафкурадан холи амал қилиши унинг жамият тараққиётининг объектив қонуниятлари асосида мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий тараққиётини таъминлашдаги иштирокида, шунингдек, халқаро муносабатларда муносиб иштирок этишида алоҳида намоён бўлади. Шу жиҳатдан ҳам Ўзбекистон Республикаси Президентининг мамлакатимиз Олий аттестация комиссиясини ташкил этишга бағишланган фармонида Олий аттестация комиссияси зиммасига асосий вазифалардан бири сифатида ривожланган хорижий мамлакатлар тажрибасини ҳисобга олган ҳолда олий малакали илмий ва илмий-педагог ходимлар аттестациясининг янги тизимини ишлаб чиқиш ва жорий этиш юкланган.

■ Мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг қамровли ислоҳотлар шароитида олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар давлат аттестациясини ташкил этишда давлат бош ислоҳотчи

---

[1] *Каримов И.А.* Биздан озод ва обод Ватан қолсин. Асарлар, 2-жилд. Тошкент: Ўзбекистон. 1996. 258-бет.

бўлиши, тегишли норматив-ҳуқуқий ва бу билан боғлиқ илмий-ташкилий тадбирларни амалга оширишни ташкил этиши ва тегишли жараёнларни давлат томонидан тартибга солиб боришни таъминлаши зарур. Ўзбекистонда давлат курилиши ва иқтисодиётни ислоҳ қилиш асосини ташкил этувчи тамойиллар, жумладан, давлат – иқтисодий ўзгаришларнинг ташаббускори ва бош ислоҳотчиси экани олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар давлат аттестациясини ташкил этишда алоҳида аҳамият касб этди.

Ўтган давр мобайнида олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар давлат аттестациясини ташкил этишнинг устувор йўналишлари ва муҳим вазифаларини белгилашда ҳамда уларни изчил амалга оширишни ташкил этишда, аттестация жараёнларини тартибга солишда давлатнинг ўрни бениҳоя катта бўлди. «Тартибга солинадиган бозор шароитида асосий мақсад йўналишларини ишлаб чиқиш, ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларни амалга оширишнинг стратегик йўлини белгилаш ва бу йўлни ўтказиш юзасидан тактик қарорлар қабул қилиш давлат зиммасига юклатилади»[1].

Мазкур тамойилнинг моҳияти асосида давлат олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрларнинг давлат аттестациясини ислоҳ қилиш, тегишли норматив-ҳуқуқий, илмий-ташкилий ва иқтисодий тадбирларни амалга оширишда ташаббускорлик функциясини амалга оширди. Давлатимизнинг ташаббускорлиги ва бош ислоҳотчи вазифасини бажариши жамиятнинг олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрларга бўлган эҳтиёжларини тўлақонли қондириш ҳамда шахснинг ижодий таълим олиш, касб-ҳунар ўрганиш борасидаги ҳаётий манфаатларини қаноатлантиришга қаратилган фаолиятини таъминлашда алоҳида аҳамият касб этди. Бу борада Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 24 июлдаги «Олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар тайёрлаш ва аттестациядан ўтказиш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида»ги 4456-сонли фармони билан 2013 йилнинг 1 январидан бошлаб тараққиётимизнинг ўзига хос хусусиятларига монанд равишда ҳамда халқаро талаблар ва стандартларга мувофиқ

---

[1] *Каримов И.А.* Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. Асарлар. 1-жилд. Тошкент: Ўзбекистон. 1996. 312-бет.

фан доктори илмий даражасини бериш бўйича олий ўқув юртидан кейинги таълим бир босқичли тизимининг жорий қилинганини таъкидлаб ўтиш мақсадга мувофиқдир.

■ Иқтисодий ислоҳотларни ҳуқуқий таъминлаш тамойили асосида олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар давлат аттестациясининг норматив-ҳуқуқий базасини яратиш ва уларни муттасил такомиллаштириб бориш ишлари ташкил этилди. Мазкур тадбирларнинг амалга оширилиши белгиланган тартиб-қоидаларнинг ягоналигини таъминлашга хизмат қилди. Шу жиҳатдан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 24 июлдаги 4456-сонли фармонининг қабул қилиниши олий ўқув юртидан кейинги таълимнинг бир босқичли тизимини жорий қилишда муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилди.

■ Олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар давлат аттестациясини ташкил этишда ўзбек моделининг бозор иқтисодиётига босқичма-босқич ўтиш тамойили алоҳида муҳим аҳамият касб этди. Ислоҳотлардан кўзланган мақсадга пухта ўйланган дастурий ёндашувлар асосида қадам-бақадам бориш давлат аттестациясини тизимли равишда янгилаб бориш ва унинг сифатини оширишга ижобий таъсир кўрсатди. Ислоҳотлар ижтимоий ларзаларсиз, дастурий асосда, қатъият ва изчиллик билан, шунингдек, самаралилик асосида амалга оширилиши зарур. Бунда олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар тайёрлаш сифатини муттасил ошириб бориш ҳамда жамиятнинг бундай кадрларга бўлган эҳтиёжини янада тўла қондиришнинг ўзига хос, жумладан, қуйидаги хусусиятлари эътиборга олинган ҳолда давлат аттестацияси соҳасидаги ислоҳотлар амалга оширилди: фуқароларнинг ҳар кимга билим олиш, илмий ва техникавий ижод эркинлиги ҳамда маданият ютуқларидан фойдаланиш бўйича конституцион ҳуқуқларини рўёбга чиқариш; илмий-ижодий фаолиятни самарали амалга ошириш учун тегишли шарт-шароитлар яратиб бериш; изланувчиларни давлат томонидан рағбатлантириш.

Олий ўқув юртидан кейинги таълим тизимини самарали ташкил этишда мазкур тамойил муҳим аҳамият касб этиб, давлат аттестациясини ташкил этишнинг тегишли тадбирларини тизимли амалга ошириш, унинг ҳуқуқий асосларини ислоҳотлар талабларидан

келиб чиққан ҳолда такомиллаштириб бориш, муҳим вазифаларни белгилаш ва уларни амалга оширишнинг самарали йўл ва воситаларини пухта ишлаб чиқишни тақозо этади. Бу борада олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар давлат аттестациясини ислоҳ қилишни босқичма-босқич амалга оширишда узлуксиз таълимнинг олий ўқув юртидан кейинги таълим икки босқичли тизимининг 1992–2012 йилларда сақланиб қолингани ҳамда 2013 йилнинг 1 январидан бошлаб унинг бир босқичли тизими жорий этилишини келтириш мумкин. Бунда ислоҳотлар босқичма-босқич амалга оширилиб, жумладан, мазкур жараёнда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 2 ноябрдаги «Олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштиришнинг чора-тадбирлари тўғрисида»ги 1426-сонли қарори асосида узлуксиз таълимнинг расмий тизимида сифат жиҳатдан янги институтлар ташкил топди[1]. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 24 июлдаги «Олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар тайёрлаш ва уларни аттестациядан ўтказиш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида»ги 4456-сонли фармони билан олий ўқув юртидан кейинги таълимнинг бир босқичли тизими 2013 йилдан бошлаб жорий қилинди.

Бу борада олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар давлат аттестацияси соҳасида амалга оширилган ислоҳотларнинг қуйидаги икки босқичини кўрсатиб ўтиш мумкин (2.1-жадвал).

Биринчи босқич 1992–2012 йилларни қамраб олиб, тегишли равишда унинг таркибида икки давр ривожи (1992–1996 йй., 1997–2012 йй.) ўз аксини топади. Унинг 1992–1996 йиллардаги ривожи олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар давлат аттестацияси тизимининг ташкилий-ҳуқуқий асосларни яратиш, норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқиш, шунингдек, тегишли комплекс норматив-ҳуқуқий, илмий-ташкилий, услубий, таълим-тарбиявий ва ижтимоий-иқтисодий тадбирларни амалиётга жорий этиш жараёнларини қамраб олади. Мазкур даврда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида Олий аттестация комис-

[1] Узлуксиз таълимнинг расмий тизимида олий ўқув юртидан кейинги босқичининг сифат жиҳатдан янги институтлари моҳияти кейинги бобларда очиб берилган.

2.1-жадвал

Олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар давлат аттестациясини ташкил этиш босқичлари тўғрисида маълумот

Босқич	Амал қилиш тизими	Йиллар	Тавсифловчи асосий хусусияти
I.	Олий ўқув юртидан кейинги таълимнинг икки босқичли тизими	1992–1996	Олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар давлат аттестацияси тизимининг ташкилий-ҳуқуқий асосларни яратиш, норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқиш. Тегишли комплекс норматив-ҳуқуқий, илмий-ташкилий, услубий, таълим-тарбиявий ва ижтимоий-иқтисодий тадбирларни амалиётга жорий этиш.
		1997–2012	Мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотларга монанд равишда олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар давлат аттестациясининг норматив-ҳуқуқий базасини такомиллаштириш ва давлат аттестацияси сифатини янада ошириш.
II.	Олий ўқув юртидан кейинги таълимнинг бир босқичли тизими	2013 йилнинг 1 январидан бошлаб	Тараққиётимизнинг ўзига хос хусусиятлари ва мақсадларига монанд равишда Кадрлар тайёрлаш миллий дастури вазифаларидан келиб чиққан ҳолда, шунингдек, умум қабул қилинган халқаро талаблар ва стандартларга мувофиқ фан доктори илмий даражасини бериш бўйича олий ўқув юртидан кейинги таълимнинг бир босқичли тизимини жорий қилиш, тубдан янгиланган норматив-ҳуқуқий база асосида давлат аттестациясини ташкил этиш ва аттестация сифатини тубдан яхшилаш ҳамда диссертациялар сифати ва самарадорлигини кескин ошириш, халқаро даражада рақобатбардош олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар тайёрлаш.

Жадвал муаллиф томонидан тузилган.

сияси ташкил этилди[1]; олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар давлат аттестациясининг ҳуқуқий асослари яратилиб, амалиётга тўлиқ жорий этилди. Шу мақсадларда, жумладан, олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар давлат аттестациясининг вақтинчалик ва такомиллашган низомлари ишлаб чиқилиб, амалиётга фаол жорий этилди[2].

Биринчи босқичнинг 1997–2012 йилларни қамраб олган даврида мамлакатда амалга оширилаётган ислоҳотларга монанд равишда олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар давлат аттестациясининг норматив-ҳуқуқий базасини такомиллаштириш ҳамда унинг сифатини янада ошириш, шунингдек, диссертациялар мавзуларини республика фан ва технологияларини ривожлантиришнинг устувор йўналишлари ҳамда ижтимоий-иқтисодий соҳаларнинг долзарб муаммоларига йўналтириш, ахборот-таҳлилий фаолиятни кучайтириш каби вазифаларни ўз ичига олади[3]. Шу жумладан, шу даврда жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида диссертация тадқиқотларини ташкил этиш ва улар самарадорлигини оши-

---

[1] Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1992 йил 31 мартдаги «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси (Ўзбекистон Республикаси ОАК)ни ташкил қилиш тўғрисида»ги 371-сонли фармони. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1992 йил 9 сентябрдаги «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси фаолиятини ташкил этиш масалалари» тўғрисидаги 421-сонли қарори.

[2] «Ихтисослашган кенгаш ҳақида низом», «Илмий даражалар бериш тартиби тўғрисида низом», «Илмий унвонлар бериш тўғрисида низом», «Эксперт кенгаши тўғрисида низом» ва бошқа ҳужжатлар.

[3] Жумладан: «Олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар ихтисосликлари паспорти»нинг янги таҳрири, «Олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар ихтисосликлари рўйхатига ўзгартиришлар киритиш тартиби», «Мувофиқлаштирувчи кенгашда докторлик ва номзодлик диссертациялари мавзуларини кўриб чиқиш тартиби», «Ихтисослашган кенгашлар қошидаги илмий семинарлар фаолиятини ташкил этиш тўғрисида тартиб», номзодлик имтиҳонлари дастурлари, жумладан, «Фалсафа, миллий ғоя ва фан методологияси» таҳсилининг янги таҳрири ва бошқа ҳужжатлар ишлаб чиқилди. Ахборот-коммуникация технологияларидан самарали фойдаланиш юзасидан тегишли тадбирлар амалга оширилди.

риш борасида қатор тадбирларни амалга ошириш ташкил этилди ва муайян натижаларга эришилди[1].

Бу давр Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 2 ноябрдаги «Олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштиришнинг чора-тадбирлари тўғрисида»ги 1426-сонли ҳамда 2011 йил 20 майдаги «Олий таълим муассасаларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва юкори малакали мутахассислар тайёрлаш сифатини тубдан яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 1533-сонли карорлари билан бевосита боғликдир. Бу борада Тошкентдаги Симпозиумлар саройида 2012 йилнинг февраль ойида бўлиб ўтган «Юксак билимли ва интеллектуал ривожланган авлодни тарбиялаш – мамлакатни баркарор тараққий эттириш ва модернизация қилишнинг энг

[1] Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг 2010 йил 27 январда бўлиб ўтган кўшма мажлисидаги «Мамлакатни модернизация қилиш ва кучли фуқаролик жамияти барпо этиш – устувор мақсадимиздир» ҳамда 2009 йилнинг асосий якунлари ва 2010 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 29 январда бўлиб ўтган мажлисидаги «Асосий вазифамиз – Ватанимиз тараққиёти ва халкимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир» номли маърузаларида келтирилган қоидалар, хулосалар ва асосий вазифалар асосида Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳамда Маданият ва спорт ишлари вазирликларининг тасарруфларидаги олий таълим муассасаларида, шунингдек, бошқа муассасалар билан биргаликда илмий изланишлар олиб бораётган барча диссертацион тадқиқотлар мавзуларини қайта кўриб чиқиш ташкил этилди. Илмий кенгашлар қарори билан жами тасдиқланган диссертация ишлари мавзулари қайта кўриб чиқилди. Маърузаларнинг моҳиятидан келиб чиққан ҳолда 1467 та номзодлик диссертацияси ҳамда 194 та докторлик диссертацияси мавзуига тегишли ўзгартиришлар киритилди. Қайта кўриб чиқилган ва янгитдан шакллантирилган диссертация ишлари, шунингдек, диссертация ишлари мониторингини доимий ташкил этиш илмий тадқиқотларнинг сифати ва самарадорлигини оширишга ҳамда уларни иктисодиёт тармоқлари долзарб муаммоларининг илмий ечимларига ва Инқирозга қарши чоралар дастури доирасидаги вазифаларни бажаришга йўналтиришга хизмат қилади.

муҳим шарти» мавзуидаги халқаро конференция алоҳида аҳамият касб этди.

Мамлакатимиз Президенти Ислом Каримов мазкур халқаро конференцияда тараққиёт йўлида ўз олдимизга қўйган эзгу мақсадларимизга эришишнинг асосий йўллари тўғрисида фикр билдириб, жумладан, қуйидагиларни таъкидлади: «Биз ривожланган бозор иқтисодиётига асосланган замонавий давлат қуриш йўлига қадам қўйиб, кучли давлатдан кучли фуқаролик жамияти сари изчиллик билан ўтишни таъминлар эканмиз, фақат миллий ва умумбашарий қадриятлар уйғунлиги заруратини теран англайдиган, замонавий билимларни, интеллектуал салоҳият ва илғор технологияларни эгаллаган инсонларгина ўз олдимизга қўйган стратегик тараққиёт мақсадларига эришиши мумкин эканини ҳамиша ўзимизга яхши тасаввур этиб келмоқдамиз»[1].

Мазкур халқаро конференцияда Осиё тараққиёт банки президенти мамлакатимизда таълим ва фан соҳасида амалга оширилаётган ислоҳотларга жуда катта ижобий баҳо бериб, жумладан, қуйидагиларни таъкидлади: «Ижтимоий ва инсон салоҳияти барқарор иқтисодий юксалишнинг муҳим омилидир. Ўзбекистон бугунги ва эртанги кунга доир вазифаларни ҳал этиш учун муҳим қадамлар қўймоқда. Бу иқтисодий ўсиш натижаларининг барча ва ҳар бир киши ўртасида тенг тақсимланишини таъминлайди. Таълим – имкониятлар тенглигини таъминлайдиган буюк мезон. У жамият ақл-заковатининг юксалиши, рақобатдошликнинг кучайиши ва ютуқлар кўпайишининг муҳим омили вазифасини ўтайди»[2].

Мазкур босқичдаги тадбирларни амалга ошириш умум қабул қилинган халқаро талаб ва стандартларга мувофиқ олий ўқув юртидан кейинги таълимнинг бир босқичли тизимига ўтишга тегишли илмий-ташкилий, услубий ва бошқа шарт-шароитларни тайёрлашни таъминлади. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 24 июлдаги 4456-сонли фармони умум қабул қилинган

[1] Президент Ислом Каримовнинг 2012 йилнинг февралида бўлиб ўтган «Юксак билимли ва интеллектуал ривожланган авлодни тарбиялаш – мамлакатни барқарор тараққий эттириш ва модернизация қилишнинг энг муҳим шарти» мавзуидаги халқаро конференциядаги маърузаси. Халқ сўзи. 2012 йил 18 февраль.

[2] Ўша манба.

халқаро талаблар ва стандартларга мувофиқ фан доктори илмий даражасини бериш бўйича олий ўқув юртидан кейинги таълимнинг бир босқичли тизимини жорий қилишда ўта муҳим аҳамият касб этди.

Иккинчи босқич 2013 йилдан бошланиб, унинг ҳуқуқий асосини Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 24 июлдаги «Олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар тайёрлаш ва аттестациядан ўтказиш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида»ги 4456-сонли фармони ташкил этади. Мазкур босқич тараққиётимизнинг ўзига хос хусусиятлари ва мақсадларига мос равишда Кадрлар тайёрлаш миллий дастури вазифаларидан келиб чиққан ҳолда, шунингдек, умум қабул қилинган халқаро талаблар ва стандартларга мувофиқ фан доктори илмий даражасини бериш бўйича олий ўқув юртидан кейинги таълимнинг бир босқичли тизимини жорий қилиш, тубдан янгиланган норматив-ҳуқуқий база асосида давлат аттестациясини ташкил этиш ва аттестация сифатини тубдан яхшилаш ҳамда диссертациялар сифати ва самарадорлигини кескин ошириш, шунингдек, халқаро даражада рақобатбардош олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар тайёрлаш билан тавсифланади. Бу борада Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 28 декабрдаги 365-сонли қарори муҳим аҳамият касб этади. Мазкур босқичнинг юқорида кўрсатилган асосий хусусиятлари билан бир қаторда қуйидагиларни ҳам кўрсатиб ўтиш керак: ягона бўлган катта илмий ходимлар-изланувчилар институтининг ташкил этилиши; талабгорларнинг илмий ва илмий-педагогик фаолиятга лаёқатини аниқлаш бўйича тест ўтказиш; докторлик диссертациялари мавзуларини рўйхатдан ўтказишнинг йўлга қўйилиши.

■ Кучли ижтимоий сиёсат тамойилига кўра, ижтимоий ҳимоя бу нафақат ижтимоий кафолатлар ва ижтимоий муҳофаза тизими, балки илмий фаолият натижаларидан иқтисодиёт тармоқларида ва охир-оқибатда ижтимоий мақсадларда фойдаланиш тизимини кўзда тутади. Шунингдек, «илғор фан-техника ютуқлари одамларимизнинг оғирини енгил қилишга, маънавий дунёсини юксалтиришга хизмат қилсин. Токи биз улуғ боболаримизнинг беқиёс акл-заковати билан фахрланиб юрганимиз сингари, келгуси ав-

лодлар ҳам бугунги олимларимизнинг илмий кашфиётлари ва салоҳиятларидан ҳамиша ифтихор қилсинлар»[1].

Алоҳида таъкидлаш керакки, олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар давлат аттестацияси соҳасидаги давлат сиёсатида аттестация тадбирларининг сифати ва натижавийлигига алоҳида эътибор берилди. Бу соҳадаги давлат сиёсати қуйидаги тамойиллар асосида амалга оширилди (2.1-расм):

2.1-р а с м. Олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар аттестацияси соҳасидаги давлат сиёсатини амалга ошириш тамойиллари

[1] *Каримов И.А.* Бунёдкорлик йўлидан. Асарлар, 4-жилд. Тошкент: Ўзбекистон. 1996. 91-бет.

1) давлат аттестациясини ҳуқуқий асосда ташкил этиш ва такомиллаштириб бориш тамойили;

2) илмий даража ва илмий унвон талабгорларига қўйиладиган талабларнинг ягоналигини таъминлаш;

3) аттестация органлари фаолиятини жамоатчилик асосида ташкил этиш;

4) давлат аттестациясини юкори малака, талабчанлик ва холислик асосида ўтказиш;

5) давлат аттестацияси жараёнининг очиқлиги ва ошкоралигини таъминлаш;

6) давлат аттестацияси сифатини таъминлаш.

(1) Давлат аттестациясини ҳуқуқий асосда ташкил этиш ва такомиллаштириб бориш тамойили. Ўтган давр мобайнида давлат аттестациясининг ҳуқуқий базаси мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг қамровли ислоҳотларга уйғун равишда яратилиб, барча аттестация тадбирлари унинг асосида амалга оширилиши таъминланди. Олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар давлат аттестациясининг ҳуқуқий асослари Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги қонуни ва Кадрлар тайёрлаш миллий дастури, Ўзбекистон Республикаси Президентининг тегишли фармонлари ва қарорлари ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари асосида яратилди. Илмий даражалар ва унвонларни тасдиқлаш ҳамда бошқа тегишли ишларни кўриб чиқиш масалалари Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси томонидан ишлаб чиқилган, тасдиқланган ва Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар асосида амалга оширилади. Барча аттестация органларида тегишли аттестация тадбирларини кўриб чиқиш ушбу норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ҳамда белгиланган тартибда тасдиқланган қоидалар асосида амалга оширилмоқда. Ушбу тамойил аттестация жараёнларининг ҳуқуқий асосларда амалга оширилишини кафолатлайди ва ягона ҳуқуқий аттестация майдонини вужудга келтиради.

Шуни таъкидлаш керакки, давлат аттестациясининг ҳуқуқий асосларини замонавий талаблар асосида такомиллаштириб бориш мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш истиқболлари

ва жамиятни маънавий юксалтириш эҳтиёжларидан келиб чиққан ҳолда, давлатнинг олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар тайёрлаш сифатини муттасил ошириб бориш ҳамда жамиятнинг бундай кадрларга бўлган эҳтиёжини янада сифатли қондириш мақсадларига хизмат қилади. Шу мақсадда 1993 ва 1996 йилларда ишлаб чиқилган низомлар муттасил такомиллаштирилиб, 2003, 2004, 2006 ва 2009 йилларда қайта тасдиқланди ва белгиланган тартибда Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 20 майдаги «Олий таълим муассасаларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва юқори малакали мутахассислар тайёрлаш сифатини тубдан яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 1533-сонли қарори асосида тегишли тадбирлар ташкил этилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 24 июлдаги «Олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар тайёрлаш ва аттестациядан ўтказиш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида»ги 4456-сонли фармонига мувофиқ мавжуд норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тубдан қайта кўриб чиқилиб, «Фан доктори илмий даражасини берувчи илмий кенгаш тўғрисидаги низом», «Фан доктори илмий даражасини бериш тартиби тўғрисидаги низом», «Илмий унвонларни бериш тартиби тўғрисидаги низом», «Эксперт кенгаши тўғрисидаги низом» ва «Малакавий имтиҳонларни ўтказиш тартиби тўғрисидаги низом»нинг янги таҳрирлари ишлаб чиқилди, тасдиқланди ва давлат рўйхатидан ўтказилди.

(2) Илмий даража ва унвон талабгорларига қўйиладиган талабларнинг ягоналигини таъминлаш тамойили олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар давлат аттестациясига оид норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, жумладан, аттестация органлари томонидан низомларга мувофиқ ҳолда тегишли аттестация тадбирларини ташкил этиш, экспертизани амалга ошириш ҳамда тегишли тавсия ва қарорларни қабул қилишда изчил равишда риоя қилинмоқда.

(3) Аттестация органлари фаолиятини жамоатчилик асосида ташкил этиш тамойилига мувофиқ, уларнинг фаолияти жамоатчилик асосида фаолият кўрсатувчи илмий-ташкилий тузилмалар (илмий кенгашлар, илмий семинарлар, эксперт кенгашлари, мувофиқлаштирувчи кенгашлар, комиссиялар ва бошқалар) сифатида шакллантирилган.

(4) Давлат аттестациясини юқори малака, талабчанлик ва холислик асосида ўтказиш тамойили. Давлат аттестацияси жараёнларига жалб қилинган олим-мутахассислар (тақризчи, илмий кенгаш аъзолари, расмий оппонентлар, эксперт кенгашлари аъзолари ва бошқалар), биринчи навбатда, шу соҳанинг етук мутахассиси бўлиши, муайян йўналишда самарали илмий изланишлар олиб бориши ҳамда фан ва технологиялар тараққиёти ютуқларидан малакали бохабар бўлиши, экспертиза қилинаётган диссертация ва масала йўналишида фаол ишлаётган бўлиши ва бошқа тегишли малакавий талабларга жавоб бериши зарур. Шу билан бир қаторда, улар ҳар бир экспертиза ишига талабчанлик билан ёндашиб, экспертизанинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар талабларининг ягоналиги асосида кўриб чиқилишини таъминлаши керак. Аттестация жараёнларига жалб этилган олим-мутахассислар ҳар бир кўриладиган ишга нисбатан холис баҳо беришлари шарт.

(5) Давлат аттестацияси жараёнининг очиқлиги ва ошкоралигини таъминлаш тамойили асосида олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар давлат аттестациясига оид барча тадбирлар қайси даражада[1] кўрилишидан қатъи назар, очиқлик ва ошкоралик хусусиятига эгадир. Чунки, диссертация мавзуи ва ҳимояси тўғрисидаги маълумотларни чоп этиш, илмий семинардаги диссертация муҳокамаси ва илмий кенгашда диссертациянинг очиқ ҳимояси, илмий унвонларга оид ишларнинг очиқ муҳокама қилиниши, давлат аттестацияси бўйича якуний қарорларни мунтазам равишда чоп этиб бориш ва бошқа меъёрий тадбирлар ошкора амалга ошириб борилади.

Бу борада «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси Бюллетени» журнали ва веб-сайт алоҳида аҳамият касб этади. Шу жиҳатдан ҳам олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар давлат аттестациясига оид норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни жамоатчиликка оммавий ахборот воситалари орқали етказиш ишларига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ўтган давр мобайнида ишлаб чиқилган ва белги-

[1] Диссертация бажарилган муассаса тузилмаси, диссертация бажарилган муассаса илмий семинари, илмий кенгаш, илмий кенгаш қошидаги илмий семинар, Ўзбекистон Республикаси ОАК ва бошқалар.

ланган тартибда тасдиқланган тегишли норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, жумладан: «Олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар ихтисосликлари рўйхати», «Олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар ихтисосликлари паспортлари» нашри йўлга қўйилган, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси ОАК журнали ва веб-сайтида тегишли норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар нашр этилмоқда. Алоҳида таъкидлаш керакки, Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 28 декабрдаги 365-сонли қарори билан тасдиқланган «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси тўғрисидаги низом»да «бўлажак докторлик диссертациялари ҳимоялари, уларнинг илмий ва амалий аҳамияти тўғрисида оммавий ахборот воситалари, ОАК веб-сайти ва ОАК бюллетени журнали орқали, шунингдек, авторефератнинг тўлиқ матнини фан доктори илмий даражасини бериш бўйича илмий кенгашнинг веб-сайтида ва Интернет тармоғининг бошқа ахборот-ресурс порталларида жойлаштириш йўли билан хабар берилади» деб белгиланган.

(6) Давлат аттестацияси сифати[1]ни таъминлаш тамойили тегишли норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар талабларига мувофиқ ҳолда олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар давлат аттестациясининг ташкил этилиши ва натижаларининг шу соҳадаги давлат сиёсати мақсадларига мувофиқлигида ифодаланиб, аттестация жараёнининг ҳар бир босқичи мазмун-моҳиятидан келиб чиққан ҳолда аттестация натижаларининг мақсадга мувофиқ ҳолда асосланиши ва самарали натижаси билан белгиланади. Масалан, экспертиза натижаларига кўра, диссертация мавзулари мамлакатимизда фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мос ҳолда, иқтисодий-ижтимоий ва бошқа соҳаларнинг долзарб муаммоларини ҳал қилишга йўналтирилган ёки тегишли фан тармоғининг истиқболли йўналишини ривожлантириш бўйича муҳим назарий қоидалар мажмуини ишлаб чиқишга ёхуд жорий этилиши натижасида илмий-технологик тараққиётга

[1] *Олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар давлат аттестацияси сифати* – тегишли норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар талабларига мувофиқ ҳолда олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар давлат аттестациясининг ташкил этилиши ва бу борадаги натижаларнинг шу соҳадаги давлат сиёсати мақсадларига мувофиқлиги.

катта ҳисса қўшадиган илмий асосланган ечимларни ишлаб чиқишга йўналтирилган бўлиши зарур.

Олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар давлат аттестацияси сифатини таъминлаш, жумладан, куйидагиларни кўзда тутади: олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрларнинг давлат аттестациясига оид норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг замонавий талабларга жавоб бериши ва уларнинг жамиятдаги ижобий ўзгаришларга уйғун равишда мунтазам такомиллаштириб борилиши; аттестация органлари фаолиятининг норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар талабларига мувофиқ ҳолда ташкил этилиши; диссертация сифатини норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар талаблари асосида холис баҳолаш ҳамда унинг илмий-амалий аҳамияти юқори бўлиши ва амалий аҳамиятга молик натижаларининг амалиётга жорий этилишини таъминлаш; илмий даража ва илмий унвон талабгори бўлганлар касбий-малакавий фаолияти тегишли талабларга жавоб беришини холис баҳолаш.

Олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар давлат аттестациясининг методологик-услубий ва илмий-ташкилий жиҳатлари бўйича фикр билдирилганда, қуйидагиларнинг маъно-моҳиятига алоҳида эътибор қаратиш зарур. Чунки, давлат аттестацияси жараёнида олий ўқув юртидан кейинги таълим асосида изланувчилар меҳнат фаолиятига кўра илмий ҳамда илмий-педагог кадрлар давлат аттестациясидан ўтказилиб, олий малакали илмий-педагог кадрлар корпуси шакллантирилади:

илмий кадрлар[1];

илмий-педагог кадрлар[2];

---

[1] *Илмий кадрлар* – тегишли олий маълумотга эга бўлиб, малакавий талабларга жавоб берган ва илмий-тадқиқот муассаса (тузилма)лари ёки уларга тенглаштирилган муассаса (тузилма)ларда асосий меҳнат фаолияти сифатида илмий (илмий-ташкилий) лавозимларда фаолият олиб бораётган мутахассислар таркиби.

[2] *Илмий-педагог кадрлар* – тегишли олий маълумотга эга бўлиб, малакавий талабларга жавоб берган ва олий таълим муассасалари ёки уларга тенглаштирилган муассасаларда асосий меҳнат фаолияти сифатида тегишли лавозимларда илмий-педагогик фаолият кўрсатаётган мутахассислар таркиби.

олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар[1].

Шу ўринда педагогик фаолият билан шуғулланаётган ходимларга нисбатан «педагог кадрлар (ходимлар)» ибораси ўрнига «илмий-педагог кадрлар» ибораси қўлланиши юзасидан қуйидаги фикрни билдириб ўтиш жоиз. «Иқтисодий ва сиёсий соҳалардаги ислоҳотларимизнинг пировард мақсади юртимизда яшаётган барча фуқаролар учун муносиб ҳаёт шароитларини ташкил қилиб беришдан иборатдир. Айнан шунинг учун ҳам маънавий жиҳатдан мукаммал ривожланган инсонни тарбиялаш, таълим ва маорифни юксалтириш, миллий уйғониш ғоясини рўёбга чиқарадиган янги авлодни вояга етказиш давлатимизнинг энг муҳим вазифаларидан биридир»[2]. Таълим мураккаб ва серқирра жараён ҳисобланиб, мазкур жараён илмий асосда ташкил этилгандагина кутилган самарани бериши мумкин. Шунинг учун ҳам ҳар бир педагог ўз соҳаси бўйича муттасил равишда илмий изланишлар олиб бориши, уларнинг натижаларига таянган ҳолда ўз касбий фаолиятини юксалтириб бориши ва мазкур йўналишда олинган илмий натижаларни ўқув жараёнига татбиқ этиши зарур. Шу жиҳатдан ҳам педагогик фаолият олиб бораётган мутахассис бир вақтнинг ўзида илмий фаолият билан ҳам фаол шуғулланиши шарт. Ушбу ва бошқа ҳолатларни эътиборга олган ҳолда педагогик фаолият олиб бораётган ходим (ходимлар)га нисбатан «педагог кадрлар» ибораси ўрнига уларнинг доимий илмий изланишлар олиб боришига урғу бериш маъносида «илмий-педагог кадрлар» ибораси қўлланади.

Олий ўқув юртидан кейинги таълим асосида жамиятнинг олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрларга бўлган эҳтиёжини қондириш ҳамда шахснинг ижодий, таълим, касб-ҳунар ўрганиш борасида манфаатларини қондиришга қаратилган фаолият амалга оширилиб, мамлакатимиз илмий салоҳиятининг асоси ва нуфузи-

---

[1] *Олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар* – фан доктори ёки фан номзоди ёхуд хорижий давлатларда берилган фалсафа доктори ёки уларга тенглаштирилган бошқа илмий даражаларга ёхуд илмий унвонларга эга бўлиб, асосий меҳнат фаолияти (ўриндошлик, ўз ташаббуси) асосида мунтазам равишда илмий ёки илмий-педагогик фаолият юритаётган мутахассислар таркиби.

[2] *Каримов И.А.* Ватан саждагоҳ каби мукаддасдир. Асарлар, 3-жилд. Тошкент: Ўзбекистон. 1996. 15-бет.

ни ташкил этган олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар шакллантирилади. Шу жиҳатдан ҳам олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар тайёрлаш[1] учун мақсадли ва дастурий ёндашув асосида тизимли тадбирларни ташкил этиш ишлари муҳим аҳамият касб этади.

Олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрларни тайёрлашнинг туб асосини олий ўқув юртидан кейинги таълим ташкил этади. Унинг якуний натижасига кўра изланувчиларни фан доктори (2013 йилнинг 1 январигача, жумладан, фан номзоди) илмий даражасида тасдиқлаш жараёни амалга оширилади. Олий ўқув юртидан кейинги таълимда олий малакали кадрлар тайёрлаш ишлари етакчи олий таълим ва илмий-тадқиқот муассасаларида бугунги кунда катта илмий ходимлар-изланувчилар институти, мустақил изланувчилик ва тўлов-контракт асосида изланувчилик асосида ташкил этилган. Бундай кадрларни тайёрлаш сифатини оширишда «илмий-тадқиқот фаолият шакли», «илмий-педагогик фаолият шакли», «малака ошириш ва қайта тайёрлаш шакли» ва «фан – ишлаб чиқариш интеграцияси шакли» ҳам муҳим аҳамият касб этади.

Бундай кадрлар тайёрлаш сифатини оширишда «илмий-тадқиқот фаолият шакли» кадрлар тайёрлаш борасида ўзининг кенг камровлилиги билан ажралиб туради. Ушбу шакл илмий-тадқиқот ва олий таълим муассасалари ёки уларга тенглаштирилган муассасалардаги асосий меҳнат фаолияти асосида амалга оширилади. Унда изланувчилар илмий-тадқиқот ишлари билан илмий лойиҳалар, жумладан, давлат ва хорижий грантлар, инновация лойиҳалари ва хўжалик шартномалари билан фаол шуғулланиш, илмий семинар ва апробация жараёнларини ўтказиш, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий этиш жараёнларининг фаол иштирокчиси сифатида ўз малакаларини ошириб борадилар. Кадрларнинг малакасини ошириш ишлари тегишли фан ва амалиёт соҳаси бўйича жаҳон илғор тенденциялари, фан ва техника ютуқлари

---

[1] *Олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар тайёрлаш* – жамиятнинг олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрларга бўлган эҳтиёжига мувофиқ ҳолда бундай кадрларни мақсадли тайёрлашга йўналтирилган узлуксиз ва бир-бири билан узвий боғлиқ бўлган ташкилий, таълим-тарбиявий, илмий, ижтимоий-иқтисодий ва бошқа тадбирларнинг ягона тизими.

билан яқиндан танишиш, илмий-тадқиқот фаолиятини жаҳон талаблари даражасида ташкил этиш шароитида амалга оширилади. Бу эса кадрлар малакасини мунтазам ошириб боришнинг муҳим илмий-ташкилий механизмларидан бири ҳисобланади. Бозор иқтисодиёти шароитида инновацион жараёнларни амалга ошириш, технологиялар трансфеи ва интеллектуал мулк натижаларини тижоратлаштириш каби бозор унсурларининг амалиётга жорий қилиниши ҳам уларни тайёрлаб бориш ва тегишли кўникмаларни шакллантиришга ижобий омил сифатида таъсир кўрсатади.

Кадрлар тайёрлаш сифатини оширишда «илмий-педагогик фаолият шакли» олий таълим ва уларга тенглаштирилган муассасаларда педагогик ва илмий-тадқиқот фаолиятининг уйғунлиги негизида таълим-тарбия ва илмий-тадқиқот ишларининг тизимли амалга оширилиши билан тавсифланади.

Олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрларни тайёрлаш ва давлат аттестацияси натижалари жараёнида мамлакатнинг «олтин» фонди ҳисобланган олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар таркиби шакллантирилади.

Шуни таъкидлаш керакки, олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар давлат аттестациясига тизимли ёндашиш борасида услубий жиҳатдан қуйидагиларни тартибга солиш аттестация тадбирлари сифатини таъминлайдиган муҳим ишлардан бири ҳисобланади:

фан тармоғи[1];

фан тармоғи рақами (шифри)[2];

ихтисослик[3];

---

[1] *Фан тармоғи* – муайян белгилар асосида моҳиятан бир-бирига яқин ихтисосликлар гуруҳи (ихтисосликлар)нинг тегишли фан тармоғи бўйича гуруҳланиши.

[2] *Фан тармоғи шифри (рақами)* – олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар ихтисосликлари рўйхатидаги муайян фан тармоғининг фан тармоқлари таркибида рақамланган тизимидаги тартиб рақами.

[3] *Ихтисослик* – муайян белгилар (мақсад, предмет, моҳият, алоқадорлик ва бошқалар) асосида моҳиятан бир-бирига яқин ва мазмунан турдош бўлган тадқиқот йўналишларининг тегишли фан тармоғи асосида ихтисослик доирасидаги бирлиги (гуруҳланиши).

ихтисослик номи[1];
ихтисослик рақами[2];
ихтисослик паспорти[3];
ихтисосликлар гуруҳи[4];
ихтисосликлар гуруҳи рақами (шифри)[5];
олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар ихтисосликлари рўйхати[6].

Бугунги кунда олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар ихтисосликлари рўйхатига қуйидаги 20 та фан тармоғи киритилган:

01.00.00 – физика-математика фанлари;
02.00.00 – кимё фанлари;
03.00.00 – биология фанлари;

---

[1] *Ихтисослик номи* – муайян ихтисослик моҳиятининг аннотацион тарзда аниқ ва жуда қисқа шаклда ифодаланиши.

[2] *Ихтисослик шифри (рақами)* – олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар ихтисосликлари рўйхатидаги муайян ихтисосликнинг тегишли фан тармоғи ва ихтисосликлар гуруҳи рақамланган тизимидаги тартиб рақами.

[3] *Ихтисослик паспорти* – муайян ихтисосликнинг моҳияти аннотацион тарзда аниқ ва жуда қисқа шаклда тавсифланиб, ушбу ихтисослик доирасида амалга ошириладиган тадқиқот йўналишлари ва асосий масалалар ҳамда объектлари системали равишда белгилаб берилган ҳужжат.

[4] *Ихтисосликлар гуруҳи* – муайян белгилар (мақсад, предмет, моҳият, алокадорлик ва бошқалар) асосида моҳиятан бир-бирига яқин ихтисосликларнинг тегишли фан тармоғи доирасида гуруҳланиши.

[5] *Ихтисосликлар гуруҳи шифри (рақами)* – олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар ихтисосликлари рўйхатидаги муайян ихтисослик гуруҳининг тегишли фан тармоғи рақамланган тизимидаги тартиб рақами.

[6] *Олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар ихтисосликлари рўйхати (номенклатураси)* – олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрларни мақсадли тайёрлаш, уларни аттестациядан ўтказиш, талабгорларнинг илмий даражаси ва илмий унвонларини тасдиқлаш, шунингдек, муайян аттестация тадбирларини системали ташкил этиш юзасидан фан тармоқлари, ихтисосликлар гуруҳлари ва ихтисосликларнинг тизимли равишда шифрланган (рақамланган) комплекс рўйхати.

04.00.00 – геология-минералогия фанлари;
05.00.00 – техника фанлари;
06.00.00 – қишлоқ хўжалиги фанлари;
07.00.00 – тарих фанлари;
08.00.00 – иқтисодиёт фанлари;
09.00.00 – фалсафа фанлари;
10.00.00 – филология фанлари;
11.00.00 – география фанлари;
12.00.00 – юридик фанлар;
13.00.00 – педагогика фанлари;
14.00.00 – тиббиёт фанлари;
15.00.00 – фармацевтика фанлари;
16.00.00 – ветеринария фанлари;
17.00.00 – санъатшунослик фанлари;
18.00.00 – архитектура;
19.00.00 – психология фанлари;
22.00.00 – социология фанлари.

Амалдаги тартиб-қоидага кўра, олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар ихтисосликлари рўйхатини ишлаб чиқиш, унга тегишли ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ва тасдиқлаш ишлари олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар давлат аттестациясига ваколатли давлат органига юклатилган. Мазкур рўйхатга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш қуйидаги тамойилларга асосланади:

– жараённи ҳуқуқий асосда амалга ошириш;

– очиқликни таъминлаш;

– таълимнинг узлуксизлиги ва изчиллигига амал қилиш;

– ўзгартириш ва қўшимчаларнинг жаҳон илмий-техника тараққиёти, фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мувофиқлиги.

Ушбу тамойиллардан келиб чиққан ҳолда, мазкур рўйхатга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ишлари «Олий таълим йўналишлари ва мутахассисликлари классификатори»га, фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишлари ҳамда халқаро андозаларга уйғун равишда амалга оширилиб, Ўзбекистон Республикаси ОАК Раёсатининг қарори билан тасдиқланади.

Мазкур рўйхатга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ташаббуси давлат, шунингдек, манфаатдор вазирлик ва идоралар, етакчи олий таълим ва илмий-тадқиқот муассасалари, тегишли ташкилотлар, соҳанинг етакчи олим-мутахассислари, Ўзбекистон Республикаси ОАК раҳбариятининг топшириғига асосан етакчи олий таълим ва илмий-тадқиқот муассасалари ёки эксперт кенгашлари томонидан амалга оширилиши мумкин (2.2-расм).

2.2-р а с м. Олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар ихтисосликлари рўйхатига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ташаббуси

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 24 июлдаги 4456-сонли фармонида белгиланган талаблар асосида «Олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар ихтисосликлари рўйхати» янги таҳрирининг халқаро тажриба асосида ишлаб чиқилиши тегишли аттестация жараёнлари сифатини оширишда муҳим аҳамият касб этди. Мазкур фармон талабларидан келиб чиққан ҳолда, рўйхатнинг янги таҳририни ишлаб чиқишда қуйидаги масалаларга алоҳида эътибор берилди:

мамлакатимизда яратилган узлуксиз таълим тизими талаблари асосида «Олий таълим йўналишлари ва мутахассисликлари клас-

сификатори» ва «Олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар ихтисосликлари рўйхати» уйғунлигини таъминлаш;

халқаро тажриба асосида ихтисосликларни йириклаштириш, шунингдек, таълим-фан соҳаларида тадқиқотлар йўналишини уйғунлаштиришнинг услубий таъминотини амалга ошириш;

жаҳон илм-фани тараққиёти ва мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришдаги ижобий ўзгаришларни эътиборга олган ҳолда, рўйхатга янги ихтисосликларни киритиш (бунда рўйхатга «Геномика, протеомика ва биоинформатика» (биология фанлари), «Кончилик саноати геологияси ва геофизикаси» (геология-минералогия фанлари), «Электрон таълим назарияси ва методикаси» (педагогика фанлари), «Ҳамширалик ишини ташкил этиш» (тиббиёт фанлари) каби ихтисосликлар киритилди).

Мазкур рўйхатнинг янги таҳрири олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар тайёрлаш сифатини ошириш, докторлик диссертацияларининг рақобатбардошлик даражасини кўтариш ва илмий тадқиқотларнинг яхлитлилик даражасини оширишда реал услубий асос бўлиб хизмат қилади.

Олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар ихтисосликлари рўйхатига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш учун манфаатдор вазирлик ва идоралар, етакчи олий таълим ва илмий-тадқиқот муассасалари, тегишли ташкилотлар, соҳанинг етакчи олим-мутахассислари Ўзбекистон Республикаси ОАКга йўлланма хат билан мурожаат этиб, унга тегишли ҳужжатларни илова қилади. Тақдим этиладиган ҳужжатлар таркиби юзасидан шуни таъкидлаш керакки, улар масалани комплекс таҳлил қилиш негизида асосланган қарор қабул қилиш имконини бериши шарт. Ушбу ҳужжатлар таҳлили шу ўзгартиришнинг моҳиятини очиб бериши билан бир қаторда, олий таълим тизимида бакалавр ва магистрлар тайёрлаш даражаси ҳамда шу йўналишда фаолият кўрсатаётган илмий даражаларга эга бўлган мутахассислар сифати таркиби, таклиф этилаётган ихтисослик паспортининг лойиҳаси (лойиҳага ўзгартиришлар), хорижий мамлакатларда мавжуд бўлган аналоглари билан қиёсий таҳлил этилиши, шунингдек, малакавий имтиҳон дастури лойиҳаси кўриб чиқилиши керак.

Олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар давлат аттестацияси сифатини ошириш ва ушбу жараёнда очиқликни таъминлаш мақсадида мазкур рўйхатга киритилган ўзгартириш ва қўшимчалар ва унинг янги таҳрири тўғрисидаги маълумотлар «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси бюллетени» журнали ва веб-сайтида эълон қилинади.

Олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар сифати таркибида фан доктори[1] илмий даражаси ҳамда профессор[2], катта илмий ходим[3] ва доцент[4] илмий унвонлари тасдиқланган мутахассислар услубий жиҳатдан қандай меъёрий талабларга жавоб бериши керак, деган табиий савол туғилади.

Шуни таъкидлаш керакки, қуйидагилар олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар (фан докторлари) тайёргарлигининг

---

[1] *Фан доктори* – 1) фан доктори илмий даражасининг номи; 2) тегишли норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар талабларини бажариб, кўзда тутилган малакавий талабларга жавоб берган ва фан доктори илмий даражаси тасдиқланган (тасдиқланадиган) мутахассисларга берилган (бериладиган) расмий мақом; 3) фан доктори илмий даражаси тасдиқланган (тасдиқланадиган) мутахассис.

[2] *Профессор* – 1) профессор илмий унвонининг номи; 2) тегишли норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар талабларини бажариб, кўзда тутилган малакавий талабларга жавоб берган ва профессор илмий унвони тасдиқланган (тасдиқланадиган) мутахассисларга берилган (бериладиган) расмий мақом; 3) профессор илмий унвони тасдиқланган (тасдиқланадиган) мутахассис.

[3] *Катта илмий ходим* – 1) катта илмий ходим илмий унвонининг номи; 2) тегишли норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар талабларини бажариб, кўзда тутилган малакавий талабларга жавоб берган ва катта илмий ходим илмий унвони тасдиқланган (тасдиқланадиган) мутахассисларга берилган (бериладиган) расмий мақом; 3) катта илмий ходим илмий унвони тасдиқланган (тасдиқланадиган) мутахассис.

[4] *Доцент* – 1) доцент илмий унвонининг номи; 2) тегишли норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар талабларини бажариб, кўзда тутилган малакавий талабларга жавоб берган ва доцент илмий унвони тасдиқланган (тасдиқланадиган) мутахассисларга берилган (бериладиган) расмий мақом; 3) доцент илмий унвони тасдиқланган (тасдиқланадиган) мутахассис.

зарур ва етарли даражасини таъминлайдиган асосий талаблар ҳисобланади[1]:

«фан ва техника ривожланишига, муҳим ижтимоий-иқтисодий, маданий, ижтимоий-сиёсий аҳамиятга эга бўлган илмий муаммони ҳал этишга ёхуд фаннинг тегишли тармоғида истиқболли йўналишни ривожлантиришда янги йирик ютуқ жорий этилиши фан ва техника ривожланишига муҳим ҳисса қўшадиган илмий асосланган техник, иқтисодий ёки технологик ечимларга улушни таъминлайдиган ихтироларга ва селекция ютуқларига муаллиф (ҳаммуаллиф) бўлиш;

фаннинг тегишли соҳаси ривожланиши концепциясининг моҳияти ва мазмунини чуқур билиш, мутахассислик бўйича асосий билимларни пухта эгаллаш, мақсад ва вазифаларни, фан ва техникани ривожлантиришнинг истиқболли йўналишларини билиш ва тушуниш;

тадқиқотларнинг умумилмий ва аниқ тармоқ методологиясини эгаллаш, муаммони малакали аниқлаш ва асослаш, илмий маълумотлар ва материалларни таҳлил қилиш, тизимлаштириш ва умумлаштириш, зарурият бўлганда экспериментал тадқиқотлар олиб бориш қобилиятига эга бўлиш;

тадқиқотлар натижаларига асосланиб муаммонинг моҳиятини билимдонлик билан баён қилиш, илмий хулосалар ва тавсияларни аниқ ва лўнда шакллантириш;

илмий натижаларни амалиётга жорий этиш;

замонавий ахборот-коммуникация технологиялари ёрдамида жаҳон фан ва техникаси ривожланишининг замонавий тенденциялари тўғрисидаги ахборотларни мақсадли излаш ва уларнинг натижаларини пухта ишлаш қобилиятига эга бўлиш;

тегишли давлат, тармоқ илмий-техника дастурлари ва бошқа тадбирлар лойиҳаларини ишлаб чиқишда, уларнинг мониторингини олиб боришда ва уларни амалга оширишда фаол қатнашиш;

бакалаврлар ва магистрлар тайёрлаш бўйича педагогик фаолиятда фаол қатнашиш, илмий тадқиқотлар натижаларини ўқув жараёнига жорий этишда замонавий педагогик технологиялардан фойдаланиш».

---

[1] Олий ўқув юртидан кейинги таълимга қўйиладиган Давлат талаблари.

Олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар давлат аттестацияси (2.3-расмда келтирилган) услубий жиҳатдан ўзаро узвий боғлиқ бўлган таркибий қисмларни қамраб олади.

2.3-р а с м. Олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар давлат аттестациясининг таркибий қисмлари

– Олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар давлат аттестациясининг норматив-ҳуқуқий базаси қуйидаги тадбирларни назарда тутади:

давлатнинг масъул органини тузиш, унинг фаолиятини ташкил этиш ва аттестация органлари[1] тизимини шакллантириш, мувофиқлаштириш ва ахборот-таҳлил ишларини амалга ошириш бўйича норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқиш ва такомиллаштириб бориш;

илмий даражани тасдиқлаш (нострификация қилиш) бўйича тегишли норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқиш ва такомиллаштириб бориш;

илмий унвонларни тасдиқлаш бўйича тегишли норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқиш ва такомиллаштириб бориш;

апелляция ишларини кўриб чиқиш бўйича тегишли норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқиш ва такомиллаштириб бориш;

олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар давлат аттестациясига оид бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқиш ва такомиллаштириб бориш.

– Олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар давлат аттестациясини ташкил этиш бўйича:

давлатнинг ваколатли органи фаолиятини ташкил этиш;

олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар давлат аттестацияси мониторингини ташкил этиш;

тегишли норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни амалиётга жорий этишни ташкил қилиш ва уларнинг ягоналигини таъминлаш;

фан доктори илмий даражасини берувчи илмий кенгашлар тизимини шакллантириш, улар фаолиятини тартибга солиш ва ахборот-таҳлил ишларини амалга ошириш;

эксперт кенгашларини ташкил этиш, улар фаолиятини тартибга солиш ва ахборот-таҳлил ишларини амалга ошириш;

аттестация органларини тегишли равишда ташкил этиш, улар фаолиятини тартибга солиш ва ахборот-таҳлил ишларини амалга ошириш;

[1] *Аттестация органлари* – олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар давлат аттестациясига ваколатли давлат органи, унинг тузилмалари, тегишли норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар талабларини амалга оширишни ташкил этадиган муассаса, ташкилот ва илмий-ташкилий тузилмалар таркибининг умумий номланиши.

олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар давлат аттестациясига оид тегишли барча тадбирларни ташкил этиш ва ахборот-таҳлил ишларини амалга ошириш.

– Талабгорларнинг илмий ва илмий-педагогик фаолиятга лаёқатини аниқлаш ва мавзуларни рўйхатдан ўтказиш ҳамда махсус ва малакавий имтиҳонларни ташкил этиш бўйича:

талабгорларнинг илмий ва илмий-педагогик фаолиятга лаёқатини аниқлашни ташкил этиш;

докторлик диссертациялари мавзуларини рўйхатдан ўтказиш ва эълон қилишни ташкил этиш;

малакавий имтиҳонларни қабул қилиш ҳуқуқига эга бўлган муассасалар тизимини шакллантириш;

малакавий имтиҳонлар предметлари (фан, курс, ихтисослик) бўйича дастурларни ишлаб чиқишни ташкил этиш;

махсус ва малакавий имтиҳонлар комиссиялари таркибини шакллантириш;

имтиҳонларни ташкил этиш; изланувчилар билимларини академик баҳолаш, ташкилий-таҳлилий ишларни амалга ошириш.

– Илмий даража талабгорларининг аттестация иш (диссертация) ларини ягона талаблар асосида баҳолаш бўйича:

диссертация мавзуи ва илмий маслаҳатчини тасдиқлаш билан боғлиқ жараёнлар;

диссертация ҳимояси бўйича норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар талаблари асосида тегишли меъёрий талабларнинг бажарилгани ва меъёрий-услубий кетма-кетликда амалга оширилгани;

диссертацияни илмий кенгашга дастлабки кўриб чиқиш ва ҳимоя учун қабул қилиш ҳамда ишни очиқ ҳимоя қилиш, шунингдек, ишнинг сифати ва самарадорлигини норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар талаблари асосида баҳолаш;

аттестация ишини шакллантириш, расмийлаштириш ва тақдим қилишнинг норматив-техник талабларга мувофиқлиги;

давлатнинг масъул органида илмий даража талабгорларининг аттестация ишлари ҳужжатлари ва диссертациялари, улар билан боғлиқ тадбирларни экспертизадан ўтказиш ҳамда натижасига кўра тегишли илмий даражани тасдиқлаш жараёни.

– Илмий унвон талабгорининг касбий фаолияти натижалари ва аттестация ишларини ягона талаблар асосида баҳолаш бўйича:

талабгорнинг илмий ва илмий-педагогик фаолияти натижалари ва тегишли илмий-ташкилий тадбирларни баҳолаш;

аттестация ишини шакллантириш, расмийлаштириш ва тақдим этиш;

давлатнинг ваколатли органида илмий унвон олишга талабгорларнинг илмий-педагогик фаолияти натижалари, аттестация ишлари ва улар билан боғлиқ тадбирларни экспертизадан ўтказиш ҳамда натижасига кўра уларнинг тегишли илмий унвонларини тасдиқлаш жараёни.

– Аттестация ишларини норматив-техник қоидалар асосида пухта расмийлаштирилишини ягона талаблар асосида баҳолаш бўйича:

диссертация ва диссертация авторефератининг норматив-техник талаблар асосида расмийлаштирилгани;

аттестация иши таркибига киритилган ҳар бир ҳужжатнинг норматив-техник қоидалар асосида расмийлаштирилгани, мазмунан ва шаклан тўғрилиги;

аттестация ишининг тўлиқ жамлангани, ҳужжатларнинг мундарижага мувофиқ кетма-кетликда берилиши, рақамланиши ва муҳрланиши.

– Олий ўқув юртидан кейинги таълим институтларида кадрлар тайёрлаш сифати мониторингини ташкил этиш ва илмий кенгашлар фаолиятининг тизимли таҳлили. Таъкидлаш керакки, давлат аттестацияси жараёнида интерфаол мулоқот[1] ва аттестация ишига норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар талаблари доирасида хулоса бериш муҳим аҳамият касб этади. Бу борада илмий даража талабгорларининг илмий ва касбий-малакавий жиҳатларини баҳолашда интерфаол мулоқот ва аттестация иши[2] муҳим воситалардан бири сифатида амал қилади.

---

[1] *Интерфаол мулоқот* – илмий даража талабгори билан суҳбат, савол-жавоб, фикр алмашиш ҳамда диссертациянинг моҳиятини муҳокама қилиш асосида унинг касбий-малакавий даражаси ҳамда диссертация сифати ва самарадорлигига баҳо бериш усули.

[2] *Аттестация иши* – тегишли норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда кўзда тутилган талаблар асосида талабгорнинг илмий даражаси ёки илмий унвонини тасдиқлаш ёхуд шахснинг илмий даража ҳақидаги ҳужжатини нострификация қилиш юзасидан расмийлаштирилган (расмийлаштириладиган) ҳужжатлари тўплами.

Умумий тарзда аттестация иши таркиби тўрт қисмдан иборат бўлиб, улар қуйидагилардан иборат бўлади (зарур ҳолларда алоҳида тўпламда бошқа ҳужжатлар илова қилиниши мумкин):

№	Илмий даража бўйича	Илмий унвон бўйича
I.	Фан доктори илмий даражасини берувчи илмий кенгашнинг йўлланма хати	Муассаса кенгашининг йўлланма хати
II.	Аттестация иши мундарижаси	Аттестация иши мундарижаси
III.	Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар талаблари асосида расмийлаштирилган ва жамланган ҳужжатлар	Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар талаблари асосида расмийлаштирилган ва жамланган ҳужжатлар
IV.	Докторлик диссертацияси ва унинг автореферати	Нашр қилинган ишлар

Услубий жиҳатдан аттестация ишига хулоса бериш қуйидаги тўрт йўналишда амалга оширилади:

(1) ҳужжатларнинг мавжуд талаблар асосида мукаммал расмийлаштирилишини баҳолаш (масалан, ҳужжатларнинг рўйхат бўйича жамланганлиги, имзо ва муҳрларнинг мавжудлиги, ҳужжат мазмунининг масала моҳиятига мослиги);

(2) аттестация ишига киритилган ҳужжатлар асосида тегишли меъёрий тадбирларнинг норматив-ҳуқуқий талабларга мувофиқ ҳолда бажарилгани ва уларнинг меъёрий-услубий кетма-кетликда амалга оширилганига хулоса бериш (масалан, малакавий имтиҳонлар топширилгани ва уларнинг ҳақиқийлик муддати, меъёрий талаблар бажарилгандан кейингина диссертациянинг илмий семинарлардаги муҳокамаси, илмий кенгашда диссертацияни дастлабки кўриб чиқиш ва ҳимоя учун қабул қилишда меъёрий талабларга амал қилингани ва бошқалар);

(3) талабгорнинг давлат малакавий талабларига жавоб беришига хулоса бериш;

(4) илмий даража талабгорининг диссертацияси ёки илмий унвон талабгорининг илмий ёки илмий-педагогик фаолиятига доир масалаларни баҳолаш.

Кадрлар тайёрлаш миллий дастурига мувофиқ, олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар давлат аттестацияси натижаларига кўра, икки турда – *оралиқ аттестация* (олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар якуний давлат аттестациясига қадар амалга оширилган (ошириладиган) аттестация тадбирларининг натижалари асосида хулоса (тақриз) ёки қарорлар қабул қилиш жараёни) ҳамда *якуний давлат аттестацияси* (тегишли норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар талабларига мувофиқ ҳолда, аттестация ишлари ва тадбирлари юзасидан олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар давлат аттестациясига ваколатли давлат органи Раёсатининг қарор қабул қилиши жараёни) кўринишида бўлади. Якуний давлат аттестацияси натижаларига кўра, тегишли равишда талабгорларнинг фан доктори илмий даражаси ҳамда профессор, катта илмий ходим ва доцент илмий унвонлари тасдиқланиб, уларга давлат томонидан тасдиқланган намунадаги диплом ва аттестатлар топширилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1992 йил 31 мартдаги «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси (Ўзбекистон Республикаси ОАК) ни ташкил қилиш тўғрисида»ги 371-сонли ҳамда 2012 йил 24 июлдаги «Олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар тайёрлаш ва аттестациядан ўтказиш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида»ги 4456-сонли фармонлари, шунингдек, Вазирлар Маҳкамасининг 1992 йил 9 сентябрдаги 421-сонли ва 2012 йил 28 декабрдаги «Олий ўқув юртидан кейинги таълим ҳамда олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрларни аттестациядан ўтказиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 365-сонли қарорларига мувофиқ, олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрларни давлат аттестациясидан ўтказиш юзасидан давлат сиёсатини амалга ошириш Ўзбекистон Республикаси ОАК зиммасига юклатилган. Ўзбекистон Республикаси ОАК давлат аттестацияси бўйича норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқади ва белгиланган тартибда тасдиқлайди, тегишли услубий, илмий-ташкилий ишларни ташкиллаштиради, мувофиқлаштиради ва ижро назоратини амалга оширади ҳамда фан доктори илмий даражасини ёхуд профессор, катта илмий ходим ва доцент илмий унвонлари бўйича тегишли кенгашлар қарорларини тасдиқлайди.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг қамровли ислоҳотларга уйғун равишда олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар давлат аттестацияси илмий-ташкилий жиҳатдан жамоатчилик асосида амалга оширилади. Бугунги кунда мамлакатимизда олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар давлат аттестациясининг мантиқий яхлит илмий-ташкилий тузилмаси шакллантирилган. Илмий-ташкилий жиҳатдан давлат аттестацияси ташкилий жиҳатдан жамоатчилик асосида фаолият кўрсатадиган қуйидаги тузилмалар даражасида амалга оширилади:

– Ўзбекистон Республикаси ОАК;
– тегишли аттестация органлари;
– фан доктори илмий даражасини берувчи илмий кенгаш;
– муассаса кенгаши;
– тегишли тузилмалар (илмий семинар, етакчи ташкилот ва бошқалар);
– Ўзбекистон Республикаси ОАК Тартиб-қоида комиссияси;
– Ўзбекистон Республикаси ОАК ва эксперт кенгашлари;
– Ўзбекистон Республикаси ОАК Раёсати.

Олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар давлат аттестацияси тизими[1] 2.2-жадвалда келтирилиб, улар умумий таҳрирда аттестация органлари деб ҳам юритилади. Тегишли аттестация талабларининг ягоналигини таъминлаш мақсадида барча аттестация органларида аттестация ишларини кўриб чиқиш тегишли норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва малакавий талаблар асосида амалга оширилиши белгилаб қўйилган.

Унга мувофиқ, тегишли аттестация тадбирлари қуйидаги тузилмалар даражасида амалга оширилади:

– тегишли аттестация органлари;
– ОТМ ва ИТМ;
– фан доктори илмий даражасини берувчи илмий кенгаш;
– муассаса кенгаши;
– Ўзбекистон Республикаси ОАК.

---

[1] *Олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар давлат аттестацияси тизими* – олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар давлат аттестациясига ваколатли давлат органи, унинг тузилмалари, тегишли норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар талабларини амалга оширишни ташкил этадиган муассаса, ташкилот ва илмий-ташкилий тузилмалар таркиби (мажмуи).

2.2-жадвал

Олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар давлат аттестацияси тизими

№	*Илмий даража бўйича*	№	*Илмий унвонлар бўйича*
1.	Ўзбекистон Республикаси ОАК	1.	Ўзбекистон Республикаси ОАК
2.	Тегишли аттестация органлари	2.	Тегишли аттестация органлари
3.	Диссертация бажарилган муассасанинг тегишли ўқув, илмий-ташкилий тузилмаси	3.	Олий таълим ёки илмий-тадқиқот муассасасининг тегишли ўқув, илмий-ташкилий тузилмаси
4.	Диссертация бажарилган муассасанинг илмий семинари	4.	Муассасанинг ички тартибига кўра
5.	Фан доктори илмий даражасини берувчи илмий кенгаш	5.	ОТМ ва ИТМ кенгаши
6.	Фан доктори илмий даражасини берувчи илмий кенгаш кошидаги илмий семинар		–
7.	Етакчи ташкилот		–
8.	Ўзбекистон Республикаси ОАК Тартиб-қоида комиссияси	6.	Ўзбекистон Республикаси ОАК Тартиб-қоида комиссияси
9.	Ўзбекистон Республикаси ОАК эксперт кенгаши	7.	Ўзбекистон Республикаси ОАК эксперт кенгаши
10.	Ўзбекистон Республикаси ОАК Раёсати	8.	Ўзбекистон Республикаси ОАК Раёсати

Жадвал муаллиф томонидан тузилган.

Аттестация органлари ўз ваколатлари доирасида аттестация ишларини белгиланган тартибда кўриб чиқади ва тегишли қарор (хулоса) қабул қилади.

Олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар давлат аттестациясининг сифати[1] кўп жиҳатдан аттестация жараёнини бошқаришга боғлиқ.

Олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар давлат аттестацияси жараёнини бошқаришда, бир томондан, тегишли жараёнлар давлатнинг ваколатли органи томонидан ташкил этилиб, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар асосида тартибга солинади, мувофиқлаштирилади, назорат қилинади ва якуний давлат аттестацияси бўйича тегишли қарор қабул қилинади. Иккинчи томондан эса, ушбу жараёнлар тегишли равишда ваколатли олий таълим ва илмий-тадқиқот муассасалари томонидан, шунингдек, тегишли аттестация органлари томонидан норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва ички қоидалар доирасида амалга оширилади ва оралиқ аттестация натижалари бўйича тегишли хулоса (қарор) қабул қилинади. Олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар давлат аттестацияси жараёнини бошқариш, асосан, илмий-ташкилий ва норматив (меъёрий) усулларга асосланади (2.3-жадвал).

Давлат аттестацияси жараёнини илмий-ташкилий усул асосида бошқаришда тегишли тузилмаларни шакллантириш, уларнинг фаолиятини тартибга солиш ҳамда хулоса ва қарорларни амалга ошириш юзасидан илмий-ташкилий воситалар кенг татбиқ этилади. Ушбу ишлар белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси ОАК ҳамда олий таълим ва илмий-тадқиқот муассасалари томонидан ваколатлари доирасида амалга оширилади. Масалан, Ўзбекистон Республикаси ОАК эксперт кенгашларини ташкил қилиш, уларнинг самарали ишлашини таъминлаш юзасидан тегишли бошқарув тадбирлари илмий-ташкилий воситалар асосида амалга оширилади. Олий таълим ва илмий-тадқиқот муассасалари кенгашлари ва илмий семинарлари каби тузилмалардан олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар аттестациясини амалга оширишда самарали фойдаланиш тегишли бошқарув тадбирлари асосида амалга оширилади.

---

[1] *Олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар давлат аттестацияси сифати* – тегишли норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар талабларига мувофиқ ҳолда, олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар давлат аттестациясининг ташкил этилиши ва бу борадаги натижаларнинг шу соҳадаги давлат сиёсати мақсадларига мувофиқлиги.

2.3-жадвал

Олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар давлат аттестацияси жараёнини илмий-ташкилий ва норматив (меъёрий) усулларда бошқариш тўғрисида маълумот

Илмий даража бўйича	Усули	Илмий унвонлар бўйича	Усули
Тегишли аттестация органлари	ИТ М	Тегишли аттестация органлари	ИТ М
Диссертация бажарилган муассасанинг тегишли ўқув, илмий-ташкилий тузилмаси	ИТ М	Олий таълим ёки илмий-тадқиқот муассасасининг тегишли ўқув, илмий-ташкилий тузилмаси	ИТ М
Диссертация бажарилган муассасанинг илмий семинари	ИТ М	Муассасанинг ички тартибига кўра	ИТ М
Фан доктори илмий даражасини берувчи илмий кенгаш	ИТ М	ОТМ ёки ИТМ илмий кенгаши	ИТ М
Фан доктори илмий даражасини берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар	ИТ М	–	–
Етакчи ташкилот	ИТ М	–	–
Ўзбекистон Республикаси ОАК Тартиб-қоида комиссияси	ИТ М	Ўзбекистон Республикаси ОАК Тартиб-қоида комиссияси	М
Ўзбекистон Республикаси ОАК эксперт кенгаши	ИТ М	Ўзбекистон Республикаси ОАК эксперт кенгаши	ИТ М
Ўзбекистон Республикаси ОАК Раёсати	ИТ М	Ўзбекистон Республикаси ОАК Раёсати	ИТ М

Жадвал муаллиф томонидан тузилган. ИТ – бошқарувнинг илмий-ташкилий усули. М – бошқарувнинг норматив (меъёрий) усули.

Норматив (меъёрий) усул асосида бошқаришда аттестация жараёни қайси даражада амалга оширилишидан қатъи назар, улар амалдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар талаблари асосида амал

қилади. Шунинг учун ҳам давлат аттестациясини норматив (меъёрий) усулда бошқаришда барча хулоса ва қарорлар норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган талаблар ва норматив-техник қоидаларга мувофиқ равишда қабул қилиниши зарур (2.4-жадвал). Масалан, бугунги кунда малакавий имтиҳонларни ташкил этиш «Малакавий имтиҳонларни ўтказиш тўғрисидаги низом»да белгилаб берилган меъёрий талаблар асосида, фан доктори илмий даражасини берувчи илмий кенгашни тузиш ва унинг фаолиятини ташкил этиш ишлари «Фан доктори илмий даражасини берувчи илмий кенгаш тўғрисидаги низом»даги меъёрлар асосида бошқарилади.

Олий малакали илмий ва илмий педагог кадрлар давлат аттестацияси бўйича тегишли ишлар, хулоса ва қарорларнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган талаблар ва норматив-техник қоидаларга мос экани давлатнинг масъул органи бўлган Ўзбекистон Республикаси ОАК томонидан назорат қилинади. Масалан, диссертациялар бажарилган муассасаларнинг илмий семинарлари ва бошқа муассасалардаги илмий семинар ва кенгашлар, етакчи ташкилотнинг фаолияти Олий аттестация комиссияси томонидан меъёрий тартиб-қоидалар воситасида бошқарилади ва ижро назорати амалга оширилади.

Олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар давлат аттестациясида норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга риоя қилиш ҳамда аттестация ишларини талабчанлик ва холислик билан ўтказиш рақобатбардош олий малакали кадрлар тайёрлаш, муҳим илмий-амалий натижалар олиш ва уларни амалиётга жорий қилишга эришиш асосида мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий тараққиётини таъминлашга, жамиятнинг маънавий янгиланишига, баркамол авлодни тарбиялашга ва халқимизнинг турмуш даражаси сифатини оширишга ижобий таъсир кўрсатади.

2.4-жадвал

Аттестация органлари томонидан қабул қилинадиган хулоса, тавсия ва қарорларнинг асосий моҳияти тўғрисида маълумот (илмий даражани тасдиқлаш мисолида)

№	Аттестация органи	Аттестация ишининг моҳияти	Аттестация натижаси
1.	Диссертация бажарилган муассасанинг тегишли ўқув, илмий-ташкилий тузилмаси	Тегишли норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар талабларига мувофиқ ҳолда диссертация, автореферат, нашр қилинган ва амалиётга жорий этилган ишларга ҳамда аттестация тадбирларининг бажарилганига хулоса бериш.	Тавсия (хулоса)
2.	Диссертация бажарилган муассасанинг илмий семинари	Тегишли норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар талабларига мувофиқ ҳолда диссертация, автореферат, нашр қилинган ва амалиётга жорий этилган ишларга ҳамда аттестация тадбирларининг бажарилишига, шунингдек, тегишли ҳужжатларнинг мавжуд талаблар асосида расмийлаштирилганига хулоса бериш.	Тавсия (хулоса)
3.	Фан доктори илмий даражасини берувчи илмий кенгаш	Диссертацияни илмий кенгашга дастлабки кўриб чиқиш ва ҳимоя учун қабул қилиш, тегишли аттестация тадбирларини амалга ошириш ҳамда диссертациянинг очиқ ҳимояси асосида мутахассисга фан доктори илмий даражасини бериш бўйича қарор қабул қилиш.	Қарор

4.	Фан доктори илмий даражасини берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар	Тегишли норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар талабларига мувофиқ ҳолда, диссертация, автореферат, нашр қилинган ва амалиётга жорий этилган ишларга ҳамда аттестация тадбирларининг бажарилганига хулоса бериш.	Тавсия (хулоса)
5.	Етакчи ташкилот	Тегишли норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар талабларига мувофиқ ҳолда, диссертация, автореферат, нашр қилинган ва амалиётга жорий этилган ишларга хулоса бериш.	Тавсия (хулоса)
6.	Ўзбекистон Республикаси ОАК Тартиб-қоида комиссияси	Ўзбекистон Республикаси ОАК эксперт кенгаши тавсияларининг ва бошқа ҳужжатларнинг тартиб-қоида нуқтаи назаридан асослилиги юзасидан қарор қабул қилиш.	Қарор
7.	Ўзбекистон Республикаси ОАК эксперт кенгаши	Илмий даража талабгорининг диссертацияси ва аттестация ишини тегишли норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар талаблари асосида экспертизадан ўтказиб, тегишли тавсия бериш.	Тавсия (хулоса)
8.	Ўзбекистон Республикаси ОАК Раёсати	Илмий даража талабгорининг аттестация иши бўйича якуний қарор қабул қилиш.	Якуний қарор

Жадвал муаллиф томонидан умумлаштирилган.

Олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар давлат аттестациясининг ҳуқуқий асослари

Мустақиллик йилларида мамлакатимизда олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар давлат аттестациясини ҳуқуқий асосда ташкил этиш ишларига алоҳида эътибор берилди.

Олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар давлат аттестациясини амалга ошириш биринчи навбатда унинг норматив-ҳуқуқий базасини яратиш ва муттасил такомиллаштириб боришни талаб этади. «Ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётининг қонунчилик асосини яратиш – бу фақат ўтиш даврининг мажбурий шартигина бўлиб қолмай, балки ҳуқуқий давлатни барпо этишнинг ўзига хос хусусияти ҳамдир»[1].

Мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотларнинг моҳиятидан келиб чиққан ҳолда, олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар давлат аттестациясининг ҳуқуқий асосини яратиш қуйидаги муҳим йўналишларда амалга оширилди:

– норматив-ҳуқуқий асосни тубдан янгилаш;

– тартиб ва талабларнинг ягоналигини таъминлаш;

– шахснинг конституцион ҳуқуқлари ва ижтимоий кафолатларини таъминлаш ва бошқалар.

Олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар давлат аттестациясининг ҳуқуқий асосини яратиш ва замонавий талаблардан келиб чиққан ҳолда уларни такомиллаштириш қонун устуворлиги билан кафолатланади. Кадрлар тайёрлаш миллий дастури ғояларини ҳаётга жорий қилиш негизида давлат аттестациясига оид жараёнларнинг норматив-ҳуқуқий базаси мунтазам равишда такомиллаштириб борилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар давлат аттестациясининг ҳуқуқий асосини ташкил этишда алоҳида ўрин тутади. Унда ҳар кимга билим олиш ҳуқуқи, илмий ва техникавий ижод эркинлиги ҳамда маданият ютуқларидан фойдаланиш ҳуқуқи кафолатланган. Шунингдек,

---

[1] *Каримов И.А.* Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. Асарлар, 1-жилд. Тошкент: Ўзбекистон. 1996. 319-бет.

Конституцияда жамиятнинг маданий, илмий ва техникавий ривожланишига давлат ғамхўрлик қилиши белгилаб қўйилган.

Олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрларни тайёрлаш ва уларни давлат аттестациясидан ўтказиш ишлари Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги қонуни ва Кадрлар тайёрлаш миллий дастуридаги асосий қоидаларга мувофиқ ташкил этилмоқда. Олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар давлат аттестациясини ташкил этишда мамлакатимиз Президентининг таълим-фан ҳамда олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар тайёрлаш ва уларни аттестациядан ўтказишни ислоҳ қилиш ва ривожлантириш юзасидан имзолаган фармон ва қарорлари ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг тегишли қарорлари муҳим ўрин тутди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1992 йил 31 мартдаги «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси (Ўзбекистон Республикаси ОАК)ни ташкил қилиш тўғрисида»ги 371-сонли фармони мамлакатимизда олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар давлат аттестациясини сифат жиҳатдан тубдан қайта ташкил этишда тарихий аҳамиятга эга бўлди. Ушбу фармонга мувофиқ, олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар давлат аттестациясининг ташкилий-ҳуқуқий асослари ва яхлит тизими шакллантирилди, ушбу соҳага масъул давлат органи бўлган Олий аттестация комиссияси ташкил этилди. Унга олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар давлат аттестациясини ташкил этиш учун Фанлар академияси, вазирликлар, идоралар, давлат қўмиталари, концернлар, ассоциациялар, олий таълим ва илмий-тадқиқот муассасалари ҳамда мулкчилик шаклларидан қатъи назар, бошқа ташкилотлар фаолиятини мувофиқлаштириб бориш вазифаси юклатилди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1992 йил 9 сентябрдаги «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси фаолиятини ташкил этиш масалалари» тўғрисидаги 421-сонли қарорида Олий аттестация комиссияси фаолиятини ташкил этишнинг меъёрий-ташкилий қоидалари белгилаб берилди. Ушбу қарор билан «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси тўғрисида низом»и тасдиқланди.

Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги қонуни ва Кадрлар тайёрлаш миллий дастури, Ўзбекистон Республикаси Президентининг мазкур фармони ва Вазирлар Маҳкамасининг қарори асосида олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар давлат аттестациясини ташкил этиш бўйича «Ихтисослашган кенгаш хақида низом», «Илмий даражалар бериш тартиби тўғрисида низом», «Илмий унвонлар бериш тўғрисида низом», «Эксперт кенгаши тўғрисида низом» ҳамда бошқа тегишли норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ишлаб чиқилди ва тасдиқланди. Шунингдек, замонавий талабларни эътиборга олган ҳолда, мазкур низомларга тегишли ўзгартириш ва қўшимчалар киритиб борилди. Умум қабул қилинган халқаро талаблар ва стандартларга мувофиқ диссертация ҳимоя қилиш ва фан доктори илмий даражасини бериш бўйича олий ўқув юртидан кейинги таълим бир босқичли тизимининг жорий қилиниши муносабати билан мазкур ҳужжатларнинг тубдан янгиланган янги таҳрирлари ишлаб чиқилиб, уларда олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар давлат аттестациясининг норматив-ҳуқуқий, илмий-ташкилий ва услубий масалалари белгилаб берилди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 25 июлдаги «Расмий давлат ҳужжатларини тайёрлаш, ҳисобга олиш, сақлаш, топшириш ҳамда улардан фойдаланиш тартибини такомиллаштириш тўғрисида»ги 283-сонли қарорида «Хорижий давлатларда илмий даража олганликлари тўғрисидаги ҳужжатларни тан олиш ва нострификациялаш (эквивалентлилигини қайд этиш) тартиби тўғрисида низом» тасдиқланган. Ушбу ҳужжатда белгиланган тартиб-қоидалар асосида хорижий давлатларда тегишли илмий даража олганликлари тўғрисидаги ҳужжатларни тан олиш ва нострификация қилиш ишлари амалга оширилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 6 июлдаги «Йилнинг энг яхши дарслик ва ўқув адабиёти муаллифи» танлови ғолибига илмий даража ёки илмий унвон бериш тўғрисида»ги 290-сонли қарори Кадрлар тайёрлаш миллий дастури ғояларини амалда кенг татбиқ этиш ҳамда янги авлод дарсликлари муаллифларини қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантиришга хизмат қилади. Ушбу қарорга мувофиқ, йилнинг энг яхши дарслик ва ўқув адабиёти муаллифи танлови

ғолибига илмий даража ёки илмий унвон бериш амалиётининг ҳуқуқий асоси яратилди.

Олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар давлат аттестациясининг норматив-ҳуқуқий асоси кадрларни давлат аттестациясидан ўтказиш сифатини оширишнинг замонавий талаблари, жаҳон илмий-технологик тараққиёти илғор тенденциялари, мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар ва жаҳон илғор тажрибасига уйғун равишда такомиллаштириб борилмоқда.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, «биз ҳозирданок тараққиётимизнинг инқироздан кейинги даври ҳақида чуқур ўйлашимиз, бу борада узоқ муддатга мўлжалланган дастур ишлаб чиқиш ҳақида бош қотиришимиз керак. Бу дастур иқтисодиётимизнинг асосий тармоқларини модернизация қилиш ва техник янгилаш, мамлакатимизнинг янги марраларни эгаллаши учун кучли туртки берадиган ва жаҳон бозорида рақобатдошлигини таъминлайдиган замонавий инновацион технологияларни жорий қилиш бўйича мақсадли лойиҳаларни ўзида мужассам этиши даркор»[1]. Бугунги кундаги асосий вазифалардан бири сифатида «асосий етакчи соҳаларни модернизация қилиш, техник ва технологик янгилаш, ... стратегик аҳамиятга молик лойиҳаларни амалга ошириш учун фаол инвестиция сиёсатини олиб боришдан иборат»[2]лигини алоҳида таъкидлаб ўтиш зарур.

Бу борада Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 24 июлдаги «Олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар тайёрлаш ва аттестациядан ўтказиш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида»ги 4456-сонли фармони тарихий аҳамият касб этади. Мазкур фармон стратегик мақсадларимизни амалга оширишда илғор жаҳон тажрибаси ва халқаро стандартларни ҳисобга олган ҳолда, олий ўқув юртидан кейинги таълим тизимини тубдан ислоҳ қилиш, диссертацияларнинг сифати, уларнинг илмий-амалий аҳамиятини ошириш, шунингдек, ёшларнинг ўз ижодий ва ин-

---

[1] *Каримов И.А.* Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. Тошкент: Ўзбекистон. 2009. 36–37-бетлар.

[2] *Каримов И.А.* Асосий вазифамиз – Ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир. Тошкент: Ўзбекистон. 2010. 65-бет.

теллектуал салоҳиятини намоён этишига янада қулай шароитлар яратиш борасида ҳуқуқий, илмий-ташкилий, иқтисодий ва бошқа тадбирлар тизимини амалга оширишда муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилади. Ўзбекистон Республикаси Президентининг мазкур фармони ижроси юзасидан тегишли ҳуқуқий нормалар ишлаб чиқилиб, самарали механизм ва меъёрий талаблар амалиётга жорий этилди, жумладан:

2013 йилнинг 1 январидан бошлаб умум қабул қилинган халқаро талаб ва стандартларга мувофиқ, диссертация ҳимоя қилиш ва фан доктори илмий даражасини бериш бўйича олий ўқув юртидан кейинги таълимнинг бир босқичли тизими жорий қилинди;

умум қабул қилинган халқаро стандартларга мувофиқ, «магистр» даражасини бериш бўйича диссертация иши мазмуни ва сифатига қўйиладиган янги мезон ҳамда талаблар ишлаб чиқилди ва жорий қилиш йўлга қўйилди;

талабгорнинг илмий ва илмий-педагогик фаолиятга лаёқатини аниқлаш бўйича тест ўтказишни назарда тутган ҳолда, фан доктори илмий даражасини олиш учун диссертация тадқиқотлари илмий мавзуларини рўйхатдан ўтказиш тартиби йўлга қўйилди;

«бакалавр» даражаси билан олий маълумотга, 5 йилдан кам бўлмаган амалий иш стажига эга бўлган, илмий изланишларга лаёқати мавжуд, белгиланган талабларга мос келадиган маълум бир илмий ютуқларга (ихтиро учун патентлар, илмий мақолалар, илмий-технологик ишланмаларда қатнашиш ва бошқалар) эга бўлган шахсларга ҳам докторлик диссертациясини ҳимоя қилишга рухсат берилди.

Олий ўқув юртидан кейинги таълимнинг бир босқичли тизими жорий қилиниши муносабати билан олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар давлат аттестациясига тегишли бўлган барча, жумладан, қуйидаги низомларнинг янги таҳрирларини ишлаб чиқиш ташкил этилди.

«Фан доктори илмий даражасини берувчи илмий кенгаш тўғрисидаги низом» ишлаб чиқилиб, унга қатор янги меъёрий талаблар, жумладан, қуйидагилар киритилди: илмий кенгаш тузиш мумкин бўлган муассаса жавоб бериши керак бўлган талаблар шакллантирилди; кенгашга докторлик диссертацияларини 4 тагача ихтисосликнинг тегишли фан тармоғи/ихтисослиги бўйича

ҳимояга қабул қилиш белгилаб берилди; кенгаш таркибини шакллантириш бўйича тегишли ўзгартиришлар киритилди; диссертацияни кенгашга дастлабки қабул қилиш ва унинг ҳимоясини ўтказишнинг меъёрий оптимал муддатлари аниқ белгиланди; аттестация ҳужжатларини шакллантириш ва расмийлаштириш соддалаштирилди;

«Фан доктори илмий даражасини бериш тартиби тўғрисидаги низом» тубдан қайта ишлаб чиқилиб, жумладан, докторлик диссертациялари мавзуларига қўйиладиган талаблар аниқ шакллантирилди; диссертациянинг мазмуни, таркиби, илмий натижалари, нашр ишлари, илмий натижаларини амалиётга жорий этиш ва бошқаларга қўйиладиган талаблар ҳар жиҳатдан аниқ ва тўла шакллантирилди; аттестация ишларини Ўзбекистон Республикаси ОАКда кўриб чиқиш масалалари меъёрий ва илмий-ташкилий жиҳатдан тўла ва аниқ ёритиб берилди; апелляцияни Ўзбекистон Республикаси ОАКда кўриб чиқишнинг меъёрий ва илмий-ташкилий жиҳатлари аниқ ёритилди;

«Илмий унвонларни бериш тартиби тўғрисидаги низом» ҳам тубдан қайта ишлаб чиқилиб, унда, жумладан, профессор, катта илмий ходим ва доцент илмий унвонларига қўйиладиган талаблар аниқ ва тўла белгиланди; аттестация ишини Ўзбекистон Республикаси ОАКда кўриб чиқиш муддати қисқартирилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 24 июлдаги 4456-сонли фармони ижросини таъминлаш юзасидан Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 28 декабрдаги «Олий ўқув юртидан кейинги таълим ҳамда олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрларни аттестациядан ўтказиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 365-сонли қарори қабул қилиниб, унда қуйидаги фундаментал ҳужжатлар тасдиқланди:

«Олий ўқув юртидан кейинги таълимга қўйиладиган давлат талаблари»;

«Олий ўқув юртидан кейинги таълим тўғрисидаги низом»;

«Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси тўғрисидаги низом»;

олий ўқув юртидан кейинги таълим тўғрисидаги ҳужжатларнинг – фан доктори дипломининг ҳамда профессор, доцент ва катта илмий ходим аттестатларининг давлат намуналари;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси аппарати тузилмаси.

«Олий ўқув юртидан кейинги таълим тўғрисидаги низом»да олий ўқув юртидан кейинги таълимнинг ташкилий асослари, катта илмий ходимлар-изланувчиларни ўқитишни ташкил этиш ва улар фаолияти самарадорлиги мониторингини олиб бориш, мустақил изланувчилик тартибида ва тўлов-контракт асосида олий ўқув юртидан кейинги таълимни ташкил этиш масалалари бўйича тартиб-қоидалар белгилаб берилган.

«Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси тўғрисидаги низом»да олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрларни аттестациядан ўтказиш масалалари бўйича ваколатли давлат органи фаолиятини ташкил этишнинг тартиб-коидалари белгилаб берилган. Мазкур низомда Ўзбекистон Республикаси ОАКнинг асосий вазифалари сифатида қуйидагилар белгиланган[1]:

«олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрларни аттестациядан ўтказиш соҳасида Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишлари ҳамда бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг амалда бажарилишини таъминлаш;

олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрларни аттестациядан ўтказиш соҳасида ягона давлат сиёсатини амалга ошириш, ушбу фаолиятни ташкил этиш, назорат қилиш ва мувофиқлаштириш;

докторлик диссертацияси ишларига ҳамда фан доктори илмий даражаси ва илмий унвонлар талабгорларига талабларнинг ягоналигини таъминлаш;

илмий ва илмий-педагог кадрларнинг сифат таркибини яхшилашга, жамият ва давлат эҳтиёжларини, фан, таълим, техника ва технологияларни ривожлантириш истиқболларини ҳисобга олган холда илмий ва илмий-педагог кадрлардан фойдаланиш самарадорлигини оширишга кўмаклашиш;

---

[1] «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси тўғрисида низом» асосида келтирилган.

ортиқча бюрократик жараёнларни йўқотишга йўналтирилган олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрларни аттестациядан ўтказиш тизимини доимий равишда такомиллаштириш;

олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрларни аттестациядан ўтказишнинг барча босқичларида ОАК фаолиятининг очиқлиги ва ошкоралигини таъминлаш;

олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрларни аттестациядан ўтказишнинг барча босқичларида холисликни таъминлаш; фан доктори илмий даражаси ва илмий унвонларга қўйиладиган малака талабларининг халқаро стандартларга мувофиқлигини таъминлаш».

Мазкур низомда Ўзбекистон Республикаси ОАК га юкланган вазифаларни бажариш учун унга қуйидаги функцияларни бажариш топширилган:

«олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрларни аттестациядан ўтказиш ва илмий кадрларни аттестациядан ўтказиш ишида халқаро ҳамкорлик бўйича давлат сиёсатини амалга ошириш соҳасида республика Фанлар академияси, вазирликлари, идоралари, илмий ташкилотлари фаолиятини мувофиқлаштиради;

талабгорларнинг илмий ва илмий-педагогик ишларни олиб боришга лаёқатини аниқлаш бўйича тест синовлари натижалари асосида фан доктори илмий даражасини олиш учун диссертация тадқиқотлари мавзуларини мувофиқлаштиради, мониторингини олиб боради, шунингдек, уларни рўйхатдан ўтказади;

катта илмий ходимлар-изланувчилар институти ва мустақил изланувчилик томонидан олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар тайёрлаш сифатининг тизимли мониторингини олиб боради;

фан доктори илмий даражасини бериш бўйича илмий кенгашлар ва эксперт кенгашлар ишини шакллантириш ва ташкил этиш тартиби бўйича норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни, фан доктори илмий даражаси ва илмий унвонлар тўғрисидаги низомни ўз ваколатлари доирасида ишлаб чиқади ва белгиланган тартибда тасдиқлайди;

вазирликлар ва идоралар, Фанлар академиясининг илтимосномалари бўйича олий таълим муассасалари ва илмий-тадқиқот муассасалари ҳузурида фан доктори илмий даражасини бериш бўйича илмий кенгашларни ташкил этади, уларнинг шахсий тарки-

бини тасдиқлайди, илмий кенгашларга диссертацияларни ҳимояга қабул қилиш ҳуқуқини берувчи илмий мутахассисликлар рўйхатини белгилайди;

фан доктори илмий даражасини бериш бўйича илмий кенгашлар фаолияти устидан давлат назоратини амалга оширади ва улар иши мониторингини олиб боради, эксперт кенгашларнинг таклифлари асосида уларнинг фаолиятини тўхтатиб туради ёки тўхтатади;

докторлик диссертацияларининг асосий илмий натижаларини эълон қилиш учун тавсия этиладиган етакчи илмий журналлар ва нашрлар, шу жумладан электрон илмий-техник журналлар рўйхатини белгилайди;

манфаатдор вазирликлар, идоралар ва ташкилотлар билан биргаликда фан, техника, таълим ва маданиятни ривожлантириш йўналишлари бўйича олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар мутахассисликлари турларини такомиллаштириш ишларини олиб боради;

фан доктори илмий даражасини олиш учун ҳимоя қилинган диссертацияларнинг давлат экспертизасини ўтказади;

тегишли илмий кенгашнинг фан доктори илмий даражасини бериш тўғрисидаги қарорини тасдиқлайди, олий таълим муассасалари кенгашлари ёки илмий-тадқиқот муассасалари илмий кенгашлари тақдимномаси бўйича профессор, доцент ва катта илмий ходим илмий унвонларини беради;

Ўзбекистон Республикаси фуқароларига ёки Ўзбекистон Республикасида доимий яшайдиган ва ишлайдиган хорижий мамлакатлар фуқароларига хорижий мамлакатлар аттестация органлари томонидан берилган фан доктори илмий даражаси тўғрисидаги ҳужжатларни нострификация (эквивалентликни аниқлаш) қилади;

давлат намунасидаги фан доктори дипломларини, профессор, доцент ва катта илмий ходим аттестатларини расмийлаштиради;

ОАКга тушадиган апелляциялар, таклифлар, аризалар ва шикоятларни кўриб чиқади;

манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда мамлакатни иқтисодий ва ижтимоий ривожлантиришнинг устувор вазифаларига мувофиқ режалаштириладиган докторлик диссертацияси тадқиқотлари мавзуларини мувофиқлаштириш ва доктор-

лик диссертацияси тадқиқотларини муҳокама қилиш учун фан тармоқлари бўйича мувофиқлаштирувчи кенгашлар ташкил этади;

ҳимоя қилинган диссертация ишларини таҳлил қилади ва республика вазирликларига, идораларига натижалари диссертация ишларида баён қилинган илмий тадқиқотлар бажарилганлиги тўғрисидаги маълумотларнинг диссертация ишлари натижаларини амалиётга жорий этиш мумкинлиги тўғрисидаги тегишли тавсиялар билан биргаликда юборилишини таъминлайди;

ОАК ваколатига тегишли масалалар бўйича Ўзбекистон Республикасининг бошқа давлатлар билан халқаро шартномалари лойиҳаларини тайёрлашда қатнашади;

ўзига юкланган вазифалар доирасида хорижий мамлакатларнинг аттестация органлари билан ўзаро ҳамкорлик ўрнатади ва уни амалга оширади ҳамда белгиланган тартибда ахборот айирбошлашни ташкил этади».

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 24 июлдаги 4456-сонли фармони ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 28 декабрдаги 365-сонли қарори олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрларни аттестациядан ўтказиш сифатини тубдан оширишда муҳим аҳамият касб этиб, олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар давлат аттестациясини ҳуқуқий асосларда ташкил этиш ишлари мамлакатимизда демократик ҳуқуқий давлатни ва фуқаролик жамиятини барпо этиш мазмунига тўла мувофиқ ҳолда амалга оширишга, мамлакатимизнинг иқтисодий қудратини юксалтиришда илму фан соҳаси иштирокини янада оширишга ва пировард мақсадларимизга эришишга хизмат қилади.

Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 6 мартдаги «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси Раёсати таркибини тасдиқлаш тўғрисида»ги 65-сонли қарори билан Ўзбекистон Республикаси ОАК Раёсатининг янги таркиби тасдиқланди.

III боб

ОЛИЙ МАЛАКАЛИ ИЛМИЙ ВА ИЛМИЙ-ПЕДАГОГ КАДРЛАР ДАВЛАТ АТТЕСТАЦИЯСИГА ОИД АТАМА, ИБОРА ВА БИРИКМАЛАР

Атама, ибора ва бирикмалар

Олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар давлат аттестацияси

Олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар аттестацияси соҳасидаги давлат сиёсати

Олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар давлат аттестациясини ташкил этиш

Олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар давлат аттестациясини давлат томонидан тартибга солиш

Олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар давлат аттестациясига ваколатли давлат органи (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси)

Олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар давлат аттестацияси тизими

Олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар давлат аттестацияси сифати

Олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар давлат аттестацияси тадбирлари (аттестация тадбирлари)

Олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар якуний давлат аттестацияси

Олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар оралиқ аттестацияси

Олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар давлат аттестацияси статистикаси

Олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар давлат аттестацияси мониторинги

Олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар ихтисосликлари рўйхати (номенклатураси)

Олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар

Олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар тайёрлаш

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси (Ўзбекистон Республикаси ОАК)

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси тўғрисидаги низом (Ўзбекистон Республикаси ОАК тўғрисидаги низом)

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси Раёсати (Ўзбекистон Республикаси ОАК Раёсати)

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси Раёсати қарори (Ўзбекистон Республикаси ОАК Раёсати қарори)

Ўзбекистон Республикаси ОАК Раиси

Ўзбекистон Республикаси ОАК Бош илмий котиби

Ўзбекистон Республикаси ОАК Котибияти

Ўзбекистон Республикаси ОАК Мониторинг бўлими

Ўзбекистон Республикаси ОАК Ахборот-таҳлил бўлими

Ўзбекистон Республикаси ОАК Тартиб-қоида комиссияси

Ўзбекистон Республикаси ОАК веб-сайти

Ўзбекистон Республикаси ОАК эксперт кенгаши

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси Бюллетени» журнали («Ўзбекистон Республикаси ОАК Бюллетени» журнали)

Ўзбекистон Республикаси ОАКнинг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини нашр қилиш тавсия этилган илмий нашрлар рўйхати

Ўзбекистон Республикаси ОАКнинг монографиялар ва докторлик диссертациялари авторефератларини таҳрирдан ўтказиш тавсия этилган нашриётлар рўйхати

Ўзбекистон Республикаси ОАКнинг ҳузурида фан доктори илмий даражасини берувчи илмий кенгашлар тузилган муассасалар рўйхати

Академик даража

Амалий тадқиқотлар дастури

Аниқ фанлар

Аннотация

Апелляция

Апелляция берувчи
Апелляция комиссияси
Апробация
Ариза
Архив
Архив ҳужжатлари
Архив ҳужжатларини сақлаш
Архитектура
Архитектура доктори
Архитектура номзоди
Асар
Асар нусхаси
Асарни нашр (эълон) қилиш
Аттестат
Аттестация
Аттестация иши
Аттестация ишига рад жавоби бериш
Аттестация ишини қайта кўриб чиқиш
Аттестация ишини қайта тақдим этиш
Аттестация ишини кўриб чиқишни тўхтатиш
Аттестация ишини Ўзбекистон Республикаси ОАКга тақдим қилиш
Аттестация ишларини расмийлаштириш ва тақдим этишнинг тизимли таҳлили
Аттестация органлари
Аттестация тадбирларини шифрлаш (рақамлаштириш)
Ахборот ресурси
Ахборот ресурси ёки ахборот тизимининг мулкдори
Ахборот ресурси ёки ахборот тизимининг эгаси
Ахборот ресурслари
Ахборот технологияси
Ахборот тизими
Ахборот хавфсизлиги
Ахборот-коммуникация технологиялари
Ахборотлаштириш
Ахборотни муҳофаза этиш

Базавий хизматлар
Бакалавр
Бакалавриат
Биология фанлари
Биология фанлари доктори
Биология фанлари номзоди
Босма табоқ
Бошқарувнинг илмий-ташкилий усули
Бошқарувнинг норматив (меъёрий) усули

Веб-сайт
Веб саҳифа
Ветеринария фанлари
Ветеринария фанлари доктори
Ветеринария фанлари номзоди

География фанлари
География фанлари доктори
География фанлари номзоди
Геология-минералогия фанлари
Геология-минералогия фанлари доктори
Геология-минералогия фанлари номзоди
Грант
Гриф
Гувоҳнома

Давлат илмий-техник дастури
Давлат томонидан тасдиқланган намунадаги (олий) маълумот ҳақидаги ҳужжат (диплом)
Давлат томонидан тасдиқланган намунадаги илмий даража ҳақидаги ҳужжат (диплом)
Давлат томонидан тасдиқланган намунадаги илмий унвон ҳақидаги ҳужжат (аттестат)
Дайжест
Дарслик
Дастлабки экспертиза
Диссертация

Докторлик диссертациясининг боби

Докторлик диссертациясининг иловаси

Докторлик диссертациясининг кириш қисми

Докторлик диссертациясининг мундарижаси

Докторлик диссертациясининг параграфи

Докторлик диссертациясининг хулосаси

Докторлик диссертациялари амалий натижаларининг тизимли таҳлили

Докторлик диссертациялари илмий натижаларини амалиётга жорий этишнинг тизимли таҳлили

Докторлик диссертациялари илмий натижаларини нашр қилишнинг тизимли таҳлили

Докторлик диссертациялари илмий натижаларининг тизимли таҳлили

Докторлик диссертациялари илмий янгиликларининг тизимли таҳлили

Докторлик диссертациялари мавзулари лойиҳаларини мувофиқлаштирувчи кенгаш

Докторлик диссертациялари мавзулари маълумотлар базаси (рўйхати)

Докторлик диссертациялари ҳимоясини сессия тарзида ташкил этиш

Докторлик диссертацияси – амалий аҳамиятга молик докторлик диссертацияси

Докторлик диссертацияси – илмий маъруза шаклидаги докторлик диссертацияси

Докторлик диссертацияси – назарий аҳамиятга молик докторлик диссертацияси

Докторлик диссертацияси (диссертация тадқиқоти) мавзуи (номи)

Докторлик диссертацияси (диссертация)[1]

Докторлик диссертацияси автореферати

Докторлик диссертацияси автореферати етказилиши шарт бўлган ташкилотлар

---

[1] Докторлик диссертацияси ёки диссертация атамаларидан фойдаланиш мумкин.

Докторлик диссертацияси автореферати тўлиқ матнининг электрон шаклини ривожланган хорижий мамлакатларнинг йирик ахборот-ресурс марказлари ва илмий ташкилотларига юбориш

Докторлик диссертацияси авторефератига берилган тақриз

Докторлик диссертацияси бажарилган (бажарилаётган) муассаса

Докторлик диссертацияси ва авторефератни расмийлаштириш қоидалари

Докторлик диссертацияси илмий экспертизасининг нохолислиги

Докторлик диссертацияси мавзуси экспертизаси

Докторлик диссертацияси мавзусини рўйхатдан ўтказиш

Докторлик диссертацияси мавзусини тасдиқлаш

Докторлик диссертацияси мавзусини эълон қилиш

Докторлик диссертацияси мавзусининг долзарблиги

Докторлик диссертацияси мавзусининг узлуксизлиги коэффиценти

Докторлик диссертацияси мазмуни ва сифатига қўйиладиган мезон ва талаблар

Докторлик диссертацияси режасининг муфассал лойиҳаси

Докторлик диссертацияси тадқиқоти (диссертацияси тадқиқоти)

Докторлик диссертацияси тадқиқотида қўлланилган методлар

Докторлик диссертацияси тадқиқотининг вазифалари

Докторлик диссертацияси тадқиқотининг мақсади

Докторлик диссертацияси тадқиқотининг объекти

Докторлик диссертацияси тадқиқотининг предмети

Докторлик диссертацияси ҳимояси ҳақида Ўзбекистон Республикаси ОАК веб-сайти ва «Ўзбекистон Республикаси ОАК Бюллетени» журналида эълон қилиш (Докторлик диссертацияси ҳимояси ҳақида эълон)

Докторлик диссертацияси ҳимоясини ўтказиш ҳақида республика аҳамиятидаги газеталардан бирида эълон бериш орқали маълум қилиш

Докторлик диссертациясини баҳолаш мезонлари

Докторлик диссертациясини иш бажарилган муассасада кўриб чиқиш

Докторлик диссертациясини қайта ҳимоя қилиш

Докторлик диссертациясини туташ ихтисосликлар бўйича ҳимоя қилиш

Докторлик диссертациясининг амалиётга жорий этилган илмий натижалари

Докторлик диссертациясининг амалиётга жорий этилган илмий натижалари самараси

Докторлик диссертациясининг амалиётга жорий этишга қабул қилинган илмий натижалари

Докторлик диссертациясининг амалиётга жорий этишга тавсия қилиш мумкин бўлган илмий натижалари

Докторлик диссертациясининг амалий натижалари (амалий натижалар)

Докторлик диссертациясининг илмий натижалари (илмий янгилиги ва амалий натижалари)

Докторлик диссертациясининг илмий натижаларини амалиётга жорий этиш

Докторлик диссертациясининг илмий натижаларини нашр қилиш

Докторлик диссертациясининг илмий экспертизаси

Докторлик диссертациясининг илмий янгилиги (илмий янгилик)

Докторлик диссертациясининг моҳияти

Докторлик диссертациясининг моҳияти бўйича аниқланган камчиликлар

Докторлик диссертациясининг назарий (илмий) ва амалий аҳамияти

Докторлик диссертациясининг очиқ ҳимояси

Докторлик диссертациясининг самарадорлиги

Докторлик диссертациясининг сифати

Докторлик диссертациясининг таркиби

Докторлик диссертациясининг ҳажми

Докторлик диссертациясининг энг муҳим илмий натижалари

Доцент

Етакчи ташкилот

Ёпиқ овоз бериш

Жадвал
Жамоавий тақриз
Жисмоний шахс
Журнал (илмий журнал)

Замонавий педагогик технологиялар

Идоравий архив
Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар
Ижтимоий-гуманитар фанлар
Изланувчи (изланувчилар)
Изланувчи (изланувчилар) билимини академик баҳолаш
Изланувчилар томонидан чет тилида тегишли предметларни ўзлаштириш соатлари
Изланувчиларнинг чет тилини билиши мезонлари
Изоҳли луғат
Илмий (илмий-амалий) анжуман (конференция, симпозиум)
Илмий асар
Илмий даража
Илмий даража ҳақидаги ҳужжат (диплом)ни нострификация қилиш (нострификациялаш)
Илмий даража бериладиган (берилган) фан тармоғи (номи)
Илмий даража талабгори
Илмий даража талабгорига қўйилган малакавий талаблар
Илмий даража ҳақидаги ҳужжат (диплом)
Илмий даражадан маҳрум этиш
Илмий даражани тасдиқлашга рад жавоби бериш
Илмий даражаси тасдиқланадиган (тасдиқланган) фан тармоғи (номи)
Илмий кадрлар
Илмий лойиҳа
Илмий лоқайдлик
Илмий мақола
Илмий маслаҳатчи
Илмий маслаҳатчилик институти
Илмий маслаҳатчилик қилиш ҳуқуқи
Илмий маъруза

Илмий салоҳият
Илмий салоҳиятни мустаҳкамлаш
Илмий семинар
Илмий семинар – докторлик диссертацияси бажарилган муассасанинг илмий семинари
Илмий семинар – фан доктори илмий даражасини берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар
Илмий семинар хулосаси
Илмий тадқиқот (илмий изланиш)
Илмий унвон
Илмий унвон бериладиган (берилган) кафедра номи
Илмий унвон бериладиган (берилган) ихтисослик (номи)
Илмий унвон талабгори
Илмий унвон талабгорига қўйилган малакавий талаблар
Илмий унвон талабгорининг фаолиятини баҳолаш мезонлари
Илмий унвон ҳақидаги ҳужжат (аттестат)
Илмий унвондан маҳрум этиш
Илмий унвонини тасдиқлашга рад жавоби бериш
Илмий экспертиза
Илмий мақола
Илмий-оммабоп мақола
Илмий-педагог кадрлар
Илмий-тадқиқот муассасаси (ИТМ)
Илмий-ташкилий мезон
Илова
Инновацион аҳамиятга молик докторлик диссертацияси
Инновация илмий-техник дастурлари
Интеллектуал мулк
Интеллектуал мулк объектларига бўлган муҳофаза (эгалик) ҳужжатлари
Интеллектуал мулкни тижоратлаштириш
Интерактив давлат хизматлари
Интернет тармоғида Ўзбекистон Республикасининг Ҳукумат портали
Интерфаол мулоқот
Ихтиро
Ихтисослашган кенгаш (2013 йилгача)

Ихтисослик
Ихтисослик бўйича малакавий имтиҳон
Ихтисослик бўйича малакавий имтиҳон дастури
Ихтисослик номи
Ихтисослик паспорти
Ихтисослик шифри (рақами)
Ихтисосликлар гуруҳи
Ихтисосликлар гуруҳи номи
Ихтисосликлар гуруҳи шифри (рақами)
Ишнинг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги
Ишнинг синовдан ўтказилиши (апробацияси)
Ишончли манба
Иқтисодиёт назарияси фани
Иқтисодиёт фанлари
Иқтисодиёт фанлари номзоди
Иқтисодиёт фанлари доктори
Иқтисодий таъсир чоралари

Кадрлар малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш
Кадрлар тайёрлаш тизимида ишлаб чиқариш
Кадрлар тайёрлаш тизимида фан
Калитли сўзлар (атамалар, иборалар ва бирикмалар)
Катта илмий ходим
Катта илмий ходим-изланувчи
Катта илмий ходимлар-изланувчилар институти
Кашфиёт
Кимё фанлари
Кимё фанлари доктори
Кимё фанлари номзоди
Кўриб чиқилган аттестация ишларига нисбатан рад жавоби берилган ишлар (улуши)

Луғат

Магистр
Магистратура

Магистрлик имтиҳони
Мазмуний мезон
Малака амалиёти
Малака талаблари
Малака ўқув дастури
Малакавий имтиҳон
Малакавий имтиҳон курси
Малакавий имтиҳон курси дастури
Малакавий имтиҳон предмети (фани, курси, ихтисослик)
Малакавий имтиҳон топширилганлиги ҳақидаги гувоҳнома
Малакавий имтиҳон фани
Малакавий имтиҳон фани дастури
Малакавий имтиҳон фанининг қўшимча дастури
Малакавий имтиҳон фанининг намунавий дастури
Малакавий имтиҳонлар (имтиҳон)ни ташкил этиш
Малакавий имтиҳонларни қабул қилиш сессияси
Малакавий имтиҳонларни қабул қилиш сессиясидан ташқари давр
Малакавий имтиҳонни қабул қилиш комиссияси
Малакавий имтиҳонни ташкил этиш ҳуқуқига эга бўлган муассаса
Мантиқий изчиллик
Маслаҳат овози
Математик моделлаштириш ва математик статистика асослари курси
Махсус малакавий имтиҳон (махсус имтиҳон)
Махфий
Маълумотлар тўплами
Маъруза тезислари
Медиа технологиялар
Методик қўлланма
Меҳнат дафтарчаси
Меҳнат стажи
Меъёрий-ташкилий мезон
Меъёрий-техник мезон
Меъёрий-техник экспертиза

Мониторинг

Мониторинг – олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар давлат аттестацияси мониторинги

Мониторинг – аттестация ишлари кўрилиши муддатларининг жамоатчилик мониторинги

Мониторинг – аттестация ишларини белгиланган муддатларда кўриб чиқилиш (электрон) мониторинги

Мониторинг – докторлик диссертациялари мавзулари мониторинги

Мониторинг – ижро интизоми мониторинги

Мониторинг – илмий маслаҳатчилик институти мониторинги

Мониторинг – малакавий имтиҳонларни ташкил этиш мониторинги

Мониторинг – минтақалар бўйича олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар тайёрлаш ва уларни аттестациядан ўтказиш мониторинги

Мониторинг – норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар мониторинги

Мониторинг – олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар давлат аттестацияси соҳасида мувофиқлаштирувчилик фаолияти мониторинги

Мониторинг – олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар давлат аттестацияси юзасидан халқаро ҳамкорлик фаолияти мониторинги

Мониторинг – олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар ихтисосликлари рўйхати мониторинги

Мониторинг – олий ўқув юртидан кейинги таълим институтлари тизимида кадрлар тайёрлаш сифати мониторинги

Мониторинг – талабгорларнинг илмий ва илмий-педагогик фаолиятга лаёқатини аниқлаш бўйича тест синовлари мониторинги

Мониторинг – Ўзбекистон Республикаси ОАК веб-сайти мониторинги

Мониторинг – Ўзбекистон Республикаси ОАК низом (тартиб) лари мониторинги

Мониторинг – фукаролар мурожаатларининг кўриб чиқилиши мониторинги

Мониторинг – давлат йил дастурлари ижроси мониторинги

Монография
Муаллиф
Муаллиф ҳиссаси
Муаллифлик ҳуқуқи
Муаммонинг ўрганилганлик даражаси
Муассаса (ОТМ, ИТМ) кенгашининг талабгорга илмий унвон бериш ҳақидаги тақдимномаси
Муассаса (ОТМ, ИТМ) кенгашининг талабгорга илмий унвон бериш ҳақидаги қарори
Муассаса
Муассасанинг ихтисослик бўйича давлат аккредитацияси
Мустақил изланувчи
Мустақил изланувчилик
Мустақиллик мафкураси ҳамда демократик жамият қуришнинг иқтисодий, ижтимоий-сиёсий, маънавий негизлари ва илмий асослари фани бўйича махсус имтиҳон
Мустақиллик мафкураси ва демократик жамият қуришнинг иқтисодий, ижтимоий-сиёсий, маънавий негизлари ва илмий асослари фани бўйича махсус имтиҳон дастури
Мукобил

Назарий-методологик курс
Назарий-методологик курс дастури
Назарий-методологик курснинг ўқув режаси
Назорат
Назорат тартибида ўрганиш
Нашр ишининг моҳияти
Нашр ишининг моҳияти бўйича аниқланган камчилик (камчиликлар)
Нашр қилинган ишлар
Низом
Низом – Фан доктори илмий даражасини берувчи илмий кенгаш тўғрисидаги низом
Низом – Илмий унвонлар бериш тартиби тўғрисидаги низом
Низом – Малакавий имтиҳонларни ўтказиш тартиби тўғрисидаги низом

Низом – Фан доктори илмий даражасини бериш тартиби тўғрисидаги низом

Низом – Эксперт кенгаши тўғрисидаги низом

Норматив-ҳуқуқий ҳужжат

Ноу-хау

Объектив (холис) экспертиза

Овоз бериш

Олий маълумот ҳақидаги ҳужжат (диплом)

Олий таълим

Олий таълим йўналиш ва мутахассисликлари классификатори

Олий таълим муассасаси (ОТМ)

Олий таълим муассасаси аккредитацияси

Олий таълим муассасаси аттестацияси

Олий таълим/илмий-тадқиқот муассасаси кенгаши (муассаса кенгаши, ОТМ/ИТМ кенгаши)

Олий таълим/илмий-тадқиқот муассасаси ҳузурида фан доктори илмий даражасини берувчи илмий кенгашни тузишни баҳолаш мезонлари

Олий таълимнинг давлат таълим стандарти (ОТ ДТС)

Олий ўқув юртидан кейинги таълим

Олий ўқув юртидан кейинги таълим тўғрисидаги ҳужжатларнинг давлат намуналари (фан доктори дипломи; профессор, доцент ва катта илмий ходим аттестатлари)

Олий ўқув юртидан кейинги таълимдаги ўқиш шакллари

Олий ўқув юртидан кейинги таълимни ташкил этиш

Олий ўқув юртидан кейинги таълимнинг бир босқичли тизими

Олий ўқув юртидан кейинги таълимнинг икки босқичли тизими

Оммавий ахборот воситалари

Ортиқча бюрократик жараёнлар

Очиқ овоз бериш

Паспорт

Патент

Педагогика фанлари

Педагогика фанлари доктори

Педагогика фанлари номзоди

Педагогик амалиётда фойдаланиш
Плагиат (кўчирмачилик)
Плагиатор (кўчирмачи)
Профессор
Психология фанлари
Психология фанлари доктори
Психология фанлари номзоди

Рад жавоби берилган аттестация иши (ишлари)
Расм
Расмий оппонент

Саноат намунаси
Санъатшунослик фанлари
Санъатшунослик фанлари доктори
Санъатшунослик фанлари номзоди
Социология фанлари
Социология фанлари доктори
Социология фанлари номзоди

Табиий фанлар
Тавсия
Таклиф
Такриз
Такризчи
Талабгорларнинг илмий ва илмий-педагогик фаолиятга лаёқатини аниқлаш бўйича тест синовлари
Талабгорларнинг илмий ва илмий-педагогик фаолиятга лаёқатини аниқлаш бўйича тест синовларини ўтказиш
Талабгорларнинг илмий ва илмий-педагогик фаолиятга лаёқатини аниқлаш бўйича тест синовларини ташкил этиш
Тарих фанлари
Тарих фанлари доктори
Тарих фанлари номзоди
Таркиб
Таркибни янгилаш
Тартиб

Тартиб – Докторлик диссертациялари мавзулари лойиҳасини мувофиқлаштирувчи кенгашда кўриб чиқиш тартиби

Тартиб – Докторлик диссертацияларининг асосий илмий натижаларини нашр қилиш тавсия этилган етакчи илмий нашрларни Ўзбекистон Республикаси ОАК рўйхатига киритиш учун талаблар

Тартиб – Докторлик диссертацияси ва автореферати расмийлаштириш қоидалари

Тартиб – Докторлик диссертацияси мавзуини рўйхатдан ўтказиш ва «Ўзбекистон Республикаси ОАК Бюллетени» журналида эълон қилиш тартиби

Тартиб – Докторлик диссертацияси ҳимояси ҳақида Ўзбекистон Республикаси ОАК веб-сайти ва «Ўзбекистон Республикаси ОАК Бюллетени» журналида эълон қилиш тартиби

Тартиб – Илмий маъруза шаклидаги докторлик диссертациясини тақдим этиш ва ҳимоя қилиш тартиби

Тартиб – Монография, илмий мақола, эксперт хулосаси ва баённомаларни расмийлаштириш қоидалари

Тартиб – Олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар ихтисосликлари рўйхатига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тартиби

Тартиб – Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг ўзга давлатларда ва ўзга давлатлар фуқароларининг Ўзбекистон Республикасида диссертация ҳимоя қилиш тартиби

Тартиб – Фан доктори дипломи ва илмий унвонлар аттестатлари (дубликатлари)ни тайёрлаш, сақлаш, расмийлаштириш ва бериш тартиби тўғрисида йўриқнома

Тартиб – Фан доктори илмий даражасини берувчи бир марталик илмий кенгашни тузиш ва унинг фаолиятини ташкил этиш тартиби

Тартиб – Хизматда фойдаланиш учун грифи билан докторлик диссертациясини кўриб чиқиш ва ҳимоя қилиш тартиби

Ташкилот

Таълим дастури

Таълим сифатини назорат қилиш

Техника фанлари

Техника фанлари доктори

Техника фанлари номзоди

Технологиялар трансфери
Тиббиёт фанлари
Тиббиёт фанлари доктори
Тиббиёт фанлари номзоди
Титул варағи
Тўлов-контракт асосида олий ўқув юртидан кейинги таълимда ўқишни ташкил этиш шакли
Тўлов-контракт асосидаги изланувчи
Тўлов-контракт асосидаги изланувчилик

Узлуксиз таълим
Узлуксиз таълим тизими
Узлуксиз таълим турлари
Умум қабул қилинган халқаро талаб ва стандартлар
Умумий педагогика, педагогика ва таълим тарихи курси
Умумилмий фанлар бўйича малакавий имтиҳонлар

Фалсафа фанлари
Фалсафа фанлари доктори
Фалсафа фанлари номзоди
Фалсафа доктори (Ph.D)
Фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишлари (устуворликлари)
Фан доктори
Фан доктори илмий даражасини берувчи бир марталик илмий кенгаш
Фан доктори илмий даражасини берувчи илмий кенгаш[1]
Фан доктори илмий даражасини берувчи илмий кенгаш мажлиси
Фан доктори илмий даражасини берувчи илмий кенгаш мажлиси баённомаси
Фан доктори илмий даражасини берувчи илмий кенгаш аъзоларининг қайд варақаси
Фан доктори илмий даражасини берувчи илмий кенгаш аъзоси

[1] Фан доктори илмий даражасини берувчи илмий кенгаш ёки илмий кенгаш ёхуд қисқартирилган ҳолда ИК деб юритилиши мумкин.

Фан доктори илмий даражасини берувчи илмий кенгаш илмий котиби

Фан доктори илмий даражасини берувчи илмий кенгаш мажлиси қарори

Фан доктори илмий даражасини берувчи илмий кенгаш раиси лавозимига тавсия этилган мутахассис фаолиятини баҳолаш мезонлари

Фан доктори илмий даражасини берувчи илмий кенгаш фаолиятини ташкил этиш

Фан доктори илмий даражасини берувчи илмий кенгаш фаолиятини Ўзбекистон Республикаси ОАК низомлари талаблари асосида ташкил этиш

Фан доктори илмий даражасини берувчи илмий кенгаш шифри (рақами)

Фан доктори илмий даражасини берувчи илмий кенгашга диссертацияни дастлабки кўриб чиқиш учун қабул қилиш

Фан доктори илмий даражасини берувчи илмий кенгашга диссертацияни ҳимоя учун қабул қилиш

Фан доктори илмий даражасини берувчи илмий кенгашда диссертация ҳимоясини ташкил қилишнинг меъёрий-қиёсий коэффициенти

Фан доктори илмий даражасини берувчи илмий кенгашлар тизими

Фан доктори илмий даражасини берувчи илмий кенгашлар тизимини такомиллаштириш

Фан доктори илмий даражасини берувчи илмий кенгашлар фаолияти устидан давлат назоратини амалга ошириш

Фан доктори илмий даражасини берувчи илмий кенгашлар фаолиятининг тизимли таҳлили

Фан доктори илмий даражасини берувчи илмий кенгашларни модернизация қилиш

Фан доктори илмий даражасини берувчи илмий кенгашни модернизация қилиш

Фан доктори илмий даражасини берувчи илмий кенгашни тузиш

Фан доктори илмий даражасини берувчи илмий кенгашни тузишга рухсат бериш

Фан доктори илмий даражасини берувчи илмий кенгашнинг эксперт комиссияси

Фан доктори илмий даражасини берувчи илмий кенгашнинг талабгорга илмий даража бериш ҳақидаги қарори

Фан доктори илмий даражасини берувчи илмий кенгашнинг талабгорга илмий даража бериш ҳақидаги тақдимномаси

Фан йўналишлари (фанлар йўналиши)

Фан номзоди

Фан тармоғи

Фан тармоғи номи

Фан тармоғи шифри (рақами)

Фаолиятда очиқлик ва ошкораликни таъминлаш

Фармацевтика фанлари

Фармацевтика фанлари доктори

Фармацевтика фанлари номзоди

Физика-математика фанлари

Физика-математика фанлари доктори

Физика-математика фанлари номзоди

Филология фанлари

Филология фанлари доктори

Филология фанлари номзоди

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

Формула

Фуқаролар мурожаати

Фундаментал тадқиқотлар дастури

Халқаро илмий анжуман (конференция, симпозиум)

Халқаро илмий анжуман (конференция, симпозиум) материаллари

Хизмат сири

Хизматда фойдаланиш учун (ХФУ)

Хорижий давлатда илмий даража олгани тўғрисидаги ҳужжат

Чет тили бўйича ўқув дастури

Чет тили бўйича ўқув режаси

Чет тили фани
Чет эл фуқароси

Шарҳ
Шикоят

Эксперт
Эксперт кенгаши
Экспертиза
Экспертиза нохолислиги
Экспертиза сифати
Электрон архив
Электрон база
Электрон дарслик
Электрон оммавий ахборот воситалари
Электрон почта
Электрон рақамли имзо
Электрон ҳужжат
Электрон ҳужжат айланиши
Электрон ҳужжат айланишининг иштирокчилари
Электрон ҳужжатни жўнатувчи
Электрон ҳужжатни қабул қилиб олувчи
Электрон ҳукумат тизими

Юридик фанлар
Юридик фанлар доктори
Юридик фанлар номзоди
Юридик шахс

Яширин овоз бериш

Ўзбекистоннинг энг янги тарихи фани
Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг ўзга давлатларда диссертация ҳимоя қилиши
Ўзга давлатлар фуқароларининг Ўзбекистон Республикасида диссертация ҳимоя қилиши
Ўқитиш сифатини назорат қилиш

Ўқитишнинг меъёрий муддати
Ўқув адабиётлари
Ўқув йили
Ўқув қўлланмаси
Ўқув режаси
Ўқув семестри
Ўқув фани
Ўқув фани дастури
Ўқув фанлари блоки
Ўқув юкламаси
Ўриндошлик

Қишлоқ хўжалиги фанлари
Қишлоқ хўжалиги фанлари доктори
Қишлоқ хўжалиги фанлари номзоди
Қўшимча малакавий имтиҳон

Ҳавола
Ҳаммуаллиф
Ҳаммуаллифлик
Ҳимояланган электрон ҳужжат айланиш тизими
Ҳисоб комиссияси
Ҳузурида фан доктори илмий даражасини берувчи илмий кенгаш тузиш мумкин бўлган муассаса
Ҳужжат
Ҳужжатлаштирилган ахборот

Атама, ибора ва бирикмалар изоҳи

Олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар давлат аттестациясини норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар талаблари асосида ташкил этиш, унинг сифатини ошириш ҳамда тегишли илмий даража ва унвонларга қўйилган талабларнинг ягоналигини таъминлашда мазкур жараёнда истеъмолда бўлган атама, ибора ва бирикмаларнинг моҳиятини изоҳлаш алоҳида муҳим аҳамият касб этади.

Моҳиятига кўра, «изоҳ (тушунтириш, шарҳ) – сўз, ибора, воқеа-ҳодиса ёки бирон нарсага берилган шарҳ, тушунтиришдир. Изоҳ бермоқ – сўз, ибора, воқеа-ҳодиса ёки бошқа бирон нарсанинг маъносини (мазмунини) тушунтириш, шарҳлаш, изоҳлаш»[1]ни англатади. Қуйида олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар давлат аттестацияси жараёнида фаол ишлатиладиган атама, ибора ва бирикмаларнинг изоҳи берилмоқда.

Олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар давлат аттестацияси – жамиятнинг олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрларга бўлган эҳтиёжини сифатли қондириш борасида тегишли норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар талаблари асосида изланувчилар, илмий даража ва илмий унвонлар талабгорлари фаолиятини баҳолаш юзасидан аттестация тадбирларини, аттестация ишлари ва бошқа ҳужжатлар экспертизасини ва якуний қарор қабул қилиш жараёнини тизимли равишда ташкил этишнинг комплекс норматив-ҳуқуқий, илмий-ташкилий, услубий, таълим-тарбиявий ва ижтимоий-иқтисодий воситаси.

Олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар аттестацияси соҳасидаги давлат сиёсати – жамиятнинг олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрларга бўлган эҳтиёжини сифатли қондириш борасида тегишли норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар талаблари асосида изланувчилар, илмий даража ва илмий унвонлар талабгорлари фаолиятини баҳолаш юзасидан аттестация тадбирларини, аттестация ишлари ва бошқа ҳужжатлар экспертизасини ва якуний карор қабул қилиш жараёнини тизимли равишда ташкил

[1] Ўзбек тилининг изоҳли луғати. Иккинчи жилд. Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси ДИН. 2006. 182-бет.

этишга йўналтирилган комплекс норматив-ҳуқуқий, илмий-ташкилий, услубий, таълим-тарбиявий ва ижтимоий-иқтисодий тадбирлар тизими.

Олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар давлат аттестациясини ташкил этиш – олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар давлат аттестациясини тегишли норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар талаблари асосида яхлит ҳолда тизимли равишда амалга ошириш ҳамда белгиланган тартиб-қоидаларнинг ягоналигини таъминлашнинг узлуксиз ва узвий жараёни.

Олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар давлат аттестациясини давлат томонидан тартибга солиш – олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар давлат аттестацияси соҳасидаги давлат сиёсатини амалга ошириш юзасидан тегишли норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар талаблари асосида давлат аттестациясини ташкил этиш ва унинг сифатини таъминлашнинг комплекс усул ва воситалари.

Олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар давлат аттестацияси тизими – олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар давлат аттестациясига ваколатли давлат органи, унинг тузилмалари, тегишли норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар талабларини амалга оширишни ташкил этадиган муассаса, ташкилот ва илмий-ташкилий тузилмалар таркиби (мажмуи).

Олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар давлат аттестацияси сифати – тегишли норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар талабларига мувофиқ ҳолда, олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар давлат аттестациясининг ташкил этилиши ва бу борадаги натижаларнинг шу соҳадаги давлат сиёсати мақсадларига мувофиқлиги.

Олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар давлат аттестацияси тадбирлари (аттестация тадбирлари) – олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар давлат аттестациясига оид барча аттестация тадбирларининг умумий номланиши.

Олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар якуний давлат аттестацияси – тегишли норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар талабларига мувофиқ ҳолда, аттестация ишлари ва тадбирлари юзасидан олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар давлат аттестациясига ваколатли давлат органи Раёсатининг қарор қабул қилиниши жараёни.

Олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар оралиқ аттестацияси – олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар якуний давлат аттестациясига қадар амалга оширилган (ошириладиган) аттестация тадбирларининг натижалари асосида хулоса (тақриз) ёки қарорлар қабул қилиш жараёни.

Олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар давлат аттестацияси статистикаси – олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар давлат аттестацияси натижаларини тўлиқ ва объектив акс эттиришга оид статистик маълумотларнинг ягона тизими.

Олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар давлат аттестацияси мониторинги – олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар давлат аттестациясини ташкил этиш таҳлили ҳамда истиқбол вазифаларга мувофиқ норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни такомиллаштириш ва аттестация тадбирлари сифатини ошириш борасида мақсадли тадбирларни ташкил этиш юзасидан тизимли равишда юритиладиган ташкилий-таҳлилий фаолият.

Олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар – фан доктори ёки фан номзоди ёхуд хорижий давлатларда берилган фалсафа доктори ёки уларга тенглаштирилган бошқа илмий даражаларга ёхуд илмий унвонларга эга бўлиб, асосий меҳнат фаолияти (ўриндошлик, ўз ташаббуси) асосида мунтазам равишда илмий ёки илмий-педагогик фаолият юритаётган мутахассислар таркиби.

Олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар ихтисосликлари рўйхати (номенклатураси) – олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрларни мақсадли тайёрлаш, уларни аттестация-

дан ўтказиш, талабгорларнинг илмий даражаси ва илмий унвонларини тасдиқлаш, шунингдек, муайян аттестация тадбирларини системали ташкил этиш юзасидан фан тармоқлари, ихтисосликлар гуруҳлари ва ихтисосликларнинг тизимли равишда шифрланган (рақамланган) комплекс рўйхати.

Олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар тайёрлаш – жамиятнинг олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрларга бўлган эҳтиёжига мувофиқ ҳолда, бундай кадрларни мақсадли тайёрлашга йўналтирилган узлуксиз ва бир-бири билан узвий боғлиқ бўлган ташкилий, таълим-тарбиявий, илмий, ижтимоий-иқтисодий ва бошқа тадбирларнинг ягона тизими.

Ўзбекистон Республикаси ОАК Раёсати – Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қарори билан шахсий таркиби тасдиқланиб, олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар давлат аттестациясига ваколатли давлат органининг раҳбарлик қилувчи ижро органи.

Ўзбекистон Республикаси ОАК Раёсати қарори – олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар давлат аттестациясига оид масаланинг муҳокамаси асосида масалага рўйхатдаги аъзоларининг муносабатини умумлаштирилган ҳолда акс эттириш ва якуний қарорни расмий қайд этиш шакли.

Ўзбекистон Республикаси ОАК веб-сайти мониторинги – олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар давлат аттестацияси соҳасидаги норматив-ҳуқуқий, услубий, илмий-ташкилий ва аттестация тадбирларига оид маълумотлар билан (илмий) жамоатчиликни ўз вақтида мунтазам бохабар қилиб бориш ва давлат интерактив хизматларини тўлақонли ташкил этиш борасида мақсадли тадбирларни ташкил этиш юзасидан тизимли равишда юритиладиган ташкилий-таҳлилий фаолият.

Ўзбекистон Республикаси ОАКнинг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини нашр қилиниши тавсия этилган илмий нашрлар рўйхати – Ўзбекистон Республикаси

ОАК Раёсати қарори билан муайян фан тармоқлари (ихтисосликлари) бўйича докторлик диссертацияларининг илмий натижаларини (илмий янгилиги ва амалий натижалари) чоп этиш тавсия қилинган миллий ва хорижий етакчи илмий босма ва электрон оммавий ахборот воситаларининг тизимлаштирилган рўйхати.

Ўзбекистон Республикаси ОАКнинг ҳузурида фан доктори илмий даражасини берувчи илмий кенгашлар тузилган муассасалар рўйхати – Ўзбекистон Республикаси ОАК Раёсати қарори билан ҳузурида фан доктори илмий даражасини берувчи илмий кенгашлар тузилган муассасаларнинг тизимлаштирилган рўйхати.

Ўзбекистон Республикаси ОАК монографиялар ва докторлик диссертациялари авторефератларини таҳрирдан ўтказиш тавсия этилган нашриётлар рўйхати – Ўзбекистон Республикаси ОАК Раёсати қарори билан муайян фан тармоқлари (тармоғи) нинг ўзига хос хусусиятларини эътиборга олган ҳолда монографиялар ва докторлик диссертациялари авторефератларини таҳрирдан ўтказиш тавсия этилган нашриётларнинг тизимлаштирилган рўйхати.

Ўзбекистон Республикаси ОАК Тартиб-қоида комиссияси – олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар давлат аттестацияси бўйича якуний қарор қабул қилишга тақдим этилган ҳужжатлар ва бошқа тадбир (ҳужжат)ларнинг тегишли норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар талабларига тартиб-қоида нуқтаи назаридан мувофиқлиги юзасидан, шунингдек, тегишли масалалар бўйича коллегиал қарор қабул қилиш бўйича Ўзбекистон Республикаси ОАК аппарати масъул ходимлари таркибида доимий фаолият кўрсатадиган ишчи гуруҳи.

Ўзбекистон Республикаси ОАК эксперт кенгаши – олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар давлат аттестациясига ваколатли давлат органининг муайян фан тармоғи (тармоқлари) йўналишида талабгорларни илмий даража ва унвонларини тасдиқлаш, аттестация тадбирлари ва уларнинг сифатини ошириш юзасидан тавсиялар ишлаб чиқадиган жамоатчилик асосида фаолият кўрсатадиган илмий-ташкилий тузилмаси.

* * *

Аннотация – диссертация, монография, илмий мақола ва бошқа илмий асарнинг моҳияти ёки бирон-бир мавзу ҳақида берилган қисқа маълумот.

Апелляция – олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар давлат аттестациясига ваколатли давлат органининг ёки фан доктори илмий даражасини берувчи илмий кенгашнинг илмий даража ёхуд тегишли муассаса кенгашининг илмий унвон юзасидан қабул қилган қарорини (тасдиқлаш, рад жавоби бериш, маҳрум этиш, тиклаш) қайта кўриб чиқиш юзасидан белгиланган муддат ва тартибда тақдим этилган (этиладиган) мурожаат тури.

Апелляция берувчи – белгиланган муддат ва тартибда апелляция билан мурожаат қилувчи изланувчи (мутахассис), фан доктори илмий даражасини берувчи илмий кенгаш ёки тегишли муассаса кенгаши ёхуд манфаатдор юридик ёки жисмоний шахс (шахслар).

Апелляция комиссияси – апелляцияни кўриб чиқиш учун олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар давлат аттестациясига ваколатли давлат органи ёки фан доктори илмий даражасини берувчи илмий кенгаш ёхуд тегишли муассаса кенгаши томонидан белгиланган тартибда тузилган (тузиладиган) мутахассислар гуруҳи.

Апробация – илмий янгилик ва амалий натижаларни тегишли илмий-ташкилий тузилма (бошқалар)лар ёки ташкилот (ташкилотлар)да муҳокама (синаш, текшириш)дан ўтказиш ва у (улар)нинг асосли эканини расмий тасдиқлаш жараёни.

Ариза – фуқароларнинг ўз ҳуқуқ ва эркинликлари, қонуний манфаатларини рўёбга чиқаришда ёрдам кўрсатиш тўғрисидаги илтимоси баён этилган мурожаати[1].

---

[1] Ўзбекистон Республикасининг «Фуқаролар мурожаатлари тўғрисида»ги қонуни.

Архив – архив ҳужжатларини жамлаш, ҳисобга олиш, сақлаш ва улардан фойдаланишни амалга оширадиган муассаса[1].

Архив ҳужжатлари – фуқаролар, жамият ва давлат учун аҳамиятга эга бўлгани туфайли сақланиши лозим бўлган матнлар, қўлёзмалар ва машинада ўқиладиган ҳужжатлар, овозли ёзувлар, видеоёзувлар, кинотасмалар, фотосуратлар, фотография плёнкалари, чизмалар, схемалар, хариталар, шунингдек, моддий жисмлардаги бошқа турли ёзувлар[2].

Асар нусхаси – асарнинг ҳар қандай моддий шаклда тайёрланган нусхаси[3].

Асарни ошкор қилиш – муаллифнинг розилиги билан амалга оширилган, асарни чоп этиш, омма олдида намойиш этиш, омма олдида ижро этиш, эфирга узатиш ёки бошқача усулда юбориш йўли билан илк бор асардан барчанинг воқиф бўлиши учун имкон берадиган ҳаракат[4].

Аттестат (илмий унвон ҳақидаги ҳужжат) – тегишли илмий унвони тасдиқланган (тасдиқланадиган) мутахассисларга бериладиган, давлат томонидан тасдиқланган намунадаги ҳужжат.

Аттестация иши – тегишли норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда кўзда тутилган талаблар асосида талабгорнинг илмий даражаси ёки илмий унвонини тасдиқлаш ёхуд шахснинг илмий даража ҳақидаги ҳужжатини нострификация қилиш юзасидан расмийлаштирилган (расмийлаштириладиган) ҳужжатлари тўплами.

Аттестация ишини Ўзбекистон Республикаси ОАКга тақдим қилиш – фан доктори илмий даражасини берувчи илмий

[1, 2] Архивлар ва идоравий архивлар томонидан хизмат кўрсатиш тартиби тўғрисида низом (Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 5 апрелдаги 101-сонли қарорига 4-илова).

[3, 4] Ўзбекистон Республикасининг «Муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар тўғрисида»ги қонуни.

кенгаш ёки муассаса кенгашининг қарори ёхуд тегишли ташкилот (тадқиқотчи)нинг мурожаати асосида аттестация ишини олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар давлат аттестациясига ваколатли давлат органига тақдим қилиш ва уни қабул қилиб олиш жараёни.

Аттестация органлари – олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар давлат аттестациясига ваколатли давлат органи, унинг тузилмалари, тегишли норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар талабларини амалга оширишни ташкил этадиган муассаса, ташкилот ва илмий-ташкилий тузилмалар таркибининг умумий номланиши.

Ахборот ресурси – ахборот тизими таркибидаги электрон шаклдаги ахборот, маълумотлар банки, маълумотлар базаси[1].

Ахборот ресурси ёки ахборот тизимининг мулкдори – ахборот ресурси ёки ахборот тизимига эгалик қилувчи, улардан фойдаланувчи ва уларни тасарруф этувчи юридик ёки жисмоний шахс[2].

Ахборот ресурси ёки ахборот тизимининг эгаси – қонун билан ёки ахборот ресурсларининг, ахборот тизимларининг мулкдори томонидан белгиланган ҳуқуқлар доирасида ахборот ресурсларига ёхуд ахборот тизимларига эгалик қилувчи, улардан фойдаланувчи ва уларни тасарруф этувчи юридик ёки жисмоний шахс[3].

Ахборот ресурслари – алоҳида ҳужжатлар, ҳужжатларнинг алоҳида тўпламлари, ахборот тизимларидаги (кутубхоналардаги, архивлардаги, фондлардаги, маълумотлар банкларидаги ва бошқа ахборот тизимларидаги) ҳужжатлар ва ҳужжатларнинг тўпламлари[4].

[1,2,3] Ўзбекистон Республикасининг «Ахборотлаштириш тўғрисида»ги қонуни.

[4] Ўзбекистон Республикасининг «Ахборот эркинлиги принциплари ва кафолатлари тўғрисида»ги қонуни.

Ахборот технологияси – ахборотни тўплаш, сақлаш, излаш, унга ишлов бериш ва уни тарқатиш учун фойдаланиладиган жами услублар, қурилмалар, усуллар ва жараёнлар[1].

Ахборот тизими – ахборотни тўплаш, сақлаш, излаш, унга ишлов бериш ҳамда ундан фойдаланиш имконини берадиган, ташкилий жиҳатдан тартибга солинган жами ахборот ресурслари, ахборот технологиялари ва алоқа воситалари[2].

Ахборотлаштириш – юридик ва жисмоний шахсларнинг ахборотга бўлган эҳтиёжларини қондириш учун ахборот ресурслари, ахборот технологиялари ҳамда ахборот тизимларидан фойдаланган ҳолда шароит яратишнинг ташкилий ижтимоий-иқтисодий ва илмий-техникавий жараёни[3].

Ахборотни муҳофаза этиш – ахборот борасидаги хавфсизликка таҳдидларнинг олдини олиш ва уларнинг оқибатларини бартараф этиш чора-тадбирлари[4].

Бакалавр – олий таълимнинг бакалавриат босқичига мувофиқ дастурларни муваффақиятли ўзлаштирган шахсларга бериладиган академик даража[5].

Бакалавриат – ўрта махсус, касб-ҳунар таълими негизида олий таълим йўналишларидан бири бўйича фундаментал билимлар берадиган, ўқиш муддати тўрт йилдан кам бўлмаган таянч олий таълим[6].

Веб-сайт – умумжаҳон ўргимчак тўрида маълум ахборот топиш мумкин бўлган ва ноёб URL билан белгиланган виртуал жой;

[1,2,3] Ўзбекистон Республикасининг «Ахборотлаштириш тўғрисида»ги қонуни.

[4] Ўзбекистон Республикасининг «Ахборот эркинлиги принциплари ва кафолатлари тўғрисида»ги қонуни.

[5,6] Ўзбекистон Республикаси олий таълимининг меъёрий ҳужжатлари. Тошкент. 2001. 9-бет.

бирор-бир соҳага, фаолиятга, воқеа ва ҳодисага бағишланган маълумотларни ўзида жамлаган Интернет саҳифалар мажмуи[1].

Гриф – ҳужжат ёки нашр этилган манбадан фойдаланишнинг махсус тартибини белгилайдиган ёзув (масалан, «хизматда фойдаланиш учун», «махфий», «ўта махфий»)[2].

Гувоҳнома – юридик аҳамиятга эга бўлган фактни (туғилгани, никоҳдан ўтгани тўғрисидаги) ёхуд шахс ҳуқуқини (муаллифлик гувоҳномаси, ўқув юртини тугатгани тўғрисидаги гувоҳнома) расмий тасдиқланадиган ҳужжат[3].

Дайжест – илмий, илмий-услубий, ўқув, даврий адабиётлар, ҳукумат ва турли ташкилотлар фаолиятига тегишли қонунлар, қарорлар, низомлар мазмунининг қисқача баёни ва шарҳи келтирилган, соҳаларга оид маълумотлар тўплами сифатида фойдаланиладиган доимий нашр[4].

Дарслик – Давлат таълим стандарти, ўқув дастури, услубияти ва дидактик талаблар асосида белгиланган, миллий ғоя тамойиллари сингдирилган, муайян ўқув фанининг мавзулари тўлиқ ёритилган, тегишли фан асосларини мукаммал ўзлаштиришга қаратилган ҳамда турдош таълим йўналишларида фойдаланиш имкониятлари ҳисобга олинган нашр[5].

Диплом – илмий даража ҳақидаги ҳужжат – фан доктори илмий даражаси тасдиқланган (тасдиқланадиган) мутахассисларга бериладиган давлат томонидан тасдиқланган намунадаги ҳужжат.

Докторлик диссертациялари мавзулари лойиҳаларини мувофиқлаштирувчи кенгаш – муайян фан тармоғи (ихтисослиги) бўйича диссертациялар мавзулари лойиҳаларининг фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишларига

---

[1] Мавжуд адабиётлар асосида шакллантирилган.

[2] Ўзбекистон юридик энциклопедияси. Тошкент: Адолат. 2010. 95-бет.

[3] Юридик атамалар комусий луғати. Тошкент: Шарқ НМК Бош таҳририяти. 2003. 120-бет.

[4] Олий таълим меъёрий ҳужжатлар тўплами, 2-қисм. Тошкент: Шарқ НМК Бош таҳририяти. 2003. 398-бет.

[5] Ўша манба. 396-бет.

мувофиқ ҳолда иқтисодиёт ва бошқа тармоқларнинг долзарб муаммолари илмий ечимларига йўналтирилганига хулоса бериш юзасидан олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар давлат аттестациясига ваколатли давлат органи тавсияси асосида етакчи олим-мутахассислар таркибида тегишли ташкилот ҳузурида жамоатчилик асосида муайян муддат фаолият кўрсатадиган кенгаш.

Докторлик диссертациялари ҳимоясини сессия тарзида ташкил этиш – тегишли норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда докторлик диссертацияси ҳимоясини ўтказиш бўйича муддати белгиланган талаблардан фарқли равишда объектив зарурат асосида олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар аттестациясига ваколатли давлат органи рухсати билан фан доктори илмий даражасини берувчи илмий кенгашда бир неча диссертация ҳимоясини икки ва ундан ортиқ кун давомида ўтказишни ташкил этиш жараёни.

Докторлик диссертацияси (диссертация тадқиқоти) мавзуи (номи) – диссертация (диссертация тадқиқоти) моҳиятининг аннотацион тарзда аниқ ва жуда қисқа шаклда ифодаланиши.

Докторлик диссертацияси (диссертация) – диссертация мавзуи асосида муаллиф томонидан шахсан олиб борилган (бориладиган) тадқиқот моҳияти тегишли норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар талабларига жавоб берган, тугалланган ва мазмунан яхлит илмий иш сифатида илмий янгилиги ва амалий натижалари системали равишда асослаб берилган ва тегишли ҳужжатларда кўзда тутилган талаблар асосида расмийлаштирилган (расмийлаштириладиган) қўлёзма ҳуқуқига эга бўлган илмий асар.

Докторлик диссертацияси – амалий аҳамиятга молик докторлик диссертацияси – амалий аҳамиятга молик бўлган долзарб муаммони ҳал этишга йўналтирилган илмий асар.

Докторлик диссертацияси – назарий аҳамиятга молик докторлик диссертацияси – назарий ёки ижтимоий аҳамиятга молик бўлган долзарб муаммони ҳал этишга йўналтирилган илмий асар.

Докторлик диссертацияси – илмий маъруза шаклидаги докторлик диссертацияси – муҳим назарий ва/ёки амалий (назарий-амалий) аҳамиятга молик муаммо (муаммолар)ни ҳал этиш

бўйича муаллиф томонидан шахсан амалга оширилган илмий изланишлар натижалари асосида чоп этилган жуда кўп сонли илмий ишларнинг ва/ёки амалиётга жорий этилган ноёб ва жуда катта самара олинган ишланмалар моҳиятан тегишли норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар талабларига жавоб берган, уларнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари системали равишда умумлашган ҳолда асослаб берилиб, докторлик диссертацияси автореферати шаклида тегишли равишда расмийлаштирилган (расмийлаштириладиган) қўлёзма ҳуқуқига эга бўлган илмий асар.

Докторлик диссертацияси автореферати – диссертация тадқиқоти юзасидан умумий маълумотлар келтирилиб, ишнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари системали равишда умумлаштирилган ҳолда қисқача баён этилган (этиладиган) ҳамда нашр этилган ишлар юзасидан маълумот берилган (бериладиган) ва тегишли ҳужжатларда кўзда тутилган талаблар асосида нашр қилинган (қилинадиган) қўлёзма ҳуқуқига эга бўлган илмий асар.

Докторлик диссертацияси автореферати етказилиши шарт бўлган ташкилотлар – олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар давлат аттестациясига ваколатли давлат органи тасдиқлаган асосий рўйхат ва фан доктори илмий даражасини берувчи илмий кенгаш қарори билан муайян диссертация бўйича тасдиқланган қўшимча рўйхат асосида диссертация автореферати етказилиши шарт бўлган юридик (жисмоний) шахслар (рўйхати).

Докторлик диссертацияси авторефератига берилган тақриз – юридик ва жисмоний шахслар ҳамда бошқа тегишли тузилмалар томонидан диссертация автореферати асосида докторлик диссертацияси моҳиятига берилган ёзма хулоса.

Докторлик диссертацияси бажарилган (бажарилаётган) муассаса – ваколатли олий таълим ёки илмий-тадқиқот муассасаси кенгаши қарори билан диссертация мавзуи асосида тегишли тадқиқотни олиб боришга асос муассаса (муассасалар) сифатида тасдиқланиб, олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар давлат аттестациясига ваколатли давлат органи нашрида эълон қилинган (қилинадиган) муассаса (муассасалар).

Докторлик диссертацияси ва автореферати расмийлаштириш қоидалари – докторлик диссертацияси ва автореферати расмийлаштиришнинг норматив-техник талаблари белгилаб берилган ҳужжат.

Докторлик диссертациясининг илмий экспертизаси – диссертация моҳиятининг тегишли норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар талабларига мувофиқлигини эксперт томонидан ўрганиб чиқиш ва ёзма хулоса бериш жараёни.

Докторлик диссертацияси илмий экспертизасининг ноҳолислиги – тегишли норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар талабларини эътиборга олмасдан (қисман олмасдан) диссертация моҳиятига берилган эксперт хулосаси.

Докторлик диссертацияси мавзуи экспертизаси – олий таълим ёки илмий-тадқиқот муассасаси кенгаши тақдим этган диссертация (диссертациялар) мавзуи (мавзулари) лойиҳаси (лойиҳалари)нинг фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мувофиқлигини ваколатли давлат органларида ўрганиб чиқиш ҳамда уларни докторлик диссертациялари мавзулари маълумотлар базаси (рўйхати)га киритиш учун тавсия бериш жараёни.

Докторлик диссертацияси мавзуини рўйхатдан ўтказиш – ваколатли олий таълим ёки илмий-тадқиқот муассасаси кенгаши тақдимотномаси асосида диссертация мавзуини олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар давлат аттестациясига ваколатли давлат органида кўрикдан ўтказиш асосида рўйхатга олиш ва уни эълон қилиш жараёни.

Докторлик диссертацияси мавзуини тасдиқлаш – докторлик диссертациялари мавзулари маълумотлар базасига киритилган мавзуни олий таълим ёки илмий-тадқиқот муассасаси кенгаши қарори билан муайян изланувчига бириктириш жараёни.

Докторлик диссертацияси мавзуини эълон қилиш – олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар давлат аттестациясига ваколатли давлат органида рўйхатга олинган мавзуни унинг нашрида эълон қилиш.

Докторлик диссертацияси мавзуининг узлуксизлиги коэффициенти – таълимнинг узвийлиги асосида магистрлик диссертацияси мавзуига мувофиқ ҳолда бажарилаётган (бажарилган) докторлик диссертацияси мавзуини тавсифлайдиган кўрсаткич.

Докторлик диссертацияси тадқиқоти – ваколатли олий таълим ёки илмий-тадқиқот муассасаси кенгаши қарори билан мавзу тасдиқланиб, олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар давлат аттестациясига ваколатли давлат органида рўйхатдан ўтказиладиган (ўтказилган) ва нашрида эълон қилиниши (қилингани) асосида амалга оширилаётган (оширилган) илмий тадқиқот.

Докторлик диссертациясининг таркиби (мундарижаси) – диссертация тадқиқотининг мақсади, моҳияти ва тегишли фан тармоғининг муайян ихтисослиги паспорти талабларидан келиб чиққан ҳолда бажарилиши мақсадга мувофиқ бўлган вазифаларнинг системали равишда расмийлаштирилган мақбул концептуал режаси (мундарижаси).

Докторлик диссертациясини баҳолаш мезонлари – тегишли норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар талабларига мувофиқ ҳолда, докторлик диссертациясига яхлит баҳо беришнинг муайян мезон ва кўрсаткичлари тизимлаштирилган ҳужжат.

Докторлик диссертациясини иш бажарилган муассасада кўриб чиқиш – тегишли норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар талаблари тўлиқ бажарилган ҳолда кўзда тутилган ҳужжатларни кўриб чиқиш ва иш бажарилган муассасанинг илмий семинарида диссертациянинг муҳокамаси асосида уни ҳимояга тавсия этиш юзасидан қарор қабул қилиш жараёни.

Докторлик диссертациясининг амалиётга жорий этилган илмий натижалари – диссертациянинг илмий янгилиги ёки амалий натижаларининг тадқиқот объектига мувофиқ ҳолда амалиётга жорий этилгани, тегишли самара олингани (олиниши) ва белгиланган тартибда расмийлаштирилган ҳужжат билан тасдиқланган натижалар.

Докторлик диссертациясининг амалиётга жорий этишга қабул қилинган илмий натижалари – диссертациянинг илмий янгилиги ёки амалий натижаларининг тадқиқот объектига мувофиқ ҳолда амалиётга жорий қилиш учун қабул қилиниб, тегишли самара кутилаётгани ва белгиланган тартибда расмийлаштирилган ҳужжат билан тасдиқланган натижалар.

Докторлик диссертациясининг амалиётга жорий этишга тавсия қилиш мумкин бўлган илмий натижалари – диссертациянинг илмий янгилиги ёки амалий натижаларининг тадқиқот объектига мувофиқ ҳолда амалиётга жорий этишга тавсия қилиш *ва тегишли самара олиш мумкин бўлган илмий натижалар.*

Докторлик диссертациясининг илмий натижалари (илмий янгилиги ва амалий натижалари) – диссертациянинг мақсади ва вазифаларига мувофиқ бўлган илмий янгилиги ва амалий натижаларининг умумий таҳрирда ифодаланиши.

Докторлик диссертациясининг амалий натижалари (амалий натижалар) – диссертациянинг мақсади ва вазифаларига мувофиқ ҳолда илмий жиҳатдан асосланиб, муайян иқтисодий ёки ижтимоий самарага эга бўлган ва амалий аҳамият касб этган таклиф (тавсия, хулоса) ва ечимлар (ечимлар мажмуи).

Докторлик диссертацияси ҳимояси ҳақида Ўзбекистон Республикаси ОАК веб-сайти ва «Ўзбекистон Республикаси ОАК Бюллетени» журналида эълон қилиш (Докторлик диссертацияси ҳимояси ҳақида эълон) – фан доктори илмий даражасига талабгор ва диссертацияга оид маълумотлар, тадқиқотнинг мақсади ва вазифаларига мувофиқ бўлган илмий янгилиги ва амалий натижалари ҳамда уларнинг амалиётга жорий этилгани тўғрисидаги маълумотларни умумлаштирилган ҳолда олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар давлат аттестациясига ваколатли давлат органининг веб-сайтида эълон қилиш ва нашрида чоп этиш.

Докторлик диссертациясининг илмий янгилиги (илмий янгилик) – диссертациянинг мақсади ва вазифаларига мувофиқ ҳолда фанга илгари номаълум бўлиб, муайян ижтимоий (иқтисодий) самарага эга бўлган илмий ҳодиса ёки олинган (та-

комиллаштирилган) назарий ва методологик-услубий илмий ечим (ҳолат) ёхуд назарий аҳамиятга молик хулоса (таклиф).

Докторлик диссертациясининг илмий натижаларини нашр қилиш – диссертациянинг мақсади ва вазифаларига мувофик бўлган илмий янгилиги ва амалий натижаларини тегишли илмий нашрларда чоп эттириш.

Докторлик диссертациясининг моҳияти – тадқиқотнинг мақсади ва вазифаларига мувофик ҳолда олинган диссертация илмий янгилиги ва амалий натижаларининг системали равишда ифодалаб берилиши ҳамда уларнинг илмий жиҳатдан юксак даражада асосланиб берилиши.

Докторлик диссертациясининг моҳияти бўйича аниқланган камчилик (камчиликлар) – диссертация илмий экспертизасида ёки бошқа ҳолатда ишнинг моҳияти бўйича аниқланган ва тегишли қарор билан тасдиқланган камчилик (камчиликлар).

Докторлик диссертациясининг очиқ ҳимояси – фан доктори илмий даражасини берувчи илмий кенгаш мажлисида илмий даража талабгори томонидан диссертациянинг илмий янгилиги ва амалий натижаларини илмий жамоатчилик муҳокамасида асослаб бериш ва талабгорга фан доктори илмий даражасини бериш юзасидан қарор қабул қилиш жараёни.

Докторлик диссертациясининг самарадорлиги – диссертациянинг илмий янгилиги ва амалий натижаларини тадқиқот объектига мувофиқ ҳолда амалиётга жорий этиб, ундан иқтисодий ёки ижтимоий самаранинг олиниши (кутилиши).

Докторлик диссертациясининг сифати – ишончли манбалар асосида ва юксак илмий даражада муҳим муаммо (муаммолар)нинг ҳал этилиши ва илмий натижаларнинг асослаб берилиши ҳамда тадқиқот вазифаларининг тўлиқ бажарилиши негизида мақсадга эришишининг таъминланиши.

Доцент – 1) доцент илмий унвонининг номи; 2) тегишли норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар талабларини бажариб, кўзда тутилган малакавий талабларга жавоб берган ва доцент илмий унвони

тасдиқланган (тасдиқланадиган) мутахассисларга берилган (бериладиган) расмий мақом; 3) доцент илмий унвони тасдиқланган (тасдиқланадиган) мутахассис.

Етакчи ташкилот – муайян фан тармоғи (ихтисослиги) йўналишида мунтазам равишда тегишли фаолият (илмий, илмий-амалий ёки амалий) олиб борадиган ва фан доктори илмий даражасини берувчи илмий кенгаш қарори асосида диссертацияга расмий хулоса берадиган (берган) ташкилот.

Жамоавий тақриз – олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар давлат аттестациясига ваколатли давлат органи қарори билан фан доктори илмий даражасини берувчи тегишли илмий кенгашда диссертация (аттестация иши)ни қайта муҳокама қилиш асосида тегишли қарор қабул қилиш жараёни.

Жисмоний шахс – Ўзбекистон Республикаси фуқаролари, бошқа давлатларнинг фуқаролари, шунингдек, фуқаролиги бўлмаган шахслар[1].

Идоравий архив – архив ҳужжатларини жамлаш, ҳисобга олиш, сақлаш ва улардан фойдаланишни амалга оширадиган ташкилотнинг таркибий бўлинмаси[2].

Изланувчи (изланувчилар) – катта илмий ходимлар-изланувчилар институти, мустақил изланувчилик ва контракт-шартнома асосидаги изланувчилик асосида диссертация тадқиқотларини олиб бораётган шахс (шахслар)нинг умумий номланиши.

Изланувчи (изланувчилар) билимини академик баҳолаш – муайян малакавий имтиҳон предмети бўйича изланувчилар билимини имтиҳон предмети дастури ва тегишли ҳужжатларда белгиланган талаблар асосида синовдан ўтказиш ва баҳолаш жараёни.

---

[1] Юридик атамалар комусий луғати. Тошкент: Шарқ НМК Бош таҳририяти. 2003. 154-бет.

[2] Архивлар ва идоравий архивлар томонидан хизмат кўрсатиш тартиби тўғрисида низом (Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 5 апрелдаги 101-сонли қарорига 4-илова).

Изоҳли луғат – сўзларнинг мазмунини изоҳлайдиган, ҳар бир сўзнинг грамматик, этимологик ва стилистик тавсифи белгиланган, уларни қўллашга оид мисоллар ва бошқа маълумотлар келтирилган, қўшимча адабиёт сифатида фойдаланиладиган нашр[1].

Илмий даража – тегишли норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар талабларини бажариб, кўзда тутилган малакавий талабларга жавоб берган ва илмий даражаси тасдиқланган (тасдиқланадиган) мутахассисларга бериладиган расмий мақом.

Илмий даража бериладиган (берилган) фан тармоғи (номи) – тегишли норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар талабларига мувофиқ ҳолда диссертация тадқикотининг тегишли фан тармоғига мансублиги асосида фан доктори илмий даражаси бериладиган (берилган) муайян фан тармоғининг номи.

Илмий даража талабгори – фан доктори илмий даражасини берувчи илмий кенгашга диссертацияси ҳимоя учун қабул қилинган ва аттестация иши кўрилиш жараёнида бўлган мутахассис.

Илмий даража талабгорига қўйилган малакавий талаблар – фан доктори илмий даражаси талабгори жавоб бериши зарур бўлган илмий ва касбий талаблар ҳамда инсоний сифатлар мажмуи тизимлаштирилган ҳужжат.

Илмий даража ҳақидаги ҳужжат (диплом)ни нострификация қилиш[2] (нострификациялаш) – диссертация, автореферат ва бошқа тегишли ҳужжатларни қайта экспертизадан ўтказиш асосида хорижий давлатларда илмий даража олгани ҳақидаги ҳужжат (диплом)нинг эквивалиент эканини қайд этиш (тенглаштириш, тан олиш) жараёни.

Илмий даражадан маҳрум этиш – экспертиза сифатсиз ўтказилгани аниқланган ҳолларда шахсни илмий даражадан маҳрум этиш бўйича тегишли аттестация тадбирларини амалга ошириш ва якуний қарор қабул қилиш жараёни.

---

[1] Олий таълим меъёрий ҳужжатлари тўплами, 2-қисм. Тошкент: Шарқ НМК Бош таҳририяти. 2003. 397-бет.

[2] Қаралсин: Ўзбекистон юридик энциклопедияси. Тошкент: Адолат. 2010. 338–339-бетлар.

Илмий кадрлар – тегишли олий маълумотга эга бўлиб, малакавий талабларига жавоб берган ва илмий-тадқиқот муассаса (тузилма)лари ёки уларга тенглаштирилган муассаса (тузилма) ларда асосий меҳнат фаолияти сифатида илмий (илмий-ташкилий) лавозимларда фаолият олиб бораётган мутахассислар таркиби.

Илмий лоқайдлик – интеллектуал фаолият натижаси сифатида ўзга манба (манбалар)да ёки ўзга муаллиф (муаллифлар)нинг асари (асарлари)даги илмий янгилик ёки амалий натижа сифатида классификация қилинмайдиган материал (материаллар)ни ўзининг диссертацияси ёки автореферати ёхуд илмий асарларида улар олинган манба (манбалар)ни ҳеч қандай шаклда қайд этмасдан, ўзиникидек фойдаланиш.

Илмий мақола – тадқиқот жараёнида муаллиф (муаллифлар) томонидан олинган илмий янгилик ва амалий натижаларнинг тадқиқот йўналишига мос бўлган тегишли етакчи илмий нашрда чоп этилган (этиладиган) илмий асар.

Илмий маслаҳатчи – фан доктори илмий даражасига ва илмий маслаҳатчилик қилиш ҳуқуқига эга бўлиб, ваколатли муассасанинг кенгаши қарори билан муайян изланувчи илмий маслаҳатчи сифатида тасдиқланган (тасдиқланадиган) ва бу ҳақдаги маълумот олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар давлат аттестациясига ваколатли давлат органи нашрида эълон қилинган (қилинадиган) мутахассис.

Илмий семинар – муайян фан тармоғининг тегишли ихтисослиги (ихтисосликлари) бўйича илмий даражага эга бўлган мутахассислар таркибида маълум муддатга жамоатчилик асосида тузилган ва тегишли ҳужжатлар (диссертация ва б.)нинг кўзда тутилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар талабларига мувофиқлигига хулоса берувчи илмий-ташкилий тузилма.

Илмий семинар хулосаси – диссертациянинг муҳокамаси асосида илмий семинар томонидан қабул қилинган хулоса.

Илмий унвон – тегишли норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар талабларини бажариб, кўзда тутилган малакавий талабларга жавоб

берган ва илмий унвони тасдиқланган (тасдиқланадиган) мутахассисларга бериладиган расмий мақом.

Илмий унвон бериладиган (берилган) ихтисослик (номи) – тегишли норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар талабларига мувофиқ ҳолда мутахассисларнинг илмий ёки илмий-педагогик фаолияти натижалари асосида илмий унвон бериладиган (берилган) муайян ихтисосликнинг номи.

Илмий унвон талабгори – ҳужжатлари тегишли муассасанинг кенгашига кўриб чиқиш учун қабул қилинган ва аттестация иши кўрилиш жараёнида бўлган мутахассис.

Илмий унвон талабгори фаолиятини баҳолаш мезонлари – тааллуқли норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар талабларига мувофиқ ҳолда, тегишли илмий унвон олишга талабгор фаолиятига яхлит баҳо беришнинг муайян мезон ва кўрсаткичлари тизимлаштирилган ҳужжат.

Илмий унвон талабгорига қўйилган малакавий талаблар – тегишли илмий унвон талабгори жавоб бериши зарур бўлган касбий ва илмий талаблар ҳамда инсоний сифатлар мажмуи тизимлаштирилган ҳужжат.

Илмий унвондан маҳрум этиш – экспертиза сифатсиз ўтказилгани аниқланиб, шахсни илмий унвондан маҳрум этиш бўйича тегишли аттестация тадбирларини амалга ошириш ва якуний қарор қабул қилиш жараёни.

Илмий экспертиза – тегишли ҳужжатлар (диссертация, монография, илмий мақола ва б.) моҳиятининг кўзда тутилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар талабларига мувофиқлигини эксперт томонидан ўрганиб чиқиш ва ёзма хулоса бериш.

Илмий-педагог кадрлар – тегишли олий маълумотга эга бўлиб, малакавий талабларига жавоб берган ва олий таълим муассасалари ёки уларга тенглаштирилган муассасаларда асосий меҳнат фаолияти сифатида тегишли лавозимларда илмий-педагогик фаолият кўрсатаётган мутахассислар таркиби.

Илмий-тадқиқот муассасаси – белгиланган тартибда ташкил этилиб, асосий фаолият тури сифатида фаннинг муайян йўналиши (йўналишлари)да замонавий талаблар асосида илмий тадқиқотларни ташкил этишга ихтисослашган муассаса.

Илмий-ташкилий мезон – илмий унвон талабгорининг ўз соҳасига оид илмий-ташкилий тадбирларда малакали мутахассис сифатида иштироки ҳамда илмий изланишлар янгилиги ва амалий натижаларини оммавий ахборот воситаларида ёритишни тегишли норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар талабларига мувофиқ илмий-ташкилий мезон асосида баҳолашнинг кўрсаткичлари тизими.

Интеллектуал мулк – ақлий фаолият натижаси бўлмиш илмий кашфиёт, тадқиқот, илмий асар, таклиф, ЭҲМга тайёрланган дастурлар, «ноу-хау», тажриба натижалари ва бошқаларга бўлган муносабат. Интеллектуал мулк – инсон ижодий фаолиятининг моддий ёки ғоявий кўринишдаги натижалари ва улардан фойдаланиш билан боғлиқ бўлган мулкий ҳуқуқлар мажмуи[1].

Интерактив мулоқот – илмий даража талабгори билан суҳбат, савол-жавоб, фикр алмашиш ҳамда диссертациянинг моҳиятини муҳокама қилиш асосида унинг касбий-малакавий даражаси ҳамда диссертация сифати ва самарадорлигига баҳо бериш усули.

Ихтиро – ваколатли давлат органлари томонидан бериладиган ва қуйидагиларни белгилайдиган ҳужжат: кашфиёт ҳамда янгиликлар учун, муаллифлик ҳуқуқини бериш учун[2].

Ихтисослик – муайян белгилар (мақсад, предмет, моҳият, алоқадорлик ва бошқалар) асосида моҳиятан бир-бирига яқин ва мазмунан турдош бўлган тадқиқот йўналишларининг тегишли фан тармоғи асосида ихтисослик доирасидаги бирлиги (гуруҳланиши).

Ихтисослик номи – муайян ихтисослик моҳиятининг аннотацион тарзда аниқ ва жуда қисқа шаклда ифодаланиши.

---

[1] Юридик атамалар комусий луғати. Тошкент: Шарқ НМК Бош таҳририяти. 2003. 172-бет.

[2] Ўзбекистон юридик энциклопедияси. Тошкент: Адолат. 2010. 364-бет.

Ихтисослик паспорти – муайян ихтисосликнинг моҳияти аннотацион тарзда аниқ ва жуда қисқа шаклда тавсифланиб, ушбу ихтисослик доирасида амалга ошириладиган тадқиқот йўналишлари ва асосий масалалар ҳамда объектлари системали равишда белгилаб берилган ҳужжат.

Ихтисослик шифри (рақами) – олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар ихтисосликлари рўйхатидаги муайян ихтисосликнинг тегишли фан тармоғи ва ихтисосликлар гуруҳи рақамланган тизимидаги тартиб рақами.

Ихтисосликлар гуруҳи – муайян белгилар (мақсад, предмет, моҳият, алоқадорлик ва бошқалар) асосида моҳиятан бир-бирига яқин ихтисосликларнинг тегишли фан тармоғи доирасида гуруҳланиши.

Ихтисосликлар гуруҳи шифри (рақами) – олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар ихтисосликлари рўйхатидаги муайян ихтисослик гуруҳининг тегишли фан тармоғи рақамланган тизимидаги тартиб рақами.

Катта илмий ходим – 1) катта илмий ходим илмий унвонининг номи; 2) тегишли норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар талабларини бажариб, кўзда тутилган малакавий талабларга жавоб берган ва катта илмий ходим илмий унвони тасдиқланган (тасдиқланадиган) мутахассисларга берилган (бериладиган) расмий мақом; 3) катта илмий ходим илмий унвони тасдиқланган (тасдиқланадиган) мутахассис.

Катта илмий ходим-изланувчи – олий таълим ёки илмий-тадқиқот муассасасига катта илмий ходим-изланувчи лавозимига белгиланган тартибда қабул қилинган шахс[1].

Катта илмий ходимлар-изланувчилар институти – ишлаб чиқаришдан бўшаган ҳолда ихтисосликни чуқур ўрганиш ва докторлик диссертациясини тайёрлаш ва ҳимоя қилиш мақсадида улар томонидан илмий изланишлар олиб бориш бўйича фан доктори даражаси изланувчилари учун олий таълим ва илмий-тадқиқот

[1] «Олий ўқув юртидан кейинги таълимга қўйиладиган давлат талаблари».

муассасаларида ташкил этиладиган олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар ихтисосликлари бўйича олий ўқув юртидан кейинги таълим шакли[1].

Кашфиёт – 1) интеллектуал мулк объектларидан бири. Кашфиёт ҳам ижодий фаолият маҳсули бўлиб, моддий оламнинг илгари номаълум бўлган қонуниятлари, ҳодисаларини очиш, аниқлаш ҳисобланади; 2) илгари маълум бўлмаган, объектив равишда мавжуд моддий олам хусусиятлари, қонуният ва ҳодисаларини аниқлаштириш[2].

Луғат – аниқ бир тартибда жойлашган сўзлар (ёки сўз бирикмаси, идиомалар ва ҳоказо) тўплами, уларнинг мазмуни, ишлатилиши, келиб чиқиши, бошқа тилдаги таржимаси тўғрисида маълумот берадиган ёки сўзнинг тушунчаси, у билан белгиланадиган предметлар ҳақида ахборот берадиган нашр[3].

Магистр – олий таълимнинг магистратура босқичи бўйича дастурларни муваффақиятли ўзлаштирган шахсларга бериладиган академик даража[4].

Магистратура – бакалавриат негизида ўқиш муддати камида икки йил бўлган аниқ мутахассислик бўйича олий таълим[5].

Мазмуний мезон – илмий унвон талабгорининг илмий ва илмий-педагогик фаолияти натижаларини тегишли норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар талабларига мувофиқ мазмуний мезон асосида баҳолашнинг кўрсаткичлари тизими.

Малака амалиёти – ўқув жараёнининг назарий билимларни мустаҳкамлаш, амалий кўникма ва тасаввур ҳосил қилиш, таълим

---

[1] «Олий ўқув юртидан кейинги таълимга қўйиладиган давлат талаблари».

[2] Ўзбекистон юридик энциклопедияси. Тошкент: Адолат. 2010. 244-бет.

[3] Олий таълим меъёрий ҳужжатлар тўплами, 2-қисм. Тошкент: Шарқ НМК Бош таҳририяти. 2003. 397-бет.

[4,5] Ўзбекистон Республикаси олий таълимининг меъёрий ҳужжатлари. Тошкент. 2001. 9–10-бетлар.

дастурининг маълум (якуний) қисмидаги мавзу бўйича материаллар тўплаш учун ўтказиладиган бир қисми[1].

Малака талаблари – узлуксиз таълимнинг тегишли босқичи битирувчисининг умумий билим ва касб тайёргарлиги даражасига қўйиладиган талаблар[2].

Малакавий имтиҳон – малакавий имтиҳон предмети (фан, курс, ихтисослик) дастурида белгилаб берилган назарий билим ва касбий тайёргарлик даражасини изланувчилар томонидан қай даражада ўзлаштирганлигини синовдан ўтказиш ва баҳолашнинг ўқув-ташкилий усули.

Малакавий имтиҳон предмети (фани, курси, ихтисослик) дастури – муайян малакавий имтиҳон предметининг (фан, курс, ихтисослик) моҳияти яхлит тизимга келтирилган ҳолда қисқа ва аниқ баён этилган, предмет мазмунини ўзлаштиришнинг энг мақбул усуллари ва ахборот манбалари кўрсатилган ўқув-услубий ҳужжат.

Малакавий имтиҳон предмети (фани, курси, ихтисослик) – изланувчиларнинг назарий билими ва касбий тайёргарлик даражасини академик баҳолаш шарт бўлган муайян умумилмий фан, курс ёки ихтисослик.

Малакавий имтиҳонларни қабул қилиш сессияси – тегишли норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда малакавий имтиҳонларни қабул қилиш даври белгилаб берилган муддатлар.

Малакавий имтиҳонларни қабул қилиш сессиясидан ташқари давр – тегишли норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда малакавий имтиҳонларни қабул қилиш даври белгилаб берилган муддатлардан ташқари бўлган давр.

Малакавий имтиҳонларни ташкил этиш – малакавий имтиҳонларни ташкил этиш ҳуқуқига эга бўлган муассасалар тизими ва имтиҳонларни қабул қилиш комиссияларини шакллантириш, улар фаолиятини йўлга қўйиш, услубий-дастурий таъминот ва таълим-

[1,2] Ўзбекистон Республикаси олий таълимининг меъёрий ҳужжатлари. Тошкент. 2001. 9–10-бетлар.

тарбия ишларини амалга ошириш, имтиҳонларни қабул қилиш ҳамда ташкилий-назорат ва таҳлилий-ахборот жараёнининг яхлит тизими.

Малакавий имтиҳонларни ташкил этиш ҳуқуқига эга бўлган муассаса – тегишли ҳужжатларда кўзда тутилган талабларга жавоб берган ҳамда олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар давлат аттестациясига ваколатли давлат органи томонидан муайян малакавий имтиҳон (имтиҳонлар)ни ташкил этиш ҳуқуқи берилган муассаса.

Малакавий имтиҳонни қабул қилиш комиссияси – малакавий имтиҳон предмети дастури асосида изланувчиларнинг назарий билим ва касбий тайёргарлик даражасини академик баҳолаш учун олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар давлат аттестациясига ваколатли давлат органи билан келишилган ҳолда тегишли олий таълим ёки илмий-тадқиқот муассасаси раҳбари буйруғи билан илмий даражага эга бўлган мутахассислардан иборат таркибда маълум муддатга тузилган мутахассислар гуруҳи.

Маслаҳат овози – аттестация органларининг рўйхатдаги таркибига киритилмаган ва тегишли масалани кўриб чиқишда унинг йиғилишига таклиф этилган мутахассис (мутахассислар) томонидан муносабат билдириш шакли.

Махсус малакавий имтиҳон (махсус имтиҳон) – ислоҳотларни амалга ошириш, мамлакатимизни модернизация қилиш ва жамиятимизни янгилаш, баркамол авлодни тарбиялаш ва Ватанимизнинг жаҳондаги нуфузини янада ошириш борасида белгилаб берилган қоида ва асосий вазифалардан келиб чиққан ҳолда тадқиқотлар (фаолият)ни ғоят масъулиятли вазифаларга назарий-методологик жиҳатдан йўналтириш ва шу йўналишларда изланувчиларнинг билим даражасини академик баҳолашнинг ўқув-ташкилий усули.

Маълумотлар тўплами – фойдаланишга қулай шаклда яратилган, муайян фанни ёки таълим йўналишини ўзлаштириш учун зарур бўлган ва исбот талаб қилмайдиган маълумотлар, илмий кўрсаткич ва ўлчамлар, турли белги ва рақамлардан, илмий,

ижтимоий-иқтисодий ва бошқа соҳалардаги қисқа маълумотлардан ташкил топган нашр[1].

Маъруза тезислари – тадқиқот жараёнида олинган илмий янгилик ва амалий натижаларнинг илмий (илмий-амалий) анжуман материаллари таркибида чоп этилган (этиладиган) қисқача мазмуни.

Методик қўлланма – ўқитувчилар (профессор-ўқитувчилар) ва билим олувчилар учун мўлжалланган, бир дарснинг мақсади, дарс ўтиш воситалари ва улардан фойдаланиш усуллари, дарснинг мазмуни, амалий машғулотлар, қўшимча топшириқлар ва бошқалар ҳақида тавсиялар баён қилинадиган, таълим муассасаларининг илмий (педагогик) кенгаши тавсияси асосида чоп этиладиган нашр[2].

Меҳнат дафтарчаси – ходимнинг меҳнат стажини тасдиқловчи асосий ҳужжат[3].

Меҳнат стажи – фуқаронинг меҳнат шартномаси асосида аъзолик асосида ёки мустақил ташаббус кўрсатиш асосида ижтимоий суғурталанган фаолият даври[4].

Меъёрий-ташкилий мезон – илмий унвон талабгорининг ташкилий фаолиятини тегишли норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар талабларига мувофиқ меъёрий-ташкилий мезон асосида баҳолашнинг кўрсаткичлари тизими.

Меъёрий-техник мезон – илмий унвон талабгорининг аттестация ишини тегишли норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар талабларига мувофиқ норматив-техник мезон асосида баҳолашнинг кўрсаткичлари тизими.

---

[1] Олий таълим меъёрий ҳужжатлар тўплами, 2-қисм. Тошкент: Шарқ НМК Бош таҳририяти. 2003. 397-бет.

[2] Ўша манба. 398-бет.

[3] Ўзбекистон юридик энциклопедияси. Тошкент: Адолат. 2010. 301-бет.

[4] Ўша манба. 303-бет.

Меъёрий-техник экспертиза – тегишли талаблар ва аттестация тадбирларининг тўлиқ бажарилиши ҳамда ҳужжатларнинг расмийлаштирилиши/шакллантирилишининг кўзда тутилган тегишли норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга тартиб-қоида нуктаи назаридан мувофиқлигини эксперт томонидан ўрганиб чиқиш ва ёзма хулоса бериш.

Мониторинг – муайян фаолият соҳасини кузатиш, баҳолаш ва истиқболини белгилаш тизими[1]. Бирон-бир жараённи унинг кутилган натижа ёки дастлабки тахминга мувофиқлигини аниқлаш мақсадида доимий кузатиб бориш. Маълум бир ҳодиса ёки жараённинг ҳолатини кузатиш, ҳисобга олиш, баҳолаш ва истиқболини белгилаш[2].

Мониторинг – докторлик диссертациялари мавзулари мониторинги – докторлик диссертациялари мавзуларини фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мувофиқ шакллантириш, уларни маълумотлар базасига киритиш ҳамда тасдиқлаш, рўйхатга олиш, эълон қилиш ва диссертациялар ҳимоясини ўтказиш ишлари, шунингдек, замонавий талаблар асосида фаолият натижавийлигини ошириш борасида мақсадли тадбирларни ташкил этиш юзасидан тизимли равишда юритиладиган ташкилий-таҳлилий фаолият.

Мониторинг – ижро интизоми мониторинги – олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар давлат аттестациясига ваколатли давлат органи томонидан юқори ташкилотлар топшириқлари ва фуқаролар мурожаатлари ҳамда мазкур орган Раёсати қарорлари ва идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг тегишли муддатларда сифатли бажарилиши таҳлили ва замонавий талаблар асосида фаолият натижавийлигини ошириш борасида мақсадли тадбирларни ташкил этиш юзасидан тизимли равишда юритиладиган ташкилий-таҳлилий фаолият.

---

[1] Ўзбекистон юридик энциклопедияси. Тошкент: Адолат. 2010. 315-бет.

[2] Ўзбек тилининг изоҳли луғати. Иккинчи жилд. Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси ДИН. 2006. 814–815-бетлар.

Мониторинг – илмий маслаҳатчилик институти мониторинги – етакчи олим-мутахассисларни илмий маслаҳатчиликка тасдиқлаш амалиётининг тегишли ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлар талабларига мувофиқлиги, кадрлар тайёрлаш сифати таҳлили ва замонавий талаблар асосида фаолият натижавийлигини ошириш борасида мақсадли тадбирларни ташкил этиш юзасидан тизимли равишда юритиладиган ташкилий-таҳлилий фаолият.

Мониторинг – малакавий имтиҳонларни ташкил этиш мониторинги – малакавий имтиҳонларни ташкил этиш ҳуқуқига эга бўлган муассасалар тизимини, имтиҳонларни қабул қилиш комиссияларини шакллантириш ва улар фаолияти, имтиҳонлар дастурлари, назарий-методологик курслар ва ўқув дастурлари сифати, ижро ҳамда имтиҳонларни қабул қилиш натижалари таҳлили ва замонавий талаблар асосида фаолият натижавийлигини ошириш борасида мақсадли тадбирларни ташкил этиш юзасидан тизимли равишда юритиладиган ташкилий-таҳлилий фаолият.

Мониторинг – минтақалар бўйича олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар тайёрлаш ва уларни аттестациядан ўтказиш мониторинги – мамлакатимиз минтақалари бўйича диссертация тадқиқотлари ва ҳимояларининг амалга оширилиши, бажарилган тадқиқотларнинг сифати ва самарадорлиги таҳлили ҳамда замонавий талаблар асосида фаолият натижавийлигини ошириш борасида мақсадли тадбирларни ташкил этиш юзасидан тизимли равишда юритиладиган ташкилий-таҳлилий фаолият.

Мониторинг – норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар мониторинги – тегишли норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва уларнинг ижроси таҳлили ҳамда истиқбол вазифаларга мувофиқ давлат аттестацияси сифатини ошириш юзасидан норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни такомиллаштириш борасида мақсадли тадбирларни ташкил этиш юзасидан тизимли равишда юритиладиган ташкилий-таҳлилий фаолият.

Мониторинг – олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар давлат аттестацияси соҳасида мувофиқлаштирувчилик фаолияти мониторинги – олий малакали илмий ва илмий-педагог

кадрлар давлат аттестацияси соҳасидаги давлат сиёсатини амалга ошириш ва замонавий талаблар негизида аттестация тадбирлари сифатини юксалтиришда вазирликлар, идоралар, муассасалар ва ташкилотлар фаолиятини мувофиқлаштириш борасида мақсадли тадбирларни ташкил этиш юзасидан тизимли равишда юритиладиган ташкилий-таҳлилий фаолият.

Мониторинг – олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар давлат аттестация юзасидан халқаро ҳамкорлик фаолияти мониторинги – олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар давлат аттестацияси юзасидан халқаро ҳамкорликни ташкил этиш, мувофиқлаштириш ва замонавий талаблар асосида фаолият натижавийлигини ошириш борасида мақсадли тадбирларни ташкил этиш юзасидан тизимли равишда юритиладиган ташкилий-таҳлилий фаолият.

Мониторинг – олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар ихтисосликлари рўйхати мониторинги – ихтисосликлар рўйхатининг халқаро тажриба ва замонавий талабларга монандлиги ва услубий-ташкилий жиҳатдан уни истиқбол мақсадларга йўналтириш юзасидан ихтисосликлар кесимида диссертация тадқиқотларининг ташкил этилиши, долзарб ихтисосликлар бўйича илмий изланишларни амалга ошириш таҳлили ва замонавий талаблар асосида ихтисосликлар таркибини такомиллаштириш борасида мақсадли тадбирларни ташкил этиш юзасидан тизимли равишда юритиладиган ташкилий-таҳлилий фаолият.

Мониторинг – олий ўқув юртидан кейинги таълим институтлари тизимида кадрлар тайёрлаш сифати мониторинги – олий ўқув юртидан кейинги таълим институтлари тизимида кадрлар тайёрлаш жараёни натижалари таҳлили (ўқиш муддати самарадорлиги, диссертациялар сифати ва самарадорлиги, кадрларнинг тегишли давлат талабларига мувофиқлиги ва бошқалар) ва замонавий талаблар асосида фаолият натижавийлигини ошириш борасида мақсадли тадбирларни ташкил этиш юзасидан тизимли равишда юритиладиган ташкилий-таҳлилий фаолият.

Мониторинг – талабгорларнинг илмий ва илмий-педагогик фаолиятга лаёқатини аниқлаш бўйича тест синовлари

мониторинги – талабгорларнинг илмий ва илмий-педагогик ишларни олиб боришга лаёқатини аниқлаш бўйича тест синовларини ўтказиш ҳуқуқига эга бўлган муассасалар тизимини шакллантириш ва улар фаолияти, мазкур синовларни ўтказиш комиссиялари, дастурий таъминоти, тест синовларини ўтказиш натижалари таҳлили ва замонавий талаблар асосида фаолият натижавийлигини ошириш борасида мақсадли тадбирларни ташкил этиш юзасидан тизимли равишда юритиладиган ташкилий-таҳлилий фаолият.

Мониторинг – Ўзбекистон Республикаси ОАК низом (тартиб)лари мониторинги – Ўзбекистон Республикаси ОАК низом (тартиб)ларида белгиланган тартиб-қоидаларнинг бажарилиши таҳлили ва замонавий талабларга мувофиқ мазкур ҳужжатларни такомиллаштириш асосида аттестация тадбирлари сифатини ошириш борасида мақсадли тадбирларни ташкил этиш юзасидан тизимли равишда юритиладиган ташкилий-таҳлилий фаолият.

Мониторинг – аттестация ишлари кўрилиши муддатларининг жамоатчилик мониторинги – фан доктори илмий даражаси ва илмий унвонлар талабгорлари аттестация ишларининг Ўзбекистон Республикаси ОАКда кўриб чиқилиши ва якуний қарор қабул қилиниши муддатлари юзасидан интерактив давлат хизматлари асосида жамоатчилик назоратини амалга ошириш шакли.

Монография – муаллиф томонидан олиб борилган тадқиқотларнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари тугалланган яхлит илмий асар сифатида системали равишда умумлаштирилган ҳамда тегишли олий таълим ёки илмий-тадқиқот муассасаси кенгаши қарори билан нашрга тавсия этилиб, яккамуаллифликда ихтисослашган нашриётда таҳриридан ўтказилган (ўтказиладиган) ва чоп этилган (этиладиган) илмий асар.

Монография, илмий мақола, эксперт хулосаси ва баённомаларни расмийлаштириш қоидалари – монография, илмий мақола, эксперт хулосаси ва баённомаларни расмийлаштиришнинг меъёрий-техник талаблари белгилаб берилган ҳужжат.

Муаллиф – ижодий (илмий) меҳнат билан асар яратган жисмоний шахс[1].

Муаллиф ҳиссаси – ҳаммуаллифликда тайёрланган (нашр қилинган) ижодий меҳнат маҳсулининг ҳар бир муаллифнинг ҳиссаси холис акс эттирилган ва ундан фақат бир муаллиф ўз диссертациясида фойдаланиши мумкин бўлган қисми.

Муаллифлик ҳуқуқи – интеллектуал фаолият натижасининг муаллифи деб эътироф этилиш ҳуқуқи. Муаллифлик ҳуқуқи шахсий номулкий ҳуқуқ ҳисобланиб, ижодий меҳнат билан интеллектуал фаолият натижасини яратган шахсгагина тегишли бўлади. Муаллифлик ҳуқуқи бошқа шахсга ўтказилмайди ва берилмайди[2].

Муассаса – бошқарув, ижтимоий-маданий вазифаларни ёки тижоратчиликдан иборат бўлмаган бошқа вазифаларни амалга ошириш учун мулкдор томонидан ташкил этилган ва тўла ёки қисман молиявий таъминлаб туриладиган ташкилот.

Муассасанинг ихтисослик бўйича давлат аккредитацияси – муассасанинг муайян ихтисосликлар бўйича олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар тайёрлаш бўйича давлат талабларига жавоб беришининг давлат томонидан эътироф этилиши ҳамда муассасага муайян ихтисосликлар бўйича кадрлар тайёрлаш ҳуқуқини бериш[4].

Мустақил изланувчи – олий таълим ёки илмий-тадқиқот муассасасига мустақил изланувчиликка белгиланган тартибда қабул қилинган шахс[5].

Мустақил изланувчилик – ишлаб чиқаришдан бўшамаган ҳолда докторлик диссертациясини тайёрлаш ва ҳимоя қилиш мақсадида ихтисосликни чуқур ўрганиш ва улар томонидан илмий

---

[1] Ўзбекистон юридик энциклопедияси. Тошкент: Адолат. 2010. 317-бет.

[2, 3] Ўша манба. 319-бет.

[4] Ўзбекистон Республикаси олий таълимининг меъёрий ҳужжатлари. Тошкент. 2001. 9-бет.

[5] «Олий ўқув юртидан кейинги таълимга қўйиладиган давлат талаблари».

изланишлар бўйича фан доктори илмий даражаси изланувчилари учун олий таълим ва илмий-тадқиқот муассасаларида ташкил этиладиган олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар бўйича олий ўқув юртидан кейинги таълим шакли[1].

Назорат тартибида ўрганиш (текшириш) – илгари ўрганиш (текшириш)да кўрсатилган қоидабузарликларни бартараф этиш устидан назорат қилувчи органлар амалга оширадиган текшириш[2]. Фан доктори илмий даражасини берувчи илмий кенгаш (илмий кенгаш)лар фаолиятини ёки малакавий имтиҳонларни ташкил қилиш ҳуқуқи берилган муассасаларни илгари мақсадли (комплекс) ўрганишда аниқланган камчилик ва хатоларнинг бартараф этилишини қайта ўрганиш.

Нашр ишининг моҳияти бўйича аниқланган камчилик (камчиликлар) – нашр ишининг илмий экспертизасида ёки бошқа ҳолатда нашр ишининг моҳияти бўйича аниқланган ва тегишли қарор билан тасдиқланган камчилик (камчиликлар).

Низом – олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар давлат аттестациясининг йирик йўналишига оид тегишли комплекс тартиб-қоидалар белгилаб берилиб, тасдиқланган ва давлат рўйхатидан ўтказилган ҳужжат.

Низом – Илмий унвонларни бериш тартиби тўғрисидаги низом – профессор, катта илмий ходим ва доцент илмий унвонларини тасдиқлашнинг тўлақонли жараёнини ташкил этишнинг тартиб-қоидалари яхлит ҳолда белгилаб берилган ҳужжат.

Низом – Малакавий имтиҳонларни ўтказиш тартиби тўғрисидаги низом – малакавий имтиҳонларнинг тўлақонли жараёнини ташкил этишнинг тартиб-қоидалари яхлит ҳолда белгилаб берилган ҳужжат.

Низом – Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси тўғрисидаги низом –

---

[1] «Олий ўқув юртидан кейинги таълимга қўйиладиган давлат талаблари».

[2] Ўзбекистон юридик энциклопедияси. Тошкент: Адолат. 2010. 328-бет.

олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар давлат аттестациясига ваколатли давлат органи фаолиятини ташкил этишнинг тартиб-қоидалари яхлит ҳолда белгилаб берилган асосий ҳужжат.

Низом – Ўзбекистон Республикаси ОАК эксперт кенгаши тўғрисидаги низом – олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар давлат аттестациясига ваколатли давлат органининг эксперт кенгаши фаолиятини ташкил этишнинг тартиб-қоидалари яхлит ҳолда белгилаб берилган ҳужжат.

Низом – Фан доктори илмий даражасини бериш тартиби тўғрисидаги низом – фан доктори илмий даражасини тасдиқлашнинг тўлақонли жараёнини ташкил этишнинг тартиб-қоидалари яхлит ҳолда белгилаб берилган ҳужжат.

Низом – Фан доктори илмий даражасини берувчи илмий кенгаш тўғрисидаги низом – фан доктори илмий даражасини берувчи илмий кенгашни тузиш, унинг фаолиятини ташкил этиш ва тартибга солиш ҳамда мазкур илмий кенгашда докторлик диссертациялари ҳимоясини амалга оширишнинг тартиб-қоидалари яхлит ҳолда белгилаб берилган ҳужжат.

Норматив-ҳуқуқий ҳужжат – қонунда белгиланган шаклда қабул қилинган, умуммажбурий давлат кўрсатмалари сифатида қонун ҳужжатлари нормаларини белгилаш, ўзгартириш ёки бекор қилишга қаратилган расмий ҳужжат. «Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг 5-моддасига мувофиқ қуйидагилар норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ҳисобланади: а) Ўзбекистон Республикаси Конституцияси; б) Ўзбекистон Республикаси қонунлари; в) Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари; г) Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари; д) Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари; е) вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг ҳужжатлари; ж) маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг қарорлари[1].

---

[1] Ўзбекистон юридик энциклопедияси. Тошкент: Адолат. 2010. 337–338-бетлар.

Ноу-хау – технология, тизим, ишлаб чиқариш линияси ва ҳоказони ишлаб чиқариш ёки ўзлаштириш вазифаларини ҳал этиш учун зарур бўлган махсус (техник, технологик ва б.) билимлар, тажриба, ишлаб чиқариш сирларини умумлаштирадиган илмий-техник ... ижоднинг кўпчиликка маълум бўлмаган маҳсули[1].

Овоз бериш – фан доктори илмий даражасини берувчи илмий кенгаш ёки муассаса кенгаши ёки илмий семинар мажлиси кун тартибидаги масалага мазкур тузилманинг рўйхатдаги аъзоларининг муносабатини овоз беришнинг очиқ ёки ёпиқ шакллари асосида аниқлаш жараёни.

Олий маълумот ҳақидаги ҳужжат (диплом) – аккредитациядан ўтган олий таълим муассасалари битирувчиларига бериладиган ва улар томонидан олий таълимнинг таълим дастурларини бажарганини тасдиқлайдиган давлат намунасидаги ҳужжат[2].

Олий таълим – узлуксиз таълимнинг юқори малакали мутахассислар тайёрловчи мустақил тури[3].

Олий таълим йўналишлари ва мутахассисликлари классификатори – олий маълумотли кадрлар тайёрлаш учун бакалавриат таълими йўналишлари ва магистратура мутахассисликларининг тизимлаштирилган рўйхати[4].

Олий таълим муассасаси – белгиланган тартибда ташкил этилиб, асосий фаолият тури сифатида олий таълим фаолиятини ташкил этишга ихтисослашган муассаса.

Олий таълим муассасаси аккредитацияси – олий таълим муассасаси фаолияти даражасининг олий таълим давлат таълим стандартларининг мезон ва талабларига жавоб беришининг давлат томонидан эътироф этилиши[5].

---

[1] Ўзбекистон юридик энциклопедияси. Тошкент: Адолат. 2010. 340-бет.

[2–5] Ўзбекистон Республикаси олий таълимининг меъёрий ҳужжатлари. Тошкент. 2001. 9–10-бетлар.

Олий таълим муассасаси аттестацияси – олий таълим муассасасида кадрлар тайёрлаш мазмуни, даражаси ва сифатининг олий таълим давлат таълим стандартларининг талабларига мувофиқлигини аниқлайдиган тадбир[1].

Олий таълимнинг давлат таълим стандарти (ОТ ДТС) – таълимнинг бакалавриат босқичининг муайян йўналиши ёки магистратура мутахассислигига қўйиладиган малака талаблари, таълим мазмуни, бакалавр ёки магистр тайёргарлигининг зарурий ва етарли даражасини, кадрлар тайёрлаш сифатини баҳолаш даражаларини белгилайдиган эталон даражаси[2].

Олий ўқув юртидан кейинги таълим – жамиятнинг олий малакали илмий ва илмий-педагогик кадрларга бўлган эҳтиёжини таъминлашга йўналтирилган узлуксиз таълим тури[3].

Оммавий ахборот воситаси – оммавий ахборотни даврий тарқатишнинг доимий номга эга бўлган ҳамда босма тарзда (газеталар, журналлар, ахборотномалар, бюллетенлар ва бошқалар) ва (ёки) электрон тарзда (теле-, радио-, видео-, кинохроникал дастурлар, умумфойдаланишдаги телекоммуникация тармоқларидаги веб-сайтлар) олти ойда камида бир марта нашр этиладиган ёки эфирга бериладиган шакли ҳамда оммавий ахборотни даврий тарқатишнинг бошқа шакллари[4].

Патент – давлатнинг масъул органлари томонидан бериладиган ва қуйидагиларни белгилайдиган ҳужжат: кашфиёт ва янгиликлар учун, муаллифлик ҳуқуқини бериш учун[5].

[1, 2] Ўзбекистон Республикаси олий таълимининг меъёрий ҳужжатлари. Тошкент. 2001. 9–10-бетлар.

[3] «Олий ўқув юртидан кейинги таълимга қўйиладиган давлат талаблари».

[4] Ўзбекистон Республикасининг «Оммавий ахборот воситалари тўғрисида»ги қонуни.

[5] Ўзбекистон юридик энциклопедияси. Тошкент: Адолат. 2010. 364-бет.

Плагиат (кўчирмачилик) – интеллектуал фаолият натижаси сифатида ўзга манба (манбалар)да ёки ўзга муаллиф (муаллифлар)нинг асари (асарлари)даги илмий янгилик ёки амалий натижа сифатида классификация қилинадиган материал (материаллар)ни ўзининг диссертацияси ёки автореферати ёхуд илмий асарларида улар олинган манба (манбалар)ни ҳеч қандай шаклда қайд этмасдан, (ёки таржима қилиб) ўзиникидек фойдаланиш.

Плагиатор (кўчирмачи) – интеллектуал фаолият натижаси сифатида ўзга манба (манбалар)да ёки ўзга муаллиф (муаллифлар) нинг асари (асарлари)даги илмий янгилик ёки амалий натижа сифатида классификация қилинадиган материал (материаллар)ни ўзининг диссертацияси ёки автореферати ёхуд илмий асарларида улар олинган манба (манбалар)ни ҳеч қандай шаклда қайд этмасдан, (ёки таржима қилиб) ўзиникидек фойдаланган шахс.

Профессор – 1) профессор илмий унвонининг номи; 2) тегишли норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар талабларини бажариб, кўзда тутилган малакавий талабларга жавоб берган ва профессор илмий унвони тасдиқланган (тасдиқланадиган) мутахассисларга берилган (бериладиган) расмий мақом; 3) профессор илмий унвони тасдиқланган (тасдиқланадиган) мутахассис.

Расмий оппонент – фан доктори илмий даражасини берувчи илмий кенгаш қарори билан илмий даража талабгорининг докторлик диссертацияси ва тегишли ҳужжатларини кўзда тутилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар талаблари асосида экспертизадан ўтказадиган (ўтказган) ва ёзма хулоса берадиган (берган) мутахассис.

Таклиф – фуқароларнинг давлат ва жамият фаолиятини такомиллаштиришга доир тавсияларини ўз ичига олган мурожаати[1].

Тақриз – докторлик диссертацияси ва тегишли ҳужжатларни кўзда тутилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар талабларига мувофиқлигини ўрганиб чиқиш асосида берилган ёзма хулоса.

---

[1] Ўзбекистон Республикасининг «Фуқаролар мурожаатлари тўғрисида»ги қонуни.

Такризчи – илмий-ташкилий тузилма топшириғи билан тадқикотчининг докторлик диссертацияси ва тегишли ҳужжатларини кўзда тутилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар талаблари асосида экспертизадан ўтказадиган (ўтказган) ва ёзма хулоса берадиган (берган) мутахассис.

Тартиб – олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар давлат аттестацияси йирик йўналишининг муайян қисмига оид асосий тартиб-қоидалар белгилаб берилган ҳужжат.

Ташкилот – 1) кенг маънода инсонлар, гуруҳларнинг меҳнат ва мажбуриятлар тақсимоти ҳамда бошқарув тузилмаси мавжудлиги асосида, у ёки бу вазифани ҳал этиш учун бирлашиши; 2) фуқаролик қонунларига биноан, юридик шахслар. Ташкилотларнинг тижорат ва нотижорат шакллари мавжуд[1].

Таълим дастури – ўқув фанларининг бакалавриат йўналишлари ёки магистратура мутахассисликларига қўйиладиган малака талабларига мувофиқ кадрларнинг зарурий ва етарли даражадаги тайёргарлигини таъминлайдиган, блокларга жамланган рўйхати[2].

Таълим сифатини назорат қилиш – ўқитиш мазмуни ва натижаларининг давлат таълим стандартлари талабларига мувофиқлигини текшириш[3].

Тўлов-контракт асосидаги изланувчи – олий ўқув юртидан кейинги таълимда тўлов-контракт асосида ташкилот (шахс) билан кадрларни мақсадли тайёрлаш ҳақидаги келишувга кўра, муайян фан тармоғининг тегишли ихтисослиги бўйича фан доктори илмий даражасини олиш учун диссертация тадқиқоти олиб бораётган (борган) шахс.

---

[1] Ўзбекистон юридик энциклопедияси. Тошкент: Адолат. 2010. 444-бет.

[2] Ўзбекистон Республикаси олий таълимининг меъёрий ҳужжатлари. Тошкент, 2001. 9-бет.

[3] Ўша манба. 10-бет.

Узлуксиз таълим – рақобатдош малакали кадрлар тайёрлашнинг асоси бўлиб, таълимнинг барча турларини, давлат таълим стандартлари, кадрлар тайёрлаш тизими тузилмаси ва унинг фаолият кўрсатиш муҳитини ўз ичига оладиган[1] устувор соҳа.

Фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишлари (устуворликлари) – тараққиётнинг ўзбек модели тамойиллари, ислоҳотларнинг устувор йўналишлари ҳамда жамиятнинг маънавий тараққиёти ва ижтимоий-иқтисодий соҳаларни модернизация қилиш талабларига, шунингдек, жаҳон фан-технологиялари ривожининг илғор тенденцияларига мувофиқ ҳолда мамлакатимизда илмий тадқиқотларни ташкил этишнинг устувор йўналишлари (белгилаб берилган ҳужжат).

Фан доктори – 1) фан доктори илмий даражасининг номи; 2) тегишли норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар талабларини бажариб, кўзда тутилган малакавий талабларга жавоб берган ва фан доктори илмий даражаси тасдиқланган (тасдиқланадиган) мутахассисларга берилган (бериладиган) расмий мақом; 3) фан доктори илмий даражаси тасдиқланган (тасдиқланадиган) мутахассис.

Фан доктори илмий даражасини берувчи бир марталик илмий кенгаш – олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар давлат аттестациясига ваколатли давлат органи қарори билан фақат тегишли докторлик диссертацияси ҳимоясини ташкил этиш учун мавжуд фан доктори илмий даражасини берувчи илмий кенгаш ёки тегишли муассаса қошида жамоатчилик асосида тузилган илмий-ташкилий тузилма.

Фан доктори илмий даражасини берувчи илмий кенгаш аъзоларининг қайд варақаси – фан доктори илмий даражасини берувчи илмий кенгашнинг рўйхатдаги аъзоларидан мажлисда қатнашган ва овоз беришда иштирок этган аъзолари қайд қилинган ҳужжат.

---

[1] Кадрлар тайёрлаш миллий дастури. Баркамол авлод – Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. Тошкент, Шарқ НМК Бош таҳририяти. 1998. 42-бет.

Фан доктори илмий даражасини берувчи илмий кенгаш аъзоси – муайян фан тармоғининг тегишли ихтисослиги бўйича фан доктори илмий даражасини берувчи илмий кенгашнинг рўйхатдаги таркибига киритилган мутахассис.

Фан доктори илмий даражасини берувчи илмий кенгаш мажлиси баённомаси – фан доктори илмий даражасини берувчи илмий кенгаш мажлиси кун тартибидаги масалани муҳокама қилиш жараёни ва қабул қилинган қарор расмийлаштирилган ҳужжат.

Фан доктори илмий даражасини берувчи илмий кенгаш мажлиси қарори – фан доктори илмий даражасини берувчи илмий кенгашдаги масаланинг муҳокамаси асосида масалага рўйхатдаги аъзоларининг муносабатини умумлаштирилган ҳолда акс эттириш ва қарорни расмий қайд этиш шакли.

Фан доктори илмий даражасини берувчи илмий кенгаш – муайян фан тармоғи (тармоклари)нинг тегишли ихтисослиги (ихтисосликлари) йўналишида илмий даража талабгорларига фан доктори илмий даражасини бериш бўйича кўзда тутилган комплекс аттестация тадбирларини амалга оширишни ташкил этиш юзасидан олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар давлат аттестациясига ваколатли давлат органи қарори билан етакчи олий таълим ёки илмий-тадқиқот муассасаси ҳузурида муайян муддат жамоатчилик асосида фаолият кўрсатиш учун тузилган илмий-ташкилий тузилма.

Фан доктори илмий даражасини берувчи илмий кенгаш фаолиятини ташкил этиш – кўзда тутилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар талабларига мувофиқ ҳолда фан доктори илмий даражасини берувчи илмий кенгаш фаолиятини ташкил этиб боришнинг узлуксиз жараёни.

Фан доктори илмий даражасини берувчи илмий кенгаш шифри (рақами) – фан доктори илмий даражасини бериш бўйича илмий кенгашга диссертациялар ҳимоясига қайси фан тармоғи бўйича рухсат берилгани, у қайси вазирлик ёки идора таркибида ва муассасада фаолият кўрсатиши, муассасада нечанчи бўлиб ту-

зилгани ва тузилган вақтининг рақамланган тизимидаги тартиб рақами.

Фан доктори илмий даражасини берувчи илмий кенгашга диссертацияни ҳимоя учун қабул қилиш – фан доктори илмий даражасини берувчи илмий кенгашга диссертацияни ҳимоя учун қабул қилиш, ишнинг асосий илмий янгилиги ва амалий натижаларини эълон қилиш ва кўзда тутилган аттестация тадбирларини ҳимоягача амалга оширишни ташкил этиш жараёни.

Фан доктори илмий даражасини берувчи илмий кенгашга диссертацияни дастлабки кўриб чиқиш учун қабул қилиш – фан доктори илмий даражасини берувчи илмий кенгаш раҳбарияти томонидан изланувчининг ҳужжатларини қабул қилиб олиш – кўрикдан ўтказиш, тегишли ҳужжатларга мазкур илмий кенгаш кошидаги илмий семинар ва эксперт комиссияси томонидан хулоса бериш жараёни.

Фан доктори илмий даражасини берувчи илмий кенгашда диссертация ҳимоясини ташкил қилишнинг меъёрий-киёсий коэффициенти – фан доктори илмий даражасини берувчи илмий кенгашда талабгор (талабгорлар)дан тегишли ҳужжатларнинг қабул қилиниши ва диссертация (диссертациялар)ни ёқлашнинг меъёрий ва амалдаги муддатлари киёсий кўрсаткичи.

Фан доктори илмий даражасини берувчи илмий кенгашлар тизими – фан тармоқлари, муайян фан тармоғи ёки ихтисосликлар йўналишида диссертациялар ҳимоясига рухсат берилган фан доктори илмий даражасини берувчи илмий кенгашларнинг амалдаги мажмуи.

Фан доктори илмий даражасини берувчи илмий кенгашлар тизимини такомиллаштириш – фан тармоқлари, муайян фан тармоғи ёки ихтисосликлар йўналишида диссертациялар ҳимоясига рухсат берилган фан доктори илмий даражасини берувчи илмий кенгашларнинг амалдаги тизимини замонавий талаблар асосида қайта кўриб чиқиш ва уларнинг такомиллашган тизимини жорий этиш жараёни.

Фан доктори илмий даражасини берувчи илмий кенгашларни модернизация қилиш – олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар давлат аттестациясига ваколатли давлат органи томонидан замонавий талаблар асосида (фан тармоқлари, муайян фан тармоғи ёки ихтисосликлар бўйича) фан доктори илмий даражасини берувчи илмий кенгашлар фаолиятининг барча йўналишларини тубдан қайта кўриб чиқиш ва мақсадли натижаларни таъминлаш жараёни.

Фан доктори илмий даражасини берувчи илмий кенгашни модернизация қилиш – олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар давлат аттестациясига ваколатли давлат органи томонидан замонавий талаблар асосида фан доктори илмий даражасини берувчи муайян илмий кенгаш фаолиятининг барча йўналишларини тубдан қайта кўриб чиқиш ва мақсадли натижаларни таъминлаш жараёни.

Фан доктори илмий даражасини берувчи илмий кенгашни тузиш – олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар давлат аттестациясига ваколатли давлат органи қарори билан фан доктори илмий даражасини берувчи илмий кенгашни тузиш мумкин бўлган муассаса ҳузурида илмий кенгашни тузиш жараёни.

Фан доктори илмий даражасини берувчи илмий кенгашни тузиш мумкин бўлган муассаса (ҳузурида) – фан доктори илмий даражасини берувчи илмий кенгашни тузиш юзасидан тегишли норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда кўзда тутилган талабларга жавоб берган муассаса.

Фан доктори илмий даражасини берувчи илмий кенгашнинг эксперт комиссияси – диссертцияни фан доктори илмий даражасини берувчи илмий кенгашга ҳимоя учун қабул қилиш юзасидан ҳужжатларни кўрикдан ўтказиш ва тегишли таклифларни ишлаб чиқиш бўйича кўрилаётган диссертация ихтисослигига ихтисослиги мос бўлган мазкур илмий кенгашнинг рўйхатдаги аъзолари таркибида тузилган ишчи гуруҳ.

Фан номзоди – 1) фан номзоди илмий даражасининг номи; 2) тегишли норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар талабларини бажариб,

кўзда тутилган малакавий талабларга жавоб берган ва фан номзоди илмий даражаси тасдиқланган мутахассисларга берилган расмий мақом; 3) фан номзоди илмий даражаси тасдиқланган мутахассис.

Фан тармоғи – муайян белгилар асосида моҳиятан бир-бирига яқин ихтисосликлар гуруҳи (ихтисосликлар)нинг тегишли фан тармоғи бўйича гуруҳланиши.

Фан тармоғи шифри (рақами) – олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар ихтисосликлари рўйхатидаги муайян фан тармоғининг фан тармоқлари таркибида рақамланган тизимидаги тартиб рақами.

Халқаро илмий анжуман (конференция, симпозиум) материаллари – диссертация тадқикоти жараёнида олинган илмий янгилик ва амалий натижаларнинг халқаро илмий анжуман материаллари (маърузалар тезислари, илмий мақолалар тўплами ва б.) таркибида чоп этилган (этиладиган) материал.

Хизмат сири – ҳимоя қилинишининг алоҳида тартиби белгиланган фуқаролик ҳуқуқи объектларидан бири. ... Ахборот қуйидаги ҳолларда хизмат сири деб саналиши мумкин: ахборот учинчи шахсларга маълум эмаслиги; қонуний асосларда мазкур ахборот билан танишишга рухсат берилмаганлиги; ахборот эгаси уни сир тутиш учун чора-тадбирлар кўргани[1].

Хорижий давлатда илмий даража олгани тўғрисидаги ҳужжат – хорижий давлатларда олий ўқув юртидан кейинги таълим асосида тегишли талабларни бажарган изланувчига илмий даража берилганини тасдиқлайдиган расмий ҳужжат (диплом).

Ҳужжат – ҳуқуқни тасдиқлайдиган, қандайдир ҳолатга гувоҳлик берадиган иш қоғози бўлиб, исботнинг манбаларидан бири ҳисобланади. Ҳужжат аниқ мазмуни мавжуд бўлган ахборотни сақлаш ва етказиш учун вужудга келади, зарур реквизитлар: штамп, имзо, муҳр, сана, тартиб рақами ҳужжатнинг элементларидан ҳисобланади, аниқ фактларни тасдиқлайдиган (маълумотно-

[1] Ўзбекистон юридик энциклопедияси. Тошкент: Адолат. 2010. 509-бет.

ма, гувоҳнома, далолатнома ва ҳ.к.) ёки шахс мақомини белгилаб берадиган (паспорт, лицензия, ташкилот устави ва ҳ.к.) ҳужжатлар бир-биридан фарқ қилади[1].

Чет эл фуқароси – айни мамлакат фуқароси бўлмаган ва ўзининг чет давлат фуқаролигига мансублигини исботловчи далиллари бўлган шахс[2].

Шарҳ – жамият тараққиёти учун муҳим аҳамият касб этадиган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни, шунингдек, баҳсга лойиқ асарлар, ғоялар, фикрлар ва таърифларни изоҳловчи, муайян масалалар ечимини кўрсатувчи кенг оммага мўлжалланган қўшимча адабиёт сифатида фойдаланиладиган нашр[3].

Шикоят – фуқароларнинг бузилган ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини тиклаш тўғрисидаги талаби баён этилган мурожаати[4].

Эксперт – тегишли ҳужжатлар (диссертация ва б.) моҳияти ва амалга оширилган аттестация тадбирларининг кўзда тутилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар талабларига мувофиқлигига хулоса берувчи мутахассис (мутахассислар гуруҳи, илмий-ташкилий тузилма, ташкилот).

Экспертиза – 1) тегишли ҳужжатлар моҳияти ва амалга оширилган аттестация тадбирларининг кўзда тутилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар талабларига мувофиқлигини эксперт томонидан ўрганиб чиқиш ва ёзма хулоса бериш; 2) илмий экспертиза ва норматив-техник экспертиза иборалариниг умумий таҳрирда ифодаланиши.

---

[1] Ўзбекистон юридик энциклопедияси. Тошкент: Адолат. 2010. 640-бет.

[2] Юридик атамалар қомусий луғати. Тошкент: Шарқ НМК Бош таҳририяти. 2003. 369-бет.

[3] Олий таълим меъёрий ҳужжатлар тўплами, 2-қисм. Тошкент: Шарқ НМК Бош таҳририяти. 2003. 398-бет.

[4] Ўзбекистон Республикасининг «Фуқаролар мурожаатлари тўғрисида» ги қонуни.

Экспертиза нохолислиги – тегишли норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар талабларини эътиборга олмасдан (қисман олмасдан) муайян масалага берилган эксперт хулосаси.

Экспертиза сифати – экспертиза (илмий экспертиза, меъёрий-техник экспертиза) натижаларининг тегишли норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар талабларига мувофиқлиги.

Электрон дарслик – компьютер технологиясига асосланган ўқув услубини қўллашга, мустақил таълим олишга ҳамда фанга оид ўқув материаллари, илмий маълумотларнинг ҳар томонлама самарали ўзлаштирилишига мўлжалланган бўлиб: ўқув ва илмий материаллар фақат вербал (матн) шаклда; ўқув материаллар вербал (матн) ва икки ўлчамли график шаклда; мультимедиа (multimedia – кўп ахборотли) қўлланмалар, яъни маълумот уч ўлчамли график кўринишида, овозли, видео, анимация ва қисман вербал (матн) шаклда; тактил (ҳис қилувчи, сезиладиган) хусусиятли, ўқувчини «экран олами»да стерео нусхаси тасвирланган реал оламга кириши ва ундаги объектларга нисбатан ҳаракатланиш тасаввурини яратадиган шаклда ифодаланади[1].

Самаркандский государственный медицинский институт	–	Самарқанд давлат тиббиёт институти
Самаркандский государственный университет	–	Самарқанд давлат университети
Самаркандский институт экономики и сервиса	–	Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти
Самаркандский сельскохозяйственный институт	–	Самарқанд қишлоқ хўжалиги институти
Сингапурский институт развития менеджмента в городе Ташкенте	–	Тошкент шаҳридаги Сингапур менежментни ривожлантириш институти
Ташентский фармацевтический институт	–	Тошкент фармацевтика институти
Ташкентская медицинская академия	–	Тошкент тиббиёт академияси
Ташкентский автомобильно-дорожный институт	–	Тошкент автомобиль-йўллар институти
Ташкентский архитектурно-строительный институт	–	Тошкент архитектура-қурилиш институти
Ташкентский государственный аграрный университет	–	Тошкент давлат аграр университети
Ташкентский государственный институт востоковедения	–	Тошкент давлат шарқшунослик институти
Ташкентская государственная высшая школа национального танца и хореографии	–	Тошкент давлат миллий рақс ва хореография олий мактаби
Ташкентский государственный педагогический университет	–	Тошкент давлат педагогика университети

Ташкентский государственный технический университет	–	Тошкент давлат техника университети
Ташкентский государственный экономический университет	–	Тошкент давлат иқтисодиёт университети
Ташкентский государственный юридический институт	–	Тошкент давлат юридик институти
Ташкентский институт инженеров железнодорожного транспорта	–	Тошкент темир йўл транспорти муҳандислари институти
Ташкентский институт ирригации и мелиорации	–	Тошкент ирригация ва мелиорация институти
Ташкентский институт текстильной и легкой промышленности	–	Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти
Ташкентский институт усовершенствования врачей	–	Тошкент врачлар малакасини ошириш институти
Ташкентский Исламский университет	–	Тошкент Ислом университети
Ташкентский научно-исследовательский институт вакцины и сыворотки	–	Тошкент вакцина ва зардоблар илмий-тадқиқот институти
Ташкентский областной государственный педагогический институт	–	Тошкент вилояти давлат педагогика институти
Ташкентский педиатрический медицинский институт	–	Тошкент педиатрия тиббиёт институти
Ташкентский университет информационных технологий	–	Тошкент ахборот технологиялари университети
Ташкентский филиал Российского экономического университета	–	Россия иқтисодиёт университетининг Тошкент филиали
Ташкентский финансовый институт	–	Тошкент молия институти

Ташкентский химико-технологический институт	–	Тошкент кимё-технология институти
Термезский государственный университет	–	Термиз давлат университети
Туринский политехнический университет в городе Ташкенте	–	Тошкент шаҳридаги Турин политехника университети
Узбекская государственная консерватория	–	Ўзбекистон давлат консерваторияси
Узбекский государственный институт искусства и культуры	–	Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти
Узбекский государственный институт физической культуры	–	Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия институти
Узбекский государственный университет мировых языков	–	Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети
Узбекский научно-исследовательский институт педагогики (Министерство народного образования Республики Узбекистан)	–	Ўзбекистон педагогика фанлари илмий-тадқиқот институти (Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги)
Узбекский научно-исследовательский институт хлопководства (Узбекский научно-производственный центр сельского хозяйства)	–	Ўзбекистон Пахтачилик илмий-тадқиқот институти (Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги илмий-ишлаб чиқариш маркази)
Узбекский научно-производственный центр сельского хозяйства	–	Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги илмий-ишлаб чиқариш маркази
Узбекское агентство интеллектуальной собственности	–	Ўзбекистон Интеллектуал мулк агентлиги
Узбекское агентство по стандартизации, метрологии и сертификации	–	Ўзбекистон Стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлиги

Университет мировой экономики и дипломатии	–	Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети
Ургенчский государственный университет	–	Урганч давлат университети
Ферганский государственный университет	–	Фарғона давлат университети
Ферганский политехнический институт	–	Фарғона политехника институти
Физико-технический институт (Академия наук Республики Узбекистан)	–	Физика-техника институти (Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси)
Филиал Московского государственного университета в городе Ташкенте	–	Москва давлат университетининг Тошкент шаҳридаги филиали
Филиал Российского университета нефти и газа в городе Ташкенте	–	Россия нефть ва газ университетининг Тошкент шаҳридаги филиали
Хорезмская Академия Маъмуна	–	Хоразм Маъмун Академияси
Центр геномики и биоинформации (Академия наук Республики Узбекистан. Министерство сельского и водного хозяйства Республики Узбекистан)	–	Геномика и биоинформация маркази (Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги)
Центральный банк Республики Узбекистан	–	Ўзбекистон Республикаси Марказий банки
Центральный институт повышения квалификации и переподготовки работников народного образования (Министерство народного образования Республики Узбекистан)	–	Халқ таълими ходимларининг малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш марказий институти (Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги)

IV боб

ОЛИЙ МАЛАКАЛИ ИЛМИЙ ВА ИЛМИЙ-ПЕДАГОГ КАДРЛАР ДАВЛАТ АТТЕСТАЦИЯСИГА ОИД ТАДБИРЛАР

Истиқлолнинг илк кунларидан бошлаб мамлакатимизда таълим-тарбия, илм-фан соҳалари, жумладан, олий ўқув юртидан кейинги таълимни замонавий асосда ташкил этиш ва давлат томонидан қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратилди.

Мазкур жараёнда олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлардавлататтестацияситадбирлари(аттестациятадбирлари)[1]ни ташкил этиш ва сифатини оширишга алоҳида аҳамият берилиб, баркамол авлодни тарбиялаш, таълим-тарбия ишлари сифатини кескин ошириш ва ёш олимларни қўллаб-қувватлаш ишлари муҳим вазифалардан бири этиб белгиланди. «Биз фарзандларимизнинг нафақат жисмоний ва маънавий соғлом ўсиши, балки уларнинг энг замонавий интеллектуал билимларга эга бўлган, уйғун ривожланган инсонлар бўлиб, XXI аср талабларига тўлиқ жавоб берадиган баркамол авлод бўлиб вояга етиши учун зарур барча имконият ва шароитларни яратишни ўз олдимизга мақсад қилиб қўйганмиз»[2].

Олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар давлат аттестацияси тадбирлари таркибида талабгорнинг илмий ва илмий-педагогик фаолиятга лаёқатини аниқлаш бўйича тест синовларини ўтказиш, илмий маслаҳатчилик, диссертация мавзуи, малакавий имтиҳонлари, нашр ишлари, илмий натижаларни амалиётга жорий қилиш, апелляция ва тегишли ҳужжатларни расмийлаштириш кабилар муҳим ўрин тутади.

---

[1] *Олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар давлат аттестацияси тадбирлари (аттестация тадбирлари)* – олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар давлат аттестациясига оид барча аттестация тадбирларининг умумий номланиши.

[2] *Каримов И.А.* Асосий вазифамиз – Ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир. Тошкент: Ўзбекистон. 2010. 74-бет.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 24 июлдаги «Олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар тайёрлаш ва аттестациядан ўтказиш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида»ги 4456-сонли фармони билан талабгорнинг илмий ва илмий-педагогик фаолиятга лаёқатини аниқлаш бўйича тест синовларини ўтказишни назарда тутган ҳолда, фан доктори илмий даражасини олиш учун диссертация тадқиқотлари мавзуларини рўйхатдан ўтказиш талабларини кучайтириш белгиланган.

Талабгорнинг илмий ва илмий-педагогик фаолиятга лаёқатини аниқлаш бўйича тест синовлари. «Фан доктори илмий даражасини олиш учун ўтказиладиган диссертация тадқиқотлари мавзуларини рўйхатдан ўтказиш тартиби бўйича йўриқнома» ва «Талабгорларнинг илмий-тадқиқот ва илмий-педагогик фаолият олиб боришга лаёқатини аниқлаш бўйича тест синовларини ташкил этиш тартиби»да тест синовларини ташкил этишнинг тартибқоидалари белгилаб берилган.

Диссертация тадқиқотини олиб бормоқчи бўлган шахснинг тест синовларидан ўтиши қуйидаги тартибда амалга оширилади:



(1) диссертация тадқиқотини олиб бормоқчи бўлган шахс ёки диссертация тадқиқоти мавзуи тасдиқланиши кўзда тутилаётган муассаса Ўзбекистон Республикаси ОАКга мурожаат (ариза, хат) қилади;

(2) Ўзбекистон Республикаси ОАК шахсни тест сновларидан ўтказиш учун уни жамланма рўйхатга киритади ва тест синовларини ўтказиш учун таянч муассасага юборади;

(3) тест синовлари сессиялар шаклида ҳар ой ташкил этилади[1];

(4) тест синовлари натижаларига кўра шахсга гувоҳнома берилиб, кейинги барча жараёнларда бу гувоҳнома эътиборга олинади.

[1] Тест синовлари натижасига кўра, тегишли балл олмаган талабгор олти ойдан кейин синовлардан қайта ўтиши мумкин.

Талабгорларнинг илмий-тадқиқот ва илмий-педагогик фаолият олиб боришга лаёқатини аниқлаш бўйича тест синовларини ташкил этиш ҳуқуқига эга бўлган муассасалар ва комиссияларга баъзи услубий кўрсатмалар:

– диссертация мавзуи тасдиқланиши кўзда тутилаётган муассаса Ўзбекистон Республикаси ОАКнинг электрон манзилига йўлланма хат билан мурожаат қилади (хатга бир ёки бир неча нафар талабгор киритилиши мумкин). Талабгорнинг ўзи ҳам ариза билан мурожаат қилиши мумкин (бунда у ўз аризасини диссертация мавзуи тасдиқланиши кўзда тутилаётган муассаса электрон почтаси орқали жўнатиши мақсадга мувофиқ). Талабгорлар ариза ёки хат жўнатилгандан кейин тест синовларини ўтказиш учун тест синовларини ташкил этиш ҳуқуқига эга бўлган тегишли муассасага шахсини тасдиқловчи фуқаролик паспорти билан мурожаат қилишлари мумкин;

– Ўзбекистон Республикаси ОАК ариза ва йўлланма хат асосида тегишли жамланма рўйхатни тест синовларини ташкил этиш ҳуқуқига эга тегишли муассаса электрон манзилига йўллайди (электрон ҳужжат айланиши асосида);

– тест синовларини ташкил этиш ҳуқуқига эга бўлган ҳар бир муассасада талабгорларни рўйхатга олиш китоби юритилади;

– ушбу рўйхатга олиш китоби белгиланган тартибда рақамланади, шнурланади ва муҳрланади ҳамда муассаса раҳбарияти томонидан имзоланади;

– тест синовларини ташкил этиш ҳуқуқига эга бўлган ҳар бир муассаса Ўзбекистон Республикаси ОАК жамланма рўйхатига киритилган талабгорларни рўйхатга олиш китобида ҳисобга олиб боради. Талабгорларга тегишли барча маълумотлар ушбу рўйхатга олиш китобига киритиб борилади (рўйхатга олиш, тест синовлари ўтказилган сана ва натижаси, гувоҳнома берилган сана, гувоҳномани олганлик тўғрисида талабгорнинг имзоси). Маълумотлар тест синовларини ўтказувчи комиссия илмий котиби томонидан киритилади;

– талабгорларга тест синовлари натижасига кўра бериладиган гувоҳнома муассаса кадрлар бўлими томонидан тўлдирилади ва топширилади;

– рўйхатга олиш китоби ва тест синовларини ўтказувчи комиссия баённомалари муассаса кадрлар бўлими масъуллигида сақланади.

Талабгорлар ва муассасалар талабгорларнинг илмий-тадқиқот ва илмий-педагогик фаолият олиб боришга лаёқатини аниқлаш бўйича тест синовларидан ўтказиш рўйхатига киритиш учун Ўзбекистон Республикаси ОАКга 4.1- ва 4.2-хат намуналари ва 4.1-хат намунасига илова (жадвал) асосида мурожаат қиладилар.

Эслатма: талабгорнинг фамилияси, исми ва отасининг исми унинг шахсини тасдиқловчи фуқаролик паспортига айнан равишда расмийлаштирилиши зарур. Чунки, тест синовларини рўйхатга олиш натижалари ва ундан кейинги аттестация жараёнлари ягона электрон база асосида амалга оширилади.

Шунингдек, барча ҳужжатлар электрон ҳужжат айланиши асосида тақдим этилади ва кабул қилиб олинади.

Илмий маслаҳатчилик. Олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар давлат аттестацияси тадбирлари таркибида илмий маслаҳатчи[1]лик муҳим аҳамият касб этади. Олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрларни сифатли тайёрлаш, илмий-тадқиқот фаолиятини самарали ташкил қилиш, илмий салоҳиятни мустаҳкамлаш, иқтидорли ёшларни илмий-тадқиқот фаолиятига кенг жалб қилиш ва уларнинг таълим-тарбияси билан бевосита шуғулланиш ҳамда ушбу жараёнлар билан боғлиқ ишлар сифатини оширишда улар жуда муҳим ўрин тутади. Чунки, «фан тараққиёти ҳамма вақт ёш авлодга таянади. Олимнинг нуфузи эса

[1] *Илмий маслаҳатчи* – фан доктори илмий даражасига ва илмий маслаҳатчилик қилиш ҳуқуқига эга бўлиб, ваколатли муассасанинг кенгаши қарори билан муайян изланувчига илмий маслаҳатчи сифатида тасдиқланган (тасдиқланадиган) ва бу ҳақдаги маълумот олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар давлат аттестациясига ваколатли давлат органи нашрида эълон қилинган (қилинадиган) мутахассис. Таъкидлаш керакки, тегишли норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга кўра илмий маслаҳатчилар «фаол илмий ва илмий-педагогик фаолият олиб бораётган, шу жумладан, давлат илмий-техник дастурлари доирасида илмий-техник лойиҳаларни амалга оширишда иштирок этаётган фан докторлари ҳисобидан тасдиқланади»;

4.1-хат намунаси

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси
ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси
раиси _____га

Ўзбекистон Миллий университети қуйидаги талабгорларнинг илмий-тадқиқот ва илмий-педагогик фаолият олиб боришга лаёқатини аниқлаш учун уларни тест синовларидан ўтувчилар рўйхатига киритишни сўрайди (жами ____ нафар).

Илова: __ варак.

Муассаса раҳбари

4.2-хат намунаси

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси
ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси
раиси _____га

Ф.И.О. *(паспорт асосида тўлиқ кўрсатилади)* илмий-тадқиқот ва илмий-педагогик фаолият олиб боришга лаёқатимни аниқлаш бўйича тест синовларидан ўтувчилар рўйхатига киритишни сўрайман.

_____ *(ташкилот номи)*да _____ лавозимида фаолият кўрсатаман, _____ фанлари бўйича диссертация тадқиқотини олиб бормоқчиман.

Мен ____ йилда _____ *(ОТМ номи)*нинг бакалавриат ёки магистратурасини _____ мутахассислиги бўйича тугатганман.

Мулоқот телефонлари: _____ (*иш, уй, уяли*).

Имзо
Сана

4.1-хат намунасига илова

Ўзбекистон Миллий университетининг
_____ йилдаги _____ сонли хатига илова

Т/р	Ф.И.О. (паспорт бўйича тўлиқ)	Иш жойи, лавозими	Тугатган ОТМ номи, йили, босқичи (бакалавриат ва бошқ.) Мутахассислиги	Мулокот телефонлари (код кўрсатилган ҳолда)
	_____ фанлари бўйича (талабгор диссертация тадқикотини олиб бормокчи бўлган фан тармоғи):			
	_____ фанлари бўйича (талабгор диссертация тадқикотини олиб бормокчи бўлган фан тармоғи):			

Ф.И.О. имзо

ўзига шогирд тайёрлаш, муносиб ўринбосар етиштириш билан баҳоланади»[1].

Илмий маслаҳатчини тасдиқлаш ҳамда унинг масъулияти ва вазифалари юзасидан услубий-ташкилий жиҳатдан қуйидаги уч масалани таъкидлаб ўтиш керак: *биринчидан,* тажрибанинг кўрсатишича, шунингдек, диссертация мавзуини шакллантиришнинг янги тартиби асосида илмий маслаҳатчи асосан қуйидаги 4 ҳолатдан келиб чиққан ҳолда тасдиқланиши мумкин: а) узлуксизлик тамойили негизида бакалавр ва магистрларга илмий маслаҳатчиликни давом эттириш асосида; б) илмий маслаҳатчи ўзига шогирд танлаши асосида; в) тадқиқотчи томонидан илмий маслаҳатчининг танланиши асосида; г) тегишли тузилма ёки кенгаш томонидан илмий маслаҳатчиликка тавсия этиш асосида. Таъкидлаш керакки, илмий маслаҳатчилар «фаол илмий ва илмий-педагогик фаолият олиб бораётган, шу жумладан, давлат илмий-техник дастурлари доирасида илмий-техник лойиҳаларни амалга оширишда иштирок этаётган фан докторлари ҳисобидан тасдиқланади»;

иккинчидан, илмий маслаҳатчи қатор талабларга, жумладан, қуйидаги касбий талаб ва инсоний фазилатларга эга бўлиши керак: фан доктори илмий даражасига эга бўлган; тегишли фан йўналиши бўйича етук мутахассис бўлган; фаол илмий ва илмий-педагогик фаолият олиб бораётган; илмий ишлари эълон қилинган; шогирдлар билан ишлаш қобилиятига эга; талабчан, мақсадга интилувчан ва янгиликни қўллаб-қувватлайдиган мутахассис;

учинчидан, ҳар бир олим учун илмий маслаҳатчи бўлиш шарафли вазифа бўлиши билан бирга, ундан жуда катта масъулият талаб этади. Чунки, илмий маслаҳатчи ўзига юклатилган, жумладан, қуйидаги вазифаларга алоҳида масъулият билан ёндашиши зарур: диссертация мавзуи ва ишнинг мақсадини асослаш; диссертация таркибини шакллантиришга ғоявий раҳбарлик қилиш; танланган ихтисослик бўйича назарий-методологик курс дастури-

---

[1] *Каримов И.А.* Биздан озод ва обод Ватан қолсин. Асарлар, 2-жилд. Тошкент: Ўзбекистон. 1996. 262-бет.

га[1] мувофиқ назарий-методологик курснинг ўқув режасини ишлаб чиқиш ва уни малакали ўзлаштиришга услубий ёрдам кўрсатиш; диссертация тадқиқотида қўлланаётган методологик-услубий ёндашув, усул ва олинаётган хулосаларнинг асослилиги бўйича йўл-йўриқлар бериш; шогирдда туғилган ғояларни вақтида тўғри баҳолаб, энг мақбулларини қўллаб-қувватлаш; илмий натижаларни амалиётга жорий қилиш бўйича йўл-йўриқлар бериш; изланувчи томонидан ишлаб чиқиладиган диссертацияни тайёрлашнинг якка тартибдаги режасига ғоявий раҳбарлик қилиш ва услубий ёрдам кўрсатиш; ихтисослиги доирасида шогирдининг малакавий даражасини ошириш бўйича ўқув ишларини олиб бориш; диссертацияга ўз вақтида малакали хулоса бериш; шогирднинг баркамол инсон бўлиб етишишига муносиб ҳисса қўшиш.

Амалга оширилаётган чора-тадбир натижавийлиги кўп жиҳатдан илмий маслаҳатчини тасдиқлаш ишларига боғлиқдир. Зеро, мазкур тадбир юқорида кўрсатиб ўтилган мезоний талабларнинг нечоғлик бажарилишини расмий тасдиқлаш билан боғлиқ. Услубий-ташкилий жиҳатдан илмий маслаҳатчини тасдиқлаш ишлари қуйидаги услубий-ташкилий кетма-кетликда амалга оширилади (4.1-расм).

Илмий маслаҳатчини тасдиқлаш жараёнида қуйидаги тўрт ҳолатга алоҳида эътибор бериш зарур: *биринчидан,* мавзу унинг томонидан докторлик диссертациялари маълумотлар базасига киритилган бўлиши керак (ташаббус мавзулар бундан мустасно); *иккинчидан,* мутахассиснинг ўзи илмий маслаҳатчи бўлишга ёзма равишда розилик бериши керак; *учинчидан,* илмий маслаҳатчи бир вақтнинг ўзида фан доктори илмий даражасини олиш юзасидан тадқиқотлар олиб бораётган 3 нафар изланувчига (катта илмий

[1] «Назарий-методологик дастур методологиянинг умумий концепцияси ва масалаларини, ихтисосликнинг назарий асосларини ва илмий тадқиқотлар усулларини ўз ичига олади. Назарий-методологик дастур катта илмий ходим-изланувчи ва мустақил изланувчи томонидан ўқишнинг биринчи йили мобайнида илмий маслаҳатчининг методологик-услубий ёрдамида ўзлаштирилади. Назарий-методологик дастур ва Диссертацияни тайёрлашнинг якка тартибдаги режаси шахс ўқишга қабул қилинган кунидан бошлаб бир ой муддат ичида ОТМ ёки ИТМ илмий кенгаши томонидан тасдиқланади».

ходим-изланувчи, мустақил изланувчи) илмий маслаҳатчи бўлиши мумкин (4.1-жадвал); *тўртинчидан,* диссертация тадқиқотини туташ ихтисосликлар асосида олиб бораётган изланувчига илмий маслаҳатчи сифатида кенгаш қарори, шунингдек, олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар давлат аттестациясига ваколатли давлат органининг рухсати билан 2 нафар илмий маслаҳатчи тасдиқланиши мумкин.

Илмий маслаҳатчилар фаол илмий ва илмий-педагогик фаолият олиб бораётган фан докторлари ҳисобидан тасдиқланади
а) олий таълим ёки илмий-тадқиқот муассасасининг кенгаши қарори билан илмий маслаҳатчини тасдиқлаш
б) илмий маслаҳатчи шахсини Ўзбекистон Республикаси ОАК нашрида эълон қилиш

4.1-р а с м . Илмий маслаҳатчини тасдиқлаш ишларининг услубий-ташкилий кетма-кетлиги

4.1-жадвал

Илмий маслаҳатчиликка рухсат беришнинг баъзи талаблари

Меъёрий мезон		*Меъёрий талаблар*
Илмий даражаси		Фан доктори
Илмий унвони		Илмий унвони бўлиши мақсадга мувофиқ
Бир вақтнинг ўзида	*меъёр*	3 нафардан кўп бўлмаган изланувчи (катта илмий ходим-изланувчи, мустақил изланувчи)га илмий маслаҳатчи бўлиши
	қўшимча	
	жами	
Илмий маслаҳатчиликда *тасдиқлаш*		Илмий кенгаш қарори
Илмий маслаҳатчи шахсини эълон қилиш		Илмий маслаҳатчининг шахсини Ўзбекистон Республикаси ОАК нашрида эълон қилиш

Жадвал муаллиф томонидан умумлаштирилган.

Шуни таъкидлаш керакки, диссертациянинг сифатли бажарилишини таъминлаш ва ихтисослашув даражасини ошириш мақсадида мутахассисга кўпи билан уч ихтисослик бўйича илмий маслаҳатчилик қилиш ҳуқуқини бериш мақсадга мувофиқ. Мазкур масалага мантиқий ёндашган ҳолда қуйидагилар асос қилиб олинган: (1) докторлик диссертацияси ихтисослиги; (2) илмий унвони тасдиқланган ихтисослиги; (3) бугунги кунда фаол илмий ва илмий-педагогик фаолият олиб бораётган йўналиши.

Илмий маслаҳатчи диссертация мавзуи асосида тадқиқотларни мақсадга тўғри йўналтириб бориб, сифатли диссертация тадқиқотини амалга оширишга ҳам ғоявий, ҳам илмий ва маънавий жиҳатдан раҳбарликни амалга оширади.

Таъкидлаш керакки, илмий маслаҳатчи бажарилган иш билан чуқур танишиб чиққандан сўнг ишни якунланган ва хулосалари асосланган деб ҳисобласа, уни ҳимояга тавсия этиб, диссертацияга уни баҳолаш мезонлари асосида ёзма хулоса бериши зарур. Илмий маслаҳатчининг диссертацияга берган хулосаси шартли равишда 4 қисмдан иборат бўлади:

(1) хулосанинг биринчи қисмида ишга умумий тавсиф берилиб, унда мавзунинг долзарблиги, мақсади, вазифалари ва бошқа жиҳатлари кўрсатилади;

(2) хулосанинг иккинчи қисмида низомлар талаблари асосида аттестация талаблари бажарилгани ҳамда диссертация ва автореферат мавжуд тартиб-қоидаларга мувофиқ ҳолда меъёрий-техник жиҳатдан тўғри расмийлаштирилгани келтирилади;

хулосанинг мазкур қисмида шогирди билан ихтисослик доирасида олиб борилган ўқув ишлари ва уларнинг натижалари ҳамда шогирднинг ижтимоий фаолияти қисқача тавсифланади;

(3) хулосанинг учинчи қисмида диссертациянинг моҳияти «диссертацияни баҳолаш мезонлари» асосида таҳлилий баҳоланади. Бунда «фан доктори илмий даражасини олиш учун тақдим этилган диссертация юқори малакали илмий иш бўлиши, унда муаллиф томонидан ўтказилган тадқиқотлар ва яратилган ишланмалар асосида муҳим ижтимоий-иқтисодий ва долзарб илмий ёки амалий муаммолар ҳал этилиши ёки илм-фан тегишли тармоғининг истиқболли йўналишини ривожлантириш учун муайян ютуқ си-

фатида баҳоланадиган янги назарий қоидалар комплекси ишлаб чиқилган бўлиши ёки жорий этилиши илм-фаннинг, техниканинг, ижтимоий-сиёсий соҳанинг ёки иқтисодиёт тармоғининг ривожланишига салмоқли ҳисса қўшадиган ечимлар ишлаб чиқилган бўлиши керак»[1];

(4) хулосанинг охирги қисмида диссертация якунланган иш сифатида баҳоланиб, ҳимояга тавсия этилади ва шогирди илмий даража олишга лойиқ эканлиги ҳақида хулоса берилади.

Докторлик диссертацияси (диссертация тадқиқоти) мавзуи (номи). Олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар давлат аттестацияси таркибида диссертациялар мавзуларини[2] фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мувофиқ ҳолда долзарб муаммолар илмий ечимига йўналтириш, мувофиқлаштириш, маълумотлар базасини шакллантириш, тасдиқлаш, рўйхатдан ўтказиш ва эълон қилиш алоҳида аҳамият касб этади.

Диссертациялар мавзуларини мамлакатимизда фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишлари негизида ижтимоий-иқтисодий соҳаларнинг долзарб муаммоларига йўналтириб бориш муассасалар кенгашлари ҳамда олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар тайёрлаш ва уларни аттестациядан ўтказишга ваколатли давлат органлари олдида турган муҳим вазифалардан бири ҳисобланади. Зеро, диссертация мавзуининг асосли танланиши илмий-тадқиқот ишлари сифати ва самарадорлигини оширишнинг асосий омилларидан биридир.

Шуни кўрсатиб ўтиш керакки, диссертациялар мавзуларини фан ва технологияларни ривожлантириш ҳамда ислоҳотларнинг устувор йўналишлари талаблари асосида манфаатдор бошқарув органлари ва истеъмолчи ташкилотлар буюртмалари асосида ёки улар билан келишилган ҳолда аниқлаш (бажариш) жуда катта ижтимоий-иқтисодий самара беради.

---

[1] «Олий ўқув юртидан кейинги таълимга қўйиладиган Давлат талаблари».

[2] *Докторлик диссертацияси (диссертация тадқиқоти) мавзуи (номи)* – диссертация (диссертация тадқиқоти) моҳиятининг аннотацион тарзда аниқ ва жуда қисқа шаклда ифодаланиши.

Мавзуларни долзарб муаммолар илмий ечимига йўналтириш, мувофиқлаштириш, маълумотлар базасини шакллантириш, тасдиқлаш ҳамда рўйхатдан ўтказиш ва эълон қилиш жараёнида қатнашувчи барча олим-мутахассислар мазкур масалага ўта масъулият билан ёндашишлари зарур. Зеро, «илмда ҳамжиҳатлик ва ҳамкорлик, туғилган янги ғояларни вақтида тўғри баҳолай билиш, энг мақбул ва самарали ғояларни қўллаб-қувватлаш олий фазилатдир. Бу – ижод кишисининг нуфузини оширадиган ноёб имконият»[1].

Юқоридагилар борасида қуйидаги услубий талабларнинг бажарилишига алоҳида аҳамият қаратиш зарур. Чунки, уларнинг амалга оширилиши, бир томондан, илмий жамоатчиликни тегишли аттестация тадбирлари билан мунтазам равишда бохабар қилиб бориш ва фаолият самарадорлигини оширишга имкон яратса, иккинчи томондан эса, диссертациялар сифати ва самарадорлигини оширишга хизмат қилади.

Услубий жиҳатдан диссертациялар мавзуларини шакллантириш, тавсия этиш, мувофиқлаштириш, экспертиза қилиш, маълумотлар базасига киритиш, тасдиқлаш ҳамда рўйхатдан ўтказиш ва эълон қилишни амалга оширишнинг умумий схемаси 4.2-расмда ва унинг ўзига хос хусусиятлари 4.2-жадвалда келтирилган.

Мавзуни шакллантиришда унинг олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар ихтисосликлари рўйхатига киритилган тегишли ихтисослик паспортининг моҳиятига мос бўлишига алоҳида эътибор қаратиш зарур.

Диссертация мавзуини танлашда ушбу йўналишда бажарилган илмий тадқиқотлар, ҳимоя қилинган ва бажарилаётган диссертациялар билан танишиб чиқишга эътибор бериш керак.

Диссертация мавзулари[2] юқорида таъкидланганидек, уларнинг катта илмий ходимлар-изланувчилар институти ёки мавжуд таклиф

---

[1] *Каримов И.А.* Биздан озод ва обод Ватан қолсин. Асарлар, 2-жилд. Тошкент: Ўзбекистон. 1996. 264-бет.

[2] Магистрлик диссертацияси асосида докторлик диссертациясини давом эттириш жуда муҳим ижтимоий-иқтисодий аҳамият касб этади.



4.2-р а с м. Докторлик диссертациялари мавзуларини шакллантириш, тавсия этиш, мувофиқлаштириш, маълумотлар базасига киритиш, тасдиқлаш ҳамда рўйхатдан ўтказиш ва эълон қилишнинг умумий схемаси

4.2-жадвал

Докторлик диссертациялари мавзуларини шакллантириш, тавсия этиш, мувофиқлаштириш, экспертиза қилиш, маълумотлар базасига киритиш, тасдиқлаш ҳамда рўйхатдан ўтказиш ва эълон қилишнинг ўзига хос хусусиятлари тўғрисида маълумот

№	Докторлик диссертациялари мавзулари			
	Асосий тадбирлар	Моҳияти		Амалга оширувчилар
1.	Шакллантириш	Етакчи олим-мутахассислар таклифи асосида		Етакчи олим-мутахассислар
		Шахсда мавзу бўйича таклиф мавжуд бўлганда		Шахс
2.	Тавсия этиш	Диссертациялар мавзулари лойиҳаларининг фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мувофиқлигини муҳокама қилиш ва экспертизадан ўтказиш	Кенгашга тавсия этиш	ОТМ/ИТМ тузилмаси
			Кенгашда эксперитизадан ўтказиш	ОТМ/ИТМ кенгаши
3.	Мувофиқлаштириш	ОТМ/ИТМ кенгаши тавсияси асосида диссертациялар мавзулари лойиҳаларини ўзи бўйсунувчи вазирлик ва идорага, докторлик диссертациялари мавзулари лойиҳаларини мувофиқлаштирувчи кенгашга тақдим этиш ва уларнинг розилиги асосида тегишли ҳужжатларни тайёрлаш.		Вазирлик/идора, мувофиқлаштирувчи кенгаш
4.	Экспертиза қилиш	ОТМ ёки ИТМ кенгаши тақдимотномаси асосида диссертациялар мавзулари лойиҳаларини ваколатли давлат органларида ўрганиб чиқиш ва мавзуларни докторлик диссертациялари		Фан ва технологияларни ривожлантиришни мувофиқлаш-

		мавзулари маълумотлар базаси (рўйхати)га киритишга хулоса бериш жараёни.	тириш қўмитаси, Ўзбекистон Республикаси ОАК
5.	Докторлик диссертациялари мавзулари маълумотлар базаси (рўйхати)га киритиш	Фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мувофиқ бўлган диссертациялар мавзуларини докторлик диссертациялари мавзулари маълумотлар базаси (рўйхати)га киритиш. Докторлик диссертациялари мавзулари маълумотлар базаси (рўйхати)га киритилган мавзуларни Фан ва технологияларни мувофиқлаштириш қўмитасининг интернет саҳифасида эълон қилиш.	Фан ва технологияларни ривожлантиришни мувофиқлаштириш қўмитаси
6.	Тасдиқлаш	Докторлик диссертациялари мавзулари маълумотлар базаси (рўйхати)га киритилган мавзулар таркибидаги мавзуни муайян изланувчига (катта илмий ходим-изланувчи, мустақил изланувчи) олий таълим ёки илмий-тадқиқот муассасаси кенгаши қарори билан тасдиқлаш.	ОТМ ёки ИТМ кенгаши
7.	Рўйхатдан ўтказиш	ОТМ/ИТМнинг тақдимотномаси асосида диссертация мавзуини олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар давлат аттестациясига ваколатли давлат органида кўрикдан ўтказиш асосида рўйхатга олиш.	Ўзбекистон Республикаси ОАК
8.	Эълон қилиш	Олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар давлат аттестациясига ваколатли давлат органида рўйхатга олинган мавзуни «Ўзбекистон Республикаси ОАК Бюллетени» журналида эълон қилиш.	Ўзбекистон Республикаси ОАК

Жадвал муаллиф томонидан тегишли норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар асосида тузилган.

(ташаббус) асосида шакллантирилиши юзасидан тегишли жараёнларнинг амалга оширилиши услубий-ташкилий жиҳатдан икки йўналишда амалга оширилади (4.3-жадвал, 4.3-расм).

Биринчи йўналиш, диссертация тадқиқотлари мавзуларини катта илмий ходимлар-изланувчилар институти асосида шакллантириш. Бу йўналишда услубий-ташкилий жиҳатдан қуйидаги тадбирлар амалга оширилади:

а) етакчи олим-мутахассис бўлган фан докторлари томонидан бажарилиши мақсадга мувофиқ бўлган мавзулар лойиҳаси шакллантирилиб, улар олий таълим ва илмий-тадқиқот муассасаларининг тегишли тузилмалари (кафедра, лаборатория ёки илмий семинарлар)да муҳокама қилинади ҳамда фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мувофиқ деб топилган мавзулар олий таълим ва илмий-тадқиқот муассасалари кенгашларига тавсия этилади;

б) мавзулар лойиҳалари олий таълим ва илмий-тадқиқот муассасаларининг кенгашларида экспертизадан ўтказилади;

в) мавзулар лойиҳалари олий таълим ва илмий-тадқиқот муассасалари томонидан ўзлари бўйсунадиган бошқарув органлари ва мувофиқлаштирувчи кенгашларга келишиш учун тақдим этилади;

г) бошқарув органлари ва мувофиқлаштирувчи кенгашлари билан келишилган мавзулар лойиҳалари олий таълим ва илмий-тадқиқот муассасалари томонидан Фан ва технологияларни ривожлантиришни мувофиқлаштириш Қўмитасига тақдим этилади;

д) тақдим этилган мавзулар Фан ва технологияларни ривожлантиришни мувофиқлаштириш Қўмитаси ва Ўзбекистон Республикаси ОАК томонидан экспертизадан ўтказилиб, уларни докторлик диссертациялари мавзулари маълумотлар базаси (рўйхати)га киритиш юзасидан хулоса берилади;

е) фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мувофиқ деб топилган мавзулар докторлик диссертациялари маълумотлар базаси (рўйхати)га киритилади[1];

---

[1] Фан ва технологияларни ривожлантиришни мувофиқлаштириш Қўмитаси ва Ўзбекистон Республикаси ОАК билан келишилган ҳолда мавзуга жузъий ўзгартиришлар киритиш мумкин.

4.3-жадвал

Докторлик диссертациялари мавзуларини шакллантириш, тавсия этиш, мувофиқлаштириш, экспертиза қилиш, маълумотлар базасига киритиш, тасдиқлаш ҳамда рўйхатдан ўтказиш ва эълон қилиш муддатлари тўғрисида маълумот

Асосий тадбирлар[1]	**Муддати**[2]	К.И.Х.-изланувчилар институти асосида	Шахснинг таклифи асосида
Етакчи олим-мутахассис бўлган фан докторлари томонидан бажарилиши максадга мувофиқ бўлган мавзулар лойиҳасини шакллантириш	1 апрелгача	+	
Мавзуни шахс томонидан таклиф этиш (мавзу бўйича илмий маъруза ва диссертация режасининг муфассал лойиҳаси билан бирга)			+
ОТМ ва ИТМнинг тегишли тузилмаларида мавзулар лойиҳаларини муҳокама қилиш. Фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мувофиқ деб топилган мавзуларни муассасалар кенгашига тавсия этиш	1 майгача	+	+
Диссертациялар мавзулари лойиҳаларини ОТМ ва ИТМнинг кенгашларида экспертизадан ўтказиш		+	+
Диссертациялар мавзулари лойиҳаларини ОТМ ва ИТМ томонидан ўзлари бўйсунувчи бошқарув органлари ва мувофиқлаштирувчи кенгашларга келишиш учун тақдим этиш	10 майгача	+	+

Бошқарув органлари ва мувофиқлаштирувчи кенгашлар билан келишилган мавзулар лойиҳаларини Фан ва технологияларни ривожлантиришни мувофиқлаштириш Қўмитаси (Қўмита)га тақдим этиш	15 майгача	+	+
Тақдим этилган мавзулар лойиҳаларини Қўмита ва Ўзбекистон Республикаси ОАК томонидан биргаликда кўриб чиқиш ҳамда уларни докторлик диссертациялари маълумотлар базаси (рўйхати)га киритиш юзасидан хулоса бериш	1 июнгача	+	+
Фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мувофиқ деб топилган мавзуларни Қўмита томонидан докторлик диссертациялари маълумотлар базаси (рўйхати)га киритиш[3]		+	+
Докторлик диссертациялари маълумотлар базаси (рўйхати)га киритилган мавзуларни Қўмитанинг интернет сайтида эълон қилиш		+	+
Катта илмий ходимлар-изланувчилар институтига қабул қилинган изланувчилар томонидан докторлик диссертациялари маълумотлар базаси (рўйхати)га киритилган мавзуларни танлаш ҳамда мазкур мавзулар бўйича илмий маърузалар ва диссертация режаларининг муфассал лойиҳасини тайёрлаш	Тегишли муддатлар	+	+
ОТМ ва ИТМ кенгашлари қарори билан катта илмий ходим-изланувчилар ва мустақил изланувчиларга докторлик диссертациялари мавзуи ва илмий маслаҳатчиларни тасдиқлаш	25 декабргача	+	+

Докторлик диссертациялари мавзуларини рўйхатдан ўтказиш ва эълон қилиш учун тегишли ҳужжатларни ОТМ ва ИТМ кенгашлари қарори билан мавзулар тасдиқланган кундан бошлаб 5 иш куни ичида Ўзбекистон Республикаси ОАКга тақдим этиш		31 декабргача	+	+
Ўзбекистон Республикаси ОАКда докторлик диссертациялари мавзуларини рўйхатга олиш ва эълон қилиш	норматив-техник экспертизадан ўтказиш	Ўзбекистон Республикаси ОАК Раёсатининг навбатдаги мажлиси асосида	+	+
	рўйхатга олиш		+	+
	эълон қилиш		+	+
Олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар тайёрлаш ва аттестациядан ўтказишга ваколатли давлат органлари ҳамда ОТМ ва ИТМ кенгашлари томонидан диссертациялар мавзулари мониторингини ташкил этиш		Мавзу рўйхатга олингандан бошлаб	+	+
Йил якунлари бўйича Ўзбекистон Республикаси ОАК томонидан рўйхатга олинган докторлик диссертациялари мавзулари бўйича мониторинг натижалари бўйича таҳлилий маълумотномани «Ўзбекистон Республикаси ОАК Бюллетени» журналида мунтазам равишда эълон қилиб бориш		Журналнинг навбатдаги сони	+	+

Жадвал муаллиф томонидан умумлаштирилган.

[1] Асосий тадбирлар Олий ўқув юртидан кейинги таълим тўғрисидаги низом ва Ўзбекистон Республикаси ОАК Илмий даражалар бериш тартиби тўғрисидаги низом талаблари асосида келтирилган.

[2] Муддатлар тегишли ваколатли давлат органлари томонидан белгиланади (жадвалда келтирилган муддатлар 15 майга нисбатан олинган).

[3] Фан ва технологияларни ривожлантиришни мувофиқлаштириш Қўмитаси ва Ўзбекистон Республикаси ОАК билан келишилган ҳолда мавзуга жузъий ўзгартиришлар киритиш мумкин.

4.3-р а с м. Докторлик диссертацияларини шакллантириш – рўйхатга олиш, эълон қилиш схемаси

ё) катта илмий ходимлар-изланувчилар институтига қабул қилинган изланувчи томонидан мазкур маълумотлар базасига киритилган тегишли мавзу танланиб, у бўйича илмий маъруза ва диссертация режасининг муфассал лойиҳаси тайёрланади;

ж) олий таълим ёки илмий-тадқиқот муассасасининг кенгаши қарори билан аниқ катта илмий ходим-изланувчига мавзу ва илмий маслаҳатчи тасдиқланади;

з) олий таълим ёки илмий-тадқиқот муассасасининг кенгаши қарори билан диссертация мавзуи тасдиқланган кундан бошлаб 5 иш куни ичида тегишли ҳужжатлар Ўзбекистон Республикаси ОАКга мавзуни рўйхатдан ўтказиш ва эълон қилиш учун тақдим этилади.

Иккинчи йўналиш, диссертация мавзуи бўйича шахснинг таклифи (ташаббуси) мавжудлиги асосида. Ушбу йўналишда услубий-ташкилий жиҳатдан тегишли тадбирлар биринчи йўналишнинг «а-з» бандлари асосида амалга оширилиб, қуйидаги ўзига хос хусусиятларга эга: олий таълим ва илмий-тадқиқот муассасасининг тегишли тузилмасида (кафедра, лаборатория ёки илмий семинар) диссертация мавзуи бўйича таклиф билан бир қаторда мавзу бўйича илмий маъруза ва диссертация режасининг муфассал лойиҳаси ҳам муҳокамадан ўтказилади ва кенгашга тавсия этилади.

Шуни таъкидлаш керакки, юқорида келтирилган йўналишларда тасдиқланган диссертация мавзуига зарур ҳолларда кейинчалик тегишли ўзгартиришлар киритилиши шароитида қуйидаги масалаларга алоҳида эътибор бериш зарур:

Масалалар	ОТМ/ИТМ кенгашида қайта кўриш ва тасдиқлаш	Мавзуни қайта рўйхатга олиш ва эълон қилиш
Диссертация мавзуи ўзгартирилса	+	+
Диссертация мавзуи тубдан таҳрир қилинса	+	+
Диссертация шифри ўзгартирилса	+	+
Илмий маслаҳатчи ўзгартирилса	+	+
Иккинчи илмий маслаҳатчи тасдиқланса	+	+
Иш бажарилаётган муассаса ўзгартирилса	+	+

Юқорида таъкидланганидек, олий таълим ва илмий-тадқиқот муассасасининг кенгаши қарори билан диссертация мавзуини тасдиқлаш бўйича қарор қабул қилинган кундан бошлаб 5 иш куни ичида тегишли ҳужжатлар Ўзбекистон Республикаси ОАКга мавзуни рўйхатдан ўтказиш ва эълон қилиш учун тақдим этилиши керак. Бунда тегишли муассаса Ўзбекистон Республикаси ОАКга қуйидаги мазмундаги йўлланма хат намунаси (4.3) билан мурожаат қилади.

4.3-хат намунаси

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси раиси _____га

Муассаса *(номи)* кенгашининг қарори билан Ф.И.О. (*тўлиқ кўрсатилади*)нинг докторлик диссертацияси мавзуи докторлик диссертациялари маълумотлар базаси асосида ва унинг илмий маслаҳатчиси тасдиқланди. Шу муносабат билан изланувчининг диссертация мавзуини рўйхатдан ўтказиш ва мавзунинг қуйидаги таҳрирдаги эълон матнини нашр этишни ташкил қилишингизни сўраймиз.

Эълон матни:

Ф.И.О. (*тўлиқ кўрсатилади*): «Диссертация мавзуи» (02.00.00., кимё фанлари)

Илмий маслаҳатчи: *(илмий даражаси, Ф.И.О.)*

Иш бажарилаётган муассаса: _____

Қўшимча маълумотлар:

– изланувчи (ОТМ номи)нинг магистратурасини (сана) ёки бакалавриатини (м-н: 2003 й.) тугатган ёки кимё фанлари номзоди (сана, м-н.: 30.12.2006 й.);

– катта илмий ходимлар-изланувчилар (мустақил изланувчилик) институтига қабул қилинган (буйруқ санаси ва рақами);

– мавзу докторлик диссертациялари мавзулари маълумотлар базасига киритилган (сана ва рақами).

Муассаса раҳбари

Диссертация тадқиқотларининг мақсадга йўналтирилганини таъминлаш, мавжуд илмий салоҳият ва бошқа имкониятлардан унумли фойдаланиш ҳамда олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар давлат аттестацияси сифатини оширишда диссертациялар мавзулари мониторинги[1] муҳим аттестация тадбирларидан бири ҳисобланади. Диссертациялар мавзулари мониторингини ташкил қилиш услубий-ташкилий жиҳатдан, жумладан, қуйидаги йўналишларда амалга оширилади:

диссертация тадқиқотлари мавзуларини фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мувофиқ ҳолда иқтисодий-ижтимоий ва бошқа соҳалар муаммоларини ҳал қилишга йўналтирилиши;

мавжуд илмий салоҳиятдан самарали фойдаланиш;

мавзуларни истиқбол вазифалардан келиб чиққан ҳолда мақсадга йўналтириб бориш ва мувофиқлаштириш;

экспертиза даражаси;

мавзуларнинг ихтисосликлар кесимида бажарилиши ва уларнинг ҳимояси;

фаолият натижавийлигини ошириш юзасидан таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш, уларни амалга оширишни ташкил этиш;

ҳужжатларни норматив-техник талабларга риоя қилган ҳолда расмийлаштириш ишлари таҳлили;

таҳлилий-ахборот фаолиятини амалга ошириш.

Малакавий имтиҳонлар (имтиҳон)ни ташкил этиш. Олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар давлат аттестацияси

---

[1] *Мониторинг* – докторлик диссертациялари мавзулари мониторинги – докторлик диссертациялари мавзуларини фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мувофиқ шакллантириш, уларни маълумотлар базасига киритиш ҳамда тасдиқлаш, рўйхатга олиш, эълон қилиш ва диссертациялар ҳимоясини ўтказиш ишлари, шунингдек, замонавий талаблар асосида фаолият натижавийлигини ошириш борасида мақсадли тадбирларни ташкил этиш юзасидан тизимли равишда юритиладиган ташкилий-таҳлилий фаолият.

тадбирлари таркибида малакавий имтиҳонларни ташкил этиш[1] алоҳида ўрин тутади. Малакавий имтиҳонларни ташкил этиш ишлари тегишли низомлар[2] асосида тартибга солиниб, услубий жиҳатдан қуйидаги таркибий қисмларни қамраб олади: малакавий имтиҳон ва малакавий имтиҳон предмети; муассасага муайян малакавий имтиҳонни ташкил этиш ҳуқуқини бериш; малакавий имтиҳон фани, курси ва ихтисосликлари дастурларини ишлаб чиқиш (такомиллаштириб бориш) ва тасдиқлаш; малакавий имтиҳонларни қабул қилиш комиссиялари таркибини шакллантириш ва уларнинг фаолиятини ташкил этиш; ўқув-ташкилий тадбирларни амалга ошириш; изланувчилардан малакавий имтиҳонларни қабул қилиш ва уларнинг билимларини академик баҳолаш; малакавий имтиҳонларни ташкил этишнинг ижро назорати, таҳлилий фаолият ва белгиланган тартибда тегишли ишларни амалга ошириш.

Малакавий имтиҳон[3] давлат аттестацияси сифатини ошириш ҳамда диссертациялар илмий қиммати ва амалий аҳамиятини янада юксалтиришни замонавий талабларга мувофиқ ҳолда тубдан яхшилашга хизмат қилувчи фундаментал омиллардан биридир. Малакавий имтиҳонларни ташкил этишнинг асосини малака имтиҳони предмети[4] (фан, курс, ихтисослик) ташкил этади.

---

[1] *Малакавий имтиҳон (имтиҳонлар)ни ташкил этиш* – малакавий имтиҳонларни ташкил этиш ҳуқуқига эга бўлган муассасалар тизими ва имтиҳонларни қабул қилиш комиссияларини шакллантириш, улар фаолиятини йўлга қўйиш, услубий-дастурий таъминот ва таълим-тарбия ишларини амалга ошириш, имтиҳонларни қабул қилиш ҳамда ташкилий-назорат ва таҳлилий-ахборот жараёнининг яхлит тизими.

[2] *Фан доктори илмий даражасини берувчи илмий кенгаш тўғрисидаги низом*; Фан доктори илмий даражасини бериш тартиби тўғрисидаги низом; Илмий унвонлар бериш тартиби тўғрисидаги низом; Малакавий имтиҳонларни ўтказиш тартиби тўғрисидаги низом.

[3] *Малакавий имтиҳон* – малакавий имтиҳон предмети (фан, курс, ихтисослик) дастурида белгилаб берилан назарий билим ҳамда касбий тайёргарлик даражасини изланувчилар томонидан қай даражада ўзлаштирилганлигини синовдан ўтказиш ва баҳолашнинг ўқув-ташкилий усули.

[4] *Малакавий имтиҳон предмети (фани, курси, ихтисослик)* – изланувчиларнинг назарий билими ва касбий тайёргарлик даражасини академик баҳолаш шарт бўлган муайян умумилмий фан, курс ёки ихтисослик.

Фан доктори илмий даражасини олиш учун илмий тадқиқотлар олиб бораётган ҳамда илмий унвонлар олиш бўйича илмий ва илмий-педагогик фаолият олиб бораётган мутахассислар тегишли малакавий имтиҳонларни топширадилар (4.4-жадвал).

4.4-жадвал

Малакавий имтиҳонлар таркиби ва уларни қабул қилиш тўғрисида маълумот[1]

№	Малакавий имтиҳон предмети бўйича	Фан доктори илмий даражасини ва илмий унвонлар олиш учун илмий изланишлар олиб бораётган шахслар					
		Ўзбекистон Республикаси фуқаролари					чет эл фуқаролари
		аник ва табиий фанлар бўйича	ижтимоий-гуманитар фанлар бўйича	тиббиёт фанлари бўйича	иқтисодиёт фанлари бўйича	педагогика фанлари бўйича	
1.	Мустақиллик мафкураси ҳамда демократик жамият қуришнинг иқтисодий, ижтимоий-сиёсий, маънавий негизлари ва илмий асослари фани	–	+	–	+	+	–
2.	Ўзбекистоннинг энг янги тарихи фани	+	+	+	+	+	–
3.	Чет (инглиз, француз ёки немис) тили фани	+	+	+	+	+	–
4.	Ихтисослик	+	+	+	+	+	+
5.	Математик моделлаштириш ва математик статистика асослари курси	+	–	+	+	+	–

[1] Малакавий имтиҳонларни ўтказиш тартиби тўғрисидаги низом асосида муаллиф томонидан умумлаштирилган.

6.	Иқтисодиёт назарияси фани	–	–	–	+	–	–
7.	Умумий педагогика, педагогика ва таълим тарихи курси	–	–	–	–	+	–
8.	Магистрлик имтиҳони	Тегишли ҳолларда					–
9.	Қўшимча имтиҳон	Тегишли ҳолларда					–

1.	Диссертация тадқиқотини бажариш учун бошқа чет тилини билиш талаб қилинадиган ҳолларда иш бажарилган муассасанинг мурожаати асосида Ўзбекистон Республикаси ОАК рухсати билан малакавий имтиҳон тегишли чет тилидан топширилиши мумкин.
2.	Хорижий филология йўналишида тегишли фаолият олиб бораётган изланувчилар иккинчи чет тили фанидан малакавий имтиҳон топширишлари шарт.
3.	Фан доктори илмий даражасини олиш учун илмий изланишлар олиб бораётган изланувчиларнинг олий маълумоти ёки номзодлик диссертацияси соҳаси диссертация тайёрланаётган фан тармоғи йўналишига мувофиқ бўлмаса, ушбу фан тармоғига татбиқан умумилмий фан бўйича қўшимча малакавий имтиҳон (ёки имтиҳонлар) топширилади. Топширилиши керак бўлган имтиҳон (имтиҳонлар)ни Ўзбекистон Республикаси ОАК белгилайди.
4.	Қўшимча фанлар бўйича имтиҳонлар муайян фан тармоғи бўйича ихтисослашган етакчи олий таълим муассасаси учун Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги тасдиқлаган дастурлар асосида топширилади.
5.	Малакавий имтиҳонларни тегишли норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар талаблари асосида ташкил этишга мазкур имтиҳонларни ташкил этиш ҳуқуқига эга бўлган муассасалар раҳбарлари ва имтиҳонлар комиссиялари раислари масъулдир.
6.	Ижтимоий-гуманитар фанлар соҳасидаги илмий унвонлар олиш бўйича илмий ва илмий-педагогик фаолият олиб бораётган мутахассислар «Мустақиллик мафкураси ҳамда демократик жамият қуришнинг иқтисодий, ижтимоий-сиёсий, маънавий негизлари ва илмий асослари» фани бўйича махсус имтиҳон топширадилар.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов асарлари асосидаги «Мустақиллик мафкураси ҳамда демократик жамият қуришнинг иқтисодий, ижтимоий-сиёсий ва маънавий негизлари ҳамда илмий асослари» фани бўйича махсус имтиҳон[1] илмий даража ва унвонлар талабгорларининг ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий билим савияси ҳамда маънавиятини янада юксалтириш борасидаги чора-тадбирлар самарадорлигини ошириш, шунингдек, диссертация тадқиқотларини мамлакатимизнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши, жамиятимизни янгилаш, баркамол авлодни тарбиялаш ва Ватанимизнинг жаҳондаги нуфузини янада зиёда қилиш борасидаги ғоят масъулиятли вазифалар сари назарий-методологик жиҳатдан тўғри йўналтириш, диссертацияларнинг илмий қиммати ва амалий аҳамиятини кўтариш ҳамда олий малакали илмий-педагог кадрлар тайёрлаш ва уларни давлат аттестациясидан ўтказиш сифатини замонавий талабларга мувофиқ тубдан яхшилашга йўналтирилган.

Таъкидлаш жоизки, малакавий имтиҳонларни ўқув-услубий ва илмий-ташкилий жиҳатдан юқори савияда ташкил қилиш учун тегишли талабларга жавоб берган олий таълим ва илмий-тадқиқот муассасаларига уларни ташкил этиш ҳуқуқи[2] берилиши мақсадга мувофиқ. Малакавий имтиҳонларни қабул қилиш ҳуқуқини олиш учун муассаса илмий-ташкилий ҳамда моддий-техник ва молиявий жиҳатдан, жумладан, қуйидаги талабларга жавоб бериши зарур:

– ваколатли давлат органи томонидан белгиланган тартибда муассасанинг, шунингдек, олий ўқув юртидан кейинги таълимнинг ташкил этилгани (аккредитациядан ўтказилгани);

– муассаса бўйсунадиган вазирлик ёки идоранинг тегишли буйруғи асосида ихтисослашган ўқув (илмий)-ташкилий тузилмаларнинг мавжудлиги;

---

[1] Қаралсин: «Мустақиллик мафкураси ҳамда демократик жамият қуришнинг иқтисодий, ижтимоий-сиёсий ва маънавий негизлари ҳамда илмий асослари» фани бўйича махсус имтиҳон низоми.

[2] *Малакавий имтиҳонларни ташкил этиш ҳуқуқига эга муассаса* – тегишли ҳужжатларда кўзда тутилган талабларга жавоб берган ҳамда олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар давлат аттестациясига ваколатли давлат органи томонидан муайян малакавий имтиҳон (имтиҳонлар)ни ташкил этиш ҳуқуқи берилган муассаса.

– тегишли фан йўналишлари бўйича етарли илмий, илмий-педагогик салоҳиятга эга экани. Муассасада мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш ва модернизация қилиш ҳамда демократик жамият қуришнинг илмий асослари юзасидан салоҳиятли тадқиқотларнинг амалга оширилаётгани ва уларнинг самарадорлиги;

– муассасанинг мустаҳкам моддий-техник база ва молиявий имкониятга эга экани.

Юқоридаги талабларга жавоб берган муассасага олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар давлат аттестациясига ваколатли давлат органи томонидан малакавий имтиҳонларни ташкил этиш ҳуқуқи берилади.

Бунинг учун муассаса раҳбари мазкур давлат органига қуйида келтирилаётган намунадаги хат (4.4) билан мурожаат қилиб, муассасанинг мазкур мезонларга жавоб бериши юзасидан асосланган тегишли таҳлилий маълумотномани илова этиши шарт.

Малакавий имтиҳонларни ташкил этиш ҳуқуқи берилган муассасалар қуйидаги масалалар учун алоҳида масъул ҳисобланди:

малакавий имтиҳонларни ташкил қилиш билан боғлиқ бўлган барча чора-тадбирларни амалга оширишда низом талабларига риоя қилиш;

малакавий имтиҳонларни ташкил этиш ҳуқуқига эга бўлмаган бошқа ташкилотлардан келган изланувчилардан имтиҳонларни бепул қабул қилиш;

тегишли чора-тадбирларни ўз вақтида амалга ошириш;

малакавий имтиҳонлар комиссиялари фаолияти учун тегишли барча шарт-шароитларни яратиб бериш;

тегишли маълумотлар ва таҳлилий ҳисоботни ўз вақтида олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар давлат аттестациясига ваколатли давлат органига тақдим этиш.

«Мустақиллик мафкураси ҳамда демократик жамият қуришнинг иқтисодий, ижтимоий-сиёсий, маънавий негизлари ва илмий асослари» фанидан махсус имтиҳонни илмий даража ва унвонлар олиш учун ижтимоий-гуманитар фанлар йўналишида илмий изланишлар олиб бораётган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари топширадилар.

4.4-хат намунаси

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси
ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси
раиси _____га

Ўзбекистон Республикаси ОАКнинг Малакавий имтиҳонларни ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомига мувофиқ қуйидаги фанлар, курс ва ихтисослик бўйича муассасага малакавий имтиҳонларни ташкил этиш ҳуқуқини бериш масаласини кўриб чиқишни ташкил қилишингизни сўрайди:

1. Ўзбекистоннинг энг янги тарихи фани.
2. Чет тили (инглиз ва немис тиллари) фани.
3. Математик моделлаштириш ва математик статистика асослари курси.
4. 01.01.01 – «Математик анализ».

Муассасада малакавий имтиҳонларни ташкил этиш учун етарли илмий ва илмий-педагогик салоҳият ҳамда мустаҳкам моддий-техник база ва молиявий имкониятлар мавжуд.

Малакавий имтиҳонларни ташкил этиш, жумладан, бошқа ташкилотлардан келган изланувчилардан имтиҳонларни қабул қилиш харажатлари муассасамиз маблағлари ҳисобидан қопланишини кафолатлаймиз.

Илова: ____ варақ.

Муассаса раҳбари

Бу ўринда шуни таъкидлаш керакки, профессор илмий унвонини олиш бўйича тегишли фаолият олиб бораётган мутахассислар, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 6 июлдаги «Йилнинг энг яхши дарслиги ва ўқув адабиёти муаллифи танлови ғолибларига илмий даража ва илмий унвон бериш тўғрисида»ги 290-сонли қарори билан тасдиқланган «Йилнинг энг яхши дарслиги ва ўқув адабиёти муаллифи ғолибларига илмий даража ёки илмий унвон бериш тартиби тўғрисидаги низом» асосида ғолиб бўлган ва профессор илмий унвони талабгорлари ушбу имтиҳонни Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси қошида ташкил этилган махсус имтиҳон комиссиясига топширадилар. Фан доктори илмий

даражаси ҳамда катта илмий ходим ва доцент илмий унвонларини олиш учун ижтимоий-гуманитар фанлар соҳаси бўйича илмий изланишлар олиб бораётган изланувчилар ушбу имтиҳонни тармоқ-ҳудуд тамойили асосида ташкил этилган имтиҳон комиссияларига топширадилар.

Бунда табиий савол туғилади: тармоқ-ҳудуд тамойили асосида махсус имтиҳон топширадиганлар қайси муассасада имтиҳонни топширишлари мумкин? Бу саволга жавобан қуйидагиларни таъкидлаш жоиз:

биринчидан, тармоқ тамойили асосида махсус имтиҳонни қабул қилиш, муассасаларнинг идоравий бўйсунувига қараб, Ўзбекистон Республикаси ОАК қарори билан тасдиқланган рўйхат асосида ташкил этилади. Унга мувофиқ, масалан, изланувчилар ушбу имтиҳонни диссертация бажарилаётган муассаса бўйсунувчи бошқарув органи тизимидаги имтиҳонни ташкил этиш ҳуқуқи берилган муассасада топширадилар. Махсус имтиҳонни ташкил этиш сифатини ошириб бориш мақсадида ушбу дастурга тегишли ўзгартиришлар киритиб борилади;

иккинчидан, имтиҳонни қабул қилишни рационал ташкил этиш ҳамда мамлакатимиз минтақаларининг илмий ва илмий-педагогик салоҳиятидан самарали фойдаланиш мақсадида махсус имтиҳонни қабул қилиш, идоравий бўйсунувидан қатъи назар, олий таълим ва илмий-тадқиқот муассасаларининг ҳудудий жойлашувига қараб ташкил этилади. Масалан, диссертация Наманган давлат университетида бажарилаётган бўлса ёки илмий унвон олиш учун изланишлар олиб бораётган мутахассис Андижон давлат университетида илмий-педагогик фаолият олиб бораётган бўлса, ушбу имтиҳон Андижон, Наманган ва Фарғона вилоятлари бўйича махсус имтиҳонни ташкил этиш ҳуқуқига эга бўлган тегишли давлат университетида қабул қилинади. Имтиҳонни ташкил этиш сифатини ошириб бориш мақсадида уни ташкил этиш ҳуқуқига эга бўлган муассасалар ҳар уч йилда минтақалар кесимида ўзгартириб борилади.

Малакавий имтиҳонларни топширишда қуйидагиларга эътибор бериш зарур:

биринчидан, изланувчи ихтисослик бўйича малакавий имтиҳонни келгусида диссертация ҳимояси мўлжалланган илмий кенгаш фаолият кўрсатаётган муассасада топшириши шарт;

иккинчидан, диссертация тадқиқотини амалга оширишда бошқа чет тилини билиш зарур бўлган ҳолларда диссертация бажари-

лаётган муассаса раҳбарининг асослов хати асосида Ўзбекистон Республикаси ОАК билан келишилган ҳолда тадқиқотчига чет тили фанидан малакавий имтиҳонни тегишли чет тилидан топширишига рухсат берилади;

учинчидан, изланувчининг олий таълим бўйича мутахассислиги чет тили бўйича малака имтиҳони фанига тўғри келса (масалан, инглиз тили), у тегишли бошқа чет тилидан малакавий имтиҳонни (масалан, немис тилидан) топшириши шарт;

тўртинчидан, малакавий имтиҳон (қўшимча имтиҳон)ни топширмаган изланувчининг диссертациясини иш бажарилган муассасадаги илмий семинарда якуний муҳокама қилиш ёки диссертацияни фан доктори илмий даражасини берувчи илмий кенгашга дастлабки кўриб чиқиш учун қабул қилиш мумкин эмас; шунингдек, илмий унвон олиш учун изланувчининг ҳужжатларини олий таълим ёки илмий-тадқиқот муассасасининг кенгашига қабул қилиш ҳам мумкин эмас.

Мазкур жараёнда имтиҳонларни мавжуд меъёрий талаблар асосида ташкил қилиш ва жараёнларнинг самарали назоратини амалга ошириш учун имтиҳонларни қабул қилишга оид ҳужжатларни сессиялар ўтказиладиган ойдан олдинги ойнинг 1–25-кунлари оралиғида йўлланма хат билан олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар аттестациясига ваколатли давлат органига тақдим қилиши мақсадга мувофиқ.

Айни вақтда, профессор илмий унвонини олиш учун фаолият кўрсатаётган мутахассис ишлаётган ташкилот раҳбари номидан қуйидаги мазмундаги йўлланма хат Ўзбекистон Республикаси ОАКга (4.5-хат намунаси) тақдим этилади.

Умумилмий фан, курс ва ихтисосликлар, шунингдек, фан доктори илмий даражаси ҳамда катта илмий ходим ва доцент илмий унвонларини олиш учун ижтимоий-гуманитар фанлар йўналишида илмий изланишлар олиб бораётган изланувчилардан махсус имтиҳонни қабул қилиш учун тегишли муассасалар тегишли хатларни малакавий имтиҳонлар комиссиялари тузилган муассасаларга тақдим этадилар.

Малакавий имтиҳонларни ташкил этишда изланувчилар билимини академик баҳолаш тадбирлар сирасида муҳим ўрин тутиб, муассаса раҳбарияти ва имтиҳон комиссиясидан ушбу ишларга масъу-

лият ва холис ёндашишни талаб этади. Изланувчилар билимларини академик баҳолаш[1] малака имтиҳони асосида амалга оширилади.

Малакавий ва бошқа тегишли имтиҳонлар қуйидаги асосдаги малакавий имтиҳонлар предметлари дастурлари[2] бўйича қабул қилинади:

а) умумилмий фан ва курслар бўйича малакавий имтиҳонлар етакчи олий таълим ва илмий-тадқиқот муассасалари томонидан биргаликда ишлаб чиқилган ва Ўзбекистон Республикаси ОАК Раёсати қарори билан тасдиқланган намунавий дастурлар асосида қабул қилинади. Умумилмий фан бўйича малакавий имтиҳон дастури икки қисмдан, яъни Ўзбекистон Республикаси ОАК Раёсати тасдиқлаган намунавий дастур ва мазкур имтиҳонни ўтказиш ҳуқуқи берилган муаассаса кенгаши қарори билан тасдиқланадиган қўшимчалардан иборат бўлиб:

– намунавий дастурда ушбу фаннинг назарий, методологик-услубий асослари, концептуал йўналишлари, мазмуни ва умумилмий масалалари, шунингдек, уни ўзлаштиришнинг энг мақбул усуллари келтирилади;

– дастурга қўшимчалар тегишли ҳар бир фан тармоғи (масалан, тиббиёт, қишлоқ хўжалиги)нинг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда мазкур имтиҳон дастури моҳиятан бойитилиб, уни ўзлаштиришнинг энг янги ахборот манбалари, жумладан, хорижий ахборот манбалари кабилар киритилади;

– умумилмий фан ва курслар бўйича малакавий имтиҳонлар дастурлари фан тармоқлари хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда дифференциал тарзда ишлаб чиқилади. Масалан, «Ўзбекистоннинг энг янги тарихи» фани бўйича малакавий имтиҳон дастури ижтимоий-гуманитар фанлар учун ва аниқ-табиий фанлар учун алоҳида ишланади. Шунингдек, чет тили ва «Математик моделлаштириш ва математик статистика асослари» курси бўйича малакавий имтиҳонларнинг дастурлари ҳам дифференциал тарзда ишлаб чиқилади.

[1] *Изланувчи (изланувчилар) билимини академик баҳолаш* – муайян малакавий имтиҳон предмети бўйича изланувчилар билимини имтиҳон предмети дастури ва тегишли ҳужжатларда белгиланган талаблар асосида синовдан ўтказиш ва баҳолаш жараёни.

[2] *Малака имтиҳони предмети (фани, курси, ихтисослик) дастури* – муайян малакавий имтиҳон предметининг (фани, курси, ихтисослик) моҳияти яхлит тизимга келтирилган ҳолда қисқа ва аниқ баён этилган, предмет мазмунини ўзлаштиришнинг энг мақбул усуллари ва ахборот манбалари кўрсатилган ўқув-услубий ҳужжат.

4.5-хат намунаси

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси
ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси
раиси _____га

Ўзбекистон Республикаси ОАКнинг тегишли низомлари талабларига мувофиқ профессор илмий унвонини олиш учун фаолият олиб бораётган мутахассис _____ га
(Ф.И.О.)

«Мустақиллик мафкураси ҳамда демократик жамият қуришнинг *иқтисодий, ижтимоий-сиёсий, маънавий негизлари ва илмий асослари*» фани бўйича махсус имтиҳон топширишга рухсат беришингизни сўраймиз.

Муассаса раҳбари

б) ихтисослик бўйича малакавий имтиҳонлар, ҳузурида фан доктори илмий даражасини берувчи илмий кенгаш фаолият кўрсатаётган етакчи олий таълим ёки илмий-тадқиқот муассасалари томонидан мазкур илмий кенгашлар билан келишилган ҳолда ишлаб чиқилган ҳамда Ўзбекистон Республикаси ОАК маъқуллаган дастурлар асосида қабул қилинади. Етакчи олий таълим ва илмий-тадқиқот муассасалари тегишли илмий кенгашлар билан биргаликда фан ва технологиялар тараққиёти, фан ва таълим соҳаларида ижобий ўзгаришлар ҳамда иқтисодиёт тармоқлари ривожланиш тенденцияларини эътиборга олган ҳолда мазкур дастурларни такомиллаштириб боради. Ихтисослик бўйича малакавий имтиҳон изланувчининг назарий ва касбий тайёргарлиги даражасини баҳолашга хизмат қилиб, изланувчи томонидан ушбу ихтисосликнинг назарий-методологик асослари, услубий ёндашувлари, моҳияти, тадқиқот усуллари кабиларни мукаммал ўзлаштириши ва илмий аппаратдан диссертация тадқиқотида самарали фойдаланишга йўналтирилган. Замонавий талаблардан келиб чиққан ҳолда мазкур дастур тегишли олий таълим ёки илмий-тадқиқот муассасаси кенгаши тасдиқлаган қўшимчалар ва ўзгартиришлар билан бойитиб борилади;

в) қўшимча малакавий ва магистрлик имтиҳонлари муайян фан тармоғида ихтисослашган етакчи олий таълим муассасаси учун

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги тасдиқлаган дастурлар асосида топширилади.

г) ҳарбий фан (фанлар) бўйича қўшимча имтиҳон (имтиҳонлар) тегишли олий ҳарбий таълим ўқув дастури (дастурлари) асосида такомиллашган дастур (дастурлар) бўйича топширилади.

Тадқиқотларни замонавий талаблар асосида амалга ошириш, ахборот-коммуникация технологияларини самарали қўллашни таъминлаш мақсадида малакавий имтиҳонларни изланувчиликнинг дастлабки йилида топшириш мақсадга мувофиқ.

Имтиҳонларни илмий-ташкилий жиҳатдан уюшқоқлик билан юксак даражада ўтказиш, ўқув ва илмий-ташкилий ишларни самарали ташкил қилиш ҳамда имтиҳонлар билан боғлиқ бўлган бошқа чора-тадбирларнинг мақсадли амалга оширилишини таъминлаш учун имтиҳонлар сессиялар[1] шаклида ташкил этилади (4.5-жадвал). Ушбу имтиҳонларни экстерн тарзида сессия даврида топшириш масаласи имтиҳонни қабул қилувчи олий таълим ёки илмий-тадқиқот муассасаси раҳбарининг рухсати билан ҳал этилиб, бу борадаги қарор малака имтиҳони бўйича буйруқда акс эттирилади.

Изланувчиларнинг билимини холис баҳолашда малакавий (махсус) имтиҳонни қабул қилиш комиссияси жуда катта аҳамият касб этади. Мазкур комиссияни етук ва холис мутахассис-олимлардан иборат таркибда шакллантириш ва уларнинг комиссия фаолиятида фаол иштироки изланувчилар билимини объектив баҳолашнинг муҳим омили ҳисобланади.

Малакавий имтиҳонни қабул қилиш комиссияси аъзолари изланувчининг билим даражасини олий таълим муассасаларида қўлланиладиган юз баллик тизим асосида қуйидагича баҳолайдилар:

86 баллдан 100 баллгача (аъло);

71 баллдан 86 баллгача (яхши);

55 баллдан 71 баллгача (қониқарли);

0 баллдан 55 баллгача (қониқарсиз).

---

[1] *Малакавий имтиҳонларни қабул қилиш сессияси* – тегишли норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда малакавий имтиҳонларни қабул қилиш даври белгилаб берилган муддатлар.

Малакавий имтиҳонни қабул қилиш комиссияси[1] қуйидаги масалалар учун алоҳида масъулдир: имтиҳонни қабул қилиш билан боғлиқ бўлган барча ишларни амалга оширишда низом талабларига риоя қилиш; изланувчиларнинг билимини ҳаққоний баҳолаш; тегишли чора-тадбирларни ўз вақтида амалга ошириш.

Малакавий имтиҳонни қабул қилиш комиссияси аъзолари томонидан изланувчиларнинг билим даражасини аниқлаш юзасидан қўйилган индивидуал баҳолар асосида жавобларнинг ўртача баҳоси аниқланиб, баённома шаклида қуйида таклиф этилган шакл бўйича акс эттириш мақсадга мувофиқ.

Малакавий имтиҳонни қабул қилиш комиссияси, унинг рўйхатдаги аъзоларининг камида тўрт нафари, шу жумладан, бир нафар фан доктори иштирок этаётган бўлса, имтиҳон олишга ҳақли. Таъкидлаш керакки, чет тили фани бўйича имтиҳонда камида бир нафар илмий даражага ва изланувчининг диссертация ихтисослиги бўйича фан доктори илмий даражасига эга бўлган мутахассислар қатнашиши шарт.

Малакавий имтиҳон натижаси бўйича имтиҳон топширувчига муассаса бланкасига туширилган гувоҳнома берилади. Гувоҳномада қуйидагилар акс эттирилади: малакавий имтиҳон предмети (фани, курси, ихтисослик)нинг номи; малакавий имтиҳон топширилган сана; малакавий имтиҳон натижаси; малакавий имтиҳонни қабул қилган комиссия таркиби.

Тегишли малакавий имтиҳонларни қабул қилиш ҳуқуқи берилган муассасаларда тадбирларни ташкил қилишда, жумладан, қуйидаги ташкилий-меъёрий талабларга албатта риоя қилиниши керак:

---

[1] *Малакавий имтиҳонни қабул қилиш комиссияси* – малакавий имтиҳон предмети дастури асосида изланувчиларнинг назарий билим ва касбий тайёргарлик даражасини академик баҳолаш учун олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар давлат аттестациясига ваколатли давлат органи билан келишилган ҳолда тегишли олий таълим ёки илмий-тадқиқот муассасаси раҳбари буйруғи билан илмий даражага эга бўлган мутахассислардан иборат таркибда маълум муддатга тузилган мутахассислар гуруҳи.

4.5-жадвал

Малакавий имтиҳонларни ташкил қилишга оид тадбирларни амалга ошириш муддатлари тўғрисида маълумот[1]

Асосий тадбирлар			Январь	Февраль	Март	Апрель	Май	Июнь	Сентябрь	Октябрь	Ноябрь	Декабрь
			1	2	3	4	5	6	9	10	11	12
Малакавий имтиҳонларни ташкил қилиш ҳуқуқини олиш учун тегишли ҳужжатларни Ўзбекистон Республикаси ОАКга тақдим этиш муддатлари			+	+	+	+	+	+	+	+	+	+
Малакавий имтиҳонларни қабул қилиш комиссиялари таркиби лойиҳаси бўйича ҳужжатларни Ўзбекистон Республикаси ОАКга тақдим қилиш муддатлари			+	+	+	+	+	+	+	+	+	+
Фан доктори илмий даражасини олиш учун		Ҳужжатларни тақдим қилиш кунлари	+			+				+		
		Сессия даври		Сессия			Сессия				Сессия	
Илмий унвон олиш учун	Доцент, катта илмий ходим	Ҳужжатларни тақдим қилиш кунлари	+			+				+		
		Сессия даври		Сессия			Сессия				Сессия	
	Профессор	Ҳужжатларни тақдим қилиш кунлари	+			+				+		
		Сессия даври		Сессия			Сессия				Сессия	
Малакавий имтиҳонлар бўйича йиллик таҳлилий ҳисоботни Ўзбекистон Республикаси ОАКга тақдим қилиш			Оралиқ ҳисоботлари малакавий имтиҳонлар сессияси даври тугаган кундан бошлаб 2 иш куни ичида Ўзбекистон Республикаси ОАКга тақдим этилади									10.XII гача

Жадвал муаллиф томонидан умумлаштирилган.

[1] Низом талабларига кўра малакавий имтиҳон қабул қилинишидан беш кун олдин имтиҳон қабул қиладиган муассаса томонидан изланувчилар рўйхати, имтиҳон қабул қилиш вақти, жойи ва комиссиянинг таркибига доир маълумотлар кузатув хати билан Ўзбекистон Республикаси ОАКга юборилади. Малакавий имтиҳонларни Ўзбекистон Республикаси ОАКни хабардор қилмасдан қабул қилиш ман этилади.

«ТАСДИҚЛАЙМАН»

_____

муассаса раҳбари

сана

Малакавий имтиҳонни қабул қилиш комиссияси

БАЁННОМАСИ

2013 йил 21 февраль 14^{00} Тошкент ш.

Малакавий имтиҳон фани номи: «_____».

Малакавий имтиҳонни қабул қилиш бўйича буйруқ (санаси, рақами): _____

Изланувчининг исми шарифи, иш жойи ва лавозими: _____

_____

Малакавий имтиҳон билети рақами: _____

1-савол: _____

2-савол: _____

3-савол: _____

1-қўшимча савол: _____

2-қўшимча савол: _____

Жавобларнинг ўртача баҳоси: _____ балл (баҳо)

Баҳолаш натижалари	Имтихон комиссияси аъзолари							Ўртача
	1	2	3	4	5	6	7	

Изланувчининг жавоб варақаси ___ *варақда илова қилинади.*

Имтиҳон комиссияси раиси (имзо) Ф.И.О. (1)

Имтиҳон комиссияси котиби (имзо) Ф.И.О. (2)

Имтиҳон комиссияси аъзолари (имзо) Ф.И.О. (3)

(имзо) Ф.И.О. (4)

(имзо) Ф.И.О. (5)

(имзо) Ф.И.О. (6)

(имзо) Ф.И.О. (7)

Малакавий имтиҳонларни ўтказиш тартиби тўғрисидаги низом талаблари асосида тегишли тадбирларни ташкил этиш;

имтиҳонни замонавий талаблар асосида жиҳозланган махсус хонада қабул қилиш; хонани тегишли равишда тайёрлаш;

имтиҳонни белгиланган вақтда бошлаш;

имтиҳон комиссияси аъзолари ва рўйхат бўйича имтиҳон топширувчиларнинг тўлиқ иштирок этишини таъминлаш;

имтиҳон топширувчиларнинг ҳужжатлари тўпламини талаб даражасида расмийлаштириш; тегишли норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг имтиҳон олинадиган хонада бўлишини таъминлаш;

имтиҳон бошланишида имтиҳон комиссияси раиси томонидан имтиҳон топширувчиларни мавжуд тартиб билан таништириш;

малакавий имтиҳонларни ташкил этишда тегишли меъёрий талабларга риоя қилиш (4.6-жадвал, 4.7-жадвал);

тегишли ҳужжатларни мавжуд талаблар асосида расмийлаштириш ва уларнинг сақланишини таъминлаш.

Имтиҳонлар изланувчилардан малакавий имтиҳонларни қабул қилиш сессиясидан ташқари давр[1]да фақат олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар давлат аттестациясига давлатнинг масъул органи рухсати билан қабул қилинади.

Малакавий имтиҳонларни сифатли ташкил этиш мақсадида имтиҳонларни ташкил этиш ҳуқуқи берилган олий таълим ва илмий-тадқиқот муассасалари йил якунлари бўйича таҳлилий ҳисоботни тайёрлаши зарур. Таҳлилий ҳисоботда қатор масалалар, жумладан, имтиҳон бўйича имзоланган буйруқнинг бажарилиши таҳлили, экстерн тарзида имтиҳон топширган изланувчилар таҳлили, имтиҳон топширувчиларнинг билим савиясидаги ўзгаришлар ва мавжуд камчиликлар таҳлили, имтиҳонни ташкил этиш ва мавжуд камчиликлар таҳлили ҳамда имтиҳонларни самарали ташкил қилиш бўйича таклифлар ўз аксини топиши керак.

Имтиҳонларни ташкил этишда мавжуд тартиб-қоидаларга риоя қилмаган ёки таҳлилий ҳисоботни ўз вақтида тақдим этмаган

---

[1] *Малакавий имтиҳонларни қабул қилиш сессиясидан ташқари давр* – тегишли норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда малакавий имтиҳонларни қабул қилиш даври белгилаб берилган муддатлардан ташқари бўлган давр.

4.6-жадвал

Малакавий имтиҳон (МИ)ларга тегишли баъзи талаблар тўғрисида маълумот

№	Тадбир	Талаблар
1.	МИ комиссияси фаолияти муддати	1 йил муддатга тузилади.
2.	МИ комиссияси таркиби	5–7 нафар аъзодан, жумладан, тегишли фан тармоғи бўйича фан доктори илмий даражасига эга бўлган раис ва 2 нафар фан доктори илмий даражасига эга бўлган аъзодан иборат бўлади.
		Чет тили бўйича МИ комиссияси аъзоларининг камида 2 нафари илмий даражага эга бўлиши керак.
3.	МИ қабул қилинишидан олдин	МИ қабул қилинишидан 5 кун олдин имтиҳон топширувчилар рўйхати, уни қабул қилиш вақти, жойи ва комиссия таркибига доир маълумотлар йўлланма хат билан Ўзбекистон Республикаси ОАКга тақдим этилиши шарт.
4.	МИ комиссияси имтиҳонни қабул қилиши мумкин	Аъзоларнинг камида 4 нафари, жумладан 1 нафар фан доктори иштирок этаётган бўлса, имтиҳон қабул қилиниши мумкин.
		Чет тили бўйича аъзоларининг камида 4 нафари, жумладан 1 нафар илмий даражага ва изланувчи диссертациясининг ихтисослиги бўйича фан доктори илмий даражасига эга бўлган мутахассислар иштирок этаётган бўлса, имтиҳон қабул қилиниши мумкин.
5.	Имтиҳон варақаларини сақлаш муддати	Малакавий имтиҳон варақалари имтиҳон ўтказилгандан кейин 1 йил давомида имтиҳон ўтказилган муассасада сақланади.
6.	МИ натижалари тўғрисидаги маълумотни тақдим этиш	Малакавий имтиҳонлар натижалари тўғрисидаги маълумот тегишли муассасалар томонидан йилнинг 10 декабригача Ўзбекистон Республикаси ОАКга тақдим этилади.

Жадвал муаллиф томонидан умумлаштирилган.

4.7-жадвал

Малакавий имтиҳонларни ташкил этиш юзасидан меъёрий-амалий аттестация тадбирларининг бажарилишини қиёсий баҳолаш

Аттестация тадбирлари	Қиёсий баҳолаш		Норматив-ҳуқукий асос
	меъёр	амалда	
Малакавий имтиҳон (МИ)ларни ташкил этишда меъёрий талаблар ва аттестация тадбирларининг бажарилишига риоя қилиш зарур, жумладан:			
Изланувчининг МИлар предметларини топшириши:	+	?	Меъёрий асос*
Ўзбекистоннинг энг янги тарихи фани			
чет тили фани			
диссертация мавзуига мувофиқ ихтисослик			
низомнинг 4 ва 6-бандлари бўйича (зарур ҳолларда)			
Хорижий фуқаролар фақат диссертация мавзуига мувофиқ ихтисосликдан МИ топширадилар.	+	?	Меъёрий асос*
Чет тили сифатида инглиз, француз ёки немис тилларининг биридан МИ топширилиши мумкин.	+	?	Меъёрий асос*
Диссертацияни бажариш учун бошқа чет тилини билиш талаб қилинадиган ҳолларда МИ Ўзбекистон Республикаси ОАК билан келишилган ҳолда тегишли бошқа тилдан топширилиши мумкин.			
Хорижий филология бўйича фан доктори илмий даражасига талабгор иккинчи чет тили фанидан МИ топширади.			

Бакалавр даражасига ёки олий маълумотли мутахассис дипломига эга бўлган изланувчилар МИлардан ташқари ушбу фан йўналишининг асосий мазмуни ҳамда умум методологик ва назарий муаммоларини қамраб оладиган мутахассислик бўйича қўшимча имтиҳон топширишлари шарт.	+	?	Меъёрий асос*
Ихтисослик бўйича МИ диссертация ҳимояси ўтказиладиган фан доктори илмий даражасини берувчи илмий кенгаш фаолият кўрсатаётган муассасада ташкил этилган имтиҳон комиссияси томонидан қабул қилинади.	+	?	Меъёрий асос*
Чет тили бўйича МИ комиссияси чет тиллар кафедраларининг ўқитувчиларидан (шулардан камида 2 нафари илмий даражага эга бўлиши керак) иборат 5–7 нафар аъзодан, жумладан изланувчи диссертациясининг ихтисослиги бўйича фан доктори илмий даражасига эга бўлган мутахассисдан иборат таркибда тузилади.	+	?	Меъёрий асос*
МИни қабул қилиш комиссияси, агар унинг ишида комиссия аъзоларининг камида 4 нафари, жумладан фан доктори иштирок этаётган бўлса, имтиҳон қабул қилишга ҳақли.	+	?	Меъёрий асос*
Ташкилотлар раҳбарлари ва раҳбар ўринбосарларига МИларни ўз асосий иш жойларида топширишга рухсат этилмайди.	+	?	Меъёрий асос*

Жадвал Малакавий имтиҳонларни ўтказиш тартиби тўғрисидаги низом асосида тузилган.

---

* Малакавий имтиҳонларни ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомнинг тегишли бандлари.

(сифатсиз таҳлилий ҳисобот тақдим этган) тегишли олий таълим ёки илмий-тадқиқот муассасасида Ўзбекистон Республикаси ОАК Раёсатининг қарори билан:

имтиҳонни қабул қилиш тўхтатиб қўйилиши;

муайян муддатга имтиҳонларни ташкил этиш ҳуқуқидан маҳрум этилиши мумкин.

Шуни таъкидлаш керакки, тегишли тадбирларни низом асосида ташкил қилиш ҳамда имтиҳонлар комиссияларига тегишли шарт-шароит яратиб беришга муассаса раҳбари шахсан масъул ҳисобланади.

Малакавий имтиҳонларнинг мавжуд талаблар асосида ташкил этилиши илмий даража ва унвонлар талабгорларининг ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий билим савияларини ҳамда маънавиятини янада юксалтириш, диссертация тадқиқотларининг сифати ва самарадорлигини ошириш, баркамол авлодни тарбиялаш ҳамда олий малакали илмий-педагог кадрлар тайёрлаш, уларни давлат аттестациясидан ўтказиш сифатини замонавий талабларга мувофиқ тубдан яхшилашга хизмат қилади.

Малакавий имтиҳонларни тизимли равишда ташкил этиш ҳамда имтиҳонларни қабул қилиш комиссиялари ва изланувчиларга тегишли шарт-шароит яратиш мақсадида имтиҳон қабул қилинадиган вақтда қуйидаги ҳужжатлар тахт қилиб қўйилиши керак:

Малакавий имтиҳонларни ўтказиш тартиби тўғрисидаги низом;

малакавий имтиҳон предмети дастури;

олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар ихтисосликлари паспорти;

малакавий имтиҳонни қабул қилиш комиссияси таркиби (тасдиқланган ҳужжат нусхаси);

малакавий имтиҳонни қабул қилиш юзасидан муассаса бўйича тегишли буйруқ;

катта илмий ходимлар-изланувчилар ва мустақил изланувчиларнинг ҳужжатлари тўплами (малакавий имтиҳон қабул қилаётган муассаса учун);

малакавий имтиҳон топшириш учун бошқа ташкилотлардан келган изланувчиларга оид ҳужжатлар;

бошқа тегишли ҳужжатлар.

Нашр ишлари. Олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар тайёрлаш ва уларни давлат аттестациясидан ўтказишда диссертациянинг илмий янгилиги ва амалий натижаларини нашр қилиш[1] алоҳида аҳамият касб этади. Чунки, нашр ишлари диссертациянинг илмий натижалари билан кенг илмий жамоатчилик ва амалиёт соҳалари мутахассисларини таништириш, уларни апробациядан ўтказиш, кооперация асосида шу фан йўналишида илмий тадқиқотларни самарали ташкил қилишга ҳамда илмий ва илмий-педагог кадрлар салоҳиятига ижобий таъсир кўрсатади.

Мавжуд тартиб-қоидага кўра, диссертациянинг илмий натижалари (илмий янгилиги ва амалий натижалари)ни босма ва электрон нашрларда чоп этиш мумкин бўлиб, нашр ишларига қўйиладиган, жумладан, қуйидаги меъёрий талабларни кўрсатиб ўтиш мақсадга мувофиқ:

нашр ишлари диссертация моҳиятини акс эттириши керак;

нашр ишларига нисбатан қўйиладиган меъёрий ва миқдорий талаблар бажарилиши керак;

нашр ишларининг тегишли қисми «Ўзбекистон Республикаси ОАК докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини нашр қилишни тавсия этган республика ва хорижий етакчи илмий нашрлар рўйхати»га киритилган илмий нашрларда чоп этилиши керак;

тегишли материалларни газеталарда ҳам чоп этиш мақсадга мувофиқ.

Диссертациянинг илмий янгилиги ва амалий натижалари қуйидаги кўринишдаги босма нашрларда чоп этилиши мумкин:

монография;

илмий мақола;

интеллектуал мулк объектларига бўлган муҳофаза (эгалик) ҳужжатлари;

препринтлар, илмий хариталар;

илмий анжуман, конференция, симпозиум ва семинарларда қилинган маърузаларнинг эълон қилинган тезислари;

---

[1] *Докторлик диссертациясининг илмий натижаларини нашр қилиш* – диссертациянинг мақсади ва вазифаларига мувофиқ бўлган илмий янгилиги ва амалий натижаларини тегишли илмий нашрларда чоп эттириш.

корхоналар қуриш, уларни кенгайтириш, модернизация қилиш ҳамда техник ва технологик қайта жиҳозлаш лойиҳаларининг технологик қисмлари;

тегишли бошқа нашрлар.

Юқорида таъкидланганидек, диссертация мавзуи бўйича олиб борилган илмий-тадқиқот ишлари натижаларининг маълум қисми олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар давлат аттестациясига ваколатли давлат органи Раёсати қарори билан «Ўзбекистон Республикаси ОАК докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини нашр қилишни тавсия этган республика ва хорижий етакчи илмий нашрлар рўйхати»га[1] киритилган нашрларда чоп этилиши керак (Рўйхатга киритилган журнал ундан чиқарилган ҳолларда, ушбу журнал рўйхатда бўлган даврида чоп этилган барча маколалар инобатга олинади).

Нашр ишлари таркибида монография алоҳида аҳамият касб этади. Монография – муаллиф томонидан олиб борилган тадқиқотларнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари тугалланган яхлит илмий асар сифатида системали равишда умумлаштирилган ҳамда тегишли олий таълим ёки илмий-тадқиқот муассасаси кенгаши қарори билан нашрга тавсия этилиб, яккамуаллифликда ихтисослашган нашриётда таҳрирдан ўтказилган (ўтказиладиган) ва чоп этилган (этиладиган) илмий асар. Бу борада монографияга қўйиладиган қуйидаги талабларга алоҳида тўхталиб ўтиш зарур:

биринчидан, монография тегишли муассаса илмий кенгашида муҳокамадан ўтказилиб, унинг қарори билан нашр қилишга тавсия қилиниши шарт. Илмий кенгаш қарори билан монографияни нашрга тавсия қилиш тақризчиларнинг масъулиятини оширишга ижобий таъсир кўсатади. Бу эса, ўз навбатида, хулоса ва тавсияларнинг илмий асосланган, ишнинг юқори илмий даражада амалга

---

[1] *Ўзбекистон Республикаси ОАКнинг докторлик диссертациялари асосий илмий натижалари нашр қилиниши тавсия этилган илмий нашрлар рўйхати* – Ўзбекистон Республикаси ОАК Раёсати қарори билан муайян фан тармоқлари (ихтисосликлари) бўйича докторлик диссертацияларининг илмий натижаларини (илмий янгилиги ва амалий натижалари) чоп этиш тавсия қилинган миллий ва хорижий етакчи илмий босма ва электрон оммавий ахборот воситаларининг тизимлаштирилган рўйхати.

оширилиши, тадқиқот мақсад ва вазифаларининг тўла бажарилишига олиб келади;

иккинчидан, монография сифатини ошириш ва унинг матбаа ижросини замонавий талаблар асосида бажарилишини таъминлаш мақсадида уни давлат рўйхатидан ўтказилган тегишли нашриётда чоп этиш шарт. Чунки илмий асарнинг шундай нашриётдан ўтказилиши таҳрир ишларининг юқори касбий даражада бажарилиши, ишнинг сифати, тегишли ададларда чоп этилиши (ҳажми камида олти босма табоқ) ва кенг илмий жамоатчиликка етиб боришида муҳим роль ўйнайди.

учинчидан, монография матбаа-техник жиҳатидан юксак даражада нашр қилиниши шарт. Зеро, унда муаллифнинг кўп йиллик машаққатли меҳнати жамланади, уни истеъмолчига матбаа-техник жиҳатидан юксак даражада сифатли етказилиши таъминланади ва олимнинг жамиятдаги ижтимоий мақомига ижобий таъсир кўрсатади. Матбаа-техник жиҳатидан мазкур нашр иши каттиқ муқовада, дид билан безатилган, матнлари оқ қоғозга аниқ ва равшан кўринадиган тарзда туширилган бўлиши мақсадга мувофиқ.

Алоҳида таъкидлаш керакки, меъёрий талаб сифатида монографияга тегишли илмий журналларда тақриз (тақризлар) берилиши мақсадга мувофиқ. Чунки, монография кенг мутахассислар оммасига мўлжалланган йирик илмий асар бўлиб, унда тадқиқот натижалари умумлаштирилган ва муаллифнинг асосий ғоялари асослаб берилган ҳолда яхлит тадқиқот натижаси сифатида тақдим қилинади. Шунинг учун ҳам унга етакчи олим ва мутахассислар томонидан тегишли илмий журналларда тақриз берилиши мақсадга мувофиқ.

Докторлик диссертацияларининг асосий илмий натижалари (илмий янгилиги ва амалий натижалари)ни ихтисослашган миллий ва хорижий нуфузли нашрларда чоп этиш бўйича асосий миқдорий талаблар тўғрисидаги маълумотлар қуйидаги жадвалда келтирилган (4.8-жадвал).

Нашр ишлари бўйича фикр билдирганда қуйидаги ҳолатларни ҳам таъкидлаб ўтиш мақсадга мувофиқ:

нашр қилинган илмий ишлар диссертациянинг асосий натижаларини акс эттириши керак;

4.8-жадвал

Диссертация тадқиқотлари асосий илмий натижаларини нашр қилишга қўйилган асосий миқдорий талаблар тўғрисида маълумот[1]

Нашр ишлари йўналиши	Фан тармоқлари бўйича		
	аниқ фанлар	табиий фанлар	ижтимоий-гуманитар фанлар
Умумий нашр ишлари сони (камида)	15	15	15
жумладан			
Монография[2]	–	–	1
Ўзбекистон Республикаси ОАКнинг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини нашр қилиш тавсия этилган илмий нашрлар рўйхати	10	10	10
шундан			
Хорижий етакчи илмий нашрларда	2	2	2

Изох

1. Иккита мақола халқаро илмий-амалий конференция материалларида, шундан биттаси хорижий мамлакатларда ўтказилган конференция материалларида эълон қилинган бўлиши шарт.

2. Интеллектуал мулк объектларига бўлган муҳофаза (эгалик) ҳужжатлари шу фан тармоғи юқори даражада ривожланган хорижий мамлакатларнинг етакчи илмий журналларида эълон қилинган мақолалар сифатида ҳисобланади.

3. ОТМ/ИТМ кенгаши қарори билан чоп этилган монография (камида 6 босма табоқ ҳажмида) республикада чоп этилган рўйхатга киритилган илмий журналларда чоп қилинган мақола сифатида ҳисобланади.

4. Тегишли ҳолларда нашр қилинган мақолалар мазкур тегишли низом талабларига (16–17-бандлар) жавоб бермаган, лекин диссертация юксак илмий ёки амалий аҳамиятга эга бўлган ҳолларда, диссертация ҳимояси масаласи истисно тариқасида, ОАК Раёсати томонидан ҳал қилинади.

5. Нашрга топширилган бўлса-да, лекин ҳали чоп этилмаган ишлар диссертация ва авторефератида келтирилиши мумкин эмас.

6. Мақолалар ҳаммуаллифликда ёзилган бўлса, ҳар бир ҳаммуаллифнинг ҳиссаси холис акс эттирилиши лозим ва мақолалардан диссертацияда қисман ёки тўла фойдаланиш учун изланувчи ҳаммуаллифларнинг ёзма розилигини олиши зарур.

Жадвал муаллиф томонидан умумлаштирилган.

[1] Фан доктори илмий даражасини бериш тартиби тўғрисидаги низом.

[2] Муассаса кенгаши қарори билан чоп этилган монография тегишли ҳолларда «Ўзбекистон Республикаси ОАК докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини нашр қилишни тавсия этган республика ва хорижий етакчи илмий нашрлар рўйхати»га киритилган илмий нашрда чоп этилган мақолага тенглаштирилади.

дарслик, ўқув қўлланма, услубий кўрсатма ва бошқа ўқув-услубий ишлар диссертация натижаларини акс эттирувчи эълон қилинган илмий ишлар жумласига киритилмайди;

диссертация авторефератида келтирилган барча илмий нашр ишлари диссертация мавзуига мувофиқ бўлиши керак.

Докторлик диссертациясининг илмий натижаларини (илмий янгилиги ва амалий натижалари) амалиётга жорий қилиш. Диссертациялар самарадорлигини таъминлаш, ижтимоий-иқтисодий соҳаларни илмий асосда ривожлантириш ва иқтисодиёт тармоқларининг рақобатбардошлигини оширишда илмий янгилик ва амалий натижаларни амалиётга жорий қилиш алоҳида аҳамият касб этади. Зеро, «илғор фан-техника ютуқлари одамларимизнинг оғирини енгил қилишга, маънавий дунёсини юксалтиришга хизмат қилсин»[1]. Шу билан бирга «фан ютуқлари кенг кўламда жорий этиладиган ишлаб чиқаришларни муттасил ривожлантириш ва уларнинг ролини ошириш таркибий сиёсатда жуда муҳим устувор йўналишдир. Фан ва техника ютуқлари кенг кўламда жорий этиладиган саноат тармоқларини ривожлантириш йўли стратегик вазифани – жаҳон бозорида Ўзбекистон мавқеини мустаҳкамлаш, республиканинг иқтисодий ва технологик мустақиллигига эришиш вазифасини ҳал этади»[2].

Мустақиллик йилларида амалга оширилган илмий тадқиқотлар, жумладан, диссертация тадқиқотларида илму фан тараққиётига хизмат қилувчи, ижтимоий-иқтисодий ривожланиш муаммоларини илмий асосда ҳал этиш ҳамда жамият равнақи ва шахс камолотини таъминлашнинг илмий ечимлари юзасидан қатор фундаментал ва амалий аҳамиятга молик илмий натижалар олинди ва амалиётга жорий қилинди.

Замонавий талаблардан келиб чиққан ҳолда олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар давлат аттестацияси жараёнида илмий янгилик ва амалий натижаларни амалиётга жорий қилиш масалаларига жуда катта эътибор берилиши зарур. Шу жиҳатдан бу борадаги услубий масалаларни аниқлаштириш муҳим масала-

[1] *Каримов И.А.* Бунёдкорлик йўлидан. Асарлар, 4-жилд. Тошкент: Ўзбекистон. 1996. 91-бет.

[2] *Каримов И.А.* Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. Асарлар, 3-жилд. Тошкент: Ўзбекистон. 1996. 344-бет.

лардан бири ҳисобланади. Илмий янгилик ва амалий натижаларни амалиётга жорий қилиш услубий жиҳатдан қуйидаги уч гуруҳга бўлинади (4.4-расм):

докторлик диссертациясининг амалиётга жорий этилган илмий натижалари[1];

докторлик диссертациясининг амалиётга жорий этишга қабул қилинган илмий натижалари[2];

4.4-р а с м . Докторлик диссертацияси амалиётга жорий этилган илмий натижаларининг гуруҳланиши

---

[1] *Докторлик диссертациясининг амалиётга жорий этилган илмий натижалари* – диссертациянинг илмий янгилиги ёки амалий натижаларининг тадқиқот объектига мувофиқ ҳолда амалиётга жорий этилгани, тегишли самара олингани (олиниши) ва белгиланган тартибда расмийлаштирилган ҳужжат билан тасдиқланган натижалар.

[2] *Докторлик диссертациясининг амалиётга жорий этишга қабул қилинган илмий натижалари* – диссертациянинг илмий янгилиги ёки амалий натижаларининг тадқиқот объектига мувофиқ ҳолда амалиётга жорий қилиш учун қабул қилиниб, тегишли самара кутилаётгани ва белгиланган тартибда расмийлаштирилган ҳужжат билан тасдиқланган натижалар.

докторлик диссертациясининг амалиётга жорий этишга тавсия қилиш мумкин бўлган илмий натижалари[1].

Услубий жиҳатдан диссертациянинг илмий натижаларини амалиётга жорий этиш асосан қуйидаги йўналишларда амалга оширилиши мумкин (4.5-расм):



4.5-р а с м . Диссертациянинг илмий натижаларини амалиётга жорий қилиш йўналишлари

ишлаб чиқариш йўналишида илмий натижалар амалиётга ишлаб чиқариш соҳаларига турли кўринишларда, жумладан, ишлаб чиқаришнинг ривожланиш стратегиясини асослаш, ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш, мавжуд имкониятларни ишлаб чиқариш оборотига жалб қилиш, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техника ва технологияларни такомиллаштириш ёки

[1] *Докторлик диссертациясининг амалиётга жорий этишга тавсия қилиш мумкин бўлган илмий натижалари* – диссертациянинг илмий янгилиги ёки амалий натижаларининг тадқиқот объектига мувофиқ ҳолда амалиётга жорий этишга тавсия қилиш ва тегишли самара олиш мумкин бўлган илмий натижалари.

янгиларини ишлаб чиқиш, янги навларни яратиш ва бошқалар асосида амалга оширилади;

ижтимоий йўналишда илмий натижалар амалиётга ижтимоий соҳаларга турли кўринишларда, жумладан, илмий аппаратни янги билимлар билан бойитиш ёки такомиллаштириш, ижтимоий технологияларни ишлаб чиқиш (такомиллаштириш), ташхис ва даволаш технологиясини ишлаб чиқиш (такомиллаштириш) ва бошқалар асосида амалга оширилади;

интеллектуал мулк йўналишида илмий натижалар амалиётга интеллектуал мулк йўналишида, жумладан, давлатнинг масъул органи рухсати билан чоп этилган дарсликлар, белгиланган тартибда ўқув жараёнида фойдаланишга тавсия этилган ва нашр қилинган ўқув адабиётлари, интеллектуал мулк объектлари асосидаги лицензия шартномалари ва бошқалар асосида амалга оширилади;

бошқарув органлари фаолияти йўналишларида илмий натижалар амалиётга бошқарув органлари фаолиятида, жумладан, қонун ва қонунчилик ҳужжатлари, ҳукумат ва бошқарув органлари қарорлари, норматив ҳужжатлар, услубий кўрсатмалар, стандартлар, нормативлар ва бошқа ҳужжатлар асосида жорий этилади.

Шуни таъкидлаш керакки, амалиётга жорий этилган (жорий этиладиган ёки тавсия этиладиган) диссертациянинг илмий янгилиги ва амалий натижалари иқтисодий ёки ижтимоий самарага эга бўлиши керак. Ижтимоий самарага эга бўлган натижалар асосан назарий, методологик ва услубий аҳамият касб этган илмий натижаларнинг шу йўналишда мавжуд бўлган ишлардан афзаллиги ҳамда илмий натижаларнинг ижтимоий мақсадларга эришишга таъсири билан тавсифланади.

Диссертация натижаларини амалиётга жорий этишда амалиётга жорий этилган (этиладиган ёки тавсия этилган) натижа мазмунан диссертация тадқиқоти мақсади ва вазифаларига мос бўлишига алоҳида эътибор қаратиш зарур. Агарда амалиётга жорий этилган илмий натижа диссертациянинг мақсади ва вазифаларига мазмунан мос бўлмаса, у ҳолда амалиётга жорий этилган натижа ушбу диссертацияга нисбатан эътиборга олинмайди.

Амалий аҳамиятга молик бўлган диссертация натижаси (натижалари) амалиётга жорий қилиниши (қабул қилиниши) шарт. Назарий аҳамиятга молик диссертация илмий натижасини амалиётга

жорий қилиш мақсадга мувофиқ бўлиб, уларнинг ижтимоий, интеллектуал мулк ва бошқарув органлари фаолиятида қўлланишига алоҳида эътибор қаратиш зарур.

Юқорида таъкидланганидек, диссертациянинг амалиётга жорий этилган натижалари бўйича тегишли бошқарув органлари ёки ташкилотлар томонидан белгиланган тартибда далолатномалар берилган бўлиши керак. Далолатномада мазкур натижанинг иқтисодий (рақамлар билан асосланиши) ёки ижтимоий самарага эга экани кўрсатилиши, улардан олинган ва кутилаётган самара алоҳида-алоҳида келтирилиши шарт. Ушбу натижа жорий қилинган бошқарув органи ёки ташкилот раҳбарияти томонидан имзоланган далолатномада қуйидагилар акс эттирилиши шарт (4.6-намуна хати): муаллифнинг исми шарифи[1]; жорий қилинган (қилинадиган) илмий натижанинг номи; илмий натижа жорий қилинган объектнинг номи; илмий натижани жорий этиш бўйича асосий тавсифловчи маълумотлар ва олинган иқтисодий ёки ижтимоий самара; илмий натижани жорий этишдан келажакда олиниши кутилаётган иқтисодий ёки ижтимоий самара; бошқа тегишли маълумотлар.

Илмий даража берувчи илмий кенгаш, муассаса кенгаши ва изланувчи томонидан йўл қўйиладиган хатоликдан бири, бу – плагиат ва илмий лоқайдлик ҳолатлари ҳисобланади. Плагиат ва илмий лоқайдлик ҳолатлари диссертация[2] ва нашр ишининг[3] моҳиятини баҳолаш шароитида аниқланади (4.9-жадвал).

---

[1] Далолатномага тегишли ҳужжат илова қилинади. Илова қилинган ҳужжатнинг номи далолатномада келтирилиши ва унда келтирилган тегишли маълумотлар қисқартирилган ҳолда далолатномада кўрсатилиши шарт.

[2] *Докторлик диссертациясининг моҳияти бўйича аниқланган камчилик (камчиликлар)* – диссертация илмий экспертизасида ёки бошқа ҳолатда ишнинг моҳияти бўйича аниқланган ва тегишли қарор билан тасдиқланган камчилик (камчиликлар).

[3] *Нашр ишининг моҳияти бўйича аниқланган камчилик (камчиликлар)* – нашр ишининг илмий экспертизасида ёки бошқа ҳолатда нашр ишининг моҳияти бўйича аниқланган ва тегишли қарор билан тасдиқланган камчилик (камчиликлар).

Моҳиятига кўра, *плагиат (плагиат, кўчирмачилик)* – интеллектуал фаолият натижаси сифатида ўзга манба (манбалар)да ёки ўзга муаллиф (муаллифлар)нинг асари (асарлари)даги илмий янгилик

4.6-хат намунаси

Диссертация бажарилаётган муассасага
ёки
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси
ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясига

_____ нинг
(Ф.И.О.)

докторлик диссертацияси илмий натижасининг
(номи) амалиётга жорий этилгани тўғрисида
МАЪЛУМОТНОМА

Ўзбекистон Республикаси _____
бошқарув органи (ташкилот) номи
томонидан қуйидаги таркибда _____
тузилган комиссия томонидан изланувчи _____ нинг
_____ таклифи кўриб чиқилди.
таклиф номи

Мазкур таклиф _____
объектига амалиётга жорий этилди.

Муаллиф таклифи амалиётга жорий этилишининг аҳамияти қуйидагилардан иборат: _____
_____

Илмий натижанинг амалиётга жорий этилиши қуйидаги самара (иқтисодий, ижтимоий)нинг олинишини таъминлади:

1. _____ .
2. _____ .
3. _____ .

_____

Илова: 4 варак (_____ нинг докторлик диссертацияси
(Ф.И.О.)
илмий натижасининг (номи) амалиётга жорий этилгани
тўғрисида комиссия хулосаси)

Ф.И.О. _____
бошқарув органи (ташкилот) раҳбари

ёки амалий натижа сифатида классификация қилинадиган материал (материаллар)ни ўзининг диссертацияси ёки автореферати ёхуд илмий асарларида улар олинган манба (манбалар)ни ҳеч қандай шаклда қайд этмасдан (ёки таржима қилиб), ўзиникидек фойдаланишдир. *Илмий лоқайдлик* эса интеллектуал фаолият натижаси сифатида ўзга манба (манбалар)да ёки ўзга муаллиф (муаллифлар)нинг асари (асарлари)даги илмий янгилик ёки амалий натижа сифатида классификация қилинмайдиган материал (материаллар)ни ўзининг диссертацияси ёки автореферати ёхуд илмий асарларида улар олинган манба (манбалар)ни ҳеч қандай шаклда қайд этмасдан, ўзиникидек фойдаланишни англатади.

Алоҳида таъкидлаш керакки, бундай ҳолларда муаллиф «ўз ҳаракатининг ижтимоий хавфлилик даражасига қараб, фуқаролик ёки жиноий тартибда жавобгарликка тортилади»[1]. Фан доктори илмий даражасини берувчи илмий кенгаш ва муассаса кенгаши ҳамда изланувчилар плагиат ва илмий лоқайдлик ҳолатларига йўл қўймасликка ўта масъулият билан ёндашишлари зарур. Мазкур ҳолатларга йўл қўймаслик учун диссертация, автореферат ва нашр ишларида ўзга манбалардан олинган материалларнинг манбаси аниқ қайд этилиши керак.

Плагиат ва илмий лоқайдлик ҳолатларидан сақланиш учун, жумладан, қуйидаги услубий талабларга риоя қилиш керак:

фойдаланилган материалнинг манбасини қайд этиш;

фойдаланилган манбаларни адабиётлар рўйхатига киритиш;

ўзга манбалар асосида фойдаланилган барча материалларни қўштирноқ ичида бериш ва диссертациянинг тегишли бетида қайд этиш;

ёки диссертацияда ўзга манбалардан фойдаланилганда, олинган материал ўзгага тегишли эканини таҳририан кўрсатиб ўтиш ёхуд муаллифнинг исми шарифи (асарнинг номи)ни келтириш;

диссертацияда бошқа манбалар ёхуд мутахассис ёки мутахассислар гуруҳининг қарашлари бўйича умумлашган фикрлар баён қилинганда, диссертациянинг фойдаланилган адабиётлар рўйхатидаги тегишли рақамларга, албатта ҳавола бериш керак. Масалан, мазкур муаммо бўйича бир гуруҳ олимлар (ёки олим, *исми*

[1] Ўзбекистон юридик энциклопедияси. Тошкент: Адолат. 2010. 364-бет.

шарифи келтирилади) (77, 89) _____ ёндашувга устувор аҳамият берса, бошқа гуруҳ олимлар (22, 26, 43, 64, 71, 97, 114, 124, 146) _____ мазмунидаги фикрларни қўллаб-қувватлайдилар;

муаллиф ўзга мутахассиснинг илмий тадқиқоти (илмий асари ёки унинг бир қисми) ёхуд ўзга манбаларда келтирилган натижалар асосида умумлашган хулосани берса, диссертация матнида маълумот қуйидаги таҳрирда берилиши мақсадга мувофиқ: масалан, немис олими *(исми шарифи келтирилади)* мазкур масала бўйича «_____» фикрни асослайди (4. – 34–76-бетлар);

диссертация матнида фойдаланилган манбанинг бошланиши ва охири таҳририй-техник жиҳатдан аниқ кўриниб туриши зарур.

Таъкидлаш керакки, плагиат ва илмий лоқайдлик ҳолатларига йўл қўйиш жуда нохуш салбий оқибатларга олиб келади.

Плагиатнинг салбий оқибатлари нималардан иборат бўлиши мумкин, деган табиий савол туғилади. Унга икки йўналишда жавоб бериш мумкин, яъни изланувчи фан доктори илмий даражасида тасдиқлангунга қадар ва фан доктори илмий даражасида тасдиқлангандан кейин плагиат аниқланганда қуйидаги оқибатларга олиб келади:

биринчидан, изланувчи илмий даражада тасдиқлангунга қадар унинг диссертацияси ёки автореферати ёхуд тегишли илмий асарларида плагиат ҳолати аниқланса, диссертациянинг кўрилиши қай босқичда эканидан қатъи назар, изланувчига диссертацияни ушбу мавзу бўйича такроран ҳимояга тавсия қилиш ҳуқуқидан маҳрум этилган ҳолда иш муҳокамадан олиб ташланади. Плагиат аниқланган диссертация бўйича апелляция қабул қилинмайди;

иккинчидан, изланувчи фан доктори илмий даражасида тасдиқлангандан кейин унинг диссертацияси ёки автореферати ёхуд тегишли илмий асарларида плагиат аниқланганида, Фан доктори илмий даражасини бериш тартиби тўғрисидаги низомга мувофиқ, расмий қарор билан у илмий даражадан маҳрум қилинади.

Ҳар иккала ҳолатда ҳам илмий маслаҳатчи, расмий оппонентлар, илмий кенгаш ва унинг ҳузуридаги илмий семинарлар ҳамда шунга дахлдор масъул шахсларга нисбатан таъсир чоралари кўрилади.

4.9-жадвал

Плагиат ва илмий виждонсизлик ҳолатларининг моҳияти, белгиси, асосий хусусиятлари ва салбий оқибатлари тўғрисида маълумот

Плагиат			
моҳияти	белгиси	ҳажми	салбий оқибати
Интеллектуал фаолият натижаси сифатида ўзга манба (манбалар)да ёки ўзга муаллиф (муаллифлар)нинг асари (асарлари)даги илмий янгилик ёки амалий натижа сифатида классификация қилинадиган материал (материаллар)ни ўзининг диссертацияси ёки автореферати ёхуд илмий асарларида улар олинган манба (манбалар)ни ҳеч қандай шаклда қайд этмасдан (ёки таржима қилиб), ўзиникидек фойдаланиш.	Ўзга манбалардан олинган манба (манбалар)даги илмий янгилик ёки амалий натижа сифатида классификация қилинадиган материал (материаллар)ни ҳеч қандай шаклда қайд этмаслик	Камида бир жумла, бир абзац, формула ёки...	Биринчидан, изланувчи илмий даражада тасдиқлангунга қадар унинг диссертацияси ёки автореферати ёхуд тегишли илмий асарларида плагиат ҳолати аниқланса, диссертациянинг кўрилиши қай босқичда эканидан қатъи назар, изланувчига диссертацияни ушбу мавзу бўйича такроран ҳимояга тавсия қилиш ҳуқуқидан маҳрум этилган ҳолда иш муҳокамадан олиб ташланади. Плагиат аниқланган диссертация бўйича апелляция қабул қилинмайди. Иккинчидан, изланувчи фан доктори илмий даражасида тасдиқлангандан кейин унинг диссертацияси ёки автореферати ёхуд тегишли илмий асарларида плагиат аниқланганида, Фан доктори илмий даражасини бериш тартиби тўғрисидаги низомга мувофиқ, расмий қарор билан у илмий даражадан маҳрум қилинади.

Илмий лоқайдлик			
моҳияти	белгиси	ҳажми	салбий оқибати
Интеллектуал фаолият натижаси сифатида ўзга манба (манбалар)да ёки ўзга муаллиф (муаллифлар)нинг асари (асарлари)даги илмий янгилик ёки амалий натижа сифатида классификация қилинмайдиган материал (материаллар)ни ўзининг диссертацияси ёки автореферати ёхуд илмий асарларида улар олинган манба (манбалар)ни ҳеч қандай шаклда қайд этмасдан, ўзиникидек фойдаланиш.	Ўзга манбалардан олинган манба (манбалар)даги илмий янгилик ёки амалий натижа сифатида классификация қилинмайдиган материал (материаллар)ни ҳеч қандай шаклда қайд этмаслик.	Камида бир жумла, бир абзац, формула ёки ...	Биринчидан, изланувчи илмий даражада тасдиқлангунга қадар унинг диссертацияси ёки авторефератида илмий лоқайдлик ҳолати аниқланса, диссертациянинг кўрилиши қай босқичда эканидан қатъи назар, ишни кўриш жараёни тўхтатилади. Илмий лоқайдликка йўл қўйилган хатолар бартараф этилгандан сўнг, илмий кенгаш (ёки тегишли босқичдаги аттестация органи)га маълумот берилади ва тегишли аттестация тадбирлари амалга оширилади. Иккинчидан, изланувчи фан доктори илмий даражасида тасдиқлангандан кейин унинг диссертацияси ёки авторефератида илмий лоқайдлик ҳолати аниқланса, расмий қарор асосида фан доктори илмий даражасини берувчи илмий кенгаш мажлисида илмий лоқайдлик бўйича аниқланган ҳолатлар бартараф этилгани ҳақидаги масала кўриб чиқилиб, тегишли ҳужжатлар олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар давлат аттестациясига ваколатли давлат органига қайта тақдим этилади.
Ҳар иккала ҳолатда ҳам изланувчи, ҳам илмий маслаҳатчи, расмий оппонент, илмий кенгаш ва унинг ҳузуридаги илмий семинар ҳамда шунга дахлдор масъул шахсларга нисбатан таъсир чоралари кўрилади.			

Жадвал муаллиф томонидан тузилган.

Изланувчи илмий даражадан маҳрум этилади[1].

Шу ҳолатлар нашр ишларига ҳам тегишлидир.

Илмий лоқайдлик қуйидаги оқибатларга олиб келади:

биринчидан, изланувчи илмий даражада тасдиқлангунга қадар унинг диссертацияси ёки автореферати да илмий лоқайдлик ҳолати аниқланса, диссертациянинг кўрилиши қай босқичда эканидан қатъи назар, ишни кўриш жараёни тўхтатилади. Илмий лоқайдликка йўл қўйилган хатолар бартараф этилгандан сўнг, илмий кенгаш (ёки тегишли босқичдаги аттестация органи)га маълумот берилади ва тегишли аттестация тадбирлари амалга оширилади;

иккинчидан, изланувчи фан доктори илмий даражасида тасдиқлангандан кейин унинг диссертацияси ёки автореферати да илмий лоқайдлик ҳолати аниқланса, расмий қарор асосида фан доктори илмий даражасини берувчи илмий кенгаш мажлисида илмий лоқайдлик бўйича аниқланган ҳолатлар бартараф этилгани ҳақидаги масала кўриб чиқилиб, тегишли ҳужжатлар олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар давлат аттестациясига ваколатли давлат органига қайта тақдим этилади.

Ҳар иккала ҳолатда ҳам илмий маслаҳатчи, расмий оппонентлар, илмий кенгаш ва унинг ҳузуридаги илмий семинарлар ҳамда шунга дахлдор масъул шахсларга нисбатан таъсир чоралари кўрилади.

Апелляция. Ўзбекистон Республикасининг «Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги қонунини амалга ошириш ҳамда олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар давлат аттестациясига оид масалаларни асосли кўриб чиқилишини таъминлашда апелляция[2] институти муҳим ўрин тутади.

---

[1] *Илмий даражадан маҳрум этиш* – экспертиза сифатсиз ўтказилгани аниқланган ҳолларда шахсни илмий даражадан маҳрум этиш бўйича тегишли аттестация тадбирларини амалга ошириш ва якуний қарор қабул қилиш жараёни.

[2] *Апелляция* – олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар давлат аттестациясига ваколатли давлат органининг ёки фан доктори илмий даражасини берувчи илмий кенгашнинг илмий даража ёхуд тегишли муассаса кенгашининг илмий унвон юзасидан қабул қилинган қарорини (тасдиқлаш, рад жавоби бериш, маҳрум этиш, тиклаш) қайта кўриб чиқиш юзасидан белгиланган муддат ва тартибда тақдим этилган (этиладиган) мурожаат тури.

Аттестация органлари қарорлари юзасидан апелляция бериш ҳамда уларни Ўзбекистон Республикаси ОАК Раёсатида кўриб чиқиш ва тегишли қарор қабул қилиш ишлари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси тўғрисидаги низом, Фан доктори илмий даражасини берувчи илмий кенгаш тўғрисидаги низом, Фан доктори илмий даражасини бериш тартиби тўғрисидаги низом, Илмий унвонлар бериш тартиби тўғрисидаги низом ҳамда тегишли бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар асосида тартибга солинади.

Таъкидлаш керакки, илмий даража ва илмий унвон масаласи бўйича апелляция қуйидаги ҳолларда қабул қилинмайди:

апелляцияни бериш бўйича белгиланган муддат ўтиб кетганда[1];

ишда плагиат (кўчирмачилик) ҳолати аниқланганда;

Ўзбекистон Республикаси ОАК эксперт кенгаши тавсияси (хулосаси) юзасидан берилганда;

Ўзбекистон Республикаси ОАК Тартиб-коида комиссияси қарори юзасидан берилганда;

бир масала бўйича такроран апелляция берилганда[2].

Ўзбекистон Республикаси ОАК эксперт кенгаши тавсияси (хулосаси) бўйича берилган апелляциянинг қабул қилинмаслиги юзасидан қуйидаги фикрни келтириб ўтиш зарур. Ўзбекистон Республикаси ОАКнинг эксперт кенгаши фан доктори илмий даражасини берувчи илмий кенгашнинг илмий даража бериш ёки олий таълим ва илмий-тадқиқот муассасаси илмий кенгашининг илмий унвонлар бериш тўғрисидаги қарорларини тасдиқлаш (рад этиш) юзасидан Ўзбекистон Республикаси ОАК Раёсатига асосланган тавсия берувчи ҳамда олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар давлат аттестациясига оид масалалар бўйича тавсиялар иш-

---

[1] Фан доктори илмий даражасини берувчи илмий кенгаш тўғрисидаги низомга мувофиқ апелляцияни кўриб чиқиш муддати апелляция берилган кундан эътиборан икки ойдан ошмаслиги керак.

[2] Бир масала бўйича такроран апелляция берилган ҳолларда, апелляция белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси ОАК ёки фан доктори илмий даражасини берувчи илмий кенгаш ёхуд ОТМ, ИТМ илмий кенгаши томонидан рўйхатдан ўтказилиб, «маълумот учун» кўрсатмаси билан тегишли аттестация ишига тикиб қўйилади ва шу мазмунда апелляция берувчига жавоб хати жўнатилади.

лаб чиқувчи илмий-ташкилий тузилма ҳисобланади. Шу жиҳатдан эксперт кенгашининг тавсиялари моҳиятига кўра оралиқ аттестация натижаси ҳисобланиб, унинг тавсия (хулоса)лари тегишли равишда тасдиқлангандан кейин кучга кириши мумкин. Шу боис эксперт кенгаши тавсияси (хулосаси) бўйича берилган апелляция қабул қилинмайди. Шунингдек, эксперт кенгашининг ҳужжатлари, хулосалари ва тавсиялари ички хизмат материаллари ҳисобланиб, ошкор қилинмайди. Эксперт кенгашининг тавсияси Ўзбекистон Республикаси ОАКдан ташқарида муҳокама қилиниши мумкин эмас. Муҳокама қилинмаган тавсия (хулоса)га нисбатан апрелляция берилмайди.

Апелляцияни Ўзбекистон Республикаси ОАКда кўриб чиқишнинг ўзига хос меъёрий-ташкилий хусусиятлари юзасидан қуйидагиларни кўрсатиб ўтиш мақсадга мувофиқ:

а) апелляция Ўзбекистон Республикаси ОАК Тартиб-қоида комиссиясида кўриб чиқилиб, тегишли хулоса қабул қилинади;

б) тегишли ҳолларда Ўзбекистон Республикаси ОАК Тартиб-қоида комиссияси апелляцияни кўриб чиқишни тегишли эксперт кенгашига топшириши мумкин;

в) зарур ҳолларда Апелляция комиссияси тузилади;

г) апелляцияни кўриб чиқиш натижаси бўйича Ўзбекистон Республикаси ОАК Раёсати ОАК Тартиб-қоида комиссияси ёки эксперт кенгаши ёхуд Апелляция комиссиясининг тавсиясини кўриб чиқиб, якуний қарор қабул қилади.

Таъкидлаш керакки, зарур ҳолларда Ўзбекистон Республикаси ОАК Тартиб-қоида комиссияси, эксперт кенгаши ва Апелляция комиссияси[1] мажлисига апелляция берувчи[2] ва ишни кўриб чиқишга тегишли бўлган шахслар ҳам таклиф этилиши мумкин.

---

[1] *Апелляция комиссияси* – апелляцияни кўриб чиқиш учун олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар давлат аттестациясига ваколатли давлат органи ёки фан доктори илмий даражасини берувчи илмий кенгаш ёхуд тегишли муассаса кенгаши томонидан белгиланган тартибда тузилган (тузиладиган) мутахассислар гуруҳи.

[2] *Апелляция берувчи* – белгиланган муддат ва тартибда апелляция билан мурожаат қилувчи изланувчи (мутахассис), фан доктори илмий даражасини берувчи илмий кенгаш ёки тегишли муассаса кенгаши ёхуд манфаатдор юридик ёки жисмоний шахс (шахслар).

Докторлик диссертацияси ва автореферати расмийлаштириш. Амалга оширилган диссертация тадқиқотининг натижаларини илмий асар сифатида ягона қоидалар асосида расмийлаштириш муҳим аҳамият касб этади. Тегишли қоидаларнинг ягоналиги «Докторлик диссертацияси ва автореферати расмийлаштириш қоидалари» (матн давомида – Қоидалар)да белгилаб берилган.

Ҳар бир изланувчи докторлик диссертацияси ва автореферати расмийлаштиришнинг тегишли таҳририй ва меъёрий-техник талаблари билан мукаммал танишиб чиқиши зарур. Бу ҳол бир томондан илмий асар ҳисобланган диссертацияни тегишли равишда расмийлаштириш ва тадқиқот натижалари билан қулай танишиб чиқишни таъминласа, иккинчи томондан эса изланувчига жуда катта масъулият юклайди. Зеро, докторлик диссертацияси ва автореферати мазкур қоидаларга риоя қилинмасдан расмийлаштирилганда Ўзбекистон Республикаси ОАК Тартиб-коида комиссияси қарори билан қайта расмийлаштиришга қайтарилиши ёки Раёсатнинг қарори билан аттестация ишига рад жавоби берилиши мумкин.

Диссертацияни расмийлаштиришда ишнинг таркибига алоҳида эътибор қаратиш зарур. Зеро, диссертация таркиби – диссертация тадқиқотининг мақсади, моҳияти ва тегишли фан тармоғининг муайян ихтисослиги паспорти талабларидан келиб чиққан ҳолда бажарилиши мақсадга мувофиқ бўлган вазифаларнинг системали равишда расмийлаштирилган мақбул концептуал мундарижасини англатади. Шу жиҳатдан ҳам диссертацияни расмийлаштиришда таҳририй жиҳатдан қуйидаги масалаларга алоҳида ёндашув талаб этилади: ишнинг мақсади асосида шакллантирилган вазифалари боб ва параграфларда тизимли равишда ўз аксини топиб, улар бир-бири билан ўзаро боғлиқ ҳолда тушунарли равишда мантиқий изчилликда аниқ ифодаланиши керак; шунингдек, диссертацияда асосланган ҳар бир хулоса, таклиф ва тавсиялар диссертация таркиби моҳиятидан келиб чиққан ҳолда ифодаланиши керак.

Қоидаларга мувофиқ докторлик диссертациясининг «Кириш» қисмида ишнинг моҳияти аннотацион тарзда қуйидаги йўналишларда акс эттирилиши керак:

→ мавзунинг долзарблиги. Бунда беш масаланинг моҳияти очиб берилишига алоҳида аҳамият қаратиш керак: *биринчидан,* мазкур йўналишдаги муаммолар тизимли равишда очиб берилиши; *иккинчидан,* кўрсатилган муаммоларни ҳал этиш юзасидан амалга

оширилган амалий тадбирлар ва илмий изланишлар кўрсатилиши; *учинчидан,* кўрсатилган муаммоларни илмий жиҳатдан ҳал этиш зарурати асосланиши ҳамда бунда амалга оширилиши керак бўлган вазифалар аниқ кўрсатиб берилиши зарур; *тўртинчидан,* таклиф этилаётган вазифаларнинг амалга оширилиши қандай натижаларга хизмат қилиши кўрсатилиши керак; *бешинчидан,* диссертация тадқиқотининг методологик асосини ташкил этувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, методологик аҳамиятга эга бўлган асарлар ҳамда мавзуга оид меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида маълумот берилади. Шунингдек, диссертация тадқиқотини амалга оширишнинг услубий асосларини ташкил қилувчи муҳим манбалар юзасидан маълумот келтирилади;

→ муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Бунда тўрт масаланинг моҳиятини очиб бериш мақсадга мувофиқ: *биринчидан,* муаммонинг монографик тадқиқотларда ўрганилганлик даражаси таҳлили; *иккинчидан,* муаммонинг диссертация тақикотларида ўрганилганлик даражаси таҳлили; *учинчидан,* муаммонинг тегишли ташкилотлар томонидан ўрганилганлик даражаси таҳлили; *тўртинчидан,* муаммонинг бошқа манбаларда ўрганилганлик даражаси таҳлили (зарур ҳолларда);

→ ишнинг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Бунда диссертация тадқиқотининг давлат илмий-техник дастурлари, халқаро грантлар, тармоқ ва муассаса ҳамда бошқа илмий дастур (лойиҳа)лар доирасида бажарилиши кўрсатилади;

→ диссертация тадқиқотининг мақсади;

→ диссертация тадқиқотининг вазифалари;

→ диссертация тадқиқотининг объекти;

→ диссертация тадқиқотининг предмети;

→ диссертация тадқиқотида қўлланилган методлар; бунда тадқиқот жараёнида қўлланилган методлар кўрсатилади;

→ диссертациянинг илмий янгилиги. Таъкидлаш керакки, олинган илмий янгилик, албатта диссертациянинг мақсади ва вазифаларига мувофиқ ҳолда бўлиши керак. Диссертациянинг илмий янгилиги – диссертациянинг мақсади ва вазифаларига мувофиқ ҳолда фанга илгари номаълум бўлиб, муайян ижтимоий (иқтисодий) самарага эга бўлган илмий ҳодиса ёки олинган (такомиллаштирилган) назарий ва методологик-услубий илмий ечим (ҳолат) ёхуд назарий аҳамиятга молик хулоса (таклиф)дир;

– диссертациянинг амалий натижалари. Диссертациянинг амалий натижалари – диссертациянинг мақсади ва вазифаларига мувофиқ ҳолда илмий жиҳатдан асосланиб, муайян иқтисодий ёки ижтимоий самарага эга бўлган ва амалий аҳамият касб этган таклиф (тавсия, хулоса) ва ечимлар (ечимлар мажмуи)ни англатади.

– амалиётга жорий этилган илмий натижалари ва самараси. Бунда диссертациянинг илмий янгилиги ва ёки амалий натижаларини тадқиқот объектига мувофиқ бўлган амалиётга жорий этилиши масаласи ва улардан олинган (кутилаётган) самара ёритилади;

– диссертация тадқиқотининг илмий ва амалий аҳамияти. Бунда ишнинг илмий ва амалий аҳамияти алоҳида ифодаланиб, уларнинг аҳамияти ва қандай натижаларга хизмат қилиши қисқача ифодаланади;

– ишнинг синовдан ўтказилиши (апробацияси). Бунда таҳририй жиҳатдан икки масаланинг моҳияти очиб берилиши зарур: *биринчидан,* илмий янгилик ва амалий натижа қаерда муҳокамадан ўтказилганлиги; *иккинчидан,* уларнинг расмий тасдиғи. Зеро, апробация – илмий янгилик ва амалий натижаларни тегишли илмий-ташкилий тузилма (бошқалар)лар ёки ташкилот (ташкилотлар)да муҳокама (синаш, текшириш)дан ўтказиш ва у (улар)нинг асослилигини расмий тасдиқлаш жараёнидир;

– нашр қилинган ишлар. Бунда тадқиқотчи томонидан ишнинг мақсади ва вазифаларига мувофиқ ҳолда нашр қилган ишлари тўғрисидаги умумий маълумотлар келтирилади. Зеро, докторлик диссертациясининг илмий натижаларини нашр қилиш – диссертациянинг мақсади ва вазифаларига мувофиқ бўлган илмий янгилиги ва амалий натижаларини тегишли илмий нашрларда чоп эттиришни англатади;

– диссертациянинг таркиби ва ҳажми. Бунда диссертациянинг қандай қисмлардан иборатлиги (титул варағи, мундарижа, кириш, нечта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати, иловалар) ҳамда нечта бетдан, жадвал ва расмдан иборатлиги тўғрисида умумий маълумот келтирилади. Шунингдек, ишнинг кириш қисмида кўрилган масалалар, ҳар бир бобнинг моҳияти ҳамда хулоса қисмида диссертация тадқиқоти бўйича олинган натижалар бўйича умумлашган қисқача маълумот берилади.

Докторлик диссертация ва автореферати норматив-техник жиҳатдан 4.10 ва 4.11-жадвалларда келтирилган қоидаларга мувофиқ расмийлаштирилади.

4.10-жадвал

Докторлик диссертациясини расмийлаштиришнинг норматив-техник қоидалари[1]

Йўналиши	Норматив-техник қоидалари
Кўриниши	Китоб кўринишида тайёрланади.
Тили	Ўзбек, рус, қорақалпоқ ва инглиз тилининг бирида изланувчининг танлови бўйича ёзилиши мумкин.
	Ўзбекистон Республикаси ОАК билан келишилган ҳолда бошқа тегишли тилда тайёрланиши мумкин.
Ҳажми	200 бетдан ошмаслиги керак. Ижтимоий-гуманитар фанлар йўналишидаги диссертация ҳажми кўпи билан 30 фоизга оширилиши мумкин.
	Фойдаланилган адабиётлар ва иловалар кўрсатилган ҳажмга киритилмайди.
Матн	А4 форматли стандарт оқ қоғознинг бир томонида ёзилади.
	Компьютерда WORDнинг «Times New Roman» шрифти, 14-кегел, 1,5 интервалда тайёрланади.
	Саҳифанинг чап томонидан 30 мм, юқори ва қуйи томонларидан 25 мм, ўнг томонидан 15 мм қолдирилади.
	Абзац бўшлиғи компьютерда WORDнинг 0–1 рақамлари оралиғида бўлади.
Таркиби	Диссертация қуйидаги қисмлардан иборат бўлади: 1) титул варағи; 2) мундарижа, 3) кириш; 4) боблар; 5) хулоса; 6) фойдаланилган адабиётлар рўйхати; 7) иловалар.
	Титул варағи тегишли равишда расмийлаштирилади.
	Ҳар бир қисм номи тўлалигича бош ҳарфлар билан матннинг ўртасига ёзилади (охирига нуқта қўйилмайди).

[1] Докторлик диссертацияси ва автореферати расмийлаштириш қоидалари асосида умумлаштирилган.

давоми

Йўналиши	Норматив-техник коидалари
Рақамлаш	Саҳифалар титул варағи бетидан охирги бетгача тартиб билан араб рақамлари орқали белгиланади.
	1-бет титул варағи ҳисобланиб, унга рақам қўйилмайди, кейинги бетга «2» рақами қўйилади ва ҳоказо.
	Мундарижа, кириш, ҳар бир боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалар янги бетдан бошланади.
	Тартиб рақами саҳифа пастки қисмининг ўнг томонига қўйилади.
	Мундарижа, кириш, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалар рақамланмайди.
	Боб рим рақами (I, II, III, IV)да белгиланиб, боб сўзидан кейин нукта қўйилади, масалан, «I БОБ.». Нуқтадан кейин бир оралиқ ташланиб, бобнинг номи ёзилади.
	Параграф ва бандлар араб рақамлари билан тегишли тартибда белгиланиб, нукталар билан ажратилади (охирида нукта қўйилади (масалан, мос равишда «1.1.» – *маъноси*: биринчи бобнинг биринчи параграфи; «1.1.1.» – *маъноси*: биринчи боб, биринчи параграфнинг биринчи банди). Рақам нуктасидан кейин бир пробел ташланган ҳолда параграф ва бандниг номи ёзилади.
Ёзилиши	Диссертация номи тахририй жиҳатдан аниқ ва киска бўлиб, одатда, кўпи билан 15 та сўздан ошмаслиги керак.
	«МУНДАРИЖА», «КИРИШ», «БОБ», «ХУЛОСА», «ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ» ва «ИЛОВАЛАР» сўзлари тўлалигича бош ҳарфлар билан ёзилиб, тегишли саҳифанинг ўртасига жойлаштирилади (охирига нукта қўйилмайди).

	Параграф ва бандниng номи бош ҳарфдан бошланади (охирига нукта қўйилмайди). Улар тегишли бетнинг ўртасига ёзилади.
	Мундарижа, кириш, боб, параграф, банд, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловаларнинг тагига чизиб ёзиш мумкин эмас.
Интервал	Мундарижа, кириш, боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатигача бўшлиқ бир интервалда бўлиши керак.
	Мундарижа, кириш, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан кейин бошланадиган матн орасидаги бўшлиқ бир интервал бўлиши керак.
	Бобдан кейин бошланадиган параграф номи орасидаги бўшлиқ икки интервал бўлиши керак.
	Параграфдан кейин бошланадиган банд ёки матн орасидаги бўшлиқ бир интервалда бўлади.
Ҳавола	Ҳар бир фойдаланилган материалга тегишли равишда ҳавола берилиши шарт.
	Тегишли материалга ҳавола уч кўринишда берилиши мумкин: 1) материалдан фойдаланилган адабиётлар рўйхати асосида (масалан, [1. 25–26.] – *маъноси*: мазкур материал фойдаланилган адабиётлар рўйхатида келтирилган 1-рақамли адабиётнинг 25–26-бетларидан олинган); 2) диссертация матнида материалдан фойдаланилган манбага тегишли равишда таҳририй-техник жиҳатдан ишора берилади. 3) фойдаланилган материалга диссертация матни саҳифасида ҳам ҳавола берилиши мумкин. Унга ҳавола матннинг шу бети охирида компьютернинг 10-шрифтида берилади.

давоми

Йўналиши	Норматив-техник қоидалари
Жадвал, расм, формула, илова	Жадвал, расм ва шу кабилар статистик шакллар ва формулаларга қўйиладиган талаблар асосида расмийлаштирилиши керак. Жадвал рақами боб, параграф ва жадвал рақамидан иборат бўлиб, нуқта билан ажратилади (масалан «1.1.1-жадвал – *маъноси:* биринчи боб, биринчи параграфининг 1-жадвали). (Иловаларда келтирилган расм бундан мустасно).
	Жадвал номланиб, номи бош ҳарф билан бошланади (охирига нуқта қўйилмайди). Жадвалнинг номи унинг устига ёзилади, рақами эса номидан юқорига ёзилиб, жадвал номининг ўнг томонига қўйилади. Жадвалнинг манбаси унинг остида албатта келтирилиши шарт.
	Расм (иллюстрация, яъни сурат, график, чизма, диаграмма, фотосурат ва шу кабилар). Агар расмни кўриш учун диссертацияни буриш керак бўлса, уни соат стрелкаси бўйлаб буриб кўриладиган ҳолатда жойлаштирилиши керак.
	Расм рақами боб, параграф ва расм рақамидан иборат бўлиб, нуқта билан ажратилади (масалан «1.1.1-расм.», *маъноси:* биринчи боб, биринчи параграфининг 1-расми). (Иловаларда келтирилган расмлар бундан мустасно). Расм номланиб, унинг номи бош ҳарф билан бошланади (охирига нуқта қўйилмайди). Расмнинг номи унинг устига ёзилади, рақами эса номидан юқорига ёзилиб, расм номининг ўнг томонига қўйилади. Изоҳи эса расм остига қўйилади.
	Формула рақамланиб, унинг ўнг томонига ёзилади. Формула рақами қавс ичида ёзилиб, боб, параграф ва формула рақамларидан иборат бўлади ва нуқта билан ажратилади.

	Илова янги бетдан бошланади. Ҳар бир илова янги бетнинг ўнг юкори бурчагида бўшлиқ қолдирилмасдан «Илова» сўзи ёзилади. Иловадан кейинги бериладиган матн оралиғидаги бўшлиқ бир интервал бўлиши керак. Иловалар кетма-кет араб рақамлари билан белгиланади (масалан, «1-ИЛОВА», «2-ИЛОВА» ва ҳоказо). Иловалар икки йўналишда жамланган бўлиши мумкин: 1) диссертациянинг асосий матни билан бирга жамланган бўлиши; 2) алоҳида жилд ҳолида жамланган бўлиши мумкин (уларни алоҳида расмийлаштирганда, титул варағида диссертация мавзуининг номи остида катта ҳарфлар билан «ИЛОВАЛАР» сўзи ёзилади).
Адабиётлар	Диссертация мавзуи юзасидан фойдаланилган адабиётлар рўйхати стандарт талабларига мос равишда расмийлаштирилади.

4.11-жадвал

Докторлик диссертацияси авторефератини расмийлаштиришнинг норматив-техник қоидалари[1]

Йўналиши	Норматив-техник қоидалари
Кўриниш	Брошюра кўринишида тайёрланади.
Тили	Ўзбек, рус ва инглиз тилларида, бир-бирига айнан бўлган ҳолда тайёрланади.
	Диссертация қорақалпоқ тили ёки юқорида кўрсатилган тиллардан бошқа тилда белгиланган тартибда тайёрланган бўлса, диссертация автореферати ўзбек, рус, инглиз ва иш бажарилган тилларда бир-бирига айнан бўлган ҳолда тайёрланади.
Ҳажми	4,5 босма табоқ ҳажмда (ҳар бир тилда бир ярим босма табоқ (24 варақ) ҳажмда) тайёрланади.
	Ижтимоий-гуманитар фанлар соҳасидаги диссертация авторефератининг ҳажми, кўпи билан, 30 фоизга оширилиши мумкин.
	Диссертация қорақалпоқ тили ёки юқорида кўрсатилган тиллардан бошқа тилда белгиланган тартибда тайёрланган бўлса, шу тилдан ҳам бир ярим босма табоқ ҳажмдаги айнан материал киритилади.
	Муқова (муқова ва муқова орқа томони), расмлар ва нашр қилинган ишлар рўйхати умумий ҳажмга киритилмайди.
	Диссертация авторефератига иловалар киритилмайди.
Матн	А4 форматли стандарт оқ қоғознинг бир томонига ёзилади.
	Компьютерда WORDнинг «Times New Roman» шрифти, 14-кегел ва бир интервалда тайёрланади.
	Сахифанинг чап томонидан 30 мм, юқори ва пастки томонларидан 25 мм, ўнг томонидан 15 мм қолдирилади.
	Абзац бўшлиғи компьютерда WORDнинг 0–1 рақамлари оралиғида бўлади.

Таркиби	Автореферат тўрт бўлимдан иборат бўлади: 1) диссертациянинг умумий тавсифи; 2) диссертациянинг моҳияти; 3) хулоса; 4) нашр қилинган ишлар рўйхати.
Ёзилиши, интервал	Ҳар бир бўлим номи тўлалигича бош ҳарфлар билан матннинг ўртасига ёзилади (охирига нукта қўйилмайди). Уларнинг тагига чизиб ёзишга рухсат этилмайди.
	Титул варағи тегишли равшда расмийлаштирилади.
	Ҳар бир бўлим номидан кейин бошланадиган матн орасидаги бўшлиқ бир интервалда бўлади.
Рақамлаш	Саҳифалар муқовадан охирги бетгача тартиб билан араб рақамлари орқали белгиланади.
	Биринчи ва иккинчи бетлар муқова ва муқова орқа томони ҳисобланиб, уларга рақам қўйилмайди, кейинги бетга «3» рақами қўйилади ва ҳоказо.
	Тартиб рақами бетнинг қуйи қисми ўнг томонига қўйилади.
	Авторефератнинг барча бўлимлари янги бетдан бошланиб, ракамланмайди.
	Нашр қилинган илмий ишлар рўйхатида келтирилган иккала бўлимдаги илмий ишлар узлуксиз рақамланади.
Нашр ишлари	Нашр қилинган илмий ишлар рўйхати қуйидаги икки бўлимдан иборат бўлади. 1) Илмий даража бериш тартиби тўғрисида низом талаблари асосида илмий даража талабгори томонидан чоп этилган илмий ишлар; 2) биринчи бўлимга киритилмаган бошқа тегишли нашр ишлари.
	Иккала бўлимда ишлар хронологик тартибда монография, дарслик, илмий мақола, патент, илмий тўпламлар ва бошқа нашр ишлари тартибида берилади.

[1] Докторлик диссертацияси ва автореферати расмийлаштириш қоидалари асосида умумлаштирилган.

4.12-жадвал

Монографиялар ва докторлик диссертациялари авторефератларини тегишли равишда тахрирдан ўтказиш тавсия этилган нашриётлар рўйхати[1]

Фан тармоғи	Т/р	Нашриёт номи
Физика-математика фанлари	1.	«Ўзбекистон миллий энциклопедияси» давлат илмий нашриёти
Кимё фанлари		
Биология фанлари		
Геология-минерал. фанлари	2.	«Фан» нашриёти
Техника фанлари		
География фанлари		
Санъатшунослик фанлари		
Меъморчилик	3.	Тегишли нашриёт
Қишлоқ хўжалиги фанлари		
Ветеринария фанлари		
Тарих фанлари	1.	«Ўзбекистон» НМИУ
Фалсафа фанлари	2.	«Молия-иқтисод» нашриёти
Социология фанлари	3.	«Маънавият» нашриёти
Иқтисодиёт фанлари	4.	Тегишли нашриёт
Филология фанлари	1.	«Ғафур Ғулом» НМИУ
	2.	Тегишли нашриёт
Юридик фанлар	1.	«Адолат» нашриёти
	2.	Тегишли нашриёт
Педагогика фанлари	1.	«Ўқитувчи» НМИУ
Психология фанлари	2.	Тегишли нашриёт
Тиббиёт фанлари	1.	Тегишли нашриёт
Фармацевтика		

[1] Муаллиф таклифи. Шунингдек, тегишли нашриёт рўйхатга киритилиши мумкин.

Докторлик диссертацияси автореферати қўлёзма ҳуқуқидаги нашр ишига тенглаштирилгани ҳамда уни таҳририй жиҳатдан мукаммал тайёрланишини эътиборга олиб, ушбу ишни «Ўзбекистон Республикаси ОАКнинг монографиялар ва докторлик диссертациялари авторефератларини таҳрирдан ўтказиш тавсия этилган нашриётлар рўйхати»га киритилган нашриёт томонидан таҳрирдан ўтказилиши мақсадга мувофиқ (4.12-жадвал).

Ўзбекистон Республикаси ОАК монографиялар ва докторлик диссертациялари авторефератларини таҳрирдан ўтказиш тавсия этилган нашриётлар рўйхати – Ўзбекистон Республикаси ОАК Раёсати қарори билан муайян фан тармоқлари (тармоғи)нинг ўзига хос хусусиятларини эътиборга олган ҳолда монографиялар ва докторлик диссертациялари авторефератларини таҳрирдан ўтказиш тавсия этилган нашриётларнинг тизимлаштирилган рўйхати.

V боб

ФАН ДОКТОРИ ИЛМИЙ ДАРАЖАСИ

Мамлакатимизнинг ижтимоий-иқтисодий тараққиёти ва жамиятимизнинг маънавий юксалишини таъминлаш, баркамол авлодни тарбиялаш, юртимиз илмий салоҳиятини мустаҳкамлаш ва жаҳон миқёсида илм-фанимизнинг нуфузини янада оширишда илмий даражага эга мутахассисларнинг ўрни бениҳоя каттадир.

Моҳиятига кўра илмий даража – тегишли норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар талабларини бажариб, кўзда тутилган малакавий талабларга жавоб берган ва илмий даражаси тасдиқланган (тасдиқланадиган) мутахассисларга бериладиган расмий мақомни англатади.

Таъкидлаш керакки, илмий даражага нисбатан қўлланадиган «изланувчи», «илмий даража талабгори» ва «фан доктори» атамаларининг моҳияти ва уларнинг амалий жараёнда қўлланиши юзасидан қуйидаги услубий масалаларни кўрсатиб ўтиш мақсадга мувофиқ. Мазкур атамаларни моҳиятан қуйидаги 3 (уч) гуруҳга ажратиш мумкин (5.1-жадвал):

– I гуруҳ: «изланувчи» (изланувчилар);

– II гуруҳ: илмий даража талабгори (талабгорлари);

– III гуруҳ: фан доктори илмий даражасида тасдиқланган мутахассис (мутахассислар).

– биринчи гуруҳ: «изланувчи» («изланувчилар»). Мазкур гуруҳга фан доктори илмий даражасини олиш учун диссертация тадқиқотлари олиб бораётган шахслар киритилиб, таркибан катта илмий ходимлар-изланувчилар, мустақил тадқиқотчилар ва тўлов-контракт асосида илмий тадқиқотлар олиб бораётган шахслардан иборатдир. Шу жиҳатдан «изланувчи (изланувчилар)» атамаси катта илмий ходим(лар)-изланувчи(лар), мустақил изланувчи(лар) ва тўлов-контракт асосидаги изланувчи (тадқиқотчилар) ибораларининг умумий таҳрирдаги ифодасидир;

– иккинчи гуруҳ: «фан доктори илмий даражасига талабгор» («фан доктори илмий даражасига талабгорлар»). Мазкур гуруҳга фан доктори илмий даражасини олиш учун диссертация тадқиқотини якунлаб, диссертацияси белгиланган тартибда фан доктори илмий даражасини берувчи илмий кенгашга ҳимоя учун қабул қилинган ва аттестация иши кейинги жараёнларда кўрилаётган мутахассис (мутахассислар) киритилади. Шу жиҳатдан улар «илмий даража талабгори» ибораси билан ифодаланади.

Шу ўринда табиий савол туғилиши мумкин – нима учун айнан диссертация илмий кенгашга ҳимоя учун қабул қилиниб, аттестация иши кейинги жараёнларда кўрилаётгани шартли мезон сифатида қабул қилинган?

Услубий-ташкилий жиҳатдан қараганда, бунинг сабаби шундаки, изланувчи, диссертация мавзуи тасдиқлангандан бошлаб, унга фан доктори илмий даражаси берилган давр оралиғида шартли равишда тегишли мақомларда фаолият кўрсатади, яъни:

– *биринчидан* (биринчи гуруҳга қаралсин), катта илмий ходим-изланувчи (мустақил изланувчи) сифатида диссертация тадқиқотини амалга оширади, ишни расмийлаштиради ва турли даражадаги муҳокамалардан ўтказади. Диссертацияси илмий кенгашга қабул қилингунга кадар муҳокамаларда (кафедра, бўлим, илмий кенгаш қошидаги илмий семинар...) билдирилган камчиликларни бартараф этади ва қабул қилинган таклифлар бўйича тегишли тадқиқотларни амалга оширади. Демакки, иш тўлалигича якунланмагани сабабли тадқиқотлар давом эттирилиши мумкин. Шунингдек, тегишли низомларда, белгиланган рўйхатдаги ҳужжатлар мукаммал бўлмаган тақдирда илмий кенгаш диссертацияни дастлабки кўриб чиқишга қабул қилиб ололмайди. Бинобарин, бундай шароитда изланувчи фан доктори илмий даражасини олишга даъво қила олмайди. Шунинг учун ҳам шахс ушбу жараёнда «изланувчи» мақомида фаолият кўрсатади;

– *иккинчидан*, тегишли талаблар тўлиқ бажарилгандан кейин илмий кенгаш диссертацияни иш бажарилган ташкилот, кенгаш қошидаги илмий семинар ва эксперт комиссиясининг хулосалари асосида ҳимояга қабул қилиб олиши белгилаб қўйилган. Бу норма изланувчи томонидан тегишли талабларнинг тўлиқ бажарилганидан далолат беради, яъни барча аттестация тадбирлари бажа-

рилиб, диссертация тугалланган иш сифатида расмийлаштирилгандан кейин ишни илмий кенгашга ҳимоя учун қабул қилиш ва диссертация ҳимоясини амалга ошириш мумкин. Ушбу шароитда изланувчи ишни очик ҳимоя қилиб, фан доктори илмий даражасини олишга даъво қилиш ҳуқуқига эга бўлади. Шу жиҳатдан ҳам диссертация илмий кенгашга ҳимоя учун қабул қилинган ва аттестация иши кейинги жараёнларда кўрилаётган шароитда мутахассис илмий даража талабгори мақомида фаолият кўрсатади;

– учинчи гуруҳ: «фан доктори» атамаси фан доктори илмий даражасида тасдиқланган мутахассис (мутахассислар)га нисбатан қўлланади.

5.1-жадвал

(1) Изланувчи (катта илмий ходим-изланувчи, мустақил изланувчи, контракт-шартнома асосидаги изланувчи) (2) илмий даража талабгори ва (3) фан доктори атамалари (ёки иборалари)ни тавсифловчи асосий белгилар

Гуруҳ		Мақоми	Тавсифловчи асосий белгилари
№	номи		
I.	Изланувчи (изланувчилар) Қуйидагиларнинг умумий таҳрирдаги ифодаси: – катта илмий ходим-изланувчи; – мустақил изланувчи; – тўлов-контракт асосидаги изланувчи	Катта илмий ходим-изланувчи	Олий таълим муассасасига ёки илмий-тадқиқот муассасасига катта илмий ходим-изланувчи лавозимига белгиланган тартибда қабул қилинган шахс[1].
		Мустақил изланувчи	Олий таълим муассасасига ёки илмий-тадқиқот муассасасига мустақил изланувчиликка белгиланган тартибда қабул қилинган шахс[2].
		Тўлов-контракт асосидаги изланувчи	Олий ўқув юртидан кейинги таълим институтида контракт-тўлов асосида ташкилот (шахс) билан кадрларни мақсадли тайёрлаш ҳақидаги келишувга кўра, муайян фан тармоғининг тегишли ихтисослиги бўйича фан доктори илмий даражасини олиш учун диссертация тадқиқоти олиб бораётган (борган) шахс.

II.	Илмий даража талабгори	Илмий даража талабгори	Фан доктори илмий даражасини берувчи илмий кенгашга диссертацияси ҳимоя учун қабул қилинган ва аттестация иши кўрилиш жараёнида бўлган мутахассис.
III.	Фан доктори	Фан доктори	Фан доктори илмий даражасининг номи; 2) тегишли норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар талабларини бажариб, кўзда тутилган малакавий талабларга жавоб берган ва фан доктори илмий даражаси тасдиқланган (тасдиқланадиган) мутахассисларга берилган (бериладиган) расмий маком; 3) фан доктори илмий даражаси тасдиқланган (тасдиқланадиган) мутахассис.

Жадвал муаллиф томонидан тузилган.

Тегишли норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар талабларига мувофиқ изланувчилар фан доктори илмий даражасида қуйидагилар асосида тасдиқланиши мумкин (5.1-расм):

а) диссертациянинг фан доктори илмий даражасини берувчи илмий кенгашдаги очиқ ҳимояси;

б) илмий маъруза шаклидаги докторлик диссертациясининг фан доктори илмий даражасини берувчи илмий кенгашдаги очиқ ҳимояси;

в) «Йил ғолиби» танлови бўйича ўқув адабиётининг фан доктори илмий даражасини берувчи илмий кенгашдаги очиқ ҳимояси;

г) диссертация ҳимоясисиз фан доктори илмий даражасини бериш асосида (фан ва технологияларни ривожлантиришга ҳамда иқтисодиёт тармоқларини модернизация қилишга улкан ҳисса қўшган ихтиро муаллифига истисно тариқасида диссертация ҳимоясисиз фан доктори илмий даражаси берилиши мумкин).

[1,2] Олий ўқув юртидан кейинги таълимга қўйиладиган давлат талаблари.

5.1-р а с м . Илмий даража талабгорларининг фан доктори илмий даражасини тасдиқлаш асослари

Илмий даражани тасдиқлаш асоси таркибида диссертациянинг очиқ ҳимояси тадбири муҳим ўрин тутади. Тегишли норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга мувофиқ, илмий даража олиш учун диссертация ҳимоя қилган шахсларга фан доктори (2013 йилга қадар фан номзоди илмий даражаси ҳам) илмий даражаси белгиланган тартибда берилади.

Диссертация[1] мавзуини шакллантиришдан бошлаб, фан доктори илмий даражасини тасдиқлаш бўйича якуний қарор қабул

[1] *Докторлик диссертацияси (диссертация)* – диссертация мавзуи асосида муаллиф томонидан шахсан олиб борилган (бориладиган) тадқиқот моҳияти тегишли норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар талабларига жавоб берган, тугалланган ва мазмунан яхлит илмий иш сифатида илмий янгилиги ва амалий натижалари системали равишда асослаб берилган ва тегишли ҳужжатларда кўзда тутилган талаблар асосида расмийлаштирилган (расмийлаштириладиган) қўлёзма ҳуқуқига эга бўлган илмий асар.

қилиш жараёни шартли равишда қуйидаги 5 босқичдан иборат бўлган ўн бир тадбирни қамраб олади (5.2-жадвал).

5.2-жадвал

Диссертация мавзуи ва ишни очиқ ҳимоя қилиш билан боғлиқ аттестация тадбирлари тўғрисида услубий маълумот

Босқич	Т/р	Аттестация тадбирининг мазмуни
I	1.	Талабгорнинг илмий-тадқиқот ва илмий-педагогик фаолият олиб боришга лаёқатини тест синовлари асосида аниқлаш.
II	2.	Диссертация мавзуи ва таркибини шакллантириш.
	3.	Диссертация мавзуини тасдиқлаш.
	4.	Диссертация мавзуини рўйхатдан ўтказиш ва эълон қилиш.
III	5.	Диссертация тадқиқотини амалга ошириш.
	6.	Диссертациянинг илмий натижалари (илмий янгилиги ва амалий натижалари)ни нашр қилиш, апробациядан ўтказиш ҳамда амалиётга жорий этиш.
	7.	Диссертацияни тугалланган яхлит илмий асар сифатида расмийлаштириш.
IV	8.	Диссертацияни иш бажарилган муассасада муҳокама қилиш.
V	9.	Диссертацияни фан доктори илмий даражасини берувчи илмий кенгашга дастлабки кўриб чиқиш ва ҳимоя учун қабул қилиш.
	10.	Диссертацияни фан доктори илмий даражасини берувчи илмий кенгашга ҳимоя учун қабул қилиш ва диссертацияни очиқ ҳимоя қилиш.
	11.	Аттестация ишини ваколатли давлат органига тақдим этиш ва якуний қарор қабул қилиш.

Жадвал муаллиф томонидан умумлаштирилган.

Биринчи босқич талабгорнинг илмий-тадқиқот ва илмий-педагогик фаолият олиб боришга лаёқатини тест синовлари асосида аниқлаш билан боғлиқ.

Иккинчи босқич диссертация мавзуи ва таркибини шакллантириш, диссертация мавзуини тасдиқлаш[1] ва уни рўйхатдан ўтказиш[2] тадбирларидан иборат.

Мазкур босқичнинг энг масъулиятли тадбиридан бири – диссертация мавзуи ва таркиби[3]ни шакллантириш ҳисобланади. Чунки, диссертация мавзуини тўғри шакллантириш долзарб масалалар илмий ечимларига йўналтириш иқтисодий, ижтимоий-сиёсий, маънавий-маданий ва бошқа соҳалардаги муҳим аҳамиятга молик муаммоларни ҳал қилиш имконини беради.

Учинчи босқич диссертация тадқиқотини амалга ошириш билан боғлиқ жараёнлардан иборат. Шуни таъкидлаш керакки, ушбу босқичда илмий маслаҳатчининг салоҳияти, унинг ёшлар билан ишлаш қобилияти ҳамда ёш изланувчиларни янги ғояларнинг амалий ечимларига йўналтириш ва янгиликларни вақтида баҳолай олиши алоҳида аҳамият касб этади. Зеро, «Илмда ҳамжиҳатлик ва ҳамкорлик, туғилган янги ғояларни вақтида тўғри баҳолай билиш, энг мақбул ва самарали ғояларни қўллаб-қувватлаш олий фазилатдир. Бу – ижод кишисининг нуфузини оширадиган ноёб имконият»[4]. Бу босқичда тадқиқот жараёнида олинган муҳим натижалар билан илмий жамоатчиликни нашр ишлари асосида кенг таништириш, илмий натижаларни илмий семинар ҳамда илмий-амалий анжуманларда апробациядан ўтказиш ва илмий янгилик

---

[1] *Докторлик диссертацияси мавзуини тасдиқлаш* – докторлик диссертациялари мавзулари маълумотлар базасига киритилган мавзуни олий таълим ёки илмий-тадқиқот муассасаси кенгаши қарори билан муайян изланувчига бириктириш жараёни.

[2] *Докторлик диссертацияси мавзуини рўйхатдан ўтказиш* – ваколатли олий таълим ёки илмий-тадқиқот муассасаси кенгаши тақдимотномаси асосида диссертация мавзуини олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар давлат аттестациясига ваколатли давлат органида кўрикдан ўтказиш асосида рўйхатга олиш ва уни эълон қилиш жараёни.

[3] *Докторлик диссертациясининг таркиби* – диссертация тадқиқотининг мақсади, моҳияти ва тегишли фан тармоғининг муайян ихтисослиги паспорти талабларидан келиб чиққан ҳолда бажарилиши мақсадга мувофиқ бўлган вазифаларнинг системали равишда расмийлаштирилган мақбул концептуал мундарижаси.

[4] *Каримов И.А.* Биздан озод ва обод Ватан қолсин. Асарлар, 2-жилд. Тошкент: Ўзбекистон. 1996. 264-бет.

ва амалий натижаларини амалиётга жорий этиш ишлари муҳим аҳамият касб этади. Мазкур босқич – диссертация тадқиқоти натижалари билан кенг илмий жамоатчиликни таништириш ва илмий натижаларни иқтисодиёт тармоқларига жорий этиш босқичи ҳисобланади.

Тўртинчи босқич диссертацияни якунланган илмий-тадқиқот иши сифатида уни иш бажарилган муассаса[1]да муҳокама қилиб, фан доктори илмий даражасини берувчи илмий кенгашга тавсия қилиш билан тавсифланади. Мазкур босқичда диссертацияни экспертизадан ўтказиш тадбирлари билан бир қаторда диссертация автореферати чоп этиш ва етакчи ташкилот хулосасини олиш тадбирлари муҳим аҳамият касб этади.

Бешинчи босқич фан доктори илмий даражасини берувчи илмий кенгашга диссертацияни дастлабки кўриб чиқиш ва ҳимоя учун қабул қилиш, диссертацияни очиқ ҳимоя қилиш ҳамда аттестация ишини ваколатли давлат органига тақдим этиш жараёнларини қамраб олади. Мазкур босқичда диссертациянинг сифати[2] ва самарадорлиги[3] масалаларига алоҳида эътибор қаратиш талаб этилади.

Мазкур босқичда амалга ошириладиган аттестация тадбирлари таркибида илмий маъруза шаклидаги диссертация ҳимояси, қўлёзма ҳуқуқидаги диссертация автореферати ва етакчи ташкилот тўғрисида алоҳида фикр билдириб ўтиш мақсадга мувофиқ.

Илмий даража талабгорларининг фан доктори илмий даражасини тасдиқлаш асослари тўғрисида фикр билдирганда ил-

---

[1] *Докторлик диссертацияси бажарилган (бажарилаётган) муассаса* – ваколатли олий таълим ёки илмий-тадқиқот муассасаси кенгаши қарори билан диссертация мавзуи асосида тегишли тадқиқотни олиб боришга асос муассаса (муассасалар) сифатида тасдиқланиб, олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар давлат аттестациясига ваколатли давлат органи нашрида эълон қилинган (қилинадиган) муассаса (муассасалар).

[2] *Докторлик диссертациясининг сифати* – ишончли манбалар асосида ва юксак илмий даражада муҳим муаммо (муаммолар)нинг ҳал этилиши ва илмий натижаларнинг асослаб берилиши ҳамда тадқиқот вазифаларининг тўлиқ бажарилиш негизида мақсадга эришишнинг таъминланиши.

[3] *Докторлик диссертациясининг самарадорлиги* – диссертациянинг илмий янгилиги ва амалий натижаларини тадқиқот объектига мувофиқ ҳолда амалиётга жорий этиб, ундан иқтисодий ёки ижтимоий самаранинг олиниши (кутилиши).

мий маъруза шаклидаги докторлик диссертацияси[1] олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар тайёрлаш ишлари сифатини ошириш, истиқболли илмий-тадқиқот ишларини қўллаб-қувватлаш ҳамда илмий натижаларни кенг миқёсда амалиётга жорий қилиш самарадорлигини оширишда иқтидорли олимларни рағбатлантиришда муҳим ўрин тутади.

Илмий маъруза шаклидаги докторлик диссертацияси тадқиқотчи томонидан мунтазам бажарилган ва илмий натижалари монография ҳамда кўп сонли илмий мақолалар ва бошқа илмий асарлар сифатида нашр қилинган ҳамда иқтисодиёт тармоқлари учун муҳим аҳамиятга молик натижаларни умумлаштирадиган илмий-назарий хулоса ва янгилик ҳисобланадиган оригинал ечим ва тенденцияларни ифода этадиган ҳамда илмий янгилиги ва амалий натижалари амалиётга жорий этилиб, салмоқли иқтисодий ёки ижтимоий самара олинган жамланма иш натижаси бўлиши керак.

«Илмий маъруза шаклидаги докторлик диссертациясини тақдим этиш ва ҳимоя қилиш тартиби»га кўра илмий маъруза шаклидаги докторлик диссертацияси сифатида ҳимояга тақдим этиладиган жамланма иш қуйидаги талабларга алоҳида жавоб бериши керак:

а) илмий янгилиги ёки амалий натижалари йирик илмий ёки амалий муаммонинг яхлит ва оригинал ечими эканлиги;

б) илмий янгилик ёки амалий натижаларнинг фан ва техника тараққиёти учун муҳим аҳамиятга эга эканлиги, уларнинг мутахассислар орасида кенг маълум ва аниқ тан олинганлиги;

в) илмий янгилик ёки амалий натижаларнинг нуфузли, жумладан, хорижий илмий журналларда чоп этилганлиги, моногра-

---

[1] *Докторлик диссертацияси* – илмий маъруза шаклидаги докторлик диссертацияси – муҳим назарий ва/ёки амалий (назарий-амалий) аҳамиятга молик муаммо (муаммолар)ни ҳал этиш бўйича муаллиф томонидан шахсан амалга оширилган илмий изланишлар натижалари асосида чоп этилган жуда кўп сонли илмий ишларнинг ва/ёки амалиётга жорий этилган ноёб ва жуда катта самара олинган ишланмалар моҳиятан тегишли норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар талабларига жавоб берган, уларнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари системали равишда умумлашган ҳолда асослаб берилиб, докторлик диссертацияси автореферати шаклида тегишли равишда расмийлаштирилган (расмийлаштириладиган) кўлёзма ҳуқуқига эга бўлган илмий асар.

фия ва рисолалар, дарслик ва таянч ўкув-методик ишлари ҳамда кўп сонли илмий мақолалари мавжудлиги;

г) илмий янгилик ёки амалий натижаларнинг амалиёт учун жуда катта аҳамияти, уларнинг амалиётда ўзлаштирилганлиги ва уларнинг самарадорлиги.

Илмий маъруза шаклидаги докторлик диссертацияси ҳимояси қуйидаги уч босқичдан иборат кетма-кетликдаги тартиб асосида амалга оширилади:

1) тегишли норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар талабларига мувофиқ маъруза шаклида диссертация ҳимоя қилишнинг мақсадга мувофиқлиги юзасидан изланувчининг асосий илмий-тадқиқотлари ўтказилган ташкилот илмий семинаридаги муҳокамаси ҳамда бошка ташкилотлар илмий семинарларининг хулосалари асосида фан доктори илмий даражасини берувчи тегишли илмий кенгашга мурожаат қилади;

2) илмий маъруза шаклидаги докторлик диссертацияси масаласини асосли кўриб чиқиш учун илмий кенгаш ўз аъзоларидан иборат эксперт комиссиясини тузади. Эксперт комиссияси тегишли муддатда мазкур масаланинг мавжуд меъёрий ҳужжатлар талабларига мослигини кўриб чиқади ва ёзма хулосани кенгашга тақдим этади (хулоса кенгашнинг навбатдаги мажлисида кўриб чиқилиши керак, зарур ҳолларда режадан ташқари мажлис ўтказиш лозим). Илмий кенгаш масаланинг муҳокамаси асосида илмий маъруза шаклидаги докторлик диссертацияси ҳимоясининг мақсадга мувофиқлиги юзасидан қарор қабул қилади. Илмий кенгаш Ўзбекистон Республикаси ОАКга қуйидаги ҳужжатларни тақдим этади:

Йўлланма хат.		
Йўлланма хатга иловалар:	1.	Илмий кенгашнинг илмий маъруза шаклидаги докторлик диссертацияси ҳимоясини ўтказиш мақсадга мувофиқлиги асосланган хулосаси.
	2.	Илмий маъруза шаклидаги докторлик диссертацияси;
	3.	Тадқиқотчини ҳимояга тавсия этган ташкилот ҳузуридаги илмий семинар баённомаси.
	4.	Илмий маъруза шаклидаги диссертация муҳокамадан ўтган илмий семинарлар хулосалари.

давоми

	5.	Илмий натижаларни амалиётга татбиқ этилганлиги ва олинган самара тўғрисида тегишли республика бошқарув органининг далолатномаси.
	6.	Тадқиқотчининг илмий ишлари рўйхати ва асосий илмий ишлари нусхалари.
Диссертация ихтисослиги бўйича илмий кенгашнинг ҳимоя ўтказишга ҳуқуқи бўлмаса бир марталик илмий кенгаш тузишга рухсат бериш бўйича тегишли ҳужжатлар тақдим этилади.		

3) Ўзбекистон Республикаси ОАК эксперт кенгаши мазкур масалани кўриб чиқиб, қуйидаги масалалар бўйича хулоса беради: тақдим этилган ҳужжатларнинг мазмуни ва тадбирларнинг меъёрий талабларга мувофиқлиги; илмий маъруза шаклидаги докторлик диссертацияси ҳимоясини ўтказишнинг мақсадга мувофиқлиги.

Алоҳида таъкидлаш керакки, илмий маъруза шаклидаги докторлик диссертацияси ҳимоясини ўтказишга рухсат бериш ва илмий маъруза шаклидаги докторлик диссертацияси ҳимоясидан кейин аттестация ишини экспертизадан ўтказиш икки турли масаладир (5.3-жадвал).

Биринчи масала – илмий маъруза шаклидаги докторлик диссертацияси ҳимоясини ўтказишга рухсат беришда шу шаклда диссертация ҳимоясини ўтказишнинг мақсадга мувофиқлиги, ишнинг тегишли ихтисослик (ихтисосликлар) шифрига мослиги, илмий янгилик ва амалий натижаларнинг амалиётга жорий қилиниши кабилар умумий ҳолда кўриб чиқилади ва хулоса берилади.

Эксперт кенгашининг илмий маъруза шаклидаги докторлик диссертацияси ҳимоясини ўтказишга рухсат бериш юзасидан тавсияси Ўзбекистон Республикаси ОАК Тартиб-қоида комиссиясида кўриб чиқилиб, тегишли қарор қабул қилинади. Шундан сўнг мазкур масала бўйича Ўзбекистон Республикаси ОАК Раёсатининг қарори қабул қилинади ва фан доктори илмий даражасини берувчи илмий кенгашга расмий хат билан маълум қилинади. Илмий маъруза шаклидаги докторлик диссертацияси автореферат кўринишида расмийлаштирилади.

5.3-жадвал

Илмий маъруза шаклидаги докторлик диссертацияси бўйича аттестация ишини экспертизадан ўтказишнинг асосий хусусиятлари

<table>
<tr><td colspan="2">Илмий маъруза шаклидаги докторлик диссертацияси</td></tr>
<tr><td>ҳимояни ўтказишга рухсат беришда экспертизанинг асосий хусусиятлари:</td><td>ҳимоядан кейинги экспертизанинг асосий хусусиятлари:</td></tr>
<tr><td>1. Ишнинг илмий маъруза шаклидаги докторлик диссертацияси талабларига мувофиқлиги.</td><td rowspan="3">Мазкур масалалар яна бир бор чукур кўриб чиқилади.</td></tr>
<tr><td>2. Ишнинг ихтисослик шифрига мослиги ва мавзунинг долзарблиги.</td></tr>
<tr><td>3. Илмий янгилик ва амалий натижалар амалиётга жорий қилинишининг умумий ҳолати.</td></tr>
<tr><td>4. Тақдим этилган ҳужжатларнинг талабга жавоб бериши.</td><td></td></tr>
<tr><td rowspan="5"></td><td>1. Илмий маъруза шаклидаги докторлик диссертацияси моҳиятининг мавжуд талабларга мувофиқлиги.</td></tr>
<tr><td>2. Диссертация автореферати ва нашр ишлари моҳиятининг мавжуд талабларга жавоб бериши.</td></tr>
<tr><td>3. Илмий янгилик, амалий натижа ва хулосаларнинг асосланганлик даражаси.</td></tr>
<tr><td>4. Илмий янгилик ва амалий натижаларнинг амалиётга татбиқи ва уларнинг ижтимоий-иқтисодий самараси.</td></tr>
<tr><td>5. Аттестация иши ҳужжатларининг мавжуд талабларга мувофиқлиги.</td></tr>
</table>

Жадвал муаллиф томонидан умумлаштирилган.

Иккинчи масала – илмий маъруза шаклидаги докторлик диссертацияси ҳимоясидан кейин аттестация ишининг экспертизадан ўтказилишда ишнинг моҳияти, методологияси ва услубий масалалари, қўлланилган ёндашув ҳамда усулларнинг асослилиги, хулоса ва илмий натижаларнинг асосланиш даражаси, нашр ишларининг тадқиқот мазмунига мослиги, тадқиқот натижасида олинган илмий натижаларнинг амалиётга татбиқи ва уларнинг ижтимоий-иқтисодий самараси каби масалалар тегишли низомлар талаблари асосида чуқур кўриб чиқилади ҳамда экспертиза натижаларига биноан талабгорга фан доктори илмий даражасини бериш тўғрисидаги қарор қабул қилинади.

Фан доктори илмий даражасини берувчи илмий кенгаш (ёки тегишли ташкилот ҳузурида тузилган бир марталик илмий кенгаш) Олий аттестация комиссиясининг қарори асосида илмий маъруза шаклидаги докторлик диссертацияси ҳимоясини низомлар талаблари асосида ўрнатилган тартибда ташкил этади ва диссертация ҳимоясидан сўнг аттестация ишини тақдим этади. Аттестация иши белгиланган тартибда кўриб чиқилиб, якуний қарор қабул қилинади.

Диссертация автореферати[1] ишнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари билан илмий жамоатчиликни кенг таништириш, аттестация органларида ошкораликни таъминлаш ва диссертациянинг очиқ ҳимоясини ташкил этишда муҳим восита вазифасини бажаради.

Фан доктори илмий даражасини берувчи илмий кенгаш диссертация авторефератини чоп этишга рухсат бергандан сўнг унинг титул варағига илмий даража талабгори, илмий маслаҳатчи, илмий кенгаш котиби ва кенгаш раиси санани кўрсатган ҳолда имзо қўядилар. Шуни таъкидлаш керакки, авторефератда диссертация ҳимояси ўтказиладиган муддат компьютер версиясида

---

[1] *Докторлик диссертацияси автореферати* – диссертация тадқиқоти юзасидан умумий маълумотлар келтирилиб, ишнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари системали равишда умумлаштирилган ҳолда қисқача баён этилган (этиладиган) ҳамда нашр этилган ишлар юзасидан маълумот берилган (бериладиган) ва тегишли ҳужжатларда кўзда тутилган талаблар асосида нашр қилинган (қилинадиган) қўлёзма ҳуқуқига эга бўлган илмий асар.

кўрсатилиши мақсадга мувофиқ. Чунки, ушбу қоиданинг бажарилиши қатор ижобий ҳолатлар, жумладан, ҳимоя кунининг аниқ белгиланиши ва унинг ўзгартирилмаслиги аввалдан шартланишини кафолатлайди.

Ўзбекистон Республикасининг «Давлат тили тўғрисида»ги қонуни ҳамда Фан доктори илмий даражасини бериш тартиби тўғрисидаги низомга мувофиқ диссертация ўзбек, қорақалпоқ, рус ёки инглиз тилларидан бирида тайёрланиши мумкин. Лекин, ишни халқаро экспертизадан ўтказиш ва илмий ютуқларни тарғиб қилиш мақсадида диссертация автореферати хар бири 1,5 босма табоқ[1] ҳажмдан иборат бўлган ўзбек, рус ва инглиз тилларида чоп этилади (таржима айнан ва тўғри бўлиши шарт). Таъкидлаш керакки, диссертация қорақалпоқ тилида бажарилган бўлса, авторефератда шу тилда ҳам матн келтирилади.

Айтиш керакки, фан доктори илмий даражасини берувчи илмий кенгаш раҳбарияти диссертация автореферати бўйича қуйидаги масалаларга шахсан масъул ҳисобланади: диссертация авторефератини норматив-техник талаблар асосида расмийлаштириш; диссертация авторефератини рўйхат асосида тегишли манзилларга ўз вақтида етказиш.

Диссертацияга мавжуд талаблар асосида холис баҳо беришда етакчи ташкилот[2] катта роль ўйнайди. Етакчи ташкилотни тасдиқлашда амалий йўналишда бажарилган диссертация бўйича етакчи ташкилот сифатида, тадқиқот объекти сифатида белгиланган ташкилот ёки бошқарув органини тасдиқлаш мақсадга мувофиқдир.

Қуйидаги ҳолатларда ташкилотни етакчи ташкилот сифатида тасдиқлаш мумкин эмас:

диссертация бажарилган ташкилот;

илмий даража талабгори ишлаётган ташкилот;

---

[1] Бир босма табоқ қуйидаги ҳажмларда бўлади: 1) матн 14-кегел ва бир интервалда босилиб, 16 бетдан иборат; 2) матн 14-кегел ва бир ярим интервалда босилиб, 24 бетдан иборат.

[2] *Етакчи ташкилот* – муайян фан тармоғи (ихтисослиги) йўналишида мунтазам равишда тегишли фаолият (илмий, илмий-амалий ёки амалий) олиб борадиган ва фан доктори илмий даражасини берувчи илмий кенгаш қарори асосида диссертацияга расмий хулоса берадиган (берган) ташкилот.

ҳузурида мазкур илмий кенгаш фаолият кўрсатаётган ташкилот;

илмий маслаҳатчининг асосий иш жойи бўлган ташкилот;

илмий маслаҳатчи ёки изланувчи ўриндошлик асосида ишлаётган ташкилотнинг таркибий бўлинмаси;

илмий-тадқиқот ишлари бўйича талабгор буюртмачи ёки ижрочи (шерик ижрочи) бўлган ташкилот;

диссертация мавзуи бўйича изланувчи ижрочи ёки илмий раҳбар бўлган грант лойиҳаси олиб борилган (борилаётган) таш-килот.

VI боб

ФАН ДОКТОРИ ИЛМИЙ ДАРАЖАСИНИ БЕРУВЧИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

Фан доктори илмий даражасини берувчи илмий кенгаш[1] (матн давомида – илмий кенгаш) олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрларни давлат аттестациясидан ўтказишда аттестация тизимининг муҳим таркибий қисми ҳисобланади.

Илмий кенгаш докторлик диссертацияларини ҳимоя учун қабул қилиш ва тегишли тадбирларни амалга ошириш ҳамда уларнинг очиқ ҳимоясини ўтказиш асосида илмий даража талабгорларини фан доктори илмий даражасини тасдиқлаш юзасидан асосланган қарор кабул қилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 24 июлдаги «Олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар тайёрлаш ва аттестациядан ўтказиш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида»ги 4456-сонли фармони асосида ишлаб чиқилган Фан доктори илмий даражасини берувчи илмий кенгаш тўғрисидаги низом ва бошқа тегишли норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар асосида илмий кенгашнинг фаолияти тартибга солинади. Мазкур ҳужжатларда илмий кенгашни тузиш ва унинг фаолиятини ташкил этиш тартиби ва талаблари белгилаб берилган.

Илмий кенгашни тузиш, унинг таркиби ва раҳбариятини ўзгартириш, диссертацияларни муайян фан тармоғининг тегишли ихтисослиги (ихтисосликлари) бўйича ҳимояга қабул қилиш ҳам-

---

[1] *Фан доктори илмий даражасини берувчи илмий кенгаш* – муайян фан тармоғи (тармоқлари)нинг тегишли ихтисослиги (ихтисосликлари) йўналишида илмий даража талабгорларига фан доктори илмий даражасини бериш бўйича кўзда тутилган комплекс аттестация тадбирларини амалга оширишни ташкил этиш юзасидан олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар давлат аттестациясига ваколатли давлат органи қарори билан етакчи олий таълим ёки илмий-тадқиқот муассасаси ҳузурида муайян муддат жамоатчилик асосида фаолият кўрсатиш учун тузилган илмий-ташкилий тузилма.

да улар юзасидан амалга ошириладиган барча ўзгаришлар олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар давлат аттестациясига ваколатли давлат органи томонидан белгиланган тартибда тасдикланади.

Фан доктори илмий даражасини берувчи илмий кенгаш тўғрисидаги низомда етакчи олий таълим ва илмий-тадқиқот муассасалари ҳузурида белгиланган тартибда илмий кенгаш тузишнинг асосий талаблари белгиланган. Фан доктори илмий даражасини берувчи илмий кенгашни тузиш учун олий таълим ёки илмий-тадқиқот муассасасига қўйилган талаблар қуйидагилар асосида тартибга солинади (6.1-расм):

муайян фан тармоғининг тегишли ихтисослиги (ихтисосликлари) бўйича замонавий талаблар асосида олий ўкув юртидан кейинги таълим ташкил этилганлиги;

тегишли йўналишлар бўйича илмий салоҳияти етарли ҳамда олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрларнинг сифатли таркибига эга бўлган;

ихтисослашган илмий нашрларда, жумладан, хорижий мамлакатларда чоп этилаётган илмий ишлар мавжудлиги;

муассаса ходимларининг аттестация органларида иштирок этиши ҳамда ходимлар ва изланувчиларнинг тегишли норматив-ҳуқуқий ҳужжат ва услубий кўлланмалар билан таъминланиш даражаси;

давлат ва халқаро грантлар, илмий лойиҳалар бажарилаётганлиги;

тегишли фан тармоғида тан олинган ютуқларга ҳамда илмий янгилик ва амалий натижалари амалиётга жорий этилганлиги;

тегишли йўналишда доимий ишлаб турган илмий семинарларга, республика ва халқаро микёсдаги конференция, семинарлар, давра суҳбатлари ва бошқа тадбирларни ташкил қилиш тажрибасига эга бўлганлиги;

тегишли равишда замонавий ўкув, илмий ва илмий-ташкилий тузилмаларга эга бўлиш;

ахборот-коммуникация технологияларидан самарали фойдаланиш;

замонавий моддий-техник база ҳамда мустаҳкам молиявий имкониятларга эга бўлиш.

Олий таълим ёки илмий-тадқиқот муассасаси ҳузурида фан доктори илмий даражасини берувчи илмий кенгашни тузиш учун асос бўладиган талаблар табиий равишда тегишли кўрсаткичлар асосида тавсифланади. Шу жиҳатдан ҳам тегишли таҳлил ва баҳолаш ишларини амалга оширишда 6.1-жадвалда келтирилган асосий кўрсаткичлардан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир. Улар асосида олинган натижалар муассасада илмий кенгаш тузиш бўйича умумлашган тасаввурни ҳосил қилишга ва тегишли қарорларнинг асосли қабул қилинишига хизмат қилади.

6.1-р а с м .

Фан доктори илмий даражасини берувчи илмий кенгашни тузиш учун олий таълим ёки илмий-тадқиқот муассасасига қўйиладиган талаблар

6.1-жадвал

Олий таълим ёки илмий-тадқиқот муассасаси ҳузурида фан доктори илмий даражасини берувчи илмий кенгашни тузишни баҳолаш мезонлари

Т/р	Мезонлар	Асосий кўрсаткичлар
1.	Муайян фан тармоғининг тегишли ихтисослиги (ихтисосликлари) бўйича замонавий талаблар асосида олий ўқув юртидан кейинги таълим ташкил этилган.	Вазирлар Маҳкамасининг қарори ёки тегишли давлат бошқарув органи қарори билан муассаса ташкил этилган бўлиши.
		Давлатнинг масъул органи томонидан муассаса аккредитациядан ўтказилган бўлиши.
		Давлатнинг масъул органи томонидан муассаса аттестациядан ўтказилган бўлиши.
		Катта илмий ходимлар-изланувчилар институтининг мавжудлиги, аккредитациядан ўтказилган бўлиши.
		«Бакалавриат – магистратура – катта илмий ходимлар-изланувчилар» институтларининг шакллантирилгани ва уларнинг сифатли ташкил этилгани.
2.	Тегишли йўналишлар бўйича илмий салоҳияти етарли ҳамда олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрларнинг сифатли таркибига эга бўлган.	Муассаса илмий салоҳиятининг сифатли таркиби мавжудлиги.
		Муассаса штатида муайян фан тармоғи (тармоқлар)нинг тегишли ихтисослиги (ихтисосликлари) бўйича камида 2 нафар фан доктори ва 4 нафар фан номзодининг фаолият кўрсатиши.
		Илмий маслаҳатчилар таркиби ва фаолияти натижалари.
		Тегишли ихтисослашган ўқув ёки илмий ва тегишли ўқув, илмий-ташкилий тузилмаларнинг мавжудлиги (кафедра, бўлим, лаборатория ва б.).
		Катта илмий ходимлар-изланувчилар институти самарадорлиги (кейинги 3 йил).
		Магистратурада илмий-тадқиқот фаолиятининг самарали ташкил этилгани.

3.	Ихтисослашган илмий нашрларда, жумладан, хорижий мамлакатларда чоп этилаётган илмий ишлар мавжудлиги.	Муассаса ходимлари томонидан нашр этилган ишлардан фойдаланиш даражаси.
		Муассаса ходимлари томонидан нашр этилган ишларга хорижий нашрлардаги ҳаволалар даражаси (мақсадга мувофиқ).
		Муассаса ходимлари томонидан хорижий нашрларда чоп этилган ишлар.
		Мамлакатимизда ўтказилган халқаро илмий-амалий анжуманлардаги нашрлар.
		Хорижий мамлакатларда ўтказилган халқаро илмий-амалий анжуманлардаги нашрлар.
4.	Давлат ва халқаро грантлар, илмий лойиҳалар бажарилаётган.	Тегишли фан тармоғи (тармоқлари)нинг муайян ихтисослиги (ихтисосликлари) йўналишида давлат гранти (грантлари)нинг мавжудлиги ва уларнинг натижалари.
		Тегишли фан тармоғи (тармоқлари)нинг муайян ихтисослиги (ихтисосликлари) йўналишида халқаро гранти (грантлари) мавжудлигининг мақсадга мувофиқлиги .
		Тегишли фан тармоғи (тармоқлари)нинг муайян ихтисослиги (ихтисосликлари) йўналишида илмий лойиҳалар (хўжалик шартномалари, буюртмалар ва бошқалар)нинг мавжудлиги ва уларнинг натижалари.
		Инновацион илмий лойиҳалар ва уларнинг натижалари.
		Давлат грантлари ва бошқа лойиҳалар натижалари бўйича чоп этилган монографиялар, дарсликлар ва ўқув-услубий қўлланмалар.
		Давлат грантлари ва бошқа лойиҳаларни бажаришга жалб этилган илмий салоҳият ва унинг таркиби, шунингдек, уларда иштирок этаётган катта илмий ходим-изланувчилар ва мустақил изланувчилар таркиби.
		Илмий лойиҳаларда бакалаврлар, магистрантлар ва катта илмий ходимлар, шунингдек, мустақил тадқиқотчиларнинг иштироки даражаси.

давоми

<table>
<tr><th>Т/р</th><th>Мезонлар</th><th>Асосий кўрсаткичлар</th></tr>
<tr><td rowspan="4">5.</td><td rowspan="4">Муассаса ходимларининг аттестация органларида иштирок этиши ҳамда ходимлар ва изланувчиларнинг тегишли норматив-ҳуқуқий ҳужжат ва услубий қўлланмалар билан таъминланиш даражаси.</td><td>Муассаса ходимларининг илмий кенгашлар фаолиятидаги иштироки.</td></tr>
<tr><td>Муассаса ходимларининг аттестация органларидаги иштироки.</td></tr>
<tr><td>Муассаса ходимларининг илмий семинарлар фаолиятидаги иштироки.</td></tr>
<tr><td>Муассаса ходимлари ва изланувчиларининг тегишли норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва услубий қўлланмалар билан муасссаса ҳисобидан таъминланиш даражаси:
<table>
<tr><th rowspan="3">№</th><th rowspan="3"></th><th rowspan="3">Сони</th><th colspan="8">Таъминланиш даражаси</th></tr>
<tr><th colspan="4">бугунги ҳолати (%)</th><th colspan="4">режа бўйича (%)</th></tr>
<tr><th>1</th><th>2</th><th>3</th><th>4</th><th>1</th><th>2</th><th>3</th><th>4</th></tr>
<tr><td>1.</td><td>Фан докторлари</td><td></td><td></td><td></td><td></td><td></td><td></td><td></td><td></td><td></td></tr>
<tr><td>2.</td><td>Фан номзодлари</td><td></td><td></td><td></td><td></td><td></td><td></td><td></td><td></td><td></td></tr>
<tr><td>3.</td><td>Илмий ходимлар*</td><td></td><td></td><td></td><td></td><td></td><td></td><td></td><td></td><td></td></tr>
<tr><td>4.</td><td>Илмий-педагог ходимлар*</td><td></td><td></td><td></td><td></td><td></td><td></td><td></td><td></td><td></td></tr>
<tr><td>5.</td><td>Илмий кенгаш аъзолари</td><td></td><td></td><td></td><td></td><td></td><td></td><td></td><td></td><td></td></tr>
<tr><td>6.</td><td>Катта илмий ходим-изланувчилар</td><td></td><td></td><td></td><td></td><td></td><td></td><td></td><td></td><td></td></tr>
<tr><td>7.</td><td>Мустақил изланувчилар</td><td></td><td></td><td></td><td></td><td></td><td></td><td></td><td></td><td></td></tr>
<tr><td>8.</td><td>Магистрантлар</td><td></td><td></td><td></td><td></td><td></td><td></td><td></td><td></td><td></td></tr>
<tr><td>9.</td><td>Ахборот-ресурс маркази**</td><td></td><td></td><td></td><td></td><td></td><td></td><td></td><td></td><td></td></tr>
<tr><td>10.</td><td>Бошқалар</td><td></td><td></td><td></td><td></td><td></td><td></td><td></td><td></td><td></td></tr>
<tr><td colspan="2">Жами</td><td></td><td></td><td></td><td></td><td></td><td></td><td></td><td></td><td></td></tr>
</table>
* Илмий даражалари йўқ. ** Ҳар бир ресурс марказига камида 5 нусхадан.
1. Ўзбекистон Республикаси ОАК низомлари. 2. Услубий қўлланмалар. 3. «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси Бюллетени» журнали. 4. Бошқалар.</td></tr>
</table>

6.	Тегишли фан тармоғида тан олинган ютуқларга ҳамда илмий янгилик ва амалий натижалари амалиётга жорий этилган.	Олинган илмий янгиликлар ва амалий натижалар, уларнинг назарий-амалий аҳамияти.
		Илмий янгилик ва амалий натижаларни юртимиздаги ва хориждаги ихтисослашган илмий журналларда нашр этиш.
		Илмий янгилик ва амалий натижалар асосида олинган патентлар.
		Белгиланган тартибда чоп этилиб, педагогик амалиётда фойдаланилаётган дарсликлар.
		Илмий янгилик ва амалий натижаларни амалиётга жорий этиш ҳолати.
7.	Тегишли йўналишда доимий ишлаб турган илмий семинарларга, республика ва халқаро миқёсдаги конференция, семинарлар, давра суҳбатлари ва бошқа тадбирларни ташкил қилиш тажрибасига эга бўлган.	Тегишли йўналишда доимий ишлаб турган илмий семинарнинг мавжудлиги ва унинг фаолияти.
		Республика миқёсидаги конференцияларни ташкил қилиш тажрибаси.
		Халқаро миқёсдаги конференцияларни ташкил қилиш тажрибаси.
		Муассасада илмий семинарлар фаолиятини ташкил қилиш тажрибаси.
		Муассасада давра суҳбатларини ташкил қилиш тажрибаси.
		Муассасада бошқа тегишли тадбирларни ташкил қилиш тажрибаси.
		Мазкур анжуманларда бакалаврлар, магистрантлар, катта илмий ходимлар-изланувчилар ва мустақил изланувчиларнинг иштироки даражаси.
8.	Тегишли равишда замонавий ўқув, илмий ва илмий-ташкилий тузилмаларга эга бўлган.	Узлуксиз таълим тизими асосида ўқув жараёнининг ташкил этилгани.
		Замонавий илмий-тадқиқот фаолиятининг ташкил этилгани.
		Замонавий ўқув ва илмий-ташкилий тузилмаларнинг ташкил этилиш даражаси.
		Ўқув, илмий ва илмий-ташкилий тузилмаларнинг моддий-техника даражаси.

давоми

Т/р	Мезонлар	Асосий кўрсаткичлар
9.	Ахборот-коммуникация технологияларидан самарали фойдаланиш.	Муассасада замонавий АКТнинг мавжудлиги ва улардан самарали фойдаланиш.
		Ахборот-коммуникация технологиялари бўйича тегишли тузилма (тузилмалар)нинг мавжудлиги ва малакали мутахассислар таркиби.
		Муассаса веб-сайти ва унинг замонавий талабларга жавоб бериши. Муассаса веб-сайтининг тегишли тузилма томонидан белгиланган тартибда экспертизадан ўтказилган сана ва баҳоланиш даражаси. Режалаштирилаётган фан доктори илмий даражасини берувчи илмий кенгаш веб-саҳифасини муассаса веб-сайтида ташкил этишнинг имкониятлари.
		Интерактив давлат хизматларини кўрсатиш имкониятлари.
		Электрон почта. Ундан режалаштирилаётган фан доктори илмий даражасини берувчи илмий кенгаш фаолиятида фойдаланиш имкониятлари.
		Электрон рақамли имзо. Ундан режалаштирилаётган фан доктори илмий даражасини берувчи илмий кенгаш фаолиятида фойдаланиш имкониятлари.
		Режалаштирилаётган фан доктори илмий даражасини берувчи илмий кенгаш фаолияти ва мажлисларини ташкил этишда АКТдан фойдаланиш имкониятлари.
10.	Замонавий моддий-техник база ҳамда мустаҳкам молиявий имкониятларга эга бўлиш.	Муассаса биносининг замонавий архитектура-қурилиш талабларига жавоб бериши (ҳолати, таъмирлангани, совитиш ва иситиш тизимларининг ишлаши ҳамда бино ва ҳудуднинг санитария ва ободонлаштириш талабларига жавоб бериши ва бошқалар).

		Тегишли ихтисослашган ўқув ёки илмий-ташкилий тузилмаларнинг зарур оргтехник воситалари ва иш қуроллари билан таъминланганлиги.
		Фан доктори илмий даражасини берувчи илмий кенгаш фаолияти ҳамда ихтисослик фани бўйича малакавий имтиҳонни ташкил этиш учун хоналарнинг мавжудлиги, таъмирланганлиги, замонавий жиҳозланганлиги ҳамда хоналарнинг санитария талабларига жавоб бериши.
		Фан доктори илмий даражасини берувчи илмий кенгаш фаолияти ва малакавий имтиҳонларни ташкил этиш учун сарф-харажатларнинг режалаштирилиши (консультацияларни ташкил этиш, имтиҳон комиссиялари ишини ташкил этиш масалалари ва бошқалар).
		Фан доктори илмий даражасини берувчи илмий кенгаш фаолияти бўйича муассасага нисбатан қўлланадиган иқтисодий таъсир чоралари бўйича тўловларни муддатида ва тўлиқ қоплаш кафолати.
		Тегишли норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар бўйича нашрлар, услубий қўлланмалар ва журнал бўйича тўловларнинг муддатида ва тўлиқ муассаса ҳисобидан қопланиши.
		Расмий оппонентларга ҳақ тўлаш ва диссертация автореферати чоп этиш учун тегишли молиявий имкониятнинг мавжудлиги ва кафолатлангани.
		Тегишли норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган бошқа тадбирларни амалга оширишнинг моддий-техник ва молиявий таъминоти имкониятлари.

Жадвал муаллиф томонидан тузилган.

Таъкидлаш керакки, илмий кенгаш фаолият кўрсатаётган муассасада тегишли шарт-шароитларнинг яратилгани кўп жиҳатдан олий малакали илмий кадрлар тайёрлаш ва давлат аттестацияси сифатини ошириш, баркамол авлодни тарбиялаш ва иқтидорли ёшларни илмий фаолиятга кенг жалб этиш ва уларни тарбиялаш, шунингдек, олимларнинг жамиятдаги ижтимоий мақомини оширишда муҳим ўрин тутади.

Шунинг учун ҳам илмий кенгаш тузилиши режалаштирилган муассасада тегишли фан тармоғи бўйича етарли илмий ва илмий-педагогик салоҳиятнинг мавжудлиги, ўқув жараёни ва илмий-тадқикот ишларининг замонавий талаблар даражасида ташкил этилгани билан бир қаторда замонавий ва мустаҳкам моддий-техник шарт-шароитлар яратилгани муҳим аҳамият касб этади. Бу борада, жумладан, қуйидагиларга алоҳида эътибор бериш керак:

илмий кенгаш ишини олиб бориш учун тегишли хона ва диссертация ҳимоялари ўтказиладиган залнинг мавжудлиги, уларнинг замонавий архитектура-қурилиш талабларига жавоб бериши (қурилиш ҳолати, таъмирлангани, совитиш ва иситиш тизимларининг ишлаши ва бошқалар); хона ва залнинг замонавий талаблар асосида жиҳозланганлиги; илмий кенгашнинг зарур ахборот-коммуникация технологиялари ва оргтехник воситалар билан таъминлангани; бино, ҳудуд ҳамда хона ва залнинг санитария ва ободонлаштириш талабларига жавоб бериши; илмий кенгаш фаолияти учун веб-саҳифа яратиш учун шароитлар.

Таъкидлаш керакки, «олимлар ва мутахассисларнинг илмий ва илмий-педагог кадрларни аттестациядан ўтказиш тизими ишида қатнашиши уларнинг ижтимоий-илмий фаолиятининг муҳим жиҳати сифатида қаралади ва ҳисобга олинади»[1]. Шу жиҳатдан ҳам илмий кенгашларга жуда катта масъулият юкла-

[1] Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 28 декабрдаги «Олий ўқув юртидан кейинги таълим ҳамда олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрларни аттестациядан ўтказиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 365-сонли қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси тўғрисидаги низомнинг 27-банди.

нади. Илмий кенгаш (ФДИК) қуйидаги вазифаларни бажаришга масъулдир:

ўз фаолиятини олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар давлат аттестациясига оид норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар талаблари асосида ташкил қилиш;

докторлик диссертацияларини ФДИКга дастлабки кўриб чиқиш учун қабул қилиш бўйича тегишли илмий-ташкилий ишларни амалга ошириш ва эксперт гуруҳи фаолиятини ташкил этиш;

докторлик диссертацияларини ФДИКга ҳимоя учун қабул қилиш. Диссертациялар ҳимоялари тўғрисидаги маълумотларни эълон қилишни ташкил этиш. Тегишли тадбирларни амалга ошириб, докторлик диссертациялари авторефератларини чоп этиш ва рўйхатлар асосида тегишли манзилларга етказишни ташкил этиш. Фан доктори илмий даражасини олиш учун диссертацияларнинг очиқ ҳимоясини ташкил этиш асосида талабгорларга фан доктори илмий даражасини бериш юзасидан асосланган қарор қабул қилиш;

олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар давлат аттестациясига оид норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқиш ва такомиллаштиришда иштирок этиш ҳамда давлат аттестацияси сифатини ошириш бўйича тегишли таклифларни асослаш;

долзарб ихтисосликлар бўйича олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар тайёрлаш ҳамда диссертацион тадқиқотлар сифатини ошириш ва инновацион тараққиётга йўналтирилган диссертацияларни бажариш юзасидан тегишли таклифларни ишлаб чиқиш;

тааллуқли норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар асосида илмий кенгашда иш юритишни таъминлаш, илмий даража талабгорларининг аттестация ишларини тайёрлаш;

муассасанинг олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар тайёрлаш ва уларни аттестациядан ўтказишга оид тадбирларида фаол иштирок этиш;

таҳлилий маълумотнома ва ҳисоботлар тайёрлаш. Ўзбекистон Республикаси ОАК раҳбарияти топшириғига биноан олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар давлат аттестациясига оид бошқа масалаларни кўриб чиқиш ва хизмат юзасидан берган топшириқларнинг бажарилишини таъминлаш.

Илмий кенгаш ўзига юклатилган вазифаларни бажариш учун қуйидаги функцияларни амалга оширади:

– олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар давлат аттестациясига оид норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар талаблари асосида ўз фаолиятини ташкил қилиш юзасидан тегишли услубий ва илмий-ташкилий тадбирларни амалга ошириш;

– илмий кенгашга тақдим қилинган диссертациялар ва бошқа ҳужжатларни мавжуд норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар талаблари асосида кўриб чиқиш ҳамда тегишли меъёрий ва техник талабларнинг бажарилишини таъминлаш;

– илмий кенгаш фаолиятини такомиллаштириш ва фаолият самарадорлигини ошириш бўйича тегишли тадбирларни амалга ошириш ва ўз таклифларини Ўзбекистон Республикаси ОАКга тақдим этиш;

– тегишли ҳужжатлар ва кўрсатмалар асосида илмий-ташкилий тадбирларни амалга ошириш ва уларнинг бажарилишини таъминлаш;

– илмий кенгашга тақдим этилган ҳужжатларнинг мавжуд талаблар асосида расмийлаштирилгани ва ишончлилигини назорат қилиш;

– ўзи фаолият кўрсатаётган муассасада малакавий имтиҳонларни мавжуд талаблар асосида ташкил этишда иштирок этиш;

– фуқаролар мурожаатларини мавжуд тартиб-қоидаларга мувофиқ кўриб чиқиш ва тегишли тадбирларни амалга ошириш;

– олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар давлат аттестациясига оид норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқишда иштирок этиш ҳамда уларни такомиллаштириш бўйича ўз таклифларини ишлаб чиқиш;

– тегишли фан тармоғида жаҳон илмий-технологик тараққиётининг илғор тенденциялари, мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш ҳамда фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишлари, шунингдек, жамиятни маънавий янгилаш эҳтиёжларидан келиб чиққан ҳолда олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар тайёрлаш ишлари таҳлилини амалга ошириш ва долзарб ихтисосликлар бўйича кадрлар тайёрлаш юзасидан тавсияларини ишлаб чиқиш;

– диссертациялар мавзуларининг фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишлари ҳамда ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига йўналтириш юзасидан тегишли тавсияларни ишлаб чиқиш;

– инновацион тараққиётга йўналтирилган диссертацияларни бажариш бўйича тегишли таклифларни ишлаб чиқиш;

– илмий кенгашга диссертацияларни ҳимоя учун қабул қилиш бўйича тегишли ҳужжатларни мавжуд талаблар асосида кўриб чиқиш, шунингдек, диссертация ва тегишли ҳужжатларнинг кўриб чиқилиши ва тавсиялар лойиҳаларини тайёрлашни ташкил қилиш ҳамда масалани илмий кенгаш мажлисига мавжуд талабларга риоя этган ҳолда киритиш;

– илмий кенгаш қошидаги илмий семинар (семинарлар) фаолиятини назорат қилиш;

– эксперт комиссиялари фаолиятини мавжуд талаблар асосида ташкил этиш ва уларнинг хулосалари сифатини таъминлаш;

– илмий кенгашга диссертацияларни ҳимоя учун қабул қилиш, расмий оппонентларни белгилаш ҳамда диссертациялар ҳимоялари тўғрисидаги маълумотларни эълон қилишни ташкил этиш;

– диссертациялар авторефератларини нашр қилишга рухсат бериш ва уларни нашр қилиш ҳамда белгиланган муддатларда рўйхатлар бўйича тегишли манзилларга етказишни ташкил этиш;

– фан доктори илмий даражасига талабгорларнинг диссертациялари очиқ ҳимояларини ўтказиш асосида тегишли низомлар талабларига мувофиқ ҳолда талабгорларни илмий даражада тасдиқлаш юзасидан асосли қарор қабул қилиш;

– тегишли норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар талаблари асосида иш юритишни ташкил этиш ҳамда фан доктори илмий даражасига талабгорларнинг аттестация ишларини шакллантириш ва расмийлаштириш ҳамда уларни белгиланган муддатда Ўзбекистон Республикаси ОАКга тақдим этиш;

– ҳисоботларни тайёрлаш, олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар давлат аттестациясига оид тегишли бошқа масалаларни кўриб чиқиш, таҳлилий маълумотномаларни тайёрлаш.

Меъёрий-ташкилий жиҳатдан илмий кенгашни тузишда қуйидаги уч ташкилот асосий ўрин тутади:



Олий таълим ёки илмий-тадқиқот муассасаси ўз ҳузурида илмий кенгаш тузиш учун олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар давлат аттестациясига тааллуқли ҳужжатлар талаблари асосида зарур илмий-ташкилий тадбирларни, хусусан, қуйидагиларни амалга оширади (6.2-расм):

илмий кенгаш тузиш бўйича талаб ва кўрсаткичлар асосида мавжуд ҳолатни таҳлил қилиб, кенгаш тузилгандан сўнг тегишли талабларни бажариш имкониятларини баҳолайди;

илмий кенгаш таркибига киритилиши мумкин бўлган номзодларни тегишли талаблар асосида саралаб олади ва улар билан суҳбат ўтказади;

таҳлил ва суҳбат натижаларига асосланиб, мавжуд талабларга мувофиқ ҳолда тегишли ҳужжатларни расмийлаштиради. Шунингдек, илмий кенгаш раҳбариятини (муқобиллик асосида ҳар бир ўринга 3 нафар номзодни) тавсия этади.

Юқоридагилар асосида муассаса ўз ҳузурида илмий кенгашни тузиш мақсадга мувофиқ деган хулосага келса, тегишли ҳужжатларни ўзи бўйсунадиган вазирлик ёки идорага йўлланма хат билан тақдим этади (6.1-хат намунаси).

Тегишли муассаса ўз ҳузурида илмий кенгашни тузиш мақсадга мувофиқ деган хулосага келганида қуйидаги ҳолатларни эътиборга олиши керак: *биринчи ҳолат* – агарда муассаса нодавлат муассасаси бўлса, у ўз фаолияти йўналишида фаолият кўрсатаётган тегишли давлат (хўжалик) бошқарув органига мурожаат қилиши керак; *иккинчи ҳолат* – илмий кенгашни бир неча муассаса асосида ташкил этиш режалаштирилаётган

6.1-хат намунаси

Ўзбекистон Республикаси _____
(вазирлик ёки идора номи)
_____ га
(раҳбари лавозими ва Ф.И.О.)

_____ Фан доктори илмий даражасини берувчи
(муассаса номи)
илмий кенгаш тўғрисидаги низом талаблари асосида муассаса ҳузурида ____ фанларининг _____ бўйича фан
(ихтисослиги шифри ва номи)
доктори илмий даражасини берувчи илмий кенгаш тузиш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблайди.

Кўриб чиқиш учун тегишли ҳужжатлар киритилмоқда.

Илова: ___ варақ.

Муассаса раҳбари *имзо* Ф.И.О.

бўлса, бошқа муассасаларнинг розилик хатлари асосий муассаса ҳужжатлари таркибига киритилади. Тегишли вазирлик ёки идора тақдим этилган ҳужжатларни ўрганиб чиқиб, муассаса ҳузурида илмий кенгашни тузиш мақсадга мувофик деб топса, Ўзбекистон Республикаси ОАКга йўлланма хат билан мурожаат қилади (6.2-хат намунаси).

Тақдим этилган ҳужжатлар тегишли норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар талаблари асосида ўрганиб чиқилиб, Ўзбекистон Республикаси ОАК Раёсатининг тегишли қарори билан илмий кенгаш тузиш бўйича қарор қабул қилинади.

Ўзбекистон Республикаси ОАК Раёсатининг қарори билан муассаса ҳузурида илмий кенгаш тузилганидан кейин унинг фаолиятини тартибга солиш ва тегишли масалаларни ҳал этиш ишлари қуйидаги тартибда амалга оширилади (6.3-расм):

а) Ўзбекистон Республикаси ОАК ташаббуси билан барча масалалар тегишли равишда вазирлик, идора ёки муассаса ёхуд илмий кенгаш билан келишилган ҳолда;

6.2-р а с м . Фан доктори илмий даражасини берувчи янги илмий кенгашни тузиш юзасидан амалга ошириладиган тегишли тадбирлар

б) Ўзбекистон Республикаси ОАК билан тегишли равишда келишилган ҳолда: илмий кенгаш раисини ўзгартириш ҳамда ИК фаолиятини тугатиш масалалари бўйича тегишли вазирлик ва идора раҳбариятининг мурожаати асосида; илмий кенгаш таркибига ўзгартиришлар киритиш ва ҳимояларга рухсат берилган ихтисос-

ликлар рўйхатини такомиллаштириш масалалари бўйича илмий кенгаш раиси ва муассаса раҳбарининг қўшма мурожаати асосида; ИК фаолиятига тегишли бошқа масалалар бўйича ИК раисининг мурожаати асосида.

6.2-хат намунаси

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси
ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси раиси
_____ га
(*Ф.И.О.*)

Олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар давлат аттестациясига доир норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар талаблари асосида _____ ҳузурида _____ фанларининг _____ ихтисослиги
(муассаса номи)
бўйича фан доктори илмий даражасини берувчи илмий кенгаш тузиш мақсадга мувофиқ деб топилди.

Муассаса (муассасалар) ҳузурида илмий кенгаш тузилса, унинг самарали фаолияти учун зарур барча шарт-шароитларни яратиб бериш ҳамда тегишли норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга мувофиқ молиявий таъминотни тўла амалга оширишни муассаса раҳбарияти кафолатлайди.

Кўриб чиқиш учун киритилмоқда.

Илова: ___ варақ (ҳужжатлар номи кўрсатилади).

Вазирлик ёки идора раҳбари *имзо* Ф.И.О.

Илмий кенгаш фаолиятини тегишли ҳужжатлар талаблари асосида ташкил этишни таъминлашда илмий кенгаш таркиби муҳим аҳамият касб этади. Зеро, кенгаш раҳбарияти ва аъзоларининг билим даражаси, холислиги, талабчанлиги ҳамда диссертация ва аттестация ишларига норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар талаблари асосида малакали баҳо бера олишидан диссертацияларнинг сифати ва самарадорлиги, охир-оқибатда олий малакали илмий кадрлар давлат аттестацияси сифати таъминланади. Шунинг учун илмий кенгаш аъзолигига энг муносиб мутахассисларни жалб қилиш талаб этилади.

Ушбуда шуни алоҳида таъкидлаш керакки, кенгаш фаолиятини самарали ташкил этишда унинг раҳбарияти (илмий кенгаш раиси, илмий кенгаш раиси ўринбосари, илмий кенгаш илмий котиби) алоҳида ўрин тутади. Муносиб номзодлар орасидан энг муносибини танлаб олишга имкон яратиш учун илмий кенгаш раҳбариятининг ҳар бирига камида 3 нафардан мукобил номзод таклиф этилиши мақсадга мувофиқдир. Ўзбекистон Республикаси ОАК илмий кенгаш аъзолари таркибига тегишли ўзгартиришлар киритиши мумкин. Илмий кенгаш раиси лавозимига номзодлар қатор талабларга, жумладан, 6.2-жадвалда келтирилган талабларга алоҳида жавоб бериши мақсадга мувофиқ.

Илмий кенгаш таркиби мавжуд меъёрий талабларни эътиборга олган ҳолда Ўзбекистон Республикаси ОАК Раёсатининг қарори билан тасдикланади. Бу борада илмий кенгаш таркибини шакллантиришнинг меъёрий талаблари, жумладан, 6.3-жадвалда келтирилган талабларга алоҳида аҳамият қаратиш керак.

Илмий кенгаш раҳбарияти кенгаш фаолиятини самарали ташкил этишда муҳим ўрин тутади. Баъзи сабабга кўра илмий кенгаш раиси ёки раис ўринбосари ёхуд илмий котиби ўз вазифасини маълум муддатга бажара олмасалар, уларнинг вазифаси илмий кенгашнинг бошка аъзолари томонидан маълум муддатга қуйидаги тартибда бажарилади:

илмий кенгаш раиси вазифасини унинг ўринбосари;

илмий кенгаш раиси ўринбосари вазифасини илмий кенгаш аъзоларидан бири;

илмий кенгаш илмий котиби вазифасини илмий кенгаш фаолият кўрсатаётган муассаса штатидаги мазкур кенгаш аъзоси.

Бундай ҳолларда ҳузурида илмий кенгаш тузилган муассаса раҳбари буйруқ билан юкорида зикр қилинган вазифаларни бажаришни тегишли кенгаш аъзосига юклаб, 6.3-хат намунаси билан Ўзбекистон Республикаси ОАКга хабар беради.



6.3-р а с м . Фан доктори илмий даражасини берувчи илмий кенгаш фаолиятини тартибга солиш масалаларини амалга ошириш тартиби

6.2-жадвал

Фан доктори илмий даражасини берувчи илмий кенгаш раиси лавозимига муқобиллик асосида тавсия этилган мутахассис фаолиятини қиёсий баҳолаш мезонлари

Мезон	Тавсифловчи йўналишлар
Тегишли илмий йўналишда фаол илмий изланишлар олиб бораётган йирик олим-мутахассис	Кейинги 3 йил ичида жами нашр эттирган илмий мақолалари ва улар таркибида якка муаллифликда нашр эттирган илмий мақолаларининг улуши (сони, %).
	Кейинги 3 йил ичида нуфузли хорижий мамлакатлар илмий журналларида жами нашр эттирган илмий мақолалари ва улар таркибида якка муаллифликда нашр эттирган илмий мақолалари улуши (сони, %).
	Кейинги 3 йил ичида жами нашр эттирган йирик илмий асарлари (камида 6 б.т.) ва улар таркибида якка муаллифликда нашр эттирган йирик илмий асарлари улуши (сони, %).
Муайян ихтисослик (ихтисосликлар) бўйича тан олинган йирик олим-мутахассис	Илмий жамоатчилик томонидан тан олинган йирик олим-мутахассис фаолияти натижалари.
	Илмий фаолияти бўйича халқаро микёсдаги фаолияти натижалари.
Йирик фан ташкилотчилиги	Йирик фан ташкилотчиси сифатидаги фаолияти натижалари.
Талабчанлик	Тегишли норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар талаблари асосида масалага талабчанлик билан ёндашиши.
Холислик	Воқеликка ҳаққоний назар билан қараш, барчага баб-баробар холис муносабатда бўлиш ва масалага объектив баҳо бериш сифатлари.
Масъулиятлилик	Масала ва ижрога масъулият билан ёндашиши.
	Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар талабларига риоя қилишга масъулият билан ёндашиши.
	Ҳужжатларни юритиш ишига масъулият билан ёндашиши.

Жадвал муаллиф томонидан умумлаштирилган.

6.3-жадвал

Фан доктори илмий даражасини берувчи илмий кенгаш (ФДИК) таркибини шакллантиришнинг баъзи меъёрий талаблари тўғрисида маълумот

Тадбир номи	№	Асосий талаблар
ФДИК таркиби	1.	ФДИК аъзоларининг миқдорий таркиби энг ками билан 11 (ўн бир) нафар бўлиши керак.
	2.	Мутахассис фақат 2 та ФДИК аъзоси бўлиши мумкин.
	3.	Мутахассис фақат муайян фан тармоғининг тегишли ихтисослиги бўйича ФДИКда ваколатли ҳисобланади.
	4.	Фан доктори илмий даражасини олиш учун диссертация ҳимоя қилишга ФДИКга рухсат берилган (бериладиган) ҳар бир ихтисослик (фан тармоғи) бўйича камида 5 (беш) нафар фан доктори бўлиши керак.
	5.	ФДИК таркибига, истисно тариқасида, тегишли ихтисослик ёки фан тармоғи бўйича фаол илмий фаолият олиб бораётган ва катта илмий-амалий тажрибага эга бўлган фан номзодлари ҳам киритилиши мумкин. ФДИК таркибида фан докторлари сони бунда аъзоларнинг 80% дан кам бўлмаслиги керак. Бунда тегишли ихтисосликнинг фан тармоғи бўйича камида тўрт нафар фан доктори бўлиши лозим.
	6.	ФДИК илмий котиби сифатида катта илмий-ташкилий тажрибага, фан номзоди илмий даражасига эга бўлган юқори малакали мутахассис киритилиши мумкин.
	7.	ФДИК таркиби кейинчалик ҳар йилда умумий таркибининг камида 15 фоизини янгилаш шарти билан уч йил муддатга тасдиқланади. ФДИК таркибида узлуксиз ишлашнинг умумий даври 2 муддатдан ошмаслиги шарт.

давоми

Тадбир номи	№	Асосий талаблар
ФДИК раҳбарияти	1.	ФДИК раиси тегишли вазирлик ёки идора томонидан тавсия этилган муқобил (камида 3 нафар) номзод орасидан саралаб олинади.
	2.	ФДИК раиси, раис ўринбосари ва илмий котиби вазифаларини бажариш муддати 3 йилдан ошмаслиги керак. (Уларнинг шу вазифаларда узлуксиз ишлаши мазкур муддат билан чегараланади. Улар ўз вазифаларидан озод этилгандан кейин яна 3 йилга ФДИК аъзоси сифатида қолдирилиши мумкин.)
	3.	ФДИК раислигига қайтадан тасдиқлаш, у раисликдан озод этилган кундан бошлаб камида 3 йил ўтгандан кейин амалга оширилиши мумкин.
	4.	ФДИК раиси, раис ўринбосари ва илмий котиби кенгаш фаолиятини мавжуд норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар талаблари асосида ташкил этишга баб-баробар масъулдирлар.

Жадвал муаллиф томонидан умумлаштирилган.

6.3-хат намунаси

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси
ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси раиси
_____ га
(Ф.И.О.)

_____ ҳузуридаги _____ рақамли фан доктори
(муассаса номи)
илмий даражасини берувчи илмий кенгаш раиси _____
(Ф.И.О.)
_____ сабабли унинг вазифасини 2013 йилнинг 5–25 июнь кунлари вақтинча бажариш илмий кенгаш раиси ўринбосари _____ зиммасига юклатилди (буйруқ санаси ва рақами).
(Ф.И.О.)

Маълумот учун киритилмоқда.

Муассаса раҳбари *имзо* Ф.И.О.

Ўзбекистон Республикаси ОАК низомларига мувофиқ илмий кенгаш жамоатчилик асосида фаолият кўрсатиб, унинг фаолияти самарадорлигини оширишда ошкоралик муҳим омиллардан бири ҳисобланади. Шу ва бошқа жиҳатларни эътиборга олган ҳолда илмий кенгаш иши мажлислар шаклида ташкил қилинади. Илмий кенгаш фаолиятини мажлис шаклида ташкил этишни меъёрий жиҳатдан бошқариш, унинг фаолиятини тартибга солиб боришни таъминлаш мақсадида мажлисларни ўтказишда 6.4-жадвалда келтирилган меъёрий талабларга риоя қилиниши шарт.

Диссертацияни илмий кенгашда кўриб чиқиш ва унинг очиқ ҳимоясини ташкил этиш 6.4-расмга мувофиқ, умумлаштирилган ҳолда қуйидаги уч босқичдан иборат тадбирлар асосида амалга оширилади: (1) фан доктори илмий даражасини берувчи илмий кенгашга диссертацияни дастлабки кўриб чиқиш учун қабул қилиш босқичи; (2) фан доктори илмий даражасини берувчи илмий кенгашга диссертацияни ҳимоя учун қабул қилиш босқичи; (3) диссертациянинг очиқ ҳимоясини ўтказиш босқичи.

6.4-жадвал

Илмий кенгаш (ФДИК) мажлисларини ўтказишнинг баъзи меъёрий талаблари тўғрисида маълумот

Муддати	Меъёрий талаблар
Бир ойда	Ойнинг фақат 1 (бир) кунида диссертациялар ҳимояси бўйича ФДИК мажлиси ўтказилиши мумкин.
Кун давомида	Кун давомида ФДИКнинг фақат 1 ёки 2 (бир ёки икки)та мажлисини ўтказиш мумкин.
Бир мажлисда	ФДИКнинг бир мажлисида фақат 1 (бир) нафар фан доктори илмий даражасига талабгорнинг диссертацияси ҳимоясини ёки жамоавий тақризни ўтказиш мумкин.
Зарурат туғилганда	ФДИКда диссертациялар ҳимояларини сессия тарзида ташкил этиш фақат Ўзбекистон Республикаси ОАК ёзма рухсати билан ўтказилиши мумкин. (Докторлик диссертациялари ҳимоясини сессия тарзида ташкил этиш – тегишли норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда докторлик диссертацияси ҳимоясини ўтказиш бўйича муддати белгиланган талаблардан фарқли равишда объектив зарурат асосида олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар аттестациясига ваколатли давлат органи рухсати билан фан доктори илмий даражасини берувчи илмий кенгашда бир неча диссертация ҳимоясини икки ва ундан ортиқ кун давомида ўтказишни ташкил этиш жараёни.)
Қўшимча маълумотлар	ФДИК умумий ташкилий масалаларни ахборот-коммуникация технологияларидан самарали фойдаланган ҳолда белгиланган тартибда реал вақт режимида ўтказиши мумкин.
	Юқорида белгиланган меъёрий талаблардан қуйидаги истиснодир: – Ўзбекистон Республикаси ОАК кўрсатмаси асосида қўшимча хулоса олиш бўйича ўтказиладиган мажлис.
	Бир вақтнинг ўзида раис, раис ўринбосари ва илмий котиб ҳам бўлмаса, ФДИК мажлиси ўтказилмайди.
	ФДИК мажлиси, агар унинг ишида кенгаш аъзоларининг камида учдан икки қисми иштирок этса, ҳимоя қилинаётган диссертациянинг ҳар бир ихтисослиги (фан тармоғи) бўйича камида 3 (уч) нафар фан доктори қатнашганида ҳақиқий ҳисобланади.

Жадвал муаллиф томонидан умумлаштирилган.



6.4-р а с м . Фан доктори илмий даражасини берувчи илмий кенгашда диссертациянинг ошкора ҳимоясини ташкил этиш

Биринчи босқич – фан доктори илмий даражасини берувчи илмий кенгашга диссертацияни дастлабки кўриб чиқиш учун қабул қилиш[1] босқичи. Мазкур босқичда илмий кенгаш томонидан куйидаги тадбирлар амалга оширилади: (1) диссертация бажарилган муассасанинг йўлланма хати асосида ҳужжатларни қабул қилиб олиш ва уларни норматив-техник экспертизадан ўтказиш; (2) диссертация ва бошқа ҳужжатларни илмий кенгаш қошидаги илмий семинарда муҳокама қилиш; (3) диссертация ва бошқа ҳужжатларни илмий кенгаш эксперт комиссияси томонидан кўриб чиқиш ва ҳимояга қабул қилишга тайёрлаш.

Ўзбекистон Республикаси ОАК низомлари ва норматив-техник талаблари тўлиқ бажарилган ҳамда тегишли ҳужжатлар ҳар жиҳатдан тайёр бўлганда иш бажарилган муассаса раҳбари илмий кенгашга мурожаат қилади (6.4-хат намунаси).

Илмий кенгаш раҳбарияти иш бажарилган муассаса раҳбарининг йўлланма хати асосида тегишли ҳужжатларни қабул қилиб олиб, улар билан танишиб чиқади. Ушбу босқичнинг асосий хусусияти шундан иборатки, унда барча ҳужжатлар ва меъёрий тадбирлар, шунингдек, диссертация тегишли норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар талабларига тўлиқ жавоб бериши юзасидан меъёрий-техник ва илмий экспертиза нуқтаи назаридан хулоса берилади.

Ушбу босқичда ҳужжатлар қабул қилиб олинган кундан бошлаб белгиланган муддатда куйидаги тартибда тегишли тадбирлар амалга оширилади:

биринчидан, илмий кенгаш раиси диссертацияни кенгашга дастлабки кўриб чиқиш учун қабул қилиб олиш мумкинлиги масаласини тартиб-қоида нуқтаи назаридан кўриб чиқишни ташкил этади. Илмий кенгаш раиси диссертация бажарилган муассаса раҳбари йўлланма хатининг юқори қисмига қуйидаги мазмунда ёзма кўрсатмани кенгаш илмий котибига беради:

---

[1] *Фан доктори илмий даражасини берувчи илмий кенгашга диссертацияни дастлабки кўриб чиқиш учун қабул қилиш* – фан доктори илмий даражасини берувчи илмий кенгаш раҳбарияти томонидан изланувчининг ҳужжатларини қабул қилиб олиш – кўрикдан ўтказиш, тегишли ҳужжатларга мазкур илмий кенгаш қошидаги илмий семинар ва эксперт комиссияси томонидан хулоса бериш жараёни.

Илмий кенгаш илмий котиби
_____ га
(Ф.И.О.)

Диссертацияни кенгашга дастлабки кўриб чиқишга қабул қилиш учун норматив-техник жиҳатдан хулоса тайёрланг.

_____

(имзо ва сана)

6.4-хат намунаси

_____ ҳузуридаги _____ рақамли фан доктори илмий даражасини берувчи илмий кенгаш раиси
_____ га
(Ф.И.О.)

_____ томонидан _____ – «_____»
Ф.И.О. (*тўлиқ кўрсатилади*)
ихтисослиги бўйича «_____» мавзуида кимё фанлари доктори илмий даражасини олиш учун бажарилган диссертация _____ (*муассаса номи*) илмий семинарида муҳокама қилиниб (сана, рақами), ҳимояга тавсия этилди.

_____ томонидан Ўзбекистон Республикаси ОАК
Ф.И.О.
низомлари ва тегишли бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар талаблари бўйича кўзда тутилган ишлар тўлиқ бажарилган ҳамда диссертация мавжуд талабларга жавоб беради.

Юқорида баён қилинган маълумотларни эътиборга олиб, изланувчининг тегишли ҳужжатларини илмий кенгашга қабул қилишингизни сўраймиз.

Илова: диссертация, автореферат лойиҳаси, ___ номдаги ҳужжатлар (__ варақ).

Лавозими *имзо* *Ф.И.О.*

иккинчидан, илмий кенгаш илмий котиби мазкур кўрсатма асосида 3 (уч) иш кунида тақдим этилган ҳужжатларнинг норматив-техник жиҳатдан Ўзбекистон Республикаси ОАК талаблари-

га мувофиқлиги, жумладан, аттестация тадбирларининг тегишли кетма-кетликда амалга оширилганлиги ҳамда изланувчи тақдим этган ҳужжатларнинг нуқсонсиз экани ва ҳужжатларнинг расмийлаштирилгани ва бошқа тегишли масалаларни таҳлил қилиб, барча норматив-техник талаблар бажарилган деган хулосага келса, диссертация бажарилган муассаса раҳбари йўлланма хатининг юқори қисмига ўз хулосасини қуйидаги мазмунда билдиради:

Барча аттестация тадбирлари норматив-техник жиҳатдан мавжуд талабларга жавоб беради.

(имзо ва сана)

(Изоҳ: Диссертация бажарилган муассаса томонидан тақдим этилган ҳужжатлар тўлиқ шакллантирилмаган ёки мукаммал расмийлаштирилмаган ёхуд тегишли норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар талаблари бажарилмаган ҳолларда диссертация ва бошқа ҳужжатлар изланувчига қайтариб берилади. Унга диссертацияни илмий кенгашга дастлабки кўриб чиқиш учун қабул қилинмасликнинг сабаби кўрсатилган ҳолда илмий кенгаш раиси имзоси билан жавоб хати берилади. Илмий кенгашда диссертация бажарилган муассаса раҳбарининг йўлланма хати ва кенгашнинг мавжуд камчиликлар кўрсатилган жавоб хатига изланувчи имзо чеккан нусхаси қолдирилади (*Мен, ф.и.о. (тўлиқ кўрсатилади) тақриз билан танишиб чиқиб, илмий кенгашдан ҳужжатларни қайтариб олдим* (*имзо ва сана*)).

Илмий кенгаш илмий котибининг хулосаси муҳокамаси асосида кенгаш раиси қуйидаги мазмунда кенгаш қошидаги илмий семинар раисига ёзма кўрсатма беради:

Илмий кенгаш қошидаги илмий
семинар раиси_____ га
Ф.И.О.

Диссертацияни илмий кенгаш қошидаги илмий семинарда кўриб чиқишни ташкил этишингизни сўрайман.

(имзо ва сана)

Мазкур ёзма кўрсатма асосида илмий кенгаш қошидаги илмий семинар томонидан қуйидаги тадбирлар амалга оширилади:

диссертация ва бошқа ҳужжатларни ўрганиб чиқиш учун тақризчиларни тайинлаш;

тақризчилар томонидан диссертация ва бошқа тегишли ҳужжатларни ўрганиб чиқиш ва ёзма хулоса бериш;

илмий кенгаш қошидаги илмий семинар мажлисини ўтказиш;

илмий кенгаш қошидаги илмий семинар мажлисида диссертациянинг асосий илмий натижалари ҳақида Ўзбекистон Республикаси ОАК веб-сайтида эълон қилиш учун матн лойиҳасини муҳокама қилиш;

илмий кенгаш қошидаги илмий семинар мажлисининг хулосасини баённома шаклида расмийлаштириш. Фан доктори илмий даражасини берувчи илмий кенгаш тўғрисидаги низомга мувофиқ «илмий семинар мажлиси баённомасида диссертация ҳимоясини ўтказиш учун асос бўлган ихтисосликка унинг мувофиқлиги, диссертациянинг илмий савияси, унинг илмий ва амалий аҳамияти, олинган натижаларнинг асосланганлиги, эълон қилинган ишларда диссертация натижалари қанчалик тўлиқ баён этилганлиги, илмий натижаларнинг амалиётга жорий этилганлиги, талабгорларга қўйиладиган талабларнинг бажарилганлиги, диссертация ва диссертация автореферати расмийлаштириш қай даражада бажарилганлигига хулоса, шунингдек, илмий кенгашга диссертацияни ҳимояга қабул қилиш, расмий оппонентлар ва етакчи ташкилотни тайинлаш бўйича тавсия акс эттирилади».

Шуни таъкидлаш керакки, диссертациялар сифати ва самарадорлигини оширишда илмий кенгаш таркибидаги муайян фан тармоғининг тегишли ихтисослиги бўйича аъзолардан ташкил топган эксперт комиссияси[1] алоҳида аҳамият касб этади. Шу жиҳатдан ҳам диссертация ва бошқа ҳужжатларни пухта экспер-

[1] *Фан доктори илмий даражасини берувчи илмий кенгашнинг эксперт комиссияси* – диссертцияни фан доктори илмий даражасини берувчи илмий кенгашга ҳимоя учун қабул қилиш юзасидан ҳужжатларни кўрикдан ўтказиш ва тегишли таклифларни ишлаб чиқиш бўйича кўрилаётган диссертация ихтисослигига ихтисослиги мос бўлган мазкур илмий кенгашнинг рўйхатдаги аъзолари таркибида тузилган ишчи гуруҳ.

тизадан ўтказишни таъминлаш мақсадида илмий кенгаш қошидаги илмий семинарнинг ижобий хулосаси олинганидан сўнг кенгаш аъзоларининг орасидан диссертация ихтисослиги бўйича учта мутахассисдан иборат эксперт комиссияси тузилади.

Фан доктори илмий даражасини берувчи илмий кенгаш тўғрисидаги низомга мувофиқ эксперт комиссияси зиммасига қуйидагилар юклатилади:

диссертация ва тегишли ҳужжатларнинг Ўзбекистон Республикаси ОАК талабларига мослигини текшириш;

диссертациянинг тегишли ихтисослик (ихтисосликлар)га қай даражада мувофиқлиги ва талабгор томонидан нашр қилинган ишларда диссертация материаллари қанчалик тўлиқ баён этилганлиги бўйича хулоса бериш;

диссертация бўйича етакчи ташкилот ва расмий оппонентлар тайинлаш, зарур ҳолларда, илмий кенгаш таркибига қўшимча аъзолар киритиш юзасидан таклифлар бериш.

Иккинчи босқич – фан доктори илмий даражасини берувчи илмий кенгашга диссертацияни ҳимоя учун қабул қилиш[1] босқичи. Ушбу босқичнинг фундаментал асосини илмий кенгаш қошидаги илмий семинар қарори ва илмий кенгаш эксперт комиссиясининг хулосаси ташкил этади.

Илмий кенгаш ўз мажлисида диссертацияни ҳимояга қабул қилиб олиш масаласини муҳокама қилиб, очиқ овоз бериш йўли билан илмий кенгаш аъзоларининг кўпчилиги ёқлаб овоз берганда, диссертацияни ҳимояга қабул қилиш бўйича қарор қабул қилади (6.5-расм).

Диссертация илмий кенгаш томонидан ҳимоя учун қабул қилиб олинган кундан бошлаб 5 иш куни ичида докторлик диссертацияси ҳимояси ҳақида Ўзбекистон Республикаси ОАК веб-сайти

---

[1] *Фан доктори илмий даражасини берувчи илмий кенгашга докторлик диссертациясини ҳимоя учун қабул қилиш* – фан доктори илмий даражасини берувчи илмий кенгашга диссертацияни ҳимоя учун қабул қилиш, ишнинг асосий илмий янгилиги ва амалий натижаларини эълон қилиш ва кўзда тутилган аттестация тадбирларини ҳимоягача амалга оширишни ташкил этиш жараёни.



6.5-р а с м . Диссертацияни фан доктори илмий даражасини берувчи илмий кенгашга ҳимоя учун қабул қилиш

ва журналида эълон қилиш учун 6.5-хат намунаси асосида тегишли маълумотларни тақдим этади.

Илмий даража талабгорига фан доктори илмий даражасини бериш юзасидан асосли қарор қабул қилишда расмий оппонент[1] алоҳида аҳамият касб этади. Чунки, илмий кенгашнинг мазкур масала бўйича қарорининг асосли бўлиши расмий оппонентлар томонидан диссертацияларнинг қай даражада кўриб чиқилиши ва унга асосланган хулоса берилишига кўп жиҳатдан боғликдир. Ҳар бир диссертация бўйича расмий оппонентларни тасдиқлашда илмий кенгаш 6.5-жадвалда келтирилган меъёрий талабларга амал қилиши шарт.

[1] *Расмий оппонент* – фан доктори илмий даражасини берувчи илмий кенгаш қарори билан илмий даража талабгорининг докторлик диссертацияси ва тегишли ҳужжатларини кўзда тутилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар талаблари асосида экспертизадан ўтказадиган (ўтказган) ва ёзма хулоса берадиган (берган) мутахассис.

6.5-хат намунаси

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси
ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси раиси
_____га
(Ф.И.О.)

Кимё фанлари доктори илмий даражасига талабгор Ф.И.О. нинг докторлик диссертацияси ва тегишли ҳужжатлари _____
_____ ҳузуридаги _____ рақамли
(муассаса номи кўрсатилади)
фан доктори илмий даражасини берувчи илмий кенгаш раҳбарияти, кенгаш қошидаги илмий семинар ва эксперт комиссияси томонидан кўриб чиқилиб, диссертациянинг асосий илмий янгилиги ва амалий натижаларини эълон қилиш бўйича материал матни маъқулланди.

Тегишли норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар талабларига мувофиқ ҳолда фан доктори илмий даражасига талабгор томонидан аттестация тадбирлари тўлиқ бажарилган.

Юқоридагиларни эътиборга олган ҳолда докторлик диссертацияси ҳимояси ҳақидаги эълонни Ўзбекистон Республикаси ОАК веб-сайти ва «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги ОАК Бюллетени» журналида эълон қилишни ташкил этишингизни сўраймиз.

Докторлик диссертацияси ҳимояси ҳақидаги эълон матни:
(белгиланган шакл ва таҳрирда берилади).

Илмий кенгаш раиси	*имзо*	Ф.И.О.
Илмий кенгаш илмий котиби	*имзо*	Ф.И.О.
Илмий маслаҳатчи	*имзо*	Ф.И.О.
Илмий даража талабгори	*имзо*	Ф.И.О.

6.5-жадвал

Расмий оппонентларни тасдиқлашга оид меъёрий талаблар

Расмий оппонентлар	
Қуйидаги ҳолатларни эътиборга олган ҳолда тасдиқланади:	Қуйидаги мутахассислар тасдиқланиши мумкин эмас:
1. Расмий оппонент кўрилаётган диссертация йўналишида етук мутахассис бўлиши керак. 2. Расмий оппонентлар турли ташкилотларнинг ходимлари бўлиши лозим. 3. Диссертация бўйича фан докторларидан 3 (уч) нафар расмий оппонент тайинланади. Уларнинг 2 (икки) нафари ҳимоя ўтаётган илмий кенгашнинг аъзоси бўлиши мумкин. 4. Илмий кенгашнинг ёзма мурожаати асосида Ўзбекистон Республикаси ОАКнинг рухсати билан истисно тариқасида тегишли мутахассис расмий оппонент этиб тасдиқланиши мумкин. 5. Зарур ҳолларда расмий оппонентларни ОАК тайинлаши мумкин. 6. Хорижий мамлакатларнинг етакчи олий таълим муассасаси ёки илмий марказининг нуфузли олим-мутахассиси расмий оппонент сифатида тасдиқланиши мумкин.	1. Ўзбекистон Республикаси ОАК Раёсати аъзолари. 2. Ўзбекистон Республикаси ОАК аппарати ходимлари. 3. Ўзбекистон Республикаси ОАК эксперт кенгашларининг раҳбарлари ва аъзолари. 4. Диссертация кўриб чиқилаётган илмий кенгаш раиси, раис ўринбосари ва илмий котиби. 5. Талабгорнинг илмий маслаҳатчиси. 6. Талабгорнинг ҳаммуаллифлари. 7. Диссертация бажарилган, илмий кенгаш ҳузурида фаолият кўрсатаётган ва талабгор илмий-тадқиқот ишлари бўйича буюртмачи ёки ижрочи (шерик ижрочи) бўлган ОТМ/ИТМ раҳбарияти. 8. Илмий даража талабгори ишлаётган кафедра, лаборатория, сектор ва бўлим ходимлари ҳамда диссертация йўналишида талабгор иштирок этаётган грант иштирокчилари. 9. Бир ташкилотда ишлаётган икки мутахассис. 10. Тегишли бўлган бошқа ҳолларда (яқин қариндоши ва бошқалар).

Низом талабларига мувофиқ, диссертация автореферати расмий оппонентларга кузатув хати орқали етказилади. Бунда кузатув хати 6.6-хат намунаси асосида етказилиши мақсадга мувофиқ.

6.6-хат намунаси

_____

(расмий оппонент ишлайдиган ташкилот номи)

раҳбари _____ га

Ф.И.О.

Расмий оппонент

_____ га

Ф.И.О.

_____ ҳузуридаги _____ рақамли фан доктори *(муассаса номи)* илмий даражасини берувчи илмий кенгаш қарори билан (*санаси ва рақами*) _____ нинг

(Ф.И.О. тўлиқ кўрсатилади)

_____ихтисослиги бўйича «_____» мавзуида _____ фанлари бўйича бажарган докторлик диссертацияси илмий кенгашга ҳимоя учун қабул қилиниб, _____ (*Ф.И.О. тўлиқ кўрсатилади*) расмий оппонент сифатида тасдиқланди.

Юқоридагиларни эътиборга олиб, Сиздан расмий оппонентга диссертация билан танишиб чиқиш ва унинг ҳимояси бўйича илмий кенгаш мажлисида иштирок этишига шароит яратиб беришни сўраймиз.

Расмий оппонент _____ йилнинг _____ кунигача ўз хулосасини белгиланган тартибда расмийлаштирилган ҳолда 3 нусхада, шунингдек, унга танишиш учун берилган ҳужжатларни илмий кенгашга тақдим этиши керак.

Расмий оппонентлик учун ҳақ белгиланган тартибда илмий кенгаш фаолият кўрсатаётган муассаса томонидан тўланади.

Илова: диссертация, автореферат лойиҳаси ва тегишли нашр ишлари (___ номдаги).

Илмий кенгаш раиси *имзо* Ф.И.О.

Расмий оппонент шу соҳанинг юқори малакали мутахассиси сифатида:

а) диссертация, автореферат ва нашр этилган илмий ишларни ўрганиб чиқиб, ўз хулосасини 3 нусхада илмий кенгашга тақдим этади (2 нусха илмий кенгаш учун, 1 нусха фан доктори илмий даражасига талабгор учун);

б) хулосанинг олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар давлат аттестациясига оид норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар талабларига мувофиқлиги ва сифатига жавоб беради;

в) илмий кенгаш мажлисида кенгаш аъзоларининг саволлари бўлса, уларга асосли жавоб қайтаради;

г) диссертация ҳимоясида қатнашади (диссертацияга ижобий тақриз берган расмий оппонентлардан фақат биттаси узрли сабаб билан асословчи ҳужжатлар мавжудлигида иштирок эта олмаган тақдирда диссертация ҳимоясига Ўзбекистон Республикаси ОАК маълум қилинган ҳолда рухсат берилади (асословчи ҳужжатлар мажлис баённомасига илова қилинади)). Бундай ҳолларда кенгаш мажлисига кела олмаган оппонентнинг тақризи кенгаш мажлисида тўлиқ ўқиб эшиттирилади.

Докторлик диссертациясига салбий тақриз берган расмий оппонент ҳимояга кела олмаса, бу ҳақда олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар давлат аттестациясига давлатнинг масъул органига 6.7-хат намунаси асосида маълум қилинади ҳамда унинг рухсати билан диссертация ҳимояси бошқа кунга кўчирилади.

Фан доктори илмий даражасини берувчи илмий кенгаш тўғрисидаги низомга мувофиқ илмий кенгаш раиси ҳимоя тўғрисида Ўзбекистон Республикаси ОАК веб-сайтида эълон берилганидан сўнг қўлёзма ҳуқуқида авторефератни чоп этишга рухсат беради ва ҳимоя кунини тайинлайди. Диссертация ва автореферат сифатини ошириш ҳамда жараёнда иштирок этадиган мутахассисларнинг масъулиятини кескин ошириш учун диссертация автореферати лойиҳасини нашр қилишга розилик бериб, унинг титул варағига сана кўрсатилган ҳолда қуйидаги шахслар имзо қўяди:

– илмий даража талабгори;
– илмий маслаҳатчи;
– илмий кенгаш илмий котиби;
– илмий кенгаш раиси.

6.7-хат намунаси

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси
ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси
раиси _____ га
(Ф.И.О.)

_____ ҳузуридаги _____ рақамли фан доктори
(муассаса номи)
илмий даражасини берувчи илмий кенгашнинг _____
куни режалаштирилган мажлисида _____ нинг (*тўлиқ*
(Ф.И.О.)
кўрсатилади) _____ -«_____» ихтисослиги бўйича
«_____» мавзуидаги диссертациясига салбий
хулоса берган расмий оппонент _____
(Ф.И.О.)
сабабли ҳимояга кела олмайди.

Шу муносабат билан мазкур диссертация ҳимояси бўйича илмий кенгаш мажлисини _____ йилнинг _____ куни 14.00. га кўчиришга рухсат беришни сўраймиз. Мазкур ўзгариш тўғрисидаги маълумот рўйхатлар бўйича диссертация автореферати етказилган манзилларга маълум қилиниб, мажлис диссертация авторефератида кўрсатилган манзилда ташкил этилади.

Илмий кенгаш раиси *имзо* Ф.И.О.

Докторлик диссертацияси ҳимоясидан камида бир ой олдин (1) диссертация автореферати етказилиши шарт бўлган манзилларга рўйхатлар асосида тақдим этилиши, (2) авторефератнинг тўлиқ матни ҳузурида илмий кенгаш тузилган муассасанинг вебсайти ва (3) «ZiyoNET» ахборот-ресурс порталига жойлаштирилиши ҳамда (4) ривожланган хорижий мамлакатларнинг йирик ахборот-ресурс марказлари ва (5) илмий ташкилотларига авторефератнинг электрон шакли юборилиши, шунингдек, диссертация ҳимоясини ўтказиш манзили, куни ва соати юзасидан республика аҳамиятидаги газеталардан бирида эълон берилиши керак.

Докторлик диссертацияси автореферати қуйида келтирилган тартибда тегишли манзилларга етказилиши таъминланади:

№	Етказиш асоси	Етказиладиган манзиллар	Масъул
1.	Реестр	Илмий кенгаш аъзолари Ўзбекистон Республикаси ОАК	Илмий кенгаш илмий котиби
2.	Кузатув хати	Расмий оппонентлар Етакчи ташкилот	Илмий кенгаш илмий котиби
3.	Почта алоқаси бўлими	Рўйхатлар асосида диссертация автореферати етказилиши шарт бўлган ташкилотлар ва шахслар	Илмий кенгаш илмий котиби

Диссертация авторефератини асосий ва қўшимча рўйхатлар асосида тегишли манзилларга етказишни ташкил этишда қуйидаги тадбирларга алоҳида эътибор қаратилиши зарур:

диссертация авторефератининг ҳар бир нусхасига илмий даража талабгори ва илмий кенгаш илмий котиби имзо қўяди;

диссертация автореферати бўйича асосий ва қўшимча рўйхатлар илмий кенгаш илмий котиби томонидан имзоланиши ҳамда автореферат ҳимоядан камида бир ой олдин тегишли манзилларга етказилиши ташкил этилиши шарт;

диссертация автореферати тегишли нусхаси Ўзбекистон Республикаси ОАКга илмий кенгаш илмий котиби масъуллигида етказилиши ва унинг иштирокида рўйхатга олиниши керак.

Учинчи босқич – фан доктори илмий даражасини берувчи илмий кенгашда диссертациянинг очиқ ҳимоясини ўтказиш. Бу борада қуйидаги тадбирларга алоҳида эътибор бериш зарур:

биринчидан, илмий кенгаш мажлиси бошланишидан олдин тегишли ҳужжатлар тахт қилиб қўйилган бўлиши керак;

иккинчидан, илмий кенгашнинг диссертация ҳимояси бўйича мажлиси авторефератда белгиланган сана, вақт ва манзилда ташкил этилиши керак;

учинчидан, илмий кенгаш мажлиси кворум мавжуд бўлгандагина бошланиши мумкин. Илмий кенгаш раиси кворумни кенгашнинг рўйхатдаги аъзолари қайд варақаси[1] асосида эълон қи-

[1] *Фан доктори илмий даражасини берувчи илмий кенгаш аъзоларининг қайд варақаси* – фан доктори илмий даражасини берувчи илмий кенгашнинг рўйхатдаги аъзоларидан мажлисда қатнашган ва овоз беришда иштирок этган аъзолари қайд қилинган ҳужжат.

_____ ҳузуридаги ____ рақамли фан доктори илмий даражасини берувчи илмий кенгаш (ИК)нинг рўйхатдаги аъзолари **ҚАЙД ВАРАҚАСИ** (__ -сонли баённома бўйича)

Сана (м-н, 20.12.2013 й.) Бошланди: (м-н, 14.00) Тугади: (м-н, 17.00)

Физика-математика фанлари доктори илмий даражасига талабгор Олимов Олимжон Олимовичнинг 01.01.01 – «Математик анализ» ихтисослиги бўйича «_____» мавзуидаги докторлик диссертацияси ҳимояси бўйича ўтказилаётган ФДИК мажлисида иштирок этаётган ва овоз беришда қатнашаётган кенгаш аъзолари тўғрисида маълумот:

Т/р	Ф.И.О.	Илмий даражаси, ФДИКдаги ихтисослик шифри	ИК мажлисида иштирок этди *(имзо)*	Овоз бериш учун бюллетень олди *(имзо)*
1.				
2.				
3.				
4.				
5.				
6.				
7.				
8.				
9.				
10.				
11.				
12.				
13.				
14.				
15.				
16.				
17.				
18.				
19.				
20.				
21.				

ФДИК мажлисида иштирок этиш ва овоз бериш натижалари:

	Рўйхат бўйича	Қатнашди				Овоз бериш натижалари		
		мажлисда		овоз беришда			сони	%
		сони	%	сони	%	Қатнашди	21	100
ФДИК жами аъзолари	21	21	100	21	100	Рози	19	90
ФДИКнинг, жумладан, диссертация ихтисослиги бўйича аъзолари	5	5	100	5	100	Қарши	2	10
						Бетараф	–	–
						Яроқсиз бюллетень	–	–

ФДИК илмий котиби *имзо* Ф.И.О.

ФДИК Ҳисоб комиссияси раиси *имзо* Ф.И.О.

6.6-р а с м . Фан доктори илмий даражасини берувчи илмий кенгашнинг рўйхатдаги аъзолари қайд варақаси (муаллиф таклифи)

6.6-жадвал

Фан доктори илмий даражасини берувчи илмий кенгаш (ФДИК)да диссертациянинг очиқ ҳимояси бўйича мажлис ўтказиш тартиби тўғрисида маълумот

№	№	Тадбирлар
1.	ИК раиси мажлисни очиш вақтида:	
	1.	ИК аъзоларининг қайд варақаси асосида мажлиснинг ваколатлилиги ҳақида маълумот беради ва мажлисни очиқ деб эълон қилади.
	2.	Илмий даража талабгорининг Ф.И.О., диссертация бажарилган муассаса номи, диссертация мавзуи ва ихтисослиги, илмий маслаҳатчи ва расмий оппонентларнинг исми шарифлари ва етакчи ташкилотни маълум қилади.
2.	ИК илмий котиби қуйидагилар бўйича маълумот беради:	
	1.	Илмий даража талабгори тақдим этган ҳужжатларнинг асосий мазмуни ҳамда уларнинг тегишли норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва норматив-техник талабларига нечоғлик мувофиқлиги.
	2.	Илмий даража талабгори томонидан тегишли аттестация тадбирларининг бажарилганлиги бўйича маълумот беради.
	3.	Аттестация иши ҳужжатларининг мавжуд талаблар асосида расмийлаштирилгани бўйича ахборот беради.
3.	Илмий даража талабгори:	
	1.	Диссертациянинг моҳияти, илмий янгилиги ва амалий натижаларини АКТдан фойдаланган ҳолда кўргазмали баён этади, хулоса ва таклифларини асослайди.
	2.	Оғзаки ва ёзма саволларга жавоб беради.
4.	Илмий маслаҳатчи ўз хулосасини асослаб беради.	
5.	ИК илмий котиби қуйидагилар бўйича маълумот беради:	

давоми

№	№	Тадбирлар
	1.	Иш бажарилган ташкилот, илмий кенгаш қошидаги илмий семинарнинг хулосалари, етакчи ташкилотнинг тақризи билан таништиради.
	2.	Диссертация ва автореферагга келган ижобий тақризлардаги фикрларни қисқача баён этади, салбий тақризларни тўлиқ ўқиб эшиттиради.
	3.	Амалиётга жорий этилган ва жорий этишга қабул қилинган илмий янгилик ва амалий натижалари юзасидан маълумот беради.
	4.	Зарур холларда бошқа ҳужжатлар билан таништиради.
6.	Илмий даража талабгори диссертация автореферати бўйича келган тақризларга ўз муносабатини билдиради.	
7.	Ҳар бир расмий оппонент ўз хулосасини асослаб беради.	
8.	Илмий даража талабгори ҳар бир расмий оппонент кўрсатган камчилик ва таклифларга ўз муносабатини билдиради.	
9.	Диссертация бўйича илмий мунозара бошланади.	
10.	Мунозара тугагач, илмий даража талабгори якунловчи сўз олади.	
11.	Яширин овоз бериш жараёни ташкил этилади.	
12.	ИК хулосаси лойиҳаси ва илмий натижаларни амалиётга татбиғи бўйича тавсиялар муҳокама қилиниб, тасдиқланади. Илмий кенгаш раиси мажлисни ёпиқ деб эълон қилади.	

Жадвал муаллиф томонидан умумлаштирилган.

лади (6.6-расм). Илмий кенгаш мажлиси, агар унинг ишида кенгаш аъзоларининг камида учдан икки қисми иштирок этса, ҳимоя қилинаётган диссертациянинг ҳар бир ихтисослиги бўйича камида 3 (уч) нафар фан доктори қатнашганида ҳақиқий ҳисобланади.

Фан доктори илмий даражасини берувчи илмий кенгашда диссертациянинг очиқ ҳимоясини ўтказиш бўйича мажлис 6.6-жадвалда келтирилган тартибда амалга оширилади.

Илмий кенгаш раҳбарияти ўз фаолиятида қуйидаги масалаларга алоҳида эътибор бериши шарт:

1. Ўзбекистон Республикаси ОАК низомлари талабларига риоя қилиш. Тегишли норматив-техник талабларнинг бажарилишини таъминлаш (6.7- ва 6.8-жадваллар).

2. Изланувчи томонидан тегишли норматив-техник талаблар бажарилмаган ёки рўйхатда белгиланган ҳужжатлар мукаммал бўлмаган тақдирда, диссертацияни кенгашга дастлабки кўриб чиқиш учун қабул қилиб олиш мумкин эмас.

3. Ўзбекистон Республикаси ОАК низомлари ва норматив-техник талаблари тўлиқ бажарилмаган, жумладан, нашр ишларига қўйиладиган талаблар бажарилмаган ҳолларда диссертацияни кенгашда кўриб чиқиш учун қабул қилиш мумкин эмас.

4. Мавжуд тартиб-қоидага зид равишда малакавий имтиҳонни топширганлик тўғрисидаги гувоҳномасининг ҳақиқийлик муддати ўтиб кетган ёки тегишли малакавий имтиҳонни топширмаган изланувчининг диссертациясини илмий кенгашга дастлабки кўриб чиқиш мумкин эмас. Диссертациянинг ҳимояси вақтида малакавий имтиҳонни топширганлик тўғрисидаги гувоҳноманинг муддати ўтмаган бўлиши лозим.

5. Диссертация кенгашга ҳимоя учун қабул қилинганидан кейин, унга ва авторефератга ўзгартириш киритиш мумкин эмас.

6. Илмий кенгаш мажлиси баённомасини сохталаштириш ва билдирилган фикрларни атайлаб киритмаслик мумкин эмас.

7. Диссертацияда плагиат (кўчирмакашлик) ва илмий лоқайдлик ҳолатларига ҳеч қандай кўринишда йўл қўйиш мумкин эмас.

8. Изланувчиларга малакали маслаҳат бериш керак.

9. Илмий даража талабгори илмий кенгашнинг ҳужжатлари ва аттестация иши ҳужжатларини тайёрлаши мумкин эмас.

10. Тегишли ҳужжатларни норматив-техник талабларга тўла риоя қилган ҳолда расмийлаштириш. Илмий даража талабгорининг аттестация ишини талаб даражасида шакллантириш, расмийлаштириш ва сақлашни таъминлаш лозим.

11. Илмий кенгашнинг веб-саҳифаси у фаолият кўрсатаётган муассаса веб-сайтида ташкил этилиши керак. Илмий кенгаш веб-саҳифаси ҳолатига биринчи навбатда кенгаш раиси жавобгардир.

6.7-жадвал

Фан доктори илмий даражасини берувчи илмий кенгаш фаолиятига тегишли бўлган баъзи меъёрий талаблар

Йўналишлар	Меъёрий талаблар
Илмий кенгаш мажлисининг ваколатлилиги	Илмий кенгаш рўйхатидаги аъзоларининг камида учдан икки қисми мажлисда иштирок этиши.
	Ҳимоя қилинаётган диссертация ихтисослиги бўйича илмий кенгашнинг тегишли ихтисослиги бўйича камида 3 нафар фан доктори иштирок этиши (микрокворум).
Илмий кенгаш қабул қилган қарорнинг ҳақиқийлиги	Фан доктори илмий даражасини бериш юзасидан илмий кенгаш мажлисида қатнашаётган аъзоларининг камида учдан икки қисми овоз берганда.
	Диссертацияни кенгашга ҳимоя учун қабул қилишда овоз беришда оддий кўпчилиги.
Илмий кенгашнинг 1-мажлисида нечта диссертация ҳимоясини ўтказиш мумкинлиги	Илмий кенгашнинг бир мажлисида фақат бир илмий даража талабгорининг диссертация ҳимояси ёки битта жамоавий тақриз ўтказилиши мумкин.

Жадвал муаллиф томонидан умумлаштирилган.

6.8-жадвал

Фан доктори илмий даражасини бериш бўйича тегишли аттестация тадбирларини амалга ошириш муддатлари тўғрисида маълумот

№	№	Аттестация тадбирлари	Кўрсаткич
I.		**ИКга диссертацияни дастлабки кўриб чиқиш учун қабул қилиш** (ҳужжатлар қабул қилиб олинган кундан бошлаб)	**2 ой**
	1.	ИКда тақдим этилган ҳужжатларни норматив-техник экспертизадан ўтказиш.	3 кун
	2.	ИК қошидаги илмий семинарда диссертация муҳокамасини ташкил этиш ва баённомани тақдим этиш: Диссертация илмий семинар раҳбарияти томонидан ИК раиси (ўринбосари)нинг йўлланмаси асосида ИК илмий котибидан қабул қилинади ва рўйхатга олинади.	1 ой
		Илмий семинар аъзоларидан ёки бошқа мутахассис-олимлар орасидан тақризчиларни тайинлаш.	2 нафар
		Тақризчиларнинг диссертация билан танишиб чиқиши ва тақризларни илмий семинарнинг илмий котибига тақдим этиши.	15 кун
		Изланувчини мажлис ўтказилишидан олдин тақризлар билан таништириш (илмий котиб томонидан).	5 кун
		Илмий семинар мажлиси кун тартиби билан аъзоларини мажлис ўтказилишидан олдин таништириш ва жамоатчиликка эълон қилиш (илмий котиб томонидан).	5 кун
		Илмий семинар мажлисининг ваколатлилиги (рўйхатдаги аъзолари иштирок этганда). Илмий семинар мажлисида иштирок этаётган аъзоларининг очиқ овоз беришининг ҳақиқийлиги. Илмий семинар баённомаси изланувчига ва ИК раисига илмий семинар раиси ёки илмий котиби томонидан берилади.	2/3 қисми

давоми

№	№	Аттестация тадбирлари	Кўрсаткич
	3.	Илмий семинар томонидан диссертация бўйича ижобий хулоса берилгандан сўнг ИКнинг эксперт комиссиясини тузиш ва унинг ишини ташкил этиш.	
II.	**ИКга диссертацияни ҳимоя учун қабул қилишни ташкил этиш ва тегишли қарор қабул қилиш** (илмий семинарнинг ижобий хулосаси тақдим этилган кундан бошлаб)		**1 ой**
	1.	ИК мажлисини ташкил этиш.	
		ИКга диссертацияни ҳимоя учун қабул қилиш тўғрисидаги қарори (очиқ овоз бериш йўли билан мажлисда иштирок этаётган ИК аъзолари ёқлаб овоз бериши).	Кўпчилиги
		Диссертация ҳимояси ҳақида Ўзбекистон Республикаси ОАК веб-сайтида эълон бериш юзасидан тегишли ҳужжатларни тақдим этиш (ИК мажлисининг ишни ҳимоя учун қабул қилиш тўғрисидаги қарори қабул қилинган кундан бошлаб).	5 кун
		Диссертация ҳимояси ҳақида Ўзбекистон Республикаси ОАК веб-сайтида эълон берилгандан кейин тегишли тадбирларни амалга ошириш.	
		Расмий оппонентларнинг тақризлари нусхаларини талабгорга диссертация ҳимоясидан олдин топшириш.	10 кун
		Етакчи ташкилот тақризи нусхасини талабгорга диссертация ҳимоясидан олдин топшириш.	10 кун
III.	**Докторлик диссертациясининг очиқ ҳимоясини ўтказиш** (диссертация ҳимоясини Ўзбекистон Республикаси ОАК веб-сайтида эълон берилгандан кейин тегишли муддатда ўтказиш[1])		3 ой
	1.	Докторлик диссертациясининг очиқ ҳимояси.	

		ИК мажлисининг ваколатлилиги: рўйхатдаги аъзоларининг камида учдан икки қисми ва унда ҳимоя қилинаётган диссертация ихтисослиги бўйича камида уч нафар фан доктори иштирок этганда.	2/3 қисми, 3 нафар
		Яширин овоз бериш асосида ИК аъзоларининг камида учдан икки қисми ёқлаб овоз берилганда, ижобий қарор қабул қилинган ҳисобланади.	2/3 қисми
		Яширин овоз бериш натижалари бўйича Ҳисоб комиссиясининг баённомаси овоз беришда иштирок этган ИК аъзоларининг кўпчилик овози билан очиқ овоз бериш орқали тасдиқланади.	Кўпчилиги
	2.	Аттестация ишини ҳимоядан кейин Ўзбекистон Республикаси ОАКга тақдим этиш.	1 ой
IV.	**Аттестация ишини Ўзбекистон Республикаси ОАКда кўриб чиқиш**		**3 ой**[2]
	1.	Аттестация ишини рўйхатга олиш ва норматив-техник экспертизадан ўтказиш.	
	2.	Аттестация ишини илмий экспертизадан ўтказиш.	
	3.	Аттестация ишини тартиб-коида нуқтаи назаридан кўриб чиқиш ва якуний қарор қабул қилиш.	
	4.	Ўзбекистон Республикаси ОАК Раёсатининг талабгорнинг фан доктори илмий даражасини тасдиқлаш тўғрисидаги қарори қабул қилинган кундан бошлаб дипломни расмийлаштириш.	20 кун

Жадвал муаллиф томонидан умумлаштирилган.

[1] Диссертация ҳимояси Ўзбекистон Республикаси ОАК веб-сайтида эълон берилгандан кейин 3 ой ичида ўтказилиши шарт. Агарда диссертация ҳимояси ушбу муддатда ўтказилмаса, диссертация ҳимояси фақат Ўзбекистон Республикаси ОАК рухсати билан ташкил этилади.

[2] Тегишли нормага мувофик зарур ҳолларда аттестация ишини батафсил ўрганиб чиқишни талаб қилинса, ОАК Раёсатининг қарори билан ишни кўриб чиқиш муддати икки ойгача узайтирилиши мумкин.

Эслатма: Фан доктори илмий даражасини берувчи илмий кенгаш ўзи фаолият юритаётган муассасанинг расмий бланки ва Давлат герби тасвири туширилган муҳридан фойдаланади.

Фан доктори илмий даражасини берувчи илмий кенгашнинг ҳуқуқи, масъулияти ва жавобгарлиги юзасидан қуйидагиларни кўрсатиб ўтиш мақсадга мувофиқ:

илмий кенгашнинг ҳуқуқи бўйича:

– диссертация бажарилган ёки илмий янгилик ва амалий натижалар амалиётга жорий этилган ташкилотлардан зарур ҳолларда қўшимча материаллар олиш;

– диссертация муҳокамаси ўтказилган илмий семинар, етакчи ташкилот ва расмий оппонентларнинг хулосалари етарлича асосланмаган ҳолларда диссертацияни уларга қайта кўриб чиқиш учун қайтариш;

илмий кенгашнинг масъулияти бўйича:

– ўз фаолиятида тегишли норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга тўла амал қилиш;

– талабчанлик, холислик, соғлом ижтимоий муҳит ва ошкораликни таъминлаш;

– хизмат юзасидан берилган топшириқларни ўз вақтида сифатли бажаришни ташкил этиш ва таъминлаш;

илмий кенгашнинг жавобгарлиги бўйича:

– кенгаш раҳбарияти ва аъзолари ўзлари имзолаган ҳужжатлар ва берган хулосаларининг олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар давлат аттестациясига оид норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар талабларига мувофиқлигига жавоб беради;

– кенгаш раҳбарияти ва аъзолари илмий кенгашга юклатилган вазифа ва функцияларни бажаришга мақомлари даражасида жавобгардир;

– кенгаш фаолиятида мавжуд тартиб-қоидаларга риоя қилинмаган ҳолларда кенгаш фаолият кўрсатаётган муассасага нисбатан Ўзбекистон Республикаси ОАК иқтисодий таъсир чораларини қўллаши мумкин;

– кенгашда очиқ ҳимоя қилиниб, апелляция берилган диссертация бўйича апелляцияга рад жавоби бериш юзасидан якуний

қарор қабул қилинса, кенгаш фаолият кўрсатаётган муассаса апелляция жараёнини ташкил этиш билан боғлиқ бўлган барча сарф-харажатларни белгиланган тартибда қоплайди.

Фан доктори илмий даражасини берувчи илмий кенгаш фаолиятини талаб даражасида ташкил этиш ҳамда диссертациялар сифати ва самарадорлигини ошириш, шунингдек, мавжуд имкониятлардан оқилона фойдаланиш кўп жиҳатдан кенгашлар тизими[1]ни такомиллаштириш[2], айниқса, уларни модернизация қилиш[3]га боғлиқдир. Илмий кенгашларни модернизация қилишда қуйидаги масалалар комплекс кўриб чиқилиб, тегишли тадбирлар амалга оширилади: кенгаш таркиби, раҳбарияти, ҳимояларга рухсат берилган ихтисосликлар, илмий даражалар бериш бўйича ишларни ҳимояга қабул қилиш, ҳимоя қилинган диссертацияларнинг илмий савияси ва натижаларининг асосланиш даражаси ҳамда илмий янгилик ва амалий натижаларнинг амалиётга жорий этилиши самарадорлиги, аттестация ишларининг кенгашда меъёрий талаблар асосида кўрилиши, кенгаш мажлисларини ташкил этиш, иш юритиш ҳамда аттестация ишлари ҳолати, уларни мукаммал расмийлаштириш ва Ўзбекистон Республикаси ОАКга белгиланган асосда тақдим этиш, шунингдек, интерактив хизматларни кўрсатиш даражаси, кенгашнинг моддий-техник ва молиявий таъминоти ҳолати ва бошқа меъёрий талабларнинг бажарилиши ва бошқалар.

---

[1] *Фан доктори илмий даражасини берувчи илмий кенгашлар тизими* – фан тармоқлари, муайян фан тармоғи ёки ихтисосликлар йўналишида диссертациялар ҳимоясига рухсат берилган фан доктори илмий даражасини берувчи илмий кенгашларнинг амалдаги мажмуи.

[2] *Фан доктори илмий даражасини берувчи илмий кенгашлар тизимини такомиллаштириш* – фан тармоқлари, муайян фан тармоғи ёки ихтисосликлар йўналишида диссертациялар ҳимоясига рухсат берилган фан доктори илмий даражасини берувчи илмий кенгашларнинг амалдаги тизимини замонавий талаблар асосида қайта кўриб чиқиш ва уларнинг такомиллашган тизимини жорий этиш жараёни.

[3] *Фан доктори илмий даражасини берувчи илмий кенгашни модернизация қилиш* – олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар давлат аттестациясига ваколатли давлат органи томонидан замонавий талаблар асосида фан доктори илмий даражасини берувчи муайян илмий кенгаш фаолиятининг барча йўналишларини тубдан қайта кўриб чиқиш ва мақсадли натижаларни таъминлаш жараёни.

Таъкидлаш керакки, илмий кенгашлар амалиётида фан доктори илмий даражасини берувчи бир марталик илмий кенгашни тузиш ва унинг фаолиятини ташкил этиш муҳим аҳамият касб этиб, бу борада баъзи меъёрий талаблар тўғрисида маълумотлар 6.9-жадвалда келтирилган.

6.9-жадвал

Фан доктори илмий даражасини берувчи бир марталик илмий кенгаш (БИК)ни тузиш ва унинг фаолиятини ташкил этишнинг баъзи меъёрий талаблари тўғрисида маълумот

Тадбир	№		Асосий талаблар
Бир марталик илмий кенгашни тузиш ва унинг фаолиятини ташкил этиш	1.	БИКни тузиш зарурати туғилган ҳолларда:	
		а)	диссертация бажарилган муассаса тегишли норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар талаблари асосида ишни дастлабки экспертизадан ўтказади;
		б)	БИК тузишни сўраб, – (1) диссертация ихтисослигига мос ёки яқин келадиган ИК ёки – (2) Ўзбекистон Республикаси ОАКга мурожаат қилади;
		в)	БИКда ҳимоя қилинадиган диссертацияга оид тегишли харажатларни молиялаштириш бўйича кафолат беради.
	2.	Диссертация бажарилган муассаса:	
		а)	ИКга мурожаат қилганда: ИК белгиланган тартибда ишни дастлабки экспертизадан ўтказади; БИК тузиш зарурлиги асосланган тақдимнома билан Ўзбекистон Республикаси ОАКга мурожаат этади;
		б)	Ўзбекистон Республикаси ОАКга мурожаат қилганда: тегишли ҳужжатлар, диссертация ва авторефератни Ўзбекистон Республикаси ОАКга тақдим этади.
	3.	ЎзР Олий аттестация комиссияси:	
		а)	тақдим этилган ҳужжатлар ва диссертацияни белгиланган тартибда экспертизадан[1] ўтказишни ташкил этади;
		б)	Ўзбекистон Республикаси ОАК Раёсати қарори билан БИК қуйидагилар асосида тузилиши мумкин:
			– мавжуд ИК асосида;
			– диссертация бажарилган муассаса ҳузурида;
			– бошқа тегишли муассаса ҳузурида.

	4.	БИКга фақат диссертация ихтисослиги бўйича ҳимояга рухсат берилади.	
	5.	Чет эл фуқароси диссертацияси ҳимояси бўйича БИК ташкил этилмайди.	
	6.	БИК тузишга рухсат берилганда:	
		а)	диссертация БИК қошидаги илмий семинарда муҳокама қилинади;
		б)	шундан кейин БИКда диссертация ҳимояси ташкил этилади.

Жадвал муаллиф томонидан умумлаштирилган.

Фан доктори илмий даражасини берувчи **илмий кенгашда иш юритиш.** Илмий кенгашда иш юритишни талаб даражасида олиб бориш[2] ва янгиликлар тўғрисида кенгаш аъзоларини мунтазам хабардор қилиб бориш учун рўйхатга олинган барча ҳужжатлар тўғрисида ахборот бериб борилади.

Илмий кенгашда иш юритиш қуйидаги ҳужжатлар асосида амалга оширилади:

«Изланувчиларга оид бирламчи ҳужжатларни рўйхатга олиш китоби»[3];

[1] Фан доктори илмий даражасини берувчи илмий кенгаш тўғрисидаги низомнинг 17-бандига мувофиқ, «Диссертация иши бўйича ОАК эксперт кенгашининг хулосаси салбий бўлган тақдирда, бир марталик кенгаш тузиш тўғрисидаги илтимосномага рад жавоби берилади ҳамда диссертация иши юзасидан эксперт кенгаши томонидан кўрсатилган камчиликлар юборилади. Иш бажарилган ташкилот диссертация иши юзасидан кўрсатилган камчиликлар талабгор томонидан тўла бартараф этилгандан сўнг ишни қайта экспертизадан ўтказиб, бир марталик кенгаш тузиш тўғрисида ОАКга ёки мавжуд кенгашга қайта мурожаат қилиши мумкин. Кенгаш тузиш тўғрисидаги қайта мурожаат ОАК эксперт кенгашининг салбий қарори чиққан вақтдан сўнг олти ой ўтгач берилиши мумкин».

[2] Фан доктори илмий даражасини берувчи илмий кенгашда иш юритиш ҳолатига кенгаш раиси ва илмий котиби баб-баробар жавоб берадилар.

[3] Мазкур китобда диссертация бажарилган муассасанинг йўлланма хати асосида мурожаат қилган изланувчилар рўйхатга олинади. Диссертация илмий кенгаш қошидаги илмий семинар томонидан ишни ҳимоя учун қабул қилишга тавсия этилган ишлар кейинги китобда, яъни (1) «Фан доктори илмий даражасини олишга талабгорларга оид ҳужжатларни рўйхатга олиш китоби»да рўйхатга олинади ва ҳимояга навбатда турганлар рўйхати мазкур китоб асосида олиб борилади.

«Фан доктори илмий даражасини олишга талабгорларга оид ҳужжатларни рўйхатга олиш китоби»;

«Расмий ва бошқа ҳужжатларни рўйхатга олиш китоби»;

шунингдек,

- аттестация иши ҳужжатлари;
- эксперт комиссиясининг хулосалари (мажлис бўйича);
- илмий кенгаш мажлиси кун тартиби (мажлис бўйича);
- илмий кенгаш аъзолари қайд варақаси (мажлис бўйича);
- ёпиқ овоз бериш бюллетени (мажлис бўйича);
- илмий кенгаш хулосалари лойиҳалари (мажлис бўйича);
- илмий кенгаш ҳисоботлари ва уларнинг йиғма жилди;
- муассаса веб-сайтидаги илмий кенгашнинг веб-саҳифаси;
- тегишли бошқа ҳужжатлар.

«Фан доктори илмий даражасига талабгорларга оид ҳужжатларни рўйхатга олиш китоби» ҳамда «Расмий ва бошқа ҳужжатларни рўйхатга олиш китоби»ни юритишда услубий-ташкилий жиҳатдан қуйидагилар талаб этилади:

китоб рақамланган бўлиши;

китоб тикилган бўлиши;

китоб муассаса раҳбарининг илмий ишларга масъул ўринбосари томонидан имзоланган ва муҳрланган бўлиши керак.

«Фан доктори илмий даражаси талабгорларига оид ҳужжатларни рўйхатга олиш китоби»да масалалар қуйидаги 10 устун асосида юритилади:

1	2	3	4	5	6	7	8	9	10

1-устун – тартиб рақами;

2-устун – диссертация бажарилган ташкилотнинг йўлланма хати санаси ва рақами;

3-устун – тақдим этилган ҳужжатларни илмий кенгаш раҳбарияти томонидан норматив-техник экспертизадан ўтказиш санаси ва натижаси;

4-устун – диссертацияни илмий кенгаш қошидаги илмий семинарга жўнатиш санаси ҳамда қабул қилиб олинган санаси ва натижаси;

5-устун – тегишли ҳужжатларни эксперт комиссиясида кўриб чиқиш санаси ва натижаси;

6-устун – диссертацияни илмий кенгашга ҳимоя учун қабул қилиш масаласи кўриб чиқилган сана ва натижаси;

7-устун – диссертация ҳимояси ҳақида Ўзбекистон Республикаси ОАК веб-сайтида эълон қилиш учун тегишли ҳужжатлар тақдим этилган сана ва эълон қилинган сана;

8-устун – диссертациянинг очиқ ҳимояси ўтказилган сана ва натижаси;

9-устун – аттестация иши Ўзбекистон Республикаси ОАКга тақдим этилган сана ҳамда аттестация иши бўйича якуний қарор қабул қилинган сана ва натижаси;

10-устун – аттестация иши муассаса архивига топширилган сана.

«Расмий ва бошқа ҳужжатларни рўйхатга олиш китоби»да ҳужжатлар келган вақтдан бошлаб қуйидаги йўналишлар бўйича рўйхатга олинади:

1. Илмий кенгашга йўлланган барча расмий ҳужжатлар.

2. «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги ОАК Бюллетени» журналида олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар давлат аттестациясига оид нашр этилган тегишли ҳужжатлар (Ўзбекистон Республикаси ОАК Раёсати қарорлари, Ўзбекистон Республикаси ОАК бўйича буйруқлар, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар).

3. Нашр этилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар.

4. Фуқаролар мурожаати.

5. Муассаса архивига топширилган ҳужжатлар.

Илмий кенгашлар фаолияти ташкил этиш тажрибасидан келиб чиққан ҳолда таъкидлаш мумкинки, иш юритишда қуйидагиларга алоҳида эътибор қаратиш зарур:

илмий кенгаш мажлисининг кун тартибини мажлисдан камида бир ой олдин шакллантириш, тегишли равишда расмийлаштириш ва кенгаш аъзоларига етказиш. Мажлис кун тартибини шу муддатда тегишли воситалар (эълон, веб-саҳифа ва б.) орқали илмий жамоатчиликка етказиш;

илмий кенгаш аъзолари қайд варақасини тегишли равишда расмийлаштириш;

илмий кенгаш мажлиси баённомаси мажлис ўтган кундан бошлаб 10 (ўн) иш кунида расмийлаштирилиб, раислик ва илмий котиблик қилувчи, шунингдек, фан доктори илмий даражасига талабгор томонидан имзоланиши (баённомани стенографист олиб борган ҳолда у ҳам имзолайди);

тегишли норматив-ҳуқуқий ва техник-меъёрий ҳужжатлар, жилдлар, шунингдек, рўйхатга олиш китобларини илмий кенгаш илмий котибида сақлаш;

фойдаланиб бўлинган рўйхатга олиш китобларини, шунингдек, аттестация ишларини диссертация ҳимояси ўтказилган кундан бошлаб 10 (ўн) иш куни ичида ва бошқа тегишли ҳужжатларни муассаса архивига кенгаш илмий котиби (у йўқлигида кенгаш раиси ўринбосари ёки раиси) томонидан топширилишини ташкил этиш.

Илмий кенгашда иш юритиш ишларини талаб даражасида таъминлаш мақсадида йил якунлари бўйича илмий кенгаш ҳисоботига «Фан доктори илмий даражасига талабгорларга оид ҳужжатларни рўйхатга олиш китоби» ҳамда «Расмий ва бошқа ҳужжатларни рўйхатга олиш китоби»ни илова қилинган ҳолда кўрикдан ўтказиш учун Ўзбекистон Республикаси ОАКга тақдим этилади.

Ўзбекистон Республикаси ОАК томонидан илмий кенгашлар фаолияти назоратида иш юритиш нуқтаи назаридан, жумладан, қуйидаги масалаларга алоҳида эътибор қаратилади:

– «Фан доктори илмий даражасига талабгорларга оид ҳужжатларни рўйхатга олиш китоби» ҳамда «Расмий ва бошқа ҳужжатларни рўйхатга олиш китоби»ни пухта юритиш;

– аттестация ишлари ҳужжатларини норматив-техник талаблар асосида расмийлаштириш (имзо, имзоланиш вақти, муҳрларнинг мавжудлиги, ҳужжатнинг масала моҳияти бўйича шакллантирилгани, тўлиқлиги ва бошқалар);

– хат ва аризаларни кўриб чиқиш, тегишли ишларни мавжуд талаблар асосида амалга ошириб бориш (ишни дастлабки кўриб чиқишга қабул қилиш, эксперт комиссияси фаолияти, диссертацияни ҳимояга қабул қилиш ва бошқалар);

– илмий кенгаш мажлиси кун тартиби ва унинг тўғри шакллантирилганлиги, тегишли ҳужжатларнинг мавжудлиги;

– илмий янгилик ва амалий натижаларни амалиётга жорий этиш ва жорий этишга тавсия этилган натижалар тўғрисидаги ҳужжатларнинг мавжудлиги;

– илмий кенгаш аъзолари қайд варақасининг мавжудлиги;

– илмий кенгашда иш юритишга яратилган шарт-шароитлар;

– илмий кенгаш веб-саҳифаси ҳолати;

– расмий ҳужжатларнинг мавжудлиги;

– илмий кенгаш мажлиси баённомасини олиб бориш ҳолати.

Иш юритиш жараёнида фан доктори илмий даражасини берувчи бир марталик илмий кенгашда иш юритишнинг ўзига хос қуйидаги хусусиятларини таъкидлаб ўтиш мақсадга мувофик:

– доимий фаолият кўрсатувчи илмий кенгаш асосида тузилган бир марталик илмий кенгашда кўриладиган ҳужжатларнинг барчаси белгиланган тартибда мавжуд илмий кенгашда юритиладиган рўйхатга олиш китобларида «бир марталик илмий кенгаш» белгиси билан олиб борилади;

– диссертация бажарилган (тегишли) муассаса асосида тузилган бир марталик илмий кенгашда кўриладиган ҳужжатларнинг барчаси ягона рўйхатга олиш китобида[1] (рақамланган, муҳрланган ҳолда) юритилади. Диссертация ҳимояси ўтказилган кундан бошлаб 10 (ўн) иш куни ичида аттестация иши ва унга илова қилинган ушбу рўйхатга олиш китоби ва бошқа барча ҳужжатлар муассаса архивига кенгаш илмий котиби (у йўқлигида кенгаш раиси ўринбосари ёки раиси) томонидан топширилиши шарт.

Фан доктори илмий даражасини берувчи илмий кенгашлар мамлакатимиз мустақиллиги иқтисодий асосларини мустаҳкамлаш, жаҳон тараққиётининг илғор тенденцияларига мувофиқ ҳолда илмий-технологик ва ижтимоий-иқтисодий ривожланишни таъминлаш, жамиятни маънавий юксалтириш, шунингдек, баркамол авлодни тарбиялаш талабларига уйғун равишда олий ўқув юртидан кейинги таълим асосида изланувчиларни давлат аттестациясидан сифатли ўтказиш ва уларга фан доктори илмий даражасини асосли равишда беришни ташкил этишда муҳим аҳамият касб этади.

---

[1] Ягона рўйхатга олиш китоби аттестация иши билан муассаса архивига топширилади. Агарда мазкур муассаса ҳузурида яна бир марталик кенгаш (кенгашлар) тузилганда тегишли иш юритиш ишлари мазкур рўйхатга олиш китобида давом эттирилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 24 июлдаги «Олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар тайёрлаш ва аттестациядан ўтказиш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида»ги 4456-сонли фармонида баён қилинган фан доктори илмий даражасини берувчи илмий кенгашларнинг янги тизимини шакллантириш бўйича топшириғи ижроси юзасидан Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланган ишчи гуруҳи тавсиялари асосида Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси, манфаатдор вазирлик ва идоралар томонидан олий таълим ва илмий-тадқиқот муассасалари ҳамда олим-мутахассисларни жалб этган ҳолда амалда бўлган ихтисослашган кенгашлар чуқур таҳлил қилиниб, замонавий талаблар, жумладан, олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар ихтисосликлари рўйхатининг янги таҳририни[1] (6.10-жадвал) эътиборга олган ҳолда тегишли ишлар амалга оширилди. Ўзбекистон Республикаси ОАК Раёсатининг тегишли қарорлари билан етакчи олий таълим ва илмий-тадқиқот муассасалари ҳузурида 40 та фан доктори илмий даражасини берувчи илмий кенгашларнинг янги тизими шакллантирилди (6.11-жадвал).

Илмий кенгашларнинг янги тизимини шакллантиришда тегишли муассасаларда замонавий талаблар асосида олий ўқув юртидан кейинги таълим ташкил этилгани; илмий салоҳияти етарли ҳамда олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрларнинг сифатли таркибига эга бўлгани; ихтисослашган илмий нашрларда чоп этилган илмий мақолаларнинг мавжудлиги; давлат ва халқаро грантлар, илмий лойиҳалар бажарилаётгани; илмий натижалари амалиётга жорий этилгани; тегишли йўналишда доимий ишлаб турган илмий семинарларга, республика ва халқаро миқёсдаги конференциялар, давра суҳбатлари ва бошқа тадбирларни ташкил қилиш тажрибасига эга бўлгани каби талабларга алоҳида эътибор қаратилди.

---

[1] Олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар ихтисосликлари рўйхати Ўзбекистон Республикаси ОАК Раёсатининг 2012 йил 20 сентябрдаги 189/1-сонли қарори билан тасдиқланган.

6.10-жадвал

Олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар ихтисосликлари рўйхати[1]

Фан тармоғи *шифри*	Ихтисослик гуруҳи *шифри*	Ихтисослик *шифри*	Фан тармоғи, ихтисосликлар гуруҳи ва ихтисослик номи	Илмий даража бериладиган фан тармоғи			
				1	2	3	4–7
01.00.00	**ФИЗИКА-МАТЕМАТИКА ФАНЛАРИ**						
	01.01.00		**Математика**				
		01.01.01	Математик анализ	01.00.00	–	–	–
		01.01.02	Дифференциал тенгламалар ва математик физика	01.00.00	–	–	–
		01.01.03	Ҳисоблаш математикаси ва дискрет математика	01.00.00	–	–	–
		01.01.04	*Геометрия ва топология*	01.00.00	–	–	–
		01.01.05	Эҳтимоллар назарияси ва математик статистика	01.00.00	–	–	–
		01.01.06	Алгебра	01.00.00	–	–	–
	01.02.00		**Механика**				
		01.02.01	Назарий механика	01.00.00	05.00.00	–	–
		01.02.02	Машиналар, асбоблар ва ускуналар динамикаси ва мустаҳкамлиги	01.00.00	05.00.00	–	–
		01.02.03	Грунтлар ва тоғ жинслари механикаси	01.00.00	05.00.00	–	–

[1] Жадвал «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги ОАК Бюллетени» журнали (2012/6) материали асосида келтирилган.

давоми

Фан тармоғи шифри	Ихтисослик гуруҳи шифри	Ихтисослик шифри	Фан тармоғи, ихтисосликлар гуруҳи ва ихтисослик номи	Илмий даража бериладиган фан тармоғи			
				1	2	3	4–7
		01.02.04	Деформацияланувчан қаттиқ жисм механикаси	01.00.00	05.00.00	–	–
		01.02.05	Суюқлик ва газ механикаси	01.00.00	05.00.00	–	–
	01.03.00		**Астрономия**				
		01.03.01	Астрономия	01.00.00	05.00.00	–	–
	01.04.00		**Физика**				
		01.04.01	Экспериментал физиканинг асбоблари ва усуллари	01.00.00	05.00.00	–	–
		01.04.02	Назарий физика	01.00.00	–	–	–
		01.04.03	Молекуляр физика ва иссиқлик физикаси	01.00.00	05.00.00	–	–
		01.04.04	Физик электроника	01.00.00	05.00.00	–	–
		01.04.05	Оптика	01.00.00	05.00.00	–	–
		01.04.06	Полимерлар физикаси	01.00.00	02.00.00	05.00.00	–
		01.04.07	Конденсатланган ҳолат физикаси	01.00.00	05.00.00	–	–
		01.04.08	Атом ядроси ва элементар заррачалар физикаси, тезлаштирувчи техника	01.00.00	05.00.00	–	–
		01.04.09	Магнит ҳодисалари физикаси	01.00.00	05.00.00	–	–

		01.04.10	Яримўтказгичлар физикаси	01.00.00	05.00.00	–	–
		01.04.11	Лазер физикаси	01.00.00	05.00.00	–	–
		01.04.12	Юқори энергиялар физикаси	01.00.00	05.00.00	–	–
02.00.00			**КИМЁ ФАНЛАРИ**				
		02.00.01	Ноорганик кимё	02.00.00	05.00.00	–	–
		02.00.02	Аналитик кимё	02.00.00	01.00.00	05.00.00	–
		02.00.03	Органик кимё	02.00.00	05.00.00	–	–
		02.00.04	Физик кимё	02.00.00	01.00.00	05.00.00	–
		02.00.05	Электрокимё	02.00.00	01.00.00	05.00.00	–
		02.00.06	Юқори молекуляр бирикмалар	02.00.00	05.00.00	–	–
		02.00.07	Композицион материаллар кимёси ва технологияси	02.00.00	01.00.00	05.00.00	–
		02.00.08	Нефть-газ кимёси ва технологияси	02.00.00	05.00.00	–	–
		02.00.09	Товарларни кимёвий таркиби асосида синфлаш ва сертификатлаш	02.00.00	05.00.00	–	–
		02.00.10	Биоорганик кимё	02.00.00	03.00.00	05.00.00	–
		02.00.11	Коллоид ва мембрана кимёси	02.00.00	01.00.00	05.00.00	–
03.00.00			**БИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ**				
		03.00.01	Биокимё, биофизика ва радиобиология	03.00.00	01.00.00	02.00.00	05.00.00 06.00.00 14.00.00 16.00.00

давоми

Фан тармоғи шифри	Ихтисослик гуруҳи шифри	Ихтисослик шифри	Фан тармоғи, ихтисосликлар гуруҳи ва ихтисослик номи	Илмий даража бериладиган фан тармоғи			
				1	2	3	4–7
		03.00.02	Молекуляр биология. Молекуляр генетика. Молекуляр биотехнология	03.00.00	02.00.00	06.00.00	14.00.00
		03.00.03	Ботаника	03.00.00	11.00.00	–	–
		03.00.04	Микробиология ва вирусология	03.00.00	14.00.00	–	–
		03.00.05	Зоология, энтомология ва ихтиология	03.00.00	06.00.00	11.00.00	16.00.00
		03.00.06	Эмбриология, гистология, кариология ва цитология	03.00.00	16.00.00	–	–
		03.00.07	Ўсимликлар физиологияси ва биокимёси	03.00.00	06.00.00	–	–
		03.00.08	Одам ва ҳайвонлар физиологияси	03.00.00	16.00.00	–	–
		03.00.09	Умумий генетика	03.00.00	06.00.00	16.00.00	–
		03.00.10	Экология	03.00.00	02.00.00	05.00.00	11.00.00 06.00.00 14.00.00
		03.00.11	Паразитология ва гельминтология	03.00.00	14.00.00	16.00.00	–
		03.00.12	Биотехнология	03.00.00	02.00.00	05.00.00	06.00.00
		03.00.13	Ҳужайра биологияси ва ривожланиш биологияси	03.00.00	06.00.00	14.00.00	–
		03.00.14	Тупрокшунослик	03.00.00	02.00.00	06.00.00	11.00.00
		03.00.15	Геномика, протеомика ва биоинформатика	03.00.00	–	–	–

04.00.00			**ГЕОЛОГИЯ-МИНЕРАЛОГИЯ ФАНЛАРИ**				
		04.00.01	Умумий ва минтақавий геология	04.00.00	–	–	–
		04.00.02	Геокимё. Фойдали қазилмаларни қидиришнинг геокимёвий усуллари	04.00.00	05.00.00	02.00.00	
		04.00.03	Геотектоника ва геодинамика	04.00.00	–	–	–
		04.00.04	Гидрогеология	04.00.00	05.00.00	–	–
		04.00.05	Муҳандислик геологияси	04.00.00	05.00.00	11.00.00	–
		04.00.06	Рудали ва норудали конлар геологияси, уларни қидириш ва разведка қилиш; металлогения	04.00.00	–	–	–
		04.00.07	Палеонтология ва стратиграфия	04.00.00	03.00.00	–	–
		04.00.08	Петрология, вулканология ва литология	04.00.00	–	–	–
		04.00.09	Геофизика, фойдали қазилмаларни қидиришнинг геофизик усуллари	04.00.00	01.00.00	05.00.00	–
		04.00.10	Қаттиқ ёқилғи қазилма конларининг геологияси, уларни қидириш ва разведка қилиш	04.00.00	–	–	–
		04.00.11	Нефть ва газ конлари геологияси, уларни қидириш ва разведка қилиш	04.00.00	–	–	–
		04.00.12	Кончилик саноати геологияси ва геофизикаси	04.00.00	05.00.00	–	–
		04.00.13	Минералогия. Кристаллография	04.00.00	02.00.00	–	

давоми

Фан тармоғи шифри	Ихтисослик гуруҳи шифри	Ихтисослик шифри	Фан тармоғи, ихтисосликлар гуруҳи ва ихтисослик номи	Илмий даража бериладиган фан тармоғи			
				1	2	3	4–7
05.00.00			**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ**				
	05.01.00		**Муҳандислик геометрияси ва компьютер графикаси**				
		05.01.01	Муҳандислик геометрияси ва компьютер графикаси. Аудио ва видео технологиялари	05.00.00	13.00.00	–	–
	05.02.00		**Машинасозлик ва машинашунослик**				
		05.02.01	Машинасозликда материалшунослик (тармоқлар бўйича)	05.00.00	–	–	–
		05.02.02	Механизмлар ва машиналар назарияси. Машинашунослик ва машина деталлари	05.00.00	01.00.00	–	–
		05.02.03	Технологик машиналар, роботлар, мехатроника ва робототехника тизимлари	05.00.00	–	–	–
		05.02.04	Стандартлаштириш ва маҳсулотлар сифатини бошкариш	05.00.00	–	–	–
	05.03.00		**Машинасозликда конструкцион материалларга ишлов бериш**				

		05.03.01	Механик ва физик-техник ишлов бериш технологиялари ва жараёнлари. Станоклар ва асбоб-ускуналар	05.00.00	–	–	–
		05.03.02	Конструкцион материалларга ишлов бериш технологиялари ва машиналари	05.00.00	–	–	–
	05.04.00		**Энергетика, металлургия ва кимё машинасозлиги**				
		05.04.01	Машинасозлик машиналари, аппаратлари, агрегатлари ва қурилмалари	05.00.00	–	–	–
	05.07.00		**Авиация техникаси**				
		05.07.01	Ер усти мажмуалари ва учиш аппаратлари	05.00.00	–	–	–
	05.11.00		**Асбобсозлик, метрология ва ахборот-ўлчов асбоблари ва тизимлари**				
		05.11.01	Асбоблар. Ўлчаш ва назорат қилиш усуллари (тармоқлар бўйича)	05.00.00	01.00.00	02.00.00	–
		05.11.02	Метрология ва метрология таъминоти	05.00.00	–	–	–
	05.12.00		**Радиотехника ва алоқа**				
		05.12.01	Телекоммуникация ва компьютер тизимлари, телекоммуникация тармоқлари ва қурилмалари. Ахборотларни таксимлаш	05.00.00	–	–	–

давоми

Фан тармоғи шифри	Ихтисослик гуруҳи шифри	Ихтисослик шифри	Фан тармоғи, ихтисосликлар гуруҳи ва ихтисослик номи	Илмий даража бериладиган фан тармоғи			
				1	2	3	4–7
		05.12.02	Радиотехника, радионавигация, радиолокация ва телевидение тизимлари ва курилмалари. Мобил алоқа тизимлари	05.00.00	–	–	–
	05.13.00		**Информатика, ҳисоблаш техникаси ва бошқарув**				
		05.13.01	Тизимли таҳлил, бошқарув ва ахборотни қайта ишлаш	05.00.00	01.00.00	–	–
		05.13.02	Информатиканинг назарий асослари	05.00.00	01.00.00	–	–
		05.13.03	Ахборотларни ҳимоялаш усуллари ва тизимлари. Ахборот хавфсизлиги	05.00.00	01.00.00	–	–
		05.13.04	Ҳисоблаш машиналари, мажмуалари ва компьютер тармоқларининг математик ва дастурий таъминоти	05.00.00	01.00.00	–	–
		05.13.05	Ҳисоблаш техникаси ва бошқарув тизимларининг элементлари ва курилмалари	05.00.00	–	–	–
		05.13.06	Математик моделлаштириш. Сонли усуллар ва дастурлар мажмуи	05.00.00	01.00.00	02.00.00	03.00.00 04.00.00

		05.13.07	Технологик жараёнлар ва ишлаб чиқаришларни автоматлаштириш ва бошқариш	05.00.00	–	–	–
	05.14.00		**Энергетика ва электротехника**				
		05.14.01	Энергетика тизимлари ва мажмуалари	05.00.00	–	–	–
		05.14.02	Электротехника, электр энергия станциялари, тизимлари. Электротехник мажмуалар ва қурилмалар	05.00.00	–	–	–
		05.14.03	Ёруғлик техникаси, махсус ёритиш технологияси	05.00.00	–	–	–
		05.14.04	Саноат иссиқлик энергетикаси	05.00.00	–	–	–
		05.14.05	Иссиқлик техникасининг назарий асослари	05.00.00	–	–	–
		05.14.06	Қайта тикланадиган энергия турлари асосидаги энергия қурилмалари	05.00.00	–	–	–
	05.15.00		**Фойдали қазилма конларини ўзлаштириш**				
		05.15.01	Маркшейдерия	05.00.00	–	–	–
		05.15.02	Фойдали қазилмаларни очиқ ва ер ости усулида қазиб олиш. Геомеханика	05.00.00	–	–	–
		05.15.03	Шахта қурилиши	05.00.00	–	–	–
		05.15.04	Қудуқларни бурғилаш ва ўзлаштириш технологияси	05.00.00	–	–	–

давоми

Фан тармоғи шифри	Ихтисослик гуруҳи шифри	Ихтисослик шифри	Фан тармоғи, ихтисосликлар гуруҳи ва ихтисослик номи	Илмий даража бериладиган фан тармоғи			
				1	2	3	4–7
		05.15.05	Нефть ва газ қувурлари, база ва омборларни қуриш ва ишлатиш	05.00.00	–	–	–
		05.15.06	Нефть ва газ конларини ўзлаштириш ва улардан фойдаланиш	05.00.00	–	–	–
		05.15.07	Кончиликнинг физик жараёнлари	05.00.00	–	–	–
		05.15.08	Фойдали қазилмаларни бойитиш	05.00.00	02.00.00	–	–
		05.15.09	Геологик разведка ишлари технологияси ва техникаси	05.00.00	–	–	–
	05.16.00		**Металлургия**				
		05.16.01	Металлшунослик ва металларга термик ишлов бериш. Қора, рангли ва ноёб металлар металлургияси	05.00.00	–	–	–
	05.17.00		**Кимё технологияси**				
		05.17.01	Ноорганик моддалар технологияси ва улар асосидаги материаллар	05.00.00	02.00.00	–	–
		05.17.02	Органик моддалар технологияси ва улар асосидаги материаллар	05.00.00	02.00.00	–	–
		05.17.03	Силикат ва қийин эрийдиган неметалл материаллар технологияси	05.00.00	02.00.00	–	–
		05.17.04	Локлар, бўёқлар ва органик қопламалар технологияси	05.00.00	02.00.00	–	–
		05.17.05	Резина ва каучук технологияси	05.00.00	02.00.00	–	–

		05.17.06	Кимё технологияси жараёнлари ва аппаратлари	05.00.00	–	–	–
	05.18.00		**Озиқ-овқат маҳсулотлари технологияси**				
		05.18.01	Бошоқли, дуккакли экинлар, ёрма маҳсулотлари ва мева-сабзавот, узумчилик маҳсулотларига ишлов бериш ҳамда уларни сақлаш ва қайта ишлаш технологиялари	05.00.00	–	–	–
		05.18.02	Озиқ-овқат маҳсулотлари технологияси ва биотехнологияси	05.00.00	–	–	–
		05.18.03	Озиқ-овқат саноати жараёнлари ва аппаратлари	05.00.00	–	–	–
	05.19.00		**Тўқимачилик ва енгил саноат материаллари ва буюмлари технологияси**				
		05.19.01	Тўқимачилик ва енгил саноат ишлаб чиқаришларининг материалшунослиги	05.00.00	–	–	–
		05.19.02	Тўқимачилик материаллари технологияси ва хомашёга дастлабки ишлов бериш	05.00.00	02.00.00	–	–
		05.19.03	Тери, мўйна, пойафзал ва тери-галантерея буюмлари технологияси	05.00.00	–	–	–
		05.19.04	Тикувчилик буюмлари технологияси	05.00.00	–	–	–
		05.19.05	Тўқимачилик ва тикувчилик буюмлари, кийим ва пойафзалларни бадиий безаш ва моделлаштириш	05.00.00	17.00.00	–	–

давоми

Фан тармоғи шифри	Ихтисослик гуруҳи шифри	Ихтисослик шифри	Фан тармоғи, ихтисосликлар гуруҳи ва ихтисослик номи	Илмий даража бериладиган фан тармоғи			
				1	2	3	4–7
	05.20.00		**Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини механизациялаш ва электрлаштириш технологиялари**				
		05.20.01	Қишлоқ хўжалиги ва мелиорация машиналари. Қишлоқ хўжалиги ва мелиорация ишларини механизациялаш	05.00.00	06.00.00	–	–
		05.20.02	Қишлоқ хўжалигида электр технологиялар ва электр ускуналар	05.00.00	–	–	–
		05.20.03	Қишлоқ хўжалиги ва мелиорация техникаларини ишлатиш, тиклаш ва таъмирлаш	05.00.00	–	–	–
	05.21.00		**Ўрмон, целлюлоза-қоғоз ва ёғочга ишлов бериш саноати технологияси, машиналари ва ускуналари**				
		05.21.01	Целлюлоза-қоғоз ишлаб чиқариш технологияси	05.00.00	–	–	–

			Урмон, целлюлоза-қоғоз ва ёғоч-га ишлов бериш саноати технологияси, машиналари ва ускуналари				
		05.21.01	Целлюлоза-қоғоз ишлаб чиқариш технологияси	05.00.00	–	–	–
	05.22.00		**Транспорт**				
		05.22.01	Мамлакат, унинг минтақалари, шаҳарлари ва саноат марказларининг транспорт тизимлари	05.00.00	–	–	–
		05.22.02	Темир йўллар ва йўл хўжалиги	05.00.00	–	–	–
		05.22.03	Темир йўлларнинг ҳаракатланувчи таркиби, поездларни тортиш ва электрлаштириш	05.00.00	–	–	–
		05.22.04	Темир йўл транспортини ишлатиш	05.00.00	–	–	–
		05.22.05	Ғилдиракли ва гусеницали машиналар	05.00.00	–	–	–
		05.22.06	Ҳаво йўллари ҳаракатининг навигацияси ва уни бошқариш	05.00.00	–	–	–
	05.23.00		**Қурилиш**				
		05.23.01	Қурилиш конструкциялари. Бинолар ва иншоотлар	05.00.00	–	–	
		05.23.02	Асослар, пойдеворлар, ер ости иншоотлари. Кўприклар ва транспорт тоннеллари	05.00.00	–	–	
		05.23.03	Иссиқлик таъминоти. Вентиляция, кондиционерлаш. Газ таъминоти ва ёритиш	05.00.00	–	–	

давоми

Фан тармоғи шифри	Ихтисослик гуруҳи шифри	Ихтисослик шифри	Фан тармоғи, ихтисосликлар гуруҳи ва ихтисослик номи	Илмий даража бериладиган фан тармоғи			
				1	2	3	4–7
		05.23.04	Сув таъминоти. Канализация. Сув ҳавзаларини муҳофазалаш учун қурилиш тизимлари	05.00.00	–	–	–
		05.23.05	Қурилиш материаллари ва буюмлари	05.00.00	–	–	–
		05.23.06	Автомобиль йўллари ва аэродромлар қурилиши	05.00.00	–	–	–
		05.23.07	Гидротехника ва мелиорация қурилиши	05.00.00	–	–	–
		05.23.08	Темир йўллар қурилиши	05.00.00	–	–	–
		05.23.09	Гидравлика ва муҳандислик гидрологияси	05.00.00	–	–	–
	05.24.00		**Геодезия**				
		05.24.01	Геодезия. Картография	05.00.00	01.00.00	–	–
	05.25.00		**Ҳужжатлар асосида ахборот**				
		05.25.01	Ҳужжатчилик, ҳужжатшунослик, архившунослик	05.00.00	07.00.00	13.00.00	–
		05.25.02	Кутубхонашунослик, библиографияшунослик ва китобшунослик	05.00.00	07.00.00	10.00.00	13.00.00
		05.25.03	Ҳужжатлардан ахборот олиш тизимлари ва жараёнлари	05.00.00	10.00.00	–	–

	05.26.00		**Инсон фаолияти хавфсизлиги**				
		05.26.01	Меҳнатни муҳофаза қилиш ва инсон фаолияти хавфсизлиги	05.00.00	14.00.00	–	–
		05.26.02	Фавқулодда ҳолатларда хавфсизлик (тармоқлар бўйича)	05.00.00	02.00.00	03.00.00	14.00.00 16.00.00
		05.26.03	Ёнғин ва саноат хавфсизлиги	05.00.00	14.00.00	19.00.00	–
		05.26.04	Ядро хавфсизлиги ва радиацион хавфсизлик	05.00.00	–	–	–
	05.27.00		**Электроника**				
		05.27.01	Электроника	05.00.00	01.00.00	–	–
			ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ				
06.00.00	**06.01.00**		**Аграномия**				
		06.01.01	**Умумий деҳкончилик**	06.00.00	–	–	–
		06.01.02	Мелиорация ва суғорма деҳкончилик	06.00.00	05.00.00	–	–
		06.01.03	Агротупроқшунослик ва агрофизика	06.00.00	03.00.00	02.00.00	11.00.00 05.00.00
		06.01.04	Агрокимё	06.00.00	03.00.00	02.00.00	–
		06.01.05	Селекция ва уруғчилик	06.00.00	03.00.00	–	–
		06.01.06	Сабзавотчилик	06.00.00	–	–	–
		06.01.07	Мевачилик ва узумчилик	06.00.00	–	–	–
		06.01.08	Ўсимликшунослик	06.00.00	–	–	–
		06.01.09	Ўсимликларни ҳимоя қилиш	06.00.00	03.00.00	–	–
		06.01.10	Ер тузилиши, кадастр ва ер мониторинги	06.00.00	11.00.00	05.00.00	–
		06.01.11	Пахтачилик	06.00.00	–	–	–

давоми

Фан тармоғи шифри	Ихтисослик гуруҳи шифри	Ихтисослик шифри	Фан тармоғи, ихтисосликлар гуруҳи ва ихтисослик номи	Илмий даража бериладиган фан тармоғи			
				1	2	3	4–7
	06.02.00		**Зоотехния**				
		06.02.01	Қишлоқ хўжалик ҳайвонларини урчитиш, кўпайтириш, селекцияси ва генетикаси	06.00.00	03.00.00	–	–
		06.02.02	Қишлоқ хўжалик ҳайвонларини озиқлантириш ва озуқа тайёрлаш технологияси	06.00.00	03.00.00	–	–
		06.02.03	Хусусий зоотехния. Чорвачилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш технологияси	06.00.00	–	–	–
		06.02.04	Ипакчилик	06.00.00	–	–	–
		06.02.05	Қоракўлчилик	06.00.00	–	–	–
	06.00.03		**Ўрмон хўжалиги**				
		06.03.01	Ўрмон ўсимликлари. Селекция, уруғчилик ва шаҳарларни кўкаламзорлаштириш. Ўрмонлар агромелиорацияси ва ҳимоя ўрмонларини барпо этиш	06.00.00	03.00.00	05.00.00	–
		06.03.02	Ўрмон тузилиши ва ўрмон таксацияси. Ўрмончилик ва ўрмоншунослик. Ўрмон ёнғинлари ва уларга қарши курашиш	06.00.00	03.00.00	05.00.00	–

		06.03.02	Ўрмон тузилиши ва ўрмон таксацияси. Ўрмончилик ва ўрмоншунослик. Ўрмон ёнғинлари ва уларга қарши курашиш	06.00.00	03.00.00	05.00.00	–
07.00.00			**ТАРИХ ФАНЛАРИ**				
		07.00.01	Ўзбекистон тарихи	07.00.00	–	–	–
		07.00.02	Фан ва технологиялар тарихи	07.00.00	–	–	–
		07.00.03	Жаҳон тарихи	07.00.00	–	–	–
		07.00.04	Диншунослик	07.00.00	09.00.00	10.00.00	
		07.00.05	Ислом тарихи ва манбашунослиги	07.00.00	–	–	–
		07.00.06	Археология	07.00.00	–	–	–
		07.00.07	Этнография, этнология ва антропология	07.00.00	–	–	–
		07.00.08	Тарихшунослик, манбашунослик ва тарихий тадқиқот усуллари	07.00.00	–	–	–
		07.00.09	Халқаро муносабатлар ва ташқи сиёсат тарихи	07.00.00	–	–	–
		07.00.10	Ижтимоий-сиёсий институтлар ва жараёнлар тарихи	07.00.00	12.00.00	–	–
		07.00.11	Миллий хавфсизлик муаммолари	07.00.00	12.00.00	08.00.00	–
08.00.00			**ИҚТИСОДИЁТ ФАНЛАРИ**				
		08.00.01	Иқтисодиёт назарияси	08.00.00	–	–	–
		08.00.02	Макроиқтисодиёт	08.00.00	–	–	–
		08.00.03	Саноат иқтисодиёти	08.00.00	–	–	–
		08.00.04	Қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти	08.00.00	–	–	–
		08.00.05	Хизмат кўрсатиш тармоқлари иқтисодиёти	08.00.00	–	–	–

давоми

Фан тармоғи шифри	Ихтисослик гуруҳи шифри	Ихтисослик шифри	Фан тармоғи, ихтисосликлар гуруҳи ва ихтисослик номи	Илмий даража бериладиган фан тармоғи			
				1	2	3	4–7
		08.00.06	Эконометрика ва статистика	08.00.00	–	–	–
		08.00.07	Молия ва кредит	08.00.00	–	–	–
		08.00.08	Бухгалтерия ҳисоби	08.00.00	–	–	–
		08.00.09	Жаҳон иқтисодиёти	08.00.00	–	–	–
		08.00.10	Демография, меҳнат иқтисодиёти	08.00.00	–	–	–
		08.00.11	Маркетинг	08.00.00	–	–	–
		08.00.12	Минтақавий иқтисодиёт	08.00.00	–	–	–
		08.00.13	Менежмент	08.00.00	–	–	–
09.00.00			**ФАЛСАФА ФАНЛАРИ**				
		09.00.01	Онтология, гносеология ва логика	09.00.00	–	–	–
		09.00.02	Онг, маданият ва амалиёт шакллари фалсафаси (номи)	09.00.00	–	–	–
		09.00.03	Фалсафа тарихи	09.00.00	–	–	–
		09.00.04	Ижтимоий фалсафа	09.00.00	–	–	–
10.00.00			**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ**				
		10.00.01	Ўзбек тили	10.00.00	–	–	–
		10.00.02	Ўзбек адабиёти	10.00.00	–	–	–
		10.00.03	Тил назарияси. Амалий ва компьютер лингвистикаси	10.00.00	–	–	–
		10.00.04	Қорақалпоқ тили, қорақалпоқ адабиёти	10.00.00	–	–	–

		10.00.05	Европа, Америка ва Австралия халқлари тили ва адабиёти	10.00.00	–	–	–
		10.00.06	Осиё ва Африка халқлари тили ва адабиёти	10.00.00	–	–	–
		10.00.07	Қиёсий-тарихий, типологик ва чоғиштирма тилшунослик. Лингвистик таржимашунослик	10.00.00	–	–	–
		10.00.08	Адабиёт назарияси	10.00.00	–	–	–
		10.00.09	Фольклоршунослик	10.00.00	17.00.00	–	–
		10.00.10	Журналистика	10.00.00	22.00.00	–	–
		10.00.11	Матншунослик ва адабий манбашунослик	10.00.00	–	–	–
11.00.00			**ГЕОГРАФИЯ ФАНЛАРИ**				
		11.00.01	Табиий география. Ландшафтлар геофизикаси ва геокимёси	11.00.00	–	–	–
		11.00.02	Иқтисодий ва ижтимоий география	11.00.00	08.00.00	–	–
		11.00.03	Қуруқлик гидрологияси. Сув ресурслари. Гидрокимё	11.00.00	02.00.00	05.00.00	–
		11.00.04	Метеорология. Иқлимшунослик. Агрометеорология	11.00.00	01.00.00	05.00.00	06.00.00
		11.00.05	Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш	11.00.00	01.00.00	03.00.00	02.00.00 04.00.00 05.00.00 06.00.00

давоми

Фан тармоғи шифри	Ихтисослик гуруҳи шифри	Ихтисослик шифри	Фан тармоғи, ихтисосликлар гуруҳи ва ихтисослик номи	Илмий даража бериладиган фан тармоғи			
				1	2	3	4–7
12.00.00			**ЮРИДИК ФАНЛАР**				
		12.00.01	Давлат ва ҳуқуқ назарияси ва тарихи. Ҳуқуқий таълимотлар тарихи	12.00.00	–	–	–
		12.00.02	Конституциявий ҳуқуқ. Маъмурий ҳуқуқ. Молия ва божхона ҳуқуқи	12.00.00	–	–	–
		12.00.03	Фуқаролик ҳуқуқи. Тадбиркорлик ҳуқуқи. Оила ҳуқуқи. Халқаро хусусий ҳуқуқ	12.00.00	–	–	–
		12.00.04	Фуқаролик процессуал ҳуқуқи. Хўжалик процессуал ҳуқуқи. Ҳакамлик жараёни ва медиация	12.00.00	–	–	–
		12.00.05	Меҳнат ҳуқуқи. Ижтимоий таъминот ҳуқуқи	12.00.00	–	–	–
		12.00.06	Табиий ресурслар ҳуқуқи. Аграр ҳуқуқ. Экологик ҳуқуқ	12.00.00	–	–	–
		12.00.07	Суд ҳокимияти. Прокурор назорати. Ҳуқуқни муҳофаза қилиш фаолиятини ташкил этиш. Адвокатура	12.00.00	–	–	–
		12.00.08	Жиноят ҳуқуқи. Ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш. Криминология. Жиноят-ижроия ҳуқуқи	12.00.00	–	–	–
		12.00.09	Жиноят процесси. Криминалистика. Тезкор-қидирув ҳуқуқ ва суд экспертизаси	12.00.00	–	–	–

		12.00.10	Халқаро ҳуқуқ	12.00.00	–	–	–
13.00.00			**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ**				
		13.00.01	Педагогика назарияси ва тарихи. Таълимда менежмент	13.00.00	–	–	–
		13.00.02	Таълим-тарбия назарияси ва методикаси (таълим соҳалари ва босқичлари бўйича)	13.00.00	–	–	–
		13.00.03	Махсус педагогика	13.00.00	–	–	–
		13.00.04	Жисмоний тарбия ва спорт машғулотлари назарияси ва методикаси	13.00.00	–	–	–
		13.00.05	Ижтимоий-гуманитар фанларни ўқитиш методикаси	13.00.00	–	–	–
		13.00.06	Электрон таълим назарияси ва методикаси (таълим соҳалари ва босқичлари бўйича)	13.00.00	–	–	–
		13.00.07	Аниқ ва табиий фанларни ўқитиш методикаси	13.00.00	–	–	–
		13.00.08	Касб-ҳунар таълими назарияси ва методикаси	13.00.00	–	–	–
14.00.00			**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ**				
		14.00.01	Акушерлик ва гинекология	14.00.00	–	–	–
		14.00.02	Морфология	14.00.00	–	–	–
		14.00.03	Эндокринология	14.00.00	03.00.00	–	–
		14.00.04	Оториноларингология	14.00.00	–	–	–
		14.00.05	Ички касалликлар	14.00.00	–	–	–

давоми

Фан тармоғи шифри	Ихтисослик гуруҳи шифри	Ихтисослик шифри	Фан тармоғи, ихтисосликлар гуруҳи ва ихтисослик номи	Илмий даража бериладиган фан тармоғи			
				1	2	3	4–7
		14.00.06	Кардиология	14.00.00	03.00.00	–	–
		14.00.07	Гигиена	14.00.00	03.00.00	–	–
		14.00.08	Офтальмология	14.00.00	–	–	–
		14.00.09	Педиатрия	14.00.00	–	–	–
		14.00.10	Юқумли касалликлар	14.00.00	–	–	–
		14.00.11	Дерматология ва венерология	14.00.00	–	–	–
		14..00.12	Тиббий реабилитология	14.00.00	–	–	–
		14.00.13	Неврология	14.00.00	–	–	–
		14.00.14	Онкология	14.00.00	03.00.00	–	–
		14.00.15	Патологик анатомия	14.00.00	–	–	–
		14.00.16	Нормал ва патологик физиология	14.00.00	03.00.00	–	–
		14.00.17	Фармакология ва клиник фармакология	14.00.00	03.00.00	15.00.00	–
		14.00.18	Психиатрия ва наркология	14.00.00	–	–	–
		14.00.19	Клиник радиология	14.00.00	–	–	–
		14.00.20	Тиббий генетика	14.00.00	–	–	–
		14.00.21	Стоматология	14.00.00	–	–	–
		14.00.22	Травматология ва ортопедия	14.00.00	-		–
		14.00.23	Ҳамширалик ишини ташкил этиш	14.00.00	–	–	–
		14.00.24	Суд тиббиёти	14.00.00	–	–	–
		14.00.25	Клиник-лаборатор ва функционал диагностика	14.00.00	–	–	–
		14.00.26	Фтизиатрия	14.00.00	–	–	–

		14.00.27	Хирургия	14.00.00	–	–	–
		14.00.28	Нейрохирургия	14.00.00	–	–	–
		14.00.29	Гематология ва трансфузиология	14.00.00	03.00.00	–	–
		14.00.30	Эпидемиология	14.00.00	03.00.00	–	–
		14.00.31	Урология	14.00.00	–	–	–
		14.00.32	Трансплантология ва сунъий аъзолар	14.00.00	03.00.00	05.00.00	–
		14.00.33	Жамият саломатлиги. Соғликни сақлаш менежменти	14.00.00	–	–	–
		14.00.34	Юрак ва қон-томир хирургияси	14.00.00	–	–	–
		14.00.35	Болалар хирургияси	14.00.00	–	–	–
		14.00.36	Аллергология ва иммунология	14.00.00	03.00.00	–	–
		14.00.37	Анестезиология ва реаниматология	14.00.00			
15.00.00			**ФАРМАЦЕВТИКА ФАНЛАРИ**				
		15.00.01	Дори технологияси ва фармацевтика ишларини ташкил этиш	15.00.00	05.00.00	–	–
		15.00.02	Фармацевтик кимё ва фармакогнозия	15.00.00	02.00.00	03.00.00	–
16.00.00			**ВЕТЕРИНАРИЯ ФАНЛАРИ**				
		16.00.01	Ҳайвонлар касалликлари диагностикаси, терапияси ва хирургияси	16.00.00	–	–	–
		16.00.02	Ҳайвонлар патологияси, онкологияси ва морфологияси	16.00.00	03.00.00	–	–
Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси бўйича _____ йил (йиллар)да фан доктори илмий даражаси тасдиқланган мутахассислар диссертацияларининг илмий янгилиги ва амалий натижаларини амалиётга жорий этиш бўйича умумлашган маълумот

Асосий кўрсаткичлар	Жами	Шундан		Олинган самара	
		А	Н	иқтисодий	ижтимоий
Илмий даражаси тасдиқланганлар сони					
Олинган илмий янгилик ва амалий натижалар сони					
Амалиётга жорий этилган илмий янгилик ва амалий натижалар сони					
жумладан:					
I. Ишлаб чиқариш йўналиши					
– ишлаб чиқариш стратегиясини асослаш					
– ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш					
– имкониятни хўжалик оборотига жалб этиш					
– ишлаб чиқаришни модернизация қилиш					
– янги технологияни жорий этиш					
– технологияни такомиллаштириш					
– янги навни яратиш					
– бошқалар					
II. Бошқарув фаолиятида фойдаланиш					
– қонун					
– қонуности ҳужжатлари					
– ҳукумат қарорлари					
– бошқарув органлари қарорлари					
– норматив ҳужжатлар					

– услубий кўрсатмалар					
– стандартлар					
– нормативлар					
– бошқалар					
III. Ижтимоий йўналиш					
– илмий аппаратни янгиси билан бойитиш					
– илмий аппаратни такомиллаштириш					
– ижтимоий технологияларни ишлаб чиқиш					
– ижтимоий технологияларни такомиллаштириш					
– ташхис ва даволаш технологиясини и/ч					
– ташхис ва даволаш технологиясини такомиллаштириш					
– бошқалар					
IV. Таълим соҳаси					
– педагогик технология					
– дарслик					
– ўқув қўлланмаси					
– бошқа ўқув адабиётлари					
– тарбия жараёни					
– бошқалар					
V. Интеллектуал мулк бўйича					
– илмий янгилик (эътироф этилган)					
– патент					
– лицензия шартномаси					
– давлат гранти якуний ҳисоботига киритиш					
– бошқалар					
VI. Бошқа йўналишлар					
– ишлаб чиқариш йўналиши					
– бошқалар					

Изох: А – амалий йўналиш; Н – назарий йўналиш.

35-ШАКЛ

Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси бўйича _____ йил (йиллар)да фан доктори илмий даражаси тасдиқланган мутахассисларнинг муассасалар бўйича тақсимланиши тўғрисида маълумот

Т/р	Муассаса номи	Илмий даражаси тасдиқланганлар	Жумладан, фан тармоқлари бўйича																		
			01.00.00	02.00.00	03.00.00	04.00.00	05.00.00	06.00.00	07.00.00	08.00.00	09.00.00	10.00.00	11.00.00	12.00.00	13.00.00	14.00.00	15.00.00	16.00.00	17.00.00	18.00.00	19.00.00	22.00.00

36-ШАКЛ

Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси бўйича _____ йил (йиллар)да профессор [1] илмий унвонини тасдиқлаш тўғрисида умумлаштирилган маълумот

Фан тармоғи (ёки йиллар)	Жами кўрилган ишлар	Профессор илмий унвони тасдиқланганлар сони	Шундан, тақсимланиши				Шундан, нашр ишлари							Мутахассислар тайёрлаш						Профессор илмий унвонини тасдиқлашга рад жавоби берилган
			йўналиши бўйича		муассаса бўйича		Жами нашр ишлари сони	жумладан						фан доктори	магистр	бакалавр	номдор стипендиат	танлов ғолиби	бошқалар	
			Ихтисослик бўйича	Кафедра бўйича	ОТМ бўйича	ИТМ бўйича		монография	дарслик	илмий мақола	хорижий мамлакатлар нашрларида	ўқув қўлланма	бошқалар							
Жами																				

[1] Доцент ва катта илмий ходим илмий унвонлари тасдиқланган мутахассислар бўйича жадвал шу тартибда юритилади.

[2] Мавжуд ҳолларда тўлдирилади.

37-ШАКЛ

Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси бўйича _____йил (йиллар)да профессор[1] илмий унвони тасдиқланган мутахассислар рўйхати ва фаолият натижалари тўғрисида маълумот

№	Ф.И.О.	Профессор илмий унвони тасдиқланган сана (ихтисослик ёки кафедра бўйича)	Мутахассиснинг				Нашр қилинган жами ишлари сони	шундан						Мутахассислар тайёрлаш[2]					
			туғилган йили, миллати	иш жойи, лавозими	илмий даражаси тасдиқланган сана	доцент (к.и.х.) илмий унвони тасдиқланган сана		монография	дарслик	илмий мақола	хорижий мамлакатлар нашрларида	ўқув қўлланма	бошқалар	фан доктори	магистр	бакалавр	номдор стипендиат	танлов ғолиби	бошқалар

[1] Доцент ва катта илмий ходим илмий унвонлари тасдиқланган мутахассислар бўйича жадвал шу тартибда юритилади.

[2] Мавжуд холларда тўлдирилади.

38-ШАКЛ

Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси Раёсати қарори асосида _____ йил (йиллар)да профессор [1] илмий унвонини тасдиқлашга рад жавоби берилган аттестация ишлари тўғрисида маълумот[2]

Фан тармоғи (ёки йиллар)	Йил					Йил					Жами				
	Жами кўрилган аттестация ишлари	Рад жавоби берилган аттестация ишлари сони		шундан		Жами кўрилган аттестация ишлари	Рад жавоби берилган аттестация ишлари сони		шундан		Жами кўрилган аттестация ишлари	Рад жавоби берилган аттестация ишлари сони		шундан	
		сони	%	меъёрий-техник экспертиза	илмий экспертиза		сони	%	меъёрий-техник экспертиза	илмий экспертиза		сони	%	меъёрий-техник экспертиза	илмий экспертиза
Жами															

[1] Мазкур жадвал катта илмий ходим ва доцент илмий унвонлари бўйича ҳам юритилади.

[2] Мазкур жадвал муайян ихтисослик (ихтисосликлар) ёки кенгаши (кенгашлари) кесимида тўлдирилиши мумкин.

39-ШАКЛ

Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси бўйича _____ йил (йиллар)да талабгорларнинг илмий ва илмий-педагогик фаолиятга лаёқатини аниқлаш (TL) бўйича умумлаштирилган маълумот

Фан тармоғи (ёки ҳудуд ёки йиллар)	TL бўйича мурожаатлар	Шундан, тақсимланиши														TL топширганлар	жумладан		TLда қатнашмади	Кўрилиш жараёнида
		талабгорларнинг иш жойи бўйича							асоси		таълим бўйича				TL ўқув курсидан ўтганлар		Ўтган	Ўтмаган		
		ОТМ	ИТМ	Бошқарув органлари	Маҳаллий давлат ҳокимият органлари	Ишлаб чиқариш соҳаси	Ижтимоий соҳа	Бошқа соҳалар	Йўллама хат асосида	Ўз аризаси асосида	Бакалавр	Магистр	Дипломли мутахассис	Бошқалар						
Жами																				

40-ШАКЛ

Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси бўйича _____ йил (йиллар)да докторлик диссертациялари мавзуларини рўйхатдан ўтказиш натижалари ва эълон килиш тўғрисида маълумот

Фан тармоғи	Диссертациялар мавзулари маълумотлар базаси бўйича								Ўзбекистон Республикаси ОАКда рўйхатдан ўтказилган ва эълон килинган мавзулар											
	Диссертациялар маълумотлар базасига киритиш учун тақдим этилган мавзулар лойиҳалари сони	натижаси		тавсия этилмаслик сабаблари					Жами тақдим этилган мавзулар	шундан		ОТМ				ИТМ				Кўрилиш жараёнидаги мавзулар	Қайта тақдим этилган мавзулар сони	Эълон килинган мавзулар
		Тавсия этилган мавзулар	Тавсия этилмаган мавзулар	Устуворликларга мос эмас	Мавзу ишнинг моҳиятини акс эттирмайди	Такрорланган мавзу	Норматив-техник сабаблар	Бошка сабаблар		Рўйхатдан ўтказилган	Рўйхатдан ўтказилмаган	Рўйхатдан ўтказилган	шундан			Рўйхатдан ўтказилмаган	шундан					
													К.и.х.-изланувчилар	Мустақил изланувчилар	Тўлов-контракт асосида		К.и.х.-изланувчилар	Мустақил изланувчилар	Тўлов-контракт асосида			
Жами																						

41-ШАКЛ

Малакавий имтиҳонларни _____ йил (сессияси)да ташкил этиш натижалари тўғрисида маълумот

Тадбирлар ва натижалар	Жами	жумладан								
		Махсус имтиҳон	Ўзбекистоннинг энг янги тарихи	Чет тили	Ихтисослик	Математик моделлаштириш ва математик статистика асослари	Иқтисодиёт назарияси	Умумий педагогика, педагогика ва таълим тарихи	Магистрлик малакавий имтиҳони	Қўшимча малакавий имтиҳон
Малакавий имтиҳонларни ташкил этиш ҳуқуқига эга бўлган муассасалар сони[1]										
Малакавий имтиҳонларни ташкил қилган муассасалар сони										
Имтиҳонлар топширувчилар рўйхатига киритилган изланувчилар – жами										
– шу муассасадан										
– бошқа муассасадан										
Экстерн топширувчилар										

Малакавий имтиҳонларда қатнашганлар сони ва баҳоси										
86–100 балл (“аъло”)										
71–85 балл (“яхши”)										
55–70 балл (“қониқарли”)										
0–54 балл (“қониқарсиз”)										
Бекор қилинган натижалар										
Ўзбекистон Республикаси ОАК томонидан жойида назорат қилинган имтиҳонлар										
– талабга жавоб беради										
– талабга жавоб бермайди										
Таҳлилий ҳисоботни Ўзбекистон Республикаси ОАКга тақдим этган муассасалар сони										
Таъсир чоралари кўрилган муассасалар сони шахслар сони малакавий имтиҳонни ташкил этиш ҳуқуқи олиб қўйилган муассасалар сони										

[1] Жадвалнинг жами устунида фақат тегишли бир муассаса кўрсатилади.

IX боб

ОЛИЙ МАЛАКАЛИ ИЛМИЙ ВА ИЛМИЙ-ПЕДАГОГ КАДРЛАР ДАВЛАТ АТТЕСТАЦИЯСИГА ОИД САВОЛ-ЖАВОБЛАР

Докторлик диссертацияси мавзуини рўйхатдан ўтказиш ва эълон қилиш

Савол. Докторлик диссертацияси мавзуи қайси ташкилотда рўйхатдан ўтказилади ва эълон қилинади?

Жавоб. Докторлик диссертацияси мавзуи Ўзбекистон Республикаси ОАКда рўйхатдан ўтказилади ва эълон қилинади.

Савол. Докторлик диссертацияси мавзуини рўйхатга олиш ва «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси Бюллетени» журналида эълон қилишга оид ҳужжат ким томонидан имзоланади?

Жавоб. Докторлик диссертацияси мавзуини рўйхатга олиш ва «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси Бюллетени» журналида чоп этиш бўйича йўлланма хат тегишли олий таълим ёки илмий-тадқиқот муассасаси кенгаши раиси (муассаса раҳбари) томонидан имзоланади.

Савол. Таклиф (ташаббус) асосида бажариладиган докторлик диссертацияси мавзуи бўйича олий таълим ёки илмий-тадқиқот муассасаси кенгаши қарори ва мувофиқлаштирувчи кенгаш хулосаси бир-биридан жиддий фарқ қилса, у ҳолда қандай ҳаракат қилинади?

Жавоб. Таклиф (ташаббус) асосида бажариладиган докторлик диссертацияси мавзуи бўйича олий таълим ёки илмий-тадқиқот муассасаси кенгаши қарори ва мувофиқлаштирувчи кенгаш хулосаси бир-биридан жиддий фарқ қилган ҳолда, муассаса кенгаши раҳбари (муассаса раҳбари) томонидан имзоланадиган йўлланма хатда шу масалага муносабат билдирилиб, мавзуни маълумотлар базаси (рўйхат)га киритиш учун тегишли ҳужжатлар тақдим этилади. Мазкур масала Фан ва технологияларни ривожлантиришни

мувофиқлаштириш қўмитаси ва Ўзбекистон Республикаси ОАК томонидан чуқур кўриб чиқилиб, якуний хулоса берилади.

Савол. Ўзбекистон Республикаси ОАКда докторлик диссертацияси мавзуи бўйича тақдим этилган ҳужжат бўйича камчиликлар аниқланган бўлса, у ҳолда қандай ҳаракат қилинади?

Жавоб. Докторлик диссертацияси мавзуи бўйича тақдим этилган ҳужжат бўйича аниқланган камчиликлар ҳужжатни тақдим этган олий таълим ёки илмий-тадқиқот муассасасининг электрон манзилига жўнатилади. Кўрсатилган камчиликлар муассаса кенгаши ҳамда изланувчи ва илмий маслаҳатчиси томонидан кўриб чиқилиб, Ўзбекистон Республикаси ОАКга қайта мурожаат этилади.

Малакавий имтиҳонларни ташкил этиш

Савол. Малакавий имтиҳонларни барча олий таълим ва илмий-тадқиқот муассасаларида топшириш мумкинми?

Жавоб. Малакавий имтиҳонлар, муайян малакавий имтиҳонларни ташкил этиш ҳуқуқига эга бўлган олий таълим ва илмий-тадқиқот (уларга тенглаштирилган) муассасаларда топширилади.

Савол. Диссертация ихтисослиги бўйича малакавий имтиҳон қайси муассасада топширилади?

Жавоб. Диссертация ихтисослиги бўйича малакавий имтиҳон келгусида диссертация ҳимояси мўлжалланган фан доктори илмий даражасини берувчи илмий кенгаш фаолият кўрсатаётган муассасада топширилади.

Савол. Ихтисослик бўйича малакавий имтиҳон келгусида диссертация ҳимояси мўлжалланган фан доктори илмий даражасини берувчи илмий кенгаш фаолият кўрсатаётган муассасада топшириладиган бўлса, бир марталик илмий кенгашда диссертациясини ҳимоя қиладиган изланувчи ихтисослик бўйича малакавий имтиҳонни қачон ва қайси муассасада топширади?

Жавоб. Бу борада ихтисослик бўйича малакавий имтиҳон Ўзбекистон Республикаси ОАК томонидан тасдиқланган фан доктори илмий даражасини берувчи бир марталик илмий кенгаш тузилган муассасада топширилади.

Ўзбекистон Республикаси ОАК диссертация ҳимояси бўйича фан доктори илмий даражасини берувчи бир марталик илмий кен-

гаш тузиш тўғрисидаги масала таркибида тегишли муассаса ёки фан доктори илмий даражасини берувчи илмий кенгаш мурожаати асосида зарур ихтисослик бўйича малакавий имтиҳон комиссиясининг таркибини ҳам тасдиқлаб беради. Фан доктори илмий даражасини берувчи бир марталик илмий кенгаш тузиш тўғрисидаги йўлланма хатга мазкур имтиҳон комиссиясининг таркиби ҳам илова қилинади. Бундай ҳолларда малакавий имтиҳон бир марталик илмий кенгаш ташкил этиш тўғрисида тегишли қарор қабул қилинган кундан бошлаб, жумладан, сессия давридан ташқари вақтда ҳам белгиланган тартибда топширилиши мумкин.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси ОАК томонидан тегишли илмий кенгашга муайян ихтисослик бўйича бир марталик кенгаш асосида диссертациялар ҳимоясини ташкил этиш ҳуқуқи берилган бўлса, у ҳолда изланувчи кенгаш фаолият кўрсатаётган муассасага тўғридан-тўғри мурожаат қилиши ва белгиланган тартибда малакавий имтиҳон топшириши мумкин.

Савол. Изланувчининг илмий маслаҳатчиси имтиҳон комиссиясининг раиси бўлса, изланувчи унинг раислигида мазкур имтиҳонни топшириши мумкинми?

Жавоб. Изланувчининг илмий маслаҳатчиси имтиҳон комиссиясининг раиси бўлса, изланувчи имтиҳон топшираётган вақтда раислик, муассаса раҳбарининг буйруғига кўра, комиссия аъзоларининг бирига юклатилади. Ушбу масала юзасидан алоҳида буйруқ бўлиши шарт эмас, яъни ушбу масала малакавий имтиҳонни ташкил этиш тўғрисидаги буйруқнинг бир банди билан умумий ҳолатда белгилаб қўйилади.

Савол. Малакавий имтиҳонни қабул қилиш комиссиясининг тасдиқланган таркибини йил давомида ўзгартириш мумкинми?

Жавоб. Объектив сабаблар бўлган тақдирда Ўзбекистон Республикаси ОАК билан келишилган ҳолда малакавий имтиҳонни қабул қилиш комиссияси таркибини йил давомида ўзгартириш мумкин. Бу масала Ўзбекистон Республикаси ОАК ташаббуси билан ҳам амалга оширилиши мумкин.

Савол. Қайси ҳолларда малакавий имтиҳон малакавий имтиҳонларни қабул қилиш сессияси даврида такроран топширилиши мумкин?

Жавоб. Қуйидаги ҳолларда малакавий имтиҳон малакавий имтиҳонларни қабул қилиш сессияси даврида такроран топширилиши мумкин:

биринчидан, имтиҳон топширувчи имтиҳон олинаётган муассаса раҳбарига ёки Ўзбекистон Республикаси ОАКга мурожаат қилиб, унинг мурожаати ўринли деб топилса, у малакавий имтиҳонни сессия даврида белгиланган тартибда такроран топшириши мумкин;

иккинчидан, малакавий имтиҳон натижаси изланувчига тааллуқли бўлмаган ҳолларда бекор қилинса, Ўзбекистон Республикаси ОАКнинг рухсати билан шу имтиҳон сессия даврида топширилиши мумкин;

учинчидан, имтиҳон топширувчи узрли сабаб билан имтиҳонга келмаганини тасдиқловчи ҳужжатлар тақдим этилган ҳолда муассаса раҳбари рухсати билан ўрнатилган тартибда Ўзбекистон Республикаси ОАКни хабардор қилиб, жорий сессия давомида имтиҳон топширишга қўйилиши мумкин.

Савол. Қайси ҳолларда малакавий имтиҳон, имтиҳонлар сессиясидан ташқари даврда топширилиши мумкин?

Жавоб. Қуйидаги ҳолларда малакавий имтиҳон, имтиҳонлар сессиясидан ташқари даврда топширилиши мумкин:

биринчидан, имтиҳон топширувчи узрли сабаб билан имтиҳонга келмаганини тасдиқловчи ҳужжатлар тақдим этилган ҳолда муассаса раҳбари рухсати билан ўрнатилган тартибда Ўзбекистон Республикаси ОАК рухсати билан имтиҳонлар сессиясидан ташқари даврда топширилиши мумкин;

иккинчидан, имтиҳон топширувчи имтиҳон олинаётган муассаса раҳбарига ёки Ўзбекистон Республикаси ОАКга ариза ёки шикоят билан мурожаат қилиб, унинг мурожаати ўринли деб топилса, малакавий имтиҳонлар сессиясидан ташқари даврда изланувчи ушбу малакавий имтиҳонини белгиланган тартибда топшириши (қайта топшириши) мумкин;

учинчидан, малакавий имтиҳон натижаси изланувчига тааллуқли бўлмаган ҳолларда бекор қилинса, Ўзбекистон Республикаси ОАКнинг рухсати билан шу имтиҳон малакавий имтиҳонлар сессиясидан ташқари даврда белгиланган тартибда топширилиши мумкин;

тўртинчидан, фан доктори илмий даражасини берувчи бир марталик илмий кенгаш асосида диссертациясини ҳимоя қилаётган изланувчи малакавий имтиҳонлар сессиясидан ташқари даврда ихтисослик бўйича малакавий имтиҳонни Ўзбекистон Республикаси ОАКнинг рухсати билан белгиланган тартибда топшириши мумкин.

Савол. Фан доктори илмий даражасини берувчи илмий кенгашга диссертация дастлабки кўриб чиқиш ёки ҳимоя учун қабул қилинган бўлса-ю, ишни кўриш жараёнида малакавий имтиҳоннинг амал қилиш муддати ўтиб кетиши мумкин бўлган тақдирда қандай ҳаракат қилиш керак?

Жавоб. Бундай ҳолатда қуйидагича ҳаракат қилинади: диссертацияни кўрилиш жараёни давом эттирилиб, тегишли имтиҳон белгиланган тартибда малакавий имтиҳонлар сессияси даврида топширилади. Таъкидлаш керакки, ушбу масалага изланувчидан ҳужжатларни қабул қилишда эътибор бериш ва тегишли ишлар аввалдан режалаштирилиши мақсадга мувофиқ.

Савол. Қўшимча малакавий имтиҳон топширилмаган ҳолда, диссертация фан доктори илмий даражасини берувчи илмий кенгашга дастлабки кўриб чиқиш ва ҳимоя учун қабул қилинганлиги аниқланган ҳолларда қандай ҳаракат қилинади?

Жавоб. Ўзбекистон Республикаси ОАК низомлари талабларига зид равишда қўшимча малакавий имтиҳон топширмаган изланувчининг иши фан доктори илмий даражасини берувчи илмий кенгашда кўрилишдан тўхтатилиб, бу ҳақда Ўзбекистон Республикаси ОАКга расмий равишда хабар берилади. Имтиҳон белгиланган тартибда малакавий имтиҳонлар сессияси даврида топширилади ҳамда диссертация кенгашга тегишли равишда қайтадан дастлабки кўриб чиқиш ва ҳимоя учун қабул қилиниб, тегишли жараён Ўзбекистон Республикаси ОАК низомлари асосида амалга оширилади.

Савол. Қўшимча малакавий имтиҳонни топширмасдан диссертация ҳимояси амалга оширилган ҳолларда нима бўлади?

Жавоб. Диссертация ҳимояси қўшимча малакавий имтиҳон топширилмасдан амалга оширилган ҳолларда аттестация иши Ўзбекистон Республикаси ОАК Тартиб-қоида комиссиясининг

тавсияси асосида Ўзбекистон Республикаси ОАК Раёсатининг қарори билан ушбу аттестация ишига рад жавоби берилади.

Қўшимча малакавий имтиҳон белгиланган тартибда малакавий имтиҳонлар сессияси даврида топширилади. Шундан сўнг диссертация белгиланган тартибда фан доктори илмий даражасини берувчи илмий кенгашда қайтадан ҳимоя учун қабул қилинади. Бундай ҳолларда илмий кенгаш раҳбариятига нисбатан тегишли чора кўрилади.

Савол. Белгиланган тартибда қўшимча малакавий имтиҳон топширилиб, ишни Ўзбекистон Республикаси ОАК низомлари асосида фан доктори илмий даражасини берувчи илмий кенгашга қайтадан дастлабки кўриб чиқиш учун қабул қилишда Ўзбекистон Республикаси ОАКга хабар бериладими?

Жавоб. Йўқ, бундай ҳолларда Ўзбекистон Республикаси ОАКга хабар берилмайди. Чунки, бу иш янги иш сифатида кўриб чиқилади. Лекин, янги аттестация ишини Ўзбекистон Республикаси ОАКга тақдим этишда бу масала фан доктори илмий даражасини берувчи илмий кенгашнинг йўлланма хатида акс эттирилиши шарт.

Савол. Белгиланган тартибда қўшимча малакавий имтиҳон (имтиҳонлар) топширилиб, фан доктори илмий даражасини берувчи илмий кенгашга қайтадан диссертацияни ҳимоя учун қабул қилишда аввал тасдиқланган расмий оппонентлар тақризи ва етакчи ташкилотнинг хулосаси ҳамда уларнинг муддатлари ҳақиқий ҳисобланадими?

Жавоб. Фан доктори илмий даражасини берувчи илмий кенгаш диссертацияни ҳимоя учун қабул қилишда, шунингдек, диссертациянинг очиқ ҳимояси вақтида аввал тасдиқланган оппонентлар тақризлари ва етакчи ташкилотнинг хулосаси имзоланган муддат белгиланган муддатдан ошмаса, бу ҳужжатлар ҳақиқий ҳисобланади. Лекин, фан доктори илмий даражасини берувчи илмий кенгаш бошқа оппонентлар ва етакчи ташкилотни тасдиқлаши мумкин.

Савол. Малакавий имтиҳонларни муассасада низом талаблари асосида ташкил этишда ким масъул ҳисобланади?

Жавоб. Малакавий имтиҳонларни низом талаблари асосида ташкил этиш учун имтиҳон ўтказаётган муассаса раҳбари ва малакавий имтиҳон раиси шахсан масъулдирлар. Чунки малакавий

имтиҳонни қабул қилиш комиссияси таркиби, малакавий имтиҳон предмети дастури, ўқув-консультация ва илмий-ташкилий тадбирларни амалга ошириш, имтиҳонни қабул қилиш ҳамда бошқарув ва ижро назорати масалалари муассаса раҳбарининг буйруғи асосида ташкил этилади. Бу тадбирларнинг низом талаблари асосида ташкил этилиши унинг умумий раҳбарлигида амалга оширилади. Мазкур масалаларга назорат тариқасида, шунингдек, имтиҳонни мавжуд тартиб-қоида асосида қабул қилинишига ваколати доирасида имтиҳон комиссияси раиси шахсан жавоб беради.

Савол. Малакавий имтиҳонлар (имтиҳон)ни ташкил этиш ҳуқуқига эга бўлган муассаса малакавий имтиҳонлар якунлари тўғрисида Ўзбекистон Республикаси ОАКга маълумот бериши шартми?

Жавоб. Малакавий имтиҳонлар (имтиҳон)ни ташкил этиш ҳуқуқига эга бўлган муассаса низомга мувофиқ малакавий имтиҳонлар якунлари тўғрисида белгиланган муддатда[1] Ўзбекистон Республикаси ОАКга сессиялар якуни бўйича умумлаштирилган маълумот бериши шарт. Шунингдек, мазкур муассаса ҳар бир имтиҳон сессияси ойидан кейин уч иш куни ичида Ўзбекистон Республикаси ОАКга маълумот тақдим этиши шарт. Бу маълумотлар асосида таҳлилий ишлар амалга оширилади ва малакавий имтиҳонларни ташкил қилиш самарадорлигини ошириш юзасидан таклифлар ишлаб чиқилиб, тегишли чора-тадбирлар амалга оширилади.

Таҳлилий маълумотномани тақдим этмаган муассасада кейинги малакавий имтиҳонлар сессиясини ўтказиш ман этилади.

Ўзбекистон Республикаси ОАК малакавий имтиҳонларни ташкил қилиш бўйича умумлаштирилган таҳлилий маълумотномани тайёрлаб, Ўзбекистон Республикаси ОАК Раёсатига муҳокамага киритади. Умумлаштирилган таҳлилий маълумотнома «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси Бюллетени» журналида чоп этилади.

---

[1] Малакавий имтиҳонларни ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомнинг 26-бандига мувофиқ малакавий имтиҳонларнинг натижалари тўғрисида тегишли ташкилотлар томонидан ҳар йили декабрь ойининг 10-санасигача ОАКга маълумот берилади.

Савол. Олий таълим ва илмий-тадқиқот (уларга тенглаштирилган) муассасалари раҳбарлари ва уларнинг ўринбосарларига асосий иш жойларида (уларга бўйсунувчи муассасада) малакавий имтиҳонларни, жумладан, ихтисослик бўйича имтиҳонни топширишга рухсат бериладими?

Жавоб. Олий таълим ва илмий-тадқиқот (уларга тенглаштирилган) муассасалари раҳбарлари ва уларнинг ўринбосарларига асосий иш жойлари (уларга бўйсунувчи муассаса)да малакавий имтиҳонларни, жумладан, ихтисослик бўйича имтиҳонни топширишга рухсат берилмайди.

Савол. Олий таълим ва илмий-тадқиқот (уларга тенглаштирилган) муассасалари раҳбарлари ва уларнинг ўринбосарларига асосий иш жойлари (уларга бўйсунувчи муассаса)да малакавий имтиҳонларни, жумладан, ихтисослик бўйича имтиҳонни топширишга рухсат берилмаса, улар имтиҳонларни қайси муассасада топширишлари мумкин?

Жавоб. Олий таълим ёки илмий-тадқиқот муассасаси раҳбари (ўринбосари) малакавий имтиҳонларни Малакавий имтиҳонларни ўтказиш тартиби тўғрисидаги низом асосида белгиланган тартибда бошқа муассасаларда топширишлари мумкин. (Зарур ҳолларда малакавий имтиҳонларни қаерда топшириш мумкинлиги тўғрисида хат билан Ўзбекистон Республикаси ОАКга мурожаат қилинади. Ўзбекистон Республикаси ОАК қайси олий таълим ёки илмий-тадқиқот муассасасида мазкур имтиҳонни топшириш мумкинлигини кўрсатиб беради.)

Ихтисослик бўйича имтиҳонни қаерда топшириш мумкинлиги тўғрисида муассаса раҳбари (раҳбар учун унинг ўринбосари) хат билан Ўзбекистон Республикаси ОАКга мурожаат қилади. Ўзбекистон Республикаси ОАК қайси олий таълим ёки илмий-тадқиқот муассасасида мазкур имтиҳонни топшириш мумкинлигини, зарур ҳолларда имтиҳон комиссияси таркибини белгилаб беради.

Савол. Малакавий имтиҳонларни ташкил этиш ҳуқуқига эга бўлмаган муассаса томонидан малакавий имтиҳон қабул қилинган бўлса, имтиҳон натижалари ҳақиқий ҳисобланадими?

Жавоб. Малакавий имтиҳонларни ташкил этиш ҳуқуқига эга бўлмаган муассаса томонидан қабул қилинган малакавий имти-

хон натижаси ҳақиқий ҳисобланмайди. Чунки, ушбу муассасада малакавий имтиҳонларни қабул қилиш юзасидан тегишли имконият ҳамда Ўзбекистон Республикаси ОАК билан келишиб тасдиқланган имтиҳонни қабул қилиш комиссияси йўқдир. Тадқиқотчи тегишли фандан малакавий имтиҳонларни ташкил этиш ҳуқуқига эга бўлган муассасада белгиланган тартибда малакавий имтиҳонлар сессияси даврида қайта топшириши шарт бўлади.

Савол. Малакавий имтиҳонларни ташкил этиш ҳуқуқига эга бўлган муассаса малакавий имтиҳонларни пуллик хизмат кўрсатиш асосида ташкил этиши ва имтиҳонларни қабул қилиши мумкинми?

Жавоб. Малакавий имтиҳонларни ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомда тегишли муассаса имтиҳонларни ташкил этиш ҳуқуқига эга бўлмаган муассаса бошқа ташкилотлардан келган изланувчилардан имтиҳонларни қабул қилиши шарт деб белгиланган. Шунингдек, имтиҳонларни ташкил қилиш билан боғлик бўлган барча харажатлар мазкур муассаса, яъни имтиҳонни қабул қилиш комиссияси фаолият кўрсатаётган муассаса ҳисобидан қопланади.

Савол. Олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар ихтисосликлари рўйхатига ўзгартиришлар киритилган бўлса-ю, аввал амал қилган ихтисослик бўйича топширилган малакавий имтиҳон гувоҳномаси амал қиладими ёки ўзгаришга мувофиқ бўлган ихтисослик бўйича қайта имтиҳон топшириш шартми?

Жавоб. Олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар ихтисосликлари рўйхатига янги киритилган (ўзгартирилган) ихтисослик бўйича изланувчи малакавий имтиҳонни топшириши шарт. Изланувчи томонидан ихтисослик бўйича аввал топширилган малакавий имтиҳон гувоҳномаси янги киритилган (ўзгартирилган) ихтисослик бўйича амал қилмайди. Янги ихтисослик бўйича малакавий имтиҳон янги тасдиқланган дастурга мувофиқ қайта топширилиши керак. Шундан сўнг диссертацияни кенгашга дастлабки кўриб чиқишга ёки ҳимояга қабул қилиш мумкин.

Агарда диссертация илмий кенгашга дастлабки кўриб чиқиш ёки ҳимоя учун қабул қилинган бўлса, у ҳолда Ўзбекистон Республикаси ОАКнинг рухсати билан имтиҳон малакавий имтиҳонлар сессиясидан ташқари даврида белгиланган тартибда топши-

рилишига рухсат берилади. Бунда тегишли аттестация тадбирлари давом эттираверилади.

Савол. Бакалавр даражасига ва олий маълумотли мутахассис дипломига эга бўлган мутахассислар малакавий имтиҳонлардан ташқари ушбу фан йўналишининг асосий мазмуни ҳамда умумметодологик ва назарий муаммоларини етарлича кенг қамраб оладиган мутахассислик бўйича магистрлик имтиҳонини топширадиларми?

Жавоб. Бундай ҳолларда мутахассислар малакавий имтиҳонлардан ташқари ушбу фан йўналишининг асосий мазмуни ҳамда умумметодологик ва назарий муаммоларини етарлича кенг қамраб оладиган мутахассислик бўйича магистрлик имтиҳонини топширишлари шарт.

Савол. Бундай ҳолларда магистрлик имтиҳони қайси муассасада қабул қилинади?

Жавоб. Магистрлик имтиҳони изланувчининг ихтисослиги бўйича магистратура мавжуд бўлган олий таълим муассасасида қабул қилинади.

Савол. Изланувчининг олий маълумоти ёки номзодлик диссертацияси соҳаси докторлик диссертацияси тайёрланган фан тармоғи йўналишига мувофиқ бўлмаса, у умумилмий фан бўйича қўшимча малакавий имтиҳон (ёки имтиҳонлар) топширадими?

Жавоб. Изланувчининг олий маълумоти ёки номзодлик диссертацияси соҳаси докторлик диссертацияси тайёрланган фан тармоғи йўналишига мувофиқ бўлмаса, у умумилмий фан бўйича қўшимча малакавий имтиҳон (ёки имтиҳонлар) топширади.

Савол. Диссертация туташ ихтисослик бўйича ҳимояга қўйилаётган бўлса, иккинчи ихтисослик бўйича ҳам малакавий имтиҳон топшириладими?

Жавоб. Диссертация туташ ихтисослик бўйича ҳимояга қўйилаётган бўлса, иккала ихтисослик бўйича ҳам малакавий имтиҳон топширилади.

Савол. Ихтисослик бўйича малакавий имтиҳонни барча имтиҳонлар топширилганидан кейин топшириш керакми?

Жавоб. Малакавий имтиҳонларни, жумладан, ихтисослик бўйича имтиҳонни маълум кетма-кетликда топшириш белгиланмаган.

Савол. Тегишли ҳолларда малакавий имтиҳон топширилганлиги ҳақидаги гувоҳноманинг амал қилиш муддати қандай?

Жавоб. Тегишли ҳолларда малакавий имтиҳон топширилганлиги ҳақидаги гувоҳноманинг амал қилиш муддати қуйидагича:

биринчидан, диссертацияни фан доктори илмий даражасини берувчи илмий кенгашга дастлабки кўриб чиқиш учун қабул қилишда мазкур гувоҳноманинг амал қилиш муддати 5 йилдан ошмаган бўлиши;

иккинчидан, диссертацияни фан доктори илмий даражасини берувчи илмий кенгашга ҳимоя учун қабул қилишда мазкур гувоҳноманинг амал қилиш муддати 5 йилдан ошмаган бўлиши;

учинчидан, диссертациянинг фан доктори илмий даражасини берувчи илмий кенгашда очиқ ҳимояси вақтида мазкур гувоҳноманинг амал қилиш муддати 5 йилдан ошмаган бўлиши;

тўртинчидан, юқорида қайд этилган биринчи ва иккинчи ҳолатлар амалга оширилган вақтдан кейин мазкур гувоҳноманинг амал қилиш муддати тугаётган бўлса, у ҳолда имтиҳонни белгиланган тартибда муассаса раҳбарининг мурожаати асосида Ўзбекистон Республикаси ОАКнинг рухсати билан сессиядан ташқари даврда топширишга рухсат берилади. Фан доктори илмий даражасини берувчи илмий кенгашда диссертацияни кўриш жараёнлари давом эттирилаверади.

Савол. Тегишли чет тили (масалан, француз тили) бўйича олий маълумотга эга бўлган шахс шу тилдан чет тили сифатида малакавий имтиҳонни топшириши мумкинми?

Жавоб. Шахснинг олий маълумоти бўйича тегишли чет тили (масалан, француз тили) унинг мутахассислик тили ҳисобланса, мазкур чет тилидан малакавий имтиҳонни топшириш мумкин эмас. Шахс чет тили сифатида малакавий имтиҳонни бошқа чет тилидан, масалан, инглиз тилидан топшириши керак.

Савол. Тегишли чет тили (масалан, француз тили) бўйича олий маълумотга эга, шунингдек, бошқа чет тили (масалан, инглиз тили филологияси) йўналишида диссертация тадқиқоти олиб бораётган шахс чет тили сифатида қайси тилдан малакавий имтиҳонни топширади?

Жавоб. Шахснинг олий маълумоти бўйича тегишли чет тили (масалан, француз тили) унинг мутахассислик тили, шунингдек,

диссертация тадқиқоти олиб бораётган бошқа чет тили (масалан, инглиз тили филологияси) унинг ихтисослик тили эканлиги сабабли мазкур тиллардан чет тили сифатида малакавий имтиҳон топшириши мумкин эмас. Бундай ҳолатда шахс немис тилидан малакавий имтиҳон топшириши керак.

Савол. Ихтисослик бўйича малакавий имтиҳон диссертация ҳимояси бўйича ҳузурида муайян фан тармоғи ва ихтисослиги бўйича фан доктори илмий даражасини берувчи илмий кенгаш мавжуд бўлган бошқа муассасада топширилганда имтиҳон ҳақиқий ҳисобланадими?

Жавоб. Агарда муайян фан тармоғининг ихтисослиги бўйича иккита муассаса ҳузурида 2 та фан доктори илмий даражасини берувчи илмий кенгаш фаолият кўрсатаётган бўлса, ихтисослик бўйича малакавий имтиҳонни қайси муассасада топширилганига қарамай, имтиҳон натижаси ҳақиқий ҳисобланади. Чунки мазкур имтиҳон олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар давлат аттестациясига ваколатли давлат органи томонидан маъқулланган дастур асосида ва имтиҳон комиссияси томонидан қабул қилинган ҳисобланади.

Савол. Малакавий имтиҳонларни қабул қилиш комиссиялари таркиби ким томонидан қандай муддатга тузилади?

Жавоб. Малакавий имтиҳонларни қабул қилиш комиссиялари таркиби Ўзбекистон Республикаси ОАК билан келишилган ҳолда белгиланган тартибда ҳар бир малакавий имтиҳон бўйича тегишли олий таълим ёки илмий-тадқиқот муассасаси бўйича буйруқ билан бир йил муддатга тузилади.

Савол. Малакавий имтиҳон комиссиясининг таркибига қандай талаблар қўйилади?

Жавоб. Малакавий имтиҳон комиссиясининг таркибига қуйидаги талаблар қўйилади:

биринчидан, комиссия аъзолари ўз соҳасининг етук олим мутахассислари бўлиши ва илмий-тадқиқот фаолиятларида муайян ютуқларга эришган бўлиши керак;

иккинчидан, комиссия таркиби илмий даражага эга бўлган 5–7 нафар аъзодан иборат бўлиши ҳамда уларнинг камида 3 нафари фан доктори илмий даражасига эга бўлиши керак (комиссия раиси ва яна икки нафар аъзоси). Чет тили бўйича малакавий имтиҳонни

қабул қилиш комиссияси таркиби камида 2 нафар илмий даражага эга бўлган ҳамда изланувчи диссертацияси ихтисослиги бўйича фан доктори илмий даражасига эга бўлган ва тегишли чет тилида эркин гаплаша оладиган мутахассислардан иборат бўлади.

Фан доктори илмий даражасини берувчи илмий кенгаш фаолияти

Савол. Қандай талабларга жавоб берган муассасада фан доктори илмий даражасини берувчи илмий кенгаш тузилиши мумкин?

Жавоб. Қуйидаги талабларга жавоб берган етакчи олий таълим ёки илмий-тадқиқот муассасасида фан доктори илмий даражасини берувчи илмий кенгаш тузилиши мумкин: муайян фан тармоғининг тегишли ихтисослиги (ихтисосликлари) бўйича замонавий талаблар асосида олий ўқув юртидан кейинги таълим ташкил этилган; тегишли йўналишлар бўйича илмий салоҳияти етарли ҳамда олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрларнинг сифатли таркибига эга бўлган; ихтисослашган илмий нашрларда, жумладан, хорижий мамлакатларда чоп этилаётган илмий ишлар мавжудлиги; муассаса ходимларининг аттестация органларида иштирок этиши ҳамда ходимлар ва изланувчиларнинг тегишли норматив-ҳуқуқий ҳужжат ва услубий қўлланмалар билан таъминланиш даражаси; давлат ва халқаро грантлар, илмий лойиҳалар бажарилаётган; тегишли фан тармоғида тан олинган ютуқларга ҳамда илмий янгилик ва амалий натижалари амалиётга жорий этилган; тегишли йўналишда доимий ишлаб турган илмий семинарларга, республика ва халқаро миқёсдаги конференция, семинарлар, давра суҳбатлари ва бошқа тадбирларни ташкил қилиш тажрибасига эга бўлган; тегишли равишда замонавий ўқув, илмий ва илмий-ташкилий тузилмаларга эга бўлган; ахборот-коммуникация технологияларидан самарали фойдаланиш; замонавий моддий-техник база ҳамда мустаҳкам молиявий имкониятларга эга бўлиш.

Савол. Янги тузилаётган фан доктори илмий даражасини берувчи илмий кенгаш таркиби ким томонидан шакллантирилади ва тасдиқланади?

Жавоб. Янги тузилаётган фан доктори илмий даражасини берувчи илмий кенгаш таркиби лойиҳаси (жумладан, мукобиллик

асосида кенгаш раиси) кенгаш фаолият кўрсатиши режалаштирилаётган олий таълим ёки илмий-тадқиқот муассасаси томонидан шакллантирилиб, муассаса бўйсунадиган вазирлик ёки идорага кўриб чиқиш учун тақдим этилади. Кенгаш таркиби лойиҳаси кўриб чиқилиб, вазирлик ёки идора томонидан Ўзбекистон Республикаси ОАКга тасдиқлаш учун тавсия этилади. Янги тузиладиган фан доктори илмий даражасини берувчи илмий кенгаш таркиби Ўзбекистон Республикаси ОАК Раёсати қарори билан тасдиқланади.

Савол. Фан доктори илмий даражасини берувчи илмий кенгашнинг ваколати вақтинча тўхтатилган даврда кенгашга диссертацияни дастлабки кўриб чиқиш ёки ҳимоя учун қабул қилиш, шунингдек, бошқа ҳужжатларни кўриб чиқиш мумкинми?

Жавоб. Фан доктори илмий даражасини берувчи илмий кенгаш ваколати вақтинча тўхтатилган даврда кенгаш диссертацияни дастлабки кўриб чиқиш ёки ҳимоя учун қабул қилиши, шунингдек, бошқа ҳужжатларни кўриб чиқиши мумкин эмас. Шу давр ичида фан доктори илмий даражасини берувчи илмий кенгаш қабул қилган қарорлари ҳақиқий ҳисобланмайди.

Савол. Фан доктори илмий даражасини берувчи илмий кенгашнинг эксперт комиссияси аъзоси кўрилаётган диссертацияга расмий оппонент сифатида тасдиқланиши мумкинми?

Жавоб. Фан доктори илмий даражасини берувчи илмий кенгашнинг эксперт комиссияси аъзоси кўрилаётган диссертация соҳаси бўйича мутахассис сифатида кўрилаётган диссертация бўйича расмий оппонент этиб тасдиқланиши мақсадга мувофиқ.

Савол. Фан доктори илмий даражасини берувчи илмий кенгаш докторлик диссертацияси бўйича расмий оппонентларнинг барчасини четдан жалб қилиши мумкинми?

Жавоб. Мумкин, агарда кўрилаётган диссертация бўйича фан доктори илмий даражасини берувчи илмий кенгаш аъзолари диссертация муаллифи билан бир жойда ишласа ёки ҳаммуаллиф бўлса ёки бошқа чекланган ҳолатлар бўлса. Ушбу ҳолат диссертациянинг асосий илмий янгилиги ва амалий натижаларини эълон қилиш бўйича Ўзбекистон Республикаси ОАКга тақдим этиладиган хатда сабаби билан кўрсатилиши керак.

Савол. Фан доктори илмий даражасини берувчи илмий кенгаш аъзоси диссертация муаллифи билан бир муассасанинг турли тузилмаларида (кафедра, лаборатория ва бошқалар) фаолият кўрсатаётган бўлса, у расмий оппонент қилиб тасдиқланиши мумкинми?

Жавоб. Диссертацияга объектив хулоса бериш ва ижтимоий муносабатларни соғлом ташкил этишни эътиборга олган ҳолда фан доктори илмий даражасини берувчи илмий кенгаш аъзоси диссертация муаллифи билан бир муассасанинг турли тузилмаларида фаолият кўрсатаётган бўлса, уни расмий оппонент қилиб тасдиқлаш мақсадга мувофиқ эмас.

Савол. Фақат бир ихтисослик бўйича (масалан, 11.00.02-«Иқтисодий ва ижтимоий география» ихтисослиги) бажарилган диссертация мазмуни икки йўналишни қамраб олган бўлса (масалан, ижтимоий география ва тиббиёт масалалари), кенгашга қўшимча аъзоларни киритиш керакми? Киритиш керак бўлса, унинг тартиби қандай шакллантирилади?

Жавоб. Диссертация, масалан, 11.00.02-«Иқтисодий ва ижтимоий география» ихтисослиги бўйича бажарилиб, тадқиқот мазмунан ижтимоий география ва тиббиёт йўналишларини қамраб олган ҳолларда, кенгашга қўшимча аъзоларни киритиш мақсадга мувофиқ. Ушбу масала кенгаш таркибига ўзгартиришлар киритиш тартибида амалга оширилади.

Савол. Фан доктори илмий даражасини берувчи бир марталик илмий кенгашнинг фаолият кўрсатиш муддати борми?

Жавоб. Фан доктори илмий даражасини берувчи бир марталик илмий кенгашнинг фаолият кўрсатиш муддати 6 ойгача бўлиб, ушбу муддат олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар давлат аттестациясига ваколатли давлат органи Раёсатининг қарори билан тасдиқланади (бунда ихтисослик бўйича малакавий имтиҳонни топшириш эътиборга олинган).

Фаолият кўрсатиш муддати қуйидагиларни эътиборга олган ҳолда белгиланган: зарур ҳолларда ихтисослик бўйича малакавий имтиҳонни топшириш, диссертацияни фан доктори илмий даражасини берувчи бир марталик илмий кенгашга ҳимоя учун қабул қилиш ва уни илмий семинарда муҳокама қилиш; диссертация ҳимояси тўғрисидаги маълумотни эълон қилиш, авторефератни

чоп этиш ва тарқатиш, ишни етакчи ташкилотдан муҳокамадан ўтказиш ҳамда тегишли ишларни амалга ошириб, ҳимояни ўтказиш.

Савол. Олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар давлат аттестациясига ваколатли давлат органи Раёсати қарори билан тузилган фан доктори илмий даражасини берувчи бир марталик илмий кенгашда белгиланган муддат ичида диссертация ҳимояси ўтказилмаса, у ҳолда ҳимоя бошқа муддатда ўтказиладими?

Жавоб. Олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар давлат аттестациясига ваколатли давлат органи Раёсатининг қарори билан ташкил қилинган фан доктори илмий даражасини берувчи бир марталик илмий кенгашда белгиланган муддат ичида диссертация ҳимояси ўтказилмаса, мазкур илмий кенгаш диссертация ҳимояси ўтказилмагани сабабини кўрсатган ҳолда Ўзбекистон Республикаси ОАКга қайта мурожаат этиши ва унинг рухсати билан ҳимояни бошқа муддатда ўтказиш мумкин.

Савол. Фан доктори илмий даражасини берувчи илмий кенгаш аъзоларидан бошқа шахслар кенгаш мажлисида диссертация ҳимояси бўйича талабгорга савол бериши мумкинми?

Жавоб. Фан доктори илмий даражасини берувчи илмий кенгаш аъзоларидан бошқа шахслар диссертациянинг очиқ ҳимоясида илмий кенгаш раисининг рухсати билан талабгорга савол беришлари мумкин.

Савол. Фан доктори илмий даражасини берувчи илмий кенгаш аъзоларидан бошқа шахслар диссертациянинг очиқ ҳимоясида ишга ўз муносабатларини билдиришлари мумкинми?

Жавоб. Фан доктори илмий даражасини берувчи илмий кенгаш аъзоларидан бошқа шахслар диссертациянинг очиқ ҳимоясида кенгаш раисининг рухсати билан ишга ўз муносабатларини билдиришлари мумкин.

Савол. Фан доктори илмий даражасини берувчи илмий кенгаш аъзолари расмий оппонентга савол беришлари мумкинми?

Жавоб. Фан доктори илмий даражасини берувчи илмий кенгаш аъзолари расмий оппонентга савол беришлари мумкин.

Диссертациянинг илмий янгилиги ва амалий натижаларини амалиётга жорий этиш

Савол. Диссертациянинг илмий янгилиги ва амалий натижаларини амалиётга жорий этишнинг қандай турлари (шакллари) мавжуд?

Жавоб. Диссертациянинг илмий янгилиги ва амалий натижаларини амалиётга жорий этишнинг қуйидаги турлари (шакллари) мавжуд:

диссертациянинг амалиётга жорий этишга қабул қилинган натижаси (диссертациянинг илмий янгилиги ёки амалий натижаси (натижалари)нинг тадқиқот объектига мувофиқ ҳолда амалиётга жорий этилиб, тегишли самара (иқтисодий ёки ижтимоий) олингани белгиланган тартибда расмийлаштирилган ҳужжат билан тасдиқланган натижа);

диссертациянинг амалиётга жорий этишга қабул қилинган натижаси (диссертациянинг илмий янгилиги ёки амалий натижаси (натижалари)нинг тадқиқот объектига мувофиқ ҳолда амалиётга жорий қилиш учун қабул қилиниб, тегишли самара (иқтисодий ёки ижтимоий) кутилаётгани белгиланган тартибда расмийлаштирилган ҳужжат билан тасдиқланган натижа);

диссертациянинг амалиётга жорий этишга тавсия қилиш мумкин бўлган натижаси (диссертациянинг илмий янгилиги ёки амалий натижаси (натижалари)нинг тадқиқот объектига мувофиқ ҳолда амалиётга жорий этишга тавсия қилиш ва тегишли самара (иқтисодий ёки ижтимоий) олиш мумкин бўлган илмий натижа).

Савол. Диссертациянинг илмий янгилиги ва амалий натижаларини амалиётга жорий этишда қандай самара олиниши мумкин?

Жавоб. Диссертациянинг илмий янгилиги ва амалий натижаларини амалиётга жорий этишда иқтисодий (амалда, ҳисоб бўйича) ва ижтимоий самара олиниши мумкин.

Савол. Диссертациянинг илмий янгилиги ва амалий натижаларини амалиётга жорий этишда олинган ижтимоий самара қандай белгилар билан тавсифланади?

Жавоб. Диссертациянинг илмий янгилиги ва амалий натижаларини амалиётга жорий этишда олинган ижтимоий самара асосан назарий, методологик ва услубий аҳамият касб этиб, улар шу

йўналишда мавжуд бўлган ишлардан афзаллиги ҳамда уларнинг ижтимоий мақсадларга эришишга таъсири (натижалари) билан тавсифланади.

Савол. Диссертациянинг илмий янгилиги ва амалий натижаларини амалиётга жорий этилгани тўғрисидаги далолатнома ким томонидан имзоланади?

Жавоб. Диссертациянинг илмий янгилиги ва амалий натижаларини амалиётга жорий этилгани тўғрисидаги далолатнома тегишли бошқарув органи ёки ташкилот раҳбарияти томонидан тасдиқланиб, тегишли ишчи гуруҳи (комиссия) аъзолари томонидан имзоланади ва белгиланган тартибда шу ташкилотда рўйхатга олинади.

Савол. Диссертациянинг илмий янгилиги ва амалий натижаларини амалиётга жорий этилгани тўғрисидаги далолатноманинг иловасида келтирилган асосий маълумотлар далолатномада акс эттирилши керакми?

Жавоб. Диссертациянинг илмий янгилиги ва амалий натижаларини амалиётга жорий этилгани тўғрисидаги далолатномада унинг иловасида келтирилган асосий маълумотлар, албатта акс эттирилиши шарт.

Савол. Диссертациянинг илмий янгилиги ва амалий натижалари қандай объектларда амалиётга жорий қилиниши керак?

Жавоб. Диссертациянинг илмий янгилиги ва амалий натижалари тадқиқот объектига мос бўлган объектларга жорий қилинган бўлиши керак.

Савол. Диссертациянинг илмий янгилиги ва амалий натижаларининг ижтимоий самарага эгалигига қандай тузилма якуний хулоса беради?

Жавоб. Диссертациянинг илмий янгилиги ва амалий натижаларининг ижтимоий самарага эгалигига тегишли равишда шу йўналишда фаолият кўрсатаётган бошқарув органи, ташкилот ҳамда тегишли Республика илмий семинари ёки етакчи олий таълим ёки илмий-тадқиқот муассасаси якуний хулоса беради.

Илмий семинар

Савол. Диссертацияни муҳокама қилишда илмий семинар, илмий-методик семинар, муаммовий семинар ва бошқа номдаги семинарларнинг фарқи борми?

Жавоб. Семинарларнинг номи турлича бўлиши мумкин. Лекин, улар моҳиятан бирдир. Шунинг учун диссертацияни муҳокама қилишда илмий семинар, илмий-методик семинар, муаммовий семинар ва бошқа номдаги семинарларда ўтказилишининг ишга таъсири йўқ.

Савол. Малакавий имтиҳонлар тўлиқ топширилмаган ёки нашр ишларига қўйилган талаблар тўлиқ бажарилмаган ёки бошқа меъёрий талаблар бажарилмаган (қисман бажарилмаган) ҳолларда диссертацияни илмий семинарларда муҳокама қилиш мумкинми?

Жавоб. Малакавий имтиҳонлар тўлиқ топширилмаган ёки нашр ишларига қўйилган талаблар тўлиқ бажарилмаган ёки бошқа меъёрий талаблар бажарилмаган (қисман бажарилмаган) ҳолларда:

биринчидан, диссертацияни изланувчи бириктирилган муассаса тузилмасида (кафедра, лаборатория ва бошқалар) муҳокама қилиш мумкин;

иккинчидан, диссертацияни мазкур иш бажарилган муассаса илмий семинарида якуний муҳокама қилиш мумкин эмас;

учинчидан, диссертацияни фан доктори илмий даражасини берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинарда муҳокама қилиш мумкин эмас.

Савол. Малакавий имтиҳонлар тўлиқ топширилмаган ёки нашр ишларига қўйилган талаблар тўлиқ бажарилмаган ёки бошқа меъёрий талаблар бажарилмаган (қисман бажарилмаган) ҳолларда диссертация илмий семинарда якуний муҳокама қилинган бўлса, нима бўлади?

Жавоб. Малакавий имтиҳонлар тўлиқ топширилмаган ёки нашр ишларига қўйилган талаблар тўлиқ бажарилмаган ёки бошқа меъёрий талаблар бажарилмаган (қисман бажарилмаган) ҳолларда диссертация бажарилган муассаса ҳузуридаги ва фан доктори илмий даражасини берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинарларда муҳокама қилинган бўлса, уларнинг хулосаси ҳақиқий деб тан олинмайди ва баённомаси қабул қилинмайди.

Савол. Диссертацияни мажбурий равишда ўтказилиши керак бўлган илмий семинарлар борми?

Жавоб. Диссертация, албатта, иш бажарилган муассаса ва фан доктори илмий даражасини берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинарларда муҳокамалардан ўтказилиши шарт.

Савол. Изланувчи томонидан мустақил равишда диссертация муҳокамадан ўтказилган илмий семинар хулосаси фан доктори илмий даражасини берувчи илмий кенгаш томонидан асоссиз деб ҳисобланиши мумкинми?

Жавоб. Мумкин. Бундай ҳолларда фан доктори илмий даражасини берувчи илмий кенгаш, изланувчи илмий семинар хулосасини тақдим этган санадан бошлаб бир ойдан ошмаган муддат ичида фан доктори илмий даражасини берувчи илмий кенгаш раиси ва кенгаш аъзоси (аъзолари-экспертлар) томонидан имзоланган раддияни изланувчига бериши керак. Ушбу раддиянинг нусхаси илмий семинар фаолият кўрсатаётган муассаса раҳбарига жўнатилиши шарт (фан доктори илмий даражасини берувчи илмий кенгаш раиси номидан). Фан доктори илмий даражасини берувчи илмий кенгаш томонидан рад жавоби берилган ушбу илмий семинар хулосаси аттестация ишига илова қилинади, илмий кенгаш йиғилишида ахборот берилади.

Савол. Фан доктори илмий даражасини берувчи илмий кенгашга диссертация дастлабки кўриб чиқиш учун қабул қилингандан кейин, изланувчи ўзи мустақил равишда ишни бошқа илмий семинардан муҳокамадан ўтказиши мумкинми?

Жавоб. Йўқ, диссертация фан доктори илмий даражасини берувчи илмий кенгашга дастлабки кўриб чиқиш учун қабул қилингандан кейин барча ишлар мазкур илмий кенгаш тавсияси асосида амалга оширилади. Диссертация фақат фан доктори илмий даражасини берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинарда муҳокамадан ўтказилади.

Савол. Изланувчининг ташаббуси билан диссертацияни турли илмий семинарларда муҳокама қилиниш оралиғи неча кун бўлиши керак?

Жавоб. Изланувчининг ташаббуси билан диссертацияни турли илмий семинарларда муҳокама қилиниш оралиғи чегараланмайди. Масалан, учта илмий семинардан уч кун ичида ҳам ўтиш мумкин.

Чунки, ҳар бир илмий семинарда битта диссертация муҳокама қилинади.

Савол. Илмий семинарлар баённомалари ким томонидан имзоланади. Баённомага муҳр босиладими?

Жавоб. Илмий семинарлар баённомалари қуйидагилар томонидан имзоланади ва тегишли равишда баённомага муҳр босилади:

биринчидан, диссертация бажарилган ташкилот ҳузуридаги илмий семинар баённомаси ушбу семинар раиси ва котиби томонидан имзоланиб, муассаса раҳбарияти томонидан тасдиқланади ва муҳрланади;

иккинчидан, фан доктори илмий даражасини берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар баённомаси ушбу семинар раиси ва котиби томонидангина имзоланади. Баённомага муассаса кадрлар бўлимининг муҳри босилади.

Савол. Диссертация бажарилган ташкилот ҳузуридаги илмий семинар баённомасини тасдиқлаш учун баённомани муассаса раҳбарига ким тақдим этади?

Жавоб. Диссертация бажарилган ташкилот ҳузуридаги илмий семинар баённомасини тасдиқлаш учун баённомани муассаса раҳбарига илмий семинар раиси ёки илмий котиби тақдим этади.

Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг ўзга давлатларда диссертация ҳимоя қилиши

Савол. Ўзбекистон Республикаси фуқаролари ўзга давлатларда диссертация ҳимоя қилишлари учун Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясидан рухсат олиши керакми?

Жавоб. Ўзбекистон Республикаси фуқаролари ўзга давлатларда диссертация ҳимоя қилишлари учун белгиланган тартибда тегишли ҳолларда Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси рухсати ва йўлланмасини олишлари керак.

Савол. Ўзга давлатда белгиланган тартибда олий таълимдан кейинги таълим бўйича таҳсил олиб, диссертация тайёрлаган ёки давлатлараро келишув асосида диссертация ҳимоя килган Ўзбекистон Республикаси фуқароси ҳам диссертация ҳимояси учун Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясидан рухсатнома олиши керакми?

Жавоб. Ўзга давлатларда белгиланган тартибда олий таълимдан кейинги таълим бўйича таҳсил олиб, диссертация тайёрлаган

ёки давлатлараро келишув асосида диссертация ҳимоя қилган Ўзбекистон Республикаси фуқароси юқоридаги талаблардан мустасноднр.

Ўзга давлат фуқаросининг Ўзбекистон Республикасида диссертация ҳимоя қилиши тартиби

Савол. Ўзга давлатнинг фуқароси Ўзбекистон Республикасида диссертация ҳимоя қилиши учун ўз давлати тегишли органи (ташкилоти)нинг расмий йўлланма хати билан мурожаат этиши керакми?

Жавоб. Ўзга давлатнинг фуқароси Ўзбекистон Республикасида диссертация ҳимоя қилиши учун ўз давлати аттестация органи ёки тегишли ташкилот йўлланма хати билан белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигига мурожаат қилиши керак.

Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигининг расмий хати асосида мазкур масала Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясида кўриб чиқилиб, диссертацияни тегишли фан доктори илмий даражасини берувчи илмий кенгашга кўриб чикиш учун юборади.

Савол. Ўзбекистон Республикасида диссертация ҳимояси бўйича фан доктори илмий даражасини берувчи илмий кенгаш бўлмаган тақдирда чет эл фуқароси учун диссертация ҳимояси бўйича фан доктори илмий даражасини берувчи бир марталик илмий кенгаш ташкил этиладими?

Жавоб. Ўзбекистон Республикасида диссертация ҳимояси бўйича фан доктори илмий даражасини берувчи илмий кенгаш бўлмаган тақдирда чет эл фуқароси учун фан доктори илмий даражасини берувчи бир марталик илмий кенгаш ташкил этилмайди.

Савол. Ўзбекистон Республикасида белгиланган тартибда катта илмий ходимлар-изланувчилар институтида ўқиб ёки давлатлараро келишув асосида диссертация ҳимоя қиладиган чет эл фуқароси ҳам юқоридаги талабни бажариши керакми?

Жавоб. Ўзбекистон Республикасида белгиланган тартибда катта илмий ходимлар-изланувчилар институтида ўқиб ёки давлатлараро келишув асосида диссертация ҳимоя қиладиган чет эл фуқаросига юқоридаги талаб тегишли эмас.

Диссертация автореферати

Савол. Диссертация авторефератини чоп этиш учун матбаа корхонасига топшириладиган нусхасининг тегишли жойларига фан доктори илмий даражасини берувчи илмий кенгаш илмий котиби ва илмий даража талабгори имзо қўйишлари мумкинми?

Жавоб. Чоп этиш учун матбаа корхонасига топшириладиган диссертация автореферати нусхасининг тегишли жойларига илмий кенгаш илмий котиби ва илмий даража олишга талабгор имзо қўйишлари мумкин эмас. Чунки, автореферати чоп этишда матбаа-техник камчиликлар содир этилиши мумкин. Шунинг учун чоп этилган авторефератнинг ҳар бир нусхаси кўриб чиқилгандан кейин, унинг тегишли жойларига фан доктори илмий даражасини берувчи илмий кенгаш илмий котиби ва илмий даража талабгори имзо қўйишлари керак.

Савол. Диссертация автореферати матбаа корхонасида чоп этиш муддатлари белгиланганми?

Жавоб. Диссертация автореферати матбаа корхонасида чоп этиш муддати илмий кенгаш ёки муассаса ва матбаа корхонаси орасида тузилган шартномада белгиланади.

Савол. Диссертация автореферати рўйхатлар бўйича тегишли манзилларга етказилгандан кейин масъул шахс, масалан, расмий оппонент талаби билан авторефератга ўзгартириш киритиш мумкинми?

Жавоб. Диссертация автореферати рўйхатлар бўйича тегишли манзилларга етказилгандан кейин авторефератга ўзгартириш киритиш мутлақо мумкин эмас. Зарур ҳолларда бу масала Ўзбекистон Республикаси ОАК рухсати билан амалга оширилади.

Аттестация ишини Ўзбекистон Республикаси ОАКга тақдим этиш ва меъёрий-техник экспертизадан ўтказиш

Савол. Ўзбекистон Республикаси ОАКга аттестация ишлари, тегишли илмий кенгашлар фаолиятига оид бошқа ҳужжатларни ким тақдим этиши керак?

Жавоб. Илмий даража ва фан доктори илмий даражасини берувчи илмий кенгаш фаолиятига оид барча ҳужжатлар Ўзбекистон

Республикаси ОАКга мазкур кенгаш илмий котиби томонидан тақдим этилади:

– илмий унвонларга ҳамда ОТМ ва ИТМ кенгаш фаолиятига оид барча ҳужжатлар мазкур илмий кенгаш илмий котиби томонидан тақдим этилади;

– баъзи сабабларга кўра тегишли илмий котиб йўқлигида, илмий даражага оид ҳужжатларни фан доктори илмий даражасини берувчи илмий кенгаш раиси ёки унинг ўринбосари, шунингдек, илмий унвонларга тегишли ҳужжатларни ОТМ ва ИТМ томонидан вакил қилинган шахслар тақдим этадилар.

Савол. Илмий даража талабгорининг аттестация иши норматив-техник экспертизадан ўтмаса, у ҳолда аттестация ишини Ўзбекистон Республикаси ОАКга топшириш меъёрий муддати узайтириладими?

Жавоб. Йўқ, аттестация ишини топшириш муддати узайтирилмайди. Чунки, ушбу ҳолат аттестация ишини тайёрлаш ва расмийлаштиришда фан доктори илмий даражасини берувчи илмий кенгаш ёки ОТМ ва ИТМ кенгаши томонидан низомлар ва меъёрий талабларига риоя этмаслик сабабли келиб чиққандир.

Савол. Аттестация иши норматив-техник экспертизаси бўйича Ўзбекистон Республикаси ОАК масъул ходими ва тегишли илмий кенгашнинг илмий котиби фикрлари ўртасида меъёрий жиҳатдан тафовут келиб чиқса, бундай ҳолат қандай ҳал этилади?

Жавоб. Бундай ҳолатда масала ОАКнинг тегишли тузилмаси бошлиғи, зарур ҳолларда Ўзбекистон Республикаси ОАК Бош илмий котиби томонидан кўриб чиқилади.

Савол. Илмий даража талабгорининг аттестация иши меъёрий-техник экспертизадан ўтмаса, у ҳолда аттестация ишини Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясига қайта топшириш тартиби қандай?

Жавоб. Фан доктори илмий даражасини берувчи илмий кенгаш аттестация ишидаги тегишли норматив-техник хатолик (хатоликлар)ни тўғирлаб, қўшимча йўлланма хат билан ҳужжатни Ўзбекистон Республикаси ОАКга қайта тақдим этади.

Савол. Аттестация иши Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясига тақдим этилгандан кейин қайси муддатда якуний қарор қабул қилинади?

Жавоб. Аттестация иши Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясига тақдим этилган кундан бошлаб якуний қарор қабул қилиш муддати тўғрисида қуйидагиларни кўрсатиб ўтиш керак:

биринчидан, тегишли низомлар талабларига мувофиқ илмий даража ва илмий унвонлар талабгорларининг аттестация ишлари бўйича Ўзбекистон Республикаси ОАКга тақдим этилгандан бошлаб 3 ой муддат ичида якуний қарор қабул қилиниши керак;

иккинчидан, аттестация ишини кўриб чиқишнинг мазкур муддатига июль-август ойлари киритилмайди (бу ойларда эксперт кенгашлари ва Ўзбекистон Республикаси ОАК Раёсати фаолият кўрсатмайди);

учинчидан, аттестация ишини кўриб чиқиш муддатига тегишли эксперт кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси ОАК Раёсатининг ўтадиган мажлислари кунлари маълум даражада таъсир кўрсатади. Масалан, аттестация иши муайян ойнинг 15-куни тақдим этилган бўлса, унинг кўрилиш муддати учинчи ойнинг 15-куни якунланиши керак бўлади. Лекин, Ўзбекистон Республикаси ОАК Раёсатининг мажлислари ҳар ойнинг охирги тегишли куни ўтиши амалиётини эътиборга олган ҳолда мазкур аттестация иши тегишли (учинчи) ойнинг, масалан, 27-куни ўтказиладиган мажлисида кўриб чиқилиб, якуний қарор қабул қилинади;

тўртинчидан, зарур ҳолларда аттестация ишининг кўриб чиқилиш муддати Ўзбекистон Республикаси ОАК Раёсатининг тегишли қарори билан муайян муддатга узайтирилиши мумкин.

Ҳужжатларни расмийлаштириш

Савол. Фан доктори илмий даражасини берувчи илмий кенгаш ҳужжатларига муҳр босиладими?

Жавоб. Фан доктори илмий даражасини берувчи илмий кенгашнинг ҳужжатларига у фаолият кўрсатаётган муассасанинг гербли ва тегишли равишда бошқа муҳри босилади.

Савол. Фан доктори илмий даражасини берувчи илмий кенгаш мажлислари баённомалари ва қарорлари у фаолият кўрсатаётган муассаса раҳбарияти томонидан тасдиқланадими?

Жавоб. Фан доктори илмий даражасини берувчи илмий кенгаш мажлислари баённомалари ва қарорлари у фаолият кўрсатаётган муассаса раҳбарияти томонидан тасдиқланмайди.

Савол. Изланувчининг объектив-маълумотномаси ва меҳнат дафтарчасидан кўчирма ким томонидан имзоланади, ушбу ҳужжатларга қандай муҳр босилади?

Жавоб. Изланувчининг объектив-маълумотномаси ва меҳнат дафтарчасидан кўчирма изланувчининг асосий иш жойидан кадрлар бўлими масъул ходими томонидан имзоланади ва тегишли муҳри босилади.

Савол. Ташкилотнинг фирма бланкасига муҳр босиладими?

Жавоб. Ташкилотнинг фирма бланкаси белгиланган тартибда матбаа корхонасида тайёрланган ва рақамланган бўлса муҳр босилмайди.

Агарда ташкилотнинг фирма бланкаси компьютер нусхада ёки белгиланган тартибда рақамланмаган бўлса, у ҳолда муҳр босилади. Бунда фирма бланкаси ташкилот раҳбари томонидан имзоланган бўлса, албатта, гербли муҳри босилади.

Савол. Аттестация ишини тегишли равишда расмийлаштириш ва ҳужжатлар холислигига ким жавоб беради?

Жавоб. Аттестация ишини мавжуд талаблар асосида расмийлаштириш ва ҳужжатларнинг ҳаққонийлигига илмий кенгаш раиси ва илмий котиб баб-баробар жавоб берадилар.

Савол. Фан доктори илмий даражасини берувчи илмий кенгаш ҳужжатларига муҳр босиладими?

Жавоб. Фан доктори илмий даражасини берувчи илмий кенгаш ҳамда олий таълим ёки илмий-тадқиқот муассасаси кенгашининг барча ҳужжатларига муҳр босилади.

Савол. Ўзбекистон Республикаси ОАКга тақдим этилаётган ҳужжатларни, сўровнома бўйича тайёрланган маълумотларни ва бошқа ҳужжатларни тўғридан-тўғри Ўзбекистон Республикаси ОАК бўлимларига тақдим этиш мумкинми?

Жавоб. Ўзбекистон Республикаси ОАКга тақдим этилаётган барча ҳужжатлар белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилиши шарт. Ўзбекистон Республикаси ОАКда рўйхатдан ўтказилмасдан, тўғридан-тўғри бўлимларга тақдим этилган ҳар қандай ҳужжат юридик кучга эга эмас, тегишли масала кўрилаётган вақтда улар эътиборга олинмайди.

Дипломлар ва аттестатларни ўзгартириш ва дубликатларини олиш

Савол. Ўзбекистон Республикаси ОАК Раёсати қарори билан илмий даражаси ёки илмий унвони тасдиқланган мутахассиснинг дипломи ёки аттестатида унинг фамилияси, исми ва отасининг исми қандай ҳужжатга асосланиб расмийлаштирилади?

Жавоб. Ўзбекистон Республикаси ОАК Раёсати қарори билан илмий даражаси ёки илмий унвони тасдиқланган мутахассиснинг дипломи ёки аттестати мутахассис ва кенгаш илмий котиби ёки нотариус томонидан тасдиқланган фуқаролик паспорти нусхаси асосида расмийлаштирилади.

Савол. Ўзбекистон Республикаси ОАК Раёсати қарори билан илмий даражаси ёки илмий унвони тасдиқланган мутахассисга тегишли ҳужжат (диплом, аттестат) қандай муддатда берилади?

Жавоб. Ўзбекистон Республикаси ОАК Раёсати қарори қабул қилинган кундан бошлаб профессор илмий унвони аттестати соҳибига 5 иш куни ичида тантанали вазиятда; фан доктори илмий даражаси дипломи ҳамда доцент ва катта илмий ходим илмий унвонлари аттестати соҳибларига бир ой муддат ичида берилади.

Савол. Илмий даражаси ёки илмий унвони тасдиқланган мутахассиснинг фамилияси, исми ва отасининг исми ўзгарган тақдирда илмий даража ёки илмий унвон берилганлиги тўғрисидаги диплом ёки аттестат янгиси билан алмаштириладими?

Жавоб. Мутахассиснинг фамилияси, исми ва отасининг исми ўзгарган тақдирда унга берилган диплом ёки аттестат янгиси билан алмаштирилмайди.

Савол. Аттестация иши Ўзбекистон Республикаси ОАКда кўрилиш жараёнида бўлган талабгорнинг исми шарифи бўйича ўзгаришлар бўлса, илмий даража тўғрисидаги диплом ёки илмий унвон тўғрисидаги аттестатни шахснинг ўзгарган исм-шарифи билан расмийлаштириш юзасидан мурожаат қилиш мумкинми?

Жавоб. Аттестация иши кўрилиш жараёнида бўлган талабгорнинг исми шарифи ўзгарган бўлса, ушбу масала юзасидан тегишли илмий кенгаш Ўзбекистон Республикаси ОАКга расмий хат билан мурожаат қилиши мумкин. Мазкур йўлланма хатга талабгорнинг аризаси, янги паспортининг нотариус томонидан тасдиқланган

нусхаси илова қилиниши шарт. Шундай ҳолларда илмий даража тўғрисидаги диплом ёки илмий унвон тўғрисидаги аттестат талабгорнинг исми шарифидаги ўзгаришларни эътиборга олган ҳолда расмийлаштирилади. Лекин, ушбу ишлар Ўзбекистон Республикаси ОАК Раёсати қарори қабул қилингунга қадар амалга оширилиши шарт.

Савол. Илмий даража дипломини ёки илмий унвон аттестатини йўқотган шахсга Ўзбекистон Республикаси ОАК томонидан кандай ҳужжат берилади?

Жавоб. Илмий даража дипломи ёки илмий унвон аттестатини йўқотган шахсга янги тартиб рақами қўйилган дубликат илгари топширилган дипломга батамом мувофиқ равишда расмийлаштирилади (ҳужжатга «Дубликат» деб кўрсатилади).

Савол. Илмий даража дипломи ёки илмий унвон аттестатини йўқотган шахс янги тартиб рақами қўйилган дубликатни олиш учун Ўзбекистон Республикаси ОАКга қандай ҳужжатлар топширади?

Жавоб. Илмий даража дипломи ёки илмий унвон аттестатини йўқотган шахс янги тартиб рақами қўйилган дубликатни олиш учун Ўзбекистон Республикаси ОАКга қуйидаги ҳужжатларни топширади: ҳужжат йўқотган шахснинг аризаси; ички ишлар органига қарашли топилмалар столидан маълумотнома; ҳужжат йўқолганлиги тўғрисида маълумот берилган республика газетаси (бир нусхада); тўлов амалга оширилганлиги бўйича банк органи квитанцияси.

Савол. Илмий даража дипломи ёки илмий унвон аттестатини йўқотган шахс янги тартиб рақами қўйилган дубликатни олиш учун Ўзбекистон Республикаси ОАКга ҳужжатлар топширганидан кейин дубликат қандай муддатда олинади?

Жавоб. Барча ҳужжатлар Ўзбекистон Республикаси ОАКга топширилган кундан бошлаб бир ой ичида дубликатни олиш мумкин.

X боб

НОРМАТИВ-ҲУҚУҚИЙ ҲУЖЖАТЛАР ТАЛАБЛАРИ АСОСИДА ТЕГИШЛИ АТТЕСТАЦИЯ ТАДБИРЛАРИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ БЎЙИЧА ТЕСТ САВОЛЛАРИ[1]

Фан доктори илмий даражасини берувчи илмий кенгаш фаолияти бўйича

1. Фан доктори илмий даражасини берувчи илмий кенгаш (илмий кенгаш) қандай орган томонидан тузилади?

а) олий таълим ёки илмий-тадқиқот муассасаси ҳузуридаги илмий кенгаш мазкур муассаса раҳбарининг буйруғига биноан тузилади;

б) олий таълим ёки илмий-тадқиқот муассасаси ҳузуридаги илмий кенгаш мазкур муассаса бўйсунувчи тегишли бошқарув органи қарори билан тузилади;

в) олий таълим ёки илмий-тадқиқот муассасаси ҳузуридаги илмий кенгаш мазкур муассаса бўйсунувчи тегишли бошқарув органининг илтимосномасига биноан Ўзбекистон Республикаси ОАК Раёсати қарори билан тузилади.

2. Илмий кенгаш диссертацияларни кўпи билан нечта ихтисослик ёки фан тармоғи бўйича ҳимояга қабул қилиши мумкин?

а) илмий кенгаш диссертацияларни кўпи билан иккита ихтисослик ёки фан тармоғи бўйича ҳимояга қабул қилиши мумкин;

б) илмий кенгаш диссертацияларни кўпи билан учта ихтисослик ёки фан тармоғи бўйича ҳимояга қабул қилиши мумкин;

в) илмий кенгаш диссертацияларни кўпи билан тўртта ихтисослик ёки фан тармоғи бўйича ҳимояга қабул қилиши мумкин.

3. Илмий кенгаш аъзоларининг сони энг ками билан неча киши бўлиши керак?

---

[1] Тест саволларининг охирги жавоблари норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар талабларига мос келади.

а) илмий кенгаш аъзоларининг сони энг ками билан 9 (тўққиз) нафардан иборат бўлиши керак;

б) илмий кенгаш аъзоларининг сони энг ками билан 10 (ўн) нафардан иборат бўлиши керак;

в) илмий кенгаш аъзоларининг сони энг ками билан 11 (ўн бир) нафардан иборат бўлиши керак.

4. Илмий кенгаш таркибида кенгашга диссертациялар ҳимоясига рухсат берилган ҳар бир фан тармоғининг тегишли ихтисослиги бўйича камида неча нафар фан доктори бўлиши керак?

а) кенгаш таркибида кенгашга диссертациялар ҳимоясига рухсат берилган ҳар бир фан тармоғининг тегишли ихтисослиги бўйича камида 3 (уч) нафар фан доктори бўлиши керак;

б) кенгаш таркибида кенгашга диссертациялар ҳимоясига рухсат берилган ҳар бир фан тармоғининг тегишли ихтисослиги бўйича камида 4 (тўрт) нафар фан доктори бўлиши керак;

в) кенгаш таркибида кенгашга диссертациялар ҳимоясига рухсат берилган ҳар бир фан тармоғининг тегишли ихтисослиги бўйича камида 5 (беш) нафар фан доктори бўлиши керак.

5. Илмий кенгаш аъзолари ўз вазифаларини кандай ташкилий асосда бажарадилар?

а) илмий кенгаш аъзолари ўз вазифасини ойлик маош олиш асосида бажаради;

б) илмий кенгаш аъзолари ўз вазифасини шартнома асосида бажаради;

в) илмий кенгаш аъзолари ўз вазифасини жамоатчилик асосида бажаради.

6. Илмий кенгаш таркиби қанча муддатга тасдиқланади?

а) илмий кенгаш таркиби ҳар йили умумий таркибининг камида 15 фоизини янгилаб бориш шарти билан беш йил муддатга тасдиқланади;

б) илмий кенгаш таркиби ҳар йили умумий таркибининг камида 15 фоизини янгилаб бориш шарти билан тўрт йил муддатга тасдиқланади;

в) илмий кенгаш таркиби ҳар йили умумий таркибининг камида 15 фоизини янгилаб бориш шарти билан билан уч йил муддатга тасдиқланади.

7. Илмий кенгаш таркибида узлуксиз ишлаш муддати чегараланадими?

а) илмий кенгаш таркибида узлуксиз ишлашнинг умумий муҳлати бир муддатдан ошмаслиги шарт;

б) илмий кенгаш таркибида узлуксиз ишлашнинг умумий муҳлати уч муддатдан ошмаслиги шарт;

в) илмий кенгаш таркибида узлуксиз ишлашнинг умумий муҳлати икки муддатдан ошмаслиги шарт.

8. Илмий даража талабгори учун илмий кенгашдаги ўз диссертацияси ҳимоясига оид ҳамма материаллар билан танишиш ва малакали ёрдам олиш имконияти яратиб бериладими?

а) илмий даража талабгори учун илмий кенгашдаги ўз диссертацияси ҳимоясига оид ҳамма материаллар билан танишиш, ҳимояга тааллуқли барча масалалар хусусида илмий кенгаш раҳбариятидан малакали ёрдам олиш имконияти шароитга қараб яратиб берилади;

б) илмий даража талабгори учун илмий кенгашдаги ўз диссертацияси ҳимоясига оид ҳамма материаллар билан танишиш, ҳимояга тааллуқли барча масалалар хусусида илмий кенгаш раҳбариятидан малакали ёрдам олиш имконияти уларнинг хоҳишига қараб яратиб берилади;

в) илмий даража талабгори учун илмий кенгашдаги ўз диссертацияси ҳимоясига оид ҳамма материаллар билан танишиш, ҳимояга тааллуқли барча масалалар хусусида илмий кенгаш раҳбариятидан малакали ёрдам олиш имконияти яратиб берилиши зарур.

9. Илмий кенгаш аъзолари орасидан диссертация ихтисослиги бўйича эксперт комиссияси қачон тузилади?

а) илмий кенгаш қошидаги илмий семинарга тегишли ҳужжатлар берилгунга қадар илмий кенгаш аъзоларининг орасидан диссертация ихтисослиги бўйича учта мутахассисдан иборат эксперт комиссияси тузилади;

б) илмий кенгаш қошидаги илмий семинарга тегишли ҳужжатлар берилган бир вақтда илмий кенгаш аъзоларининг орасидан диссертация ихтисослиги бўйича учта мутахассисдан иборат эксперт комиссияси тузилади;

в) илмий кенгаш қошидаги илмий семинарнинг ижобий хулосаси олинганидан сўнг илмий кенгаш аъзоларининг орасидан

диссертация ихтисослиги бўйича учта мутахассисдан иборат эксперт комиссияси тузилади.

10. Илмий кенгаш диссертацияни қандай ҳужжатлар асосида ҳимояга қабул қилади?

а) илмий кенгаш диссертацияни илмий кенгаш қошидаги илмий семинар ва илмий кенгаш эксперт комиссиясининг хулосалари асосида ҳимояга қабул қилади;

б) илмий кенгаш диссертацияни иш бажарилган муассаса ва илмий кенгаш қошидаги илмий семинар хулосалари асосида ҳимояга қабул қилади;

в) илмий кенгаш диссертацияни иш бажарилган муассаса, илмий кенгаш қошидаги илмий семинар ва илмий кенгаш эксперт комиссиясининг хулосалари асосида ҳимояга қабул қилади.

11. Илмий кенгашнинг диссертацияни ҳимояга қабул килиб олиш тўғрисидаги қарорига овоз беришнинг қайси шакли (очиқ, ёпиқ) ва нисбати мақбул деб топилади?

а) илмий кенгашнинг диссертацияни ҳимояга қабул қилиб олиш тўғрисидаги қарори, агар уни ёпиқ овоз бериш тарзида мажлисда қатнашаётган илмий кенгаш аъзоларининг учдан икки қисми ёқласа, мақбул деб топилади;

б) илмий кенгашнинг диссертацияни ҳимояга қабул қилиб олиш тўғрисидаги қарори, агар уни очиқ овоз бериш тарзида мажлисда қатнашаётган илмий кенгаш аъзоларининг учдан икки қисми ёқласа, мақбул деб топилади;

в) илмий кенгашнинг диссертацияни ҳимояга қабул қилиб олиш тўғрисидаги қарори, агар уни очиқ овоз бериш тарзида мажлисда қатнашаётган илмий кенгаш аъзоларининг кўпчилиги ёқласа, мақбул деб топилади.

12. Илмий кенгаш раиси қўлёзма ҳуқуқидаги авторефератни качон чоп этишга рухсат беради ва ҳимоя кунини тайинлайди?

а) илмий кенгаш раиси ҳимоя тўғрисида Ўзбекистон Республикаси ОАК веб-сайтида эълон бериш учун ҳужжатлар топширилган куни қўлёзма ҳуқуқидаги авторефератни чоп этишга рухсат беради ва ҳимоя кунини тайинлайди;

б) илмий кенгаш раиси диссертация илмий кенгашга ҳимоя учун қабул қилинган кундан кейин қўлёзма ҳуқуқидаги автореферати чоп этишга рухсат беради ва ҳимоя кунини тайинлайди;

в) илмий кенгаш раиси ҳимоя тўғрисида Ўзбекистон Республикаси ОАК веб-сайтида эълон берилганидан сўнг қўлёзма ҳуқуқидаги автореферати чоп этишга рухсат беради ва ҳимоя кунини тайинлайди.

13. Диссертация ҳимояси ўтказиладиган манзил, ҳимоя куни ва соати қайси муддатда ва усулда маълум қилинади?

а) диссертация ҳимояси ўтказиладиган манзил, ҳимоя куни ва соати ҳимоядан камида бир ой аввал автореферат етказилиши шарт бўлган асосий ва қўшимча рўйхатлар бўйича уни тарқатиш йўли билан ҳамда республика газеталарининг бирида эълон бериш орқали маълум қилинади;

б) диссертация ҳимояси ўтказиладиган манзил, ҳимоя куни ва соати ҳимоядан камида ўн иш куни аввал автореферат етказилиши шарт бўлган асосий ва қўшимча рўйхатлар бўйича уни тарқатиш йўли билан ҳамда республика газеталарининг бирида эълон бериш ва илмий кенгаш веб-саҳифаси орқали маълум қилинади;

в) диссертация ҳимояси ўтказиладиган манзил, ҳимоя куни ва соати ҳимоядан камида бир ой аввал автореферат етказилиши шарт бўлган асосий ва қўшимча рўйхатлар бўйича уни тарқатиш йўли билан ҳамда республика газеталарининг бирида эълон бериш ва илмий кенгаш веб-саҳифаси орқали маълум қилинади.

14. Диссертация авторефератн илмий кенгаш аъзолари ва Ўзбекистон Республикаси ОАКга ким томонидан топширилади?

а) диссертация авторефератн илмий кенгаш аъзолари ва Ўзбекистон Республикаси ОАКга илмий кенгаш илмий котиби ва изланувчи томонидан реестр асосида топширилади;

б) диссертация авторефератн илмий кенгаш аъзолари ва Ўзбекистон Республикаси ОАКга илмий изланувчи томонидан шахсан реестр асосида топширилади;

в) диссертация авторефератн илмий кенгаш аъзолари ва Ўзбекистон Республикаси ОАКга илмий кенгаш илмий котиби томонидан шахсан реестр асосида топширилади.

15. Диссертация автореферати расмий оппонентлар ва етакчи ташкилотга қандай етказилади?

а) диссертация автореферати расмий оппонентлар ва етакчи ташкилотга илмий кенгаш илмий котиби томонидан реестр асосида шахсан топширилади;

б) диссертация автореферати расмий оппонентлар ва етакчи ташкилотга илмий кенгаш котиби ва изланувчи томонидан реестр асосида шахсан топширилади;

в) диссертация автореферати расмий оппонентлар ва етакчи ташкилотга кузатув хати билан бирга етказилади.

16. Диссертация автореферати асосий ва қўшимча рўйхатлар бўйича тегишли (юридик ва жисмоний) шахсларга қандай етказилади?

а) диссертация автореферати асосий ва қўшимча рўйхатлар бўйича тегишли (юридик ва жисмоний) шахсларга илмий кенгаш илмий котиби томонидан реестр асосида шахсан топширилади;

б) диссертация автореферати асосий ва қўшимча рўйхатлар бўйича тегишли (юридик ва жисмоний) шахсларга кузатув хати билан бирга етказилади;

в) диссертация автореферати асосий ва қўшимча рўйхатлар бўйича тегишли (юридик ва жисмоний) шахсларга алоқа бўлими (почта) орқали етказилади.

17. Илмий кенгаш мажлисида аъзоларнинг қанча қисми қатнашса мажлис ҳақиқий ҳисобланади?

а) илмий кенгаш мажлиси, агар унинг ишида илмий кенгаш аъзоларининг камида оддий кўпчилиги ҳамда ҳимоя қилинаётган диссертациянинг ҳар бир ихтисослиги бўйича камида уч нафар фан доктори қатнашсагина ҳақиқий ҳисобланади;

б) илмий кенгаш мажлиси, агар унинг ишида илмий кенгаш аъзоларининг камида учдан икки қисми ҳамда ҳимоя қилинаётган диссертациянинг ҳар бир ихтисослиги бўйича уч нафар фан доктори қатнашса ҳақиқий ҳисобланади;

в) илмий кенгаш мажлиси агар унинг ишида илмий кенгаш аъзоларининг камида учдан икки қисми ҳамда ҳимоя қилинаётган диссертациянинг ҳар бир ихтисослиги бўйича камида уч нафар фан доктори қатнашса ҳақиқий ҳисобланади.

Фан доктори илмий даражасини тасдиқлаш бўйича

1. Диссертация қайси тилда ёзилиши керак?

а) диссертация, изланувчининг хоҳишига кўра, ўзбек ёки рус тилларининг бирида ёзилиши мумкин;

б) диссертация, изланувчининг хоҳишига кўра, ўзбек, рус, қорақалпоқ ёки инглиз тилларининг бирида ёзилиши мумкин;

в) диссертация, изланувчининг хоҳишига кўра, ўзбек, рус, қорақалпоқ ёки инглиз тилларининг бирида ёхуд тегишли ҳолатларда Ўзбекистон Республикаси ОАК рухсати билан бошқа тилда ёзилиши мумкин.

2. Мутахассисга диссертация ҳимоясисиз фан доктори илмий даражаси бериш мумкинми?

а) мутахассисга диссертация ҳимоясисиз фан доктори илмий даражаси бериш мумкин эмас;

б) мутахассисга диссертация ҳимоясисиз фан доктори илмий даражаси фан доктори илмий даражасини берувчи илмий кенгаш ёки тегишли муассаса илмий кенгашининг қарори асосида берилиши мумкин;

в) фан ва технологияларни ривожлантириш ҳамда иқтисодиёт тармоқларини модернизация қилишга улкан ҳисса қўшган ихтиро муаллифига Ўзбекистон Республикаси ОАК Раёсатининг қарори билан истисно тариқасида диссертация ҳимоясисиз фан доктори илмий даражаси берилиши мумкин.

3. Диссертация авторефератида келтирилган илмий ишлар диссертация мавзуига қатъиян мувофиқ бўлиши керакми?

а) диссертация авторефератида келтирилган илмий ишлар диссертация мавзуига қатъиян мувофиқ бўлиши шарт эмас;

б) диссертация авторефератида келтирилган илмий ишлар диссертация мавзуига қисман мувофиқ бўлиши керак;

в) диссертация авторефератида келтирилган илмий ишлар диссертация мавзуига қатъиян мувофиқ бўлиши керак.

4. Нашрга топширилган бўлса-да, лекин ҳали чоп этилмаган илмий ишни диссертация ва диссертация авторефератида келтириш мумкинми?

а) нашрга топширилган бўлса-да, лекин ҳали чоп этилмаган илмий иш диссертация ва диссертация автореферати да келтирилиши мумкин;

б) нашрга топширилган бўлса-да, лекин ҳали чоп этилмаган илмий иш диссертация ва диссертация автореферати да тегишли нашриётнинг расмий маълумотномаси асосида келтирилиши мумкин;

в) нашрга топширилган бўлса-да, лекин ҳали чоп этилмаган илмий иш диссертация ва диссертация автореферати да келтирилиши мумкин эмас.

5. Изланувчининг илмий иши (илмий мақола ва бошқалар) ҳаммуаллифликда тайёрланган бўлса, у илмий ишдан ўз диссертациясида қисман ёки тўла фойдаланиш учун ҳаммуаллиф (ҳаммуаллифлар)нинг ёзма розилигини олиши зарурми?

а) изланувчининг илмий иши (илмий мақола ва бошқалар) ҳаммуаллифликда тайёрланган бўлса, у илмий ишдан ўз диссертациясида қисман ёки тўла фойдаланиш учун ҳаммуаллиф (ҳаммуаллифлар)нинг ёзма розилигини олиши шарт эмас;

б) изланувчининг илмий иши (илмий мақола ва бошқалар) ҳаммуаллифликда тайёрланган бўлса, у илмий ишдан ўз диссертациясида қисман ёки тўла фойдаланиш учун ҳаммуаллиф (ҳаммуаллифлар)нинг ёзма розилигини олиши мақсадга мувофиқ;

в) изланувчининг илмий иши (илмий мақола ва бошқалар) ҳаммуаллифликда тайёрланган бўлса, у ҳар бир муаллифнинг ҳиссасини холис акс эттириши лозим ва илмий ишдан ўз диссертациясида қисман ёки тўла фойдаланиш учун ҳаммуаллиф (ҳаммуаллифлар)нинг ёзма розилигини олиши зарур.

6. Диссертацияни кўриб чиқиш учун иш бажарилган ташкилотга кўриб чиқиш учун топширилган кундан эътиборан қандай муддатда хулоса тадқиқотчига берилиши керак?

а) диссертацияни кўриб чиқиш учун иш бажарилган ташкилотга кўриб чиқиш учун топширилган кундан эътиборан бир ойдан кечиктирилмасдан хулоса муаллифга берилиши керак;

б) диссертацияни кўриб чиқиш учун иш бажарилган ташкилотга кўриб чиқиш учун топширилган кундан эътиборан 1,5 (бир ярим) ойдан кечиктирилмасдан хулоса муаллифга берилиши керак;

в) диссертацияни кўриб чиқиш учун иш бажарилган ташкилотга кўриб чиқиш учун топширилган кундан эътиборан 2 (икки) ойдан кечиктирилмасдан хулоса муаллифга берилиши керак.

7. Диссертация бажарилган муассасанинг мазкур иш юзасидан берган хулосасининг сифати, холислиги ва тайёрлаш муддатига ким масъул ҳисобланади?

а) диссертация бажарилган муассасанинг мазкур иш юзасидан берган хулосасининг сифати, холислиги ва тайёрлаш муддати учун тегишли илмий семинар раиси масъул;

б) диссертация бажарилган муассасанинг мазкур иш юзасидан берган хулосасининг сифати, холислиги ва тайёрлаш муддати учун тегишли илмий семинар раиси ва тақризчилар масъул;

в) диссертация бажарилган муассасанинг мазкур иш юзасидан берган хулосасининг сифати, холислиги ва тайёрлаш муддати учун шу муассаса раҳбари ва семинар раиси масъул.

8. Диссертация бажарилган муассаса томонидан иш дастлабки экспертизадан ўтказилганидан сўнг, белгиланган рўйхатдаги ҳужжатлар қандай ҳолатда бўлганда илмий кенгаш диссертацияни дастлабки кўриб чиқиш учун қабул қилиб олади?

а) рўйхатдаги ҳужжатлар мукаммал бўлмаган тақдирда ҳам кейинчалик уларни тўлдириш шарти билан илмий кенгаш диссертацияни дастлабки кўриб чиқиш учун қабул қилиб олади;

б) диссертация бажарилган муассаса томонидан иш дастлабки экспертизадан ўтказилганидан сўнг, белгиланган рўйхатдаги ҳужжатлар қисман мукаммал бўлганда илмий кенгаш диссертацияни дастлабки кўриб чиқиш учун қабул қилиб олади;

в) диссертация бажарилган муассаса томонидан иш дастлабки экспертизадан ўтказилганидан сўнг, белгиланган рўйхатдаги ҳужжатлар мукаммал бўлганда илмий кенгаш диссертацияни дастлабки кўриб чиқиш учун қабул қилиб олади.

9. Илмий кенгашда диссертацияни дастлабки кўриб чиқиш муддати қанча муддатни ташкил этади?

а) илмий кенгашда диссертацияни дастлабки кўриб чиқиш муддати изланувчи ҳужжат топширган кундан бошлаб 1 (бир) ойдан ошмаслиги керак;

б) илмий кенгашда диссертацияни дастлабки кўриб чиқиш муддати изланувчи ҳужжат топширган кундан бошлаб 1,5 (бир ярим) ойдан ошмаслиги керак;

в) илмий кенгашда диссертацияни дастлабки кўриб чиқиш муддати изланувчи ҳужжат топширган кундан бошлаб 2 (икки) ойдан ошмаслиги керак.

10. Илмий кенгаш қошидаги илмий семинарнинг таркиби нечта аъзодан иборат бўлиши керак?

а) илмий кенгаш қошидаги илмий семинарнинг таркиби камида 9 нафар аъзодан иборат бўлиши керак;

б) илмий кенгаш қошидаги илмий семинарнинг таркиби камида 12 нафар аъзодан иборат бўлиши керак;

в) илмий кенгаш қошидаги илмий семинарнинг таркиби камида 15 нафар аъзодан иборат бўлиши керак.

11. Илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раҳбарияти диссертацияни кимдан қабул қилиб олади?

а) илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раҳбарияти диссертацияни илмий кенгаш раиси (ўринбосари)нинг йўлланмаси асосида изланувчидан қабул қилиб олади;

б) илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раҳбарияти диссертацияни илмий кенгаш раиси (ўринбосари)нинг йўлланмаси асосида илмий кенгаш илмий котиби ва изланувчидан қабул қилиб олади;

в) илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раҳбарияти диссертацияни илмий кенгаш раиси (ўринбосари)нинг йўлланмаси асосида илмий кенгаш илмий котибидан қабул қилиб олади.

12. Илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раҳбарияти диссертация билан танишиб чиқиш учун нечта тақризчини тайинлайди?

а) илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раҳбарияти диссертация билан танишиб чиқиш учун бир нафар тақризчи тайинлайди;

б) илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раҳбарияти диссертация билан танишиб чиқиш учун 3 нафар тақризчи тайинлайди;

в) илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раҳбарияти диссертация билан танишиб чиқиш учун 2 нафар тақризчи тайинлайди.

13. Илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раҳбарияти томонидан диссертация билан танишиб чиқиш учун тайинланган тақризчилар қанча муддатда ўз тақризларини тайёрлашлари ва кимга тақдим этишлари керак?

а) илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раҳбарияти томонидан диссертация билан танишиб чиқиш учун тайинланган тақризчилар 1 (бир) ойгача бўлган муддатда асосли тақризларини тадқиқотчига тақдим этишлари керак;

б) илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раҳбарияти томонидан диссертация билан танишиб чиқиш учун тайинланган тақризчилар бир ҳафтагача бўлган муддатда асосли тақризларини илмий семинар илмий котибига тақдим этишлари керак;

в) илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раҳбарияти томонидан диссертация билан танишиб чиқиш учун тайинланган тақризчилар 15 (ўн беш) кунгача бўлган муддатда асосли тақризларини илмий семинар илмий котибига тақдим этишлари шарт.

14. Илмий кенгаш қошидаги илмий семинар илмий котиби изланувчини тақризлар билан илмий семинар мажлисидан камида неча кун олдин таништириши керак?

а) илмий кенгаш қошидаги илмий семинар илмий котиби изланувчини тақризлар билан илмий семинар мажлисидан камида 10 (ўн) кун олдин таништириши керак;

б) илмий кенгаш қошидаги илмий семинар илмий котиби изланувчини тақризлар билан илмий семинар мажлисидан камида 2 (икки) кун олдин таништириши керак;

в) илмий кенгаш қошидаги илмий семинар илмий котиби изланувчини тақризлар билан илмий семинар мажлисидан камида 5 (беш) кун олдин таништириши керак.

15. Илмий кенгаш қошидаги илмий семинар мажлисининг кун тартиби неча кун олдин маълум қилинади?

а) илмий кенгаш қошидаги илмий семинар мажлисининг кун тартиби илмий семинар аъзоларига мажлисдан камида 5 (беш) кун олдин семинар илмий котиби томонидан тарқатилади;

б) илмий кенгаш қошидаги илмий семинар мажлисининг кун тартиби илмий семинар аъзоларига мажлисдан камида 5 (беш) кун олдин семинар илмий котиби томонидан жамоатчиликка эълон қилинади;

в) илмий кенгаш қошидаги илмий семинар мажлисининг кун тартиби илмий семинар аъзоларига мажлисдан камида 5 (беш) кун олдин семинар илмий котиби томонидан тарқатилади ва жамоатчиликка эълон қилинади.

16. Илмий кенгаш қошидаги илмий семинар мажлиси унинг ишида аъзоларнинг неча қисми қатнашса, ваколатли ҳамда унинг қарори қандай ҳолатда ижобий ҳисобланади?

а) илмий кенгаш қошидаги илмий семинар мажлиси агар унинг таркибидаги аъзоларнинг тўртдан уч қисми қатнашса, ваколатли ҳамда мажлисда қатнашаётган илмий семинар аъзоларининг тўртдан уч қисми ёқлаб овоз берса, қарор қабул қилинган деб ҳисобланади;

б) илмий кенгаш қошидаги илмий семинар мажлиси агар унинг таркибидаги аъзоларнинг оддий кўпчилиги қатнашса, ваколатли ҳамда мажлисда қатнашаётган илмий семинар аъзоларининг бешдан тўрт қисми ёқлаб овоз берса, қарор қабул қилинган деб ҳисобланади;

в) илмий кенгаш қошидаги илмий семинар мажлиси агар унинг таркибидаги аъзоларнинг учдан икки қисми қатнашса, ваколатли ҳамда мажлисда қатнашаётган илмий семинар аъзоларининг камида учдан икки қисми ёқлаб овоз берса, қарор қабул қилинган деб ҳисобланади.

17. Илмий кенгаш қошидаги илмий семинар мажлиси қарори овоз беришнинг қандай шакли (очиқ, ёпиқ) асосида қабул қилинади?

а) илмий кенгаш қошидаги илмий семинар мажлиси қарори ёпиқ овоз бериш орқали қабул қилинади;

б) илмий кенгаш қошидаги илмий семинар мажлиси қарори, илмий семинар аъзоларининг хоҳишига қараб, очиқ ёки ёпиқ овоз бериш орқали қабул қилинади;

в) илмий кенгаш қошидаги илмий семинар мажлиси қарори очиқ овоз бериш орқали қабул қилинади.

18. Илмий кенгаш қошидаги илмий семинар мажлисининг баённомаси ким томонидан имзоланади ҳамда баённома муҳрланадими?

а) илмий кенгаш қошидаги илмий семинар мажлисининг баённомаси семинар мажлисига раислик ва илмий котиблик қилувчи томонидан имзоланади, лекин муҳрланмайди;

б) илмий кенгаш қошидаги илмий семинар мажлисининг баённомаси семинар мажлисига раислик қилувчи томонидан имзоланади ҳамда илмий кенгаш фаолият кўрсатиб турган муассасанинг гербли муҳри билан муҳрланади;

в) илмий кенгаш қошидаги илмий семинар мажлисининг баённомаси семинар мажлисига раислик ва илмий котиблик қилувчилар томонидан имзоланади ҳамда илмий кенгаш фаолият кўрсатиб турган муассасанинг муҳри билан муҳрланади.

19. Илмий кенгаш қошидаги илмий семинар мажлисининг баённомасига мажлисда қатнашган аъзолар ва таклиф этилган шахсларнинг қайд варақаси илова қилинадими?

а) илмий кенгаш қошидаги илмий семинар мажлисининг баённомасига мажлисда қатнашган аъзоларининг қайд варақаси илова қилинади;

б) илмий кенгаш қошидаги илмий семинар мажлисининг баённомасига мажлисда қатнашган аъзолар ва таклиф этилган шахсларнинг қайд варақаси илова қилинмайди;

в) илмий кенгаш қошидаги илмий семинар мажлисининг баённомасига мажлисда қатнашган аъзолар ва таклиф этилган шахсларнинг қайд варақаси нусхаси илова қилинади.

20. Расмий оппонентнинг тақризи илмий даража талабгорига диссертация ҳимоясидан қанча муддат олдин топширилади?

а) расмий оппонентнинг тақризи илмий даража талабгорига диссертация ҳимоясидан камида 15 (ўн беш) кун олдин топширилади;

б) расмий оппонентнинг тақризи илмий даража талабгорига диссертация ҳимоясидан камида икки ҳафта олдин топширилади;

в) расмий оппонентнинг тақризи илмий даража талабгорига диссертация ҳимоясидан камида 10 (ўн) кун аввал топширилади.

21. Расмий оппонент тақризи талабга жавоб бермай, илмий кенгаш тақризни унга қайтарган ёки бошқаси билан алмаштирган ҳолларда диссертация ҳимояси бошқа кунга қолдирилиши мумкинми?

а) расмий оппонент тақризи талабга жавоб бермай, илмий кенгаш тақризни унга қайтарган ёки бошқаси билан алмаштирган ҳолларда диссертация ҳимояси бошқа кунга қолдирилмайди;

б) расмий оппонент тақризи талабга жавоб бермай, илмий кенгаш тақризни унга қайтарган ёки бошқаси билан алмаштирган ҳолларда диссертация ҳимояси бошқа кунга қолдирилиши мумкин;

в) расмий оппонент тақризи талабга жавоб бермай, илмий кенгаш тақризни унга қайтарган ёки бошқаси билан алмаштирган ҳолларда диссертация ҳимояси бошқа кунга қолдирилади.

22. Етакчи ташкилот тақризи қандай расмийлаштирилади, кимлар томонидан имзоланади ва тасдиқланади?

а) етакчи ташкилот тақризи илмий семинар баённомасидан кенгайтирилган батафсил кўчирма шаклида ёзилиб, семинар раиси томонидан имзоланади ва ташкилот раҳбари томонидан тасдиқланади;

б) етакчи ташкилот тақризи илмий семинар баённомасидан кенгайтирилган батафсил кўчирма шаклида ёзилиб, семинар раиси ва илмий котиби томонидан имзоланади ва ташкилот раҳбари томонидан тасдиқланади;

в) етакчи ташкилот тақризи илмий семинар баённомасидан кенгайтирилган батафсил кўчирма шаклида ёзилиб, семинар раиси ва илмий котиби томонидан имзоланади ҳамда ташкилот раҳбари ёки раҳбар ўринбосари томонидан тасдиқланади.

23. Етакчи ташкилот ўз тақризи нусхасини илмий даража талабгорига диссертация ҳимоясидан қанча муддат олдин топширади?

а) етакчи ташкилот тақризининг нусхаси илмий даража талабгорига диссертация ҳимоясидан камида 15 (ўн беш) кун олдин топширилади;

б) етакчи ташкилот тақризининг нусхаси илмий даража талабгорига диссертация ҳимоясидан камида икки ҳафта олдин топширилади;

в) етакчи ташкилот тақризининг нусхаси илмий даража талабгорига диссертация ҳимоясидан камида 10 (ўн) кун аввал топширилади.

24. Етакчи ташкилот тақризи талабга жавоб бермай, илмий кенгаш уни етакчи ташкилотга қайтарган ёки етакчи ташкилотни бошқаси билан алмаштирган ҳолларда диссертация ҳимояси бошқа кунга қолдирилиши мумкинми?

а) етакчи ташкилот тақризи талабга жавоб бермай, илмий кенгаш уни етакчи ташкилотга қайтарган ёки етакчи ташкилотни бошқаси билан алмаштирган ҳолларда диссертация ҳимояси бошқа кунга қолдирилмайди;

б) етакчи ташкилот тақризи талабга жавоб бермай, илмий кенгаш уни етакчи ташкилотга қайтарган ёки етакчи ташкилотни бошқаси билан алмаштирган ҳолларда диссертация ҳимояси бошқа кунга қолдирилиши мумкин;

в) етакчи ташкилот тақризи талабга жавоб бермай, илмий кенгаш уни етакчи ташкилотга қайтарган ёки етакчи ташкилотни бошқаси билан алмаштирган ҳолларда диссертация ҳимояси бошқа кунга қолдирилади.

25. Илмий кенгаш, зарур ҳолларда, хорижий мамлакатларнинг тегишли олий таълим муассасалари ва илмий марказларини етакчи ташкилот сифатида ҳамда таниқли олим-мутахассисларни расмий оппонент этиб тайинлаши мумкинми?

а) илмий кенгаш, зарур ҳолларда, хорижий мамлакатларнинг тегишли олий таълим муассасалари ва илмий марказларини етакчи ташкилот сифатида ҳамда таниқли олим-мутахассисларни расмий оппонент этиб тайинлаши мумкин эмас;

б) илмий кенгаш, зарур ҳолларда, хорижий мамлакатларнинг тегишли олий таълим муассасалари ва илмий марказларини етакчи ташкилот сифатида ҳамда таниқли олим-мутахассисларни Ўзбекистон Республикаси ОАК билан келишган ҳолда расмий оппонент этиб тайинлаши мумкин;

в) илмий кенгаш, зарур ҳолларда, хорижий мамлакатларнинг тегишли олий таълим муассасалари ва илмий марказларини етакчи ташкилот сифатида ҳамда таниқли олим-мутахассисларни расмий оппонент этиб тайинлаши мумкин.

26. Диссертация бўйича салбий тақризлар берилган ҳолларда илмий кенгаш, изланувчининг хоҳишига кўра, диссертацияни ҳимояга қабул қилиш масаласини кўриб чиқиши мумкинми?

а) диссертация бўйича салбий тақризлар берилган ҳолларда илмий кенгаш, изланувчининг хоҳишига кўра, диссертацияни ҳимояга қабул қилиш масаласини кўриб чиқиши мумкин эмас;

б) диссертация бўйича салбий тақризлар берилган ҳолларда олинган салбий тақриз ва хулосалар диссертация бажарилган муассаса томонидан асосли эмас деб топилган тақдирда, илмий кенгаш тадқиқотчининг хоҳишига кўра, диссертацияни ҳимояга қабул қилиш масаласини кўриб чиқиши мумкин;

в) диссертация бўйича салбий тақризлар берилган ҳолларда олинган салбий тақриз ва хулосалар илмий кенгашнинг эксперт комиссияси томонидан асосли эмас деб топилган тақдирда, илмий кенгаш изланувчининг хоҳишига кўра, диссертацияни ҳимояга қабул қилиш масаласини кўриб чиқиши мумкин.

27. Диссертацияга ижобий тақриз берган расмий оппонентлардан бир нафари диссертация ҳимоясида иштирок эта олмаган тақдирда диссертация ҳимояси ўтказиладими?

а) диссертацияга ижобий тақриз берган расмий оппонентлар диссертация ҳимоясида иштирок этишлари шарт;

б) диссертацияга ижобий тақриз берган расмий оппонентлардан фақат бир нафари узрли сабаб билан иштирок эта олмаган тақдирда диссертация ҳимоясига рухсат берилади.

28. Диссертация ҳимояси тугаганидан сўнг илмий кенгаш илмий даража талабгорига фан доктори илмий даражасини бериш тўғрисидаги масалани овоз беришнинг қандай шакли (очиқ, ёпиқ) асосида ҳал этади:

а) диссертация ҳимояси тугаганидан сўнг илмий кенгаш илмий даража талабгорига фан доктори илмий даражасини бериш тўғрисидаги масалани очиқ овоз бериш йўли билан ҳал этади;

б) диссертация ҳимояси тугаганидан сўнг илмий кенгаш илмий даража талабгорига фан доктори илмий даражасини бериш тўғрисидаги масалани илмий кенгаш аъзоларининг хоҳишига қараб очиқ ёки ёпиқ овоз бериш йўли билан ҳал этади;

в) диссертация ҳимояси тугаганидан сўнг илмий кенгаш илмий даража талабгорига фан доктори илмий даражасини бериш тўғрисидаги масалани яширин овоз бериш йўли билан ҳал этади.

29. Фан доктори илмий даражаси тасдиқланган мутахассисга илмий даража ҳақидаги ҳужжат (фан доктори дипломи) қанча муддат давомида расмийлаштирилади?

а) фан доктори илмий даражаси тасдиқланган мутахассисга фан доктори дипломи унинг илмий даражасини тасдиқлаш бўйича Ўзбекистон Республикаси ОАК Раёсатининг қарори қабул қилинган кундан бошлаб икки ой муддат давомида расмийлаштирилади;

б) фан доктори илмий даражаси тасдиқланган мутахассисга фан доктори дипломи унинг илмий даражасини тасдиқлаш бўйича Ўзбекистон Республикаси ОАК Раёсатининг қарори қабул қилинган кундан бошлаб бир ярим ой муддат давомида расмийлаштирилади;

в) фан доктори илмий даражаси тасдиқланган мутахассисга фан доктори дипломи унинг илмий даражасини тасдиқлаш бўйича Ўзбекистон Республикаси ОАК Раёсатининг қарори қабул қилинган кундан бошлаб йигирма кун ичида расмийлаштирилади.

30. Илмий даража ҳақидаги ҳужжат (диплом)ни йўқотган шахсга бериладиган дубликат қандай расмийлаштирилади?

а) илмий даража ҳақидаги ҳужжат (диплом)ни йўқотган шахсга янги тартиб рақами қўйилган дубликат унинг паспортига батамом мувофиқ равишда берилади;

б) илмий даража ҳақидаги ҳужжат (диплом)ни йўқотган шахсга янги тартиб рақами қўйилган дубликат илгари берилган дипломга батамом мувофиқ равишда берилади.

31. Фан докторининг фамилияси, исми ва отасининг исми ўзгарган тақдирда диплом янгиси билан алмаштириладими?

а) фан докторининг фамилияси, исми ва отасининг исми ўзгарган тақдирда диплом унинг паспортига мувофиқ алмаштирилади;

б) фан докторининг фамилияси, исми ва отасининг исми ўзгарган тақдирда диплом янгиси билан алмаштирилмайди.

Илмий унвонлар бериш тартиби бўйича

1. Катта илмий ходим илмий унвони, мақомига кўра, доцент илмий унвонига тенглаштириладими?

а) катта илмий ходим илмий унвони, мақомига кўра, доцент илмий унвонига тенглаштирилмайди;

б) катта илмий ходим илмий унвони, мақомига кўра, доцент илмий унвонига тенглаштирилади.

2. Мутахассис ўқиётган маъруза курслари, илмий ва ўқув-услубий ишлари илмий унвон сўралаётган кафедра ёки ихтисослик йўналишига мос келиши керакми?

а) мутахассис ўқиётган маъруза курслари, илмий ва ўқув-услубий ишлар илмий унвон сўралаётган кафедра ёки ихтисослик йўналишига мос келиши шарт эмас;

б) мутахассис ўқиётган маъруза курслари, илмий ва ўқув-услубий ишлари илмий унвон сўралаётган кафедра ёки ихтисослик йўналишига қисман мос келиши керак;

в) мутахассис ўқиётган маъруза курслари, илмий ва ўқув-услубий ишлар илмий унвон сўралаётган кафедра ёки ихтисослик йўналишига мос келиши керак.

3. Нашр этилган ўқув адабиётлари, жумладан, дарслик белгиланган тартибда педагогик амалиётда фойдаланиш учун тавсия этилган бўлиши керакми?

а) нашр этилган ўқув адабиётлари, жумладан, дарслик педагогик амалиётда фойдаланиш учун тавсия этилиши шарт эмас;

б) нашр этилган ўқув адабиётлари, жумладан, дарслик белгиланган тартибда педагогик амалиётда фойдаланиш учун тавсия этилган бўлиши керак.

4. Олий таълим ёки илмий-тадқиқот муассасаси кенгашининг талабгорга илмий унвон бериш ҳақидаги қарори қандай шаклдаги овоз бериш билан қабул қилинади?

а) олий таълим ёки илмий-тадқиқот муассасаси кенгашининг талабгорга илмий унвон бериш ҳақидаги қарори очиқ овоз билан қабул қилинади;

б) олий таълим ёки илмий-тадқиқот муассасаси кенгашининг талабгорга илмий унвон бериш ҳақидаги қарори яширин овоз билан қабул қилинади.

5. Олий таълим ёки илмий-тадқиқот муассасаси кенгаши мажлиси унинг ишида аъзоларнинг қанча қисми қатнашганда ваколатли ҳамда илмий унвон бериш масаласи юзасидан унинг қарори қандай ҳолатда ижобий ҳисобланади?

а) олий таълим ёки илмий-тадқиқот муассасаси кенгаши мажлиси, агар унинг ишида аъзоларнинг камида учдан икки қисми қатнашса ҳамда илмий унвон бериш масаласи юзасидан унинг қарори, агар мажлисда қатнашган кенгаш аъзоларининг камида тўртдан уч қисми ёқлаб овоз берса, ижобий ҳисобланади;

б) олий таълим ёки илмий-тадқиқот муассасаси кенгаши мажлиси, агар унинг ишида аъзоларнинг камида учдан икки қисми қатнашса, ваколатли ҳамда илмий унвон бериш масаласи юзасидан унинг қарори, агар мажлисда қатнашган кенгаш аъзоларининг камида учдан икки қисми ёқлаб овоз берса, ижобий ҳисобланади;

в) олий таълим ёки илмий-тадқиқот муассасаси кенгаши мажлиси, агар унинг ишида аъзоларнинг камида учдан икки қисми қатнашса, ваколатли ҳисобланади. Муассаса кенгашининг илмий унвон бериш масаласи юзасидан қарори, агар мажлисда қатнашган кенгаш аъзоларининг камида учдан икки қисми ёқлаб овоз берса, ижобий ҳисобланади.

6. Олий таълим ёки илмий-тадқиқот муассасаси кенгашининг қарори қабул қилинган кундан бошлаб қандай муддатда аттестация иши Ўзбекистон Республикаси ОАКга тақдим этилиши керак?

а) олий таълим ёки илмий-тадқиқот муассасаси кенгашининг қарори қабул қилинган кундан бошлаб 10 (ўн) иш куни ичида аттестация иши Ўзбекистон Республикаси ОАКга тақдим этилиши керак;

б) олий таълим ёки илмий-тадқиқот муассасаси кенгашининг қарори қабул қилинган кундан бошлаб икки ҳафта ичида аттестация иши Ўзбекистон Республикаси ОАКга тақдим этилиши керак;

в) олий таълим ёки илмий-тадқиқот муассасаси кенгашининг қарори қабул қилинган кундан бошлаб бир ой ичида аттестация иши Ўзбекистон Республикаси ОАКга тақдим этилиши керак.

7. Илмий унвонлар бериш бўйича аттестация ишларини расмийлаштириш тартибини қандай ташкилот белгилайди?

а) илмий унвонлар бериш бўйича аттестация ишларини расмийлаштириш тартибини олий таълим ёки илмий-тадқиқот муассасаси кенгаши белгилайди;

б) илмий унвонлар бериш бўйича аттестация ишларини расмийлаштириш тартибини муассаса бўйсунадиган вазирлик ёки идора белгилайди;

в) илмий унвонлар бериш бўйича аттестация ишларини расмийлаштириш тартибини Ўзбекистон Республикаси ОАК белгилайди.

8. Илмий унвон ҳақидаги ҳужжат (аттестат)ни йўқотган шахсга бериладиган дубликат қандай расмийлаштирилади?

а) илмий унвон ҳақидаги ҳужжат (аттестат)ни йўқотган шахсга янги тартиб рақами қўйилган дубликат унинг паспортига батамом мувофиқ равишда берилади;

б) илмий унвон ҳақидаги ҳужжат (аттестат)ни йўқотган шахсга янги тартиб рақами қўйилган дубликат илгари берилган дипломга батамом мувофиқ равишда берилади.

9. Илмий унвони тасдиқланган мутахассиснинг фамилияси, исми ва отасининг исми ўзгарган тақдирда аттестат янгиси билан алмаштириладими?

а) илмий унвони тасдиқланган мутахассиснинг фамилияси, исми ва отасининг исми ўзгарса, аттестат унинг паспортига мувофиқ алмаштирилди;

б) илмий унвони тасдиқланган мутахассиснинг фамилияси, исми ва отасининг исми ўзгарса, аттестат янгиси билан алмаштирилмайди.

Малакавий имтиҳонлар бўйича

1. Малакавий имтиҳонларни қабул қилиш ҳуқуқига эга бўлган муассасалар имтиҳон қабул қилиш ҳуқуқи бўлмаган бошқа ташкилотлардан келган изланувчилардан ҳам мазкур имтиҳонларни олишлари мумкинми?

а) малакавий имтиҳонларни қабул қилиш ҳуқуқи берилган муассасалар имтиҳон қабул қилиш ҳуқуқи бўлмаган бошқа ташкилотлардан келган талабгорлардан мазкур имтиҳонларни олишлари мумкин;

